ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Шавкат Раҳматуллаев

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТИ

(туркий сўзлар)

Тошкент
"Университет"
2000

www.ziyouz.com kutubxonasi

Этимологик луғат ўзбек тилшунослигида даст— лабги тажриба сифатида яратилди, шунга кўра у айрим нуқсонлардан холи бўлмаслиги мумкин. Ушбу луғат туркий тиллар бўйича мавжуд изланишларга таяниб тузилди ва этимологик талқинлар оммабоп йўсинда берилди.

Луғат барча тил шинавандаларига, биринчи галда зиёлиларга, шу жумладан олий ўқув юртлари ва ўрта мактаб ўқитувчиларига, шунингдек талаба— ларга мўлжалланган.

Ушбу луғатнинг юзага келишида ташаббускор бў–либ, доим қўллаб–қувватлаган ЎзМУ ректори академик Т.Н.Долимовга чексиз миннатдорчилик билдираман.

Тақризчилар: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти лексикология ва лексикография бўлими; **Отақўзи Азизов** — ЎзМУ профессори, филология фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Россия таълим академиясининг хорижий аъзоси.

© "Университет" нашриёти, 2000.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИРИШ

Ўзбек тилининг этимологик луғатини тузишга интилганлар бўлди, лекин илмий ишларда айрим сўзларга тарихий-этимологик изоҳ беришдан нарига ўтилмади. Даҳрнинг кажрафторини қарангки, бундай луғат тузиш менинг зиммамга юкланди. Мен бу ишга академик Тўрабек Долимовнинг ТошДУ илмий ишлар бўйича проректори давридаги қатъий даъватидан кейингина рози бўлдим: "Бошқа тиллар, шу жумладан рус тили бўйича этимологик луғат тузилган-у, нимага бундай луғат ўзбек тили бўйича тузилмаган?! Албатта тузиш керак. Майли, қисқа бўлсин, содда бўлсин, лекин бошлаб беринг". Бир қанча манбаларни ўрганиб, ўзбек тили луғатининг тарихий тадрижини озми-кўпми англай бошлаганимдан кейингина бу савобли ишни бажаришга жазм қилдим. Бажарилган ишнинг натижаси 1997– – 1999– йилларда "Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати" номи билан чоп қилинган тўрт китобчада ўз аксини топди.

Луғатдаги барча мақолаларни бевосита ўзим туздим. Бажарган ишимни синовдан ўтказиш мақсадида бошқа мутахассисларни ҳам жалб қилдим. Мен билан бир вақтда мақолаларнинг маълум бир қисмини **а, и** ҳарфлари бўйича проф. М.Миртожиев, **у, э, ў, г, д, ж, к, т** ҳарфлари бўйича доц. М.Қодиров тузди. Мен булар тузиб берган мақолаларни ўзим тузган мақолаларга таққослаб, озми-кўпми фойдаландим, шунинг учун уларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Чоп қилинган тўрт китобчани яхлит ҳолатга келтириш муносабати билан манбаларни яна бир бор синчиклаб ўрганиб, мақолаларнинг талай қисмини қайта туздим, йўл қўйган хато-камчиликларимни аниқлаб, бартараф қилдим. Ўзбек тилшунослигида этимологик луғат дастлабги тажриба тариқасида яратилаётгани сабабли ушбу иш камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмаслиги табиий; келгуси тузувчилар бундан-да тўлиқроқ ва мукаммалроқ этимологик луғат тузадилар деган умиддаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлингиздаги луғатга сўзлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" бўйича тузилди. Дастлаб ўзбек адабий тили луғат бойлигидаги туркий қатламга этимологик изоҳ бериш мақсад қилиб олингани туфайли ушбу изоҳли луғатдаги бошқа тиллардан олинган сўзлар назардан соқит қилинди, шу билан бирга бошқа тиллардан олинган сўзлар асосида ясалган, тузилган сўзлар ҳам ҳозирча чегириб қўйилди.

Шундай чегиришлардан кейин ажратилган туркий сўзларнинг жуда катта қисми этимологик изоҳга муҳтож эмас. Этимологик изоҳ бериш лозим сўзларнинг бир қисмига эса бугунги кунда шундай изоҳ бериш учун имкон йўқ. Хуллас, юқоридаги чекланишлардан кейин ушбу луғатда 2400дан ортиқ сўз қамраб олинди. Бу миқдорни шева сўзлари ҳисобига, туркий сўзга бошқа тилдан олинган қўшимчани қўшиб ясалган сўзлар ҳисобига бойитиш мумкин. Бундай сўзларга этимологик изоҳ бериш – галдаги вазифалардан бири.

Луғатдан кенг жамоатчилик фойдаланишини кўзда тутиб тилшунослик терминлари деярли ишлатилмади, шарҳлар оммабоп йўсинда, ихчам тарзда баён қилинди.

ЛУҒАТ МАҚОЛАСИНИНГ ТАРКИБИ

Луғат мақоласи талқин қилинаётган сўз билан ёки ҳавола сўз билан бошланади, бу сўзлар қатъий алифбо тартибида жойланиб, бош ҳарфлар билан терилди.

Талқин қилинаётган сўз ва ҳавола сўз амалдаги ўзбек кирилл алифбосида ёзилди, фақат **е, ё, ю, я** ҳарфлари ўрнига икки товушни ифодалашига кўра икки ҳарф ёзилди; аксинча, бир товушни ифодалашига кўра **нг** ҳарф тизмаси ўрнига **ң** ҳарфи ёзилди: **ойоқ, уйал–; âң, жаң, соң** каби; шу йўл билан талқин қилинаётган сўзнинг товуш таркибини аниқ кўрсатишга эришилди.

Луғат мақоласида талқин қилинаётган **с ў з л а р н и в а у л а р н и н г қ и с м л а р и н и** ёзишда ўзбек кирилл алифбосидан туркий луғатшунослик анъаналарига кўра қуйидагича фойдаланилди:

1) **а** ҳарфи билан қадимги туркий тилдаги бироз ортқироқ кенг унли товуш ифодаланди: **б а й р а қ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ҳозирги ёзувда бу товуш ўрнига қараб **о** ёки **а** ҳарфи билан ифодаланади: **б а й р о қ** каби);

2) **ä** ҳарфи билан олдинги қатор кенг унли товуш ифодаланди: **б ä й р ä м** (ҳозирги ёзувда **а** ҳарфи билан ифодаланади: **б а й р а м** каби);

3) **â** ҳарфи билан ўзбек тилидаги ортқи қатор лаблашган кенг унли товуш ифодаланди: **б ä й р â қ** (ҳозирги ёзувда **о** ҳарфи билан ифодаланади: **б а й р о қ** каби);

4) **о** ҳарфи билан ортқи қатор ўрта кенг унли товуш ифодаланди: **б о й и н** (ҳозирги ёзувда **ў** ҳарфи билан ифодаланади: **б ў й и н** каби);

5) **ö** ҳарфи билан юмшоқ **о** унлиси ифодаланди: **б ö к ä** (ҳозирги ёзувда **ў** ҳарфи билан ифодаланади: **б ў к а** каби);

6) **ў** ҳарфи билан юмшоқ **у** унлиси ифодаланди: **б ў к ў р** (ҳозирги ёзувда **у** ҳарфи билан ифодаланади: **б у к у р** каби);

7) **ы** ҳарфи билан қаттиқ **и** унлиси ифодаланди: **б ы қ ы н** (ҳозирги ёзувда **и** ҳарфи билан ифодаланади: **б и қ и н** каби);

8) **ж** ҳарфи билан портловчи қоришиқ ундош ифодаланди: **ж ä б д у қ, ж и з з ä** каби;

9) **ң** ҳарфи билан қоришиқ бурун ундоши ифодаланди: **кең , тиңлä–** каби;

10) **ź** ҳарфи билан қадимги туркий тилдаги айрим сўзларда учраган қоришиқ **дз** ундоши ифодаланди: **тоź– (> той–), тоź– (> тос–)** каби;

11) **w** ҳарфи қадимги туркий тилдаги айрим сўзларда юмшоқ **в** ундошини ифодалаш учун ёзилди: **қaw, қawур–, қawуш–** каби;

12) унлининг чўзиқлиги ҳарфдан кейин икки нуқта қўйиб ифодаланди: **б а: л ч и қ, б е: ш, б и: т, б у: т I** каби;

13) **е, ё, ю, я** ҳарфлари ўрнига икки товушни кўрсатишига биноан икки ҳарф ёзилди: **й ä л п и** (**я л – п и** ўрнига), **й е л к а** (**е л к а** ўрнига), **й â з** (**ё з** ўрнига), **й у к** (**ю к** ўрнига) каби;

14) Девондаги сўзлар таркибида ишлатилган **ӫ** ҳарфи ўзича сақланди: **кӫкрä, кӫз–, кӫң** каби;

www.ziyouz.com kutubxonasi

15) сўзларни луғатга киритишда ҳарфларнинг алифбодаги тартибига риоя қилинди, фақат, сўз ичидаги алифбо тартибида туркий луғатчилик анъанасига биноан **ң** ҳарфли сўз **н** ҳарфли сўздан кейин жойланди: **чанғи, чаң** каби; икки товушни кўрсатувчи **е, ё, ю, я** ҳарфлари алифбо сирасидан чиқарилиб, **й** ҳарфи мақолалари таркибида **йе, йи, йо, йу, йў** тартиби билан жойланди.

Ҳавола сўздан кейин **қ** қисқартмаси қўйилиб, луғатда талқини берилган сўз келтирилди ва бу сўз қора кичик ҳарфлар билан ёзилди.

Бош сўз феъл бўлса, туркий тиллар луғатида мавжуд анъанага биноан кетига чизиқча қўйилди. Бу чизиқча феъл асосига ҳали грамматик маъно ифода-ловчи қўшимчалар қўшилмаганини билдиради. Феъллар луғатга асос ҳолатида киритилгани сабабли уларнинг лексик маъносига берилган таъриф охирига ҳам чизиқча қўйилди.

Худди феълларда бўлганидек, от туркумида ҳам сўз асосига грамматик маъно ифодаловчи қўшимча қўшилади, лекин бирорта ҳам луғатга от асос ҳолатида киритилмайди. Асли отларни ҳам, худди феълларда қилинганидек, луғатга асос ҳолатида киритиш, яъни кетига чизиқча қўйиш мантиқан тўғри, лекин луғатчилик анъанасидан четга чиқмаслик учун ушбу луғатда ҳам от асоси кетига чизиқча қўйилмади.

Луғат мақоласида бош сўздан кейин талқин қилинаётган сўзнинг маъноси таърифланди, бу таъриф тирноқларга олинди. Агар талқин қилинаётган сўз кўп маъноли бўлса, асосан бош маъноси, зарур ўринларда икки маъноси келтирилди. Маъно таърифлари ЎТИЛга суянган ҳолда мустақил тузилди. Маъно таърифини беришдан асосий мақсад – биринчидан, луғатдан фойдаланувчини ушбу сўзнинг давр ўтиши билан маъно жиҳатидан қанчалик ўзгарганидан огоҳ қилиш, иккинчидан, этимологик луғат талабидан келиб чиқиб ЎТИЛда берилган маъно таърифидаги нуқсонга эътиборни жалб этиш.

Маъно таърифидан кейин худди шу маънони намойиш қилувчи жумла келтирилди. Бу жумла курсив билан ёзилиб, унинг таркибидаги сўз–мисол ёйиб терилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундан кейин этимологик талқин бошланади. Талқин қилинаётган сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам, қадимги туркий тилда ҳам туб бўлса, бундай сўзда биринчи навбатда товуш таркиби жиҳатидан юз берган ўзгаришлар кўрсатилди. Бундай товуш ўзгаришлари таркибли сўзларда ҳам таъкидланди.

Этимологик талқин берилаётган сўз маъно жиҳатидан ўзгарган бўлса, бундай маъно тараққиёти қандай маъно асосида рўй бергани изоҳланди. Матн ичида келтирилган маъно таърифлари ҳам тирноқлар ичига олинди. Маълумки, янги сўз ясаш асос вазифасини ўтовчи сўзнинг аниқ бир маъносидан амалга оширилади. Шуни ҳисобга олиб, ясама сўзлар талқин қилинган мақолаларда ясаш қандай маънодан амалга оширилгани таъкидланди.

Этимологик талқин берилаётган сўзлар доирасидаги омонимлар рим рақамлари қўйиб фарқланди: **ўт– I, ўт– II, ўта– I, ўта– II** каби. От билан феъл муносабати акс этган омоформалар феъл кетига чизиқча қўйиб фарқланди: **ўрта – ўрта–, ўтин – ўтин–** каби.

Қўшимча қўшиш билан янги сўз юзага келса, "ясалган" сўзи, грамматик шакл юзага келса, "ҳосил қилинган" сўзи ишлатилди. Асос билан қўшимча орасига қўшув аломати, булар билан ҳосила орасига баробар аломати қўйилди. Сўз қисмлари орасидаги муносабатни кўрсатишда қавслардан фойдаланилди. Товуш жиҳатидан ўзгарган сўзнинг олдинги ва кейинги шакли ўтиш белгиси (>) ёрдамида кўрсатилди. Талқин матнида изоҳланаётган сўз, асос ва қўшимчалар қора кичик ҳарфлар билан терилди.

ЛУҒАТНИНГ МАЗМУНИ

1. Этимология – тилшунослик фанининг муҳим ва мураккаб соҳаси. Этимология сўзи асли юнонча etymon ва logos сўзларидан таркиб топган; etimon сўзи 'чин, асл моҳият' маъносини, logos сўзи эса 'таълим' маъносини англатади; шунга кўра этимология соҳасида сўзларнинг асл шакли ва маъносини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилади. Ўзбек тилшунослигида этимология айрим соҳа сифатида шаклланмаган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

этимологик луғат ҳам тузилмаган. Қўлингиздаги луғат ўзбек тилшунослигида этимология соҳасининг шаклланишига қисман замин ҳозирлайди.

2. Этимологик талқин ҳар қандай тилда барча сўзларга эмас, балки сўз бойлигининг маълум бир қисмигагина берилади. Қўлингиздаги луғатда ҳозирги ўзбек адабий тилининг сўз бойлигидаги туркий қатлам ўз аксини топди (шева сўзлари деярли киритилмади). Этимологик талқин бериш имконияти бундай сўзларда турлича, албатта.

3. Сўзларга этимологик талқин одатда икки жиҳатдан берилади: 1) мазмун жиҳатидан, 2) шакл (товуш) жиҳатидан. Мазмун жиҳатидан талқин бериш туб деб қаралувчи сўзларда ясама деб қаралувчи сўзларга нисбатан қийин.

3.1. Ҳозирги ўзбек тилидаги кўп маъноли **оқ (ўқ)** сўзининг бош маъноси деб луғатларда 'ёйга қўйиб отиладиган найза' маъноси келтирилади. Бу сўзнинг 'милтиқ каби иссиқ қуроллардан отиладиган маъдан' маъноси юқоридаги маънодан ўсиб чиққан: 'ёйнинг ўқи' → 'милтиқнинг ўқи'. Ўзбек тилида 'икки учи доира шаклида силлиқ йўнилиб, ғилдираклар ўрнатишга хизмат қиладиган мустаҳкам ғўла' маъносини англатувчи **оқ** сўзи ҳам мавжуд. Бу сўзнинг маъносини 'ёйнинг ўқи (найза)' маъносидан ўсиб чиққан деб бўлмайди. Шунингдек **оқлâғи** ясама сўзининг асоси бўлган **оқ** сўзининг маъноси ҳам 'ёйнинг ўқи (найза)' маъносидан ўсиб чиққан деб бўлмайди. Аёнки, бу маънолар учун асос вазифасини ўтаган бошқа бир дастлабги маъно мавжуд бўлган. Қадимги туркий тилга ва айрим ҳозирги туркий тилларга мансуб маълумотлар **оқ** оти асли 'тўғри силлиқ таёқ (ёғоч)' маъносини билдирганини кўрсатади. **Оқ** отининг этимологик маъноси ана шу маъно бўлиб, юқорида таъкидланган маънолар шу маънодан ўсиб чиққан. Бу маъно бугунги кунгача етиб келмагани сабабли **оқ** сўзининг ҳозирги ўзбек тилида бош маъноси деб унинг дастлабги ҳосила маъноларидан бири кўрсатилади. Демак, бу мисолда этимологик маъно юқоридаги икки сўзнинг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилган.

Хуллас, бугун ҳам, қадимги туркий тилда ҳам туб деб қаралувчи сўзларнинг маълум бир қисмига туркий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиллар тарихи бўйича сақланган манбаларга, қисман шева маълумотларига суяниб мазмуний этимологик талқин бериш имконияти бор, луғат тузувчи бундай имкониятдан маълум даражада фойдаланди.

3.2. Таркибли сўзларда уларнинг маъноси кўпинча таркибидаги қисмлар маъносининг йиғиндисига тенг бўлади. Бунда таркибли сўз қисмлари тарихан мустақил ишлатилиб, бугунги кунда истеъмолдан чиқиб кетган бўлсагина этимологик талқинга эҳтиёж сезилади. Луғатга киритилган сўзларнинг анчагина қисмида шундай ҳолат мавжуд. Масалан, **идиш** сўзи ҳозирги ўзбек тилида маъноли қисмларга ажратилмайди. Асли бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлган ва 'йиғ-' маъносини англатган **иди-** феълидан **-ш** қўшимчаси билан ясалган. Ҳозирги ўзбек тилида **иди-** феъли ҳам, нарса оти ясовчи **-ш** қўшимчаси ҳам мустақиллигини йўқотган. **Идиш** сўзининг асли 'нарса солиб қўйиш буюми' маъносини англатганини қисмлари маъносидан билиб оламиз.

Таркибли сўзларда уларнинг маъноси баъзан қисмлари маъноси йиғиндисига тенг келмай қолади, қандайдир маъно тараққиёти юз бергани сезилади. Масалан, **ипак** сўзи **ип** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **-(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб, асли 'кичик (ингичка) ип' маъносини билдирган, амалда эса бу сўз пилла толасининг номи сифатида ишлатилган. Демак, бу ерда янги нарсага (ипакка) ном унинг белгиси (ингичкалиги) асосида аввалдан бор **ип** отига **-(ä)к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган.

Маъно тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ушбу луғатда бундай жараёнга доир талқинлар деярли берилмади, айрим мақолалардагина энг зарур изоҳлар келтирилди.

4. Сўз тилнинг тарихий тараққиёти давомида мазмунан ўзгармай, товуш жиҳатидан ўзгарган бўлиши мумкин. Луғат мақолаларида ана шундай товуш ўзгаришлари қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилига қадар қандай воқе бўлгани баён қилинди.

4.1. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги сўзларга товуш томонидан этимологик талқин беришда қадимги туркий тилдаги унлиларга қаттиқ-юмшоқлик жиҳатидан хос бўлган зидланиш ҳисобга олинди. Унлиларга хос бу бел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги ўзбек тилининг айрим шеваларида ўз кучини қисман сақлаган бўлса ҳам, адабий тилда инобатга олинмайди.

Қадимги туркий тилда, масалан, 'ич томонга торт–' маъносини англатган **оп– (ўп–)** феълидан 'бўса ол–' маъносини англатган **ӧп– (ӱп–)** феъли, 'ўроқ билан кес–' маъносини англатган **ор– (ўр–)** феълидан 'саҳн бўйлаб ҳаракатлан–' маъносини англатган **ӧр– (ӱр–)** феъли, 'ҳаво бўйлаб ҳаракатлан–' маъносини англатган **уч–** феълидан 'икки билан тўрт оралиғидаги бутун миқдор сон' маъносини англатган **ӱч** сўзи, 'майса' маъносини англатган **от (ӱт)** отидан 'бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатлан–' маъносини англатган **ӧт–** феъли унли товушининг юмшоқлиги билан фарқланган.

Бундай қаттиқ–юмшоқлик баъзан бир сўзнинг икки кўринишида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Э.В.Севортяннинг "Туркий тилларнинг этимологик луғати"да 'дастлабги рангини йўқот–' маъносини англатувчи феъл **оң–** шаклида ҳам, **ӧң–** шаклида ҳам таъкидланган (лекин унлиларнинг қаттиқ – юмшоқлик белгиси асосан сўзларни фарқлашга хизмат қилган).

4.2. Қадимги туркий тилда (шунингдек ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида) унлиларнинг қисқа–чўзиқлиги ҳам сўзларни ўзаро фарқлашга хизмат қилган. Маълумки, қадимги туркий тилда 'асп (иш ҳайвони)' маъносини англатувчи **ат (от)** сўзи билан 'исм' маъносини англатувчи **а:т** сўзи ўзаро унли товушининг қисқа–чўзиқлигида фарқланган; 'ковла–' маъносини англатган **о:й–** феъли 'сакра–' маъносини англатган **ой–** феълидан, 'очиққан' маъносини англатувчи **а:ч** сифати 'очиқ ҳолатга келтир–' маъносини англатувчи **ач–** феълидан унли товушининг чўзиқлиги билан фарқланган.

Манбалардаги маълумотларга қараганда, унлининг қисқа–чўзиқлиги бир сўзнинг икки кўринишида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, қадимги туркий тилда сувнинг оқишини англатган **а:р–** феъли **ар–** шаклига ҳам эга бўлган (ЭСТЯ, I, 188), лекин унлининг қисқа–чўзиқлиги асосан сўзларни фарқлашга хизмат қилган.

4.3. Айрим сўзлар орасида фарқ ҳар икки белги – ҳам қаттиқ–юмшоқлик, ҳам қисқа–чўзиқлик жиҳатидан мавжуд бўлган. Масалан, қадимги туркий тилда 'намли' маъносини англатган **ӧ:л** сифати **ол** кўрсатиш олмоши–

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан, таъкидлаш маъносини ифодаловчи **ö:з** сўзи 'қувиб ўтиб кет–' маъносини англатган **оз–** феълидан унли товушининг юмшоқ ҳамда чўзиқ эканлиги билан фарқланган.

4.4. Демак, унли товушларнинг қаттиқ–юмшоқлиги ва қисқа–чўзиқлиги асосида қадимги туркий тилда анчагина сўзларнинг шаклан бир хил бўлиб қолиши бартараф қилинган. Шунга қарамай, омонимлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Э.В.Севортяннинг "Туркий тилларнинг этимологик луғати"да 'пастлик' маъносини англатувчи **о:й I** ва 'миядаги фикр' маъносини англатувчи **о:й II** отлари келтирилган. Э.В.Севортян луғатида феъл отдан кетига чизиқча қўйиб фарқланган; бундай сўзлар товуш жиҳатидан бош шаклида тенг келса ҳам, бошқа шаклларида одатда фарқланади, шунга кўра бундай сўзлар омонимлар деб эмас, балки омоформалар деб юритилади. Масалан, 'асп (иш ҳайвони)' маъносини англатувчи **ат** сўзи билан 'итқит–' маъносини англатувчи **ат–** сўзи, 'йилнинг ўн икки қисмидан бири' маъносини англатувчи **ай** оти билан 'гапир–' маъносини англатган **ай–** феъли шулар жумласига киради.

5. Товуш жиҳатидан эътиборни жалб этадиган яна бир хусусият шуки, қадимги туркий тилда сўзларнинг кўпчилиги бир бўғинли бўлган ва уларнинг аксарияти туб бўлган. Лекин қадимги туркий тилга доир маълумотлар бир бўғинли сўзлар орасида ясама сўзлар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Э.В.Севортян луғатининг I жилдида таъкидланишича, 'миядаги фикр' маъносини англатувчи **о:й** оти асли ясама бўлиб, 'фикрла–' маъносини англатган **о:–** феълига от ясовчи **–й** қўшимчасини қўшиб ясалган: **о:– + й > о:й** (429– бет). "Қадимги туркий луғат"да 'тўхта–' маъносини англатган **а–** феъли (I–, 416– бетлар: **qan а–** – 'қон тўхта–'), 'ўсимлик' маъносини англатган **и** оти (216– бет), 'ўйла–' маъносини англатган **о:–** феъли (375– бет), 'туш' маъносини англатган **у** оти (603– бет) ва 'енг–', 'қодир бўл–' маънолари англатган **у–** феъли (603– бет) келтирилган.

Демак, қадимги туркий тилда бир унли товуш билан ифодаланган сўзлар мавжуд бўлган. Ҳозирги ўзбек тилида мустақил туркум сўзлари орасида бир унли билан ифодаланадиган сўз йўқ (**у** олмоши бир унлига

www.ziyouz.com kutubxonasi

тенг шаклидан кўра унли билан ундошдан иборат шаклида кўп ишлатилади: **ун–**).

6. Туркий тилларга, шу жумладан ўзбек тилига ҳам хос товуш қонунларидан бири шуки, сўзлар асосан бир ёки икки бўғинли бўлади, уч бўғинли сўз камдан кам учрайди (Грамматик шакл ҳосил этувчи қисм қўшилиши билан бўғин миқдорининг кўпайиши – бошқа масала).

Тил ҳодисаларини кузатиш кўрсатадики, қўшимча қўшилиши билан бўғин миқдори ортса, қўшилувчи қисм олдидаги бўғинни қисқартиришга интилиш мавжуд. Масалан, **ойин** отига феъл ясовчи **–а** қўшимчаси қўшилиши билан уч бўғинли сўз юзага келади: **ойуна–**. Бўғин миқдорини орттирмаслик талабига биноан бундай сўз таркибидаги **у** унлиси талаффуз қилинмай, икки бўғинли сўзга айлантирилган: **ойун + а > ойна–, орун + а > орна–, орут– + а > орта** каби. Худди шундай товуш (бўғин) ўзгариши **оғри, ăйри, ăйрим, ăсрă–, ăйнă–** сингари сўзларнинг ясалишида ҳам воқе бўлган. Демак, бундай товуш тушиши одатда тор унлиларда юз берган.

Тор унлининг бундай талаффуз қилинмаслиги юқоридаги мисолларда сўз ясовчи қўшилиши билан воқе бўлган бўлса, мана бу мисолда шакл ҳосил этувчи қўшилганида юз беради: **айир– + ил > айрил–. Ай– + ит > айт–** каби мисолларда ҳам тор унлининг талаффуз қилинмаслиги шакл ясовчи қўшилганида воқе бўлган. Демак, бу ердаги товуш ўзгариши соф фонетик ҳодиса бўлиб, бўғин миқдорини орттирмаслик талабига биноан рўй беради.

Ҳар қандай қоидадан истисно бўлганидек, бу ерда ҳам қўшимча қўшилиши билан юзага келадиган уч бўғинли ҳолат баъзан сақланади: 'ҳидли бўл' маъносини англатувчи **и:с–** феълига **–(и)р** орттирма қўшимчасини ва **–(и)қ** от ясовчисини қўшиб ясалган **исириқ** сўзида иккинчи бўғиндаги **и** унлиси сақланиб қолган.

7. Туркий тилларга хос товуш қонунларидан яна бири шуки, бир бўғинли сўзлар асосан ундош билан тугайди; қўшимчаларнинг кўп қисми ҳам ундош билан ифодаланади. Ундош билан тугаган асосга ундош билан ифодаланган қўшимчани бевосита қўшиб бўлмайди, шу сабабли икки ундош оралиғига унли товуш киритилади; бу унли товуш талаффуз қулайлигини таъминлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Киритма унли вазифасида асосан тор унлилар, баъзан — гина кенг унли келади. Масалан, **оз + ак, оз + ан, ол + ан** сўзларида киритма унли бўлиб **а** унлиси келган.

Киритма унли вазифасида тор унлилардан қай бирининг танланишини қадимги туркий тилда, шунинг-дек эски ўзбек тилида ҳам асос таркибидаги унлининг табиати белгилаган: асос таркибида лабланган унли мав-жуд бўлса, киритма унли сифатида **у** унлиси қатнашган, лабланмаган унли мавжуд бўлса, **и** унлиси қатнашган. Масалан, **ал-** + **иш, ан-** + **иқ, ар-** + **иқ** сўзларида асос билан қўшимча оралиғига **и** унлиси киритилган; **ой-** + **ун, ол-** + **ум, оп-** + **ур-, ор-** + **ун, оғ-** + **ул** сўзларида асос билан қўшимча оралиғига **у** унлиси киритилган. Агар асоснинг ўзи унли билан тугаса, қўшимча ундош — дан иборат бўлса, киритма унлига зарурият ўз-ўзидан бўлмаган: **айи-** + **қ, ачи-** + **н-, оқ-** + **и-, ат-** + **а** каби.

Ундош билан тугаган асосга фақат ундошнинг ўзи билан ифодаланган қўшимчанинг қўшилишида орада келадиган унлининг асос таркибидаги унлига уйғун ҳолда танланиши бу унли қўшимчанинг муқим таркибий қисми эмаслигини, қўшимча бу ерда ундошнинг ўзи билан гавдаланганини, ундан олдин келадиган унли талаффуз қулайлиги учун киритилишини тасдиқлайди.

8. Киритма унли масаласига боғлиқ ва ўзбек ти — лининг ўзига хос товуш тараққиёти қонунларидан бири шуки, асос таркибидаги лабланган унлига монанд ҳолда тарихан қўшимча олдидан **у** унлисини киритиб ясалган сўзлар ўзбек тили манбаида қисман ўзгариб, бу киритма **у** унлиси маълум ўринларда **и** унлисига алмашди: ун — лилар орасида воқе бўладиган лабланиш уйғунлиги **у — у** муносабатида (**уз + ун** каби) сақланди-ю, лекин **о — у** муносабатида сақланмади, **о — и** муносабати юзага кел — ди. Бундай ҳолат қуйидаги тур мисолларда очиқ намоён бўлган: **ог- + ут > огит, ор- + ун > орин** каби. Этимо — логик луғат мақолаларида ана шундай товуш алмаши — нуви таъкидланди, лекин илмий изоҳ берилмади.

9. Ўзбек тилининг ўзига хос яна бир товуш қонуни шуки, маълум бир ундошнинг таъсирида унинг ёнидаги унли ўзгаради. Унлининг ўзгариши ундошга ўхшаб ке — тиш томонга бўлади. Бундай ўзгариш **ä, и** унлиси билан тугаган сўзларга асосан **қ, в** ундоши билан ифодаланган

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимча қўшилганида юз беради, бу ундошлар таъсирида улар ёнида келган **ä** унлиси **â** унлисига, **и** унлиси **у** унлисига алмашади. Бу товуш ўзгаришлари натижа эътибори билан бир хил бўлса ҳам, товуш ўзгаришига олиб келувчи сабаб эътибори билан фарқли.

Унлининг **в** ундоши таъсирида алмашинувига сабаб очиқ кўриниб туради: лаб ундоши ёнидаги лаблан-маган унлига таъсир ўтказиб, лабланган унлига алмаштиради: **йайа–** + **в** > **йайâв** каби.

Унлининг **қ** ундоши таъсирида алмашинуви бошқача сабабга кўра юз беради: чуқур тил орқа ундоши ёнидаги тил олди унлисига таъсир ўтказиб, уни тил орқа унлисига алмаштиради: **уза–** + **қ** > **узâқ** каби.

Луғатда ўзбек тили манбаида содир бўладиган бундай товуш ўзгаришлари ҳам таъкидланди.

10. Ўзбек тилининг ўзига хос яна бир товуш ҳодисаси қадимги туркий тилдаги кенг, сезилар–сезилмас ортқи **а** унлисининг ўзбек тили манбаидаги тадрижий ўзгариши билан боғлиқ. Қадимги туркий **а** унлиси кўпчилик туркий тилларда деярли ўзича сақланиб келгани ҳолда, ўзбек тилида **â** ва **ä** унлиларига айланган. Масалан, **ав, ағ–, айақ, ақ, ал–, алты, арал, арт** каби кўплаб сўзлар таркибидаги қадимги туркий **а** унлиси ҳозирги ўзбек тилида **â** унлисига айланган: **âв, âғ–** каби; айни вақтда, **айқаш–, арғамчи, ачин–, ағдар–, ағрай–** каби кўплаб сўзлар таркибида **ä** унлисига айланган: **äйқäш–, äрғämчи** каби. Этимологик луғатда ана шундай товуш ўзгаришларини тўғри акс эттиришга ҳаракат қилинди.

Шу ерда **ä** ва **â** унлиларига боғлиқ яна бир ҳодисани таъкидлаб ўтиш лозим. Имло қоидаларида ҳозиргача **ât** сўзига **–а** қўшимчаси, **âң** сўзига **–ла** қўшимчаси қўшилганида асос таркибидаги **â** унлиси **а** унлисига айланиши таъкидлаб келинади: **ât** + **а** > **ата–**, **âң** + **ла** > **аңла–** каби. Агар бундай ясалиш ҳозирги ўзбек тилида воқе бўлса эди, бу фикр ўринли бўлар эди. Ваҳоланки **ата–, аңла–** ясама сўзлари қадимги туркий тилдаёқ мавжуд бўлган, демак, бу ясама сўзлар таркибида авваллдан қадимги туркий **а** унлиси қатнашган, ана шу қадимги туркий **а** унлиси ҳозирги ўзбек тилида **ä** унлисига алмашган. Луғат мақолаларида ана шундай товуш ўзгаришларини тўғри акс эттиришга ҳаракат қилинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

11. Ҳозирги ўзбек тилида туб деб қаралувчи сўзларнинг анчагина қисми асли ясама экани тарихий–этимологик изланишларда кўп марта таъкидланган. Этимологик луғат яратишда бундай ҳодисага мунтазам равишда ёндашиб, ҳозир туб деб қаралувчи айрим сўзлар асли таркибли бўлгани, камида икки қисмдан таркиб топгани, маълум бир асосга маълум бир қисмнинг (кўпинча қўшимчанинг) қўшилиши билан юзага келгани баён қилинди. Масалан, **ора (ўра)** сўзи ҳозирги ўзбек тилида туб деб қаралади. Туркий тиллар тараққиётига доир манбалар бу сўзнинг ясама эканини кўрсатади. Асли қадимги туркий тилда 'ковла–' маъносини англатган **ор–** феъли бўлган, **ора** сўзи ана шу феълга **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган. Ҳозирги ўзбек тилида **ор–** феъли истеъмолда бўлмагани учун **ора** сўзи маъноли қисмларга ажратилмайди, туб деб қаралади. **Огит, ойин, оғил** сўзларининг ҳозирги ўзбек тилида туб деб қаралишига асосий сабаб ҳам – улар учун ясаш асоси вазифасини ўтаган феълларнинг истеъмолдан чиқиб кетганлиги.

12. Асли ясама бўлган сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилида туб деб қаралишига турли–туман товуш ўзгаришлари оқибатида ясама сўз маъноли қисмлари орасидаги чегаранинг хиралашгани ҳам сабаб бўлади. Масалан, 'бир исмли' маъносини англатувчи **адаш** ҳозирги ўзбек тилида туб деб қаралади. Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'исм' маъносини англатган **а:т** сўзига **–даш** қўшимчасини қўшиб ясалган: **а:т + даш = а:тдаш.** Кейинчалик **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган: **атдаш;** сўнгра жарангли **д** ундоши таъсирида унинг олдидаги жарангсиз **т** ундош жаранглилашган: **атдаш > аддаш.** Ниҳоят, ёнма–ён келган икки бир хил ундошнинг бири талаффуз қилинмайдиган бўлган: **аддаш > адаш;** охири **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **адаш > ädäш.** Шу қадар кўп поғонали товуш ўзгаришлари оқибатида бу сўз маъноли қисмларга ажралмайдиган ҳолат касб этган.

13. Айрим мисолларда юқорида таъкидланган икки ҳодиса биргаликда намоён бўлади. Масалан, 'аввал айтилган, тингловчига маълум' маъносини билдирувчи **ошa** олмоши ҳозирги ўзбек тилида туб деб қаралади. Асли бу олмош қадимги туркий тилда 'мана' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

билдирган **ош** кўрсатиш сўзи билан **ол** кўрсатиш ол— мошининг қўшилишидан юзага келган: **ош + ол = ошол.** Ўзбек тилида **о** унлиси иккинчи бўғинда келмаслиги қонунига биноан бу унли **ä** унлисига алмаштирилган: **ошол > ошäл.** Ўзбек тили тарихида **ошал** шаклида қўлланган бу олмош ҳозирги ўзбек тилида **ошä** шаклида ишлатилади: **бул, шул** олмошларида бўлганидек, **ошäл** олмоши охиридаги ундош талаффуз қилинмайдиган бўлган (қўшимча қўшилса, бу ундош **н** товушига ал— машган ҳолда қатнашади: **ошäндäй, ошäнгä** каби). Хуллас, қадимги туркий тилдаги **ош** кўрсатиш сўзининг истеъмолдан чиққанлиги ва **ошäл** олмошининг бош шаклида **л** ундошининг талаффуз қилинмай қўйгани бу сўзни қисмларга ажралмайдиган ҳолатга келтирган.

14. Маълумки, туркий тилларда, шу жумладан ўз— бек тилида ҳам сўзнинг (бўғиннинг) бошланишида икки ундош одатда ёнма–ён келмайди. Шунингдек, бўғин охирида ҳам икки ундош одатда ёнма–ён келмайди. Ушбу товуш қонунидан келиб чиқилса, **âлд, âст, уст** каби бир бўғинли сўзлар охирида ёнма–ён келган ун— дошларнинг иккинчиси асли кейин қўшилган қисм бўлиб чиқади, бу ундош асли қўшимчанинг ифода жиҳати экани аён бўлади. Масалан, **айт–** феъли асли қадимги туркий тилдаги 'гапир–' маъносини англатган **ай–** феълидан **–(и)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган ва 'кимгадир гапир–' маъносини билдирган; кейинчалик бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган: **ай– + ит > айт–,** натижада бўғин охирининг икки ундош билан тугаши юзага келган. Худди шунингдек, **арт–** феъли ҳам қадимги туркий тил— даги 'тоза' маъносини англатган **ар** сифатидан **–(и)т** қўшимчаси билан ясалган ва дастлаб 'тоза қил–' маъносини билдирган. Кейинчалик бу ясама сўзнинг иккинчи бўғинидаги **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган: **ар + ит > арт–,** натижада бўғин охирининг икки ундош билан тугаши юзага келган. Бундай сўзлар охи— рида, **т, д** ундошларидан ташқари, **к, ч** ундошлари ҳам келади. Масалан, 'бошланғич' маъносини англатувчи **илк** сўзи асли 'олд' маъносини англатган **ил** отидан **–и** қўшимчаси билан ясалган **или–** феълига ўрин маъно— сини ифодаловчи **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(ил +**

www.ziyouz.com kutubxonasi

и) + **к;** кейинчалик иккинчи бўғиндаги **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйгани туфайли икки ундош ёнма–ён келиб қолган: **илк.** 'Озодлик' маъносини англатувчи **эрк** сўзи қадимги туркий тилда **эрик** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, кейинчалик иккинчи бўғиндаги **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, натижада сўз охирида икки ундош ёнма–ён келиб қолган.

Шунингдек, **ökinч, ötинч** отлари асли **ökўн–, ötўн–** феъллларидан **–(ў)ч** қўшимчаси билан ясалган, натижада уч бўғинли сўз ҳосил бўлган; бўғин миқдорини орттирмаслик қонунига биноан учинчи бўғиндаги ў унлиси талаффуз қилинмай қўйган, натижада икки ундош сўз охирида ёнма–ён келиб қолган.

Мисоллардан кўринишича, **т, д** ундошларининг ишлатилиш шароити билан **к, ч** ундошларининг ишлатилиш шароити орасида фарқ бор: **к, ч** ундошлари овоздор ундошдан кейин келади, **т, д** ундошларида бундай чекланиш йўқ. Демак, **н, р** ундошларига хос овоздорлик улардан кейин жарангсиз **к, ч** ундошларининг ишлатилишига йўл очади.

Хуллас, луғатда охири икки ундош билан тугайдиган сўзларга этимологик талқин беришга ҳаракат қилинди.

15. Қадимги туркий тилга хос ҳодисалардан бири – таг маъноси бир хил асоснинг икки сўз сифатида ишлатилиши. Бундай асоснинг ҳам феъл, ҳам от бўлиб, қисман ҳам от, ҳам сифат бўлиб маъно тармоқланиши ҳодисасини қадимги туркий тилга нисбатан семантик синкретизм деб номлаб, омонимлардан фарқлаш тўғри (Э.В.Севортян. Этимологический словарь тюркских языков. I, 40). Асли омонимлар деб турли товуш ўзгаришлари натижасида, сўз ўзлаштириш оқибатида тасодифан шаклан бир хил бўлиб қолган сўзларга айтилади. Қадимги туркий тилдаги ҳодиса эса тамоман бошқача табиатга эга бўлиб, икки ҳар хил туркум маъносининг бир асос билан англатилишига тенг. Бу ҳодисани шартли равишдагина семантик омоним деб юритиш мумкин.

Масалан, қадимги туркий тилда 'ковла–' маъносини ҳам, 'чуқур' маъносини ҳам **ор** сўзи англатган. Кейинчалик кўпчилик туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида ҳам **ор–** феъли истеъмолдан чиққан, **ор** оти

www.ziyouz.com kutubxonasi

эса сақланган. Шунингдек, 'аланга ол–' маъноси **от**–сўзи билан, 'аланга' маъноси **о:т** сўзи билан англатилган; кейинчалик **от**– феълн истеъмолдан чиқиб кетган, ҳозирги ўзбек тилида **от** отигина мавжуд. Юқоридаги жуфтликларда таг маъно бир хил, икки сўз ана шу таг маънонинг гўё тармоқланиши натижасида юзага келган; бундан қатъий назар, биринчи жуфтликда унлилар орасида фарқ кўринмаса, иккинчи жуфтликда унлилар қисқа–чўзиқлик жиҳатидан фарқланган.

Юқоридагича маъно муносабати, феъл билан от орасида бўлганидек, от билан сифат орасида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, 'юза, сирт' маъносини англатган **ӧң** оти сифат ('сўлнинг акси') маъносини ҳам англатган; 'фарзанд' маъносини англатган **оғул** оти сифат ('эркак') маъносини ҳам англатган; 'ҳарорати меъёрдан юқори' маъносини англатган **ыссық** сифати от ('ҳарорат') маъносини ҳам англатган.

Феъл билан от орасидаги бундай маъно муносабатида феъл бирламчи экани аниқ, от билан сифат муносабатида асосан отни, қисман сифатни бирламчи деб тан олишга тўғри келади.

Хуллас, бу ердаги ҳодиса замирида маъно тараққиёти ётади. Бундай маъно тараққиёти натижасида бир туркум сўзидан бошқа бир туркум сўзи ўсиб чиқади. Бундай маъно тараққиёти қадимги туркий тилдан то ҳозирги кунгача давом этиб келади. Этимологик луғатда ана шундай жараённи ҳам тўғри акс эттиришга ҳаракат қилинди.

16. Этимологик талқин бериш муносабати билан айрим сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида асоссиз равишда ўзгартиб ёзиб юборилгани аниқланди. Масалан, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да **иви– I** ('ҳўл бўл–) ва **иви– II** ('суюқ ҳолатдан қуюқ ҳолатга ўт–') феъллари берилган. Асли бу феъллар қадимги туркий тилда **ығ** ('нам') ва **уғ** ('қуюқ нарса') отларидан ясалган, шунга кўра ҳозирги ўзбек тилида ҳам **иви–** ва **уви–** тарзида фарқлаб ёзилиши лозим эди (сўзлашув нутқида бу феъллар шундай фарқлаб талаффуз қилинади).

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да 'яйловда боқиладиган қўйларнинг йирик тўдаси' маъносини англатувчи сўз **отар** шаклида ёзилган, ваҳоланки Э.В.Север-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тяннинг луғатида ҳам, ҳозирги туркий тилларнинг луғатларида ҳам бу сўз бошланишидаги унли **о** ҳарфи билан (ўзбекчадаги **ў** ҳарфи билан), қисман **у** ҳарфи билан ёзилган. Ҳақиқатда, бу сўз 'майса' маъносини англатувчи **от (ўт)** сўзидан ясалган, шунга кўра бу сўзни **ўтар** деб ёзиш тўғри. "Русча–ўзбекча луғат"да (1983) **отара** сўзи ўзбекча **ўтар** сўзи билан тўғри ёзиб таржима қилинган. Асли рус тилига туркий тилдан ўзлашган сўзнинг бошланишини русча ҳарф билан ёзиб юборганимиз нотўғри бўлган.

Қиёслаш кўрсатадики, **уйғон–, уйғот–** феъллари нинг иккинчи бўғинида **â** ёзиш хато. Бу сўзлар охиридаги **н, т** қисмининг қўшимча сифатида ажралиши уларни ўзаро алмаштириш мумкинлигидан билиниб турибди; бу қўшимчаларни ажратсак, қолган қисм **уйғо–** шаклига эга бўлиб қолади, ваҳоланки ўзбекча сўзларда иккинчи очиқ бўғинда **â** унлиси келмайди. Ҳақиқатда, **уйға–** феъли қадимги туркий тилда 'бедор' маъносини англатган **ойуқ** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган ва унга **–н** қўшимчаси қўшилган: **(ойуқ + а > ойуға–) + н = ойуған– > ойған– > уйған–.** Иккинчи сўзнинг ясалиши ҳам худди шундай кечган, фақат **–н** қўшимчаси ўрнига **–т** қўшимчаси қўшилган. Бу икки сўзнинг иккинчи бўғинида **â** унлиси қатнашади дейишга унинг олдидаги **ғ** ундоши асос, сабаб бўла олади деб ўйлаш мумкин, лекин асли шундай эмас, чунки ўзбек тилидаги **қизған–, булған–, чулған–, тўлған–, ижирған–, тирған–** сўзларида **ғ** ундошидан кейин **а** айтилади ва ёзилади, фақат **уйғон–, уйғот–** сўзларидагина **о** ёзиб юборилган.

Хуллас, этимологик луғат тузиш жараёни айрим сўзларни ёзишда ғайриихтиёрий йўсинда йўл қўйилган нуқсонларни аниқлаш имконини ҳам берди.

Юқорида ҳозирги ўзбек тили луғатидаги туркий қатламнинг тарихий тараққиётига боғлиқ айрим ҳодисалар юзаки тарзда изоҳланди; бундай ҳодисалар навбатдаги тадқиқот ишларимизда батафсил баён қилинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Л У Ғ А Т

А

АВАЙЛА– 'эҳтиёт қил–'. ***Сени а в а й л а б ўс–тирдим.*** Бу феъл асли айрим туркий тилларда, шу жумладан қирғиз тилида мустақил ишлатилиб, 'эҳтиёткорлик' маъносини англатувчи **абай** отидан (КРС, 17) **–ла** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида икки унли оралиғидаги **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари эса **ä** унлиларига алмашган: **абай + ла = абайла– > äväйлä–**.

АВРА– 'ишонтириш, кўндириш мақсадида ёлғон–яшиқ гаплар гапир–'. ***Баққол деҳқонни а в р а й в е р–д и.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'тинч' маъносини англатувчи **абыр** сифатидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 59); кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **абыр + а = абыра– > абра– > äврä–**.

АДАШ I 'исми бир хил (кишилар)'. ***Иккимиз а д а ш м и з.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'исм' маъносини англатувчи **а:т** сўзининг **ат** шаклидан **–даш** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 204), кейинчалик **т** ундоши **д** ундошининг таъсирида **д** ундошига алмашган, сўнгра **дд** ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган (ТРС, 15); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ат + даш = атдаш > аддаш > адаш > ädäш**.

АДАШ II: АДАШ БЎЛ– 'оёқ кийимининг бир пойи бошқа бир оёқ кийимининг бир пойи билан алмашиб қол–'. ***Кечаги йиғинда бир пой калишим а д а ш бў–либ қолибди.*** Бу сўз **ädäш–** феълининг эски ўзбек тилидаги исм эши бўлиб, мустақил ишлатилмайди, **ädäш бол–** қўшма сўзи таркибида келади.

АДАШ– 'тўғри йўлни йўқот–', 'янглиш–'. ***Қоронғи тушганидан кейин а д а ш и б қ о л д и м.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'тўғри йўлни йўқот–' маъносини англатувчи **а:з–** феълининг **а:д–** шаклидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(а)ш** қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 95), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (КРС, 22); бу сўз дастлаб 'тўғри йўлдан бироз четга чиқ–' маъносини англатган. Ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(а:з– > а:д–) + аш = а:даш– > адаш– > ädäш–**.

АЖРА– 'алоҳида бўл–'. ***Шу ерга келиб пода учга а ж р а д и.*** Бу сўз **айыр–** феълининг таркибидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашуви билан юзага келган **ажыр–** шаклига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 93; КРС, 24); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(айыр– > ажыр–) + а = ажыра– > ажра– > äжрä–**.

АЖРИМ 'икки томонни келиштирув қарори'. ***Кечаги иш бўйича адолатли а ж р и м чиқарилди.*** Бу от асли **айыр–** феълининг таркибидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашуви билан юзага келган **ажыр–** шаклига **–(ы)м** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 24); шундан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(айыр– > ажыр–) + ым = ажырим > ажрым > äжрим.**

АЖРИҚ 'илдизидан тармоқланиб ер бағирлаб ўсадиган ёввойи ўт'. ***Ёмғирдан кейин а ж р и қ тез ўсади.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'ажрат–', 'фарқла–' маъносини англатган **аźыр–** феълидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган: шундан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 124); кейинчалик бу сўз таркибидаги **ź** ундоши **й** ундошига (Девон, I, 136), **й** ундоши ўз навбатида **ж** ундошига алмашган (КРС, 24); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **аźыр– + ық = аźырық > айырық > ажырық > ажрық > äжриқ**.

АЙИЛ 'эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган тўқали қайиш'. ***Отнинг а й и л и н и бўшатиб қўй.*** Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'доира шаклида ҳаракат қил–' маъносини англатган **ай–** феълидан **–(ы)л** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиси–

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ай–** + **ыл** = **айыл** > **äйил.**

АЙИР– 'алоҳида қил–'. ***Совлиқларни а й и р.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'алоҳида бўл–' маъносини англатган **аз́–** феълидан **–(ы)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 115; ДС, 15); кейинчалик **з́** ундоши **й** ундошига алмашган (КРС, 36); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **аз́–** + **ыр** = **аз́ыр–** > **айыр–** > **äйир–**.

АЙИРБОШ: АЙИРБОШ ҚИЛ– 'алмаш–'. ***Биз кассеталаримизни а й и р б о ш қ и л д и к.*** Бу қўшма феъл эски ўзбек тилида **айырбаш** оти билан **қыл–** феълининг қўшилишидан ҳосил бўлган; **айырбаш** оти эса **айыр–** феъли ва **баш** отидан тузилган бўлиб (КРС, 37), кейинчалик бу сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган; **айыр–** + **баш** = **айырбаш** > **äйирбâш.** Бу қўшма сўз асли 'бошма–бош алмаш–' маъносини билдирган: ҳар икки томон маълум миқдор (маълум бош) нарсани айириб, кейин уларни алмашган.

АЙИРБОШЛА– 'алмаш–'. ***Биз кассеталаримизни а й и р б о ш л а д и к.*** Бу феъл эски ўзбек тилида **айырбош** отидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 37); кейинчалик сўз бошланиши ва охиридаги **а** унлилари **ä** унлиларига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **айырбаш** + **ла** = **айырбашла–** > **äйирбâшла–.**

АЙИҚ 'пахмоқ юнгли, йирик, бесўнақай, сут эмизувчи ҳайвон'. ***Бу ўрмонда а й и қ йўқ.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'бесўнақай' маъносини англатган **айы** сифатининг (ЭСТЯ, I, 112) эши бўлган **айы–** феълидан **–ғ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 112); ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **айы–** + **ғ** = **айығ** > **äйиқ.**

АЙЛАН– 'доира шаклида кўп марта, давомли ҳаракат қил–'. ***Ой ер атрофида а й л а н а д и.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'доира шаклида ҳаракат қил–' маъносини англатган **ай–** феълига

www.ziyouz.com kutubxonasi

эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчасини ва 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 31); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(ай–** + **ла** = **айла–)** + **н** = **айлан–** > **äйлäн–**.

АЙМАШ– 'ўралиб, чирмашиб ўс–'. ***Печак маккажўхори поясига а й м а ш и б к е т и б д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'доира шаклида ҳаракат қил–' маъносини англатган **ай–** феълига эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчасини ва 'бирга' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 33); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(ай–** + **ма** = **айма–)** + **–ш** = **аймаш–** > **äймäш–**.

АЙМОҚИ 'дарахтга ўралиб, мингашиб ўсадиган'. ***Ҳовлидаги а й м о қ и ток ўзи тирмашган олмани ахийри қуритди.*** Бу сифат асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'доира шаклида ҳаракатлан–' маъносини англатган **ай–** феълига эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчасини, сўнгра сифат ясовчи **–қы** қўшимчасини қўшиб ясалган; сўзнинг бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ай–** + **ма** = **айма–)** + **қы** = **аймақы** > **äймâқи.**

АЙНА– 'рангини йўқот–', 'ўнг–'. ***Кўйлагимни ювсам, а й н а б к е т д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'алоҳида бўл–' маъносини англатган **ай–** феълига (ЭСТЯ, I, 115) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчасини ва шундан кейин кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; сўнгра иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(ай–** + **ын** = **айын–)** + **а** = > **айына–** > **айна–** > **äйнä–** (Бу сўз ўзбек тилида **äйни–** шаклида ҳам ишлатилади).

АЙНИ– қ. **айна–**

АЙРИ 'иккига тармоқланган'; 'икки шохчали таёқ ёки асбоб'. ***Меваси мўл шохларга а й р и қўйдик.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ажрат–' маъносини англатган **аӟыр–** феълидан (ДС, 15) **–ы** қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 146); кейинчалик **з́** ундоши **й** ундошига алмашган (КРС, 33), сўнгра ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **аз́ыр–** + **ы** = **аз́ыры** > **аз́ры** > **айры** > **äйри.**

АЙРИЛ– 'алоҳида бўл–'. ***Улар узоқ қучоқлашиб а й р и л и ш д и.*** Бу сўз ўзбек тилида **äйир–** феъли–нинг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шакли бўлиб, қўшимча қўшил–ганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **äйир–** + **ил** = **äйирил–** > **äйрил–.**

АЙРИМ 'алоҳида'. ***Институт а й р и м бинога кўчди.*** Бу сифат эски ўзбек тилида **айыр–** феълидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 34); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига ал–машган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **айыр–** + **ым** = **айырым** > **айрым** > **äйрим.**

АЙРОН 'қатиққа сув аралаштириб тайёрланадиган ичимлик'. ***Муздек а й р о н ичдим.*** Бу от қадимги туркий тилда **айыр–** феълидан **–(а)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 111; Девон, I, 142); қўшимча қўшил–ганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** ун–лисига алмашган: **айыр–** + **ан** = **айыран** > **айран** > **äйрâн.** Бу сўз асли 'сутдан ёғ айириб олинганидан кейин қоладиган суюқлик' маъносини билдирган.

АЙТ– 'фикр–мулоҳазани оғзаки йўсинда билдир–'. ***Бетга а й т г а н н и н г заҳри йўқ.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'гапир–' маъносини англатган **ай–** феъ–лидан (Девон, I, 184; ДС, 25) **–(ы)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 100; ДС, 29), шунга кўра у 'кимгадир гапир–' маъносини билдиради. Кейинчалик бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ай–** + **ыт** = **айыт–** > **айт–** > **äйт–** (Қадимги **ай–** феъли ўзбек мумтоз адабиётида ишлатилган: **айди** –

www.ziyouz.com kutubxonasi

'гапирди'). Сўзлашув нутқида **äйт–** феъли кўпинча **эт** тарзида талаффуз қилинади, бунда **й** ундоши айтилмайди, **ä** унлиси **э** унлисига алмашади: **äйт– > ät– > эт–** (Шеваларда **ät–** шакли ҳам мавжуд).

АЙҚАШ– 'аралаш–қуралаш бўл–'. ***Кун бўйи чарчаган болалар а й қ а ш и б ухлаб ётишар эди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'доира шаклида ҳаракат қил–' маъносини англатган **ай–** феълига эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчасини ва 'биргалик' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 30); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(ай– + қа = айқа–) + ш = айқаш– > äйқäш–.**

АЙҚИР– 'кучли шовқин чиқар–'. ***Тоғ дарёси баҳорда а й қ и р и б оқади.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги баланд товушни ифодаловчи **ай** ундовидан (ДС, 25: **ай VI**) эски ўзбек тилида **–қыр** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 31); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ай + қыр = айқыр– > äйқир–.**

АЙҒИР 'етик эркак от'. ***Хўжалигимизда ҳозир зотли а й ғ и р л а р боқилмоқда.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бетоқат бўл–' маъносини англатган **ай–** феълидан (ЭСТЯ, I, 108) **–ғыр** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ЭСТЯ, I, 108; ДС, 28), асли 'бетоқат, гижинг, ўйноқи, қизиққон' маъносини англатган, кейинчалик бу сифат отга кўчиб, шундай хусусиятли эркак отни билдира бошлаган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ай– + ғыр = айғыр > äйғир.**

АЙҒОҚЧИ 'одамларнинг иш–амалини, фикр–ўйини пинҳона билиб олиш билан шуғулланувчи шахс, жосус'. ***Бир вақтлар а й ғ о қ ч и жуда кўпайиб кетган эди.*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'фош қилувчи ахборот' маъносини англатган **айғақ** отидан (КРС, 29) **–чы** қўшимчаси билан ясалган. Ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **айғақ** сўзи асли қадимги туркий тилда 'гапир–' маъносини англатувчи **ай–** феълининг (ЭСТЯ, I, 99) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–қ** от ясов–

www.ziyouz.com kutubxonasi

чисини қўшиб ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(ай– + ға = айға–) + қ = айғақ] + чы = айғақчы > äйғâқчи.**

АКА 'олдин туғилган ўғил фарзанд'. ***А к а м гў–даклигидаёқ дунёдан ўтган.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ёши катта бўл–' маъносини англатган **ақ–** феълидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 122; ДС, 48); ўзбек тилида **қ** ундоши **к** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ақ + а = ака > äкä.**

АКИЛДОҚ 'бўлар–бўлмасга тинимсиз акиллай–диган'. ***Кучугимиз а к и л д о қ чиқиб қолди.*** Бу сифат ўзбек тилида **äкиллä–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига; **лл** ундошларидан кейингиси **д** ундошига ал–машган: **äкиллä– + қ = äкиллäқ > äкиллâқ > äкилдâқ.**

АКИЛЛА– 'тинимсиз 'ак–ак' товуши чиқар–'. ***Итимиз бўлар–бўлмасга а к и л л а й в е р а д и.*** Бу феъл итнинг ҳуришини билдирувчи **äк (äк–äк)** тақлид сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган.

АКСИР– 'димоғ қичиши билан оғиздан кескин товушли ҳаво чиқар–'. ***Эрталабдан а к с и р и б, кўзларим ёшланиб турибман.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги товушга тақлид **ақ** сўзидан (ЭСТЯ, I, 194) **–сы** қўшимчаси билан ясалган феълга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–р** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: кейинчалик бу сўз таркибидаги **қ** ундоши **к** ундошига, сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ақ + сы = ақсы–) + р = ақсыр– > äксир–.** Қадимги туркий тилда бу феъл **асур–** шаклида мавжуд бўлган (Девон, I, 187; ДС, 61). Бу феъл дастлаб **аксыр–** шаклига эга бўлиб, **асур–** шакли кейинроқ, **к(қ)** товушининг талаффуз қилинмас–лиги, **ы** унлисининг **у** унлисига алмашуви натижасида юзага келган (ЭСТЯ, I, 195).

АЛАҢ–ЖАЛАҢ 'олазарак' (кесимлик сўзи). ***Бў–табойнинг кўзи а л а н г – ж а л а н г бўлиб қолди*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, 'тарқоқ ҳолатда бўл–' маъносини англатган **ал–** феълидан **–(а)ң** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 146), ўзбек тилида бу сўз **а** унлилари **ä** унлиларига алмашиб, **ялаң–жäлäң** такрори тарзида ишлатилади.

АЛАҢЛА– 'олазарак бўл–'. ***Кампир .. қаёққа боришини билмай тўрт томонга а л а н г л а б қ о л д и*** (Ойдин). Бу феъл эски ўзбек тилида 'олазарак' маъносини англатган **алаң** сўзидан (КРС, 46) **–ла** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **алаң + ла = алаңла– > äлäңлä–.**

АЛДА– 'ёлғон гапириб кўндир–'. ***А л д а г а н и бола яхши*** (Мақол). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'ҳийла–найранг', 'ёлғон' каби маънони англатган **а:л** отидан (ДС, 32) **–ла** қўшимчасининг **–да** шакли билан ясалган (ЭСТЯ, I, 127); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 271; ДС, 34); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **а:л + да = а:лда– > алда– > äлдä–.**

АЛДАМЧИ 'алдашга уста', 'алдоқчи'. ***Энди билсам, сен а л д а м ч и экансан.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **алда–** феълидан **–м** қўшимчаси билан ясалган отга (КРС, 48) сифат ясовчи **–чы** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 48); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(алда– + м = алдам) + чы = алдамчы > äлдämчи.** Бу сўз асли сифат бўлиб, от маъносида ҳам ишлатилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида **äлдäм** сўзи мустақил қўлланмайди, **äлдäм–қäлдäм** сўзи таркибида қатнашади.

АЛДОҚЧИ 'алдашга уста', 'алдамчи'. ***Энди билсам, сен а л д о қ ч и экансан.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **алда–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган отга сифат ясовчи **–чы** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 127); кейинчалик сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(алда– + қ = алдақ) + чы = алдақчы > äлдâқчи.** Бу сўз асли сифат бўлиб, от маъносида ҳам ишлатилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида **äлдâқ** сўзи мустақил қўлланмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЛЖИ– 'мияси гангиб, бўлар–бўлмас гапларни гапир–'. ***Нима бало, мастлик қилиб а л ж и б қ ў й д и н г м и*** (Парда Турсун). Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ақлини йўқотган', 'ахмоқ' маъносини англатган **ал** сифатидан **–жы** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 145); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ал + жы = алжы– > älжи–.**

АЛЖИРА– 'мияси гангиб, баъзи бўлар–бўлмас гапларни гапир–'. ***Сен ўзингдан ўзинг нималар деб а л ж и р а я п с а н ?!*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'мияси гангиб, бўлар–бўлмас гапларни гапир–' маъносини англатувчи **алжы–** феълидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ра** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **алжы– + ра = алжыра– > älжирä–.** Кўринадики, ҳозирги ўзбек тилидаги **алжи–** ва **алжира–** сўзларининг маъноси айнан эмас (ЎТИЛ, II, 40).

АЛИШ– 'айирбошла–'. ***Биз кассеталаримизни вақтинча а л и ш д и к.*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'ўз ихтиёрига ўтказ–' маъносини англатувчи **ал–** феълига 'бирга' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, асли 'ниманидир бир–биридан ол–' маъносини билдирган, кейинчалик 'олди–берди қил–', 'айирбошла–' маъносини англата бошлаган. Бу сўзнинг бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ал– + ыш = алыш– > älиш–.**

АЛЛА 'гўдакни ухлатиш пайтида куйлаб айтиладиган мисралар'. ***Она а л л а с и д а н бебаҳра бўлган гўдаклар ҳам бор.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'тинчланиш' маъносини билдирган **ала (ала–ала)** ундов сўзидан ўсиб чиққан (Девон, I, 118); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **л** ундоши қатланган: **ала–ала > алла > äллä.** Куйланадиган мисралар охирида келганида бу сўз ундовлик хусусиятини сақлайди, шундай мисраларнинг номи сифатида эса отга тенг бўлади.

АЛМАШ– 'айирбошла–'. ***Биз кассеталаримизни вақтинча а л м а ш д и к.*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ихтиёрига ўтказ–' маъносини англатган **ал–** феълига 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчасини ва 'бирга' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(ал– + ма = алма–) + ш > = алмаш– > älmäш–.** Бу феъл асли 'бир неча марта айирбошла–' маъносини билдирган.

АНАВИ бироз нарида кўриниб турган киши ёки нарсани кўрсатиш олмоши. ***А н а в и дарахтларнинг таги салқинроқ экан.*** Бу сўз ўзбек тилида **änä** ва **у** олмошларининг қўшилишидан юзага келган: аввал икки унли орасига **в** ундоши орттирилган, сўнгра сўз охири–даги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **änä у > änäву > änäви.**

АНИҚ 'ноаниқликдан холи', 'очиқ–ойдин'. ***Мақсадингизни а н и қ айтинг.*** Бу сифат асли қадимги туркий тилдаги 'очиқ–ойдин бўл–' маъносини англатган **ан–** феълидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 152); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ан– + ық = анық > äниқ.**

АНЧА 'кўпгина', 'талайгина'. ***Кетганига а н ч а (< а н ч а вақт) бўлди.*** Бу равиш қадимги туркий тилда кўрсатиш олмошининг **ан** шаклига 'чама' маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 43: **анча 2**); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ан + ча = анча > äнчä.** Асли **–ча** қўшимчаси 'меъёридан кичик' маъносини англатувчи **чағ** сўзидан ўсиб чиққан **(чағ > ча: > –ча)**, шунга кўра **äнчä** равиши асли 'у қадар кўп бўлмаган миқдордаги' маъносини билдирган.

АНЧАЙИН 'шунчаки', 'арзимас', 'аҳамияти йўқ даражадаги'. ***Менинг а н ч а й и н айтган гапимга бу қадар жиддий тус берилишини кутмаган эдим.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги кўрсатиш олмошининг **ан** шаклидан ва 'меъёрдан кичик' маъносини англатувчи **чағ** отидан иборат бирикмага **–(ы)н** восита келишиги қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; бунда аввал бирикма яхлитланган (ДС, 43); ўзбек тилида **ғ** ундоши **й** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унли–

www.ziyouz.com kutubxonasi

синининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ан чағ) + ын = анчағын > äнчäйин.** Бу сўз асли 'у даражада' маъно–сини билдирган.

АНҚАЙ– 'маълум муддат оғзи очилиб тўхтаб тур–'. ***А н қ а й м а, тез–тез юр, орқадагилар оёғингни босиб олади.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'оғизнинг очилиш ҳолати' маъносини ифодаловчи **аң** сўзининг **анқ** шаклидан (ЭСТЯ, I, 155) **–(а)й** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **анқ + ай = анқай– > äнқäй–.**

АНҚОВ 'гапга тушунмаган ҳолда қараб турувчи'. ***Сенга ўхшаган а н қ о в д а н худо асрасин.*** Бу си–фат асли қадимги туркий тилдаги 'оғзи очилиш ҳолатида бўл–' маъносини англатган **аң–** феълининг **анқ–** шакли–дан **–(а)в** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 156; КРС, 59); ўзбек тилида **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унли–сига, сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **анқ– + ав = анқав > äнқâв.**

АҢЛА– 'тушуниб ет–', 'уқ–', 'фаҳмла–'. ***Сизга ай–тиб хато қилганимни энди а н г л а д и м.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ақл–идрок' маъносини анг–латган **а:ң** отидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 153); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 285; ДС, 47); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **а:ң + ла = аңла– > äңлä–.**

АҢРАЙ– 'тушуниб етмай оғзи очилиб қараб тур–'. ***Нега а н г р а я с а н, берган сўроғимга тушунма–дингми?*** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'оғизнинг очилиш ҳолати' маъносини билдирган **аң** сўзининг **–(ы)р** қўшимчаси билан кенгайган шаклидан **–(а)й** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 156); кейинчалик иккинчи бў–ғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек ти–лида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(аң+ ыр = аңыр) + ай = аңырай– > аңрай– > äңрäй–.** Бу феъл дастлаб 'оғизни очиб қараб тур–' маъносини англаттан, 'тушуниб етмаслик', 'ҳайрат' маъно қирралари кейин пайдо бўлган.

АРАЛАШ– 'бир–бирининг орасига кириб, бирла–шиб кет–'. ***Катта укам жуда киришимли, қаерга бор–***

www.ziyouz.com kutubxonasi

са, одамлар билан тезда а р а л а ш и б к е т а д и. Бу феъл эски ўзбек тилида **ара** отидан (Девон, I, 300) **–ла** қўшимчаси билан ясалган феълга 'бирга' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(ара + ла– = арала–) + ш– = аралаш– > äрäläш–.**

АРДОҚЛА– 'ортиқ даражада иззат–икром билан парвариш қил–'. ***Биз қарияларимизни а р д о қ л а ш и м и з керак.*** Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **ардақ** отидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (**ärdâқли** сифати ҳам шу сўздан ясалган); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига, биринчи ва учинчи бўғинлардаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ардақ + ла = ардақла– > ärdâқлä–. Ардақ** сўзи асли 'меъёрдан ортиқ иззат–икром, парвариш' маъносини англатиб, ўз навбатида қадимги туркий тилдаги 'ортиқ даражада иззат–икром қил–' маъносини англатувчи **ар–та–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, 173); кейинчалик **р** ундоши таъсирида **т** ундоши **д** ундошига алмашган: **арта– + қ = артақ > ардақ.**

АРИ– 'бутунлай холи бўл–' (кўпинча бўлишсиз шаклда ишлатилади). ***Дард танамдан а р и м а д и – а р и м а д и.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'пок, тоза' маъносини англатган **ар** сифатидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган: **ар + ы = ары–**; бу феъл дастлаб 'поклан–' маъносини англатган (ДС, 51), 'холи бўл–' маъноси кейин ўсиб чиққан; **ары–** феълига **–т** қўшимчасини қўшиб **арыт–** шакли ҳосил қилинган ва 'батамом холи қил–' маъноси билдирилган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ар + ы = ары–) + т = арыт– > ärит–.**

АРИТ– қ. **ари–**

АРИҚ 'кичик оқин сув йўли'. ***Баҳорда бу а р и қ л а р г а сув сиғмай кетади.*** Бу от асли қадимги турк кий тилдаги 'оқ–' маъносини англатган **а:р–** феълидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 188); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 96); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиси –

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **а:р– + ық = а:рық > арық > äриқ**.

АРО қ. **ора**

АРСЛОН 'мушуксимонлар оиласига мансуб баҳайбат йиртқич сутэмизувчи ҳайвон'. ***Ҳайвонот боғимизга яна бир а р с л о н келтирилди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда **арс** товушга тақлид сўзидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган феълга **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(арс + ла) = арсла– + н = арслан > äрслâн**.

АРТ– 'мато билан ишқаб холи қил–'. ***Стол устини ҳўл латта билан а р т и н г.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'поклан–' маъносини англатган **ары–** феълидан (Девон, III, 269; ДС, 51) **–т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 70); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ары– + т = арыт– > арт– > äрт–**. Бу феъл дастлаб 'пок қил–' маъносини билдирган, 'холи қил–' маъноси кейин ўсиб чиққан.

АРЧ– қ. **арчи–**

АРЧА 'сарвлар оиласига мансуб, игнабаргли, доим яшил дарахт'. ***Янги йил байрамига ўрмондан а р ч а кесиб келинади.*** Бу от қадимги туркий тилда сарв дарахтининг бир турини англатган **ард** сўзидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 182); кейинчалик қатор келган уч ундошдан (**рдч**) орадагиси айтилмайдиган бўлган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ард + ча = ардча > арча > äрчä.**

АРЧИ– 'қобиғидан холи қил–'. ***Бодрингни а р ч и м а с д а н ейиш фойдали.*** Бу сўз асли **ары–** феълига 'кичик ҳажмда амалга ошириш' маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ары + чы = арычы– > арчы– > äрчи–.** Бу феъл сўзлашув нутқида **äрч–** шаклида ҳам ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АРҚОН 'ўсимлик толаларидан эшиб тайёрланган йўғон боғлаш буюми'. ***Сигирни ўтлоққа а р қ о н б и л а н боғлаб келдим.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'эш–', 'бура–' маъносини англатган **ар–** феълининг (ЭСТЯ, I, 176) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган. Кейинчалик ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундошидан кейинги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ар– + қа = арқа–) + н = арқан > ärқân.** Асли **арқа–** феъли 'кўп марта бура–' маъносини, шу феълдан ясалган **арқан** оти эса 'кўп марта бураш билан ҳосил бўлган буюм' маъносини англатган.

АРҚОҚ 'матонинг моки ёрдамида кўндаланг тўқиладиган ипи'. ***Бу атласнинг а р қ о ғ и ҳам соф ипакдан.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'эш–', 'бура–' маъносини англатган **ар–** феълининг (ЭСТЯ, I, 176) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–ғ** қўшимчасини қўшиб ясалган (Девон, I, 140). Ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ар– + қа = арқа–) + қ = арқақ > ärқâқ.**

АРҒАМЧИ 'ингичка арқон'. ***Қўчқор а р ғ а м ч и н и узиб кетибди.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'эш–', 'бура–' маъносини англатган **ар–** феълига (ЭСТЯ, I, 176) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчасининг **–ға** кўринишини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–м** қўшимча билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик биринчи, иккинчи бўғинлардаги **а** унлиси **ä** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **и** унлига алмашган: **[(ар– + ға = арға–) + м = арғам] + ча = арғамча > ärғämчи.**

АРҒИМЧОҚ 'учлари йўғон шох ёки иморат ёғочидан ўтказилиб, паст учи туташ боғланган ва тебраниш учун хизмат қиладиган арқон'. ***А р ғ и м ч о қ д а мазза қилиб учдик.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'эш–', 'бура–' маъносини англатган **ар–** феълига 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қы** қўшимчасининг **–ғы** кўри–

www.ziyouz.com kutubxonasi

нишини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–м** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чақ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши ол– дидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(ар– + ғы = арғы–) + м = арғым] + чақ > арғымчақ > ärғимчâқ.** Бу сўз асли 'ингичка арқон' маъносини англатган, кейинчалик шун– дай арқон воситасида ҳосил қилинадиган тебраниш буюмини англата бошлаган.

АРҒУМОҚ 'зотли чопқир от'. ***Пойгада акамнинг а р ғ у м о ғ и маррага биринчи бўлиб келди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'катта тезлик билан югур–' маъносини англатган **арғы–** феълининг (ЭСТЯ, I, 172; КРС, 66) **арғу–** шаклидан **–мақ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 171; КРС, 66); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** ун– лисига алмашган: **арғу + мақ = арғумақ > ärғумâқ.**

АСРА– 'эҳтиёт қил–', 'сақла–'. ***Дорини ўз вақтида сепиб, узумни чиришдан а с р а б қ о л д и к.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'авайлаб боқилган, парва– риш қилинган' маъносини англатувчи **асы** сифатидан **–ра** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 194; КРС, 77); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **асы + ра = асыра– > асра– > äсрä–.** Бу феъл дастлаб 'ўз боқимига ол–' маъносини англатган (**äсрäнди** сифати **асра–** феълининг шу маъносидан ясалган: **äсрä + нди**).

АСРАНДИ қ. **асра–**

АТА– 'ном бер–'. ***Янги асарингизни нима деб а т а д и н г и з?*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'исм' маъносини англатувчи **а:т** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 199); ўша даврдаёқ **а:** унлиси– нинг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 267; ДС, 66); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **а:т + а = а:та– > ата– > ätä–.**

АТАЛА 'унни ёғда қовуриб, кейин сув билан қайнатиб тайёрланадиган енгил ҳазм суюқ овқат'. ***Кўзи ёриган аёлга а т а л а ичиришади.*** Бу от ўзбек ти– лида маъно тараққиёти натижасида 'суюқ нарсани чў–

www.ziyouz.com kutubxonasi

мич билан тўлға–' маъносини англатувчи **ätälä–** феъли–дан ўсиб чиққан.

АТОҚЛИ 'ном чиқарган', 'таниқли'. ***А т о қ л и ёзувчи Ойбекнинг асарлари кўп тилларга таржима қилинган.*** Бу сифат эски ўзбек тилида **ата–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалиб, 'маълум–машҳурлик' маъно–сини англатган отта (КРС, 78) **–лы** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига ал–машган: **(ата– + қ = атақ) + лы = атақлы > ätâqlı**. Бу сифат таркибидаги **ätâq** қисми ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, қадимги туркий тилда эса **атағ** шаклида мавжуд бўлиб, 'ном', 'донг' маъносини анг–латган (ДС, 66).

АХТАР– 'кўп нарсалар орасидан титиб қидир–'. ***Керакли китобни жавондан а х т а р и б топол–мадим.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бир томонга эгил–' маъносини англатган **а:ғ–** феълининг **ах–** шаклига **–тар** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 74); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ах + тар = ахтар– > äхтäр–**. Асли бу феъл 'кўп нарсаларни ағдар–' маъносини билдирган, 'қидир–' маъноси кейин пайдо бўлган.

АЧИ– 'микроорганизмлар таъсирида ўзгариб, нордоннамо таъм ҳосил қил–'. ***Вақтидан ўтса, хамир а ч и й д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'нордон–намо таъм' маъносини англатган **а:ч** отидан **–ы** қўшим–часи билан ясалган (ЭСТЯ, I, 92); кейинроқ **а:** унлиси–нинг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 269; ДС, 4); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиси–нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **а:ч– + ы = а:чы– > ачы– > äчи–**.

АЧИН– 'афсусланиб куйин–'. ***Аҳволини кўриб а ч и н д и м.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги кўп маъноли **ачы–** феълининг 'афсусланиб куйиниш ҳолати–да бўл–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 5: **ачын– II**); ўз–бек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ачы– + н = ачын– > äчин–**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ачы– феъли ўтимсиз бўлгани сабабли **–н** қўшимчаси қўшилганидан кейин бу феълнинг маъносида сезиларли ўзгариш бўлмаган ('ўз–ўзича' маъно қирраси кучайган).

АЧЧИҚ 'тилни ловуллатадиган, ачитадиган'. ***Укам а ч ч и қ қалампирни чайнаб еяверади.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги **а:чы–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 91); ўша даврлардаёқ **а:** унли — сининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 94; ДС, 4); ўзбек тилида **ч** ундоши қатланган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **а:чы– + қ = а:чық > ачық > аччиқ.**

АҒАНА– 'ёнбошга юмала–'. ***Тупроққа а ғ а н а б ўйнаётган болалар бирдан сув томонга югуриб кетишди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'бир томонга эгил–' маъносини англатган **а:ғ–** феълидан **–(ы)н** қўшимчаси билан ясалган отга **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 75; ДС, 18), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай, **ағна–** шакли юзага келган (Девон, I, 284; ДС, 22); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **а** унли — сига алмашиб сақланган, кейинчалик **а** унлилари **ä** ун — лиларига алмашган: **(а:ғ– + ын = а:ғын > ағын) + а = ағына– > ағана– > äғänä–.**

АҒДАР– 'тик ҳолатдан кўндаланг ҳолатга ўтказ–'. ***Пахса деворни а ғ д а р и б, ўрнига ғишт девор тикламоқчимиз.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бир томонга эгил–' маъносини англатган **а:ғ–** феълининг **ағ–** шаклига **–дар** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 74); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ағ– + дар = ағдар– > äғдäр–.** Бу сўз таркибида **ағ–** феълининг қатнашгани (**а** унлисининг **â** унлисига алмашмагани) унинг қадимги туркий тилдаги шаклда сақланганини кўрсатади (чунки ўзбек тилида **ағ–** феъли **âғ–** шаклига ўтган).

АҒНА– қ. **ағана–**

АҒРАЙ– 'тушуниб етмай оғзи очилиб қараб тур–'. ***Нимага а ғ р а я с а н, тез-тез юрсанг-чи.*** Бу сўз **äңрäй–** феъли таркибидаги **ң** ундошининг сўзлашув

www.ziyouz.com kutubxonasi

нутқида **ғ** ундошига алмашуви билан юзага келган: **äңрäй– > äғрäй–**.

Б

БАБАҚ 'жуссаси катта, дуркун' (товуқ, хўроз ҳақида). ***Баланд тутдан қичқирганда б а б а қ хўроз..*** (Ғафур Ғулом). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'ота', 'отанинг отаси' каби маъноларни англатган **баба** (< **ба:–ба**) отининг (ДС, 76) 'катта' маъносидан кичрайтириш–эркалаш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **баба + қ = бабақ > бäбäқ**.

БАЖАР– 'бўйсунган ҳолда амалга ошир–', 'ижро эт–'. ***Бу топшириғингизни б а ж а р и ш осон бўлмади.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'амал, фаолият' маъносини англатган **бажа** отидан **–р** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, II, 92); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **бажа + р = бажар– > бäжäр–**.

БАЙРАМ 'тантана, шодлик билан ўтказиладиган кун', 'муборак кун'. ***Қизим университетни битирган кун оиламизда б а й р а м г а айланиб кетди.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'ёйил–', 'яйра–' маъносини англатган **баź–** феълининг **бай–** шаклига (ЭСТЯ, II, 35) **–(ы)р** орттирма қўшимчасини ва кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–м** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **{[(баź– > бай–) + ыр = байыр–] + а = байыра–} + м = байырам > байрам > бäйрäм**. Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг асли **баźрам** тарзида талаффуз қилинишини, ўғизлар **ź** ундошини **й** ундошига алмаштириб, **байрам** деб талаффуз қилишини махсус таъкидлаган (Девон, I, 447; III, 191).

БАЙРОҚ 'маълум рангда тайёрланиб, махсус рамзий белгилар туширилган мато'. ***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида Ўзбекистон Республикасининг давлат б а й р о ғ и ҳилпираб турибди.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'ёйил–' маъносини анг–

www.ziyouz.com kutubxonasi

латган **баз-** феълининг **бай-** шаклига (ЭСТЯ, II, 35) **-(ы)р** орттирма қўшимчасини ва кучайтириш маъносини ифодаловчи **-а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **-қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 34; Девон, II, 239; III, 199); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида биринчи **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **{[(баз- > бай-) + ыр = байыр-] + а = байыра-} + қ = байырақ > байрақ > бäйрâқ.**

БАЙТАЛ 'қисир қолган урғочи от'. ***Қашқа б а й- т а л н и гўштга топшириб юбордик.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'ёйил-' маъносини англатган **баз-** феълининг **бай-** шаклига (ЭСТЯ, II, 35) **-(ы)т** орттирма қўшимчасини ва кучайтириш маъносини ифодаловчи **-а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **-л** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **{[(баз > бай-) + ыт = байыт-] + а = байыта-} + л = байытал > байтал > бäйтäл.** А.М.Щербак **байтал** сўзининг этимологияси ноаниқ эканини айтиб, бу сўзни қавслар ичида **бай-та-л** тарзида уч қисмга ажратиб, **бай** қисмини исм, **-та** қисмини феъл ясовчи қўшимча, **-л** қисмини от ясовчи қўшимча дейди (ИРЛТЯ, 89).

БАЛИҚ 'ойқулоқлари билан нафас оладиган, сузгичли сув жонивори'. ***Бу йил б а л и қ ови эрта бошланди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'намлик', 'сув' маъносини англатган **ба:л** отининг (ЭСТЯ, II, 60) **бал** шаклига **-ы** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **-қ** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, асли 'сувда яшайдиган жонивор' маъносини англатган (ПДП, 368; Девон, I, 360; ДС, 80); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(ба:л > бал) + ы = балы-] + қ = балық > бäлиқ.**

БАЛИҚЧИ 'балиқ овлаб овқатланадиган қуш', 'қарқара'. ***Кўлга б а л и қ ч и учиб келибди.*** Бу от асли қадимги туркий тилда **балық** отига 'исташ' маъносини ифодаловчи **-сын** қўшимчасининг **-чын** шаклини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, I, 468); кейинчалик ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида **балиқчи** ('балиқ овловчи киши') сўзи таъсири билан **балықчын** сўзи охиридаги **н** ундоши талаффуз қилинмай қўйган; **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **балық + чын = балықчын > бäлиқчин > бäлиқчи**.

БАЛЧИҚ 'тупроқнинг суюқ лой ҳолати'. ***Тупроқ йўл кечаги ёмғирдан кейин б а л ч и қ бўлиб қолибди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'намлан–', 'сувлан–' маъносини англатган **ба:л–** феълининг **бал–** шаклига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 434); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(бал– + чы = балчы–) + қ = балчық > бäлчиқ.**

БАЛҚИ– I 'ёрқин нур тарат–', 'порла–', 'ярқира–' (кўтаринки). ***Уни энди б а л қ и г а н қуёш нурга чулғаб кузатиб қўйди*** (Эгам Раҳим). Бу феъл қадимги туркий тилдаги ёруғликни ифодаловчи **бал** тасвир сўзининг **–қ** қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан (ЭСТЯ, II, 57) **–ы** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(бал + қ = балқ) + ы = балқы– > бäлқи–**.

БАЛҚИ– II 'кўпчи–', 'кўтарил–'. ***Чўян эриб, симобдай б а л қ и д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'дўнг', 'туртиб чиққан жисм' маъносини англатган **бал** отидан (ЭСТЯ, II, 53) **–қы** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **бал + қы = балқы– > бäлқи–**.

БАРИ 'барча', 'ҳамма'. ***Б а р и гапларингиз тўғри.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'мавжуд' маъносини англатган **ба:р** сўзига (ЭСТЯ, II, 63) **–ы** эгалик қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган. Қадимги туркий тилдаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 84), ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ба:р + ы = > ба:ры > бары > бäри.** Кейинчалик эгалик қўшимчаси бу сўзнинг аж–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ралмас қисмига айланган, шунга кўра зарур ўринда бу сўзга эгалик қўшимчаси қўшиб ишлатила бошлаган: *Гапларингизнинг б а р и с и тўғри* каби.

БАРМОҚ 'панжадаги ҳар бир ҳаракатчан думалоқ чўзиқ аъзо'. *Жисмоний иш билан ортиқча шуғулланган туфайли б а р м о қ л а р и зирқираб оғрий бошлади.* Бу от қадимги туркий тилдаги 'ушла–' маъносини англатувчи **бары–** феълидан (ЭСТЯ, II, 67) **–м** қўшимчаси билан ясалган ва унга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси қўшилган бўлса керак; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(бары– + м = барым) + ақ = барымақ > бармақ > бäрмâқ.**

БАРЧА 'ҳамма'. *Укам б а р ч а юмушларни тартиб билан пухта бажаради.* Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'мавжуд' маъносини англатган **ба:р** сўзига **–ы** эгалик қўшимчасини ва 'чама' маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; **–ча** қўшимчаси қўшилганидан кейин **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолиб, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ПДП, 368; Девон, I, 394; ДС, 83); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(ба:р + ы = бары) + ча = барыча > барча > бäрчä.** Асли бу сўз 'қанча мавжуд бўлса – шунча' маъносини билдирган.

БАҚА 'қурбақа'. *Оёғи остидан сакраб чиққан б а қ а чўчитиб юборди.* Бу от қадимги туркий тилдаги **ба:ғ** товушга тақлид сўзи асосида юзага келган **бақ–** феълидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 41; Девон, III, 246; ДС, 82); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **бақ– + а = бақа > бäқä.**

БАҚАЛОҚ I 'йилқи туёғи устидаги дўмбайиб турувчи эт парчаси'. *Бек Равшаннинг отга солган давири Тушади Жийроннинг б а қ а л о г и г а* ("Равшан"). Қадимги туркий тилда 'йилқи туёғининг устидаги доира шаклида бўртиб турадиган қисм' маъносини англатган бу сўз 'туёқ' маъносини англатувчи **бақан** сўзидан (ЭСТЯ, II, 43) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, III, 192); ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида **н** ундоши **л** ундошига, биринчи, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **бақан + ақ = бақанақ > бақалақ > бäқäлâқ.**

БАҚАЛОҚ II 'семизлигидан эни бўйига тенглашиб қолган', 'меъёрдан ортиқ семиз'. ***Б а қ а л о қ бўлишига қарамай , чаққон ҳаракат қилар эди.*** Бу сифат 'думалоқ ва япасқи' маъносини англатиб келган **бақа** сўзига (ЭСТЯ, II, 41) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–лақ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик биринчи, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **бақа + лақ = бақалақ > бäқäлâқ.**

БАҚИР– 'овозининг борича шанғилла–', 'қичқир–'. ***Мунча б а қ и р а с а н, қулоғи кар эмас–ку!*** Бу феъл қадимги туркий тилда кучли товушни билдирувчи **ба:ғ** тақлид сўзидан (Бу тақлид сўзи ўзбек тилида **бағ–буғ** шаклида мавжуд) **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган; кейинроқ **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган, **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 202); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ба:ғ + ыр = ба:ғыр– > бақыр– > бäқир–.**

БАҚРАЙ– 'кўзни чақчайтириб тикилиб қара–'. ***Нега б а қ р а й и б турибсан, сўроғимга аниқ жавоб бер.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'синчковлик билан қара–' маъносини англатган **бақ–** феълидан (Девон, II, 23; ДС, 81) **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган отга **–(а)й** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(бақ– + ыр = бақыр) + ай = бақырай– > бақрай– > бäқрäй–.**

БЕЖА– 'зеб бер–', 'кўркам қил–'. ***Яп–янги кўк шойи тўн кийган устод янги тақяга саллани б е ж а б ўрамоқда*** (Ойбек). Бу феъл қадимги туркий тилда **безä–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 279; ДС, 97); ўзбек тилида **безä–** феъли сақланган ҳолда, бу феъл таркибидаги **з** ундошининг **ж** ундошига алмашуви билан **бежä–** феъли юзага келган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕЖОҒЛИҚ 'безатилган', 'ясатилган'. ***Бег оши б е ж о ғ л и қ.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **бежа–** феълига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган отдан **–лық** қўшимчаси билан ясалган; **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига, **â** унлиси билан **л** ундоши оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(бежа + қ = бежақ) + лық = бажақлық > бежâғлиқ.** Сўзлашув нутқида бу сўз охиридаги **қ** ундоши **ғ** талаффуз қилинади.

БЕЗА– 'зеб бер–', 'кўркам қил–'. ***Мактаб саҳнидаги ўрикларни оқ , пушти гуллар б е з а д и.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'кўрк берувчи нарса' маъносини англатган **без** отидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 106; Девон, III, 279; ДС, 97): **без + ä = безä–.**

БЕЗАҢЛА– 'зада бўлгани туфайли бетоқат бўл–', 'безилла–'. ***Дори ичишга тўғри келиб қолса, б е з а н г л а й д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'титра–', 'қалтира–' маъносини англатган **без–** феълидан (Девон, II, 15) эски ўзбек тилида **–(ä)ң** қўшимчаси билан ясалган отга **–лä** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(без– + äң = безан) + лä = безäңлä–.**

БЕЗБЕТ 'уят–андишаси, ор–номуси йўқ'. ***Сендек б е з б е т болани умримда биринчи марта учратишим.*** Бу сифат **без бет** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган; бу қўшма сифат таркибидаги **без** қисми 'таъсирга берилмайдиган', 'қаттиқ' маъноси билан қатнашган: **без бет > безбет.**

БЕЗГАК 'вақти–вақти билан иситма чиқариб, баданни қалтиратадиган юқумли касаллик'. ***Ўзбекистонда б е з г а к тамоман йўқотилди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'қалтира–' маъносини англатган **без–** феълининг (Девон, II, 15) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–гä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (Девон, II, 334): **(без– + гä = безгä–) + к = безгäк.**

БЕЗИЛЛА– 'зада бўлгани туфайли бетоқат бўл–', 'безангла–'. ***Дори ичишдан б е з и л л а б қ о л и б м а н.*** Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

'титроқ' маъносини билдирган **без** тақлид сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган: **без + иллä = безиллä–.**

БЕЗРАЙ– 'ҳеч нарса бўлмагандай қараб тур–'. ***Шунча танбеҳ берилганидан кейин ҳам б е з р а – й и б турибди.*** Бу феъл киши аъзоларидан бирининг номи бўлган **без** сўзининг 'гап таъсир қилмайдиган' маъносидан **–рä** қўшимчаси билан ясалган феълга 'бироз' маъносини ифодаловчи **–й** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(без + рä = безрä–) + й > безрäй–.**

БЕК I 'шаҳар ёки вилоят ҳукмдори', 'юқори мартабали амалдор'. ***Азизбек – Туркистон хонлигининг энг золим ва мустабид саналган б е к л а р и д а н бири*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда **бäг** (ПДП, 369), **бӛг** (Девон, III, 169) тарзида талаффуз қилинган бўлиб, кейинроқ **ä | ӛ** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 91); дастлаб 'катта', 'йирик' каби маъноларни англатган, кейинчалик маъно тараққиёти натижасида бу сифат отта айланган; ўзбек тилида **г** ундоши **к** ундошига алмашган: **бег > бек.**

БЕК II 'ёпиқ', 'қулфланган'. ***Тортиб кўрсам, эшик б е к э к а н.*** Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'мустаҳкам ҳолатда бўл–' маъносини англатган **бе–** феълидан (ЭСТЯ, II, 120) **–к** қўшимчаси билан ясалган: **бе– + к = бек.**

БЕКА 'ҳукмдорнинг, юқори мартабали амалдорнинг хотини', 'хонадон соҳибаси'. ***Уй б е к а с и улкан лаганда жаркоп келтирди.*** Бу от асли **бег** отининг **бей** шаклига (ЭСТЯ, II, 97) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–кä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, шунинг ҳисобига **е** унлиси чўзиқ айтилган; ўзбек тилида бу унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган: **(бек > бей) + кä = бейка > бе:кä > бекä.** Бу сўз асли 'кичик бек' маъносини англатган.

БЕКАЧ 'ҳукмдорнинг, юқори мартабали амалдорнинг ёш хотини ёки қизи'. ***Бо худо, ўрда б е к а ч и б ў л с а, ўзига, дедим*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз **бекä** отига кичрайтириш–эркалаш маъносини ифодаловчи **–ч** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **бекä + ч = бекäч.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу сўз асли 'ёш бека' маъносини англатган. Девонда **бегäч, бекäч** сўзлари 'кичик бек' маъносини англатиши айтилган, бунда **бекäч** сўзи **бек** сўзидан **–(ä)ч** қўшимчаси билан ясалган бўлади (Девон, I, 339).

БЕКИК 'ёпиқ', 'қулфланган'. ***Тортиб кўрсам, эшик б е к и к э к а н.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'мустаҳкам' маъносини англатган **бек** сифатидан **–ў** қўшимчаси билан ясалган **бекў–** феълига (Девон, III, 285) **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган, кейинчалик **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **(бек + ў = бекў–) + к = бекўк > бекик.** Ўзбек тилида **беки–** феъли мустақил ишлатилмайди.

БЕКИЛ– 'ёпил–', 'қулфлан–'. ***Эшик зич б е к и л м а д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'мустаҳкам' маъносини англатган **бек** сифатидан **–ў** қўшимчаси билан ясалган феълга (Девон, III, 285) **–л** мажҳул нисбат қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **(бек + ў = бекў–) + л = бекўл– > бекил–.**

БЕКИН– 'яширин–', 'панага ўт–'. ***Югуриб бориб, дарахт орқасига б е к и н д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги **бек** сифатининг 'ёпиқ' маъносидан **–ў** қўшимчаси билан ясалган феълга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **(бек + ў = бекў–) + н = бекўн– > бекин–.**

БЕКИТ– 'яшир–', 'қулфла–'. ***Қизча қўғирчоғини укасидан б е к и т д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги **бек** сифатининг 'ёпиқ' маъносидан **–ў** қўшимчаси билан ясалган феълга (Девон, III, 285) **–т** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 93), кейинчалик **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **(бек + ў = бекў–) + т = бекўт– > бекит–.**

БЕЛ 'гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса оралиғидаги энг хипча қисми'. ***Б е л и оғримаганнинг нон ейишига боқ*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от дастлаб **би:л** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 136); кейинроқ **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган ва бу унли **е** унлисига алмашган (ДС, 93): **би:л > бил > бел.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕЛА– I 'бешикка оёқбоғ, қўлбоғ билан боғлаб ётқиз–'. ***Боласини б е л а б ухлатди.*** Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'йўргак' маъносини англатган **бе:** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 112); кейинроқ **е:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 286): **бе: + лä = бе:лä– > белä–.**

БЕЛА– II қ. **була–.**

БЕЛАНЧАК 'бола ухлатиш учун хизмат қиладиган арғимчоққа ўхшаш тебратиш буюми'. ***Боласи ўрик шохига осилган б е л а н ч а к д а ухлаб ётар эди.*** Бу сўз **белä–** феълидан **–н** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш–эркалаш маъносини ифодаловчи **–чäк** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(белä– + н = белän–) + чäк = белäнчäк.**

БЕЛБОҒ 'белга боғланадиган чорбурчак мато', 'қийиқ'. ***Кимда чорбоғим қолур, кимда б е л б о ғ и м қолур?*** (Чустий). Бу қўшма от қадимги туркий тилда **бел бағы** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган, кейинчалик эгалик қўшимчаси талаффуз этилмай қўйган (ДС, 93); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **бел бағы > белбағы > белбағ > белбâғ.**

БЕЛГИ 'бошқалардан ажратиш учун қўйиладиган аломат', 'тамға'. ***Янги қўзиларга ўз подасининг б е л г и с и н и қўйиб чиқди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'фарқлан–', 'маълум бўл–' маъносини англатган **бел–** феълидан (ЭСТЯ, II, 110) **–гў** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 403; ДС, 93); ўзбек тилида иккинчи очиқ бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **бел– + гў = белгў > белги.**

БЕЛКУРАК 'ер қазиш, сочилган нарсаларни ердан тўплаб олиш асбоби'. ***Ерни кузда кетмон билан чопгандан кўра б е л к у р а к б и л а н ағдарган маъқул.*** Бу қўшма сўз ўзбек тилида 'ўрта' маъноси билан қатнашган **бел** сўзини 'суриб тўплаш асбоби' маъносини англатувчи **курäк** сўзига бирлаштириб ҳосил қилинган: **бел + курäк = белкурäк.**

БЕР– 'ихтиёрига топшир–', 'қўлига тутқаз–'. ***Китобингизни менга қачон б е р а с и з?*** Қадимги туркий тилда ҳам юқоридаги маънони англатган бу кўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъноли феъл **бе:р–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 115), кейинроқ **е:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 195; ДС, 95): **бе:р– > бер–**.

БЕРАСИ 'берилиши, қайтарилиши лозим нарса', 'қарз'. ***Мен унинг тўйига албатта боришим керак, чунки б е р а с и м бор.*** Бу сўз асли **бер–** феълининг **–äси** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шакли бўлиб, сифатланмишисиз ишлатилиши натижасида отга кўчган: **бер– + äси = берäси (берäси нарса → берäси).**

БЕРИ 'маълум ўриндан ёки пайтдан бироз яқин'. ***Машина бинодан уч юз метр б е р и д а тўхтади.*** Бу сўзнинг ҳосил бўлишини қуйидагича изоҳлаш мумкин: **бу: йер** бирикмасига жўналиш келишигининг **–рў** қўшимчаси қўшилган, сўнгра **у:й** товушлари талаффуз қилинмай, улар кетидаги **е** унлиси чўзиқлик ҳосил қилган, кейинчалик бу унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган; ёнма–ён келган **рр** ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган; ниҳоят, сўз охиридаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **(бу: йер) + рў = бу:йеррў > б[у:й]еррў > бе:ррў > беррў > бери.**

БЕРК 'мустаҳкам ёпилган'. ***Бу уйнинг дарвозаси ҳамиша б е р к.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'мустаҳкам бўл–' маъносини англатган **бе–** феълининг **–р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига (ЭСТЯ, II, 120) **–(и)к** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 119; ДС, 95); кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 333; ДС, 96): **(бе– + р = бер–) + ик = берик > берк.** Маҳмуд Кошғарий: "Асли **бек, р** ҳарфи ортиқча",– дейди, ваҳоланки **бек** ва **берк** сўзларининг таркиби кескин фарқ қилади.

БЕТГАЧОПАР 'андиша қилмайдиган, кўнгилга оғир ботадиган гапни тикка бетга айтадиган'. ***Укангиз беандиша, б е т г а ч о п а р б ў л и б к е т а я п д и.*** Бу сўз **бетгä чâп–** бирикмасига **–(ä)р** сифатдош қўшимчасини қўшиб ва бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган: **(бетгä чâп–) + äр = бетгäчâпäр.**

БЕТКАЙ 'қуёш нури тушиб турадиган', 'кунгай'. ***Бу хонанинг деразалари кунга б е т к а й бўлгани учун ёзда исиб кетади.*** Бу сифат 'юз' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатувчи **бет** сўзининг 'сирт', 'юза томон' маъносидан **–кăй** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 122; ЎХШЛ, 51): **бет + кăй = беткăй.**

БЕТЛА– I 'юзма–юз учрашишга, сўзлашишга бо–тин–'. ***Сиз ниятингизни очиқ айтишга б е т л а м а–д и н г и з.*** Бу феъл **бет** отининг 'уят', 'андиша' маъно–сидан **–лă** қўшимчаси билан ясалган: **бет + лă = бетлă–.**

БЕТЛА– II 'саҳифаларга рақам қўй–'. ***Муҳаррир қўлёзмани қайтадан б е т л а б ч и қ д и.*** Бу феъл **бет** отининг 'саҳифа' маъносидан **–лă** қўшимчаси билан ясалган: **бет + лă = бетлă–.**

БЕТСИЗ 'уятсиз', андишасиз'. ***Шу қадар б е т–с и з йигитмисан ?!*** Бу сифат **бет** отининг 'уят', 'андиша' маъносидан **–сиз** қўшимчаси билан ясалган: **бет + сиз = бетсиз.**

БЕШ 'тўрт билан олти оралиғидаги бутун миқдор–нинг номи'. ***Б е ш кундан кейин ёз фасли бошланади.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз дастлаб **бе:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 126), кейинроқ **е:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 137; ДС, 96): **бе:ш > беш.**

БЕШБАРМОҚ 'асосини гўшт, думба, тўртбурчак шаклида кесилган юпқа хамир ташкил этадиган қуюқ овқат'. ***Тушликка б е ш б а р м о қ тайёрладик.*** Бу от **беш бăрмăқ** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан ҳосил бўлган (ЭСТЯ, II, 127). Ушбу таомга ном уни ис–теъмол қилиш усули асосида берилган: лагандан бар–моқлар билан олиб ейилади.

БЕШИК 'чақалоқни белаб ухлатиш учун ясалган, тебратишга мосланган рўзғор буюми'. ***Чақалоғи б е ш и к д а ухлаб ётарди.*** Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'йўргак' маъносини англатган **бе:** отига **–ши** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–к** қўшим–часи билан ясалган (ЭСТЯ, II, 123); кейинроқ **е:** унлиси–нинг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 386; ДС, 97): **(бе: + ши = бе:ши–) + к = бе:шик > бешик.**

БЕШИК–БЕЛИК 'бешик унга доир асбоблар билан бирга'. ***Ҳали қизим ҳомиладор пайтидаёқ б е ш и к–б е л и г и н и ҳозирлаб қўйганман.*** Бу жуфт отнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

биринчи қисми ўзбек тилида мустақил ишлатилади, ик-кинчи қисми эса мустақил ишлатилмайди. Бу қисм асли **белä–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган, олдинги қисмдаги тор унлилар таъсирида охирги бўғиндаги **ä** унлиси **и** унлисига алмашган: **белä + к = белäк > белик.**

БЕШИККЕРТТИ 'қиз болани чақалоқлигидаёқ унаштириб қўйиш одати'. ***Кичик қизини тоғасининг ўғлига б е ш и к к е р т т и қилишган эди.*** Бу қўшма от **бешик[ни] кертди** гапини бир сўзга бирлаштириш билан ҳосил қилинган; **–ди** замон ясовчиси таркибидаги **д** товуши талаффузига биноан **т** ёзилган: **бешиккертди > бешиккертти** (ЎТИЛда негадир бир **т** товуши ташлаб ёзилган: **бешиккерти**).

БЕШИКТЕРВАТАР 'оёқлари узун, тўғри қанотли, тебраниб турувчи ҳашарот'. ***Б е ш и к т е р в а т а р-н и н г пўст ташлайдиган одати бор.*** Бу от **бешик тебрät–** бирикмасига **–(ä)р** сифатдош қўшимчасини қўшиб ва бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган; асли сифатдош бўлган бу қўшма сўз кейинчалик отга кўчган; сўзлашув нутқида **тебрät–** феъли таркибидаги **бр** ундошлари ўрин алмаштириб ва **б** ундошини **в** ундошига алмаштириб айтилади, шу хусусият қўшма сўзда ўз аксини топган: **(бешик тебрät–) + äр = бешиктебрätäр > бешиктервätäр.**

БЕШКЎТАРАР 'қарта ўйинининг ожиз томон беш-та қартани олишга мажбур бўладиган тури'. ***Узоқ йўлда зерикмаслик учун б е ш к ў т а р а р ўйнаб кетдик.*** Бу қўшма от **беш котäр–** бирикмасига **–(ä)р** сифатдош қўшимчасини қўшиб ва бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган; асли сифатдош бўлган бу сўз кейинчалик отга кўчган: **(беш котäр–) + äр = бешкотäрäр.**

БИБИ қ. **буви**

БИГИЗ 'пойабзалдўзларнинг игна учли, ёғоч сопли металл асбоби'. ***Аввал чармни б и г и з б и л а н тешиб, кейин икки томонидан игна суқиб тикар эди.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'найза', 'ўткир нарса' маъносини англатган **би** отидан (ДС, 97) **–ги** қўшимчаси билан ясалган феълга **–з** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 131): **(би + ги = биги–) + з = бигиз.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИЖИЛДОҚ 'кўп ва тез гапирадиган'. ***Сен жуда бижилдоқ қиз экансан-ку!*** Бу сифат асли **бижир-бижир** товушга тақлид сўзидан **-лä** қўшимчасининг **-дä** шакли билан ясалган феълга **-қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; **д** ундошининг таъсирида **р** ундоши **л** ундошига, **қ** ундошининг таъсирида **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(бижир + дä = бижирдä-) + қ = бижирдäқ > бижилдäқ > бижилдâқ.**

БИЗ биринчи шахс кўплик кишилик олмоши. ***Бизнинг кўчамизда турли касб эгалари тотув яшайди.*** Бу олмош асли қадимги туркий тилдаги 'сўзловчи' маъносини билдирган **би** сўзига 'икки' ('кўп') маъносини ифодаловчи **-з** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 130; Девон, I, 314; ПДП, 372; ДС, 104): **би + з = биз.**

БИЛА қ. **билан**

БИЛАГУЗУК 'билакка тақиладиган зийнат буюми'. ***Шу пайт хонага қўш билагузук тақкан аёл кириб келди.*** Бу қўшма от эски ўзбек тилида **билäк ўзўги** бирикмасини бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 144), яхлит талаффуз қилиш натижасида **к** ундоши **г** ундошига алмашган, сўз охиридаги **-и** эгалик қўшимчаси талаффуз қилинмай қўйган, шундан кейин **г** ундоши **к** ундошига қайтган; ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **билäк ўзўги > билäгўзўг > билäгузук.** Бу сўзни Маҳмуд Кошғарий жумла таркибида **билäзўк** шаклида келтирган (Девон, I, 473), бу ерда ўша давр сўзлашув нутқидаги товуш тушиши акс этган.

БИЛАН 'бирга' маъносини ифодалайдиган кўмакчи. ***Қизим ўғли билан холасиникига кетди.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда **бир** сонидан 'бирга' маъносини ифодаловчи **-лä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сўзга қадимги жўналиш келишигининг **-н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 141); кейинроқ **л** ундоши таъсирида **р** ундоши **л** ундошига алмашган, иккита **л** ундошидан бири талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 99): **(бир + лä = бирлä) + н = бирлän > бил-лän > билän.** Ўзбек тилида **билän** кўмакчиси **илä** шаклида, ҳатто қисқариб, қўшимчага ўхшаб қолган **-лä** шак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лида ҳам ишлатилади: *"Бой и л а хизматчи". Қ ў л – л а созлаб бўлмайди яратган ҳайкалимни* (А.С.Пушкин).

БИЛИГ: ЎЗ БИЛГИЧА 'ақли етганича'. *Укам ҳеч кимга маслаҳат солмайди, ў з б и л г и ч а иш тутади.* Бу от қадимги туркий тилда 'билим–тажриба орттир–' маъносини англатган **бил–** феълидан **–(и)г** қўшимчаси билан ясалиб (ЭСТЯ, II, 139); 'билим–тажриба', 'ақл' маъносини англатган (Девон, I, 367; ДС, 99); ўзбек тилида бу сўз мустақил ишлатилмайди, **оз билгичä** бирикмаси таркибида келади; **билиг** сўзига **–и, –чä** қўшимчалари қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(бил + иг = билиг) + и + чä = билигичä > билгичä.**

БИЛИҚСИ– 'бетартиб ва ифлос ҳолатда бўл–'. *Бир ҳафта қарамаганим учун уй б и л и қ с и б к е т и б д и.* Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'ифлос, бетартиб нарса' маъносини англатувчи бул отидан **–у** қўшимчаси билан ясалган феълга (ЭСТЯ, II, 255) эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини ва 'мойил' маъносини ифодаловчи **–сы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **у** унлилари **и** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(бул + у = булу–) + қ = булуқ–] + сы = булуқсы– > билиқси–.**

БИЛЛА қ. **бирла**

БИЛҚИЛДОҚ 'оёқ ботадиган'. *Кечаги кучли ёмғирдан кейин тупроқ йўл б и л қ и л д о қ бўлиб қолибди.* Бу сифат **билқ** тасвир сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; иккита **л** ундошидан кейингиси **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(билқ + иллä = билқиллâ–) + қ = билқиллâқ > билқилдâқ > билқилдâқ.**

БИРАКАЙИГА 'бир вақтда жамланган ҳолда'. *Ёмғир ҳам ёғмай–ёғмай, б и р а к а й и г а ёғди.* Бу сўз **бир** сонидан **–äкäй** қўшимчаси билан ясалган **бирäкäй** равишининг **–и** эгалик қўшимчасини ва **–гä** жўналиш келишиги қўшимчасини олган шакли бўлиб, шу шаклда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзгармас ҳолда яхлитланган, ҳозир унинг таркибидаги бу грамматик қўшимчалар ажратилмайди: (**бир + äкäй = бирäкäй**) **+ и + гä = бирäкäйигä.** Бу равиш ҳозирги ўзбек тилида **бирäкäй** шаклида деярли ишлатилмайди.

БИРВАРАКАЙИГА 'бир мартадаёқ', 'биратўласи'. ***Ичидаги барча ғам-ҳасратини б и р в а р а к а й и г а тўкиб солди.*** Бу сўз асли **бир** сони ва 'марта' маъносини англатувчи **бâр** сўзидан тузилган **бир бâр** бирикмасига **–äкäй** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган **бирбâрäкäй** равишининг **–и** эгалик қўшимчасини ва **–гä** жўналиш келишиги қўшимчасини олган шакли бўлиб, ҳозир унинг таркибидаги бу грамматик қўшимчалар ажратилмайди: **[(бир бâр) + äкäй] + и + гä = бирбâрäкäйигä;** кейинчалик иккинчи бўғин бошидаги **б** ундоши **в** ундошига, шу иккинчи бўғиндаги **â** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бирбâрäкäйигä > бирвäрäкäйигä.**

БИРГА 'биргаликда', 'жам бўлиб'. ***Тантанали йиғилишга дўстим билан б и р г а бордик.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **бир** сонининг **–гä** жўналиш келишиги қўшимчасини олган шакли бўлиб, шу шаклида ўзгармас ҳолда равишга кўчган: **бир + гä = биргä.** Ушбу равишнинг **биргä** шакли нисбатан янги бўлиб, қадимги туркий тилда **бир** сонига жўналиш келишигининг ўша даврдаги **–гäрў** шаклини қўшиб ҳосил қилинган: **биргäрў** (ЭСТЯ, II, 149, ПДП, 371; ДС, 102).

БИРГАЛИКДА 'жам бўлиб'. ***Тантанали мажлисга ўн киши б и р г а л и к д а бордик.*** Бу сўз **биргä** равишидан **–лик** қўшимчаси билан ясалган отнинг ўрин келишиги қўшимчасини олган шакли бўлиб, шу шаклида ўзгармас ҳолда равишга кўчган: (**биргä + лик = биргälик**) **+ дä = биргäликдä.**

БИРДА 'аллақайси куни', 'бирор кунда'. ***У киши билан б и р д а учрашиб, суҳбатларини олганман.*** Бу сўз **бир** сонининг **–дä** ўрин келишиги қўшимчасини олган шакли бўлиб, шу шаклида ўзгармас ҳолда равишга кўчган: **бир + дä = бирдä.** Бу сўзни бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: дастлаб **бир пайт** бирикмаси жўналиш келишигида ишлатилган, кейинчалик **пайт** сўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташланиб, келишик қўшимчаси **бир** сўзига қўшиладиган бўлган: **(бир пäйт) + дä > бир [пäйт] + дä > бирдä.**

БИРДАЙ 'бир хил', 'ўзгаришсиз'. ***Ҳамма билан бирдай муомала қилади.*** Бу сўз **бир** сонининг **–дäй** қўшимчасини олган шакли бўлиб, шу шаклида ўзгармас ҳолда равишга кўчган: **бир + дäй = бирдäй.**

БИРДАН 'кутилмаганда тез', 'қўққисдан'. ***Эрталаб бирдан кучли шамол қўзғалиб, ёмғир ёғди.*** Бу сўз **бир** сонининг **–дäн** чиқиш келишиги қўшимчасини олган шакли бўлиб, шу шаклида ўзгармас ҳолда равишга кўчган: **бир + дäн = бирдäн.** Бу равиш **–и** эгалик қўшимчасини ва **–гä** жўналиш келишиги қўшимчасини олган шаклда ҳам ишлатилади (Бу грамматик қўшимчалар ўзгармайди): **бирдäн + и + гä = бирдäнигä.**

БИРДАНИГА қ. **бирдан**

БИРИК– 'бирлаш–', 'қўшил–', 'туташ–'. ***Яхши ниятли кишилар бирикиб ҳаракат қилса, ишларимиз ўнгланиб кетади.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **бир** сонидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 148; ПДП, 372; ДС, 102): **бир + ик = бирик–.**

БИРИН–БИРИН 'битталаб тартиб билан'. ***Меҳмонлар бирин–бирин тарқалишди.*** Бу сўз **бир** сонининг қадимги жўналиш келишигининг **–(и)н** қўшимчасини олган шаклини такрорлаш билан ҳосил қилинган: **(бир + ин) – (бир + ин) = бирин–бирин.** Ҳозирги ўзбек тилида **бирин** сўзи якка ўзи мустақил ишлатилмайди.

БИРИН–КЕТИН 'бири кетидан бири', 'кетма–кет'. ***Меҳмонлар бирин–кетин тарқалишди.*** Бу жуфт сўз таркибидаги **бирин, кетин** қисмлари ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди; **бирин, кетин** сўзлари **бир** сонига ва **кет** ўрин отига қадимги жўналиш келишигининг **–(и)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(бир + ин) – (кет + ин) = бирин–кетин.**

БИРИН–СИРИН 'битталаб тартиб билан'. ***Меҳмонлар бирин–сирин тарқалишди.*** Бу сўз **бирин** сўзининг бошланишидаги **б** ундошини **с** ундошига алмаштириб такрорлаш билан ҳосил қилинган, шунга кўра ўзбек тилида **сирин** сўзи йўқ: **бирин–бирин > бирин–сирин.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИРИСИ 'эртадан кейинги'. ***Эртага, б и р и с и кун уйда бўлмайман, дала ҳовлимда дам оламан.*** Бу сўз асли **бир** сонидан **–си** сифат ясовчи қўшимчаси билан ясалган, **рс** ундошларини ёнма–ён талаффуз қилиш ноқулай бўлгани туфайли улар оралиғига **и** унлиси қўшилган: **бир + си > бириси.**

БИРКИТ– 'бириктир–', 'бирлаштир–'. ***Мени энг қолоқ хўжаликка вакил қилиб б и р к и т и б қ ў й – д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилда **бир** сонидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган феълга (ЭСТЯ, II, 148; ПДП, 372; ДС, 102) эски ўзбек тилида **–(и)т** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(бир + ик = бирик–) + ит = бирикит– > биркит–.** Қадимги туркий тилда **бирик–** феълининг орттирма шакли **–тўр** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 102).

БИРЛА 'биргаликда' (эскирган, кўтаринки). ***Соҳиби хона бир неча меҳмонлар б и р л а келур*** ("Лайли ва Мажнун" операсидан). Бу равиш қадимги туркий тилда **бир** сонидан 'бирга' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 150; ПДП, 372; Девон, I, 405; ДС, 102): **бир + лä = бирлä.** Сўзлашув нутқида бу равиш **биллä** тарзида талаффуз қилинади (**л** ундошининг таъсирида **р** ундоши **л** ундошига алмашади): **бир + лä > биллä.**

БИРОВ I 'битта'. ***Нонимиз бор–у, лекин б и р о в и ҳам юмшоқ эмас.*** Бу сўз **бир** сонига 'дона' маъносини ифодалайдиган **–âв** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (кўпинча санашда ишлатилади: **бирâв, иккâв, учâв, тортâв** каби).

БИРОВ II 'кимдир, аллаким', 'бегона киши'. ***Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса, б и р о в г а ур*** (Мақол). Бу гумон олмоши **бирâв** саноқ сонидан маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан: 'бир киши' → 'номаълум киши'.

БИРОР 'қандайдир бир'. ***Мени б и р о р киши сўраб келса, ярим соатдан кейин келади денг.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда **бир** сонига 'айрим' маъносини ифодаловчи **–(а)р** қўшимчасини қўшиб ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган (ПДП, 371: **бирäр** 'отдельный', 'одинокий'); ўзбек тилида ä унлиси **â** унлисига алмашган: **бир + äр = бирâр > бирâр.**

БИТ 'одам ёки ҳайвон танасида унинг қонини сўриб яшайдиган паразит ҳашарот'. *Қизчанинг бошида б и т пайдо бўлибди.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **би:т** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 152), кейинроқ **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 103): **би:т > бит.**

• БИТ– I 'туга–', 'тамом бўл–'. *Иши б и т д и, эшаги лойдан ўтди* (Мақол). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган бу феъл асли **бӱт–** тарзида талаффуз қилинган, кейинроқ **ӱ** унлиси **и** унлисига алмашган (ЭСТЯ, II, 153; ДС, 133): **бӱт– > бит–.**

БИТ– II 'ўсиб–ун–', 'ҳосил бер–'. *Бу ерларда т у р у п яхши б и т а д и.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **бӱт–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 340; ДС, 133), кейинчалик **ӱ унлиси и** унлисига алмашган: **бӱт– > бит–.**

БИТИМ 'ўзаро келишув', 'шартнома'. *Бир қанча давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича б и т и м л а р тузилди.* Бу от 'туга–' маъносини англатувчи **бит–** феълининг 'якунлан–' маъносидан **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган: **бит– + им = битим.**

БИТЛИҚИ 'битлаб кетган'. *Сочимни сен б и т л и қ и н и н г тароғи билан тарайманми?!* Бу сўз **бит** отидан **–лиқ** қўшимчаси билан ясалган сифатга 'кўп' (кучайтириш) маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(бит + лиқ = битлиқ) + и = битлиқи.**

БИТТА 'бир дона'. *Тушликка б и т т а нон билан икки сих кабоб олиб келди.* Бу сўз **бир** саноқ сонига 'дона' маъносини ифодаловчи **–тä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; **т** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **р** ундоши **т** ундошига алмашган: **бир + тä = биртä > биттä.**

БИЧ– 'матони маълум андоза билан кес–'. *Кўйлакни мен б и ч а м а н, сингилларим тикади.* Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

феъл қадимги **туркий тилда** 'ўткир, кесувчан асбоб' маъносини англатган **би** отидан (ДС, 97) **–ч** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 159; Девон, II, 11; ДС, 98): **би + ч = бич–**. Бу **феъл асли** 'кес–' маъносини англатган, кейинчалик маънода торайиш, хосланиш юз берган: 'умуман кес–' → **'андоза билан кес–'**.

БИЧИМ **'ташқи кўриниш'**, 'фасон'. ***Тикилаётган кўйлакларнинг б и ч и м и бир–биридан фарқ қилади.*** Бу от **бич–** феълидан **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, **II, 160**): **бич– + им = бичим.**

БИЧИҚ **'ташқи кўриниш'**, 'фасон'. ***Тикилаётган кўйлакларнинг б и ч и ғ и бошқача.*** Бу от **бич–** феълидан **–(и)қ қўшимчаси** билан ясалган: **бич– + иқ = бичиқ.**

БИҚИН **'белнинг ичга кириб турадиган суяксиз ён қисми'**. ***Шу кунларда б и қ и н и м бироз оғриб турибди.*** Бу от **қадимги туркий** тилда 'ичга кириб тур–' маъносини англатган **бық–** феълидан **–(ы)н** қўшимчаси билан ясалган (**ЭСТЯ, II, 305**; Девон, I, 380; ДС, 105); кейинчалик **ы унлиларининг қаттиқлик** белгиси йўқолган: **бық– + ын = бықын > биқин.**

БОБО **'отанинг ёки онанинг отаси'**, 'бува'. ***Ўғлим б о б о с и б и л а н бозорга кетди.*** Қадимги туркий тилда **ба:ба тарзида талаффуз** қилинган бу сўз асли 'онанинг ота**си'** маъносини англатган, кейинчалик маънода кенг**айиш воқе** бўлиб, 'отанинг отаси' маъносини ҳам англ**ата** бошлаган (ЭСТЯ, II, 12); қадимги туркий тилдаёқ **а: унлисининг** чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 76), ўзб**ек тилида а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **ба:ба > баба > бâбâ.** Сўзлашув нутқида бу сўз **бувä** тарзида **айтилади: бâбâ > бâбä > бâвä > бувä.**

БОБОЙ **ёши улуғ эркак** кишига мурожаат қилишда ишлатил**адиган** сўз. ***Бардаммисиз, б о б о й ?*** (Ойбек). Бу **сўз бâбâ** отининг 'иззат–икром' маъносини ифодаловчи **–й** қўшимчасини олган шакли бўлиб, кейинчалик маъно тараққиёти натижасида мурожаат сўзига айланган: ***Бизнинг б о б о й г а тил тегизманг.*** □ ***Б о б о й, бардаммисиз?*** каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОДРА– 'ирғиб чиқ–', 'туртиб чиқ–'. *..томирлари б о д р а б чиққан, ғадир–будир, озғин қўлини рамка томонга чўзди* (Суннатилла Анорбоев). Бу феъл эски ўзбек тилида 'бўртиқ' маъносини ифодаловчи **бадыр–будыр** тақлид сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 93); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бадыр + а = бадыра– > бадра– > бâдрä–.**

БОДРОҚ 'қизитилган қумда қовуриш натижасида лўппи–лўппи очилган жўхори дони'. *Кўча–кўйда б о д р о қ сотиб юрган йигитлар ҳозир ҳам учрайди.* Бу от **бâдрä–** феълига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган, **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **бâдрä– + қ = бâдрäқ > бâдрâқ.**

БОЖА 'опа–сингилларнинг эрлари бир–бирларига нисбатан'. *Байрам куни катта б о ж а м и з н и к и д а тўпландик.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **ба:жа** тарзида талаффуз қилинган, кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ЭСТЯ, II, 24); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ба:жа > бажа > бâжä.**

БОЙ 'маблағи, мулки ва ҳоказолари меъёрдан ортиқ'. *Мамлакатимиз табиий қазилмаларга б о й.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **ба:й** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 28), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 367; Девон, III, 173; ДС, 79) ва бу унли ўзбек тилида **â** унлисига алмашган: **ба:й > бай > бâй.**

БОЙА 'бир мунча вақт олдин'. *Б о я айтган гапингизга сира ишонгим келмаяпди.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу равиш **байа** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 30; ДС, 79); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **байа > бâйä.**

БОЙИ– 'маблағи, мулки ва ҳоказолари меъёрдан орт–'. *Айрим шахслар кейинги йилларда ж у д а б о й и б к е т д и.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **ба:й** сифатининг **бай**

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаклидан **–у** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 367; Девон, III, 290; ДС, 79); кейинчалик иккинчи очиқ бўғиндаги **у** унлиси **ы** унлисига (ЭСТЯ, II, 29), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **бай + у = байу– > байы– > бâйи–.**

БОЛА 'гўдак', 'фарзанд'. ***Б о л а л а р и биринкетин вояга ета бошлади.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа маъноларни англатган бу от асли **ба:ла** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 48), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 250; ДС, 80); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ба:ла > бала > бâлä.** Девонда **бала** сўзи 'қуш боласи'ни англатгани таъкидланган (Девон, III, 250); демак, бу сўзнинг 'гўдак', 'фарзанд' маъноси кейинроқ юзага келган.

БОЛА–БАҚРА 'катта–кичик болалар'. ***Майсазор тўла б о л а – б а қ р а, қий–чув*** (Асқад Мухтор). Бу жуфт отнинг иккинчи қисми **бақыр–** феълининг 'йиғла–' маъносидан (ЭСТЯ, II, 20) **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 22); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **бақыр– + а = бақыра > бақра > бäқрä.**

БОЛДИЗ 'хотиннинг синглиси' (оз ишлатилади). ***Б о л д и з болдан ширин*** (Мақол). Бу от асли қадимги туркий тилда 'кичик қариндош' маъносини англатган **бал** сифатидан **–дыз** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, II, 54); Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг хотиннинг синглисини англатишини махсус таъкидлайди (Девон, I, 426); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **бал + дыз = балдыз > бâлдиз.**

БОЛДИР 'оёқнинг тизза билан тўпиқ оралиғидаги қисми'. ***Кеча кўп юрганим учун б о л д и р и м оғрияпди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **балтыр** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 81); кейинчалик **т** ундоши **д** ундошига алмашган (ЭСТЯ, II, 54); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига ал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

машган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **балтыр > балдыр > бâлдир.**

БОЛДОҚ 'кўзсиз бўртиқ узук'. ***Қўлига б о л д о қ тақиб олибди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'бўртиқ', 'дўнг' маъносини англатган **бал** сифатидан (ЭСТЯ, II, 53) **–ла** қўшимчасининг **–да** шакли билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган бўлса керак; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси ҳам, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси ҳам **â** унлисига алмашган: **(бал + да = балда–) + қ = балдақ > бâлдâқ.**

БОР 'мавжуд'. ***Б о р одамларни аниқланг.*** □ ***Ёнингизда қанча пулингиз б о р ?*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **ба:р** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 62); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 161; ДС, 83); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ба:р > бар > бâр.**

БОР– 'бирор томонга ҳаракатлан–'. ***Кеча укамни–кига қуда чақириққа б о р д и к.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **ба:р–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 64); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 368; Де–вон, II, 12; ДС, 83); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ба:р– > бар– > бâр–.**

БОРДИЙУ 'агар', 'мабодо' (шарт боғловчиси). ***Б о р д и ю ҳеч ким гапирмаса, шунда сиз сўзга чиқинг.*** Шарт маъносини ифодалайдиган бу боғловчи **бâр–** феълининг **–ди** ўтган замон шаклига **–йу** юклама–сини қўшиб тузилган, кейинчалик юклама бу сўзнинг ажралмас қисмига айланган, шунга кўра қўшиб ёзиш тўғри: **бâр + ди + йу > бâрдийу.**

БОРДИ–КЕЛДИ 'ўзаро мулоқот', 'бориш–келиш', 'алоқа'. ***Илгари қариндошлик йўли билан унча–мунча б о р д и – к е л д и бор эди*** (Парда Турсун). Бу жуфт от асли **бâр–** ва **кел–** феълларини **–ди** ўтган замон шак–лида жуфтлаб тузилган: **(бâр + ди – кел + ди) = бâрди–келди.**

БОРИ–ЙЎҒИ 'атиги', 'ҳаммаси бўлиб'. ***Мажлисга йигирма ходимдан б о р и – й ў ғ и етти киши кел–***

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Бу сўз **бâр** ва **йоқ** сўзларининг III шахс эгалик қўшимчасини олган шаклини жуфтлаб тузилган; бу ерда эгалик қўшимчаси ўзгармайди, шу сўзнинг доимий тар-кибий қисмига айланган: **(бâр + и) – (йоқ + и) > бâри-йоғи.**

БОРИНГКИ хулосалашни, жамлашни ифодаловчи модал сўз. .. ***сизда виждон, инсоф, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, б о р и н г к и, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз **бâр-** феълининг 'давом қил-' маъносидан буйруқ майлининг II шахс қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклига **-ки** таъкид юкламасини қўшиб тузилган; сўзловчи билан бевосита мулоқотда ишлатилгани сабабли II шахс қўшимчаси қатнашган; кейинчалик **-ки** юкламаси бу сўзнинг ажралмас қисмига айланган: **(бâр + иң = бâриң) + ки = бâриңки.**

БОР-ЙЎҒ(И) 'барча нарса(си)'. ***Уйига ўғри тушиб, б о р – й ў ғ и н и шилиб кетибди.*** **Бâр** ва **йоқ** сўзларини жуфтлаб тузилган бу отга нутқ талабига қараб ҳар хил шахс эгалик қўшимчалари қўшилади: **бâр-йоғимни, бâр-йоғиңни** каби.

БОС- 'оғирлик ёки куч билан сиқ-'. ***Қўнғироқ тугмасини б о с и ш и м б и л а н эшик дарҳол очилди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай ва шу каби маъноларни англатган бу феъл асли **ба:с-** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 74); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 369; ДС, 85); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ба:с- > бас- > бâс-.**

БОСВОЛДИ 'ола пўчоқ, эти юмшоқ қовун'. ***Бу йил б о с в о л д и кўп экилибди.*** Бу сўз асли **бâсиб âлди** феълининг сўзлашув нутқи шаклида отга кўчиши билан юзага келган: **(ба:с- > бас- > бâс-) + иб âлди > бâси-вâлди > бâсвâлди.**

БОСИМ I 'юза бирлигига тўғри келадиган куч' (физика термини). ***Унинг қон б о с и м и тез-тез ўзгариб туради.*** Бу от **бâс-** феълининг 'оғирлиғи, кучи билан таъсир эт-' маъносидан **-(и)м** қўшимчаси билан ясалган: **бâс- + им = бâсим.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОСИМ II 'сурункасига', 'тўхтамай'. ***Бир ҳафта б о с и м ишладик.*** Бу сўз **бâс–** феълининг 'устма–уст фаолият кўрсат–' маъносидан **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган: **бâс– + им = бâсим.**

БОСИНҚИРА– 'тушида безовта бўлиб алаҳла–'. ***Йўлдошов, б о с и н қ и р а я п с и з м и ? Тинч ётинг*** (Назир Сафаров). Бу феъл асли эски ўзбек тилида **бас–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан (ДС, 85) **–қы** қўшимчаси билан ясалган сифатга (КРС, 116) **–ра** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, охирги очиқ бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(бас– + ын = басын–) + қы = басын–қы] + ра = басынқыра– > бâсинқирä–.**

БОСҚОН 'темирчиларнинг катта оғир болғаси'. ***Юрагим темирчининг б о с қ о н и д е к гурсиллаб урарди*** (Анвар Эшонов). Бу от қадимги туркий тилда **бас–** феълидан **–ған** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 652); кейинчалик **ғ** ундоши **қ** ундошига, ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **бас– + ған = басған > басқан > бâсқâн.**

БОТ– 'бир жисм бошқа бир жисм ичига кир–'. ***Кўчадан ўтаётганда оёғим сувга б о т д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'ботиш' ҳаракатини англатган **ба–** ўзагига **–т** шакл ясовчисини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 80); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ба– + т = бат– > бâт–.**

БОТҚОҚ 'оёқ қўйса, ботиб кетадиган нам ер'. ***Машинанинг орқа ғилдираги б о т қ о қ қ а ботиб қолди.*** Бу сўз қадимги туркий **бат–** феълидан эски ўзбек тилида **–қақ** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (ЭСТЯ, II, 80), сифатланмишисиз ишлатилиш оқибатида **(батқақ йер → батқақ)** отга айланган; ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **бат– + қақ = батқақ > бâтқâқ.**

БОШ 'тананинг бўйиндан юқори (олд) қисмида жойлашган аъзо'. ***Укам сувга б о ш и б и л а н***

www.ziyouz.com kutubxonasi

шўнғиди. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа бир қанча маъноларни англатган бу от асли **ба:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 86), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 369; Девон, III, 165; ДС, 86); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган : **ба:ш > баш > бâш.**

БОШАЛАНГ қ. **йаланг I**

БОШБОШДОҚЛИК 'қонун-қоидага, тартиб-интизомга бўйсунмаслик'. *Раҳбар қаттиқ қўл бўлмаса, б о ш б о ш д о қ л и к юзага келади.* Бу сўз ўзбек тилида **бâш** сўзининг такрорига **-лä** қўшимчасининг **-дä** шаклини қўшиб ясалган феълдан **-қ** қўшимчаси билан ясалган сифатга **-лик** мавҳум от ясовчи қўшимчасини қўшиб ясалган; **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **{[(бâш-бâш) + дä = бâшбâшдä-] + қ = бâш-бâшдäқ} + лик = бâшбâшдäқлик > бâшбâшдâқлик.**

БОШВОҚ 'ҳайвоннинг бошига (шохига) боғланадиган арқон'. *Бузоқнинг б о ш в о ғ и ечилиб кетибди.* Бу от асли **бâш бâғи** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан тузилган; аввал эгалик қўшимчаси талаффуз этилмай қўйган, шундан кейин **ғ** ундоши **қ** ундошига, кейинчалик иккинчи қисм бошидаги **б** ундоши **в** ундошига алмашган: **бâш бâғи = бâшбâғи > бâшбâқ > бâшвâқ.**

БОШМАЛДОҚ 'панжадаги биринчи йўғон бармоқ'. *Урушда ўқ б о ш м а л д о ғ и н и шартта узиб кетган.* ЎТИЛда таъкидланишича, бу сўз **бâш бäрмâқ** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан тузилган (I, 139), **бâш** сўзи 'энг олдинги', 'биринчи' маъноси билан қатнашган; бу қўшма сўзнинг шаклланиш жараёнида бир неча босқичли товуш ўзгариши воқе бўлган: аввал **бäрмâқ** сўзи бошланишидаги **б** ундоши **м** ундошига, кейин иккинчи бўғин бошидаги **м** ундоши **д** ундошига, сўнгра **р** ундоши **л** ундошига алмашган: **бâш бäрмâқ > бâшмäрдâқ > бâшмäлдâқ.**

БОШОҚ 'дон ўсимлигининг ҳосил берувчи тепа қисми'. *Бу йилги б о ш о қ л а р ҳосил мўл бўлишидан дарак бериб турибди.* Бу сўз асли **баш** сўзининг 'тик нарсанинг тепа қисми' маъносидан кичрай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб, дастлаб 'ўқ ва найза учидаги темир' маъносини англатган (Девон, I, 359), ҳозирги маъноси бу сўзни ўсимликнинг қисмига кўчириш натижасида юзага келган; ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **баш + ақ = башақ > бâшâқ.**

БОШҚА 'ўзга', 'бўлак'. ***Кўчамиздаги б о ш қ а қўшнилар тўйга барвақт чиқишди.*** Бу сўзни **ўзга** сўзи билан қиёслашдан маълум бўладики, қадимги туркий тилда **баш** сўзи 'алоҳида', 'ажралиб турувчи' маъносини ҳам англатган, **баш** сўзининг ана шу маъносидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан феъл ясалган ва бу феълга **–а** қўшимчасини қўшиб сифат ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(баш + ық = башық–) + а = башықа > башқа > бâшқä.**

БОШҚАТДАН 'қайта бошдан'. ***Ёзган жумлаларини б о ш қ а т д а н ўқиб, яна бир неча ерини тузатди.*** Бу сўз **бâшқä** сифатининг чиқиш келишиги шаклида равишга айланиши билан юзага келган, чиқиш келишиги қўшимчасидан олдин **т** ундоши қўшилган: **(бâшқä + т) + дäн = бâшқäтдäн.**

БОШҚАЧА 'ўзгача', 'бўлакча'. ***У менга ҳар кунгидан б о ш қ а ч а р о қ муомала қилди.*** Бу равиш **бâшқä** сифатига 'қиёс' маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **бâшқä + чä = бâшқäчä.**

БОҚ– 'диққат билан қара–'. ***Боққа б о қ с а н г, боғ бўлади, ботмон–даҳсар ёғ бўлади*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа бир қанча маъноларни англатган бу феъл **бақ–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 368; ДС, 81), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **бақ– > бâқ–.**

БОҒ 'боғлаш учун хизмат қиладиган буюм'; 'тўдалаб, дасталаб боғланган нарса'. ***Ёстиқ жилдининг б о ғ и узилиб қолибди.*** □ ***Икки б о ғ пиёз, бир б о ғ кашнич олдим.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'бириктир–' маъносини англатган **ба:–** феълидан (ДС, 76) **–ғ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 16); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 166; ДС, 77); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ба:– + ғ = ба:ғ > бағ > бâғ.**

БОҒИЧ 'кичик боғлаш буюми'. ***Ёстиқ жилдининг б о ғ и ч и узилиб кетибди.*** Бу сўз **бâғ** отининг 'боғлаш учун хизмат қиладиган буюм' маъносидан кич– райтириш маъносини ифодаловчи **–(и)ч** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **бâғ + ич = бâғич.**

БУ яқин жойдаги киши ёки нарсани кўрсатиш олмоши. ***Б у киши менга доим яхши маслаҳатлар бериб туради.*** Бу олмош қадимги туркий тилда **бу:** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 226), кейинроқ **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 374; Де– вон, II, 223; ДС, 119). ДСнинг 124– бетидаги **бунча** сў– зидан кўриниб турибдики, қадимги туркий тилда бу олмош **бул** шаклида ҳам мавжуд бўлган. ЭСТЯдаги изоҳга кўра **бул** сўзи **бу** ва **ол** олмошларининг бирла– шуви натижасида юзага келган (II, 227). Бу олмош эски ўзбек тилида **бу:л** тарзида талаффуз қилинган, кейин– чалик унинг бош шаклида **л** ундоши талаффуз қилинмай қўйган: **бу:л > бул > бу** ; бошқа шаклларида бу ундош қатнашади: кўплик шакли **бул + ăр** тарзида ҳосил қилинади; бошқа қўшимча қўшилса, **л** ундоши **н** ундо– шига алмашади: **бун + дăй, бун + чă** каби.

БУВА қ. **бобо**

БУВИ 'ота–онанинг онаси'. ***Б у в и м ҳозир ҳам кўзойнаксиз иш тикади.*** Бошқа маънолар қатори 'ота–онанинг онаси' маъносини англатган бу сўз қадимги туркий тилда **биби** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 127); кейинчалик иккинчи бўғиндаги **б** ундоши **в** ун– дошига, шунинг таъсирида биринчи бўғиндаги **и** унлиси **у** унлисига алмашган: **биби > буви.** Ҳозирги ўзбек ти– лида атоқли от таркибида бу сўз **биби** шаклида ҳам қатнашади: **Ânäбиби, Хâлбиби** каби.

БУГУН 'сўз бораётган кун'. ***Б у г у н сиз билан суҳбатлашгани вақтим бўлмаса керак.*** Бу равиш асли **бу** кўрсатиш олмоши ва 'бир кеча–кундуз' маъносини англатиб қатнашган **кӳн** сўзларидан тузилган бирикмани (ДС, 119: **бу кӳн** 'сегодня') бир сўзга бирлаштириш

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ҳосил бўлган (ДС, 132: **бўкўн**); аввалари **кўн** сўзи таркибидаги унлининг таъсири билан **бу** олмоши таркибидаги **у** унлиси ҳам юмшоқ талаффуз қилинган; кейинчалик ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган; бирикма яхлит талаффуз қилингани сабабли икки унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган: **бу кўн > бўкўн > букун > бугун.**

БУЖМАЙ– 'буриш–', 'эгилиб–букил–'. ***Қарилик турқи уриб, юзлари б у ж м а й и б қ о л и б д и.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'буриш–' маъносини англатган **бўз–** феълидан (ЭСТЯ, II, 294) **–(ў)м** қўшимчаси билан ясалган отта **–(ä)й** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **з** ундоши **ж** портловчи ундошига алмашган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(бўз– + ўм = бўзўм) + ай = бўзўмай– > бўжмай– > бужмай–.**

БУЖУН 'қарағайнинг бир тури'. ***Каттакон б у ж у н остидаги қизил дарвозадан.. чиққан мўйсафид..*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу от қадимги туркий тилдаги 'буриш–' маъносини англатган **бўз–** феълидан **–(ў)н** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **з** ундоши **ж** портловчи ундошига алмашган; ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўз– + ўн = бўзўн > бўжўн > бужун.** Девонда **бужын** сўзи келтирилиб, 'ҳар хил ўт ўсимлиги' маъносини англатиши айтилган (Девон, I, 379).

БУЖУР 'бурушиқ', 'ажин босган', 'чўтир'. ***Эшик олдида юзлари б у ж у р кампир кимнидир кутиб турар эди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'буриш–' маъносини англатган **бўз–** феълидан (ЭСТЯ, II, 294) **–(ў)р** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **з** ундоши **ж** портловчи ундошига алмашган; ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўз– + ўр = бўзўр > бўжўр > бужур.**

БУЖҒУН 'пистанинг бужмайиб қолган меваси'. ***Б у ж ғ у н табобатда дори сифатида ишлатилади.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'буриш–' маъносини англатган **бўз–** феълининг (ЭСТЯ, II, 294) **буж–** шаклидан **–ғун** қўшимчаси билан ясалган: **буж– + ғун = бужғун.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУЗОҚ 'сигир боласи'. ***Б у з о қ ечилиб кетиб, экинга оралабди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'туғиш' маъносини англатган **буз** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 241); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: (**буз + а = буза–**) + **қ = бузақ > бузâқ.** Бу от асли 'ҳайвон боласи' маъносини англатган бўлиб, кейинчалик маънода торайиш воқе бўлган: фақат 'сигир боласи'ни англата бошлаган. Маҳмуд Кошғарийнинг луғатида шундай маънони англатувчи **бузағу** сўзи келтирилган; бу от **буза–** феълидан **–ғу** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 241).

БУЗУҚИ 'орани бузувчи', 'ғаламис'. ***Энди билсам, орага совуқчилик туширишга шу б у з у қ и сабаб бўлган экан.*** Бу сифат **буз–** феълидан (ПДП, 375; Девон, II, 15) **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган сифатга (Девон, I, 369; ДС, 131) эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 155); кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: (**буз– + уқ = бузуқ**) + **ы = бузуқы > бузуқи.**

БУЙОН 'маълум вақтдан бошлаб ҳозиргача' (кўмакчи). ***Бир ҳафтадан б у ё н ҳар куни "Эртага келинг",– деб жавоб қилади.*** Ушбу кўмакчи **бу йâн** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан ҳосил бўлган: **бу йâн > буйâн.**

БУЙОҚ 'маълум вақтдан бошлаб келгусида' (кўмакчи). ***Бугундан б у ё қ доим бирга ишлаймиз.*** Ушбу кўмакчи **бу йâқ** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан ҳосил бўлган: **бу йâқ > буйâқ.**

БУЙРАК 'киши ва ҳайвонда сийдик ажратиб турувчи аъзо'. ***Ўғлимизнинг б у й р а г и шамоллабди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги **бөвўр** отининг 'жигар' маъносидан (ЭСТЯ, II, 207) **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб (ЭСТЯ, II, 206), асли 'кичик жигар' маъносини англатган, 'сийдик ажратувчи аъзо' маъноси кейин юзага келган; **бөвўр** сўзига **–(ä)к** қўшимчаси қўшилганидан кейин қуйидаги товуш ўзгаришлари воқе бўлган: иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **бөвўр + äк = бөвўрäк > бөврäк; в** ундоши олди–

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги **ö** унлиси **ў** унлисига алмашган: **бöврäк > бўврäк; в** ундоши **й** ундошига алмашган: **бўврäк > бўйрäк;** ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўйрäк > буйрäк.**

БУЙРУҚ 'раҳбарнинг бирор ишни бажариш ҳақидаги фармойиши'. ***Менинг бетобликдан кейин ишга қайтганим б у й р у қ б и л а н расмийлаштирилди.*** Бу от 'фармон қил–' маъносини англатувчи **буйур–** феълидан ўзбек тилида **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **буйур + уқ = буйуруқ > буйруқ.**

БУЙУК 'жуда катта', 'улуғ'. ***Алишер Навоий – XV асрнинг б у ю к мутафаккир шоири.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'йирик' маъносини англатган **бий** сифатининг **бўй** шаклидан **–ў** қўшимчаси билан ясалган феълга **–к** сифат ясовчисини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 288); ўзбек тилида **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(бўй + ў = бўйў–) + к = бўйўк> буйук.**

БУЙУҚ 'қаттиқ совуқ'. ***Кечга яқин Чирчиқ томондан изғирин турди, бўғотларни ялаб, қорини учирди. Б у ю қ кучайди*** (Ҳамид Ғулом). Бу от қадимги туркий тилдаги 'совқот–' маъносини англатган **буйу–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 243): **буйу– + қ = буйуқ.**

БУК– 'қайир–', 'эг–'. ***Қоғозларни текис тахлаб, юқори чап бурчагини б у к и б, тўғнағич билан биркитди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **бўк–** тарзида талаффуз қилинган, ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўк– > бук–.**

БУКЛА– 'қайир–', 'тахла–'. ***Қўлидаги қоғозни тўртга б у к л а б, ён чўнтагига солди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'қайирилган ҳолат' маъносини англатган **бўк** отидан (Девон, I, 321) эски ўзбек тилида **–лä** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўк– + лä = бўклä– > буклä–.**

БУКРИ 'нотўғри ўсиш натижасида елкаси туртиб чиққан'. ***Бу бола чақалоқлигидан б у к р и туғилган***

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Бу сифат қадимги туркий тилда 'қайир–', 'эг–' маъносини англатган **бўк–** феълининг **–(ў)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган орттирма шаклидан **–и** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 293); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 397; ДС, 132); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(бўк– + ўр = бўкўр–) + и = бўкўри > бўкри > букри.**

БУКУР 'нотўғри ўсиш натижасида бирор қисми дўмбайиб ўсган'. ***Б у к у р н и гўр тузатади*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилда 'қайир–', 'эг–' маъносини англатган **бўк–** феълидан **–(ў)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 293); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўк– + ўр = бўкўр > букур.**

БУКЧАЙ– 'елкани чиқариб, кўкрагини ичга олиб энгаш–'. ***Б у к ч а й и б ўтирган аёл қаддини рост–лаб, унга тик қаради.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'қайирилган ҳолат' маъносини англатган **бўк** отининг (ЭСТЯ, II, 290) 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчасини олган шаклидан **–й** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(бўк + чä = бўкчä) + й = бўкчäй– > букчäй–.** Бу феъл асли 'букилганга ўхшаш ҳолатда бўл–' маъносини билдирган.

БУЛА– 'ҳамма томонига ун, ёғ каби юқадиган нарсани тегиз–'. ***Лўла кабобни унга б у л а б, кўрага қўйди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'юқадиган нарса' маъносини англатган **бул** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 255); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бул + а = була– > булä–.**

БУЛАМИҚ 'сут билан ундан тайёрланадиган ата–ласимон овқат'. ***Бир–икки кун сутли овқатлар, б у л а м и қ еб турсинлар*** (Мирмуҳсин). Бу от қадимги туркий тилдаги 'қориштир–' маъносини англатувчи **бу–ла–** феълидан (ЭСТЯ, II, 254) **–мық** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 259); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **була– + мық = буламық > булämиқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУЛОҚ 'ер остидан чиқаётган сув манбаи', 'чашма'. ***Қўй подаси шу булоқдан сув ичади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'оқиб чиқ–' маъносини англатган **була–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, II, 258; ДС, 121); ўзбек тилида **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **була– + қ = булақ > булâқ.**

БУЛУТ 'осмонда ғуж бўлиб тўпланган сув буғлари'. ***Осмондаги парча-парча булутлар тезда тарқаб кетди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ҳаракатга келтир–' маъносини англатган **булы–** феълидан **–т** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 263); қадимги туркий тилдаёқ биринчи бўғиндаги **у** унлисининг таъсирида иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган (ДС, 124): **булы– + т = булыт > булут.**

БУЛҒА– 'ифлос қил–'. ***Қўлингни булғамай тур, ҳозир овқат тайёр бўлади.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'юқадиган нарса' маъносини англатган **бул** отидан **–ға** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 255; Девон, III, 303; ДС. 122); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бул + ға = булға– > булғä–.**

БУЛҒАНЧИҚ 'бироз булғанган, ифлосланган'. ***Қизча булғанчиқ қўли билан кўйлагини ушлагани учун онаси уришиб берди.*** Бу сифат **булғä–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–ч** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, унга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(и)қ** қўшимчаси қўшилган: **[(булғä– + н = булғän–) + ч = булғänч] + иқ = булғänчиқ.**

БУНДАЙ қ. **бу**

БУНЧА қ. **бу**

БУРА– 'доира шаклида кўп марта айлантир–'. ***Меъёрдан ортиқ бураган эканман, сими узилиб кетди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'доира шаклида айлантир–' маъносини англатган **бур–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинганлиги эҳтимол тарзида айтилади (ЭСТЯ, II, 265); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бур– + а = бура– > бурä–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУРГУТ 'энг катта йиртқич овчи қуш'. ***Б у р г у т ўз ўлжасини чангалига олиб ҳавога кўтарилди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'қайир–', 'бурма ҳосил қил–' маъносини англатган **бўр–** феълининг 'чангали билан ушла–' маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–гў** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–т** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 300); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(бўр– + гў = бўргў–) + т = бўргўт > бургут.**

БУРКА– 'бирор нарса билан ҳар томонини ўра–', 'қопла–'. ***Ҳамма ёқни тутун б у р к а б о л д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'ёп–', 'ўра–' маъносини англатган **бўр–** феълига кейинчалик кучайтириш маъносини ифодаловчи **–кä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 297; КРС, 168); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўр– + кä = бўркä– > буркä–.**

БУРНОҒИ 'ўтган', 'аввалги'. ***Б у р н о ғ и йил саримсоқпиёз жуда қиммат бўлди.*** Бу сифат 'аввал' маъносини англатувчи **бурун** равишидан сифат ясовчи **–аки** қўшимчасининг **–âғи** шакли билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **бурун + âғи = бурунâғи > бурнâғи.**

БУРОВ 'уй ҳайвонларининг тумшуғига солинадиган сиртмоқ'. ***Боқувдаги буқача асовлашиб қолибди, б у р о в солмай етаклаб бўлмайди.*** Бу от эски ўзбек тилида **бура–** феълидан **–в** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 267; КРС, 161); **в** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **бура– + в = бурав > бурâв.**

БУРУН I 'ҳид билиш аъзоси'. ***Б у р н и м н и н г чап катагидаги ўсимта олиб ташланганидан кейин ҳид билмайдиган бўлиб қолдим.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ҳидла–' маъносини англатган **бур–** феълидан **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 270): **бур– + ун = бурун.**

БУРУН II 'қуруқликнинг сувга кириб турган чўзинчоқ қисми'. ***Шимолий муз океанида Челюскин***

www.ziyouz.com kutubxonasi

б у р у н и бор. Бу сўз 'ҳид билиш аъзоси' маъносини англатувчи **бурун** отининг 'олд томонга туртиб чиққан' маъноси асосида юзага келган (ЭСТЯ, II, 270): бир нарсанинг (аъзонинг) номи ўхшашлик асосида бошқа бир нарсага (сувга туртиб кирган қуруқликка) кўчирилган.

БУРУН III 'илгари', 'олдин'. ***Кўчатларнинг аҳволи б у р у н қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай.*** Бу сўз 'ҳид билиш аъзоси' маъносини англатувчи **бурун** отининг 'олдинги', 'илгариги' маъноси асосида юзага келган (ЭСТЯ, II, 270): нарсанинг (аъзонинг) номи ўзаро боғлиқлик асосида пайтни ('аввалги') англатишга хизмат қилдирилган.

БУРУНАКИ 'искаб фойдаланиладиган тамаки ёки нос'. ***Шу вақтда кимдир б у р у н а к и отгандек қайта-қайта апширди*** (Ойбек). Бу сўз ўзбек тилида **бурун** I отидан **-ăки** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, кейинчалик сифатланмиши (**тăмăки, нâс**) ишлатилмай отга кўчган: **бурун + ăки = бурунăки.**

БУРУНДИҚ 'қопағон ҳайвоннинг тумшуғига кийдириладиган махсус тўр'. ***Карвондаги баъзи туяларга б у р у н д и қ тақилган.*** Бу от қадимги туркий тилда 'ҳид билиш аъзоси' маъносини англатувчи **бурун** отидан **-луқ** қўшимчасининг **-дуқ** шакли билан ясалган (ЭСТЯ, II, 263; Девон, I, 460; ДС, 126); ўзбек тилида учинчи бўғиндаги **у** унлиси **ы** унлисига алмашган, кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **бурун + дуқ = бурундуқ > бурундық > бурундиқ.**

БУРУШ- 'тортишиб, қат-қат бўл-'. ***Юзлари б у р у ш и б, пешанасини ажин қоплабди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'қат-қат қил-' маъносини англатган **бўр-** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **-(ў)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 295); ўзбек тилида **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўр- + ўш = бўрўш- > буруш-.**

БУРУҚСА- 'тута-','паға-паға тутун чиқар-'. ***Ҳўл ўтин б у р у қ с а б ё т а р э д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'ҳид тарат-' маъносини англатган **бур-** феълининг (ДС, 125) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

–(у)қ қўшимчаси қўшилган шаклидан мойиллик маъносини ифодаловчи **–са** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(бур– + уқ = буруқ–) + са = буруқса– > буруқсä–.**

БУРЧ 'икки нарса томонининг кесишган жойи'. ***Ҳовлининг ичкари чап б у р ч и г а ошхона қурилган.*** Бу от 'айлантир–', 'эг–' маъносини англатган **бур–** феълидан **–(у)ч** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ЭСТЯ, II, 274; КРС, 162): **бур– + уч = буруч > бурч.**

БУРЧАК 'икки нарса томонининг кесишган кичик қисми'. ***Ҳовлининг ичкари чап б у р ч а г и г а ошхона қурилган.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **бурч** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 274; КРС, 162); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бурч + ак = бурчак > бурчäк.**

БУРЧОҚ 'бир йиллик дуккакли ўсимлик'. ***Ер бўш қолмасин деб б у р ч о қ экдик.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'айлантир–' маъносини англатган **бур–** феълидан (ЭСТЯ, II, 264) **–(у)ч** қўшимчаси билан ясалган отта кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 125); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(бур– + уч = буруч) + ақ = буручақ > бурчақ > бурчâқ.**

БУРҚИ– 'аччиқ ҳид тарат–'. ***Ўчоқда ҳўл ўтин б у р қ и б ё т и б д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ҳид тарат–' маъносини англатган **бур–** феълининг (ДС, 125) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(у)қ** қўшимчаси қўшилган шаклидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; **–ы** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(бур– + уқ = буруқ–) + ы = буруқы– > бурқы > бурқи–.**

БУРҚИРА– 'бироз аччиқ ҳид тарат–'. ***Ўчоқда ҳўл ўтин б у р қ и р а б т у р и б д и.*** Бу сўз қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилдаги 'ҳид тарат–' маъносини англатган **бур–** феълининг (ДС, 125) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(у)қ** қўшимчаси қўшилган шаклидан 'кучсиз' маъносини ифодаловчи **–ыра** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; **–ыра** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(бур– + уқ = буруқ–) + ыра] = буруқыра– > бурқыра– > бурқирä–.**

БУРҒИ 'кончиликда ишлатиладиган парма'. ***Б у р ғ и н и н г айланиши қаттиқ жисмга етганда секинлашди.*** Бу от 'айлана ҳаракатга келтир–' маъносини англатувчи **бур–** феълига **–ғу** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 267; КРС, 160); кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **бур– + ғу = бурғу > бурғи.**

БУТ I 'икки оёқ оралиғи', 'чот'. ***Олақарғага етаман деб чумчуқнинг б у т и йирилибди*** (Мақол). Қадимги туркий тилда асли 'оёқ' маъносини англатган бу от **бу:т** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 281); кейинроқ **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 131; ДС, 129): **бу:т > бут.** Маъно тараққиёти натижасида бу от ўзбек тилида 'чот' маъносини англата бошлаган.

БУТ II 'бекам–у кўст мавжуд'. ***Уй анжомлари б у т.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тугал бўл–' маъносини англатган **бўт–** феълининг белги маъносини англатувчи эши бўлиб (КРС, 169), ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўт– | бўт > бут.**

БУТОҚ 'дарахтнинг ён шохи'. ***Шотутнинг б у т о ғ и кўп бўлади.*** Бу от қадимги туркий тилда 'шох–шаббаларни кес–' маъносини англатувчи **бута–** феълидан (ДС, 129) **–қ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 358); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **бута– + қ = бутақ > бутâқ.**

БУТУН 'кам–кўсти йўқ'; 'яхлит'. ***Кеча келтирилган хом ғиштнинг б у т у н и д а н синғани кўп.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'тугал бўл–' маъносини англатган **бўт–** феълидан **–(ў)н** қўшимчаси билан ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЭСТЯ, II, 303); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бўт– + ўн = бўтўн > бутун.**

БУТУНИСИЧА 'бутун ҳолда'. ***Бу гаплар б у т у н и с и ч а сизга ҳам тааллуқли.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'тугал бўл–' маъносини англатган **бўт–** феълининг **–(ў)н** қўшимчасини олган шаклига **–äси** сифатдош қўшимчасини қўшиб ва сўнгра **–чä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; олдинги бўғинлардаги ў унлиларининг таъсирида учинчи бўғиндаги **ä** унлиси **и** унлисига алмашган, ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[(бўт– + ўн = бўтўн–) + äси = бўтўнäси] + чä = бўтўнäсичä > бутунисичä.**

БУТУНИЧА 'бутун ҳолда'. ***Арчиб қўйилган тухумни б у т у н и ч а ютиб юборди.*** Бу равиш **бутун** сифатига **–и** эгалик қўшимчасини ва **–чä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **бутун + и + чä = бутуничä.**

БУҚОҚ 'қалқонсимон без касаллиги'. ***Илгари замонларда Қўқонда б у қ о қ кенг тарқалган эди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'томоқдаги шиш' маъносини англатган **буқ** отидан (ДС, 124) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 202); ўзбек тилида **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **буқ + ақ = буқақ > буқâқ.**

БУҒ 'жисмларнинг иситилгандаги газ ҳолати'. ***Катта самовардан чиққан б у ғ кичик хонани тўлдирибди.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'газ ҳолатида бўл–' маъносини англатган **бу–** феълига **–ғ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 230): **бу– + ғ = буғ.** Девонда бундай маънони **бу** сўзи англатиши кўрсатилган (Девон, III, 223); демак,қадимги туркий тилда **бу–** феълининг **бу** исм эши ҳам мавжуд бўлган.

БЎЖАМА 'ҳуснбузар'. ***Ўғлинг балоғатга етиб, юзига б ў ж а м а тошибди.*** Бу от асли **безä–** феълининг **бежä–** шаклига (ЭСТЯ, II, 105) **–мä** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида **е** унлиси **о** унлисига алмашган: **бежä– + мä = бежämä > божämä.**

БЎЙ 'киши ёки нарсанинг тик йўналишдаги кўлами'. ***Кейинги йилда неварамнинг б ў й и сезиларли***

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўсди. Бу от қадимги туркий тилда **бод, бой** шаклларида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 177), дастлаб 'кишининг гавдаси' маъносини англатган, 'киши гавдасининг тик йўналиши' маъносини кейинчалик англата бошлаган; ҳозирги ўзбек тилига бу сўз **бой** шаклида етиб келган.

БЎЙА– 'ранг бер–'. *Дарвозани кўкиш рангга б ў я д и к.* Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'ранг' маъносини англатган **бой** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 179); ўзбек тилида **а** унлиси **ӓ** унлисига алмашган: **бой + а = бойа– > бойӓ–.**

БЎЙИН 'бош билан тана оралиғидаги аъзо'. *Бу кўйлакнинг ёқаси б ў й н и м г а кенг келди.* Бу сўз 'киши ёки нарсанинг тик йўналишдаги кўлами' маъносини англатувчи **бой** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 181; Девон, III, 183); кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **бой + ын = бойын > бойин.** Қадимги туркий тилда бу сўз **бойун** тарзида ҳам талаффуз қилинган (ДС, 110).

БЎЙИНТУРУҚ 'иш ҳайвони бўйнига кийдириладиган омоч абзали', 'хомут'. *Тарғил ҳўкизнинг б ў й и н т у р у ғ и эскириб кетди.* Бу сўз **бойун** отига **–туруқ** қўшимчасини қўшиб ясалган дейилади (ЭСТЯ, II, 182). Асли бу сўз **бойун туруқ** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан ҳосил қилинган; **туруқ** оти **тур–** феълидан **–уқ** қўшимчаси билан ясалган: **бойун туруқ = бойунтуруқ.** Ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **бойунтуруқ > бойинтуруқ.** Девонда бу сўз **бойиндуруқ** шаклида келтирилган (Девон, III, 194), бунда **н** ундошининг таъсири билан **т** ундоши **д** ундошига алмашган.

БЎЙИНЧА 'иш ҳайвони бўйнига хомут остидан кийдириладиган халқа шаклидаги абзал'. *Ҳуснибойнинг дадаси Омонбой б ў й и н ч а тикар эди* (Ғафур Ғулом). Бу сўз **бойин** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чӓ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб, асли 'кичик бўйин' маъносини билдирган, 'хомут остидан кийдириладиган абзал' маъноси шу маъно асосида ўсиб чиққан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎЙЛАБ 'ёқасидан юриб', 'ёқалаб'. ***Анҳор б ў й л а б кетаверсангиз, сув ёйилиб оқадиган жой келади.*** Бу равиш **бой** отининг 'қирғоқ' маъносидан **–лаб** қўшимчаси билан ясалган: **бой + лаб = бойлаб.**

БЎЙОҚ 'ранг бериш учун ишлатиладиган модда'. ***Бу дўконда хориждан келтирилган турли рангдаги б ў ё қ л а р сотилади.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ранг' маъносини англатган **бой** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга (ЭСТЯ, II, 178) **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(бой + а = бойа–) + қ = бойақ > бойâқ.**

БЎЙСУН– 'итоат қил–'. ***Баъзи ходимлар идора раҳбарининг кўрсатмаларига б ў й с у н м а й қ ў й д и.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги **бойун су–** бирикмасининг (Девон, III, 266) бир сўзга бирлашуви натижасида ҳосил бўлган; бир сўзга бирлашганидан кейин **бойун** сўзининг **ун** қисми талаффуз қилинмай қўйган: **бойун су– > бойсу–;** кейин 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси қўшилган: **бойсу– + н = бойсун–** (КРС, 140). Қадимги туркий тилда **су–** феъли 'бер–' маъносини англатган, шунга кўра **бойун су–** асли 'бўйин бер–' маъносини англатган ва кўчма маънода 'итоат қил–' маъносини англата бошлаган.

БЎК– 'овқатни меъёрдан ортиқ еб, ҳазм қила олмай қол–'. ***Қора қўчқор ечилиб, емни кўп еб қўйиб, б ў к и б қ о л и б д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **бök–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 117), ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бök– > бок–.**

БЎКА 'ҳайвонларнинг териси остида, бурнида, ошқозонида яшайдиган паразит ҳашарот'. ***Новвосга б ў к а тушибди.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'даҳшатли ҳашарот' маъносини англатган **бö** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–кä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 213); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бö + кä = бökä > бокä.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎКАЛАК 'бўканинг қурти', 'ўқалоқ'. ***Бу бузоқнинг б ў к а л а г и борга ўхшайди.*** Бу сўз **бӧкä** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–лäк** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 213); ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бӧкä + лäк = бӧкäлäк > бокäлäк.**

БЎКИР– 'кучли овоз билан бақир–'. ***Менга б ў к и р м а н г, қулоғим яхши эшитади.*** Бу феъл қадимги туркий тилда кучли товушни ифодаловчи **ба:ғ** тақлид сўзининг **бӧ:к** шаклидан **–ир** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак (ЭСТЯ, II, 20); ўзбек тилида **ӧ:** унлисининг юмшоқлик ва чўзиқлик белгиси йўқолган: **бӧ:к + ир = бӧ:кир– > бокир–.**

БЎЛ– 'бўлакларга ажрат–'. ***Олмани тенг иккига б ў л и б, бир қисмини укасига берди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **бӧ:л–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 215), кейинроқ **ӧ:** унлисининг чўзиқлик белгиси (ДС, 117), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: **бӧ:л– > бӧл– > бол–.**

БЎЛА I 'опа–сингилнинг болалари бир–бирига нисбатан', 'холавачча'. ***У б ў л а с и н и н г бугун жуда тумшайиб олганига ҳайрон бўлар эди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **бӧлä** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 218); ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бӧлä > болä.**

БЎЛА II 'дуркун', 'ёшига нисбатан йирик'. ***Нева–рангиз б ў л а бола экан.*** Бу сифат эски ўзбек тилида **бол–** феълининг 'униб–ўс–', 'етил–' маъносидан **–а** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бол– + а = бола > болä.**

БЎЛИҚ 'яхши ривожланган', 'дуркун'. ***Бу пайкалнинг ғўзалари б ў л и қ.*** Бу сифат эски ўзбек тилида **бол–** феълининг 'униб–ўс–', 'етил–' маъносидан **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 143), кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **бол– + уқ = болуқ > болиқ.**

БЎРАЛА– 'шамол аралаш шиддат билан ёғ–'. ***Ярим кеча... Қор б ў р а л а м о қ д а*** (Иброҳим Раҳим). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'шамол аралаш шиддатли

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёғин' маъносини англатган **бор** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга (ЭСТЯ, II, 191) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(бор + а = бора–) + ла = борала– > борäлä–.**

БЎРДОҚИ 'сўйиш учун боқиб семиртирилган'. ***Куёв томон чақириққа б ў р д о қ и қўй сўйибди.*** Бу сифат асли қадимги туркий тилдаги 'шиш–', 'семир–' маъносини англатган **бöрўт–** феълининг (ЭСТЯ, II, 225) **борут–** шаклидан **–ақы** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **р** ундоши билан **а** унлиси оралиғидаги **т** ундоши **д** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **борут– + ақы = борутақы > бортақы > бордақы > бордâқи.**

БЎРИ 'итсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон'. ***Тўдадан айрилганни б ў р и ер*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'кулранг', 'кўкимтир' маъносини англатган **бор | боз** сифатининг **бöр** шаклидан **–и** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 221; ПДП, 373; Девон, III, 239; ДС, 118); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бöр + и = бöри > бори.** Бу ҳайвонга ном рангига кўра берилган. Бу сўз туркий тилга эроний тилдан ўзлашган бўлиши мумкин дейилади (ЭСТЯ, II, 221).

БЎРИҚ– 'терга бот–'. ***Ишчилар то ишдан чиққунга қадар "Ҳа бўл , ҳа бўл" билан б ў р и қ и б, жонҳоллари қолмайди*** (Ойдин). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'терла–' маъносини англатган **бору–** феълига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 224; КРС, 147); кейинчалик иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **бору– + қ = боруқ– > бориқ–.**

БЎРК 'бош кийимининг бир тури', 'қалпоқ'. ***Бош омон бўлса, б ў р к топилади*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилдаги 'қопла–', 'ёп–' маъносини англатган **бöрў–** феълидан (Девон, II, 164) **–к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 222); кейинчалик иккинчи бўғиндаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ПДП, 373; Девон, I, 333; ДС, 118); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бöрӱ– + к = бöрӱк > бöрк > борк.**

БЎРОН 'ёнгарчилик билан тўзон аралаш кучли шамол'. ***Б ӱ р о н тобора кучаяр эди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'шамол аралаш кучли ёғин ёғ–' маъно—сини англатган **бора–** феълидан **–н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 191); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унли—сига алмашган: **бора– + н = боран > борâн.**

БЎРСИ– 'бироз димиқ–'. ***Иссиқда қолиб, кечаги манти б ӱ р с и б қ о л и б д и.*** Бу сўз қадимги тур—кий тилдаги **бöр–** феълининг 'димиқ–' маъносидан 'мойил' маъносини ифодаловчи **–си** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бöр– + си = бöрси– > борси–.**

БЎРСИЛДОҚ 'қабариб чиққан', 'лўппи'. ***Жимжи—мадор қилиб ёпилган б ӱ р с и л д о қ нонларни кў—риб кўзинг қувонади.*** Бу сифат ўзбек тилида **борсилла–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, **лл** ундошлари—дан иккинчиси **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **борсиллä– + қ = борсиллäқ > борсилдäқ > борсилдâқ.**

БЎРСИЛЛА– 'етилиб кўпчи–', 'семир–'. ***Кузда ҳай—даб қўйилган ер б ӱ р с и л л а б турибди.*** Бу феъл **–иллä** қўшимчаси билан ясалган десак, манбаларда **бöрс** сўзига изоҳ топилмади; кейинги сўз 'семир–', 'шиш–' маъносини англатган **бöр–** феълидан (ЭСТЯ, II, 225) ясалган десак, **–с** қўшимчасини изоҳлаб бўлмади. Ай—тилганларни ҳисобга олиб, бу сўзни **бöр–** феълига 'мо—йил' маъносини ифодаловчи **–сӱ** қўшимчасини ва 'так—рор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган деб изоҳладик. Ўзбек тилида **ö** унлиси—нинг юмшоқлик белгиси йўқолган, **ӱ** унлиси **и** унлисига алмашган, **л** ундоши қатланган: **(бöр– + сӱ = бöрсӱ–) + лä = бöрсӱлä– > борсилä– > борсилла–.**

БЎРСИҚ 'сувсарлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон'. ***Б ӱ р с и қ д а й семириб кетибди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'шиш–', 'семир–' маъносини англатган **бöр–** феълининг (ЭСТЯ, II, 224) 'мойил'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини ифодаловчи **–сӯ** қўшимчасини олган шакли– дан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек ти– лида **ў** унлиси **и** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юм– шоқлик белгиси йўқолган: (**бӧр–** + **сӯ** = **бӧрсӯ–**) + **қ** = **бӧрсӯқ** > **бӧрсиқ** > **борсиқ.** ДСда бу сўз Маҳмуд Кошғарийга ҳавола билан **борсуқ, борсмақ** шаклларида берилган (113– бет), Девонда эса (III, 423) **бурсумақ, бурсуқ** тарзида ёзилган. Бу сўзни ЭСТЯга асосланиб изоҳлашни тўғри деб билдик.

БЎРТ– 'кўкара бошла–'; 'кўтарила бошла–'. ***Кур– таклар б ў р т и б қ о л и б д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'шиш–' маъносини англатган **бӧр–** феълига **–(ӯ)т** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 225); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 153); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бӧр– + ӱт = бӧрӱт– > бӧрт– > борт–.**

БЎРТИК 'бўртиб, туртиб чиққан'. ***Оёқларидаги б ў р т и к томирлари кўкиш тусга кирган.*** Бу сифат **бӧрт–** феълидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган, ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бӧрт– + ик = бӧртик > бортик.** Бу сўз ўзбек тилида **бортиқ** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

БЎРТИҚ қ. **бўртик**

БЎТА 'туянинг боласи'. ***Карвондаги туялардан бирининг б ў т а с и бор эди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'бола туғ–' маъносини англатган **бот–** феълидан (ЭСТЯ, II, 200) **–у** қўшимчасининг **–а** шакли билан ясалган; Девонда (I, 142) ва ДСда (115– бет) бу сўз **боту** шаклида келтирилган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бот– + а = бота > ботä.** Асли **бот–** феъли барча ҳайвонларнинг туғишига нисбатан ишлатилган, шунга кўра **ботä** оти дастлаб 'ҳайвон боласи'ни анг– латган, кейинчалик маънода торайиш воқе бўлиб, фақат 'туянинг боласи'ни билдира бошлаган.

БЎТА– 'аралаш–қуралаш ҳолатга келтир–'. ***Бу ўй яна кўп ўйларни эргаштириб келиб, фикрни б ў т а б ю б о р д и*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'қоришиқ' маъносини англатган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бот сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 201); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бот + а = бота– > ботä–.**

БЎТАЛОҚ 'туянинг ёш боласи'. ***Карвондаги туялардан бирининг б ў т а л о ғ и бор эди.*** Бу сўз **ботä** отига кичрайтириш–эркалаш маъносини ифодаловчи **–лâқ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **ботä + лâқ = ботäлâқ.**

БЎТАНА 'лойқа', 'қум, тупроқ аралашган' (сув ҳақида). .. ***дарёнинг зилол суви б ў т а н а б ў л и б қирғоқдан оша бошлаган эди*** (Одил Ёқубов). Бу сифат **ботä–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини олган шаклидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган: (**ботä– + н = ботän–**) **+ ä = ботänä.**

БЎТҚА 'бир неча тур донни қайнатиб пиширилган қуюқ овқат'. ***Мошхўрда қайнайвериб б ў т қ а г а айланибди.*** Бу от эски ўзбек тилидаги 'қориштир–' маъносини англатган **бот–** феълидан (ЭСТЯ, II, 201) **–қа** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 148); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бот– + қа = ботқа > ботқä.**

БЎХЧА 'кийим–кечак ўралган тугун'. ***Навоий б ў х ч а н и ечиб, лоқайд ва камтарона табассум билан амирлик кийимини кийди*** (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'йўлга чиқишда кийим–кечак жойланадиган рўзғор буюми (жомадон)' маъносини англатган **боғ** отидан (Девон, III, 140) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; **ч** ундоши таъсири билан унинг олдидаги **ғ** ундоши **х** ундошига, ўзбек тилида сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **боғ + ча = боғча > бохчä.** Маҳмуд Кошғарий шундай маънони англатувчи **бохтай** сўзини келтирган (Девон, III, 258); бу сўз **боғ** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–тай** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Индекснинг 454– бетида нимагадир бу сўз **боғ–** феълидан ясалган деб изоҳланган); қизиғи шундаки, ўша даврдаёқ **ғ** ундоши **х** ундошига алмашган экан.

БЎШАҚ 'гапни, ишни эплай олмайдиган'. ***Б ў ш а н г одам жуда кўп танбеҳ эшитади.*** Бу сифат

www.ziyouz.com kutubxonasi

эски ўзбек тилида 'лаванг', 'ландавур' маъносини англатган **бош** сифатидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–ң** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 149); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: (**бош + а = боша–**) **+ ң = бошаң > бошäң.**

БЎШАШ– 'бироз бўша–'. ***Ер етилиб, анча б ў ш а ш и б қ о л и б д и.*** Бу сўз **бошä–** феълига 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **бошä– + ш = бошäш–.**

БЎШЛИК Бу сўз асли **бош эканлик** шаклига эга бўлиб, **экан** қисмини талаффуз қилмаслик натижасида юзага келган.

БЎШЛИҚ 'бўш жой', 'фазо'. ***Космик б ў ш л и қ д а жуда кўп суньий йўлдошлар учиб юрибди.*** Бу сўз ўзбек тилида 'банд қилинмаган' маъносини англатувчи **бош** сифатидан мавҳум от ясовчи **–лиқ** қўшимчаси билан ясалган: **бош + лиқ = бошлиқ.**

БЎШОҚ 'боғланмаган'. ***Бузоғинг нега б ў ш о қ юрибди?*** Бу сифат эски ўзбек тилида **боша–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **қ** ундоши ол–дидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **боша– + қ = бошақ > бошâқ.**

БЎҒИЗ 'томоқнинг қизилўнгач ва кекирдак бошланадиган ери'. ***Махсум ўсиқ тирноқларини Бобоқулнинг б ў ғ з и г а ботиришга чоғлаб хезланиб кела бошлади*** (Суннатилла Анорбоев). Бу от қадимги туркий тилда 'қис–' маъносини англатувчи **боғ–** феълидан **–(у)з** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 168; ПДП, 372; ДС, 110); ўзбек тилида кейинчалик иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **боғ– + уз = боғуз > боғиз.**

БЎҒИМ қ. **бўғин**

БЎҒИН 'гавда суякларининг тоғайлар, пайлар билан бириккан жойи'. ***Ҳаво булут бўлса, б ў ғ и н л а р и м зирқираб оғрийди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'боғла–' маъносини англатувчи **боғ–** феълидан **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 171); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **боғ– + ун = боғун > боғин.** Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг асли **боғым** шакли тўғри эканлигини таъкидлайди

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Девон, I, 379); ҳозирги ўзбек тилида бу сўз **бўғим** шаклида ҳам талаффуз қилинади.

БЎҒИҚ 'бўғилиб чиқадиган' (товуш ҳақида). .. *биров ваҳимада б ў ғ и қ товуш билан нуқул бақирар эди* (Асқад Мухтор). Бу сифат эски ўзбек тилида 'қис–' маъносини англатувчи **боғ–** феълидан **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **боғ– + уқ = боғуқ > боғиқ.**

БЎҒОВ 'кишан'. *Бандининг бўйнидаги б ў ғ о в олиб ташланди.* Бу от эски ўзбек тилида 'қис–' маъносини англатувчи **боғ–** феълидан **–(а)в** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 137); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **боғ– + ав = боғав > боғâв.**

БЎҒОЗ I 'қорнида боласи бор' (ҳайвон ҳақида). *Кеча сўйган совлиғимиз б ў ғ о з э к а н.* Бу от эски ўзбек тилидаги 'боғла–' маъносини англатган **боғ–** феълидан (ЭСТЯ, II, 166: **боғ– II 1** 'связывать', 'завязывать') **–(а)з** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **боғ– + аз = боғаз > боғâз.** Бу сўз дастлаб ҳомиладор аёлга нисбатан ишлатилган; кейинчалик ҳайвонга кўчирилиб, инсонга нисбатан ишлатилмай қўйган (ЭСТЯ, II, 169).

БЎҒОЗ II 'икки сув ҳавзасини туташтирувчи тор сув йўли'. *Абдуллаевнинг взводи ҳам Керчь б ў ғ о з и г а етиб борди* (Адҳам Раҳмат). Бу от эски ўзбек тилида 'қис–' маъносини англатган **боғ–** феълидан **–(а)з** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **боғ– + аз = боғаз > боғâз.**

БЎҒОТ 'томнинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми'. *Пешиндан бери ёғаётган қўл қор том б ў ғ о т л а р и н и .. оқартирди* (Ҳамид Ғулом). Бу от эски ўзбек тилида **боғ–** феълининг 'тўс–', 'беркит–' маъносидан **–(а)т** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **боғ– + ат = боғат > боғât.**

В

ВАЙСА– 'бемаъни гапларни кўп гапир–'. *Фолбин узоқ в а й с а д и* (Ойбек). Бу феъл эски ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

вай ундовидан **–са** қўшимчаси билан ясалган; кейинча— лик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **вай + са = вайса– > вäйсä–** (КРС, 175: **вайси–** *южн.* 'говорить вздор', 'нести чепуху'). Ҳозирги ўзбек тилида бу ундов сўз кўпинча **вâй** тарзида, шунга кўра ундан ясалган феъл ҳам **вâйсä–** тарзида талаффуз қилинади.

ВАНҒИЛЛА– 'шовқинли баланд товуш чиқар–'. ***Самолёт в а н ғ и л л а б учиб ўтиб кетди.*** Бу феъл ўзбек тилида **вäнғ** товушга тақлид сўзининг **–(и)р** қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган; **л** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **р** ундоши **л** ундошига алмашган: **(вäнғ + ир = вäнғир) + лä = вäнғирлä– > вäнғиллä–.**

ВАНҒИРЛА– қ. **ванғилла–**

ВАРВАРАК қ. **варрак**

ВАРРАК 'маълум ҳажмдаги қоғозга қамиш чўпларини белгили тартибда ёпиштириб ясалган ва шамолда ип қўйиб учириладиган ўйинчоқ'. ***Шамол келмас, кўтарилмас дака в а р р а г и м*** (Ғафур Ғулом). Бу от **вäр–вäр** товушга тақлид сўзига **–(ä)к** қўшимчасини қўшиб ясалган, шундан кейин такрорланувчи қисмлар чизиқчасиз ёзилган, охири иккинчи қисм бошланиши— даги **вä** товушлари талаффуз қилинмай қўйган: **(вäр–вäр) + äк > вärвäрäк > вärрäк.**

ВИЗИЛДОҚ 'қора чигиртка'. ***Далалар в и з и л д о қ л а р н и н г музикасини тинглагандай жимжит*** (Ойбек). Бу от ўзбек тилида **виз** товушга тақлид сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; иккинчи **л** ундоши **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(виз + иллä = визиллä–) + қ = визиллäқ > визилдâқ.**

ВОЙСА– қ. **вайса–.**

Г

ГАВДА 'жусса', 'тана'. ***Мулла Обиднинг .. шу г а в д а с и г а бу кетмон ҳам кичик*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **гögде** тарзида талаффуз қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЭСТЯ, III, 53), кейинчалик **д** ундоши олдидаги **г** ундоши **в** ундошига алмашган; ўзбек тилида иккинчи ва кейинги бўғинда **е** унлиси келмаслиги туфайли бу унли **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **ä** унлиси таъсирида биринчи бўғиндаги **ö** унлиси ҳам **ä** унлисига алмашган: **гögде > гövде > гövдä > гävдä**; жонли сўзлашувда **в** ундоши таъсири билан ундан олдинги **ä** унлисини **â** айтиш ҳам мавжуд: **гävдä > гâвдä.**

ГАЛДИР 'телба', 'ишқ савдосига дучор бўлган'. ***Шу гўзал қизни деб г а л д и р бўлиб юрган йигитлар озми?*** Бу сўз **гäлдир** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, асли чайқалиш ҳаракатини ифодаловчи тасвир сўзига тенг, маъно тараққиёти натижасида сифатга кўчган: 'чайқалиш' → 'ўзини тута олмай безовта', 'ўз хатти-ҳаракатини назорат қила олмайдиган ҳолатда'.

ГАЛДИРА– 'эсанкираб, безовта бўлиб, турли нотайин хатти-ҳаракатлар қил–'. ***Эшон ая ўзини йўқота ёзди; тили гапга келмай, г а л д и р а д и*** (Сайид Аҳмад). Бу феъл ўзбек тилида **гäлдир** сифатидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган: **гäлдир + ä = гäлдирä–.**

ГАЛДИРАКЛА– 'эсанкираш, безовта бўлиш оқибатида турли нотайин сўзларни айт–'. ***Мен бечоранинг тилим г а л д и р а к л а б, арзи ҳол қилдимки, мени ҳам .. қаландарбаччаликка қабул қилсалар*** (Ғафур Ғулом). Бу феъл ўзбек тилида ҳозир мустақил ишлатилмайдиган **гäлдирäк** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган; **гäлдирäк** оти ўз навбатида **гäлдирä–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган; **гäлдирä–** феъли эса **гäлдир** сифатидан ясалган: **[(гäлдир + ä = гäлдирä–) + к = гäлдирäк] + лä = гäлдирäклä–.**

ГАНДИРАКЛА– 'мувозанат сақлай олмай, чайқалиб, энтак-тентак қадам ташла–'. ***Турғуной маст кишидек г а н д и р а к л а б борар эди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу феъл асли **гäлдирäклä–** феълидан ажралиб чиққан: **д** ундоши олдидаги **л** ундоши **н** ундошига алмашган: **гäлдирäклä– > гäндирäклä–**; маънода эса тескарайиш юз берган: 'умуман хатти-ҳаракат' → 'қадам ташлаш'.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАҢИ– 'кутилмаган ҳодиса туфайли эсанкира–', 'саросимага туш–'. *Раис уни даст кўтарди–да, давранинг ўртасига келтириб қўйди. Қурбон ота бир лаҳза г а н г и д и* (Абдулла Қаҳҳор). Бу феъл асли мувозанатни йўқотиш, эсанкираш ҳолатини ифодаловчи **гäң** тасвир сўзидан **–и** қўшимчаси билан ясалган: **гäң + и = гäңи–.**

ГАҢИРА– 'мувозанатини кучли даражада йўқот–'. *Боши г а н г и р а б ўрнидан турган бой яна йиқилиб, .. кўчанинг ўртасидаги лойга тушди* (Садриддин Айний). Бу феъл асли мувозанатни йўқотиш, эсанкираш ҳолатини ифодаловчи **гäң** тасвир сўзининг **гäңир** кенгайган шаклидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган: **(гäң + ир = гäңир) + ä = гäңирä–.** Сўзлашув нутқида иккинчи бўғиндаги **и** унлисини талаффуз қилмаслик ҳам мавжуд: **гäңирä– > гäңрä–.**

ГАҢРА– қ. **гаңира–**

ГОВДА қ. **гавда**

ГУВИЛЛА– қ **гувурла–**

ГУВРАН– 'ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган товуш чиқар–' *У ичида алланима балоларни г у в р а н а – г у в р а н а арғимчоқни итара бошлади* (Ойдин). Бу феъл 'ноаниқ товуш'ни ифодаловчи **гувур–гувур** тасвир сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; **–а** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, кейин— чалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(гувур + а = гувура–) + н = гувуран– > гувран– > гувräн–.**

ГУВУЛЛА– қ. **гувурла–**

ГУВУРЛА– 'гувур–гувур этган товуш чиқар–'. *Сой бўйида .. тегирмон г у в у р л а р э д и* (Абдулла Қаҳҳор). Бу феъл ўзбек тилида ноаниқ (бўғиқ) товушни ифодаловчи **гувур–гувур** тасвир сўзидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **гувур + лä = гувурлä–.** ЎТИЛга бу сўз сўзлашув нутқига хос **гувиллä–** шаклида киритилган (луғат тузувчи бу сўзни **гув** тасвир сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган деб тушунган; шундай тушу—

www.ziyouz.com kutubxonasi

нилганда ҳам бу сўзнинг иккинчи бўғинида **и** эмас, **у** ёзилиши лозим).

ГУЛА I 'тўқимачилик дастгоҳининг бир қисми'. ***Эртаси кечқурун г у л а тўғрилаб ўтирсам, эшикни биров тақиллатди*** (Абдулла Қодирий). Бу от қадимги туркий тилдаги 'оёқ–қўлни боғлаб бирлаштир–' маъно–сини англатган **кўл–** феълидан (ЭСТЯ, III, 96; Девон, II, 227: **кўлтўрди** 'боғлаб йиқитмоққа буюрди') **–ä** қўшимча–си билан ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган; ўзбек тилада ў унлиси–нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўл– + ä = кўлä > гўлä > гулä.**

ГУЛА II 'намуна', 'андоза', 'ўрнак'. ***Исматов ҳам хўжайинидан г у л а кўтариб, атрофига қариндош–уруғларини тўплади*** ("Муштум"дан). Бу от қадимги туркий тилдаги 'оёқ–қўлни боғлаб бирлаштир–' маъно–сини англатган **кўл–** феълидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган **кўлä** отининг **гулä** (< **гўлä**) шаклидан маъно та–раққиёти асосида юзага келган: 'боғлаш' → 'андоза олиш'.

ГУЛДУРОС 'кучли, давомли гулдураган'. ***Залда г у л д у р о с қарсаклар бошланди.*** Бу сифат кучли товушга тақлидни ифодаловчи **гулдур** сўзидан **–âс** қўшимчаси билан ясалган: **гулдур + âс = гулдурâс.**

ГУППА–ГУППА 'йирик ва қалин'. ***Қор г у п п а – г у п п а ёғаётган эди.*** Бу такрор сўз қисмлари асли 'дўмбай–' маъносини англатувчи **кöп–** феълига (ЭСТЯ, III, 52) **–ä** равишдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилин–ган: **кöп– + ä = кöпä**; маънони кучайтириш мақсадида **п** ундоши қатланган ва ҳосила такрорлаб ишлатилган; кейинчалик сўз бошланишидаги **к** ундоши **г** ундошига, **ö** унлиси ў унлисига алмашган; ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöп + ä = кöпä > кöпä–кöпä > кöппä–кöппä > гöппä–гöппä > гўппä–гўппä > гуппä–гуппä.**

ГУППИ 'қалин пахтали калта чопон'. ***Адолат онаси келтирган қора духоба г у п п и с и н и кийиб .. олган эди*** (Саида Зуннунова). Бу от асли 'дўмбай–' маъносини англатган **кöп–** феълидан **–и** қўшимчаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **п** ундоши қатланган; кейинчалик сўз бошланишидаги **к** ундоши **г** ундошига, **ö** унлиси **ў** унлисига алмашган; ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **көп– + и > көппи > гöппи > гўппи > гуппи.**

ГУПУР– 'жўш ур–'. ***Бу хушхабарни эшитиб, қизимнинг қалби денгиздек г у п у р и б, кўзлари чароқлаб кетди.*** Бу феъл асли 'дўнг', 'кўтарилган ҳолат' маъносини англатган **көп** отидан **–(ў)р** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **к** ундоши **г** ундошига, **ö** унлиси **ў** унлисига алмашган; ўзбек тилида **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **көп + ўр = көпўр– > гöпўр– >гўпўр– > гупур–.**

ГУПЧАК 'ғилдиракнинг марказидаги кегайлар қадаладиган ва ўққа ўрнатиладиган ғўла қисми'. ***Қўқон арава г у п ч а г и устига темир чамбарак тақилган.*** Бу от асли **гуппи** отига кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чäк** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли, шу билан бир вақтда иккинчи (орттирма) **п** ундоши ҳам талаффуз қилинмай қўйган: **гуппи + чäк = гуппичäк > гупчäк.**

ГУРКИРА– 'кучли даражада ривожлан–'. .. ***ғўзалар она сутига мириққан боладек г у р к и р а б ўсарди*** (Ш.Ғуломов). Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'бўлиқ', 'етилган' каби маъноларни англатган **кўр** сифатидан **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган феълга (ЭСТЯ, III, 106) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ў)рä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик сўз бошланишидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, учинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган; ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кўр + ўк = кўрўк–) + ўрä = кўрўкўрä– > гўрўкўрä– > гўркўрä– > гўркирä– > гуркирä–.**

ГУРКУН 'бўлиқ', 'барқ уриб ўсаётган'. ***Г у р к у н ғўзалар қийғос шоналай бошлади.*** Бу сифат асли қадимги туркий тилдаги 'бўлиқ', 'етилган' каби маъноларни англатган **кўр** сифатидан **–(ў)к** қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган феълга (ЭСТЯ, III, 106) **–(ў)н** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида ў унлилари-нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кўр + ўк = кўрўк–) + ўн = кўрўкўн > гўрўкўн > гўркўн > гуркин.**

ГУРСКЕТДИ 'пичоқ тегиши билан гурс ёриладиган қовун'. ***Бу пайкалдаги г у р с к е т д и л а р айни етилиб турибди.*** Бу от **гурс** товушга тақлид сўзи билан **кет–** феълининг ўтган замон шаклини бирлаштириб ту-зилган: **гурс + кетди = гурскетди.** Сўзлашув нутқидаги талаффузини ҳисобга олиб бу отни **гурскетти** шаклида ёзиш тўғри бўлади.

ГУРСКЕТТИ қ. **гурскетди**

ГУРУҢ 'қизғин суҳбат','гап–сўз'. ***Ўз гув–гуви би-лан гузарни тўлдирган одамлар г у р у н г и ҳам бир зумда тинди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу от қадимги туркий тилдаги **кўр–** феълининг (ЭСТЯ, III, 106) 'яхши кайфият ҳолатида бўл–' маъносидан **–(ў)ң** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак; кейинчалик сўз бошланишидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган, ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўр– + ўң = кўрўң > гўрўң > гуруң.**

ГЎДАК 'кўкракдан ажралмаган бола'. ***Г ў д а к – л а р эса бешикда, дарахтлар орасидаги беланчак–ларда ухлаб ётишади*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилдаги 'калта бўл–' маъносини англатган **кöт–** феълидан **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 59); кейин-чалик сўз бошланишидаги **к** ундоши **г** ундошига, икки унли оралиғидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöт– + äк = кötäк > гödäк > годäк.**

ГЎЗАЛ 'хушрўй', 'ҳусндор'. ***Гулсум унинг хаёлида бу ердаги г ў з а л л а р н и н г г ў з а л и бўлиб тура берди*** (Парда Турсун). Бу сифат асли қадимги туркий тилдаги 'назар сол–' маъносини англатган **кöс–** феълидан **–(ä)л** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 63); кейинчалик сўз бошланишидаги **к** ундоши **г** ундошига, унлилар оралиғидаги **с** ундоши **з** ундошига алмашган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

көс– + äл = көсäл > гөсäл > гөзäл > гозäл. Бу сифат асли 'ўзига эътиборни тортадиган' маъносини англатган бў— либ, 'хушрўй' маъноси шу маъно асосида ўсиб чиққан.

ГЎҢ 'от, мол ахлати'. *[Худойқул] От–молга қарайди, г ў н г курайди, жоди билан пичанпоя қирқади* (Парда Турсун). Девонда **гонўз** сўзи келтирилиб, 'хароба ўнқир–чўнқирларда туя ва қўйлар қумалоғининг бир–бирига аралашиб, ёпишиб кетгани' маъносини англатиши таъкидланган (Девон, III, 375). Бу сўз тарки— бидаги **–(ў)з** қисми 'кўп' ('мўл') маъносини ифодаласа керак: унда **гон** қисми 'ҳайвонларнинг ахлати' маъно— сини англатувчи от бўлади. Кўринадики, бу от ҳозирги ўзбек тилига **н** ундоши **ң** ундошига алмашиб етиб кел— ган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **гон > гоң > гоң.**

Д

ДАДА 'ота' (норасмий муомалада). *Мен Дурдонанинг д а д а с и бўламан.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **дäдä** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 239), сўзлашув нутқида бу сўз ҳозир ҳам шундай талаффуз қилинади. Қадимги туркий тилдаги кўп маъноли бу сўзнинг ушбу шакли ўзбек тилида 'ота' маъносини англатади (**дâдä** сўзига қиёсланг).

ДАНҒИЛЛАМА 'ҳажми керагидан ортиқ'. .. *бир кун келиб, янги д а н ғ и л л а м а иморатлар солиб,* .. (Абдулла Қаҳҳор). Бу сифат **дäнғир** товушга тақлид сўзидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–мä** қўшимчасини қўшиб ясалган; **л** товушининг таъсирида унинг олдидаги **р** ундоши **л** ундошига алмашган: (**дäнғир + лä = дäнғирлä–**) **+ мä = дäнғирлämä > дäнғиллämä.** Бу сўзни луғатларга аслига кўра **данғирлама** шаклида ки— ритиш тўғри, **данғиллама** шаклини эса сўзлашув нутқига хос деб белгилаш ўринли.

ДАРДАРАК 'шамолда тебраниб, товуш чиқариши учун варракнинг эгма чўпи ипига ёпиштириладиган шал— дироқ қоғозча'. *Шабада варракнинг д а р д а р а г и— д а н чиқаётган овозни олиб келади* (Раҳмат Файзий).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу от **дăр–дăр** товушга тақлид сўзидан **–(ă)к** қўшимчаси билан ясалган: (**дăр–дăр**) + **ăк** = **дăрдăрăк.**

ДЕ– 'айт–'. ***Ўғлингиз сизга салом д е д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл бир неча шаклга эга бўлган: Девонда бу сўз **тэді** шаклида келтирилган (III, 265), ПДПда **tă–** (428– бет), **ti–** (429– бет), **di–** (377– бет) шаклларида акс эттирилган, ДСга **te–** шаклида киритилиб, жуда кенг талқин берилган (545– бет), ЭСТЯда бу сўз асли **te:–** тарзида талаффуз қилингани таъкидланган (III, 224). Қиёслашдан кўрина– дики, туркий тилларнинг тараққиёти давомида бу сўз– нинг бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган. Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз асосан **де–** шаклида ишла– тилади, баъзангина **дей–** шакли учрайди (**дейăрли** сўзига қаранг).

ДЕЙАРЛИ 'айтарли', 'деса бўладиган'. ***Қўҳондан д е я р л и ҳар куни хабар келиб турар эди*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз ўзбек тилидаги 'айт–' маъносини анг– латувчи **де–** феълининг **дей–** шаклига **–(ă)р** сифатдош қўшимчасини ва **–ли** сифат ясовчисини қўшиб ҳосил қи– линган: (**дей–** + **ăр** = **дейăр**) + **ли** = **дейăрли.** Бу сўз даст– лаб жумланинг охирида кесимдан кейин жойлашар эди, кесимдан олдин келиши кейинчалик воқе бўлган: ***ҳар куни хабар келиб турарди д е я р л и → д е я р л и ҳар куни хабар келиб турарди.***

ДЕМАК 'бундан чиқдики'. ***Д е м а к, тушун– тириш керак!*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз асли **де–** феълидан ҳаракат номи қўшимчасининг эски ўзбек ти– лидаги **–мăк** шакли билан ҳосил қилинган бўлиб, нутқда шу шаклида яхлитланиб, кириш сўз вазифасига хос– ланган (ЭСТЯ, III, 224).

ДЕҢИЗ 'океандан қуруқликка ёриб кирган сув ҳавзаси', 'жуда катта кўл'. ***Каспий д е н г и з и д а пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўпайди*** (Шуҳрат). Бу от қадимги туркий тилда **тингиз** (ПДП, 430), **теңиз** (Девон, III, 374; ДС, 552) тарзида талаффуз қилинган. ЭСТЯда таъкидланишича, бу сўз асли **тенгиз** тарзида талаффуз қилиниб, **теңиз** шакли кейинроқ ву– жудга келган (III, 194). Девонга суяниб **теңг** сўзи 'кўл' маъносини англатиши айтилган (ДС, 551); шунга асос–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лансак, **теңиз** сўзи **тең** сўзига 'кўп', ('мўл') маъносини ифодаловчи **–(и)з** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлади (ЭСТЯ, III, 194). Кейинчалик бу сўз бошланиши — даги **т** ундоши **д** ундошига алмашган: **тең + из = теңиз > деңиз.**

ДЕПСИ– 'дўқ уриб, инжиқлик қилиб ер тепиб тур–'. ***Нима сабабдан д е п с и б турибсан?!*** Бу сўз асли 'оёқ билан зарб бер–' маъносини англатувчи **теп–** феълининг (Девон, II, 9; ДС, 552) бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган шаклидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–си** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 197): **(теп– > деп–) + си = депси–.** Ўзбек тилида бу сўз кўпинча 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини олган шаклида ишлатилади: **депси– + н = депсин–.**

ДЕПСИН– қ. **депси–**

ДИЙДИЙО 'хотинлар йиғинида ўқиладиган "дий–дийо" радифли тўқима шеър'. ***Йиғилган хотинлар узоқ вақт д и й д и й о ўқишди.*** Бу сўзнинг феъл қисми 'айт–' маъносини англатувчи **де–** феълига **–й** замон ясовчи қўшимчасини ва III шахснинг **–ди** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(де– + й) + ди = дейди;** сўзлашув нутқида **е** унлиси **и** унлисига алмашган: **дейди > дийди;** ана шу феъл шаклига 'таажжуб' маъносини ифодаловчи **–йа** юкламаси қўшилган: **дийди–йа;** кейинчалик юклама таркибидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган ва юклама феълга қўшилиб кетган: **дийдийâ.**

ДИЙДИРА– қ. **дилдира–**

ДИКАҢ–ДИКАҢ тез–тез сакраш ҳаракатини ифода — даловчи тасвир сўзи. ***[Болалар] бир пасда д и к а н г – д и к а н г сакраб келиб, қўлларидаги тутам–тутам бойчечакни ўқитувчисига тақдим қила бошлади*** (Парда Турсун). Бу сўз **дик–дик** тасвир сўзи қисмларининг **–аң** қўшимчасини олиб кенгайган шаклига тенг: **(дик + аң) – (дик + аң) = дикаң– дикаң.**

ДИККАЙ– 'тикка тур–', 'тиккай–'. ***Башоратнинг сақичдай қора сочи .. ўрганида д и к к а й и б турар эди*** (Асқад Мухтор). Бу феъл **тиккă** сифатидан **–й** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик сўз бошланиши —

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги **т** ундоши **д** ундошига алмашган: **тиккä + й = тиккäй– > диккäй–.** Ушбу феъл таркибини бошқача талқин этиш ҳам мумкин: Қадимги туркий тилдаги 'тик ҳолат' маъносини англатган **тиң** сифатининг (Девон, III, 368) **тик** шаклидан **–(ä)й** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **к** ундоши қатланган, сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган: **тик + äй = тикäй– > тиккäй– > диккäй–.**

ДИЛДИРА– 'совуқ қотиб титра–'. ***Эгни юпун одамлар д и л д и р а б, бошларини икки елка орасига сиқиб чопадилар*** (Ойбек). Бу феъл **дир–дир** тасвир сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **д** ундоши олдидаги **р** ундоши **л** ундошига алмашган: **(дир–дир) + ä = дирдирä– > дилдирä–.** Бу феъл **дийдирä–** шаклида ҳам талаффуз қилинади, бунда **р** ундоши **й** ундошига алмашади: **дирдирä– > дийдирä–.**

ДИМ 'шамол йўқлигидан нафас қайтарадиган даражада иссиқ ҳолат'. ***Ҳаво шу қадар иссиқ, д и м э д и к и, эрталаб ўрилган пичан кечгача шақирлаб қуриб қолди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сўз асли 'сокин', 'тинч' маъносини англатган **тым** сифатидан (ЭСТЯ, III, 340) ўсиб чиққан: 'тинч' → 'тинч иссиқ ҳолат' → 'шамолсиз иссиқ ҳолат' → 'дим ҳаво'. Кейинчалик бу сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган (КРС, 205); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тым > дым > дим.**

ДИМИҚ– 'ҳавоси нафас қайтарадиган даражада оғирлаш–'. ***Хонани вақти–вақти билан шамоллатмаса, қуртлар д и м и қ и б қ о л а д и.*** Бу сўз асли 'сокинлик сақла–' маъносини англатган **тым–** феълининг 'нафасни қайтарадиган даражада иссиқ бўл–' маъносидан (ЭСТЯ, III, 340) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган; ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тым– + ық = тымық– > дымық– > димиқ–.**

ДИМЛА– 'ҳовури чиқмайдиган қилиб ўраб қўй–'. ***Тандир сомса д и м л а б пиширилади.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'намлик' маъносини англатган

www.ziyouz.com kutubxonasi

дум сўзининг **дым** шаклидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 294); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **дым + ла = дымла– > димлä–.**

ДИНҒИЛЛА– қ. **динғирла–**

ДИНҒИРЛА– 'динғ–динғ этган товуш чиқар–'. ***Қаердандир дуторнинг д и н ғ и р л а г а н товуши эшитилди.*** Бу феъл ўзбек тилида **дынғ** тақлид сўзининг **дынғыр** кенгайган шаклидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: (**дынғ + ыр = дынғыр**) **+ ла = дынғырлä– > динғирлä–.**

ДИРДИРА– қ. **дилдира–**

ДИҢИЛЛА– 'ирғишла–', 'шаталоқ от–'. ***Арқони ечилган эчки д и н г и л л а б чопиб кетди.*** Бу феъл **диң** тақлид сўзининг **диңир** кенгайган шаклидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган; **л** ундоши таъсирида унинг олдидаги **р** ундоши **л** ундошига алмашган: (**диң + ир = диңир**) **+ лä = диңирлä– > диңиллä–.** Бу сўзни луғатларга аслига кўра **диңирлä–** шаклида киритиб, **диңиллä–** шаклини эса сўзлашув нутқига хос деб белгилаш тўғри.

ДИҢИРЛА– қ. **диңилла–**

ДОВОН 'тоғ ёки тепаликнинг ошиб ўтса бўладиган жойи'. ***Машина д о в о н тепасига кўтарилар экан, деразадан салқин шамол урилди*** (Сайид Аҳмад). Бу от эски ўзбек тилида 'тоғдан ошиб ўт–' маъносини англатган **даба–** феълидан **–н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 112; КРС, 180); кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **даба– + н = дабан > даван > дâвân.**

ДОВУЛ 'кучли, емирувчи бўрон'. ***Океан атрофидаги мамлакатларда тез–тез д о в у л бўлиб туради.*** Бу от асли қадимги туркий тилда 'ғарбдан эсган шамол' маъносини англатган **дабур** сўзининг маъно тараққиёти натижасида юзага келган: 'ғарбдан шарққа эсган шамол' (Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. Т.: 1954, 78) → 'кучли, емирувчи шамол'; кейинчалик сўз охиридаги **р** ундоши **л** ундошига, **б** ун—

www.ziyouz.com kutubxonasi

доши **в** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **дабур > дабул > давул > дâвул.**

ДОДА 'бобо' (норасмий муомалада). ***Катта ўғлим додаси билан меҳмонга кетди.*** Қадимги туркий тилда ҳам 'ота', ҳам 'бобо' маъносини англатган бу сўз асли **дäдä** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 239). Кейинчалик ўзбек тилида **дäдä** сўзи фақат 'ота' маъносини англатиб, 'бобо' маъносини **дâдä** сўзи англата бошлаган. Ана шу **дâдä** сўзининг таркибини қуйидагича изоҳлаш мумкин: Қадимги туркий тилдаги 'катта' маъносини англатган **дай** сўзи билан (И с м о и л о в И. Туркий тиллардаги **тай** ва **дайы** терминлари ҳақида. ЎТА, 1973, 4, 78) **ата** сўзи бирлашган; кейинчалик **йа** товушлари талаффуз қилинмай, уч бўғинли сўз икки бўғинли сўзга айланган, бунда биринчи бўғиндаги **а** унлиси чўзиқлик ҳосил қилган, сўнгра **д** ундоши таъсирида **т** ундоши **д** ундошига алмашган, охири **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган ва бу унли **â** унлисига, **а** унлиси эса **ä** унлисига алмашган: **дай + ата = дайата > да:та > да:да > дада > дâдä.**

ДОҢ 'довруқ'. ***Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донги чиқмас*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилдаги кучли товушни ифодаловчи **даң** сўзининг (Девон, III, 369) маъно тараққиёти натижасида юзага келган: 'кучли товуш' → 'овоза' → 'довруқ'; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **даң > дâң.**

ДУДОҚ 'лаб'. ***Йўлчининг кучли, эркак нафасини, дудоқларида унинг бўсасининг жонли оловини бир лаҳза сезди*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилдаги маъноси аниқланмаган **ту:т–** феълининг (ЭСТЯ, III, 251) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; **–а** қўшимчаси қўшилганидан кейин **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган; кейинчалик унлилар оралиғидаги, шунингдек сўз бошланишидаги **т** ундошлари **д** ундошларига, ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ту:т– + а = ту:та– > тута–) + қ = тутақ > тудақ > дудақ > дудâқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДУДУҚ 'баъзи товушларни аниқ талаффуз эта олмайдиган'. ***Қўшнимизнинг невараси ёшлигида д у д у қ э д и, кейинчалик тузалиб кетди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги маъноси аниқланмаган **ту:т-** феълидан **-(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 287); кейинчалик **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, икки унли оралиғидаги ва сўз бошланишидаги **т** ундошлари **д** ундошларига алмашган: **ту:т + уқ = ту:туқ > тутуқ > тудуқ > дудуқ.**

ДУККАК 'ловия, мош каби ўсимлик донини ўраб турувчи икки паллали қобиқ'. ***Думбул ловия д у к к а - г и д а н осон ажралади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ёп-', 'қобиқла-' маъносини англатган **ту-** феълининг (ПДП, 433; Девон, III, 265; ДС, 584) кучайтириш, 'такрор' маъносини ифодаловчи **-к** қўшимчасини олган шаклидан **-(а)к** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **к** ундоши қатланган; сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ту- + к = тук-) + ак = тукак > туккак > дуккäк.**

ДУМАЛА- 'айлана ҳаракатлан-'. ***Гўла д у м а л а б к е т д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда 'бук-', 'энгаштир-' маъносини англатган **дом-** феълининг (ЭСТЯ, III, 262) **дум-** шаклидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **-(а)л** қўшимчасини ва 'такрор' маъносини ифодаловчи **-а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(дум- + ал = думал-) + а = думала- > думäлä-.**

ДУМАЛОҚ 'шар шаклидаги'. ***Ер шари д у м а л о қ деса, олдин ҳеч ким ишонмас эди.*** Бу сифат эски ўзбек тилида **думала-** феълидан **-қ** қўшимчаси билан ясалган(ЭСТЯ, III, 262); кейинчалик **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **думала- + қ = думалақ > думäлâқ.**

ДУРАГАЙ 'турли нав ўсимлик ёки ҳайвонни чатиштириб ҳосил қилинган'. ***Шербек д у р а г а й қўзининг орқа томонидан сездирмасдан борди-да, маҳкам ушлади*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'янгидан ҳосил қил-' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатган **тўр–** феълидан (ЭСТЯ, III, 284) **–ägäй** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган; ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўр– + ägäй = тўрägäй > дўрägäй > дурägäй.**

ДЎЛ 'юмалоқ муз ҳолатидаги ёғин'. ***Унинг [Қудратнинг] бетига д ў л аралаш ёмғир уриб берди*** (Ҳаким Назир). Қадимги туркий тилда ҳам шу маънони англатган бу от асли **толы** тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган; ўзбек тилида сўз охиридаги **ы** унлиси талаффуз этилмай қўйган: **толы > долы > дол.**

ДЎЛМА 'ток, карам баргини қийма билан тўлдириб ўраб пишириладиган овқат'. ***Катта келинимиз д ў л м а пиширишга жуда уста.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'бирор бўшлиқни эгалла–' маъносини англатган **то:л–** феълининг (ЭСТЯ, III, 258) кейинроқ юзага келган **тол–** шаклидан (ДС, 572) **–ма** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(то:л– > тол–) + ма = толма > долма > долмä.**

ДЎМБА 'сув ёқасидаги суньий кўтарма'. ***Бульдозер канал ёқасидаги д ў м б а л а р н и суриб текислар эди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'дўнг ҳолат ҳосил қил–' маъносини англатган **тöң–** феълидан (ЭСТЯ, III, 280) **–мä** қўшимчаси билан ясалган; сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига, **ң** ундоши таъсирида **м** ундоши **б** ундошига, кейинчалик **б** ундоши таъсирида **ң** ундоши **м** ундошига алмашган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тöң + мä = тöңмä > döңмä > döңбä > дöмбä > домбä.**

ДЎМБАЙ– 'қаппай–', 'туртиб чиқиб тур–'. ***Энди чўнтагинг д ў м б а й и б қ о л д и м и ?!*** Бу феъл **домбä** отидан **–й** қўшимчаси билан ясалган: **домбä + й = домбäй–.** Бу сўз ўзбек тилида **домпäй–** ва **доппäй–** тарзида ҳам талаффуз қилинади; биринчи ҳолатда **м** ундоши таъсири билан ундан кейинги **б** ундоши **п** ундошига алмашади: **домбäй– > домпäй–;** иккинчи ҳолатда

www.ziyouz.com kutubxonasi

эса **п** ундоши таъсирида унинг олдидаги **м** ундоши **п** ундошига алмашади: **домпай– > доппай–.**

ДЎМБАЛОҚ 'бошни ерга тираб бир неча марта думалаш'. ***Болалар майса устида д ў м б а л о қ ошиб ўйнайди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'дўнг ҳолат ҳосил қил–' маъносини англатган **тӧң–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–мälä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 280); сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига, **ң** ундоши таъсирида **м** ундоши **б** ундошига, кейинчалик **б** ундоши таъсирида **ң** ундоши **м** ундошига алмашган; ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(тӧң– + мälä = тӧңмälä–) + қ = тӧңмäläқ > дӧңмäläқ > дӧңбäläқ > дӧмбäläқ > домбälâқ.**

ДЎМБОҚ 'дўмбайган', 'дўнг бўлиб кўтарилган'. ***Саҳнага д ў м б о қ – д ў м б о қ болалар чиқди.*** Бу сўз **домбä** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; от маъносини ('кичик дўнг') англатувчи бу сўз кейинчалик белги маъносини англата бошлаган; ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **домбä + қ = домбäқ > домбâқ.**

ДЎМПАЙ– қ. **дўмбай–**

ДЎҢ 'тепа','умумий сатҳдан юқорига кўтарилган ер'. ***У д ў н г н и н г устига чиқиб, атрофга синчиклаб қаради.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тӧң** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 280), эски ўзбек тилида сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган (КРС, 199); ҳозирги ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӧң > дӧң > доң.**

ДЎҢАЛАК 'ғилдирак'. ***Поезингни жилдирган ўтхонаси билан д ў н г а л а г и*** (Қўшиқдан). Бу от қадимги туркий тилдаги 'дўнг ҳолат ҳосил қил–' маъносини англатган **тӧң–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 282); кейинчалик сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ун—

www.ziyouz.com kutubxonasi

дошига алмашган; ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **и** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(тöң + ил = тöңил–) + äк = тöңилäк > дöңилäк > доңилäк > доңäлäк.**

ДЎҢСА 'пастак тепалик'. ***Атрофдаги ғ ў н г с а– л а р текисланиб, экинзорга айлантирилди.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **дöң** отидан 'ўхшаш' маъносини ифо– даловчи **–сä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 199), кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **дöң + сä = дöңсä > доңсä.**

ДЎППАЙ– қ. **дўмбай–**

ДЎРДАЙ– 'шишиб кўтарил–'. ***Ари чаққан лаблари ғ ў р ғ а й и б к е т г а н э ғ и.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'пайдо бўл–' маъносини анг– латган **тöр–** феълидан (ЭСТЯ, III, 284) **–(ў)т** қўшимчаси билан ясалган отга **–(ä)й** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган, **–(ä)й** қўшимчаси қўшилганидан кейин ик– кинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, сўнгра иккинчи **т** ундоши **д** ундошига алмашган, **ö** ун– лисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(тöр– + ўт = тöрўт) + äй > тöрўтай– > дöрўтäй– > дöртäй– > дöрдäй– > дордäй–.**

ДЎРДОҚ 'қалин ва чўччайган'. ***Лабинг ғ ў р ғ о қ, кўзларинг ғилай, ажина қошиқдек юзларинг бор!*** (Ҳамза Ҳакимзода). Бу сифат асли қадимги туркий тилда 'пайдо бўл–' маъносини англатган **тöр–** феълининг **–(ў)т** орттирма қўшимчасини олган шаклидан **–(ä)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **т** ундоши **д** ундошига алмашган, **–(ä)қ** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, сўнгра иккинчи **т** ундоши **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(тöр– + ўт = тöрўт–) + äқ = тöрўтäқ > дöрўтäқ > дöртäқ > дöрдäқ > дöрдâқ > дордâқ.**

ДЎРИЛДОҚ 'дўриллаган, йўғон'. ***Софиянинг қу– лоқлари остида отасининг ғ ў р и л ғ о қ .. овози янграгандай бўлди*** (Ўткир Ҳошимов). Бу сифат ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида **дор** товушга тақлид сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; қатор келган **л** ундошларидан иккинчиси **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: (**дор + иллä = дориллä–**) **+ қ = дориллäқ > дорилдâқ.**

Ж

ЖАБДУҚ 'от абзаллари'. ***Холмирза ака отга ж а б д у қ л а р олиш учун шаҳарга тушиб кетди*** (Абдулла Қодирий). Бу от қадимги туркий тилдаги 'жиҳозла–', 'ҳозирла–' маъносини англатган **жабды–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 9); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган: **жабды + қ = жабдық > жäбдуқ.**

ЖАВДИРОҚ 'илтижо билан термилган'. ***Унинг ж а в д и р о қ кўзларига боқиб ҳўрлигим келди.*** Бу сифат **жäвдир** тасвир сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; **қ** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: (**жäвдир + ä = жäвдирä–**) **+ қ = жäвдирäқ > жäвдирâқ.**

ЖАВРА– 'вайса–', 'ҳаддан ортиқ кўп гапир–'. ***Ҳар ишдан нуқсон топиб жаврайверасизми?!*** Бу феъл **жäвўр–жўвўр** товушга тақлид сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **жäвўр + ä = жäвўрä– > жäврä–.**

ЖАР I 'сув ювиб ҳосил бўлган тик чуқурлик'. ***Эч–килар ж а р ёнбағрида ўтлаб юрарди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йа:р** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 17), кейинроқ сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашган (КРС, 232); ўзбек тилида **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган ва бу унли **ä** унлисига алмашган: **йа:р > жар > жäр.**

ЖАР II 'баланд товуш билан айтиладиган хабар'. ***Эрта билан Хўжаориф бозорида бир жарчи юқорида–ги мазмунда ж а р солмоқда эди*** (Садриддин Ай–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ний). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **йар** тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ч** ундошига алмашган (ЭСТЯ, IV, 19; Девон, III, 310: **чарла–**), эски ўзбек тилида **ч** ундоши **ж** ундошига (КРС, 232), ҳозирги ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йар > чар > жар > жäр.**

ЖАРҚАЛДИРҒОЧ 'узунқанотлилар туркумига мансуб, ерда юролмайдиган, лекин тез учадиган қуш'. ***Жарқалдирғоч тик қояларда ин қуради.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'тик чуқурлик' маъносини англатган **йа:р** отининг (ЭСТЯ, IV, 17) ўзбек тилидаги **жäр** шакли билан **қäлдирғâч** сўзининг бирлашуви натижасида юзага келган: **жäр + қäлдирғâч = жäрқäлдирғâч.**

ЖЕКИР– 'ўдағайлаб гапир–'. ***Менга жекира верма!*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'қўпол', 'дағал' маъносини ифодаловчи **йек** товушга тақлид сўзидан **–(и)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 174); кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашган: **йек + ир = йекир– > жекир–.**

ЖИЗЗА 'майда тўғралган думбанинг ўз ёғида қовурилгани'. ***Онаси ҳам шод бениҳоя, Нонуштага ёпди жизза нон*** (Ёнғин Мирза). Бу от **жизз** товушга тақлид сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган: **жизз + ä = жиззä.**

ЖИЗЗАКИ 'салга жаҳли чиқадиган, хуноб бўладиган'. ***Кейинги пайтларда укам жиззаки бўлиб қолди.*** Бу сифат **жизз** товушга тақлид сўзидан **–äки** қўшимчаси билан ясалган: **жизз + äки = жиззäки.**

ЖИЗҒИН қ. **жизғинак**

ЖИЗҒИНАК 'куя бошлаган нарса'. ***Бу ерларда баҳорда ўт кўкарса ҳам, сал ўтмай қуёшнинг ўткир тиғида жизғинак бўлиб қолади.*** Бу сўз **жизғин** отидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **жизғин + äк = жизғинäк.** Асли **жизғин** оти ҳам ясама бўлиб, **–ғин** қўшимчаси билан ясалган, лекин бу ясалишга асос бўлган феълни аниқ айтиш қийин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖИЙАК 'дўппи, тўн каби буюмлар четига тутиладиган махсус тасма'. *Дўпписининг ж и я г и ситилиб кетибди.* Бу сўз 'чет', 'чека' маъносини англатувчи **зий** отига кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлса керак; кейинчалик сўз бошланишидаги **з** ундоши **ж** ундошига алмашган: **зий + äк = зийäк > жийäк.**

ЖИЙИР– 'буриштир–', 'чимир–'. *Мунисхон .. бурнини ж и й и р д и* (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'тўпла–' маъносини англатган **йығ–** феълидан **–(ы)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 273): **йығ + ыр = йығыр–.** Кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашган: **йығыр– > жығыр–;** сўнгра **ғ** ундоши **й** ундошига алмашган (КРС, 278): **жығыр– > жыйыр–;** ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **жыйыр– > жийир–.**

ЖИКИЛДОҚ 'маҳмадоналик қилиб гап қайтараверадиган'. *Сен жуда ж и к и л д о қ бола экансан–ку!* Бу сифат **жикиллä–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, иккинчи **л** ундоши **д** ундошига, **қ** ундоши таъсирида **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **жикиллä + қ = жикиллäқ > жикилдäқ > жикилдâқ.**

ЖИКИЛЛА– 'бидирлаб, маҳмадоналик қилиб гап қайтар–'. *"Ия, тақсир, менинг қайси гапим ҳақ эмас?!" — ж и к и л л а д и домла* (Ҳамид Ғулом). Бу сўз **жик–жик** товушга тақлид сўзининг **–ир** қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган, **л** ундоши таъсирида **р** ундоши **л** ундошига алмашган: (**жик + ир = жикир**) **+ лä = жикирлä– > жикиллä–.**

ЖИКИРЛА– қ. **жикилла–**

ЖИЛ– 'силжи–', 'бироз сурил–'. *Отанг раҳматлик умр бўйи шу ердан бир қадам ж и л г а н э м а с э д и* (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йыл–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 41), кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашган (КРС, 279); ўзбек ти–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыл– > жыл– > жил–.**

ЖИЛДИРА– 'оз миқдорда оқиб тур–'. ***Самовар жўмрагидан сув ж и л д и р а б оқмоқда.*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'силжи–' маъносини англатувчи **йыл–** феълининг **жыл–** шаклига **–дыр** орттирма қўшимчасини (КРС, 280) ва 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(йыл– > жыл–) + дыр = жылдыр–] + а = жылдыра– > жилдирä–.**

ЖИЛМАЙ– 'кулимсира–'. ***Бу гапдан кейин қиз унга қараб ж и л м а й д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'силжи–' маъносини англатувчи **йыл–** феълидан (ЭСТЯ, IV, 41) **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган отга **–(а)й** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашган, **–(а)й** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 281); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йыл– + ым = йылым) + ай = йылымай– > жылымай– > жылмай– > жилмäй–.**

ЖИЛОВ 'юганнинг чарм тизгини'. ***Катта тош йўлда елиб келаётган отлиқ "Тисс" деб отнинг ж и л о в и н и тортди*** (Мумтоз Муҳамедов). Бу от қадимги туркий тилдаги 'силжи–' маъносини англатган **йыл–** феълининг 'ҳаракатга кел–' маъносидан **–(а)в** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 42); кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига (КРС, 281), ўзбек тилида **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыл– + ав = йылав > жылав > жилâв.**

ЖИЛҒА 'кичик оқин сув'. ***Тепадан тушаётган ж и л ғ а л а р бирлашиб, катта сув ҳосил қилади.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'сув' маъносини англатган **йыл** сўзидан (ЭСТЯ, IV, 37) 'кичик' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 279), ўзбек тилида сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыл + ға = йылға > жылға > жилғä.**

ЖИМЖИМА 'бурмаси кўп', 'нақшин'. ***Дарвозанинг жимжималари турли рангга бўялган.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бурма' маъносини англатган **чим** отининг (ДС, 146: **чимсиз** 'без морщин') тақроридан **–ä** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ч** ундошлари **ж** ундошларига алмашган: **(чим–чим) + ä = чимчимä > жимжимä.**

ЖИНГАК 'бужмайган, буришиб–тиришиб қолган'. ***Офтобда қўй териси жингак бўлиб қолибди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'бурма' маъносини англатган **чим** отидан (ДС, 146: **чимсиз** 'без морщин') **–гä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **ч** ундоши **ж** ундошига, **м** ундоши **н** ундошига алмашган: **(чим + гä = чимгä–) + к = чимгäк > жингäк.**

ЖИНГАЛАК 'ҳалқа шаклида буралган'. ***Раъно томорқада .. жингалак юнгли қўзичоғига майса юлиб бераётган эди*** (Ҳаким Назир). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'бурма' маъносини англатган **чим** отидан (ДС, 146: **чимсиз** 'без морщин') **–гä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–л** қўшимчасини қўшиб ясалган ва унга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси қўшилган; кейинчалик **ч** ундоши **ж** ундошига, **м** ундоши **н** ундошига алмашган: **[(чим + гä = чимгä–) + л = чимгäл] + äк = чимгäлäк > жингäлäк.**

ЖИРОВ 'бахши'. ***Бу ерларда бахшини жиров деб аташади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'қўшиқ' маъносини англатган **йыр** отидан (Девон, III, 9; ДС, 268) **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–в** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, IV, 285); кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига, **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йыр + а = йыра–) + в = йырав > жырав > жырâв > жирâв.** Девонда бу сўз **йырағу** шаклида келтирилган; демак, бу сўз **–ғу** сифатдош қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик сўз охиридаги **ғу** товушлари **в** ундошига алмашган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖИҚҚА 'ўта даражада'. ***Унинг .. олача яктаги сувга пишгандай ж и қ қ а ҳўл бўлган*** (Ойбек). Бу сўз 'бутунлай' маъносини англатувчи **жиқ** сўзига (ЭСТЯ, IV, 40) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин **қ** ундоши қатланган: **жиқ + ä > жиққä.**

ЖУН 'баданни қоплаган қалин туклар'. ***Хотин бошидаги ж у н рўмолини олди–да, бир–икки қоқиб, яна ўради*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йӱң** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 373; ДС, 286; ЭСТЯ, IV, 267); эски ўзбек тилида сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига, сўз охиридаги **ң** ундоши **н** ундошига алмашган (КРС, 274), ҳозирги ўзбек тилида **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йӱң > жӱң > жӱн > жун.** Ҳозирги ўзбек тилида **йуң** сўзи ҳам, **жун** сўзи ҳам ишлатилади.

ЖЎН 'оддий', содда', 'енгил'. ***Бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай ж ў н г и н а битди*** (Ҳамза Ҳаким–зода). Юқоридаги маънони ва яна бир қанча маъноларни англатган бу сўз қадимги туркий тилда **йӧн** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 233); эски ўзбек тилида сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашган (КРС, 264); ҳозирги ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йӧн > жон.**

ЖЎНА– 'бирор томонга ҳаракатлан–'. ***Саҳар туриб қишлоққа ж ў н а й м а н*** (Ойбек). Бу феъл қадимги туркий тилдаги **йӧн** сўзининг 'томон', 'йўналиш' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 232) **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 233); кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашган, **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йӧн + ä = йӧнä– > жонä–.**

ЖЎНАКАЙ 'оддий', 'очиқчасига'. ***Олдин пардали сўзлар билан уришаётган эди, кейин ж ў н а к а й сўкишга ўтди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги **йӧн** сўзининг 'тўғри', 'очиқ' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 233) **–äкäй** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 234); кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашган, **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йӧн + äкäй = йӧнäкäй > жонäкäй.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖЎНАШ– 'яхшиланиш томонга ўзгар–', 'юриш–'. ***Тадбиркор бошлиқ келиб, фабрикадаги ишлар ж ў н а ш и б к е т д и.*** Бу сўз ўзбек тилида 'бирор томонга ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **жонӓ–** феълига 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **жонӓ– + ш = жонӓш–.**

ЖЎНЛА– 'тартибга тушир–', 'тўғрила–'. ***Тадбиркор раҳбар оқсаб турган ишларни тез орада ж ў н л а б ю б о р д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги **йӧн** сўзининг 'тўғри', 'маъқул', 'яхши' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 233) **–лӓ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 234); кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **ж** ундошига алмашган, **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йӧн + лӓ = йӧнлӓ– > жонлӓ–.**

З

ЗИНҒИРЧА қ. **зиғирча**

ЗИРАК 'исирғанинг бир тури'. ***Нури кийинишни, безакни севар эди. З и р а к, билагузук, заркокил .. каби буюмлардан қути–қути йиққан*** (Ойбек). Бу от тебранишни ифодаловчи **зыр** тасвир сўзидан (КРС, 294) **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ӓ** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(зыр + а = зыра–) + к = зырак > зирӓк.**

ЗИРИЛЛА– 'титра–'. ***Момақалдироқдан деразалар з и р и л л а д и.*** Бу феъл эски ўзбек тилида тебранишни ифодаловчи **зыр** тасвир сўзидан (КРС, 294) **–ылла** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **а** унлиси **ӓ** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **зыр + ылла = зырылла– > зириллӓ–.**

ЗИРИҚТИР– 'тумтарақай қил–', 'тириқтир–'. ***[Ёрмат] чағир–чуғур қилиб ошиқ ўйновчи маҳалла болаларини з и р и қ т и р и б қувлади*** (Ойбек). Бу сўз эски ўзбек тилида 'тез ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **зыр–** феълининг (КРС, 294: **зыргы–** "стремительно двигаться') 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–тыр** орттирма

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(зыр– + ық = зырық–) + тыр = зырықтыр– > зириқтир–.**

ЗИРҚИРА– 'лўқиллаб оғри–'. .. ***бошим оғриб, танам з и р қ и р а б т у р и б д и*** (Сайид Аҳмад). Бу феъл эски ўзбек тилида тебранишни ифодаловчи **зыр** тасвир сўзининг (КРС, 294) **–(ы)қ** қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан **–ыра** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 294); сўнгра **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(зыр + ық = зырық) + ыра = зырықыра– > зирқирä–.**

ЗИРҚИРОҚ 'қақшатувчи оғриқ'. ***[Элмуроднинг] баданига з и р қ и р о қ югурди, кўз ўнгини туман қоплади*** (Шуҳрат). Бу от ўзбек тилида **зирқирä–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **зирқирä– + қ = зирқирäқ > зирқирâқ.**

ЗИҒИРДАЙ 'жуда кичкина', 'зиғирча'. ***Вой, қуртни нега ўрайсиз .. З и ғ и р д а й нарса диққинафас бўлиб ўлмайдими?*** (Назир Сафаров). Бу сўз эски ўзбек тилида 'поясидан тола, уруғидан ёғ олинадиган бир йиллик ўсимлик' маъносини англатувчи **зығыр** отининг (КРС, 293) 'шу ўсимликнинг дони' маъносидан ўхшатиш маъносини ифодаловчи **–дай** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **зығыр + дай = зығырдай > зиғирдäй.** Асли 'зиғир донидай' маъносини англатган бу сўз маъно тараққиёти натижасида 'жуда кичик' маъносини англата бошлаган.

ЗИҒИРЧА 'жуда кичик', 'зиғирдай'. ***[Жўрапошшанинг] рангида з и ғ и р ч а қон йўқ, оп–оқариб кетибди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз эски ўзбек тилида 'поясидан тола, уруғидан ёғ олинадиган бир йиллик ўсимлик' маъносини англатувчи **зығыр** отининг (КРС, 293) 'шу ўсимликнинг дони' маъносидан ўхшатиш–чама маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **зығыр + ча =**

www.ziyouz.com kutubxonasi

зығырча > зиғирчä. Асли 'зиғир донича' маъносини англатган бу сўз маъно тараққиёти натижасида 'жуда кичик' маъносини англата бошлаган. Сўзлашув нутқида бу сўз **зинғирчä** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

И

ИВИ– I 'ҳўл бўл–', 'нам тортиб юмша–'. ***Ёмғирда кўйлагим роса и в и д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'намлик' маъносини англатган **ығ** отидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 646); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган ва бу унлилар оралиғидаги **ғ** ундоши **в** ундошига алмашган: **–ығ + ы = ығы– > иғи– > иви–.**

ИВИ– II 'суюқ ҳолатдан қуюқ ҳолатга ўт–'. ***Сут совинқираб қолган экан, қатиқ яхши и в и м а б д и.*** □ ***Эски сут экан, пиширсам, и в и б қ о л д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'қуюқ ҳолатдаги нарса' маъносини англатган **уғ** отининг **уб** шаклидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 575); ўзбек тилида бу сўз таркибидаги унлилар оралиғида келган **б** ундоши **в** ундошига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(уғ > уб) + ы = убы– > увы– > уви–.** Асли бу сўзни **уви–** шаклида ёзиш тўғри; нимагадир ҳозирги ўзбек адабий тилида **иви–** шаклида ёзиш тавсия қилинган, натижада бу феъл **иви– I** феъли билан шаклан тенг келиб қолган. Ўзбек тилида бу феъл **в** ундошини **й** ундошига алмаштириб, **уйи–** шаклида ҳам ишлатилади: **уви– > уйи–** (ЎТИЛ, II, 269).

ИВИРСИ– 1. 'майда–чуйда, аҳамиятсиз иш билан банд бўл–'. 2. 'майда–чуйда рўзғор буюмлари бетартиб ҳолда бўл–'. 1. ***И в и р с и м а с д а н тез–тез кийин, кеч қоламиз.*** 2. ***Ҳовли и в и р с и б ё т и б д и.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилда товушга тақлидни ифодалаган **ып** сўзидан **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалиб (ЭСТЯ, I, 645), 'нокерак майда–чуйда нарсалар, ашқол–дашқол' маъносини англатган отдан 'мойил' маъносини ифодаловчи **–сы** қўшимчаси билан ясалган; **ып** сўзига **–(ы)р** қўшимчаси қўшилганидан кейин **ы** унлилари ора—лиғидаги жарангсиз **п** ундоши жарангли **б** ундошига, **б**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундоши **в** ундошига алмашган; кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ып + ыр = ыпыр) + сы = ыпырсы > ыбырсы– > ивирси–.**

ИВИРСИҚ 'йиғиштирилмаган, тартибга келтирилмаган, ортиқча майда-чуйда нарсалардан холи қилинмаган'. ***И в и р с и қ уйга меҳмон келади*** (Мақол). Бу сифат **ивирси–** феълининг (ЎТИЛ, I, 313) иккинчи маъносидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган: **ивирси– + қ = ивирсиқ.**

ИГНА 'тикиш учун хизмат қиладиган боши найзали, охири кўзли металл асбоб'. ***Бувим ҳали ҳам и г н а н и н г кўзидан ҳеч қийналмай ип ўтказаверадилар.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'ёпиштириб зич тикилган' маъносини англатган **йиги** сифатидан (Девон, III, 32) **–нä** қўшимчаси билан ясалган: **йиги + нä.** Кейинроқ ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **йигинä > йигнä** (Қадимги туркий тилда **г** ундоши **н** ундошига алмашган **йинна** шакли ҳам мавжуд бўлган: Девон, I, 381); сўз бошидаги **й** талаффуз қилинмай қўйган: **йигнä > игнä.** Сўзлашув нутқида **йигнä** сўзи таркибидаги **г** ундошини **й** ундошига алмаштириб **йийнä** шаклида, бу сўз бошидаги **й** ундошини **н** ундошига алмаштириб **нийнä** шаклида, бу сўз таркибидаги **й** ундошини ташлаб **нинä** шаклида ишлатиш ҳам мавжуд; **игнä** сўзи таркибидаги **г** ундоши **й** ундошига алмаштирилиб **ийнä** шаклида ҳам ишлатилади.

ИДИШ 'нарса солиб қўйиш буюми'. ***Тухум соладиган и д и ш н и олмабман.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'йиғ–' маъносини англатган **иди–** феълидан (ДС, 203) **–ш** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 379; Девон, I, 92; ДС, 203): **иди– + ш = идиш;** шунга кўра асли 'нарсаларни йиғиштириб солиш буюми' маъносини билдирган.

ИЗ 'бирор нарсадан қолган нишона (ботиқ жой, кир кабилар)'. ***Бу ердан юк машинаси ўтганлиги и з и д а н кўриниб турибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **ы:з** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 649), ўша даврлардаёқ **ы:** унлисининг аввал чўзиқлик (ДС, 221), кейинроқ қаттиқлик белгиси (ДС, 216) йўқолган: **ы:з > ыз > из.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗДОШ 'бирор кишининг ишини давом эттирувчи'. ***Моҳир усталарнинг и з д о ш л а р и кўпайиб бормоқда.*** Бу сўз ўзбек тилида **из** отининг 'хатти-ҳаракат' маъносидан (ЎТИЛ, I, 316: **из 4**) **-дâш** қўшимчаси билан ясалган: **из + дâш = издâш.**

ИЗИЛЛА- 'чўзиқ зз товушига ўхшаш товуш чиқар-'. ***Шамол и з и л л а б эсмоқда.*** Бу феъл шамол чиқарадиган товушни ифодаловчи **изз** тақлид сўзидан **-иллä** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин чўзиқликни ифодаловчи **зз** ҳарфларидан биттаси ташланган: **изз + иллä > изиллä-.**

ИЗЛА- 'ахтар, қидир-'. ***Укамни и з л а б юрибман.*** Бу феъл қадимги туркий тилда 'бирор нарсадан қолган нишона (ботиқ жой, кир кабилар)' маъносини англатувчи **ы:з** отининг (ЭСТЯ, I, 646) **из** шаклидан **-лä** қўшимчаси билан ясалган: **из + лä = излä-** (ДС, 216). Дастлаб 'изидан ахтар-' маъносини англатган, кейинчалик маънода кенгайиш воқе бўлиб, умуман ахтаришни англата бошлаган. Ўзбек тилида бу феъл **истä-** шаклида ҳам ишлатилади (Укамни *и с т а б* юрибман), бунда **-лä** қўшимчасининг **-тä** шакли қўшилиши билан **из** сўзи охиридаги **з** ундоши **с** ундошига алмашган: **из + тä > истä- II.**

ИЗМА 'кийим-кечакда тугма учун кесиб ва йўрмаб ҳосил қилинадиган тешик'. ***Енгимдаги и з м а ситилиб кетибди.*** Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'йўл ҳосил қил-' маъносини англатган **из-** феълидан **-мä** қўшимчаси билан ясалган: **из- + мä = измä.**

ИЗЧИЛ 'узвий боғланишда'. ***Ўғли отасининг ишини и з ч и л давом эттирди.*** Бу сифат **из** отининг 'хатти-ҳаракат', 'фаолият' маъносидан (ЎТИЛ, I, 316: **из 4**) 'ўта, қатъий риоя қилувчи' маъносини ифодалайдиган **-чил** қўшимчаси билан ясалган; дастлаб 'маълум хатти-ҳаракатга қатъий риоя қилувчи' маъносини билдирган: **из + чил = изчил.**

ИЗҒИ- 'турли томонга бориб-келиб юр-'. ***Оч бўрилар тоғ-тошда и з ғ и б ю р и б д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'йўлла-' маъносини англатган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ыз́– феълидан (ДС, 217) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ғы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, асли 'кўп томонга йўнал–' маъносини билдирган; ўзбек тилида **з́** ундоши **з** ундошига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыз́–** + **ғы** = **ызғы–** > **изғи–.**

ИЗҒИР – 'шиддат билан йўнал–' (шамол ҳақида). ***Шамол изғир обмоқда.*** Бу феъл шамол чиқарадиган товушни ифодаловчи **ызз** тақлид сўзидан **–ғыр** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 648); қўшимча қўшилганидан кейин **зз** ҳарфларидан биттаси ташланган; ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ызз** + **ғыр** > **ызғыр–** > **изғир–**. Бу сўз асли шундай товуш чиқариб йўналишни билдирган.

ИЗҒИРИН 'совуқда шиддат билан йўналувчи' (шамол ҳақида). ***Изғирин шамол қулоқларни кесиб кетгудек эди.*** Бу сўз **изғир–** феълидан **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган: **изғир–** + **ин** = **изғирин**. Асли сифат бўлиб, сифатланмишсиз ишлатиш натижасида аввал отлашган, кейин отга кўчган: **изғирин шамол** > **изғирин.** 'Шиддат билан йўналувчи шамол' совуқни кучайтиради, шунга кўра **изғирин** сўзини 'совуқ шамол' деб таърифлаш ҳам мавжуд.

ИЗҒИРИҚ 'совуқда шиддат билан йўналувчи шамол'. ***Изғириқ қулоқларимизни учириб кетай дер эди.*** Бу от **изғир–** феълидан **–(и)қ** қўшимчаси билан ясалган: **изғир–** + **иқ** = **изғириқ.** 'Шиддат билан йўналувчи шамол' совуқни кучайтиргани сабабли **изғириқ** сўзини 'совуқ шамол' деб таърифлаш ҳам мавжуд.

ИЙАК 'пастки жағнинг олдга туртиб чиққан қисми'. ***Сен танлаган қизнинг ияги йўқ-ку?!*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'юз' маъносини англатган **эң** отидан (ДС, 174) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 285; Девон, I, 154); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **э** унлиси **и** унлисига, икки унли оралиғидаги **ң** ундоши **й** ундошига алмашган: **эң** + **äк** = **эңäк** > **иңäк** > **ийäк**. Ўзбек тилида, **ийäк** сўзи билан бир қаторда, **эңäк** сўзи ҳам ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЙИҚ 'иш ҳайвонининг елкасида пайдо бўладиган оқма яра'. ***Тўриқнинг елкасида и й и қ пайдо бўлиб-ди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'кўп марта уриш, эзиш натижасида юмша–' маъносини англатувчи **ий–** феъли–дан (ЭСТЯ, I, 336) **–(и)қ** қўшимчаси билан ясалган: **ий– + иқ = ийиқ**.

ИЙЛА– 'юмшатиш, маромига келтириш учун эзғила–'. ***Ишчилар тери и й л а ш б и л а н машғул эди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'кўп марта уриш, эзиш натижасида юмша–' маъносини англатган **ий–** феълидан (ЭСТЯ, I, 336) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **ий– + лä = ийлä–.**

ИЙМАН– 'андиша қилиб тортин–'. ***Йўлчи .. патнисга кетма–кет қўл узатаверишга и й м а н а р эди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа маъноларни ҳам англатган бу феъл асли **айман–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 249; ДС, 30), ўша даврлардаёқ сўз бошланишидаги **а** унлиси **е** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига (ЭСТЯ, I, 249; ДС, 167), ўзбек тилида эса **е** унлиси **и** унлисига алмашган. Бу сўз асли маъноси аниқланмаган **ай** сўзидан **–ма** қўшимчаси билан ясалган феълга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (қиёсланг: ЭСТЯ, I, 250): **(ай + ма = айма–) + н = айман– > еймäн– >иймäн–.**

ИЙНА қ. **игна**

ИККИ 'бир билан уч оралиғидаги бутун саноқ сон'. ***Укам и к к и кундан кейин келди.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'кет', 'ён' маъносини англатган **ик** отидан **–и** қўшимчаси билан ясалган: **ик + и = ики** (ЭСТЯ, I, 339). Қадимги туркий тилдаёқ бу сўз **ики** (Девон, I, 151; ДС, 206) ва **икки** шаклларида (Девон, I, 237; ДС. 207) мавжуд бўлган; **икки** шакли **к** ундошининг қатланиши билан юзага келган. Дастлаб 'кетидаги' маъносини англатувчи сифат бўлган **(и к к и сон)**, кейинчалик ўзи миқдор маъносини англатиб, саноқ сонга айланган: 'бир сонидан кейин келувчи (миқдор)' → 'бир сонидан кейин келувчи миқдор' → 'бирга бирни қўшиш билан ҳосил бўладиган миқдор'.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИЛАН– 'қатъий бир қарорга кела олма–'. ***Бугунги мажлисга бориш-бормаслигини билмай и к к и л а н д и.*** Бу феъл **икки** саноқ сонидан **–лăн** қўшимчаси билан ясалган: **икки + лăн = иккилăн–**; асли 'иккига ажрал–' маъносини билдирган, юқорида таъкидланган мавҳум маъно шу маъно асосида ўсиб чиққан.

ИККОВ 'икки киши ёки нарса биргаликда'. ***И к к о в и н г и з бошқа болалардан тез югурар экансиз.*** Бу сўз ўзбек тилида **икки** саноқ сонидан жамловчи сон ясовчи **–âв** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, **икки** сўзи охиридаги **и** унлиси билан қўшимча бошидаги **â** унлиси сўз ичида ёнма–ён келиб қолгани сабабли **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган: **икки + âв > иккâв** (худди шундай ҳодиса **âлтâв, йеттâв** сўзларида ҳам воқе бўлган).

ИККОВЛОН 'икки киши биргаликда', 'икковлашиб' (оз ишлатилади). ***Улар и к к о в л о н бошқалардан алоҳида юриб пахта терар эди.*** Бу сўз ўзбек тилида **иккâв** жамловчи сонидан **–лăн** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **иккâв** қисми таркибидаги **â** унлиси билан **в** ундошининг таъсирида **–лăн** қўшимчаси таркибидаги **ă** унлиси **â** унлисига алмашган: **иккâв + лăн = иккâвлăн > иккâвлâн**.

ИККОВОРА 'икки киши баҳам кўришига мўлжалланган'. ***Меҳмонларга патнислар и к к о в о р а қилиб киритилди.*** Бу сўз **иккâв** жамловчи сонига **âрă** сўзини қўшиб тузилган: **иккâв + âрă = иккâвâră**.

ИЛ– 'учли нарсага биркит–'. ***Тўнини қозиққа и л д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз таркибидаги унли чўзиқ талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 344), ўша даврлардаёқ бу унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 379; Девон, I, 180; ДС, 207): **и:л– > ил–**.

ИЛА 'билан'(китобий). ***...жонсиз бир товуш и л а: "Уятсиз!"– деб қичқирди*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда кенг ишлатилиб, ҳозирги ўзбек тилида деярли қўлланмайдиган **бирлă** ёрдамчисининг (ПДП, 372; Девон, I, 405; ДС, 102: **бирлă**) товуш ўзгариши оқибатида юзага келган: аввал **л** ундоши таъсирида **р** ундоши **л** ундошига алмашган, кейин иккита **л**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундошидан бири (ДС, 98: **билä**), шунингдек сўз боши—даги **б** ундоши ҳам (ДС, 207: **илä**), талаффуз қилинмай қўйган: **бирлä > биллä > билä > илä**. Бу сўзни **ил–** феълининг **–ä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган ра—вишдош шакли деб талқин этиш ҳам мавжуд (ЭСТЯ, I, 346): **ил– + ä = илä.**

ИЛАШ– 'зич бўлмаган ҳолда биркитил–'. ***Тўнининг этагига сомон и л а ш и б д и.*** Бу сўз **ил–** феълидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ä)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 345): **ил– + äш = илäш–** ('ёрдамлашиш', 'кўп' маъносини ифодаловчи қўшимчалар **ил–** феълига **–(и)ш** шаклида қўшилади ва шу билан **илäш–** сўзидан фарқ қилади: ***Сомон и л а ш д и – Улар тўнларини қозиққа и л и ш д и*** каби).

ИЛВИРА– 'титилиб ири–', 'илвир ҳолатга кел–'. ***Яраси битиш ўрнига и л в и р а б к е т д и.*** Бу феъл эски ўзбек тилида **ылвыр** тасвир сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 929); кейинчалик **а** унлиси **ä** унли—сига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йў–қолган: **ылвыр + а = ылвыра– > илвирä–.**

ИЛГАК 'бирор нарсани осиб қўйиш учун хизмат қиладиган мослама'. ***Қалпоғингни и л г а к к а илиб қўйдим.*** Бу от эски ўзбек тилида **ил–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–гä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 345; КРС, 298): **(ил– + гä = илгä–) + к = илгäк.**

ИЛГАРИ 'аввалги вақтда', 'бурун'. ***И л г а р и қишда қор жуда кўп ёғар эди.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'олд' маъносини англатган **ил** отига жўналиш келишигининг қадимги **–гäрў** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 347; ПДП, 380; ДС, 208); кейинчалик бу келишик шакли истеъмолдан чиққан ва бу сўз яхлитлигича равишга айланган; сўз охиридаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган (КРС, 298): : **ил + гäрў = илгäрў > илгäри.**

ИЛДАМ 'олд томонга тез–тез ҳаракат қиладиган'. ***У уйидан и л д а м қадамлар ташлаб чиқиб кетди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'олд' маъносини англатган **ил** отига **–дä (< –лä)** қўшимчасини қўшиб ясал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган феълдан **–м** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак: **(ил + дä = илдä–) + м = илдäм;** шунга кўра асли 'олдинловчи' маъносини билдирган.

ИЛДИЗ 'ўсимликнинг озуқа ва сув сўриб олувчи ерости қисми'. ***Тутнинг майда илдизи кўп бўлади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'қимирлаш', 'жилиш' маъносини англатган **йыл || йил** отидан **–дыз (–тыз)** қўшимчаси билан ясалиб (ЭСТЯ, I, 350; ПДП, 388: **йилтиз;** Девон, III, 47: **йылдыз;** ДС, 266: **йыздыз**), асли 'озуқа ва сувни жилдирувчи қисм' маъносини билдирган; ўзбек тилида **йыздыз** шакли ишлатилиб, кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыл– + дыз = йылдыз > ылдыз > илдиз.**

ИЛЖАЙ– 'бироз ёқимсиз кулимсира–'. ***"Йўл бўлсин?" – деб сўрасам, менга қараб илжайди.*** **Иржай–** феъли билан қиёслашдан кўринадики, бу феъл **ил** тасвир сўзидан **–жäй** қўшимчаси билан ясалган: **ил + жäй = илжäй–.**

ИЛИ– 'бироз иси–'. ***Чойнакдаги сув илиди.*** Бу феъл қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бўлиб, **йылы–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 100); ўша даврлардаёқ бу сўз бошланишидаги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 95: **ылығ**), ҳозирги ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йылы– > ылы– > или–.**

ИЛИГУЗИЛДИ 'аввалги ҳосил емиши тугаб, янги ҳосил емиши пишмаган'. ***Рамазон ойи илигузилди пайтга тўғри келиб қолди.*** Бу сифат ўзбек тилида **Илик узилди** гапининг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган; яхлит талаффуз қилиш натижасида **и** ва **у** унлилари оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган: **Илик узилди > илигузилди.**

ИЛИК 'суяк ичидаги ёғсимон модда'. ***Илик қа пиширилган паловнинг мазаси тамоман бошқача бўлади.*** Бу от асли қадимги туркий тилда 'қимирла–', 'жил–' маъносини англатган **йил–** феълидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак (Девон, I, 102); кейинроқ сўз бошланишидаги **й** ундоши талаффуз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинмай қўйган (Девон, I, 102): **йил– + ик > илик (илон** сўзига қиёсланг).

ИЛИН– 'ўзи истеъмол қилмай, кимгадир атаб сақла–'. ***Она косадаги овқатнинг ярмини боласига и л и н д и.*** Бу сўз **ил–** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 345; ДС, 208): **ил– + ин = илин–**; аввал 'жисмонан боғланиш'ни билдириб, кейинчалик 'маънан боғланиш'ни англата бошлаган.

ИЛИНЖ 'рўёбга чиқар деб кутилган нарса'. ***Бу ишдан менинг ҳеч қандай илинжим йўқ.*** Бу от қадимги туркий тилда **илин–** феълидан **–ч** қўшимчаси билан ясалган, **н** ундоши таъсирида **ч** ундоши **ж** ундошига алмашган (ДС, 208: **илинжсиз**): **илин– + ч = илинч > илинж.**

ИЛИҚ 'бироз иссиқ'. ***Кеч куз бўлса ҳам, ҳали ҳаво и л и қ.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'бироз иси–' маъносини англатган **йылы–** феълидан (Девон, III, 100) **–ғ** қўшимчаси билан ясалган; қадимги туркий тилдаёқ сўз бошланишидаги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 95); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йылы– + ғ = йылығ > ылығ > илиғ.** Ҳозирги сўзлашув нутқида бу сўз охирида **ғ** ундоши талаффуз қилинади, лекин адабий тилда **қ** ундоши билан ёзиш кўрсатилган: **илиғ > илиқ.**

ИЛИҚ– 'шаҳвоний ҳирсга берил–'. ***Шу кунларда бир жононга и л и қ и б юрган эмишсан.*** Бу сўз **ил–** феълининг **ыл–** шаклидан ('боғлан–' маъносидан) **–(ы)қ** 'ўзлик' нисбати қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 218); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыл– + ық = ылық– > илиқ–**. Бу сўз асли қадимги туркий тилда умуман 'бузил–', 'расво бўл–' маъносини билдирган (ДС, 218), кейинчалик маънода тўрайиш воқе бўлиб, 'шаҳвоний бузил–' маъносини англата бошлаган.

ИЛИҒ қ. **илиқ**

ИЛК 'олдинги', 'дастлабги', 'бошланғич'. ***Қуёшнинг и л к нурлари ҳовлининг шу тарафига тушади.*** Қадимги туркий тилдаги 'олд' маъносини англатган **ил**

www.ziyouz.com kutubxonasi

отидан **–и** қўшимчаси билан 'олдга томон ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **или–** феъли ясалган ва унга **–к** қўшимчасини қўшиб **илик** сўзи ясалган (ЭСТЯ, I, 350; ПДП, 380: **илик**; ДС, 208: **илик III**); кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 78): **(ил + и = или–) + к = илик > илк.**

ИЛМОҚ 'илиб кўтариш учун хизмат қиладиган асбоб', 'илгак'. ***Сен ташлаган и л м о қ қ а балиқ яқин йўламайди.*** Бу от ўзбек тилида **ил–** феълидан **–моқ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 345): **ил– + моқ = илмоқ.** Бу сўз таркибидаги **–моқ** қўшимчаси от ясовчи бўлиб, уни ҳаракат номи ясовчи **–моқ** қўшимчасидан фарқлаш керак: **илмоқ – 'илгак', ил + моқ – ил–** феълининг ҳаракат номи шакли.

ИЛОН 'узун думалоқ танали, териси ёрдамида судралиб ҳаракатланадиган, кўзларида қовоғи йўқ жонивор'. ***И л о н офтобда кулча бўлиб ётарди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'қимирла–', 'жил–' маъносини англатган **йыл–** феълидан **–(а)н** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 36; ДС, 266); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыл– + ан = йылан > ылан > илâн.**

ИЛҒОР 'олдинда борувчи', 'пешқадам'. ***И л ғ о р ишчиларга ҳар ойда мукофот бериб турилди.*** Асли қадимги туркий тилда 'олд' маъносини англатган **ил** отининг **ыл** шаклидан **–ға** қўшимчаси билан ясалган **ылға–** ('олдинга бор–') феъли мавжуд бўлиб, **–р** қўшимчасини қўшиб бу феълнинг сифатдош шакли ҳосил қилинган ('олдинда борувчи'); бу сифатдош маъно тараққиёти натижасида сифатга айланган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ыл + ға = ылға–) + р > ылғар > илғâр.**

ИМ 'ниманидир ифодалаш, кўрсатиш мақсадида бош, кўз, қош билан қилинган билинар–билинмас ҳаракат'. ***Бир–бирингга гап қотасан и м б и л а н*** ("Равшан"). Қадимги туркий тилда ҳам 'белги', 'ишора' маъносини англатган бу от **им** шаклида ишлатилган бў–

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ (ЭСТЯ, I, 633), **имла–** феъли шу сўздан ясалган (Девон, I, 284); ҳозирги ўзбек тилида **им қил–** феъли таркибида қатнашади.

ИМИЛЛА– 'ўта секин ҳаракатлан–'. ***И м и л л а – м а й тез–тез йиғиштирил, кеч қоламиз.*** Бу феъл асли **имир** тасвир сўзидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган, **л** ундошининг таъсири билан **р** ундоши **л** ундошига алмашган: **имир + лä = имирлä– > имиллä–.** Аслида **имирсилä–** сўзи билан бир хилликни сақлаб, бу сўзни **имирлä–** тарзида ёзиш тўғри.

ИМИРСИЛА– 'атайлаб ўта секин ҳаракатлан–'. ***И м и р с и л а м а й тез–тез йиғиштирилсанг–чи!*** Бу сўз асли **имир** тасвир сўзига 'исташ' маъносини ифодаловчи **–си** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **(имир + си = имирси–) + лä = имирсилä–.**

ИМЛА– қ. **им**

ИН 'қуш, ҳашарот, ҳайвонларнинг яшаш учун қурган жойи'. ***Арининг и н и н и бузиб ташладик.*** Қадимги туркий тилда 'йиртқич ҳайвон уяси' маъносини англатган бу от асли **йин** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (Девон, III, 11), ўша даврлардаёқ сўз бошланиши–даги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 84; ДС, 209): **йин > ин.**

ИН– 1. 'юқоридан пастга ҳаракатлан–'; 2. 'юқоридан пастга ҳаракатланиб бирор сатҳни эгалла–'. ***1. Қўйлар қирдан и н д и. 2. Баргларга и н г а н шабнам қуёш нурлари тушиши билан ялтираб кўринди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **и:н–** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (ЭСТЯ, I, 353), ўша даврлардаёқ **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 380; Девон, I, 181): **и:н– > ин–.**

ИНДАМА– 'товуш чиқарма–'. ***Яхши гапирса ҳам, уришса ҳам, и н д а м а д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда 'овоз' маъносини англатувчи **ӱ:н** отининг **ӱн** шаклидан (ПДП, 440; Девон, I, 74; ДС, 625) **–дä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 626; Девон, I, 271; ДС, 625), ўзбек тилида **ӱ** унлиси **и** унлисига алмашган (бу феъл

www.ziyouz.com kutubxonasi

одатда бўлишсиз шаклда ишлатилади): **(ўн + дä = ўндä– > индä–) + мä = индämä–.**

ИНДАМАС 'камгап', 'жуда оз гапирадиган'. ***Сен жуда индамас бола экансан.*** Бу сўз асли **индä–мä–** феълининг **–с** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида сифатга кўчган: **индämä– + с = индämäс.**

ИНЖИ– қ. **инжиқ**

ИНЖИҚ 'арзимаган баҳона билан тихирлик қилувчи'. ***Инжиқ одамга гап бовар қилиш қийин.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'хафалик' маъносини англатган **ынч** отидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган **ынчы–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 657); ўзбек тилида **ч** ундоши **ж** ундошига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ынч + ы = ынчы–) + қ = ынчық > ынжық > инжиқ.** Бу сўз асли 'хафа бўладиган' маъносини билдирган бўлиб (ДС, 219), 'тихирлик қиладиган' маъноси кейин ўсиб чиққан.

ИНОН– 'ишон–' (оз ишлатилади). ***Гапларингга инонгим.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ишонтир–' маъносини англатган **ына–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шакли бўлиб (ПДП, 443,; Девон, I, 213; ДС, 218), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ына– + н = ынан– > инâн–.**

ИНОҚ 'тотув', 'аҳил'. ***Ака–ука жуда иноқ эди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ишонтир–' маъносини англатган **ына–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 655); ўзбек тилида **қ** ундоши таъсири билан **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ына– + қ = ынақ > инâқ.** Бу сўз асли 'бир–бирига ишонувчи' маъносини билдирган бўлиб, 'тотув' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан. Бу сўз қадимги туркий тилда 'дўст', 'ўртоқ' маъносини ҳам англатган (ПДП, 443).

ИНТИЛ– 'етишишга, эришишга жадал ҳаракат қил–'. ***Қўйлар кўчага чиқиши билан сувга томон интилди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'олға ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **ынты–** феълига

www.ziyouz.com kutubxonasi

'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 654); ўзбек тилида **ы** унлилари нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ынты–** + **л** = **ынтыл–** > **интил–.**

ИНТИҚ 'орзиқиб кутувчи', 'муштоқ'. ***Йўлингга интиқ Барчиной*** ("Алпомиш"). Бу сўз қадимги турк кий тилдаги кўп маъноли **ынты–** феълининг 'сабрсиз бўлиб кут–' маъносидан (ЭСТЯ, I, 654) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ынты–** + **қ** = **ынтық** > **интиқ.**

ИНТИҚ– 'етишишга, эришишга интилиш ҳолатида бўл–'. ***Мусофирлик жонимга тегди, уйимга кетишга интиқиб турибман.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги кўп маъноли **ынты–** феълининг 'олға ҳаракат лан–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 654); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ынты–** + **қ** = **ынтық–** > **интиқ–.**

ИНҚИЛЛА– 'оғриқ, алам зўридан инграганга ўх шаш паст товуш чиқар–'. ***Бемор кечаси билан инқиллаб чиқди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги **ың** тасвир сўзига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини ва тасвир сўзининг кенгайган шаклини ҳосил қилувчи **–(ы)л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган **ыңқыл** сўзидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 658); кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(ың** + **қ** = **ыңқ)** + **ыл** = **ыңқыл]** + **ла** = **ыңқылла–** > **ынқылла–** > **инқиллä–.**

ИҢИЧКА 'кўндаланг кесими жуда кичик'. ***Тохнинг ингичка новдаларини кесиб ташлади.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'кўндаланг кесим' маъносини англатган **иң** отининг (ЭСТЯ, I, 352) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(и)ч** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–кä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 364): **(иң** + **ич** = **иңич)** + **кä** = **иңичкä.** Қадимги туркий тилда шундай маънони **йинчкä** сўзи англатган (ПДП, 388; Девон, III, 390; ДС, 261); бу сўз **иң** отининг **йин** шаклидан (ЭСТЯ, I, 365) **–(и)ч, –кä** қўшимчалари билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган, кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(йин + ич = йинич) + кä = йиничкä > йинчкä.**

ИҢРА– 'оғриқ–алам таъсирида мунгли товуш чиқар–'. ***Бемор туни билан и н г р а б ч и қ д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги **ыҥ** тасвир сўзининг **ыҥыр** кенгайган шаклидан (ЭСТЯ, I, 658), **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ыҥ + ыр = ыҥыр) + а = ыҥыра– > ыҥра– > иҥрä–.**

ИҢРОҚ 1. 'инграган', 'хазин'; 2. 'инграган товуш'. ***1. И н г р о қ куй юракларни эзиб юборди. 2. Ўша касалнинг и н г р о ғ и ҳеч қулоғимдан кетмайди.*** Бу сўз ўзбек тилида **иҥрä–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, асосан белги маъносини англатади, шунингдек от бўлиб ҳам келади; ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **иҥрä– + қ = иҥрäқ > иҥрâқ.**

ИП 'толаларни эшиб тайёрланган ингичка тикиш буюми'. ***Оқ и п тамом бўлиб қолибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йип** тарзида айтилган бўлиб (Девон, II, 288), эски ўзбек тилида сўз бошланишидаги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (ТРС, 279): **йип > ип.**

ИПАК 'пилладан олинадиган ингичка пишиқ майин тола'. ***Хонатлас тоза и п а к д а н тўқилади.*** Бу сўз **ип** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, шунга кўра асли 'ўта ингичка тола' маъносини билдирган, 'пилла толаси' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан: **ип + äк = ипäк.**

ИПОР 'мушк', 'иси ўткир атир' (оз ишлатилади). ***Келин кириб келиши билан хона и п о р г а тўлди.*** Қадимги туркий тилда 'кийик моягидан олиб тайёрланадиган хушбўй модда' маъносини англатган бу от асли **йипар** тарзида айтилган (Девон, III, 34, ДС, 287); ўзбек тилида бу сўз бошланишидаги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йипар > ипâр.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИРГАН– 'ҳазар қил–'. ***Ифлос пиёладан сув ичишга и р г а н д и м.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'терсга бур–' маъносини англатган **ырға–** феълидан (Девон, I, 280) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 661; Девон, I, 254); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган, шу муносабат билан **ғ** ундоши **г** ундошига, сўнгра **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ырға–** + **н** = **ырган–** > **ирган–.** Бу сўзнинг 'ҳазар қил–' маъноси 'терсга бурил–' маъносидан ўсиб чиққан.

ИРЖАЙ– 'тишларини кўрсатиб хунук кулимсира–'. ***Фосиқ афанди .. қора дулдул устида .. и р ж а й и б ўтирар эди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу феъл эски ўзбек тилида **ыр** тасвир сўзидан **–жай** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 663; КРС, 937); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыр** + **жай** = **ыржай–** > **иржай–.**

ИРИ– 'бузилиб, табиий сифатини йўқот–'. ***Анчаги–на олма олиб қўйган эдим, баъзилари и р и й б о ш–л а б д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'бузилиб, табиий сифатини йўқотган нарса' маъносини англатган **йир** отидан **–и** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 374); кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 303): **йир** + **и** = **йири–** > **ири–.**

ИРИМ 'салбий натижанинг олдини олиш мақсадида қилинадиган хатти–ҳаракат'. ***Олибсотарлар и р и м у ч у н гадойга садақа бериб ўтади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'рўёбга чиқишининг олдини ол–' маъносини англатган **ыр–** феълидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 666); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыр–** + **ым** = **ырым** > **ирим.**

ИРИН 'лаб' (эскирган). ***Ярим очиқ и р и н л а р и ичидаги оқ тишлари..*** (Абдулла Қодирий). Бу от қадимги туркий тилда **ерин** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (Девон, I, 106, ДС, 178, КРС, 961), ўзбек тилида **е** унлиси **и** унлисига алмашган: **ерин** > **ирин.** Бу от қадимги туркий тилдаги 'теш–' маъносини англатган **ер–** феълидан (Девон, I, 183) **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, I, 293).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИРКИТ 'ирганадиган даражада ифлос'. ***Невараингиз жуда и р к и т бола бўлибди-да.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'терсга бур–' маъносини англатган **ырқы–** феълидан (ЭСТЯ, I, 661) **–т** қўшимчаси билан ясалган: ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган, **қ** ундоши **к** ундошига алмашган: **ырқы– + т = ырқыт > иркит.**

ИРМОҚ 'дарёга қуйилувчи кичик сув йўли'. ***Сирдарёнинг и р м о қ л а р и кўп.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги сувнинг оқишини билдирган **ыр–** феълидан (ЭСТЯ, I, 665) **–ма** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ыр– + ма– = ырма) + қ = ырмақ > ирмақ > ирмâқ.**

ИРОҚ қ. **йироқ**

ИРҚИТ қ. **иркит**

ИРҒА– 'бир неча марта қимирлат–'. ***Укам бош и р ғ а б кўча томонни кўрсатди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'қимирла–' маъносини англатган **ыр–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 661; Девон, I, 280); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыр– + ға = ырға– > ирғä–.**

ИРҒИ– 'ўзини куч билан ҳавога кўтариб, бир ердан бошқа бир ерга ўтказ–'. ***Ариқ кенг экан, зўрға и р ғ и б ўтдим.*** Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'куч билан кўтарилиб олға ташлан–' маъносини англатган **ыр–** феълидан 'бир карра' маъносини ифодалайдиган **–ғы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлса керак (ЭСТЯ, I, 662); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыр– + ғы = ырғы– > ирғи–.**

ИС I 'тутун', 'дуд'. ***Хазон ёққан эдим, ҳовли и с г а тўлди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **ыш** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 73; ДС, 220); ўша даврлардаёқ **ш** ундоши **с** ундошига алмашган (ЭСТЯ, I, 380), ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыш > ыс > ис.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИС II 'тутун ёки чанг сабабли ҳосил бўладиган ипир–ипир ёпишқоқ нарса'. ***Ёзги ошхонанинг шипидан и с л а р осилиб турибди.*** Бу от **ис I** отидан маъно тараққиёти натижасида ажралиб чиққан: 'тутун' → 'одатда тутун билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган нарса'.

ИС III 'ёқимли ҳид', 'бўй'. ***Уйни ҳандалак и с и тутди.*** Бу от асли қадимги туркий тилда **йи:с** шаклига эга бўлиб (ЭСТЯ, I, 381), эски ўзбек тилида **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 304; ТРС, 281), ҳозирги ўзбек адабий тилида **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолиб бормоқда: **йи:с > и:с > ис.**

ИСИ– 'ҳарорати кўтарил–'. ***Эшикни бир пас очиб қўйинг, хона ж у д а и с и б к е т и б д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'иссиқлик' маъно— сини англатган **ыс** отидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 670; Девон, III, 270; ДС, 213); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыс + ы = ысы– > иси–.**

ИСИРИҚ 'кўп йиллик доривор ўт'. ***Қир ён— бағирларида и с и р и қ кўп ўсади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ҳид тарат–' маъносини англатган **ис–** феълининг (ЭСТЯ, I, 381) **–(и)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(и)қ** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак: **(ис– + ир = исир–) + иқ = исириқ.**

ИСКА– 'ҳид билиш учун ҳавони бурунга торт–', 'ҳидла–'. ***И с к а с а м, ялпиз ҳиди келди.*** Бу феъл эски ўзбек тилида 'ҳид' маъносини англатувчи **ис** отидан **–кä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 382; КРС, 304): **ис + кä = искä–.**

ИСКАБТОПАР 'чивинга ўхшаш чақадиган ҳаша— рот'. ***Қоронғи тушиши билан и с к а б т о п а р л а р тинчлик бермайди.*** Бу от ўзбек тилида **Искäб тâпäди** гапи таркибидаги **–ди** тусловчисини ташлаб, **–ä** замон ясовчисини **–(ä)р** сифатдош ясовчисига алмаштириб, сўнгра бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган: **Искäб тâпäди > искäб тâпäр > искäбтâпäр.**

ИСКОВУЧ 'искаб топадиган'. ***Гиёҳванд модда— ларни и с к о в у ч ит ёрдамида осонгина топиб***

www.ziyouz.com kutubxonasi

оламиз. Бу сўз асли **искä–** феълининг **–гўчи** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида сифатга айланган; бу сўз таркиб топишида қуйидагича товуш ўзгаришлари юз берган: аввал **–гўчи** қўшимчаси бошланишидаги **г** ундоши **в** ундошига алмашган, қўшимча охиридаги **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, кейин **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **искä–** + **гўчи** = **искäгўчи** > **искäвўч** > **искâвуч.**

ИСЛА– 'дуд билан узоқ ишлов бер–'. ***Бу йил қазини яхшилаб и с л а д и к.*** Бу феъл эски ўзбек тилида 'дуд' маъносини англатувчи **ыс** отидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 380); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыс** + **ла** = **ысла–** > **ислä–**. Бу сўз асли 'дудда сақла–' маъносини билдирган, 'дуд билан узоқ ишлов бер–' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан.

ИСЛАН– 'бузилиб, ёмон ҳид ҳосил қил–', 'саси–'. ***Гўшт и с л а н и б қ о л и б д и.*** Бу сўз 'ҳид' маъносини англатувчи **ис** отидан ясалган **ислä–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига тенг бўлиб (ЭСТЯ, I, 380), асли 'ҳидга эга бўл–' маъносини билдирган, маъно тараққиёти натижасида 'саси–' маъносини англатиб, янги сўзга айланган: **(ис** + **лä** = **ислä–)** + **н** = **ислäн–.**

ИСЛИҚ 'ўтовнинг тепа туйнугини бекитиб турадиган қисми' (оз ишлатилади). ***Ўтовнинг и с л и г и жойидан силжиб қолибди.*** Бу от эски ўзбек тилида 'дуд' маъносини англатувчи **ис** отининг **ыс** шаклидан (ЭСТЯ, I, 380) **–лық** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыс** + **лық** = **ыслық** > **ислиқ.**

ИСЛИҚИ 'ифлосланган'. ***Увада, и с л и қ и тўн, чилвир белбоғнинг хумориси тутгандир*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сифат ўзбек тилида **ислиқ** отининг 'ифлосланган нарса' маъносидан **–и** қўшимчаси билан ясалган: **ислиқ** + **и** = **ислиқи.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСМАЛОҚ 'барги овқатга солинадиган исли кўкат'. *И с м а л о қ сомсадан тўйиб едим.* Бу от қадимги туркий тилдаги 'ҳид тарат–' маъносини англатган **ис–** феълининг (ЭСТЯ, I, 382) эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–мä** , 'такрор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчалари билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, 'ис таратиб турувчи кўкат' маъносини билдирган; **–қ** қўшимчаси қўшилиши билан ундан олдинги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(ис– + мä = исмä–) + лä = исмälä–] + қ = исмälâқ > исмälâқ**.

ИССИҚ I 'ҳарорати маълум меъёрдан юқори'. *Қўлларинг мунча и с с и қ ?* Бу сифат қадимги туркий тилда 'ҳарорати кўтарил–' маъносини англатувчи **ысы–** феълидан (ЭСТЯ, I, 670) **–ғ** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 220), кейинчалик ўзбек тилида бу сўз таркибидаги **с** ундоши қатланган, сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ысы– + ғ = ысығ > ыссығ > иссиқ.**

ИССИҚ II 'ҳарорат'. *Касалнинг и с с и ғ и баланд эди.* Бу от **иссиқ** сифатидан маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан: 'белги' → 'шундай белгига эга нарса'.

ИСТА– I 'хоҳла–'. *Шу кунларда кўнглим тинчликни и с т а б қ о л д и.* Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'хоҳиш' маъносини англатган **ис** отидан **–тä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 384; Девон, I, 270; ДС, 380): **ис + тä = истä–.**

ИСТА– II қ. **изла–**

ИСТАК 'хоҳиш'. *Менинг и с т а г и м г а қарши чиқманг.* Бу от қадимги туркий тилда 'хоҳла–' маъносини англатувчи **истä–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 141): **истä– + к = истäк.**

ИСҚИРТ 'жуда ифлос'. *Кўйлаги йиртиқ, оппоқ билаклари и с қ и р т эди* (Ҳамид Ғулом). Бу сифат **ыс** отининг 'ифлос нарса' маъносидан эски ўзбек тилида **–қыр** қўшимчаси билан ясалган феълга **–т** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **ы** унлилари–

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ыс + қыр = ысқыр–) + т = ысқырт > исқирт.**

ИТ 'қўриқлаш учун, ов қилиш учун сақланадиган уй ҳайвони'. ***И т ҳуради, карвон ўтади*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда **ийт** шаклида айтилган (Баъзи ўзбек шеваларида ҳозир ҳам шундай айтилади), ўша даврдаёқ **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, шунинг ҳисобига **и** унлиси чўзиқ айтилган, кейинроқ бу чўзиқлик ҳам йўқолган (Девон, I, 71; ДС, 215, 221): **ийт > и:т > ит. Ийт** оти асли 'нарига сурувчи', 'нарига қочирувчи' маъносини билдирган бўлиб, қадимги туркий тилда 'нарига сурил–' маъносини англатган **ийт–** феъли ҳам мавжуд бўлган (ЭСТЯ, I, 386).

ИТАР– 'нари суриш учун куч билан ҳаракат қил–'. ***Машинани и т а р и б, кўчанинг чекасига ўтказиб қўйдик.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'нарига сурил–' маъносини англатган **ийт–** феълининг **ит–** шаклидан **–(ä)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 387; ДС, 215): **(ийт– > ит–) + ăр = итăр–.**

ИТЙАЛОҚ қ. **йалоқ**

ИТОЛҒИ 'лочинсимон йиртқич қуш'. ***И т о л ғ и чангалидан тирик қутулиб бўлмайди.*** Бу сўз **ит[ни] âл–** бирикмасига **–ғи** қўшимчасини қўшиб ясалган сифат бўлиб, асли 'итни ҳам чангалига оладиган' маъносини билдирган, кейин отга кўчган: **(ит[ни] âл–) + ғи = итâлғи.**

ИТОҒИЗ 'гули итнинг оғзига ўхшаш бир йиллик ўсимлик'. ***Ҳовлида и т о ғ и з л а р гуллаб ётибди.*** Бу от **ит âғзи** бирикмаси таркибидаги **–и** эгалик қўшимчасини ташлаб, **âғиз** сўзи таркибидаги **и** унлисини тиклаб, бир сўзга бирлаштириш билан юзага келган: **ит âғзи > итâғиз.**

ИТПАШША 'кўпинча итда бўладиган қонхўр ҳашарот'. ***И т п а ш ш а Тарлоннинг бўйнига ёпишиб, қонини сўриб ётган экан.*** Бу от **ит пäшшäси** бирикмаси таркибидаги **–си** эгалик қўшимчасини ташлаб, бир сўзга бирлаштириш билан юзага келган: **ит пäшшäси > итпäшшä.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИТҚИТ– ’улоқтир–’. ***Қўлидаги болтани кучи борича ўзидан нарига и т қ и т д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги ’нарига сурил–’ маъносини англатган **ийт–** феълининг **ит–** шаклидан (ЭСТЯ, I, 386) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қи** қўшимчаси ва **–т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **[(ийт– > ит–) + қи = итқи–] + т = итқит–.**

ИХЧАМ ’тузилиши, бичими йиғноқ ва қулай’. ***Шу кунларда и х ч а м чамадон кўтариб юриш одат бўлибди.*** Бу сифат эски ўзбек тилида ’тўпла–’ маъносини англатувчи **йығ–** феълидан **–(ы)ч** қўшимчаси билан ясалган отта **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–м** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ғ** ундоши **х** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(йығ– + ыч = йығыч) + а = йығыча–] + м = йығычам > ығычам > иғчам > ихчäм.**

ИЧАК ’овқат ҳазм қилишга хизмат қиладиган найсимон эластик аъзо’. ***Ҳозирги замонда қўйнинг и ч а г и ҳам фалон пул.*** Бу сўз **ич** отининг ’қорин’, ’қориндаги аъзолар’ маъносидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 393): **ич + äк = ичäк.**

ИЧБУРУҒ ’йўғон ичакнинг яллиғланиши касаллиги’. ***Ҳўл меваларни тоза ювиб емагани учун и ч б у р у ғ бўлиб қолибди.*** Бу от **Ичи буруқ** гапининг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган; сўзлашув нутқида бу сўз охиридаги **қ** ундоши **ғ** айтилади, шунга кўра **ғ** ёзиш қабул қилинган: **Ичи буруқ > Ичи буруғ;** бу гап бир сўзга бирлашуви билан **ичи** сўзининг иккинчи бўғинидаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **Ичи буруғ > ичбуруғ.** Бу сўзнинг юзага келишини бошқача талқин этиш ҳам мавжуд: **ич буруғи** бирикмаси бир сўзга бирлашган, шу муносабат билан **–и** эгалик қўшимчаси талаффуз қилинмай қўйган: **ич буруғи > ичбуруғ.**

ИЧИК– ’соғиниб беҳол бўл–’. ***Ёш бола онасини узоқ вақт кўрмаса и ч и к и б қ о л а д и.*** Бу феъл **ич** отининг ’кўнгил’, ’ички дунё’ маъносидан (ЭСТЯ, I,

www.ziyouz.com kutubxonasi

389: **ыч 2**; ЎТИЛ, I, 341: **ич 3**) **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган: **ич + ик = ичик–.**

ИЧИМЛИК 'шарбат, мусаллас каби ичиладиган суюқлик'. ***Столга ҳар хил ичимликлар қўйилди.*** Бу от **ич–** феълидан **–(и)м** ва **–лик** қўшимчалари билан ясалган. Ўзбек тилида **ичим** сўзи мустақил ишлатилмайди, лекин қадимги туркий тилда **ичим** сўзи (ДС, 255: **йем–ичим**) мавжуд бўлиб, 'ичимлик' маъносини англатган: **(ич– + им = ичим) + лик = ичимлик.**

ИЧКАРИ 'ич томонда жойлашган'. ***Ичкари хонада меҳмонлар ўтиришибди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда **ич** отига жўналиш келишигининг қадимги **–кärў** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 390; ДС, 202); кейинчалик бу келишик шакли истеъмолдан чиққан ва бу сўз яхлитлигича сифатга айланган; ўзбек тилида сўз охиридаги ў унлиси **и** унлисига алмашган: **ич + кärў = ичкäрў > ичкäри.**

ИЧКИЛИК 'кайф берадиган ичимлик'. ***Куёвим ичкилликни умуман оғзига олмайди.*** Қадимги туркий тилда **ич–** феълидан **–гў** қўшимчасининг **–кў** шакли билан **ичкў** сўзи ясалган бўлиб, асли 'шифо учун ичиладиган ичимлик' маъносини англатган (ЭСТЯ, I, 391; Девон. Индекс, 433); эски ўзбек тилида бу сўздан **–лик** қўшимчаси билан от ясалган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги ў унлиси **и** унлисига алмашган: **(ич– + кў = ичкў) + лик = ичкўлик > ичкилик.**

ИЧКУЙАР 'чин кўнгилдан ғамхўр'. ***Менинг ягона ичкуяр дўстим – шу.*** Бу сифат асли **Ичи куйäди** гапи таркибидаги **–ди** тусловчисини ташлаб, **–ä** замон ясовчисини **–(ä)р** сифатдош ясовчисига алмаштириб ва бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **Ичи куйäди > ичи куйäр > ичкуйäр.**

ИЧКУЙОВ 'келиннинг (хотинининг) оиласида яшовчи куёв (эр)'. ***Ичкуёв бўлиб яшаётганидан эзиларди.*** Бу от **ич куйâв** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган: **ич куйâв = ич–куйâв**. *Ичик куёв – кучук куёв* мақоли асосида бу сўзни бошқача талқин этиш ҳам мумкин: асли бу сўзнинг биринчи қисми **ичик** шаклида бўлиб, **ич–** феълидан **–(и)к**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчаси билан сифат ясалган ва бу сўз дастлаб 'ўз хоҳиши билан бўйсунувчи' маъносини билдирган дейишга ҳуқуқ беради; бирикма бир сўзга бирлашганидан кейин **ичик** сўзининг **–ик** қисми талаффуз қилинмай қўйган: **ичик куйâв > ичкуйâв.**

ИЧРА 'ичида'. ***Сенингдек гўзал жаҳон и ч р а топилмас.*** Бу кўмакчи қадимги туркий тилда **ич** отидан қадимги **–рä** келишик қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 390; ПДП, 379; Девон, I, 228; ДС, 202): **ич + рä = ичрä.**

ИШ 'меҳнат фаолияти'. ***Пахта далаларида и ш қайнайди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **и:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 395); ўша даврлардаёқ **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 381; ДС, 214): **и:ш > иш.**

ИШОН– 'ишонч билан муносабатда бўл–', 'гапи, иши айтганидек бўлади деб ўйла–'. ***Мен унинг сўзларига и ш о н д и м.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **ышан–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 220); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ышан– > ишâн–. Ишâн–** феъли охиридаги **–н** қисми 'ўзлик' маъносини ифодаловчи қўшимча экани аниқ (ЭСТЯ, I, 674), лекин манбаларда **иша–** феъли мавжуд бўлгани айтилмаган. Девонда **ишанди** феълига 'суялди' деб изоҳ берилганига асосланиб (I, 210) 'суя–' маъносини англатган **ыша–** феъли мавжуд бўлган дейиш мумкин.

ИШТОН 'тананинг белдан пастига кийиладиган икки почали кийим', 'лозим'. ***И ш т о н и йиртиқ кўйлаги йиртиқдан кулибди*** (Мақол). Бу сўз асли қадимги туркий тилда **ич тон** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган (ДС, 201; **ич: ич тон** 'нижнее бельё', 'штаны'); **тон** сўзи қадимги туркий тилда 'кийим' маъносини англатган (ДС, 574), шунга кўра **ич тон** 'ички кийим'ни билдирган; бирикма бир сўзга бирлашганидан кейин **ч** ундоши **ш** ундошига, **о** унлиси **â** унлисига алмашган: **ич тон > иштâн.** Шу сўздан ясалган **ыштонланды** феъли Девонда нимагадир **ы** ҳарфи билан ёзилган (I, 305).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИШШАЙ– 'тишларини кўрсатиб товушсиз кул–'. *У сенга и ш ш а й и б қараб турарди.* Бу феъл **иш** тасвир сўзидан **–(ä)й** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **ш** ундоши қатланган: **иш + äй > ишшäй–**.

ИШҚА– 'бир нарсани бошқа бир нарсага куч билан сурка–'. *Бу кремни ботинкамга яхшилаб и ш қ а д и м.* Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'сурт–' маъносини англатган **ыш–** феълидан (ЭСТЯ, I, 667) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан эски ўзбек тилида ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыш– + қа > ышқа– > ишқä–**.

ИШҚИР– 'ишш'га ўхшаш чўзиқ товуш чиқар–'. *Нега менга қараб и ш қ и р а с а н!* Бу феъл эски ўзбек тилида **ыш** тақлид сўзидан **–қыр** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 674; КРС, 941); кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ыш + қыр = ышқыр– > ишқир–.**

Й

ЙАЙДОВ қ. **йайдоқ**

ЙАЙДОҚ 'эгар–жабдуқсиз'. *Ярим соатдан кейин ҳалиги йигит я й д о қ от устида ўқдай учиб ўтди* (Асқад Мухтор). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'тарқат–', 'холи қил' маъносини англатган **йай–** феълининг (ПДП, 383; ДС, 226) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига (ЭСТЯ, IV, 79) **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **л** ундоши **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: (**йай– + ла = йайла–**) **+ қ = йайлақ > йайдақ > йайдâқ > йäйдâқ.** Бу от **йäйдâв** шаклида ҳам ишлатилади; бунда **қ** ундоши **в** ундошига алмашади: **йäйдâқ > йäйдâв** (ЎТИЛ, II, 476).

ЙАЙЛОВ 'чорва ўтлайдиган кенг майдон'. *Мисрбойининг я й л о в д а минглаб зотли йилқиси .. бор* (Собир Абдулла). Бу от қадимги туркий тилда 'баҳор', 'ёз' маъноларини (асли 'йилнинг иссиқ қисми' маъно–

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини) англатган **йай** отидан (Девон, III, 175; ДС, 226) **–ла** қўшимчаси билан ясалган феълга (ПДП, 383; Девон, III, 325; ДС, 226) **–ғ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ПДП, 383, Девон, III, 54; ДС, 227); кейинчалик сўз охиридаги **ғ** ундоши **в** ундошига алмашган (КРС, 216); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йай + ла = йайла–) + ғ > йайлағ > йайлав > йäйлâв**.

ЙАЙЛОҚ қ. **йайлов**

ЙАЙОВ 'пиёда'. ***Зиёдулланинг тахминича Комил дарёдан ўтган, Қумқишлоқ гузаригача я ё в келган*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'юр–' ('ўз оёғи билан ҳаракатлан–') маъносини англатган **йада–** || **йаз̇а–** феълидан (ЭСТЯ, IV, 69) **–ғ** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 382, Девон, III, 35: **йадағ**; III, 58: **йаз̇ағлық**; ДС, 222, 223); кейинчалик **д** || **з̇** ундоши **й** ундошига, сўз охиридаги **ғ** ундоши **в** ундошига алмашган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(йада– || йаз̇а–) + ғ = (йадағ || йаз̇ағ) > йайав > йäйâв.**

ЙАЙРА– 'ўзини эркин ҳис қилиб, ўйнаб–кулиб дам ол–', 'ёзил–'. ***Боёқиш хотинлар ҳам бир я й р а б к е л с и н – д а*** (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилдаги кўп маъноли **йа:й–** феълининг 'эркин ҳаракат қилдир–' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 77) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(йа:й– + ыр = йа:йыр–) + а = йа:йыра– > йайра– > йäйрä–.**

ЙАКАН 'тола–тола бўлиб ўсадиган тўқай ўсимлиги' (одатда ток боғлашда ишлатилади). ***Кўлнинг саёз жойларида одам бўйи қамишлар, я к а н л а р ўсиб .. ётарди*** (Жуманиёз Шарипов). Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'зичла–', 'бирлаштир–' маъносини англатган **йик–** феълидан (Девон, III, 31: **йиги** 'зич') **–(ä)н** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **и** унлиси **е** ун–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лисига, бу унли ўз навбатида **ä** унлисига алмашган: **йик + än = йикän > йекан > йäкän** (ЭСТЯ, IV, 172).

ЙАЛА– 'бирор нарсани тил воситасида оғизга ол–'. ***Табиб косадан бармоғига бироз илаштириб я л а д и ва дарров туфлаб ташлади*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тил воситасида оғизга ол–' маъносини англатган **йал–** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 88); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йал– + а = йала– > йäлä–.**

• ЙАЛАМ 'бармоқ билан бир марта ялашга тенг миқдор'. ***Косанинг тагида икки я л а м г и н а қаймоқ қолибди.*** Ўлчов маъносини англатувчи бу от **йäлä–** феълидан **–м** қўшимчаси билан ясалган: **йäлä– + м = йäлäм.**

ЙАЛАМА 'ялаб истеъмол қилинадиган'. ***Қўйларимга бозордан я л а м а туз олиб келдим.*** Бу сифат **йäлä–** феълидан **–мä** қўшимчаси билан ясалган: **йäлä– + мä = йäлämä.**

ЙАЛАМСИҚ 'еб тўймас', 'очофат'. ***Узоқ вақт тўйиб овқат емаган бола я л а м с и қ бўлиб қолар экан.*** Бу сифат **йäлäм** отидан **–си** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(йäлäм + си = йäлämси–) + қ = йäлämсиқ.**

ЙАЛАНҒОЧ 'кийим киймаган'. ***Унинг оёқ яланг, ярим я л а н ғ о ч шўх болалари .. шовқин–сурон билан ўйнашар эди*** (Ойбек). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'ҳеч нарсасиз' маъносини англатувчи **йалың** сифатининг **йалаң** шаклидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ғач** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 106); қўшимча қўшилганидан кейин **ң** ундоши **н** ундошига алмашган; ўзбек тилида **ғ** ундошидан кейинги **а** унлиси **â** унлисига, биринчи, иккинчи бўғиндаги **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йалаң + ғач = йалаңғач > йаланғач > йäлänғâч.**

ЙАЛАҢ I 'ҳеч нарсасиз'.***Ҳамманглар ҳам я л а н г далада туғилганмисизлар?!*** (Шуҳрат). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'ҳеч нарсаси йўқ бўл–' маъносини англатган **йал–** феълидан **–(ы)ң** қўшимчаси билан ясал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган (ЭСТЯ, IV, 105; Девон, III, 383; ДС, 229); кейинчалик **ы** унлиси **а** унлисига алмашган (ДС, 227); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йал– + ың = йалың > йалаң > йäлäң.**

ЙАЛАҢ II 'нуқул', 'фақат'. ***Иккинчи томони — я л а н г қайинзор*** (Мумтоз Муҳамедов). Бу равиш қадимги туркий тилдаги 'ҳеч нарсасиз' маъносини англатган **йалаң** сўзининг 'фақат', 'ёлғиз' маъноси асосида юзага келган: 'фақат' → 'нуқул'; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йалаң > йäлäң.**

ЙАЛАҢЛИК 'ҳеч нарса экилмаган, ҳеч нарса қурилмаган, очиқ ер'. ***Бу я л а н г л и к стадион қуришга жуда боп экан.*** Бу от 'ҳеч нарсасиз' маъносини англатувчи **йäлäң** сифатидан **–лик** қўшимчаси билан ясалган: **йäлäң + лик = йäлäңлик.**

ЙАЛАТМА 'жуда юпқа'. ***Бозорга тайёрланадиган тўнга кўпинча я л а т м а қилиб пахта солишади.*** Бу сўз 'бирор нарсани тил воситасида оғизга ол–' маъносини англатувчи **йäлä–** феълининг **–т** орттирма қўшимчасини олган шаклидан **–мä** қўшимчаси билан ясалган: **(йäлä– + т = йäлät–) + мä = йäлätмä.** Бундай ясалиш **йäлä–** феъли маъноси таркибидаги "оз миқдор" қирраси асосида воқе бўлган.

ЙАЛИН– 'ўтиниб сўра–'. ***[Шоқосим] йиғи аралаш Ёрматга я л и н д и*** (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'яла–' маъносини англатган **йал–** феълининг (ЭСТЯ, IV, 88) 'ўтиниб сўра–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йал– + ын = йалын– > йäлин–.**

ЙАЛ–ЙАЛ 'мўл–кўл нурланиб'. ***"Эртага ҳаво очиқ келар экан",— деб қўйди Ҳайитбой ота, я л – я л товланаётган шафаққа тикилиб*** (С. Муҳиддинов). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'аланга ол–' маъносини англатган **йа–** феълидан (ЭСТЯ, IV, 82) **–л** қўшимчаси билан ясалиб, 'аланга' маъносини англатган **йал** отини (ЭСТЯ, IV, 107) такрорлаш билан тузилган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йал–йал > йäл–йäл.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАЛЛИҒ 'аланга', 'ёлқин'. ***Лампанинг кучсизгина я л л и ғ и шабадада лип-лип этиб, айвон олдинигина ёритиб турди*** (Ҳаким Назир). Бу от қадимги туркий тилдаги 'аланга' маъносини англатган **йал** отидан (ЭСТЯ, IV, 107) **–лығ** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йал + лығ = йаллығ > йäллиғ.**

ЙАЛМОҒИЗ 'дуч келган нарсани еб-ютиб юборадиган афсонавий махлуқ'. ***Бу мудҳиш, машъум базмда ҳалиги я л м о ғ и з фолбиннинг хаста овоз билан вайсаши қўшилди*** (Ойбек). Бу сўз **йалма** ва **ағыз** сўзларининг бирлашуви натижасида юзага келган деб талқин қилинади (ЭСТЯ, IV, 96). Шундай талқиндан келиб чиқсак, қуйидагича товуш ўзгаришлари ҳақида гапириш мумкин: биринчи сўз охиридаги ва иккинчи сўз бошланишидаги **а** унлилари бир унлига бирлашган ва бу унли **â** унлисига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йалма ағыз = йалмаағыз > йалмағыз > йäлмâғиз.**

Бу сўз асли 'еб тўймас' маъносини англатувчи **йал** ва **маҳус** сўзларининг бир сўзга бирлашуви натижасида юзага келганлиги ҳам таъкидланган (ЭСТЯ, IV, 96), унда биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, учинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига, **ҳ** ундоши **ғ** ундошига, **с** ундоши **з** ундошига алмашган бўлади: **йал + маҳус = йалмаҳус > йäлмâғиз.**

ЙАЛОВ 'туғ', 'байроқ'. ***Зафар я л о в и н и олиб келишингизга ишончим комил, дўстим Абдураҳмон*** (Саъдулла Кароматов). Бу от қадимги туркий тилдаги 'зичла-', 'биркит-' маъносини англатган **йала-** феълидан **–в** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 99); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йала- + в = йалав > йäлâв.** Бу от дастлаб 'ниманингдир белгиси сифатида таёқ учига боғланган нарса' маъносини англатган, 'туғ', 'байроқ' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАЛОҚ 'ит, мушук каби уй ҳайвонларига овқат бериладиган идиш'. ***Ҳалиги тўртта ит сурувдан нарироқда тилларини чапиллатиб ялоқдан овқат ичмоқда*** (Суннатилла Анорбоев). Бу от эски ўзбек тилида **йала-** феълидан **-қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 90), кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши таъсири билан унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йала- + қ = йалақ > йäлâқ.** Шундай маъно ҳозирги ўзбек тилида асосан **итйäлâқ** сўзи билан англатилади. **Итйалоқ** оти асли **ит йäлâғи** бирикмаси таркибидаги **-и** эгалик қўшимчасини ташлаб, бир сўзга бирлаштириш билан юзага келган; **и** унлиси ташланганидан кейин ундан олдинги **ғ** ундоши **қ** ундошига қайтган: **ит йäлâғи > итйäлâқ.** Бу сўз **йäлâқ** шаклида ҳам ишлатилади.

ЙАЛОҚИ 'кишиларнинг сарқити билан кун кечирадиган', 'ювиндихўр'. ***Бу муттаҳам ялоқилардан унинг ўлса – ўлиги ортиқ*** (Шуҳрат). Бу сифат **йäлä-** феълидан **-қи** қўшимчаси билан ясалган, **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **йäлä- + қи = йäлäқи > йäлâқи.**

ЙАЛПАЙ- 'энига ва ёнига кенгай-'. ***Болға зарби билан темир ялпайди.*** Бу феъл 'энига ва ёнига кенг' маъносини ифодаловчи **йалп** сўзидан **-(а)й** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 100); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йалп + ай = йалпай- > йäлпäй-.**

ЙАЛПИ 'умумий'. ***Чигит ялпи униб чиқди.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'энига ва ёнига кенг' маъносини ифодалаган **йалп** сўзидан (ЭСТЯ, IV, 101) **-ы** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 37); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йалп + ы = йалпы > йäлпи.** Бу сўз дастлаб 'кенг' маъносини англатган бўлиб, 'барчасини қамраб олган', 'умумий' маъноси шу маъно асосида юзага келган.

ЙАЛПОҚ 'энига ва ёнига кенг', 'япалоқ'. ***Ялпоқ юзида кўм-кўк ясама холи бор .. бир хотин сўри тагида кир ювaётган экан*** (Суннатилла Анорбоев). Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифат қадимги туркий тилда 'энига ва ёнига кенг' маъносини ифодаловчи **йалп** сўзидан (ЭСТЯ, IV, 101) **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йалп + а = йалпа–) + қ = йалпақ > йäлпâқ.**

ЙАЛТИРОҚ 'ялтирайдиган'. ***Элмуроднинг назарида бу ялтироқ кўзларда бутун бир алам ёниб турганга ўхшади*** (Парда Турсун). Бу сифат қадимги туркий тилда **йалт** тасвир сўзининг **–ыр** қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–ғ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, IV, 94); ўзбек тилида сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(йалт + ыр = йалтыр) + а = йалтыра–] + қ = йалтырақ > йäлтирâқ.**

ЙАЛҚАМСИҚ 'ялқовлик билан иш қиладиган'. ***Ялқамсиқ одам билан шерик бўлиб қолсак, қилган ишимизнинг унуми бўлмайди.*** Бу ерда қадимги туркий тилдаги 'иш қилишни ёқтирмайдиган' маъносини англатган **йал** сифатидан **–қа** қўшимчаси билан ясалган феълга (ЭСТЯ, IV, 14,15) **–м** қўшимчасини қўшиб ясалган отдан 'истак' маъносини ифодаловчи **–сы** қўшимчаси билан феъл ясалган ва унга **–қ** қўшимчасини қўшиб сифат ясалган, ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **{[(йал + қа– = йалқа–) + м = йалқам] + сы = йалқамсы–} + қ = йалқамсық > йäлқämсиқ.**

ЙАЛҚОВ 'дангаса', 'ишёқмас'. ***Ялқов ва ғирром ё қўли эгри бўлса, силлиқлик билан ҳайдайман*** (Ойбек). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'иш қилишни ёқтирмайдиган' маъносини англатган **йал** сифатидан **–қа** қўшимчаси билан ясалган феълга **–в** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, IV, 14,15); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **в** ундоши таъсири билан **â** унлисига алмашган: **(йал + қа = йалқа–) + в = йалқав > йäлқâв.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАМЛА– 'овқатни чайнамай, милк билан эзиб ют–'. *"Икки юз таноб!" — дея Полвонга қаради нон я м л а ё т г а н Иброҳим ота* (Жуманиёз Шарипов). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'тил воситасида оғизга ол–' маъносини англатган **йал–** феълига (ЭСТЯ, IV, 88) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **лм** ундошлари ўрин алмашган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йал– + ма = йалма– > йамла– > йämлä–.**

ЙАМОҚ 'бирор нарсанинг йиртилган, тешилган, узилган жойини бутунлаш учун мўлжалланган мато, чарм парчаси'. *У отасининг чанг босган бўйнига, чопонининг елкасидаги я м о қ л а р и г а назар солди* (Ш.Тошматов). Бу от қадимги туркий тилда 'бирор нарсанинг йиртилган, узилган, тешилган жойини бутунла–' маъносини англатган **йама–** феълидан (Девон, III, 100) **–ғ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 108; Девон, III, 35); ўзбек тилида сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **қ** ундошининг таъсири билан **â** унлисига алмашган: **йама– + ғ = йамағ = йамақ > йämâқ.**

ЙАМОҚ–ЙАСҚОҚ 'ямалган–чатилган'. *Тахмонга я м о қ – я с қ о қ кўрпалар тахлаб қўйилган.* Ушбу жуфт сўзнинг иккинчи қисми ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди. Бу сифат асли қадимги туркий тилдаги **йаса–** феълининг 'тузат–' маъносидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган отдан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** унлиси талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундошлари таъсирида улар ораси–даги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йаса– + қ = йасақ) + ақ = йасақақ > йäсқâқ.**

ЙАН– 'койи–', 'уриш–', 'дўқ–пўписа қил–'. *Сардоров .. комиссия олдида уятга қолдиргани учун раисни я н и б қ ў й г а н* (Ҳаким Назир). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **йа:н–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 114); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Девон, III, 72); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йа:н– >йан– > йän–.**

ЙАНА 'такроран', 'тағин'. ***Ўртоқ Бақоев я н а бир пиёла чой сўради*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз қадимги туркий тилда 'қайт–' маъносини англатган **йан–** феълига **–а** равишдош ясовчисини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 115; Девон, III, 33; ДС, 231); кейинчалик бу равишдош шакли равишга айланган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йан– + а = йана > йänä.**

ЙАНАДА 'яна ҳам'. ***Иккинчи кун бу хабар я н а д а бошқача тўн кийди*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз ўзбек тилида **йänä** равиши билан таъкид маъносини ифодаловчи **–дä** юкламасининг бирлашувидан юзага келган; асли бу сўзни **йänä–дä** тарзида чизиқча билан ёзиш тўғри (**йänä ҳäм** сўзлари билан қиёсланса, бу зарурият очиқ кўринади).

ЙАНТОҚ 'дуккакликларга мансуб тиканли ўт'. ***Қуритилган я н т о қ қишда қўйга ҳам жуда яхши озуқа бўлади.*** Бу от қадимги туркий тилда 'аланга ол–' маъносини англатган **йан–** феълидан **–дақ** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади ((ЭСТЯ, IV, 117). Бу от асли **йан–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–да (–ла)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинроқ **д** ундоши **т** ундошига (ДС, 232), ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[йан– + да (< ла) = йанда–] + қ = йандақ > йантақ > йäнтâқ.**

ЙАНЧ– 'эзғила–', 'майдала–', 'кукунга айлантир–', 'донни қобиғидан ажрат–'. ***Илонни қуйруғидан эмас, бошидан я н ч а д и л а р*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ёй–', 'соч–' маъносини англатган **йан–** феълига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)ч** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 186), кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 231); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йан– + ыч = йаныч– > йанч– > йäнч–.** Сўзлашув нутқида бу сўз **йенч–** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАҢА 'аканинг хотини'. ***Зайнабнинг онаси Моҳира ойим, опаси Хушрўйбиби ва я н г а с и Ҳанифанисолар ҳам келишдилар*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **йаңгä** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 189), ўзбек тилида **г** ундоши талаффуз қилинмайдиган бўлган: **йаңгä > йаңä.**

ЙАҢИ 'яқинда бунёд қилинган'. ***Бизнинг театр ҳали я н г и — д а*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **йаңы** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 234), ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йаңы > йäңи.**

ЙАҢЛИШ 'нотўғри', 'хато'. ***Менинг гапларимдан я н г л и ш хулоса чиқарманг.*** Бу от ўзбек тилида **йäңлиш–** феълидан маъно тараққиёти асосида ўсиб чиққан: 'ҳаракат' → 'шундай ҳаракат ҳосиласи'. Қадимги туркий тилда бу маъно **йаңлуқ** сўзи билан англатилган [Девон, III, 395; ДС, 234; ЭСТЯ, IV, 121: **йаңлуқ < йаңыл + (у)қ**].

ЙАҢЛИШ– 'тўғри йўлни йўқот–', 'адаш–'. ***Бу гапларни я н г л и ш и б айтиб юборибман.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'хато қил–' маъносини англатган **йаң–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)л** қўшимчасини олган шаклидан (ЭСТЯ, IV, 120; ДС, 234) 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; **–(ы)ш** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йаң– + ыл = йаңыл–) + ыш = йаңылыш– > йаңлыш– > йäңлиш–.**

ЙАҢРА– 'жаранглаб эшитил–'. ***Залда болаларнинг овозлари я н г р а д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'жаранглаган товуш'ни ифодаловчи **йаң** тасвир сўзининг (ЭСТЯ, IV, 122) **–(ы)р** қўшимчаси билан кенгайган шаклидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; **–а** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 234); ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

а унлилари **ä** унлиларига алмашган: (**йаң** + **ыр** = **йаңыр**) + **а** = **йаңыра–** > **йаңра–** > **йäңрä–**.

ЙАҢРОҚ 'жаранглаб эшитиладиган'. ***Алиохун .. я н г р о қ овозини баланд қўйиб бирдан куйлаб юборди*** (Ойбек). Бу сифат ўзбек тилида **йäңрä–** феъли–дан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **йäңрä–** + **қ** > **йäңрäқ** > **йäңрâқ**.

ЙАПАЛОҚ 'энига ва ёнига кенг'. ***Азиддин Талъатбекнинг .. я п а л о қ бурнидаги тиғ изига, совуқ кўзларига қараб ўйга толди*** (Ҳамид Ғулом). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'энига ва ёнига кенг' маъносини ифодаловчи **йалп** тасвир сўзидан (ЭСТЯ, IV, 100) **–а** қўшимчаси билан ясалган феълнинг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **л** ундоши талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида биринчи, иккинчи бўғиндаги **а** унлилари **ä** унлиларига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: [(**йалп** + **а** = **йалпа–**) + **ла** = **йалпала–**] + **қ** = **йалпалақ** > **йапалақ** > **йäпäлâқ**.

ЙАПАЛОҚҚУШ 'бойўғли', 'бойқуш'. ***Я п а л о қ – қ у ш н и н г сайраши кишига руҳан салбий таъсир қилади***. Бу от ўзбек тилида **йäпäлâқ** ва **қуш** сўзларининг бирлашуви натижасида юзага келган. Бошқа туркий тилларда бу қуш **йапалақ** сўзининг ўзи билан номланган бўлиб, бу сўзнинг ўзи тарихан **йабақу** ва **қулақ** сўзларидан таркиб топган; **йабақу** сўзи 'ўсиқ ва чигал сочли (тукли)' маъносини англатган (ЭСТЯ, IV, 129); бу қуш ёмонликдан дарак берувчи деб қаралганлиги сабабли ўз асл номи ўрнига тасвирий усул билан англатилган. **Йапалақ** сўзи **йабақу** сўзи охиридаги ва **қулақ** сўзи бошланишидаги **қу** қисмларининг талаффуз қилинмаслиги, **б** ундошининг **п** ундошига алмашуви билан юзага келган: **йабақу қулақ** > **йапалақ**. Ўзбек тилида биринчи, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йапалақ** > **йäпäлâқ**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАПАСҚИ 'бўйи паст ва эни кенг'. .. ***чап тарафдаги ясси тоғлар этагида я п а с қ и битта оқ уй кўринди*** (Файратий). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'энига ва ёнига кенг' маъносини ифодаловчи **йалп** тасвир сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълдан **–з** қўшимчаси билан ясалган отга **–қы** қўшимчасини қўшиб ясалган, кейинчалик **л** ундоши талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **з** ундоши **с** ундошига, биринчи, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(йалп + а = йалпа–) + з = йалпаз] + қы = ялпазқы > йапазқы > йäпäсқи.**

ЙАПРОҚ 'ўсимликнинг қуёш нури ёрдамида озиқланиш аъзоси', 'барг'. ***Дарахт я п р о ғ и б и л а н кўркам, одам — меҳнати билан*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'қопла–' маъносини англатувчи **йап–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(у)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–ға** қўшимчасини қўшиб ясалган ва унга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси қўшилган; аввал **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган: **[(йап– + ур = йапур–) + ға = йапурға] + қ = йапурғақ** (Девон, III, 58) **> йапурақ;** кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **йапрақ** (ССТТН, II, 348); охири ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йапрақ > йäпрâқ.**

ЙАРА 'танада ҳосил бўладиган жароҳат', 'чиқиқ'. ***Қонли кўйлакни Қоратой эҳтиёт билан тилиб, я р а н и очди*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилда ҳам 'бўлакларга ажрат–' маъносини англатиб, **йа:р–** тарзида талаффуз қилинган феълдан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 140); кейинчалик **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ССТТН, II, 323); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йа:р– + а = йа:ра > йара > йäрä.** Бу от асли 'бирор зарба натижасида ажралиш'ни билдирган, бошқа маънолари шу маънодан ўсиб чиққан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАРА– ’яроқли бўл–’. ***Дадамни ўзингиз биласиз, оғир ишга я р а м а й д и л а р*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу феълни туб деб ҳам, ясама деб ҳам қараш мавжуд. Ясама деб қаровчилар фикрича бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлган деб тахмин қилинувчи **йа–** асосига ’бироз’ маъносини ифодаловчи **–ра** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 138): **йа– + ра = йара–** (**йақ–** феъли ҳам шу асосдан ҳосил қилинган дейилади); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йара– > йäрä–.**

ЙАРАТ– ’вужудга келтир–’. ***Насиба ўз бахтини ўзи, ўз қўли билан я р а т а д и*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз қадимги туркий тилда **йара–** феълининг ’вужудга кел–’ маъносидан **–т** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 139; Девон, II, 365; ДС, 240); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йара– + т = йарат– > йäрät–.**

ЙАРАШ– I ’маълум даражада монанд кел–’, ’мувофиқ бўл–’. ***Бу либос сизга жуда ҳам я р а ш и б д и*** (Уйғун). Бу феъл қадимги туркий тилда **йара–** феълининг ’ёқ–’, ’мос кел–’ маъносидан (ЭСТЯ, IV, 137; Девон, III, 95; ДС, 239) ’бироз’ маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ПДП, 385); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йара– + ш = йараш– > йäрäш– I.**

ЙАРАШ– II ’ўзаро уруш–жанжални тўхтат–’. ***Соли сингиллари билан я р а ш д и. Ўртада узилиб қолган алоқа тикланди*** (Ҳалима Носирова). Бу феъл қадимги туркий тилда **йара–** феълининг ’ёқ–’, ’келиш–’ маъносидан (ЭСТЯ, IV, 137) **–ш** биргалик қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 138; Девон, III, 78; ДС, 240); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йара– + ш = йараш– > йäрäш– II.**

ЙАРАША ’мос келадиган’, ’мувофиқ’. ***Эшагига я р а ш а тушови*** (Мақол). Бу сўз асли **йäрäш– I** феълининг **–ä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган равишдош шаклига тенг бўлиб, маъно тараққиёти натижасида алоҳида сўзга айланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАРАҚЛА– 'нур сочиб порла–'. ***Бепоён қор даласи олмос каби я р а қ л а й д и.*** Бу феъл **йäрқ** тасвир сўзининг **йäрäқ** шаклидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **йäрäқ + лä = йäрäқлä–.**

ЙАРИМ 'бирор нарсанинг икки тенг қисмидан бири'. ***Ой ҳам қора парда ичида я р и м юзини очиб, ер юзига мўралаб қўйди*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда 'бўлакларга ажрат–' маъносини англатган **йа:р–** феълидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 147), кейинроқ **а:** унлисининг чў–зиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 386; Девон, III, 26; ДС, 241); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йа:р– + ым = йа:рым > йарым > йäрим.**

ЙАРИМТА 'бутуннинг қоқ ярми'. ***Я р и м т а тарвузни уч киши зўрға едик.*** Бу сўз ўзбек тилида **йäрим** сўзига 'дона' маъносини ифодаловчи **–тä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **йäрим + тä = йäримтä.**

ЙАРИМТАКИ 'ярми синган'. ***Кеча туширилган ғишт орасида я р и м т а к и с и анчагина экан.*** Бу сифат ўзбек тилида **йäримтä** миқдор сўзидан **–ки** қўшимчаси билан ясалган: **йäримтä + ки = йäримтäки.**

ЙАРОҚЛИ 'бирор нарсага ёки бирор мақсадда ишлатса бўладиган'. ***Текширув натижаси тупроқнинг дамба учун я р о қ л и эканини кўрсатиб турибди*** (Жонрид Абдуллахонов). Бу сифат асли қадимги туркий тилда 'яроқли бўл–', 'бирор мақсадга хизмат қил–' маъносини англатувчи **йара–** феълининг **–ғу** сифатдош қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–луғ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ДС, 239: **йарағулуғ**), кейинроқ учинчи бўғиндаги **у** унлиси талаффуз қилинмай, охирги бўғиндаги **у** унлиси **ы** унлисига алмашиб, **йарағлығ** шакли юзага келган (ДС, 239); ундан кейин иккинчи бўғиндаги **ғ** ундоши **қ** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, сўнгра сўз охиридаги **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган: **(йара– + ғу = йарағу) + луғ = йарағулуғ > йарағлығ > йарақлығ > йäрâқли.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАРОҚСИЗ 'бирор нарсага ёки бирор мақсадда ишлатиб бўлмайдиган'. ***Кўчат вақтида экилмаса, яроқсиз бўлиб қолади.*** Бу сифат асли қадимги туркий тилда 'яроқли бўл–', 'бирор мақсадга хизмат қил–' маъносини англатувчи **йара–** феълидан **–ғ** қўшимчаси билан ясалган отга (ДС, 239) **–сыз** қўшимчасини қўшиб ясалган (ПДП, 385); кейинчалик **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган, сўнгра биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йара– + ғ = йарағ) = сыз = йарағсыз > йярâқсиз.**

ЙАРОҒ 'ҳужум ёки ҳимоя учун ишлатиладиган қурол'. ***Посбоннинг яроғидаги садоқат зоҳир*** (Ёнғин Мирза). Бу от қадимги туркий тилда 'қаттиқ', 'мустаҳкам' маъносини англатган **йар** сифатига **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–қ** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак: **(йар + а = йара–) + қ = йарақ** (ПДП, 385; ДС, 239); ўзбек тилида сўз охиридаги **қ** ундоши **ғ** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **ғ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йарақ > йарағ > йярâғ. Йярâғ** сўзи асли 'темирдан ясалган ҳимоя анжоми'ни англатган, кейинчалик маъно кенгайиши юз бериб, 'ҳужум қуроли'ни ҳам англата бошлаган.

ЙАРҚИРА– 'нур сочиб порла–'. ***Қор қуёш нурида яркираяди.*** Бу феъл **йярқ** тасвир сўзидан **–ирä** қўшимчаси билан ясалган: **йярқ + ирä = йярқирä–.**

ЙАРҒОҚ 'ошланган', 'жуни тўкилган' (тери ҳақида). ***Шу пайт эгнига яроғоқ теридан камзул кийган .. бир паҳлавон йигит келиб, ..*** (М.Осим). Бу сифат қадимги туркий тилдаги кўп маъноли **йа:р–** феълининг 'айир–', 'холи қил–' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 136) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган ва бу унли **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йа:р– + ға= йа:рға– > йарға–) + қ = йарғақ > йярғâқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАСАН– 'ўзига оро бер–', 'безан–'. ***Ойша хола менинг я с а н и б о л г а н и м н и пайқади шекилли*** (Одил Ёқубов). Бу сўз ўзбек тилида **йäсä–** феълининг 'беза–', 'чиройли қил–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган.

ЙАСАТИҒЛИҚ 'оро берилган', 'безалган'. ***Кундузлари Тошхон я с а т и ғ л и қ уйда ёлғиз қолар эди*** (Р.Раҳмонов). Бу сифат ўзбек тилида **йäсä–** феълининг 'беза–', 'чиройли қил–' маъносидан **–т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–(и)қ** қўшимчасини қўшиб ясалган отдан **–лиқ** қўшимчаси билан ясалган; **–лиқ** қўшимчаси қўшилганидан кейин унинг олдидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган: **[(йäсä– + т = йäсät–) + иқ = йäсätиқ] + лиқ = йäсätиқлиқ > йäсätиғлиқ.**

ЙАСЛАН– 'оёқ–қўлни узатиб, чўзилиб ёт–'. ***Отабек ҳордиқ чиқариб я с л а н д и*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'сатҳи ёйиқ', 'текис' маъносини англатувчи **йасы** сифатидан (Девон, III, 31) **–ла** қўшимчаси билан ясалган феълга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қўшимчалар қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(йасы + ла = йасыла–) + н = йасылан– > йаслан– > йäслäн–.** Бу сўз ўзбек тилида **йäстäн–** шаклида ҳам ишлатилади, бунда **–лä** қўшимчасининг **–тä** шакли қўшилган бўлади.

ЙАСМИҚ 'дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик ва унинг дони'. ***Онам бугун й а с м и қ шавла пиширибди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'сатҳи ёйил–' маъносини англатган **йас–** феълидан **–муқ** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йас– + муқ = йасмуқ > йäсмиқ.**

ЙАСОҒЛИҚ 'ноз–неъматлар қўйилган'. ***Хизматкор чол дарҳол дастурхон ёзиб, даҳлиздан я с о ғ л и қ баркаш олиб кирди*** (М.Осим). Бу сифат қадимги туркий тилда 'туз–', 'тартибга келдир–' маъносини англатувчи **йаса–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

отта (ЭСТЯ, IV, 151) ўзбек тилида **–лық** қўшимчасини қўшиб ясалган; **–лық** қўшимчаси қўшилганидан кейин унинг олдидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йаса– + қ = йасақ) + лық = йасақлық > йäсâғлиқ.**

ЙАССИ 'сатҳи ёйиқ', 'текис'. ***[Йигитнинг] кенг юзи заҳил, кўзлари нурсиз, бурни я с с и,*** .. (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат **йасы** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 31); ўзбек тилида **с** ундоши қатланган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йасы > йäсси.**

ЙАСТАН– қ. **йаслан–**

ЙАХШИ 'ижобий сифатга эга', 'кишига ёқадиган, маъқул бўладиган'. ***Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи*** (Мақол). Бу сифат қадимги туркий тилда ҳам 'дидга, хоҳишга мос туш–, маъқул бўл–' маъносини англатган **йақ–** феълининг (ЭСТЯ, IV, 64) 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган; **–ы** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ш** ундоши таъсирида унинг олдидаги **қ** ундоши **х** ундошига алмашган (Девон, III, 39); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йақ– + ыш = йақыш–) + ы = йақышы > йақши > йахшы > йäхши.**

ЙАША– 'умр кўр–', 'ҳаёт кечир–'. ***Кўп я ш а г а н билмас, кўпни кўрган билар*** (Мақол). Бу феъл қадимги туркий тилдаги кўп маъноли **йа:ш** сифатининг 'бир йилга тенг умр' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 162) **–а** қўшимчаси билан ясалган, кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 98; ДС, 246); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йа:ш + а = йа:ша– > йäшä–.**

ЙАШАР киши ва ҳайвоннинг ёшини билдиришда ишлатиладиган сўз. ***Бу гапни етти я ш а р д а н етмиш я ш а р г а ч а ҳамма билади.*** Бу сўз ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида **йäшä–** феълининг **–р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида алоҳида сўзга айланган: 'яшаган' → 'ёшга эга'.

ЙАШАР– 'ёш бўлиб кўрин–'; 'яшна–'. ***Ўз элига содиқ киши я ш а р а д и*** (Қўшиқдан). Бу феъл қадимги туркий тилдаги кўп маъноли **йа:ш** сифатининг 'навқирон' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 162) **–(а)р** қўшимчаси билан ясалган, кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йа:ш + ар = йа:шар– > йашар– > йäшäр–.** Бу феълнинг ЎТИЛга **йâшäр–** шаклида ҳам киритилгани ўринли бўлмаган.

ЙАШИЛ 'барг рангидаги'. ***Чап томонда — тоғ этаклари, ўнг томонда — я ш и л пахтазор, ўртада — қишлоқ*** (Иброҳим Раҳим). Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'барг рангига эга бўл–' маъносини англатган **йа:ш–** феълидан **–(ы)л** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 164), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 386; Девон, III, 26; ДС, 246); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йа:ш– + ыл = йа:шыл > йашыл > йäшил.**

ЙАШИН 'чақмоқ'. ***Бу хабар я ш и н тезлигида тарқади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ярақла–' маъносини англатган **йашы–** феълидан **–н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 28; ДС, 246); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йашы– + н = йашын > йäшин.**

ЙАШИР– 'ўзга кўрмайдиган, топа олмайдиган жойга қўй–'. ***Қушбеги .. мактубни олиб, кўрпача остига я ш и р д и*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ўзгалар назаридан холи бўл–' маъносини англатган **йаш–** феълидан (ДС, 246; ЭСТЯ, IV, 160) **–(у)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 161; ПДП, 386; Девон, III; 75; ДС, 247); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йаш– + ур = йашур– > йäшир–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙАШИРИН 'ўзгаларга билдирмай', 'махфий'. *Бу ер я ш и р и н ўлдириладиган бандилар кушхонаси эди* (Садриддин Айний). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ўзга кўрмайдиган жойга қўй–' маъносини англатган **йашур–** феълидан 'ҳолат' маъносини ифодаловчи **–у** қўшимчасини ва қадимги восита келишигининг **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 161); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига, **у** унлилари **и** унлиларига алмашган: **(йашур– + у = йашуру) + н = йашурун > йäширин.**

ЙАШИҚ қ. **йолғон–йашиқ**

ЙАШНА– 'чақна–'; 'барқ уриб ўс–'. *Гулхан я ш – н а б к е т д и.* Бу феъл қадимги туркий тилда **йашын** отидан (Девон, III, 28; ДС, 246) **–а** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 246), **–а** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 246); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йашын + а = йашына– > йашна– > йäшнä–.** Бу феъл дастлаб 'ярқира–' маъносини англатган бўлиб, 'барқ уриб ўс–' маъноси ва бошқа маънолари шу маънодан ўсиб чиққан.

ЙАШНОҚ 'яшнаб турган'. *Сурма тортилган чақ– ноқ кўзлари, гулгун я ш н о қ юзлари, ..* (Жонрид Абдуллахонов). Бу сифат ўзбек тилида **йäшнä–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, **қ** ундошининг таъсири билан **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **йäшнä– + қ = йäшнâқ > йäшнâқ.**

ЙАШШАМАГУР 'ўлгур' (аёллар қарғиши). *"Қоч! Я ш ш а м а г у р, қоч!" — деб такрорлади кели– нойиси* (Парда Турсун). Бу сўз ўзбек тилида **йäшä–** феълининг бўлишсизлик маъносини ифодаловчи **–мä** қўшимчаси билан ва 'истак' маъносини ифодаловчи **–гўр** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шакли бўлиб, маънони кучайтириш учун **ш** ундоши қатланган, кейинчалик **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йäша + мä + гўр = йäшämäгўр > йäшшämäгур.**

ЙАҚИН 'унча узоқ бўлмаган'. *Шаҳарга я қ и н бир қишлоқда яшаймиз.* Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'томон' маъносини англатувчи **йа:қ** отидан (ЭСТЯ, IV, 82) қадимги восита келишигининг **–(ы)н** қўшимчаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 84); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 384; Девон, III, 29; ДС, 237); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йа:ғ + ын = йа:ғын > йағын > йäғин.**

ЙАҒИР 'иш ҳайвонида юқдан эзилиши оқибатида пайдо бўладиган йирингли яра'. ***Ёли қуюқ эшакдан яғир бўлган от яхши*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ўй–', 'чуқурча ҳосил қил–' маъносини англатган **йағ–** феълининг **–(ы)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шакли бўлса керак (Девон, III, 16; ЭСТЯ, IV, 65); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йағ– + ыр = йағыр > йäғир.** Сифатланмишсиз ишлатилиш натижасида бу сўз белги маъносини англатишдан нарса маъносини англатишга кўчган: **йäғир жâй → йäғир.**

ЙАҒРИН 'тананинг курак суяклари жойлашган қисми'. ***Кун қизиқ. Офтоб яғриндан уриб турибди*** (Ғафур Ғулом). Бу от қадимги туркий тилдаги 'ажрат–' маъносини англатувчи **йа:р–** феълининг **йар–** шаклидан **–ғын** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 67); кейинчалик **рғ** ундошлари ўрин алмашган (Девон, III, 355: **йағрынлады**); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йар– + ғын = йарғын > йағрын > йäғрин.**

ЙЕ– 'истеъмол қил–', 'овқатлан–'. ***Дарахтнинг мўртини қурт ейди*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл аввал **йи–** (ПДП, 387), кейинроқ **йе–** (Девон, III, 74; ДС, 252) шаклларига эга бўлиб, ўзбек тилида худди шу шакллари сақланган, лекин адабий тил учун **йе–** шакли танланган, жонли сўзлашувда эса кўпинча **йи–** шакли ишлатилади. Бу феълнинг дастлабги шакли **йей–** (< **йий–**) бўлиб (ЭСТЯ, I, 334), кейинчалик сўз охиридаги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (Бу ундош айрим сўзлар таркибида кўринади: **йейишли, йейимли** сўзлари изоҳига қаранг).

ЙЕБТЎЙМАС 'ҳар қанча кўп еса ҳам, тўймайдиган', 'мечкай'. ***Шу ебтўймас боланг билан***

www.ziyouz.com kutubxonasi

кимникига сиғасан?! Бу сўз **йеб тоймайди** гапининг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган, бунда **–й** замон ясовчиси **–с** сифатдош ясовчисига алмаштирилган, **–ди** шахс–сон қўшимчаси ташланган: **йеб тоймä + й + ди > йеб тоймä + с > йебтоймäс.**

ЙЕГУЛИК 'истеъмол қилишга мўлжалланган'. ***Халтамга е г у л и к нарса солдим–у, йўлга тушдим.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'овқат' маъносини англатган **йегў** сўзидан (ДС, 253) **–лик** қўшимчаси билан ясалган; **йегў** сўзи 'истеъмол қил–' маъносини англатувчи **йе–** феълининг **–гў** сифатдош қўшимчасини олган шаклига тенг; ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(йе– + гў = йегў) + лик = йегўлик > йегулик.**

ЙЕЙИМЛИ 'иштаҳа билан ейиладиган' (мол овқати ҳақида). ***Кўклигида қуритилган янтоқ қишда қўйга е й и м л и озуқа бўлади.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'истеъмол қил–' маъносини англатувчи **йе–** феълининг **йей–** шаклидан (ЭСТЯ, I, 334) **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган отта (ДС, 253: **йейим** 'пища', 'корм') **–ли** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(йей– + им = йейим) + ли = йейимли.**

ЙЕЙИШЛИ 'иштаҳа билан ейиладиган'. ***Бугун тайёрланган тандиркабоб жуда е й и ш л и б ў л и б д и.*** Бу сифат 'истеъмол қил–' маъносини англатувчи **йе–** феълининг **йей–** шаклидан (ЭСТЯ, I, 334) **–(и)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган ҳаракат номи шаклига **–ли** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(йей– + иш = йейиш) + ли = йейишли.**

ЙЕЛВИЗАК 'ҳаво оқимининг тор оралиқ бўйлаб бир томондан қарши томонга уриб туриши'. ***Кеча е л – в и з а к д а узоқ ўтириб қолиб шамоллабман.*** Бу от 'шамол' маъносини англатувчи **йел** отидан ва **виз** товушга тақлид сўзига **–ä** қўшимчасини қўшиб ясалган **визä–** феълидан таркиб топган, унга от ясовчи **–к** қўшимчаси қўшилган: **[(йел) + (виз + ä = визä–) = йел–визä–] + к = йелвизäк.**

ЙЕЛИК– 'чири–', 'емирил–' (милкка, тишга нисбатан). ***Укамнинг милки е л и к и б д и.*** Бу феъл

www.ziyouz.com kutubxonasi

'чириш, емирилиш касаллиги' маъносини англатувчи **йел** отидан (ЎТИЛ, I, 245: **ел II**) **–ик** қўшимчаси билан ясалган: **йел + ик = йелик–.**

ЙЕЛИМШАК 'елимга ўхшаш ёпишқоқ'. ***Баъзи ўрикнинг баргаги е л и м ш а к б ў л а д и.*** Бу сифат **йелим** отидан (Девон, III, 27) **–шä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(йелим + шä = йелимшä–) + к = йелимшäк.**

ЙЕЛИН 'ҳайвонда сут тўпланадиган аъзо'. ***Югуриб бориб, сигирнинг е л и н и н и ушласам, жуда пучайиб қолибди*** (Ҳамид Ғулом). Бу от қадимги туркий тилдаги 'шиш–' маъносини англатган **йел–** феълидан (ЭСТЯ, IV, 180) **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган: **йел– + ин = йелин.** Бу сўз асли 'шишадиган аъзо' маъносини билдирган бўлиб, 'сут тўпланадиган аъзо' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан.

ЙЕЛКА 'гавданинг бўйиндан қўлгача қисми'. ***Бири ҳокимнинг чап е л к а с и г а, иккинчиси ўнг е л к а с и г а қимматбаҳо оғир тўнларни илди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз қадимги туркий тилдаги кўп маъноли **йе:л (< йа:л)** отининг 'ёл битадиган жой' маъносидан (Девон, III, 175) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–кä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 86); кейинчалик **е:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган: **йе:л + кä > йелкä.**

ЙЕЛКАН 'кемада шамол келиб урилиши учун хизмат қиладиган катта чодир'. ***Қадимда кемалар эшкак ва е л к а н ёрдамида ҳаракатга келтирилар эди.*** Бу от 'шамол' маъносини англатувчи **йел** отидан **–кä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(йел + кä– = йелкä–) + н = йелкän.** Бу сўз тар–кибини **йел** отидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган феълга **–(ä)н** қўшимчасини қўшиб ясалган деб талқин этиш ҳам мавжуд (Гулямов А.Г. Проблемы исторического словообразования узб. языка. Автореф. дисс. докт. фи–лол. наук. Ташкент: 1955, 29). Бунда қўшимча қўшилга–нидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган бўлади: **(йел + ик = йелик–) + än = йеликän > йелкän.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЕЛПИ– 'бирор нарса воситасида шабада ҳосил қил–'. ***Зайнаб шу ҳолда узоқ фурсат эрини е л п и д и*** (Абдулла Қодирий). Бу феълни Э.В.Севортян қадимги туркий тилда **йелп** тасвир сўзидан **–и** қўшимчаси билан ясалган деб талқин қилади (Аффиксы глаголообразова–ния.. М: 1962, 234): **йелп + и = йелпи–.** Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳлашига кўра (**йелпинди:** 'ел касаллиги тегди', 'шамолни йўллади') бу сўз **йел** отидан **–пи** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 118): **йел + пи = йелпи–.**

ЙЕМ 'ҳайвонларга бериладиган дон'. ***Жуман ота отшнинг е м тўрвасига икки ҳовуч арпа солиб турганда ..*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз қадимги туркий тилда **йе–** феълининг **йей–** шаклидан **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 253); кейинчалик **йи** товушлари талаффуз қилинмай қўйган: **йей– + им = йейим > йе[йи]м > йем** (ДС, 255). Иккинчи тур изоҳга кўра бу от **йе–** феълига тўғридан тўғри **–м** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 334): **йе– + м = йем.** Бу от асли 'ейиладиган нарса' маъносини англатган (ДС, 253, 255), ҳозирги маъноси маънода торайиш воқе бўлиши билан юзага келган.

ЙЕМАК 'егулик нарса'. ***Кечки е м а к к а чақа топиш учун зарурият сезди*** (Ойбек). Туркий тиллар–нинг бир қисмида мавжуд бўлиб, юқоридаги маънони англатувчи бу от **йе–** феълидан **–мäк** қўшимчаси билан ясалган дейилади (ЭСТЯ, I, 335): **йе– + мäк = йемäк.** Бу сўзни **йем** отига кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган деб талқин этиш ҳам мумкин: **йем + äк = йемäк.**

ЙЕМАКХОНА 'овқат пишириб сотиладиган жой'. ***Кўча–кўйда нима кўп — е м а к х о н а кўп.*** Бу сўз **йемäк** отига **хâнä** сўзини қўшиб тузилган: **йемäк + хâнä = йемäкхâнä.** ЎТИЛда бу сўз эскирганлиги, шу маъно ҳозир **âшхâнä** сўзи билан англатилиши таъкидланган. Бу "эскирган сўз"ни ҳозир кўп хонали хонадонлардаги 'овқатланиш хонаси' маъноси учун ишлатиш ўринли бўлар эди (**йâтâқхâнä, меҳмâнхâнä** сўзлари қатори бу сўзни ҳам янгича маъно билан истеъмолга киритиш мумкин).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЕМИР– 'нурат–', 'барбод қил–'. ***Сув соҳилни е м и р а д и, алам – дилни*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'нура–', 'ағдарил–' маъно– сини англатган **йем–** феълига **–(и)р** орттирма қўшимча– сини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 183; Девон, III, 63: **йемӱргән**; ДС, 255: **йемир–**): **йем– + ир = йемир–.**

ЙЕМИШ 'ейдиган нарса', 'овқат'. ***Молга берсанг соз е м и ш, боқар сени ёз–у қиш*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'истеъмол қил–' маъносини анг– латган **йе–** феълидан **–миш** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 334): **йе– + миш = йемиш.** Бу от асли 'мева– чева'ни билдирган (ПДП, 289; Девон, III, 19; ДС, 255), 'овқат' маъноси кейинчалик юзага келган. Ушбу таъ– кидга асосланиб, бу сўзни **йем** отидан 'бироз', 'маълум даражада' маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган деб талқин қилиш ҳам мумкин: **йем + иш = йемиш.**

ЙЕНЧ– қ. **йанч**

ЙЕҢИЛ 'вазни кам', 'вазмин эмас'. ***Юки е н г и л эшак ётағон бўлади*** (Мақол). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'вазни кам бўл–' маъносини англатган **йеңи–** феълидан **–л** қўшимчаси билан ясалган: **йеңи– + л = йеңил** (ЭСТЯ, IV, 189); **йеңи–** феъли эса 'вазни кам ҳолат' маъносини англатган **йең** сўзидан **–и** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 184): **йең + и = йеңи–.**

ЙЕҢИЛТАК 'жиддий ёндашмайдиган', 'одоб қои– далари билан ҳисоблашмайдиган'. ***У Ҳожи хола сингари е н г и л т а к қиз–жувонларни ахтарар эди*** (Мирза– калон Исмоилий). Бу сўз **йеңил** сифатидан 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи **–тäк** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **йеңил + тäк = йеңилтäк.**

ЙЕТАК 'кишини қўлидан ушлаб, ҳайвонни арқон билан боғлаб, бирор томонга ҳаракат қилдириш'. ***Бит– тадан отни е т а к к а олиб икки отлиқ орқасига қайтди*** (Йўлдош Шамшаров). Бу от қадимги туркий тилдаги 'ўзи билан бирга ҳаракатлантир–' маъносини англатган **йе:т–** феълининг (ЭСТЯ, I, 387) **йет–** шаклидан (Девон, II, 364; ДС, 258) **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган: **йет– + äк = йетäк.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЕТАР 'бас', 'тўхта, бўлди'. ***Кўкарди майса, сочилди ерга дон — ҳалигача қиш. .. "Бас энди, бўлди, е т а р !" — деб қилай садо шекилли*** (Ғафур Ғулом). Бу сўз асли 'маълум бир манзилга бориб ол–' маъносини англатувчи **йет–** феълининг **–(ä)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган ҳозирги–келаси замондаги III шахс шакли бўлиб, ҳозир шу шаклида ўзгармас ҳолга келиб, ундовга айланган. ЎТИЛда бу сўз **етар** сўзининг иккинчи маъноси деб берилган, ваҳоланки мустақил сўз сифатида берилиши лозим эди (Шу луғатда **етар I етмоқ** феълининг равишдош шакли деб хато таъкидланган).

ЙЕТИК 'камолотга эришган'. ***Кейинги йилларда ёзувчиларимиз бир неча е т и к асарлар яратдилар.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'маълум бир манзилга бориб ол–' маъносини англатувчи **йет–** феълидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган: **йет– + ик = йетик** (Девон, III, 25: **йетик**). Бу сўзнинг иккинчи бўғинида ҳозирги туркий тилларда ҳам **и** айтилиши ва ёзилиши таъкидланган (ЭСТЯ, IV, 194). ЎТИЛда бу сўзнинг **етук** тарзида ёзилгани хато; шу хато **етуклик** сўзига ҳам кўчиб ўтган.

ЙЕТМИШ 'еттинчи ўнлик'. ***Акам бир кам е т м и ш ёшга кирди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони билдирган бу сўз 'олти билан саккиз оралиғидаги бутун миқдор'ни билдирган **йети** сонига **–миш** қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **йети + миш = йетимиш > йетмиш.** Бу сўз таркибидаги **миш** қисми асли 'ўн' маъносини билдирувчи сўз бўлган деб тахмин қилинади; баъзи туркий тилларда бу миқдор сонининг **йетон (< йети + он)** шаклида мавжудлиги шундай фикр юритиш тўғри эканини тасдиқлайди.

ЙЕТТИ 'олти билан саккиз оралиғидаги бутун миқдор'. ***Е т т и ўлчаб, бир кес*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шу маънони билдирган бу сўз 'маълум бир манзилга бориб ол–' маъносини англатган **йет–** феълидан **–и** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 168; ПДП, 388; ДС, 259), бу сўз таркибидаги **т** товуши кейинчалик қатланган: **йет– + и = йети > йетти.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЕТТОВ 'етти киши ёки нарса биргаликда'. ***Е т т о в и м и з пода ҳайдаб қирга чиқиб кетдик.*** Бу сўз ўзбек тилида **йетти** саноқ сонидан **–âв** жамловчи сон қўшимчаси билан ҳосил қилинган; **йетти** сўзи охиридаги **и** унлиси билан қўшимча бошланишидаги **â** унлиси сўз ичида ёнма–ён келиб қолгани сабабли **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган: **йетти + âв > йеттâв.**

ЙЕТТОВЛОН 'етти киши биргаликда', 'еттовлашиб'. ***Улар е т т о в л о н бошқалардан алоҳида юриб пахта терар эди.*** Бу сўз ўзбек тилида **йеттâв** жамловчи сонидан **–лăн** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **â** унлиси билан **в** ундоши таъсирида учинчи бўғиндаги **ă** унлиси **â** унлисига алмашган: **йеттâв + лăн > йеттâвлâн.**

ЙЕТУК қ. **йетик**

ЙЕТУКЛИК қ. **йетик**

ЙИГ 'дук'. ***Жун пайпоқ тўқиш учун ип й и г д а пишитилади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'эш–' маъносини англатган **йий–** феълидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик сўз ичидаги **йи** товушлари талаффуз қилинмай қўйган (ЭСТЯ, I, 230), бунинг эвазига **и** унлиси чўзиқлик ҳосил қилган, сўнгра бу унлининг чўзиқлик белгиси ҳам йўқолган, охири **к** ундоши **г** ундошига алмашган (Девон, III, 158): **йий– + ик– = йийик > йи:к > йик > йиг.** Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз **йиг** ва **йик** шаклларида ишлатилади.

ЙИГИР– '(толани) эш–'. ***Ҳар сменада қанча ипак й и г и р и л а д и?*** Бу феъл 'дук' маъносини англатувчи **йиг** отидан **–(и)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 230): **йиг + ир = йигир–.**

ЙИЛ 'Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиш муддати'. ***"Яна икки й и л кут дейсизми?" – деди тутақиб хотини*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда асли 'ҳайвонлар номи билан аталувчи ўн икки ойлик муддат' маъносини англатган бу от **йыл** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 391; Девон, III, 10; ДС, 266), ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыл > йил.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙИЛТИРОҚ ‘’нур қайтариб турадиган’. ***Саид афанди й и л т и р о қ кўзларини ўйнатиб, қўл учида чапак чалиб қўйди*** (Ҳамид Ғулом). Бу сифат **йилт** тақлид сўзининг **–(и)р** қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(йилт + ир = йилтир) + ä = йилтирä–] + қ = йилтирäқ > йилтирâқ** (**йалтирâқ** сўзига қаранг).

ЙИЛҚИ ’отлар подаси’. ***Барчин .. отасининг тўқсон тўқай й и л қ и с и д а н ўн отни сайлаб олди*** ("Алпомиш"). Бу от қадимги туркий тилдаги ’бир жойга тўпла–’ маъносини англатган **йыл–** феълидан **–қы** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 282; ДС, 267); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыл– + қы = йылқы > йилқи.** Бу от асли ’кенг ўтлоқда эркин ҳаракатланиб юрувчи ҳайвонлар’ маъносини англатган; маънода торайиш воқе бўлиб, ’отлар подаси’ маъносини англата бошлаган.

ЙИР– ’куч билан орасини оч–’, ’кер–’. ***Бола қушнинг оғзига донни тумшуғини й и р и б солди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа маъноларни англатган бу феъл асли **йыр–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 203); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыр– > йир–.**

ЙИРИК ’ҳажми, ўлчами нисбатан катта’. ***[Қизнинг] нон илинжида чақнаган й и р и к кўзлари маъюс юмилди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу кўп маъноли сифат **и:ри** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 371), кейинчалик **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (КРС, 303: **ири I**). Айрим туркий тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам бу сўз **йирик** шаклида мавжуд бўлиб, сўз бошланишига **й** ундоши орттирилган ва охирига **–к** қўшимчаси қўшилган (ЭСТЯ, I, 371). Ушбу сўзни **ачы– → аччық, ысы → ыссық, кичи– → кичик** каби сўзлар билан қиёслашдан кўринадики, **к** қўшимчаси **ири** сифатининг қадимги туркий тилда мавжуд бўлган феъл

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшига қўшилган, кейинчалик сўз бошланишига **й** ундоши орттирилган: **ири–** + **к** = **ирик** > **йирик.**

ЙИРИҢ 'тўқималарнинг яллиғланиб бузилишидан ҳосил бўладиган ёмон ҳидли модда', 'фасод'. ***Яра й и р и н г боғлаб қолган эди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'бузилиб, табиий сифатини йўқот–' маъносини англатувчи **ири–** феълининг **йири–** шаклидан **–ң** қўшимчаси билан ясалган: **йири–** + **ң** = **йириң** (ПДП, 388: **йириңлик** 'гнойный'; ДС, 263). Девонда бу феълнинг **ири–** шаклидан ясалган **ириң** сўзи келтирилган (Девон, I, 154).

ЙИРОҚ 'узоқ', 'олис'. ***Осмон й и р о қ , ер қаттиқ*** (Мақол). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'узоқлаш–' маъносини англатган **йыра–** феълидан (ПДП, 391; ДС, 268) **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 226); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыра–** + **қ** = **йырақ** > **йирâқ.** Қадимги туркий тилдаёқ сўз бошланишидаги **й** ундоши талаффуз қилинмай, бу сўзнинг **ыроқ** шакли юзага келган (ПДП, 443; ДС, 219), ўзбек тилида содир бўлган товуш ўзгаришлари натижасида бу сўз **ирâқ** тарзида талаффуз қилинадиган бўлган.

ЙИРТ– 'газмол, қоғоз кабиларни куч билан қисмларга ажрат–'. ***У бинтнинг учини й и р т а р э к а н, офицерга қараб бир нима деди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз қадимги туркий тилда 'куч билан орасини оч–', 'кер–' маъносини англатувчи **йыр–** феълига (ЭСТЯ, IV, 203) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыр–** + **т** = **йырт–** > **йирт–.**

ЙИТИМ 'тириклайин абадий йўқотиш'. ***Ҳар нарса бўлса бўлсин, ў л и м – й и т и м бўлмасин.*** Бу сўз асосан **ўлим–йитим** жуфт оти таркибида келиб, асли қадимги туркий тилдаги 'ғойиб бўл–' маъносини англатган **йит–** феълидан (ПДП, 388; ДС, 263; ЭСТЯ, IV, 204) эски ўзбек тилида **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 255: **ӧлӱм – житим**): **йит–** + **им** = **йитим.**

ЙИҚ– 'қулат–', 'ағдар–' (эскирган). ***Билаги зўр бирни й и қ а р , билими зўр мингни й и қ а р*** (Ма–

www.ziyouz.com kutubxonasi

қол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йық–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 391; Девон, III, 70; ДС, 268); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йық– > йиқ–.** Ҳозирги ўзбек тилида **йиқ–** феълидан кўра унга кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(и)т** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган **йиқит–** сўзи кўп ишлатилади [**йиқил–** сўзи эса **йиқ–** сўзига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)л** қўшимчасини қўшиб ясалган].

ЙИҚИЛ– қ. **йиқ–**

ЙИҚИТ– қ. **йиқ–**

ЙИҒ– 'тўпла–'. ***Ўзим ҳам сизларни й и ғ и б, икки оғиз гаплашмоқчи эдим*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йығ–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 69; ДС, 265), ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йығ– > йиғ–.**

ЙИҒИ 'кўз ёши тўкиш ҳолати'. ***Ҳовлидан чиқаётган й и ғ и овозини эшитиб, сесканиб кетди*** (Адҳам Раҳмат). Бу от қадимги туркий тилда 'йиғлаш' маъносини англатган **йығ** отига (ЭСТЯ, I, 79) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 265); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йығ + ы = йығы > йиғи.**

ЙИҒИМ 'халқдан ҳокимият фойдасига олинадиган пул ёки буюм'. ***Беш йилдан бери ўлпонни бермайсан, солиқни тўламайсан, й и ғ и м деса, жонинг бўғзингга келади, ўлакса!*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз қадимги туркий тилда 'тўпла–' маъносини англатган **йығ–** феълидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган. Маҳмуд Кошғарий бу сўзда: "**н м** га алмашгандир", – дейди (Девон, III, 27); унда **–м** қўшимчаси **–н** қўшимчасининг варианти бўлади. Ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йығ– + ым = йығым > йиғим.** Асли бу сўз белги маъносини англатган бўлиб (**йығым тупрақ** каби ишлатилиб), кейинчалик ўзбек тилида отга айланган.

ЙИҒИН 'йиғилиш', 'мажлис'. ***Ниёз қушбеги сўзлаб, й и ғ и н н и н г мақсади билан аҳли мажлисни***

www.ziyouz.com kutubxonasi

таништира борди (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда 'тўпла–' маъносини англатган **йығ–** феълидан **–(ы)н** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 55; III, 29); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йығ– + ын = йығын > йиғин.** Асли бу сўз белги маъносини англатган бўлиб (**йығын тупрақ** каби ишлатилиб), кейинчалик ўзбек тилида отга айланган.

ЙИҒИНДИ 'нарсаларнинг тўплами'; 'бир неча соннинг қўшилиши билан ҳосил бўлган сон'. ***Қонунлар йиғиндиси алоҳида китоб бўлиб чиқди.*** □ ***Уч, олти ва ўн бир сонларининг йиғиндиси йигирма бўлади.*** Бу сўз ўзбек тилида 'тўпла–' маъносини англатувчи **йиғ–** феълининг **–(и)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига қадимги сифатдош ясовчи **–ди** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик бу сўз отга кўчган: **(йиғ– + ин = йиғин–) + ди = йиғинди.**

ЙИҒЛА– 'кўз ёши тўк–'. ***Бола ҳануз чирқираб йиғлар эди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'кўз ёши тўкиш ҳолати' маъносини англатган **йығ** отидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 80; Девон, III, 324; ДС, 266); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йығ + ла = йығла– > йиғлä–.**

ЙИҒЛОҚ қ. **йиғлоқи**

ЙИҒЛОҚИ 'бўлар–бўлмасга йиғлайверадиган'. ***Улар [болалар] ялқов, йиғлоқи ва серуйқу эдилар*** (Парда Турсун). Бу сифат ўзбек тилида **йиғлä–** феълидан **–қи** қўшимчаси билан ясалган; **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **йиғлä– + қи = йиғлäқи > йиғлâқи.** Бу сифатни **йиғлâқ** шаклида ишлатиш ҳам мавжуд; лекин тўғриси – **йиғлâқи** шакли (бу фикрни **йиғлâқилик** сўзининг **йиғлâқи** сўзидан ясалганлиги тасдиқлайди).

ЙОБИ 'насли паст от'. ***Бу сўзларинг, Айноқ, бекор экандир, Ёби дема, шу от тулпор экандир*** ("Равшан"). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'сифатсиз бўл–' маъносини англатувчи **йаб–** феълининг **–у** равишдош қўшимчаси билан ҳосил қилинган шакли бўлиб (ЭСТЯ, IV, 47), маъно тараққиёти натижасида отга

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўчган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йаб– + у = йабу > йâби.**

ЙОВ 'қарши киши', 'душман'. ***Ё в н и аяган яра ер, калтагини сара ер*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **йағы** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 383; Девон, III, 31; TPC, 659); кейинчалик **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (ССТТН, II, 332), **ғ** ундоши **в** ундошига (ЭСТЯ, IV, 55), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йағы > йағ > йав > йâв.**

ЙОВВОЙИ 'қўлга ўргатилмаган', 'инсон қўли билан бунёд этилмаган'. ***Бу заминсиз ё в в о й и йўллар нинг ўзига хос ажойиб ҳаёти бор*** (Асқад Мухтор). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'саҳро' маъносини англатган **йаба** отидан **–ы** қўшимчасининг **–йы** шакли билан ясалган бўлиб, асли 'ўз–ўзича яшайдиган, ўз–ўзича ўсадиган' маъносини англатган (ЭСТЯ, IV, 46); ўзбек тилида **б** ундоши **в** ундошига алмашган ва қатланган, **в** ундоши олдидаги ҳамда кетидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йаба + йы = йабайы > йаввайи > йâввâйи.**

ЙОВВОШ қ. **йувош**

ЙОВУЗ 'шафқатсиз'. ***Энди ё в у з аждар бизларни ютар*** ("Нигор ва Замон"). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'шафқатсизлик қил–' маъносини англатган **йаб–** феълининг **йав–** шаклидан **–(у)з** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 48; ДС, 250; ПДП, 382); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йаб– → йав– + уз = йавуз > йâвуз.**

ЙОВУҚ 'яқин'(эскирган). ***Бу вақтда ё в у қ д а н милтиқ овози эшитилиб, ..*** (Садриддин Айний). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'яқин жой' маъносини англатган **йағ** отидан **–у** қўшимчаси билан ясалган феълга (ЭСТЯ, IV, 62; ДС, 225; Девон, III, 98) **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, IV, 63; ДС, 225; Девон, III, 36), кейинроқ **ғ** ундоши **в** ундошига (ДС, 249), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йағ + у = йағу–) + қ = йағуқ > йавуқ > йâвуқ.** Ҳозирги ўзбек тилида бу си–

www.ziyouz.com kutubxonasi

фат асосан **йирâқ–йâвуқ** жуфт сўзи таркибида ишлатилади.

ЙОВШАН 'мураккаб гуллиларга мансуб бўлиб, емхашак сифатида ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик'. ***Молларга қиш учун етарли ё в ш а н жамғариб қўйдик.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'илақиш–' маъносини англатган **йабы–** феълининг **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган иш оти шаклидан **–чан** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига алмашган: **(йабы + ш = йабыш) + чан = йабышчан > йавышчан;** сўнгра **шч** ундошларидан кейингиси талаффуз қилинмай қўйган: **йавышчан > йавышан;** охири иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **йавышан > йавшан;** ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йавшан > йâвшän.** Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг **йавшан, йапчан** шаклларини келтиради (Девон, III, 44); бунда **йавышчан** шаклидаги **ыш** товушлари талаффуз қилинмаган бўлади, иккинчи сўзда эса **в** ундоши **п** ундошига алмашади.

ЙОВҒОН 'гўшт–ёғсиз тайёрланган овқат'. ***Миннатли паловдан миннатсиз ё в ғ о н яхши*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилдаги кўп маъноли **йав– (йаб–)** феълининг 'сифати паст бўл–' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 51) **–ған** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 44); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **йав– + ған = йавған > йâвғâн.**

ЙОЗ 'баҳор билан куз оралиғидаги фасл'. ***Ё з ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан*** (Мақол). Қадимги туркий тилда асли 'йилнинг иссиқ ярми' маъносини (асосан 'баҳор' маъносини) англатган бу сўз ўзбек тилида юқорида таърифланган маънони англатади; бу от асли **йа:з** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 71), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 386; Девон, III, 174; ДС, 250); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:з > йаз > йâз.** Бу от асли **йâз–** I ('йой–') феълининг 'куртак (барг) чиқар–' маъносидан ўсиб чиққан бўлса керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙОЗ– I 'ўроғлиқ, тахлоғлик ҳолатдан ёйиқ ҳолатга ўтказ–'. ***Бостирмада Зиёдахон супра ё з и б, ун элаб ўтирар эди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл ўша даврда мавжуд бўлган **йа** сўзидан ясалган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, IV, 71); ўзбек тилида **йаз– I** феъли таркибидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йаз– I > йâз– I .**

ЙОЗ– II 'товушларни маълум шакллар билан қоғозда ёки бошқа бир нарсада акс эттир–'. ***Бу гал хатини нимагадир қалам билан ё з и б д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йаз–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 386; Девон, III, 66; ДС, 250); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йаз– II > йâз– II.**

ЙОЗ– III 'хато қил–'. ***Мен нима ё з и б м а н к и, бошимга бу кулфатларни солмаса?!*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йа:з–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 72), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 386; Девон, III, 67; ДС, 250); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:з– > йаз– > йâз– III.**

ЙОЗИН–ҚИШИН 'йил бўйи'. ***Бу йигит ё з и н – қ и ш и н бошаланг юради.*** Бу жуфт равиш **йаз, қыш** отларини қадимги восита келишиги қўшичасини олган шаклида бирлаштириб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 71), кейинчалик **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолиб, **â** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йаз + ын – қыш + ын = йазын–қышын > йâзин–қишин.** Бу жуфт сўз таркибидаги **йâзин, қишин** қисмлари ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди.

ЙОЗИҚ I 'ёйилган ҳолатда'. ***Опамизнинг дастурхони доим ё з и қ.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'ўроғлиқ, тахлоғлик нарсани ёйиқ ҳолатга ўтказ–' маъносини англатган **йаз– I** феълидан (ЭСТЯ, IV, 69; Девон, III, 66; ДС, 250) **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 23; ДС, 252); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йаз– + уқ = йазуқ > йâзиқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙОЗИҚ II 'гуноҳ'. ***Ажалингнинг етиши қилган ёзиғингдан эмас, бек акангнинг қонсираши!*** (Абдулла Қодирий). Бу от қадимги туркий тилдаги 'хато қил–', 'гуноҳ қил–' маъносини англатган **йа:з–** феълининг (ПДП, 386; Девон, III, 67; ДС, 250) **йаз–** шаклидан (ПДП, 387; Девон, III, 24; ДС, 251) **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 72); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йаз– + уқ = йазуқ > йâзиқ.**

ЙОЗЛОҚ 'ёз фаслида яшайдиган жой' (оз ишлатилади). ***Ҳали ёзлоққа кўчганимиз йўқ.*** Бу от қадимги туркий тилда 'йилнинг иссиқ қисми' маъносини англатган **йаз** сўзидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган феълга (Девон, II, 410: **йазлатты**) **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(йаз– + ла = йазла–) + қ = йазлақ > йâзлâқ.** Асли бу сўзга **қишлâқ** сўзи антоним бўлиб ('ёзда яшайдиган жой'↔'қишда яшайдиган жой'), ҳозир бундай маъно муносабати сезилмас бўлиб қолган.

ЙОЗМИШ 'гуноҳ' (оз ишлатилади). ***Айбдор ўз ёзмишларига яраша жазо олди.*** Бу от эски ўзбек тилида 'хато қил–', 'гуноҳ қил–' маъносини англатган **йаз–** феълидан **–мыш** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 71); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йаз– + мыш = йазмыш > йâзмиш.**

ЙОЗҒИР– I 'бироз гина қилиб, шикоят қилиб гапир–'. ***Ахир, опам эшитса, ёзғирмайдими? Унинг ҳурмати йўқми?*** (Ҳаким Назир). Бу сўз эски ўзбек тилида **йаз– I** феълининг 'гина қил–' маъносидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ғыр** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йаз– + ғыр = йазғыр– > йâзғир–.**

ЙОЗҒИР– II 'маълум даражада гуноҳ иш қил–'. ***Мен нима ёзғирдимки, мени жазога тортиш керак?*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'гуноҳ иш қил–' маъносини англатувчи **йаз–** феълидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ғыр** қўшимчаси билан ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йаз–** + **ғыр** = **йазғыр–** > **йâзғир–**. ЎТИЛда бу сўз хато равишда **йâзғир–** I сўзининг иккинчи маъноси деб берилган.

ЙОЙ 'қаттиқ ёғочнинг икки учидан тортиб, ярим доира шаклида эгиб ясалган ва найза отишга хизмат қиладиган қадимги қурол'. ***Ҳакимбек ўн тўрт ботмон ё й н и қўлига ушлаб кўтариб тортди*** ("Алпомиш"). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **йа:** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 382; ДС, 221), **й** ундоши кейинроқ қўшилган (ЭСТЯ, IV, 75), шундан кейин **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:** + **й** = **йа:й** > **йай** > **йâй.** Асли бу сўз 'эгилган' маъносини англатган бўлса керак.

ЙОЙ– 'кенгайтир–', 'тарқоқ ҳолатга келтир–'. ***Келинни келганда кўр, сепини ё й г а н д а кўр*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йа:й–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 76), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 226); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:й–** > **йай–** > **йâй–.**

ЙОЙЛОҚ қ. **йайлов**

ЙОЛ I 'ҳайвон бўйнидаги узун туклар'. ***Ё л и қуюқ эшакдан яғир бўлган от яхши*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йа:л** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 86), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 175; ДС, 227); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:л** > **йал** > **йâл.**

ЙОЛ II 'сайр', 'дам' (оз ишлатилади). ***Яшил ўрмон бўлур ҳали кўл айланаси, Ёз кунлари ё л этгали қушлар панаси*** (Миртемир). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йал** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 85); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йал** > **йâл.**

ЙОЛБОР– қ. **йолвор–**

ЙОЛВОР– 'ўта даражада ўтиниб сўра–', 'илтижо қил–'. ***"Мени ёлғиз ташлаб кетманг", — деди Қумри Қамчига ё л в о р и б*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилдаги 'ўтиниб сўрат–' маъносини англатган **йал–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ба** қўшимчаси қўшилган шаклидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–р** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 93), кейинроқ **б** ундоши **в** ундошига алмашган (Девон, III, 109; ДС, 230); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(йал– + ба = йалба–) + р = йалбар– > йалвар– > йâлвâр–.**

ЙОЛЛА– 'маълум шарт билан бирор ишни бажаришга жалб эт–'. ***Баҳорда пиёз экишга одам ё л л а– д и к.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'ҳақ тўлаб ишлатиш' маъносини англатган **йал** отидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 85); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йал + ла = йалла– > йâллä–.**

ЙОЛЧИ– 'маълум даражада таъминлан–'. ***Шошган қиз эрга ё л ч и м а с*** (Мақол). Айрим туркий тиллардагина мавжуд бўлган бу феъл асли **йалчы–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 102), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йалчы– > йâлчи–.** Бу феъл таркибида **–чы** қўшимчаси борлиги аниқ, лекин ясаш асосини аниқлаш қийин. Баъзи олимлар бу асосни қадимги туркий тилдаги 'ишҳақи', 'мукофот' маъносини англатган **йал** отига боғлайди (ЭСТЯ, IV, 102). Бизнингча, бу ерда ясаш асоси вазифасини қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'таъминлан–' маъносини англатган **йал–** феъли бажарган бўлиши керак, шунда **–чы** қисми 'бироз' маъносини ифодаловчи қўшимча бўлиб чиқади.

ЙОЛҚИН 'аланга', 'йаллиғ'. ***Шох ўтиннинг .. й о л қ и н и қорайган кўчага шуъла сочмоқда*** (Парда Турсун). Бу от қадимги туркий тилдаги 'ён–', 'аланга ол–' маъносини англатган **йал–** феълининг (Девон, III, 70) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қы** қўшимчасини олган шаклидан **–н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 107); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йал– + қы = йалқы–) + н = йалқын > йâлқин.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙОЛҒИЗ 'бир ўзи', 'якка', 'танҳо'. ***Шубҳали ё л ғ и з йўловчи кетганича кўринмади-қўйди*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз қадимги туркий тилдаги кўп маъноли **йалың** сифатининг 'якка', 'бошқалардан холи' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 105) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(у)з** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 98), қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 229), сўнгра **ң** ундоши **ғ** ундошига алмашган (ДС, 228); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **ы** унлисига алмашган, охири **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йалың + уз = йалыңуз > йалңуз > йалғуз > йâлғиз.**

ЙОЛҒОН 'ҳақиқатга тўғри келмайдиган', 'чин бўлмаган'. ***Қайси ноинсоф топиб келди сизга бу ё л ғ о н гапни?*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'алдам–қалдам гаплар' маъносини англатган **йал** отидан (ЭСТЯ, IV, 92) **–ға** қўшимчаси билан ясалган феълга **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(йал + ға = йалға–) + н = йалған > йâлғâн.**

ЙОЛҒОНДАКАМ 'ҳақиқий бўлмаган', 'сохта'. ***У ўзини ё л ғ о н д а к а м уйқуга солиб мудрагандай ўтирган экан*** (Ойбек). Бу сўз ўзбек тилида **йâлғâн** сифатининг 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи **–дäкä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–м** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(йâлғâн + дäкä = йâлғâндäкä) + м = йâлғâндäкäм.**

ЙОЛҒОН–ЙАШИҚ 'сохта ва яширин'. ***[Отабек] Зайнабнинг ё л ғ о н – я ш и қ гаплар билан Кумуш юрагига ўт ёққанини пайқади*** (Абдулла Қодирий). Бу жуфт сифатнинг иккинчи қисми ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди. Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'ўзгалар назаридан холи бўл–' маъносини англатган **йаш–** феълидан (Девон, III, 68; ДС, 246) **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йаш– + ық = йашық > йäшиқ.**

ЙОМОН 'сифати паст', 'салбий белги–хусусияти бор'. ***Ё м о н отга ёл битмас*** (Мақол). Қадимги тур–

www.ziyouz.com kutubxonasi

кий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **йаман** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 384; Девон, III, 36; ДС, 230); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **йаман > йâмâн.**

ЙОМҒИР 'томчи ҳолатидаги ёғин'. ***Ўтган булутдан ё м ғ и р кутма*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'осмондан ёғин шаклида тушиб тур–' маъносини англатган **йағ–** феълидан (ПДП, 383; Девон, III, 68; ДС, 223) **–мур** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 57); қадимги туркий тилдаёқ **ғм** ундошлари ўрин алмашган (Девон, III, 45), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йағ– + мур = йағмур > йамғур > йâмғир.** Ўзбек тилининг айрим шеваларида бу сўз **йâғмур, йâнғир** тарзида ҳам талаффуз қилинади; **йâғмур** тарзида талаффуз қилишда ундошлар ўрин алмашмайди; **йâнғир** тарзида талаффуз қилишда эса **ғм** ундошлари ўрин алмашиб, **м** ундоши **н** ундошига алмашади.

ЙОН 'гавданинг ўнг ёки чап томони'. ***[Отабек] ўнг ё н и н и босиб кўрпага бурканди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда 'сон суяги' маъносини англатиб (Девон, III, 175), кейинчалик 'тараф', 'томон' маъносини англата бошлаган бу от (ДС, 231) асли **йа:н** тарзида талаффуз қилинган, кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 231), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:н > йан > йâн.** Бу сўз **йâқ** сўзига қиёсланиб, **–н , –қ** қисми қўшимча экани таъкидланади, лекин **йâ (< йа:)** қисмининг маъноси изоҳланмайди.

ЙОН– 'ўт ол–'. ***Қуруқ ўтин бир зумда ловуллаб ё н и б к е т д и*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йан–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 72); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йан– > йâн–.** Бу сўзни **йақ–** сўзига қиёслаб, улар охиридаги **–н , –қ** қисмлари қўшимча экани таъкидланади (ЭСТЯ, IV, 112); (**–н** қўшимчаси ўзлик маъносини, **–қ** қўшимчаси орттирма маъносини ифодалашга хизмат қилади).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙОНБОШ 'гавданинг ўнг ёки чап томонининг бошланиш қисми'. ***Нимагадир бугун ё н б о ш и м оғриб турибди.*** Бу от **йân** отига 'бошланиш' маъносини англатиб келган **бâш** сўзини қўшиб тузилган (ЭСТЯ, IV, 117): **йân + бâш = йânбâш.**

ЙОНДАМАСИГА 'ёни билан', 'кўндалангига'. ***"Универсал" эгатларни ё н д а м а с и г а кеса кетди*** (Ш. Ғуломов). Бу равиш ўзбек тилида **йân** отига **–дä (< –лä)** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–мä** қўшимчаси билан ясалган отга **–си** эгалик қўшимчасини ва **–гä** жўналиш келишиги қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **[(йân + дä = йândä–) + мä = йândämä] + си + гä = йândämäсигä.**

ЙОНДАШ– 'бироз яқинига кел–', 'яқинлаш–'. ***Яхшига ё н д а ш, ёмондан қоч*** (Мақол). Бу сўз ўзбек тилида **йân** отидан **–дä (< –лä)** қўшимчаси билан ясалган феълга 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(йân + дä = йândä–) + ш = йândäш–.** Бу феълни **йândâш** сифати таъсирида **йândâш–** деб хато талаффуз қилиш ва ёзиш учрайди.

ЙОНДОШ 'ёнма–ён жой олган'. ***Йўлга ё н д о ш анҳор шовуллаб оқиб ётарди*** (Шукур Холмирзаев). Бу сифат ўзбек тилида **йân** отидан **–дâш** қўшимчаси билан ясалган: **йân + дâш = йândâш.**

ЙОНДОШ– қ. **йондаш–**

ЙОНИ–ВЕРИ 'яқин атроф'. ***Ё н и – в е р и м г а қ а р а с а м, бизникилар йўқ, ҳамма кетиб қолибди*** (Шуҳрат). Жуфт сўз шаклида ёзиш одат тусига кирган бу сўзнинг биринчи қисми **йân** оти ва **–у** боғловчисидан иборат бўлиб, асли **йân–у** тарзида ёзиш лозим; бу ўринда **–у** боғловчиси **–и** талаффуз қилина бошлагани–дан кейин **йân** сўзига қўшилиб кетган. Бу жуфт сўзнинг иккинчи қисми **бери** сўзи бўлиб, бу сўз бошланишидаги **б** ундоши **в** ундошига алмашган: **йân–у бери > йâни–бери > йâни–вери.** ЎТИЛга бу сўз **ёни–вер** шаклида хато киритилган (Луғат тузувчи **вери** қисми охиридаги **и** ун–лисини эгалик қўшимчаси деб тушуниб, ташлаб юбор–ган).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙОНИЛҒИ 'суюқ ёқилғи'. ***Дмитрий душманнинг иккита ё н и л ғ и базасини портлатган*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу от **йăн–** феълининг **–(и)л** мажҳул нисбат қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–ғи** қўшимчаси билан ясалган: **(йăн– + ил = йăнил–) + ғи = йăнилғи.** Асли ўтимсиз бўлган **йăн–** феълига мажҳул нисбат қўшимчаси қўшилмайди; бу ердаги ҳолат **йăқилғи** сўзидан андоза олингани сабабли воқе бўлган.

ЙОНОҚ 'юзнинг бўртиқ қисми'. *[Башоратнинг] .. қошлари қуюқ, қалин; юм–юмалоқ ё н о қ л а р и ҳамиша қизил* (Асқад Мухтор). Бу сўз 'тараф' маъно–сини англатган **йан** сўзига кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган деб изоҳланади (ЭСТЯ, IV, 123): **йан + ақ.** Девонда бу сўз **йаңақ** шаклида берилиб, 'ҳар нарсанинг ёни' маъно–сини англатиши таъкидланган (Девон, III, 386). Қадимги туркий тил луғатида эса бу сўз 'юзнинг бўртиқ қисми' деб таърифланган (ДС, 233). Маъно таърифларидаги ҳар хилликдан қатъий назар, **йаң** сўзи охиридаги **ң** товуши **н** товушига айланганини изоҳлаш қийин (Балки қадимги туркий тилда бу от **йан** шаклида ҳам мавжуд бўлгандир).

ЙОНЧИҚ 'ҳамён', 'халтача' (оз ишлатилади). *Ҳо–мид ё н ч и ғ и н и чиқариб, бир қўлидан иккинчи қўлига олтинларни санаб тушира берди* (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда 'гавданинг ўнг ёки чап томони' маъносини англатган **йан** отидан кич–райтириш маъносини ифодаловчи **–чуқ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 118; Девон, III, 52); қадимги туркий тилдаёқ бу сўз **йанчық** тарзида ҳам талаффуз қилинган (ДС, 232); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йан + чуқ = йанчуқ > йанчық > йânчиқ.**

ЙОНҒОҚ 'меваси юмалоқ қаттиқ қобиққа ўралган кўп йиллик дарахт'. *Адолат чироқларни ёқиб юбориб, ё н ғ о қ тагидаги супага жой қилди* (Ибраҳим Ра–ҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони анг–латган бу сўз асли **йағақ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 36). Бу сўз 'мой' маъносини англатувчи **йағ** отидан 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ҳосил қилинган деб талқин этилади (ЭСТЯ, IV, 59): **йағ + ақ = йағақ.** Бу сўзни **йағ** отидан **–а** қўшимчаси билан феъл ясалган ва ундан **–қ** қўшимчаси билан от ясалган деб талқин этиш ҳам мумкин: **(йағ + а = йаға–) + қ = йағақ.** Ўзбек тилидаги **йâнғâқ** сўзида асли **йағ** оти– дан **–на** қўшимчаси билан феъл ясалган ва ундан **–қ** қўшимчаси билан от ясалган деб изоҳлаш мумкин; ке– йинчалик **ғн** ундошлари ўрин алмашган, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(йағ + на = йағна–) + қ = йағнақ > йанғақ > йâнғâқ.**

ЙОНҒИР қ. **йомғир**

ЙОП– I 'беркит–'. *[Қутидор] дарвозани ё п и б, шилдир–шилдир занжирларини боғлай бошлади* (Аб– дулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу кўп маъноли феъл **йап–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 384; ЭСТЯ, IV, 127); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йап– I > йâп– I.**

ЙОП– II 'тандирда пишир–'. *У қайроқ буғдой унидан ёғлиқ патир, сомса ё п ғ и, қатлама пи– ширди* (Иброҳим Раҳим). Бу феъл қадимги туркий тилда, бошқа маънолар қатори, 'ёпиштир–' маъносини анг– латган (Девон, III, 65), 'тандирда пишир–' маъноси кейин ўсиб чиққан; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига ал– машган: **йап– II > йâп– II.**

ЙОПИНЧИҚ 'ёпиниб юриладиган буюм'. *Ёз ё п и н ч и ғ и н г н и қўйма, қишда ўзинг биласан* (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'беркит–' маъ– носини англатувчи **йап– I** феълидан (Девон, III, 65; ДС, 235) **–(ы)н** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чық** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йап– + ын = йапын) + чық = йапынчық > йâпинчиқ.** Бу сўз **йâпин– чâқ** шаклида ҳам ишлатилади.

ЙОПИНЧОҚ қ. **йопинчиқ**

ЙОПИРИЛ– 'ташлан–'. *Болалар қулупнайга ё п и– р и л ғ и.* Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ёпиштир–' маъносини англатган **йап– III** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(у)р** қўшимчасини ва 'ўзлик'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини ифодаловчи **–(у)л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДСда бу қўшимчалар орттирма ва мажҳул нисбат қўшимчалари деб нотўғри талқин қилинган: 236–бет); қадимги туркий тилда иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **йапрулды** (Девон, III, 117); ўзбек тилида бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги унли сақланган, **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлилари **и** унлилаларига алмашган: **(йап– + ур = йапур–) + ул = йапурул– > йâпирил–.**

ЙОПИШ– 'елимлаш–', 'тирмаш–', 'бир–бирига зич тегиб тур–'. ***Йигит бирдан .. орқаси билан деворга ё п и ш д и*** (Асқад Мухтор). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ёпиштир–' маъносини англатган **йап– III** феълига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(у)ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 237); қадимги туркий тилдаёқ бу сўз **йапыш–** тарзида ҳам талаффуз қилинган (Девон, III, 77); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йап– + уш = йапуш– > йапыш– > йâпиш–.**

ЙОПИҚ I 'берк', 'ёпилган'. ***Кечаси .. Марғилон дарвозаси ё п и қ б ў л а д и*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз эски ўзбек тилида 'беркит–' маъносини англатувчи **йап–** феълидан сифат ясовчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 128; КРС, 209); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йап– + ық = йапық > йâпиқ.**

ЙОПИҚ II 'иш ҳайвони устига ёпиладиган мато'. ***Сайслар .. отлар устидаги ё п и қ л а р н и ва тўқимларни олиб, ҳалиги тол дарахти остига ёзганлар*** (Садриддин Айний). Бу сўз асли **йап– I** феълидан от ясовчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 128); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йап– + ық = йапық > йâпиқ.**

ЙОР– 'кесиб, чопиб бўлакларга ажрат–', 'бўл–'. ***Кимдир қарс–қарс ўтин ё р а д и*** (Сайид Аҳмад). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **йа:р–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 135), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ПДП, 385; Девон, III, 65; ДС, 239); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:р– > йар– > йâр–.**

ЙОРИ– 'ёруғ ҳолатга кел–'. ***Шам нуридан хона ичи ё р и д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда нурла– нишни ифодалаган **йар** тасвир сўзидан **–ы** қўшимча– сининг **–у** шакли билан ясалган (ДС, 243), кейинроқ **у** унлиси **ы** унлисига (ЭСТЯ, IV, 134), ўзбек тилида **а** ун– лиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йар + у = йару– > йары– > йâри–.**

ЙОРИҚ 'ёрилган', 'дарз кетган'. ***Бозорда ё р и қ қовунларни ярим баҳосига сотиб юборишади.*** Бу си– фат қадимги туркий тилда 'ажрат–' маъносини англатган **йа:р–** феълининг **йар–** шаклидан **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 385: **йар–уқ**; Девон, III, 22), кейинчалик **у** унлиси **ы** унлисига (ЭСТЯ, IV, 136), ўзбек тилида **а** ун– лиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йар– + уқ = йаруқ > йарық > йâриқ.**

ЙОРЛАҚА– 'меҳр–шафқат кўрсат–', 'гуноҳини кечир–'. ***Сиз менинг бу хатимни ўқиб, гуноҳларимни ё р л а қ а б т у р г а н кезларингизда ..*** (Абдулла Қодирий). Бу феъл қадимги туркий тилда 'ваколат ҳужжати', 'кўрсатма' маъносини англатувчи **йарлығ** отининг **йарлық** шаклидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 20; ДС, 242); кейинчалик иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **а** унлисига (ДС, 242), ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, кейинги бўғиндаги **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йарлық + а = йарлықа– > йарлақа– > йâрлäқä–.**

ЙОРЛИҚ 'ваколат ҳужжати', 'бирор нарса ҳақида маълумот берувчи ҳужжат'. ***Тўранинг хондан икки юз таноб ерга ё р л и қ олгани бежиз эмас*** (Жуманиёз Жабборов). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'хабар' маъносини англатган **йар** отидан (ЭСТЯ, IV, 18) **–лығ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 19), кейинроқ **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган (ПДП, 385; КРС, 235); ўз– бек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йар + лығ = йарлығ > йарлық > йâрлиқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙОРТИ 'ярим'. *Ёмондан ё р т и қошиқ* (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ажрат–' маъносини англатган **йа:р–** феълидан **–ты** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 145), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 54: **йар–** + **ты** + **м**; КРС, 236); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йа:р–** + **ты** = **йа:рты** > **йарты** > **йâрти.** Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида кўпинча **йâрим–йâрти** жуфт сўзи таркибида ишлатилади.

ЙОРУҒ I 'нур', 'ёғду'. *Гуломжон ўчоқдаги ўт ё р у ғ и д а қомати хирагина кўриниб турган дўстини қучоқлади* (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ёруғ ҳолатга кел–' маъносини англатган **йару–** феълидан (ДС, 243) от ясовчи **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 135; ПДП, 385: **йару–қ**; Девон, III, 22; ДС, 244); кейинчалик **қ** ундоши **ғ** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йару–** + **қ** = **йаруқ** > **йаруғ** > **йâруғ.**

ЙОРУҒ II 'нурли'. *Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши й о р у ғ* (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ёруғ ҳолатга кел–' маъносини англатган **йару–** феълидан (ДС, 243) сифат ясовчи **–қ** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **қ** ундоши **ғ** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йару–** + **қ** = **йаруқ** > **йаруғ** > **йâруғ.** Девонда бу сифат келтирилмаган, ДСда эса 'нур' маъносини англатувчи **йаруқ** сўзининг иккинчи маъноси сифатида берилган (ДС, 244).

ЙОРҚИН 'очиқ нурли', 'равшан'. *Қуёш чиқиб, анҳор ёқасидаги толларни олтинлатган, тоза, ё р қ и н ҳаво кўзни қамаштиради* (Ойбек). Бу сифат эски ўзбек тилида нурланишни ифодалаган **йарқ** тасвир сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган феълга (КРС, 235) **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, IV, 135; КРС, 235); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йарқ** + **ы** = **йарқы–)** + **н** = **йарқын** > **йâрқин.**

ЙОРҒУЧОҚ 'дон янчиш, ун тортиш учун хизмат қиладиган хонаки асбоб', 'қўл тегирмон'. *[Ниёзмурод] куни бўйи ё р ғ у ч о қ айлантирди* (Мирмуҳсин). Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўз эски ўзбек тилида 'бўлакларга ажрат–' маъносини англатувчи **йар–** феълидан **–ғу** қўшимчаси билан ясалган отта кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чақ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(йар– + ғу = йарғу) + чақ = йарғучақ > йârғучâқ.**

ЙОСТИҚ 'бош остига, ёнбошга қўйиб ётиш учун хизмат қиладиган юмшоқ буюм'. *У ё с т и қ қ а суянганича анча вақт сукунатга кетди* (Ҳамид Ғулом). Бу от қадимги туркий тилда 'узала туш–' маъносини англатувчи **йат–** феълининг 'мойиллик', 'исташ' маъносини ифодаловчи **–сы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **тс** ундошларининг ўрни алмашган (ЭСТЯ, IV, 155), **қ** ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **ы** унлиси **у** унлисига (Девон, III, 50), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йат– + сы = йатсы–) + қ = йатсық > йастық > йастуқ > йâстиқ.**

ЙОТ 'бегона'. *Қадр билмас қариндошдан қадр билган ё т яхши* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **йа:т** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 158), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 386; Девон, III, 174; ДС, 247); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:т > йат > йât.** Бу сўзни **йав** сўзига қиёслаб, улар охиридаги **–в, –т** қисмлари қўшимча бўлса керак дейилади (ЭСТЯ, IV, 158), лекин **йа:–** қисми қандай маъно англатиши аниқ айтилмайди (Бу қисм 'қарши томонда бўл–' маъносини англатган феъл бўлса керак).

ЙОТ– 'ер бағирлаб чўзил–', 'узала туш–'. *Ҳасанали секингина дарича остига ё т и б , ҳужра ичига қулоқ солди* (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йат–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 386; Девон, II, 362; ДС, 247); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йат– > йât–.** Бу феълни **йай–** феълига қиёслаб, улар охиридаги **–т , –й** қисмлари қўшимчага тенг деган фикр айтилади (ЭСТЯ, IV, 157), лекин уларнинг ва улар қўшилган асоснинг маъноси аниқ таърифланмайди (**йа–** қисми 'йўнал–'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатган бўлиб, **–т** қисми 'юқоридан пастга', **–й** қисми 'ёнга' йўналишни ифодалаган бўлса керак).

ЙОШ I 'қайғу ёки севинч таъсирида кўз безлари–дан ажралиб чиқадиган тиниқ суюқлик'. ***Ҳаётнинг ўнг ёноғига бир томчи иссиқ ё ш тўкилди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йа:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 162), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 386; Девон, III, 174; ДС, 246); ўзбек ти–лида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:ш > йаш > йâш.** Бу сўз асли 'нам' маъносини англатган: **көз йашы** ('кўзнинг нами') → **йаш** ('кўздан ажралиб чиқадиган суюқлик').

ЙОШ II 'яқинда вужудга келган', 'ҳали кўп яша–маган'. *.. ё ш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар* (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат **йа:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 162), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 386; ДС, 245); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:ш > йаш > йâш.**

ЙОШ III 'бир йилга тенг умр'. ***Мен йигирма уч ё ш и м д а уйландим.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йа:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 162), кейинроқ **а:** унлисининг чў–зиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 386; Девон, I, 307; ДС, 245); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:ш > йаш > йâш.**

ЙОШАР қ. **йашар**

ЙОҚ 'томон'. ***Майин тонг шабадаси ранг–баранг гулларни секин тебратиб , атирларини ҳар ё қ қ а сепади*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йа:қ** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 82), кейинроқ **а:** унлисининг чў–зиқлик белгиси йўқолган (ДС, 237); ўзбек тилида **а** ун–лиси **â** унлисига алмашган: **йа:қ > йақ > йâқ.** Бу сўз **йâн** сўзига қиёсланиб, улар охиридаги **–қ, –н** қисмлари қўшимча экани таъкидланади (ЭСТЯ, IV, 82), лекин **йа** қисмининг маъноси изоҳланмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙОҚ– I 'аланга ҳосил қил–'. ***Ҳовлига олов ё қ и б, чилдирмангни қизит*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йа–** асосига **–қ** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган дейилади (ЭСТЯ, IV, 82); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа– + қ = йақ– > йâқ–.**

ЙОҚ– II 'дидга, таъбга маъқул туш–'. ***Қуруқ гап қулоққа ё қ м а с*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йа–** асосига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган дейилади (ЭСТЯ, IV, 81); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа– + қ = йақ– > йâқ–.** Бу феъл асли 'яқин бўл–' маъносини англатган, 'дидга, таъбга маъқул туш–' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан.

ЙОҚА I 'қирғоқ', 'бўй', 'соҳил'. ***Элгелди қамишзорни оралаб кўл ё қ а с и г а чиқди*** (Асқад Мухтор). Бу от қадимги туркий тилдаги 'яқинлаш–' маъносини англатган **йақ–** феълидан (ПДП, 384; Девон, III, 70, ДС, 237) **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 83); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йақ– + а = йақа > йâқä.**

ЙОҚА II 'кийимнинг бўйин атрофида жойлашган қисми'. ***[Қори] ё қ а с и н и катта очиб, кўкрагига уч марта туфлади*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу от қадимги туркий тилдаги 'яқинлаш–' маъносини англатган **йақ–** феълидан (ПДП, 384; Девон, III, 70, ДС, 237) **–а** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 384; ДС, 237); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йақ– + а = йақа > йâқä.** Маҳмуд Кошғарий луғатида бу сўз келтирилган–у, лекин 'қирғоқ' маъносини англатувчи сўз келтирилмаган. Ҳозирги ўзбек тилида икки сўз деб қаралаётган **йâқä I** ва **йâқä II** асли бир сўзнинг маънолари бўлиб чиқса керак.

ЙОҚАЛАШ– 'ёқа бўғиш–', 'муштлаш–'. .. ***баъзан болалар бир–бирларининг гўштларини егудек ё қ а л а ш с а л а р ҳам, ҳеч ким билмайди*** (Ойбек). Бу феъл ўзбек тилида 'кийимнинг бўйин атрофида жой–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашган қисми' маъносини англатувчи **йâқä** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган феълга биргалик маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(йâқä + лä = йâқälä–) + ш = йâқäläш–.**

ЙОҚИЛҒИ 'ёқиладиган модда, жисм'. ***Биз материалларни, ё қ и л ғ и н и, вақтни тежаш билан жуда кўп маблағ тўплашимиз мумкин*** (Асқад Мухтор). Бу от ўзбек тилида 'аланга ҳосил қил–' маъносини англатувчи **йâқ–** феълининг **–(и)л** мажҳул нисбат қўшимчасини олган шаклидан **–ғи** қўшимчаси билан ясалган: **(йâқ– + ил = йâқил–) + ғи = йâқилғи.**

ЙОҚИМЛИ 'истараси иссиқ', 'кишини ўзига тортадиган', 'дидга ёқадиган'. ***Кичик неварангиз ё қ и м л и бола бўлибди.*** Бу сифат эски ўзбек тилида 'дидга, таъбга маъқул туш–' маъносини англатувчи **йâқ–** феълидан **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган отга **–ли** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(йâқ– + им = йâқим) + ли = йâқимли.** Худди шундай тузилишли **тойимли, йуқумли** каби баъзи сўзларда бўлганидек, **йâқимли** сўзида ҳам **йâқим** қисми мустақил ишлатилмайди; **йâқимли** сўзини **йâқимтâй** сўзи билан қиёслаганда **йâқим** қисми аниқ ажралади.

ЙОҚИМТОЙ 'истараси иссиққина', 'жозибали'. ***[Расмда] ..бири биридан ё қ и м т о й уч бола беғубор кулиб турарди.*** Бу сифат ўзбек тилида 'дидга, таъбга маъқул туш–' маъносини англатувчи **йâқ–** феълидан **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган отга 'илиқ муносабат' маъносини ифодаловчи **–тâй** қисмини қўшиб ҳосил қилинган: **(йâқ– + им = йâқим) + тâй = йâқимтâй.**

ЙОҚЛА– 'тарафини ол–', 'қувватла–'. ***У мажлисда директорнинг фикрини ё қ л а б гапирди.*** Бу феъл ўзбек тилида 'томон' маъносини англатувчи **йâқ** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **йâқ + лä = йâқлä–.**

ЙОҒ 'мой модда'. ***Хотин–қизлар кув пишиб, ё ғ ажратмоқда*** (Садриддин Айний). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йа:ғ** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 59), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 175; ДС, 223); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йа:ғ >**

www.ziyouz.com kutubxonasi

йағ > йâғ. Бу сўз асли 'мой ажрат–' маъносини англатган **йа:–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган дейилади (ЭСТЯ, IV, 59).

ЙОҒ– 'томчи ёки зарра ҳолатида ҳаводан узлуксиз тушиб тур–'. ***Қор кучли ё ғ а р д и*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йағ–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 383; Девон, III, 68; ДС, 223); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йағ– > йâғ–.**

ЙОҒДУ 'ёруғлик', 'нур' (кўтаринки). ***Кўтарилиб келаётган қуёшнинг ё ғ д у с и .. зумрад водийни зарга кўма бошлади*** (Назир Сафаров). Бу от эски ўзбек тилида 'аланга ҳосил қил–' маъносини англатувчи **йақ–** феълидан (ЭСТЯ, IV, 82) **–ду** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 62); **д** ундоши таъсирида **қ** ундоши **ғ** ундошига, кейинроқ **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йақ– + ду = йақду > йағду > йâғду.**

ЙОҒИН 'булутдан ёмғир, қор, дўл тарзида тушадиган намлик'. ***Сўри остидаги супанинг четлари ё ғ и н б и л а н нураб, устидан бир неча жойи узун–узун ёрилган эди*** (Абдулла Қодирий). Бу от эски ўзбек тилида 'томчи ёки зарра ҳолатида ҳаводан узлуксиз тушиб тур–' маъносини англатган **йағ–** феълидан **–(ы)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 57); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йағ– + ын = йағын > йâғин.**

ЙОҒЛОҒИ 'чўмичга ўхшаш, лекин ундан каттароқ рўзғор буюми'. ***[Раъно] .. ўртаси хинадай сарғайиб кетган галстукни ё ғ л о ғ и д а г и сувга тиқиб, акасига айбдорларча қаради*** (Ҳаким Назир). Бу сўз ўзбек тилида **йâғ** оти билан 'қиздирилган' маъносини англатувчи **дâғ** сўзининг бирлашувидан юзага келган, бирлашув **–и** эгалик қўшимчасини қўшиш билан тугалланган; кейинчалик **д** ундоши **л** ундошига алмашган: **(йâғ + дâғ = йағдâғ) + и = йағдâғи > йâғлâғи.** Бу сўзни **йâғ** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган феълдан **–ғи** қўшимчаси билан ясалган, **ä** унлиси **â** унлисига алмашган деб изоҳлаш ҳам мумкин: **(йâғ + лä = йâғлä–) + ғи = йâғлäғи > йâғлâғи.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙОҒМИР қ. **йомғир**

ЙОҒОЧ 'кесилган дарахтнинг танаси'. ***Эсимда Анҳорнинг ё ғ о ч кўприги, Бу ерни азалдан дейишган Ўрда*** (Мақсуд Шайхзода). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ўсимлик' маъносини англатган **ы** отидан (ДС, 216) 'катта' маъносини ифодаловчи **–ғач** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 72), кейинроқ сўз бошланишига **й** ундоши қўшилган (Девон, III, 15; ДС, 265), сўнгра айрим туркий тилларда **й** ундошидан кейинги **ы** унлиси **а** унлисига алмашган (ПДП, 283), ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **ы + ғач = ығач > йығач > йағач > йâғâч.**

ЙУБОР– 'нарса ёки кимсани бирор жойга йўлла–'. ***Укангни бувимдан хабар олиб келишга ю б о р д и м.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'орқама–орқа юр–' маъносини англатган **ий–** феълининг (ДС, 205; ЭСТЯ, I, 332) **–е** (< **–а**) равишдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклига ҳаракатнинг кетма–кет бажарилишини билдирувчи **бар–** || **бер–** ёрдамчи феълини қўшиб тузилган (ЭСТЯ, I, 323); кейинчалик **е** унлиси талаффуз қилинмай қўйган; сўз бошланишидаги **ий** товушлари ўрин алмашган (ПДП, 387; ДС, 260); ўзбек тилида **б** ундошининг таъсири билан **а** унлиси **â** унлисига, **и** унлиси **у** унлисига алмашган: **(ий– + е = ийе) + бар = ийебар– > ийбар– > йибар– > йубар– > йубâр–.**

ЙУВ– 'сув билан ишқаб тоза қил–'. ***Ҳаёт қозонни ю в д и – ю, қопқоғини ёпиб, кириб кетди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **йу:–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 238), кейинроқ **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 74; ДС, 277); ўзбек тилида **йу–** очиқ бўғини **в** ундоши билан ёпиқ бўғинга айлантирилган: **йу:– > йу– > йув–.**

ЙУВОШ 'шўхлик қилмайдиган', 'мўмин–қобил'. ***Дадам жуда ю в о ш, ширин сўз чол эди*** (Ойбек). Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'тинчлантир–' маъносини англатган **йава–** феълидан (ДС, 248: **йава + л** 'успакаиваться') **–ш** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 52; Девон, III, 18; ДС, 248); ўзбек тилида **в**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундошининг таъсири билан биринчи бўғиндаги **а** унлиси **у** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йава– + ш = йаваш > йувâш.** Сўзлашув нутқида бу сўз **йâввâш** тарзида талаффуз қилинади, бунда **в** ундоши қатланади, **а** унлилари **â** унлиларига алмашади: **йава– + ш = йаваш > йавваш > йâввâш.**

ЙУВУНДИ 'идиш–товоқни ювганда овқат қолдиқлари аралаш ҳосил бўладиган ифлос сув'. *.. бойнинг ичкарисидан салқит, ю в у н д и ва бошқа нарсалар чиқиб туради* (Ғафур Ғулом). Бу сўз эски ўзбек тилида **йув–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(у)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан сифатдош ясовчи **–ды** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йув– + ун = йувун–) + ды = йувунды > йувунди;** маъно тараққиёти натижасида бу сифатдош отга кўчган.

ЙУВУҚЧИ қ. **ювғучи**

ЙУВҒУЧИ 'мурдани ювиб, кафанлайдиган киши'. *Унинг ҳайратда очиқ қолган оғиз ва кўзларини ю в ғ у ч и тахтада юмди* (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида **йув–** феълининг **–ғу** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шаклидан шахс оти ясовчи **–чы** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йув– + ғу = йувғу) + чы = йувғучы > йувғучи.** Сўзлашув нутқида бу сўз **ювуқчи** тарзида айтилади, бунда **ғу** товушлари ўрин алмашиб, **ғ** ундоши **ч** ундошининг таъсири билан **қ** ундошига алмашади: **йувғучи > йувуғчи > йувуқчи. Йувуқчи** сўзини бошқача талқин этиш ҳам мумкин: **йув–** феълидан **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган отга шахс оти ясовчи **–чи** қўшимчаси қўшилган: **(йув– + уқ = йувуқ) + чи = йувуқчи.**

ЙУГАН 'иш ҳайвонини бошқариш учун бошига солинадиган, сувлиқ, тизгин, қайиш тасмалардан иборат абзал'. *Унинг қўли ю г а н д а, кўзлари ерда, отага қараёлмас эди* (Ҳамид Ғулом). Бу от қадимги туркий тилдаги 'бирлаштир–', 'йиғ–' маъносини англатган **йўқ–** феълидан (ДС, 285) **–(ў)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 577), қўшимча қўшилганидан кейин икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига (Девон, III, 377), ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги ў унлиси **ä** унлисига алмашган, биринчи бўғиндаги ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йўк– + ўн = йўкўн > йўгўн > йўгän > йугän.**

ЙУГУР– 'чоп–', 'ирғишлаб бирор йўналишда тез ҳаракат қил–'. ***Бузоқнинг ю г у р г а н и сомонхона–гача*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йўгўр–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 390; Девон, III, 76; ДС, 284); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йўгўр– > йугур–.** Маҳмуд Кошғарий бу феъл 'қаттиқ чоп–' маъносини англатишини таъкидлайди (Девон, III, 76).

ЙУГУРДАК 'ҳар хил юмушларни югуриб–елиб бажариб турадиган одам'. ***У сўрамаса ҳам, чойхона–чининг ю г у р д а г и чой қўйиб кетди*** (Ойбек). Бу от ўзбек тилида **йугур–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–дä (–лä)** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган: **(йугур– + дä = йугурдä–) + к = йугурдäк.**

ЙУГУРИК 'тез чопадиган', 'чопқир'. ***Кепак еган от ю г у р и к бўлмас*** (Мақол). Бу сифат қадимги туркий тилда **йўгўр–** феълидан **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 258; ДС, 285); ўзбек тилида учинчи бўғиндаги ў унлиси **и** унлисига алмашган, ў унлилари–нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йўгўр– + ўк = йўгўрўк > йўгўрик > йугурик.** Маҳмуд Кошғарий бу сўзни **йўгрўк** тарзида келтиради (Девон, III, 52), бунда иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмаган бўлади.

ЙУЗ I 'бошнинг бурун, оғиз жойлашган олд қисми', 'афт'. ***Қизғин бўғувчи ҳаво ю з г а уради*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу кўп маъноли от дастлаб **йў:з** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 288), кейинроқ **ў:** унлисининг чўзиқлик белгиси (Девон, III, 156; ДС, 287), ўзбек тилида юм–шоқлик белгиси йўқолган: **йў:з > йўз > йуз.**

ЙУЗ II 'ўнта ўнликка тенг миқдор'. ***Эллик сўмлик пулларимни ю з сўмликларга алмаштириб олдим.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

от дастлаб **йў:з** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 260), кейинроқ **ў:** унлисининг чўзиқлик белгиси (Девон, I, 109; ДС, 288), ўзбек тилида юмшоқлик белгиси йўқолган: **йў:з > йўз > йуз.**

ЙУЗ– қ. **суз–**

ЙУЗА 'сирт', 'сатҳ', 'устки қисм'. ***Икки қуда ҳовли ю з а с и г а тушганда Кумуш саҳн бўйлаб юриб турар эди*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда **йў:з** отининг 'ташқи томон' маъносидан (ЭСТЯ, IV, 259) **–ä** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак; кейинроқ **ў:** унлисининг чўзиқлик белгиси, ўзбек тилида юмшоқлик белгиси йўқолган: **йў:з + ä = йў:зä > йўзä > йузä.**

ЙУЗАКИ 'асосли бўлмаган', 'чуқур ўрганилмаган'. ***Масалага ю з а к и ёндашиб хулоса чиқарилган.*** Бу сифат эски ўзбек тилида **йўз** отининг 'сирт', 'ташқи томон' маъносидан **–äки** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йўз + äки = йўзäки > йузäки.** Бу сўзни **йўзä** отига **–ки** қўшимчасини қўшиб ясалган деб талқин этиш ҳам мумкин: **йўзä + ки = йўзäки > йузäки.**

ЙУЗАЛАБ 'усти бўйлаб'. ***Оқчорлоқ галалари сув ю з а л а б безовта қийқириб учишди*** (Асқад Мухтор). Бу сўз ўзбек тилида **йузä** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган феълнинг **–б** равишдош қўшимчасини олган шаклига тенг бўлиб, шу шаклида равишга кўчган; кейинчалик **–лä** ва **–б** қўшимчалари яхлитланиб, равиш ясовчисига айланган, шунга кўра бундай тузилишли сўзлар ҳозирги ўзбек тилида қисмларга **йузä + лäб** тарзида ажратила бошлаган.

ЙУЗУК қ. **узук**

ЙУК 'ташиб борилиши лозим нарсалар йиғими'. ***Бой шаҳарга бироз ю к туширган эди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йўк** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 10; ДС, 285); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йўк > йук.** Бу сўз қадимги туркий тилда 'тўпла–', 'йиғ–' маъносини англатган **йў–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган деб изоҳлаш мавжуд (ЭСТЯ, IV, 263).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙУКСАК 'баланд', 'юқори', 'олий'. ***Ўз меҳнати билан ю к с а к мукофотга сазовор бўлди.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'тўпла–' маъносини англатувчи **йўк–** феълининг (ДС, 285) исм эши бўлган **йўк** отидан (ЭСТЯ, IV, 264) 'истак' маъносини ифодаловчи **–сä** қўшимчасини қўшиб ясалган феълга (Девон, III, 321; ДС, 285) **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган (Девон, III, 53; ЭСТЯ, IV, 264); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(йўк + сä = йўксä–) + к = йўксäк > йуксäк.**

ЙУКСАЛ– 'баланд кўтарил–', 'тараққиётда юқори даражага ет–'. ***Саноатимиз кундан кунга ю к с а л – м о қ д а.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'тўпла–' маъно– сини англатувчи **йўк–** феълининг (ДС, 285) исм эши бўлган **йўк** отидан (ЭСТЯ, IV, 264) **–сä** қўшимчаси билан ясалган феълнинг (Девон, III, 321; ДС, 285) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчасини олган шаклига тенг (ЭСТЯ, IV, 264); ўзбек тилида ў унлисининг юм– шоқлик белгиси йўқолган: **(йўк + сä = йўксä–) + л = йўксäл– > йуксäл–.**

ЙУКУН– 'таъзим қил–','сажда қил–', 'илтижо қил–'. ***Шаҳзодалар бориб, ю к у н и б, айри–айри кўриш– дилар*** (Ойбек). Бу феъл қадимги туркий тилда 'тўпла–' маъносини англатган **йўк–** феълининг (ДС, 285) 'бук–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ў)н** қўшим– часи билан ҳосил қилинган бўлса керак; ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йўк– + ўн = йўкўн– > йукун–.**

ЙУЛ– 'силтов билан тортиб, узиб, суғуриб ол–'. ***Ота .. семиз, бўяб қўйгандай қизил ўтни ю л и б о л д и*** (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу кўп маъноли феъл **йул–** (ДС, 277) ва **йўл–** (Девон, III, 99: **йўлиди**) тарзида талаффуз қилинган, ҳозирги ўзбек тилига **йул–** талаф– фуз шакли етиб келган.

ЙУЛДУЗ 'кечаси осмонда нур сочувчи нуқта бўлиб кўринадиган коинот жисми'. ***Бугун ҳаво очиқ , ю л – д у з тўла осмон.*** Бу от қадимги туркий тилда нурла– нишни (ялтирашни) ифодаловчи **йалт, йулт** тасвир сў–

www.ziyouz.com kutubxonasi

зидан **ы** қўшимчасининг **–у** шакли билан ясалган феълга **–з** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, IV, 280; ПДП, 390); қўшимча қўшилганидан кейин **т** ундоши **д** ундошига алмашган (Девон, III, 47; ДС, 278): **(йулт + у = йулту–) + з = йултуз > йулдуз.**

ЙУЛҚИ– 'куч билан узиб ол–'. ***Ҳовузда қандайдир плакат сузарди, шамол ю л қ и б учирган бўлса керак*** (Асқад Мухтор). Бу сўз 'силтов билан тортиб, узиб, суғуриб ол–' маъносини англатувчи **йул–** феълининг (ДС, 277) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклига (Девон, III, 441) эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йул– + қ = йулқ–) + ы = йулқы– > йулқи–.**

ЙУЛҚИЛА– 'куч билан такрор–такрор узиб ол–'. ***Камолиддин нарироқда карракларнинг учини ю л қ и л а б олаётган нор туяга .. тикилади*** (С. Нуров). Бу сўз ўзбек тилида 'куч билан узиб, юлиб ол–' маъносини англатувчи **йулқи–** феълига 'такрор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **йулқи– + лä = йулқилä–.** Кўринадики, **йулқи–** феъли таркибидаги **–и** қўшимчасининг маъноси ('такрор') уқилмай кетгани худди шундай маънони ифодаловчи **–лä** қўшимчасини қўшишга йўл очган.

ЙУМ– 'кўз милкларини, лабларни бир–бирига тегиз–'. ***Домла дуони қироат билан кўзларини ю м и б узоқ ўқиди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йум–** ва **йўм–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 279, 286), ҳозирги ўзбек тилига **йум–** талаффуз шакли етиб келган.

ЙУМАЛА– 'доира шаклида айлан–'. ***Бир чойшаб анор ҳар томонга ю м а л а б кетди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'доира шаклида ҳаракат қил–' маъносини англатган **йум–** феълидан (ЭСТЯ, IV, 247) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** ва 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчалари билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** ун–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиларига алмашган: **(йум– + а = йума–) + ла = йумала– > йумäлä–.**

ЙУМАЛОҚ 'доира шаклидаги'. *[Эшикдан] ёш боланинг .. ю м а л о қ боши кўринди* (Суннатилла Анорбоев). Бу сифат эски ўзбек тилида **йумала–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **йумала– + қ = йумалақ > йумäлâқ.**

ЙУМДАЛА– 'чанг солиб тирна–'. *Ширмонхон чорпоядан сакраб тушиб, Адолатни ю м д а л а й к е т д и* (Саида Зуннунова). Бу сўз эски ўзбек тилида 'силтов билан тортиб, узиб, суғуриб ол–' маъносини англатувчи **йул–** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ма** ва 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаларини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 268); кейинчалик **лм** ундошлари ўрин алмашган ва учинчи бўғиндаги **л** ундошининг таъсири билан иккинчи бўғиндаги **л** ундоши **д** ундошига, охири **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(йул– + ма = йулма–) + ла = йулмала– > йумдала– > йумдäлä–.**

ЙУМРОНҚОЗИҚ 'ер остида ин қуриб яшаб, экинларга зарар келтирадиган кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон'. *Чайламиз ёнида ю м р о н қ о з и қ н и н г ини пайдо бўлиб қолди.* Бу қўшма от **йумрâн** ва **қâзиқ** сўзларидан тузилган. **Йумрâн** оти қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'беркит–' маъносини англатган **йум–** феълининг (ДС, 279) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(у)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–(а)н** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йум– + ур = йумур–) + ан = йумуран > йумран > йумрâн.** Бу қўшма сўз таркибидаги **қâзиқ** қисми асли қадимги туркий тилда 'ковла–' маъносини англатувчи **қаз–** феълидан (ДС, 439) **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (Девон, I, 363), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **қаз– + уқ = қазуқ > қâзиқ;** натижада 'қазувчи' маъносини англатувчи бу сифат 'қоқиб кири–

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиладиган ёғоч ёки темир' маъносини англатувчи **қâзиқ** оти билан шаклдош бўлиб қолган.

ЙУМУШ 'топшириқ', 'вазифа', 'хизмат'. ***Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз иши, ю м у ш и билан машғул*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз қадимги туркий тилда 'бирор ишни бажаришга даъват қил–' маъносини англатган **йум–** феълидан (ЭСТЯ, IV, 251) **–(у)ш** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 19; ДС, 280): **йум– + уш = йумуш.**

ЙУМША– 'юмшоқ ҳолатга кел–'. ***Азот билан ўғитланган ер ю м ш а й д и.*** Бу феъл қадимги тур– кий тилда мавжуд бўлиб, 'осонгина эзиладиган', 'қўл ботадиган' маъносини англатган **йум** сифатидан **–ша** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, IV, 252); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йум + ша = йумша– > йумшä–.**

ЙУМШОҚ 'қўл ботадиган', 'осон эзиладиган'. ***У беихтиёр тўшакдай ю м ш о қ майсазорга ўтириб қолди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сифат қадимги туркий тилда 'юмшоқ ҳолатга кел–' маъносини англатувчи **йум– ша–** феълидан (ПДП, 390; Девон, III, 321; ДС, 279) **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 390; Девон, III, 51; ДС, 279); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унли– сига алмашган: **йумша– + қ = йумшақ > йумшâқ.**

ЙУҢ қ. **жун**

ЙУПАН– 'овун–', 'таскин топ–'. ***Холмурод бу одамлар орасида бироз ю п а н д и*** (Парда Турсун). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'эътибор бермай қўй–' маъносини англатган **йуба–** феълига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 240; Девон, III, 91); кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йуба– + н = йубан– > йупан– > йупän–.** Ҳозирги ўзбек тилида **йупä–** феъли мустақил ишлатилмайди, лекин **йупät–** феъли билан қиёслаганда **–т, –н** қўшимчалари аниқ ажралади.

ЙУПАНЧИҚ 'бироз юпатувчи', 'овунчоқ'. ***Бола – унинг бирданбир ю п а н ч и ғ и.*** Бу сўз ўзбек тилида **йупän–** феълидан **–ч** қўшимчаси билан ясалган отта кич– райтириш маъносини ифодаловчи **–(и)қ** қўшимчасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб ҳосил қилинган: **(йупän– + ч = йупänч) + иқ = йупänчиқ.**

ЙУПАТ– 'овут–', 'таскин топтир–'. ***Мени ғалаба ва халқимизнинг бахти ю п а т а д и*** (Уйғун). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'эътибор бермай қўй–' маъносини англатган **йуба–** феълига (ДС, 277) орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 240; ДС, 277); кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йуба– + т = йубат– > йупат– > йупät–.** Ҳозирги ўзбек тилида **йупä–** феъли мустақил ишлатилмайди, лекин **йупän–** феъли билан қиёсланганда **–н, –т** қўшимчалари аниқ ажралади.

ЙУПУН 'танани совуқдан сақламайдиган', 'енгил–елпи' (кийим ҳақида). ***[Камолнинг] соқол–мўйлови ўсган, кийим–боши ю п у н г и н а*** (Ҳаким Назир). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'ён кўламини ингичка қилиб ёй–' маъносини англатган **йуб–** феълидан (ЭСТЯ, IV, 242) **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак; кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига алмашган: **йуб– + ун = йубун > йупун.**

ЙУПҚА I 'ён кўлами ингичка'. .. ***кеча тунда ариқдаги сув ю п қ а г и н а муз билан қопланди*** (Ҳамид Ғулом). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'ён кўламини ингичка қилиб ёй–' маъносини англатган **йуб–** феълидан (ЭСТЯ, IV, 242) **–қа** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 242; Девон, III, 41); кейинчалик **қ** ундоши таъсирида **б** ундоши **п** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йуб– + қа = йубқа > йупқä.**

ЙУПҚА II 'хамирни юпқа ёйиб, қиздирилган қозонда ҳар икки томонини ағдариб пиширib, сўнг ичига қиймали пиёздоғ солиб, тўрт бурчак шаклида тахлаб тайёрланадиган овқат'. ***Ўқишда толиқиб қолмасин деб доим сомсами, уч–тўртта ю п қ а м и пиширib қўяман*** (Ойдин). Бу от маъно тараққиёти натижасида **йупқа** I сифатидан ўсиб чиққан: 'белги' → 'шундай белгига эга нарса'.

ЙУР– 'бир жойдан бошқа бир жойга ҳаракатлан–'. ***Мен ана у сўқмоқдан ю р с а м ҳам бўлади*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатган бу феъл асли **йоры–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 389; ДС, 274), кейинроқ **йуры–** шаклида (Девон, III, 96), шунингдек **йўри–, йўрў–** шаклларида ҳам (ДС, 286) талаффуз қилинган, сўнгра сўз охиридаги унли талаффуз қилинмай қўйган: **йоры– > йуры– > йур–.**

ЙУРАК 'қон айланиш аъзоси'. *[Кумушнинг] ҳарорати кучли, ю р а к уриши фавқулотда тез эди* (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **йўри–** феълининг (ДС, 286) **йўр–** шаклидан **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 391; Девон, III, 25; ДС, 286); ўзбек тилида ў унли – сининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(йўри– > йўр–) + äк = йўрäк > йурäк.**

ЙУРТ 'аҳоли яшаб турган жой, ўлка'. *Ўзга ю р т– д а шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл* (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'бир жойдан иккинчи бир жойга ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **йоры–** феълининг **йуры–** шаклидан (Девон, III, 96) **–т** қўшимчаси билан ясалган, қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 282): **йуры– + т > йурыт > йурт.** Бу сўз асли 'кўчманчи қабилага қарашли ерлар' маъносини англатган бўлиб, 'аҳоли яшайдиган жой' маъноси ўтроқ ҳаёт кечириш бошланганидан кейин юзага келган.

ЙУТ 'чорва очарчилиги', 'чорва ўлати'. *Увоқ мол– лар кўтарам бўлиб, ю т бошланди* (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'ёғингарчилик кўп бўлиб, қаттиқ совуқ оқибатида ер муз билан қопланган ҳолат' маъно – сини англатган (Девон, III, 156; ДС, 282); ана шундай ҳолатда чорва моллари емишсиз қолиб, очарчилик на – тижасида қирилган; кейинчалик бу сўз умуман 'очар– чилик' маъносини англата бошлаган.

ЙУТ– I 'бўғиз мускуллари кўмагида оғиздаги нарсани томоқдан ичга ўтказ–'. *Ю т г а н и м – ўзимники, чайнаганим – гумон* (Мақол). Қадимги тур – кий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йу:т–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 363; ДС, 282),

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейинроқ **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган: **йу:т– > йут–.**

ЙУТ– II 'муваффақият қозон–', 'ютуққа эриш–'. ***Укам эркин курашда барча рақибларини ю т д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **ут–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 439; Девон, I, 181; ДС, 617; КРС, 809); ўзбек тилида бу сўз бошланишига **й** ундоши қўшиб айтиладиган бўлган: **ут– > й + ут– = йут–.**

ЙУТОҚ қ. **йутоқи**

ЙУТОҚ– 'ғоят очқа–', 'ғоят сувса–'. ***Умида .. қўлидаги зоғора нонни ю т о қ и б кавшарди*** (Шукур Холмирзаев). Бу сўз қадимги туркий тилда 'очарчилик' маъносини англатувчи **йут** отидан (Девон, III, 156; ДС, 282) **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга (ЭСТЯ, IV, 257; КРС, 270) эски ўзбек тилида 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси қўшиб ҳосил қилинган; ҳозирги ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йут + а = йута–) + қ = йутақ– > йутâқ–.**

ЙУТОҚИ 'еб тўймас'; 'ғоят чанқоқ'. ***У .. бир вақтлардаги ю т о қ и сангин чўлга тикилиб турарди*** (Султон Акбарий). Бу сифат эски ўзбек тилида **йутақ–** феълидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йутақ– + ы = йутақы > йутâқи.** Сўзлашув нутқида бу сўз охиридаги **и** унлиси кўпинча талаффуз қилинмайди: **йутâқи > йутâқ.**

ЙУҚ 'бирор нарсадан ёпишиб қолган қолдиқ'. ***Аҳмаднинг афт–ангори кир, қўллари – мой ю қ и*** (Ҳаким Назир). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бирор нарсадан қолдиқ сифатида ёпиш–' маъносини англатган **йуқ–** феълидан (Девон, III, 70) маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан (Девон, III, 9): 'ҳаракат' → 'шундай ҳаракат натижасидаги ҳосила'.

ЙУҚ– 'бирор нарсадан қолдиқ сифатида ёпиш–'. ***Қозонга яқин юрсанг, қароси ю қ а р, ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'қолдиқ сифатида ёпиш–' маъносини англатган

www.ziyouz.com kutubxonasi

йу– феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, IV, 211; ПДП, 390; Девон, III, 70; ДС, 281): **йу– + қ = йуқ–**.

ЙУҚОРИ 'тепа томонда жойлашган', 'устки'. ***Қори .. битта–битта қадам босиб, юқорига чиқиб кетди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'баландда жойлашган' маъносини англатувчи **йуқ** сифатига (Девон, III, 10) жўналиш келишигининг қадимги **–қару** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик ёнма–ён келган **қ** ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган, **қ** ундоши кетидаги **а** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йуқ + қару = йуққару > йуқару > йуқâри.**

ЙЎЙ– 'ўзича маъно бер–', 'шундай бўлса керак деб ўйла–'. ***Сувонжон чолнинг жим бўлиб қолганини жаҳлдан тушдига й ў й и б: "Ўтоғаси, қўчқорларни ҳайдаб кетаверайми?" — деб сўради секин*** (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган бу феъл асли **йор–** тарзида (ДС, 274) ва **йӧр–** тарзида (ДС, 276) талаффуз қилинган, кейинчалик **йор–** шакли охиридаги **р** ундоши **й** ундошига алмашган: **йор– > йой–**. Бу феъл дастлаб 'еч–' маъносини англатган бўлиб, 'изоҳла–', 'тушунтир–' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан (ЭСТЯ, IV, 224).

ЙЎЛ 'қатнов учун хизмат қиладиган сатҳ'. ***[Кампир] ёлғизоёқ й ў л д а н битта–битта юриб кетди*** (Ўлмас Умарбеков). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу кўп маъноли от асли **йо:л** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 217), кейинроқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 389; ДС, 270; Девон, I, 97). **Йо:н–** феълига қиёслаб, **йо:л** сўзи асли **йо:–** асосидан **–л** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, IV, 218).

ЙЎЛА– 'яқинига кел–'. ***Низомжон қизлар звеносига й ў л а м а й қ ў й д и.*** (Сайид Аҳмад). Бу феъл қадимги туркий тилда **йол** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 29), ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йол + а = йола– > йолä–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЎЛАК 'ташқари ҳовлидан ичкари ҳовлига ўтиладиган тор йўл'. ***У эшикдан й ў л а к к а киргани ҳам йўқ эди, ичкаридан чақалоқ бола товуши келди*** (Ойдин). Бу сўз ўзбек тилида **йол** отига кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **йол + äк = йолäк.** Девонга **йолақ** сўзи кириб, 'юришга яроқсиз, кичик йўл' маъносини англатиши таъкидланган (Девон, III, 25).

ЙЎЛАКАЙ 'бирор ерга кета туриб, бирор ишни қила туриб, қўшимча равишда'. ***[Ҳамшира] Қудратга қуллуқ қилиб ташқари чиқаркан, й ў л а к а й радио қулоғини бураб қўйди*** (З.Фатхуллин). Бу равиш ўзбек тилида **йол** отига **–äкäй** қўшимчасини қўшиб ясалган: **йол + äкäй = йолäкäй.**

ЙЎЛБАРС 'мушуксимонлар оиласига мансуб йирик ва кучли йиртқич ҳайвон'. ***Ҳайвонот боғига янги й ў л б а р с келтирилди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда кўп маъноли **йол** сўзини 'узун чизиқ' маъноси билан қатнашган ҳолда **барс** сўзига бирлаштириб тузилган (ЭСТЯ, IV, 219; ДС, 271); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йол + барс = йолбарс > йолбäрс.**

ЙЎЛИҚ– 'учраш–', 'дуч кел–'. ***Иш кунининг охирида раҳбаримизга й ў л и қ д и м.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **йол** отидан **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 218; ДС, 272); ўзбек тилида **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йол + уқ = йолуқ– > йолиқ–.**

ЙЎЛКА 'кўчанинг пиёдалар учун бироз баланд қилиб қурилган чети'. ***Катта йўлга тош ётқизилиб, й ў л к а л а р асфальт қилинган эди*** (Шароф Рашидов). Бу сўз ўзбек тилида **йол** отидан 'кичик' маъносини ифодаловчи **–кä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **йол + кä = йолкä.**

ЙЎЛОВЧИ 'йўлда кетаётган киши'. ***Кўчаларда й ў л о в ч и л а р сийраклашди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сўз ўзбек тилида **йол** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълнинг **–в** қўшимчаси билан ҳосил қилинган ҳаракат номи шаклига шахс оти ясовчи **–чи** қўшимчасини қўшиб ясалган; **в** ундошининг таъсири

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(йол + а = йола–) + в = йолав] + чи = йолавчи > йолâвчи.**

ЙЎЛЧИ 'йўлда кетаётган киши'. ***Якка й ў л ч и манзилга етолмайди*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз қадимги туркий тилда 'қатнов учун хизмат қиладиган сатҳ' маъносини англатувчи **йол** сўзига шахс оти ясовчи **–чы** қўшимчасини қўшиб ясалган (ДС, 271); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йол + чы = йолчы > йолчи.** Бу сўз асли 'йўл кўрсатувчи' маъносини англатади (ДС, 271), 'йўлда кетувчи' маъносини англатиш учун ишлатилиши ўринли эмас (ЎТИЛ, I, 354), чунки бундай маънони **йолâвчи** сўзи, 'йўл қурувчи' маъносини эса **йолсâз** сўзи англатади.

ЙЎН– 'юпқа қилиб кес–', 'тарашла–'. ***Полвон .. бир тошни танлаб олди–да, яхшилаб артишга ва бир томонини й ў н и ш г а буюрди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **йо:н–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 221), кейинроқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 389): **йо:н– > йон–.** Бу феъл асли **йо:–** асосига **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган дейилади (ЭСТЯ, IV, 222).

ЙЎНАЛ– 'бирор томонга йўл ол–'. ***Йигит гапини айтолмай, бўшашиб эшик томон й ў н а л д и*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'томон' маъносини англатган **йӧн** отидан (ЭСТЯ, IV, 233) **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга (**жӯна–** сўзи мақоласига қаранг) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, IV, 233); ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(йӧн + ä = йӧнä–) + л = йӧнäл– > йонäл–.**

ЙЎНҒИЧҚА 'беданинг бир тури'. ***Яна шўр ер чопдик, й ў н ғ и ч қ а н и н г илдизини сугурдик*** (Ойдин). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **йурынчға** (Девон, III, 439), **йорынчқа** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 275), ўзбек тилига кейинги шакли қуйидаги товуш ўзгаришлари билан етиб келган: қатор келган уч **нчқ** ундошларини айтишга қулайлик яратиш учун **нч** ундошлари оралиғига **ы** ун–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиси киритилган, кейин **ры** товушлари талаффуз этил— май қўйган, **н** ундоши **ң** ундошига, **ң** ундоши ўз навба— тида **нғ** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йорынчқа > йорыңычқа > йоңычқа > йонғычқа > йонғичқä.**

ЙЎРГАК 'чақалоқни ўрайдиган кичик чойшаб'. ***Болани доим озода, й ў р г а к л а р и н и қуруқ ту— тиш керак.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ўра–' маъносини англатган **йöр–** феълининг 'такрор' маъно— сини ифодаловчи **–гä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 234; ДС, 276); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(йöр– + гä = йöргä–) + к = йöргäк > йоргäк.**

ЙЎРИҚ 'бирор ишнинг бажарилиш усули, йўли'. ***Бу ишнинг ўз й ў р и ғ и бор.*** Бу от қадимги туркий тилда 'талқин қил–' маъносини англатган **йор–** феълидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 224; ДС, 274); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йор– + ық = йорық > йориқ.** Бу сўз кўпинча **йол–йориқ** жуфт сўзи таркибида ишлатилади.

ЙЎРМА 'игнани санчиш ва қайтариб чиқариш усули билан йирик тикиш'. ***Каштачиликда й ў р м а усулида тикиш кенг қўлланилади.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ўра–' маъносини англатган **йöр–** феълидан **–мä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 236); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йöр– + мä = йöрмä > йормä.**

ЙЎРТ– 'йирик қадам ташлаб тез ҳаракатлан–'. ***От бошини силкиб .. й ў р т и б кетмоқда*** (Сайид Аҳ— мад). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'маълум сатҳ бўй— лаб ҳаракатлан–' маъносини англатган **йор–** феълига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, III, 440): **йор– + т = йорт–.** Бу сўзни **–т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган деб изоҳлаш ҳам мавжуд (ЭСТЯ, IV, 227; ДС, 275).

ЙЎРТМАЧОҚ 'ҳар томонга юриб кетаверадиган' (юра бошлаган гўдак ҳақида). ***Шу кунларда гўдагинг жуда й ў р т м а ч о қ бўлибди.*** Бу сифат ўзбек ти— лида **йорт–** феълидан **–мä** қўшимчаси билан ясалиб, унга

www.ziyouz.com kutubxonasi

кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чâқ** қўшимчаси қўшилган: **(йорт– +мä = йортмä) + чâқ = йортмäчâқ.**

ЙЎРТОҚИ 'йирик қадам ташлаб тез ҳаракатлана– диган'. *[Қорасоч] .. йўрға тугул, й ў р т о қ и бўлса ҳам, от миниб дала кезишни ор билмас эди* (С.Сулаймон). Бу сифат эски ўзбек тилида **йорт–** феълидан **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалиб, унга кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси қўшилган; **қ** ундоши олди– даги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(йорт– + ақ = йортақ) + ы = йортақы > йортâқи.**

ЙЎРҒА 'майда қадам ташлаб тез юрадиган (от)'. *Қобил қора й ў р ғ а н и эгарлаб, бойваччани эшик олдида кутиб турарди* (Ҳамид Ғулом). Бу сўз қадимги туркий тилда 'сатҳ бўйлаб ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **йоры–** феълидан (ДС, 274) **–ға** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 225; Девон, III, 189; ДС, 274); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 261), ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йоры– + ға = йорыға > йорғä.**

ЙЎСИН I 'усул', 'тарз', 'тариқа'. *Бой .. аввалги й ў с и н д а, лекин оҳистароқ гапира бошлади* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **йосун** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 275), ўзбек тилида **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йосун > йосин.** Бу сўз туркий ва мўғил тилларига муштарак деб қаралади, лекин таркиби аниқ изоҳланмайди (ЭСТЯ, IV, 32). Бу сўз охиридаги **–(у)н** қисми от ясовчи қўшимча экани кўриниб турибди, бироқ ясаш асоси аниқ эмас (Ясаш асоси бўлиб 'йўл–йўриқ кўрсат–' маъносини англатган феъл хизмат қилган бўлса керак).

ЙЎСИН II 'зах ер, тош, дарахт устида ўсадиган илдизсиз майда ўсимлик'. *Катта тош устини й ў с и н қоплабди.* Бу сўз асли **йосун** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 231), ўзбек тилида **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **йосун > йосин.** Бу сўз таркибида от ясовчи **–(у)н** қўшимчаси мавжудлиги кўриниб турибди, лекин ясаш асоси бўлиб келган сўз (феъл) аниқ эмас (Бу сўз 'нам ҳолатда бўл–' маъносини англатган феъл бўлса керак, чунки бу ўсимлик нам жойда пайдо бўлади).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЎТАЛ 'нафас олиш аъзоларининг касалланган натижасида ҳаво оқимининг куч билан бўлиниб–бўлиниб чиқиши'. ***Домла йўталди ва й ў т а л н и н г зўридан қизариб кетди*** (Парда Турсун). Бу от қадимги туркий тилда маъно тараққиёти натижасида **йөтäл–** феълидан ўсиб чиққан бўлса керак: 'ҳаракат' → 'шундай ҳаракат ҳосиласи'. Бу сўзни қадимги туркий тилда 'йўтал–' маъносини англатган **йөт–** феълидан **–(ў)л** қўшимчаси билан ясалган деб талқин этиш ҳам мавжуд (ЭСТЯ, I, 557); кейинчалик ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йөт– + ўл = йөтўл > йөтäл > йотäл.**

ЙЎТАЛ– 'нафас олиш аъзолари касалланган натижасида ҳаво оқимини куч билан бўлиб–бўлиб чиқар–'. ***Домла й ў т а л д и ва йўталнинг зўридан қизариб кетди*** (Парда Турсун). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'турли товуш ҳосил қил–' маъносини англатган **öт–** феълига (ДС, 391) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ў)л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 557), кейинчалик сўз бошланишига **й** ундоши қўшилган (ДС, 277); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(öт– + ўл = ötўл– > й + ötўл– = йötўл– > йötäл– > йотäл–.**

ЙЎҚ 'мавжуд эмас'. ***Ҳунари й ў қ кишининг мазаси й ў қ ишининг*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **йо:қ** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, IV, 212; ДС, 273); кейинроқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 289; Девон, III, 157; ДС, 272): **йо:қ > йоқ.** Инкор маъносини англатувчи бу сўз асли 'йўқ қил–', 'емир–' маъносини билдирган **йо:–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 212): **йо:– + қ = йо:қ > йоқ.**

ЙЎҚЛА– 'бирор муносабат билан сўраб–суриштир–'. ***Келинг, кимни й ў қ л а б келдингиз бу ерга?*** (Ойбек). Бу феъл эски ўзбек тилида 'мавжуд эмас' маъносини англатган **йоқ** сўзидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 257), кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **йоқ +ла = йоқла– > йоқлä–.** Қадимги туркий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилда **йоғла–** феъли мавжуд бўлиб, 'ўлган кишига атаб хотирлаш маросими ўтказ–' маъносини англатган (Девон, III, 324; ДС, 270); бу феъл қадимги туркий тилдаги 'ўлган кишини хотирлаш маросими' маъносини англатган **йоғ** отидан (ДС, 269) **–ла** қўшимчаси билан ясалган.

ЙЎҚЛАМА 'ким бор–йўқлигини рўйхат бўйича чақириб аниқлаш'. .. ***шу вақт роталарнинг бирида кечки й ў қ л а м а бўлаётган эди*** (З.Фатхуллин). Бу от ўзбек тилида **йоқлă–** феълининг 'бор–йўқлигини аниқла–' маъносидан **–мă** қўшимчаси билан ясалган: **йоқлă– + мă = йоқлăмă.**

ЙЎҚОЛ– 'мавжуд бўлмай қол–', 'кўздан ғойиб бўл–'. ***Фолбин уй бурчагида оқариб кўринган чодир ичида й ў қ о л д и*** (Ойбек). Бу феъл **йоқ** сўзидан **–(а)л** қўшимчаси билан ясалган дейилади: **йоқ + ал > йоқал–** (ЭСТЯ, IV, 212). Бу феълни **йоқ** сўзи билан **бол–** феълининг бирлашуви натижасида юзага келган деб тушунтириш ҳам мавжуд: **йоқ + бол– > йоқ[б]ол– > йоқол– > йоқâл–.** Бизнингча, қадимги туркий тилда **йоқ** сўзидан аввал **–а** қўшимчаси билан феъл ясалган ва унга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчаси қўшилган (ДС, 273), кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йоқ + а = йоқа–) + л = йоқал– > йоқâл–.**

ЙЎҚОТ– 'йўқ ҳолатга келтир–'. ***[Йўлчи] этикни турмада й ў қ о т г а н*** (Ойбек). Бу феълни **йоқ** сўзи билан 'қил–' маъносини англатувчи **эт–** феълининг бирлашуви натижасида юзага келган деб тушунтириш мавжуд: **йоқ + эт– = йоқэт– > йоқăт– > йоқât–.** Бизнингча, қадимги туркий тилда **йоқ** сўзидан аввал **–а** қўшимчаси билан феъл ясалган ва унга **–т** орттирма қўшимчаси қўшилган (ДС, 273), кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йоқ + а = йоқа–) + т = йоқат– > йоқât–.**

ЙЎҚСА 'акс ҳолда', 'бўлмаса'. ***Тезроқ юринг, й ў қ с а кечикиб қоламиз.*** Бу сўз қадимги туркий тилда шундай маънони ифодалаган **йоқ ерсă** бирикмаси (ДС, 272) таркибидаги **ер** товушларининг талаффуз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинмаслиги натижасида юзага келган: **йоқ ерсä > йоқ[ер]сä > йоқсä.**

ЙЎҒОН 'кўндаланг кесими одатдагидан катта', 'семиз'. ***Бундай қаҳатчиликда й ў ғ о н чўзилади, ингичка узилади.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'қалин', 'зич', 'семиз' маъносини англатган **йоғ** сифатидан (ТРС, 677) **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, IV, 209; ПДП, 389); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(йоғ + а = йоға–) + н = йоған > йоғân.**

К

КАБИ 'сингари', 'ўхшаш'. ***Бахтли онлар умр тунида юлдузлар к а б и чақнайди*** (Ойбек). Бу кўмакчи асли қадимги туркий тилдаги 'ўхшаш' маъносини англатган **киб** отига **–и** эгалик қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, III, 131: **киб; аниң киби**); эски ўзбек тилида ҳам **киби** шаклида талаффуз қилинган (ССТТН, II, 113). Ҳозирги ўзбек тилида эса биринчи бўғиндаги **и** унлиси **ä** унлисига алмашган: **киб + и = киби > кäби.**

КАВШ : 'чайнаш'. ***Сигир ётган жойида к а в ш қайтарар эди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'чайна–' маъносини англатган **кев–** феълидан (Девон, II, 23; **кewди**; ДС, 304: **кев– II** 'грызть', 'жевать') ҳаракат номи ясовчи **–(и)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган. Қадимги туркий тилдаёқ бу феъл таркибидаги унли **ä** талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 6): **(кев– || кäв–) + иш = кäвиш** . Ўзбек тили шеваларида бу сўз **кâвуш** тарзида талаффуз қилинади, адабий тилда эса **кавш** шаклида ёзиш расмийлаштирилган (иккинчи бўғиндаги тор унли ёзилмай қўйган). Ўзбек тилида бу сўз якка ўзи ишлатилмайди, **кäвш қäйтäр–** бирикмаси таркибида келади.

КАВША– 'чайна–' (одатда ҳайвонга нисбатан ишлатилади). ***Элмурод ўйчан бир ҳолда нон к а в ш а б чой ичар экан,..*** (Парда Турсун). Бу феъл қадимги туркий тилда 'чайна–' маъносини англатган **кев– || кäв–** феълидан (Девон, II, 23; ДС, 304; ЭСТЯ, III, 6) ҳаракат номи ясовчи **–(и)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сўзга **–ä** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, III, 6); **–ä**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(käв– + иш = кävиш) + ä = кävишä– > кävшä–.**

Бу сўз таркибини қуйидагича талқин қилиш ҳам мумкин: қадимги туркий тилдаги 'чайна–' маъносини англатган **кев–** || **käв–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–шä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **käв– + шä = кävшä–.**

Ўзбек тили шеваларида бу сўз таркибидаги биринчи унли товуш **â** тарзида ҳам талаффуз қилинади: **кävшä– > кâвшä–.**

КАККУ 'ўзи ин қурмай, тухумини бошқа қушларнинг уясига қўядиган ўрмон қуши'. ***Аҳён–аҳёнда к а к к у н и н г сайраши эшитилади.*** Бу от қадимги туркий тилда товушга тақлид **кäк–кӱк** сўзи асосида юзага келган: қушга ном унинг сайрашига қараб берилган. Қадимги туркий тилда бу сўзнинг қисмлари бирлашиб, сўз ичидаги **кк** ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган: **кäк–кӱк > кäкӱк;** (ПДП, 392). Девонда бу сўз **кӟкӱк** шаклида ёзилган (Девон, II, 331). Ўзбек тилида эса биринчи бўғиндаги **ä** унлиси, сўз ичидаги **кк** ундошлари сақланган, сўз охиридаги **к** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кäк–кӱк = кäккӱк > кäккӱ > кäкку.**

КАКРА 'ғалла экинлари орасида ўсадиган тахир, талха ўсимлик'. ***Ариқнинг нариги ёнида к а к р а, супурги, .. яна аллақандай ёввойи ўтлар ғовлаб ётар эди*** (Асқад Мухтор). Бу от қадимги туркий тилда **кекрä** (ДС, 295), **кӟкрä** (Девон, I, 398) тарзида талаффуз қилинган; ўзбек тилида **е** унлиси **ä** унлисига алмашган: **кекрä > кäкрä.**

КАПАЛАК 'учганида нозик қанотлари елпиниб юқорига кўтариладиган ҳашарот'. ***К а п а л а к гулни соғинар, булбул куйини*** (Мақол). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'юқорига кўтарил–' маъносини англатган **көп–** феълидан (ЭСТЯ, III, 52: **көп–** 'пухнуть, увеличиваться в объеме') **–(ä)л** қўшимчаси билан ясалган отта кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **ä** унлилари нинг таъсирида биринчи бўғиндаги **ö** унлиси ҳам **ä** ун–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лисига алмашган: **(көп– + әл = көпәл) + әк = көпәләк > кәпәләк.**

Девонда бу ҳашарот **кепәли** деб аталиши кўрсатилган (Девон, I, 419). Бу сўз **көп–** феълининг **кеп–** шаклидан **–(ә)л** қўшимчаси билан ясалган ва унга **–ли** қўшимчаси қўшилган, кейинчалик қатор келган **лл** ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган: **(кеп– + әл = кепәл) + ли = кепәлли > кепәли.**

КЕЗ– 'айланиб юр–', 'турли томонга юр–'. ***Ўк–там ариқ бўйида аста к е з и б, Комилани ўйлади*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **käз– | кӟз–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 393; Девон, II, 17), кейинчалик **ä | ӟ** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 305): **käз– | кӟз– > кез–.**

КЕЙИН 'маълум вақт ўтгач', 'сўнг'. ***Ерга тушган чироқ бир–икки липиллади–ю, аввал кўк , к е й и н қизғиш аланга кўтарилди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу равиш қадимги туркий тилда 'охир', 'тугаш қисми' маъносини англатган **кид** отидан **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 394: **кидин**), кейинчалик **и** унлиси **е** унлисига (Девон, I, 230: **кӟдин**); охири **д** ундоши **й** ундошига алмашган: **кид + ин = кидин > кедин > кейин.** Қадимги туркий тилдаёқ **кид** оти **кед, кет** тарзида ҳам ишлатилган (ДС, 292). Ўзбек тили шеваларидаги **кетин** равиши бу отнинг **кет** шаклидан ясалган, адабий тилда бу равиш **бирин–кетин** жуфт сўзи таркибида ишлатилади. **Кейин** равишидан **кейин** кўмакчиси ўсиб чиққан.

КЕКИР– 'ошқозонда тўпланган ҳавони кекирдак орқали чиқар–'. ***Тўлаган .. дон тиқилган товуқдай бўйнини чўзиб к е к и р д и*** (Абдулла Қодирий). Бу феъл қадимги туркий тилда товушга тақлидни ифодаловчи **кäк** сўзидан **–(и)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 37), кейинчалик **ä** унлиси **е** унлисига алмашган (Девон, II, 88): **кäк + ир = кäкир– > кекир–.**

КЕКИРДАК 'қизилўнгачнинг бошланиш қисми'. *.. **лаблари дўрдайиб, кўзлари ола–кула бўлиб, к е к и р д а г и д а г и томирлари бўртиб чиқиб кетган эди*** (Иброҳим Раҳим). Бу от қадимги туркий тилда 'ошқозонда тўпланган ҳавони қизилўнгач орқали чиқар–' маъносини англатувчи **кекир–** феълидан (Девон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

II, 88) **–дäк** қўшимчаси билан ясалган (Девон. Индекс: **–дäк** – от ясовчи): **кекир– + дäк = кекирдäк.**

Бу сўзнинг таркибини бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: **кекир–** феълига 'такрор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчасининг **–дä** шакли қўшилган ва бу сўздан **–к** қўшимчаси билан от ясалган: **(кекир– + дä = кекирдä–) + к = кекирдäк.**

КЕКИРИК 'ошқозонда тўпланган ҳавонинг кекирдак орқали товуш билан чиқиши'. ***К е к и р и к тутиши билан ташқарига чиқиб кетди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'ошқозонда тўпланган ҳавони кекирдак орқали чиқар–' маъносини англатувчи **кекир–** феълидан (Девон, II, 88) **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 37): **кекир– + ик = кекирик.**

КЕЛ– 'бошқа жойдан яқинлашиш томонга ҳаракатлан–'. ***Ёз фасллари деҳқончилик қилади, саҳар кетиб, кеч к е л а д и*** (Мирзакалон Исмоилий). Ҳозирги ўзбек тилида ҳам шундай маънони ва яна бир қанча маъноларни англатувчи бу феъл қадимги туркий тилда асли **кил–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 394); кейинчалик **и** унлиси **е** унлисига алмашган: **кил– > кел–.**

Бу феълни **кет–, кеч–, кез–** феъллари билан қиёслаб, ушбу феълларнинг ўзаги асли **ке– (< ки–)** бўлган деб фараз қилинади (ЭСТЯ, III, 16). Агар бу фикрни тан олсак, **кел–, кет–** феъллари охиридаги **л, т** қисмлари 'яқинлашиш', 'узоқлашиш' маъносини ифодаловчи қўшимча бўлиб чиқади (Унда **ч** қисми 'ботиб', **з** қисми 'турли йўналиш' маъносини ифодалаган бўлиб чиқади).

КЕЛГИНДИ 'бошқа юртдан келган'. ***Бош суқма элнинг эзгу ишига, к е л г и н д и!*** (Асқад Мухтор). Бу сўз асли қадимги туркий тилда ҳам 'бошқа жойдан яқинлашиш томонга ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **кил– > кел–** феълига дастлаб кучайтириш ('давомли') маъносини ифодаловчи **–(и)к** қўшимчасини, кейин 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)н** қўшимчасини, сўнгра **–ди** сифатдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **л** ундошидан кейинги **к** ундоши **г** ундошига алмашган: **[(кел– + ик = келик–) + ин = келикин–] + ди = келикинди > келкинди > келгинди.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕЛИН 'турмушга чиқаётган ёки яқинда чиққан аёл'. ***Куёв билан к е л и н менинг олдимда, ҳозир боради*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'бошқа жойдан яқинлашиш томонга ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **кел–** феълидан от ясовчи **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган дейилади (Девон. Индекс, 428: **–in – от: kelin**): **кел– + ин = келин.** Бу қўшимчани си–фатдош ясовчиси деб изоҳлаш ҳам мавжуд (ЭСТЯ, III, 17); унда бу сўз асли белги маъносини англатиб (***к е – л и н б о л а*** бирикмасидаги каби), кейинчаликкина отга айланган бўлади.

КЕЛИШ– I 'маълум даражада муносиб, монанд бўл–'. ***Стол, стул к е л и ш а р Солижоннинг бўйига*** (Қуддус Муҳаммадий). Бу сўз қадимги туркий тилда **кел–** феълининг 'мос бўл–' маъносидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **кел– + иш = келиш– I.** Ўзбек тилидаги **келишган** сўзи ана шу **келиш– I** феълидан **–ган** сифатдош қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб, маъно тараққиёти нати–жасида сифатга айланган.

КЕЛИШ– II 'ҳар икки томонни қаноатлантирувчи ечимни топиб, ўзаро рози бўл–'. ***Олдин нархини к е – л и ш и б о л а й л и к.*** Бу сўз **кел–** феълидан бирга–лик маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **кел– + иш = келиш– II.** Бунда асли ҳар икки томоннинг бир–бирига қарата ён босиб ҳаракат–ланиши назарда тутилади. Ўзбек тилидаги **келишик** сўзи асли ана шу **келиш– II** феълидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган.

КЕЛИШГАН қ. **келиш– I**

КЕЛИШИК қ. **келиш– II**

КЕМА 'сувда сузиш учун хизмат қиладиган қурил–ма'. ***К е м а г а тушганнинг жони бир*** (Мақол). Бу сўз ЎТИЛда форсча деб кўрсатилган (I, 378). ДСда бу сўз **кемä, кемі** шаклларида (297– бет), ПДПда **кämі** шаклида (393– бет), Девонда **кэмі** шаклида (III, 253) келтирилган. Унлиларнинг бу қадар алмашинуви ушбу сўзнинг туркий эканини тасдиқлаб турибди. Асли бу от қадимги туркий тилдаги 'ғажил–', 'кемирил–' маъносини англатган **кем–** феълидан (ЭСТЯ, III, 19) **–ä** қўшимчаси билан ясалган: **кем– + ä = кемä.** Дастлаб кема ҳажман қайиққа

www.ziyouz.com kutubxonasi

тенг бўлиб, йўғон дарахт танасининг бир палласи ичини ковлаб тайёрланган.

КЕМИР– 'қаттиқ нарсани ғажи–, кертиб е–'. ***Уч–тўрт яшар сап–сариқ қизча пўсти арчилган сабзини к е м и р и б т у р и б д и*** (Парда Турсун). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ғажил–', 'кертил–' маъносини англатган **кем–** феълидан **–(ў)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, II, 90), кейин–чалик ў унлиси **и** унлисига алмашган (ЭСТЯ, III, 19): **кем– + ўр = кемўр– > кемир–.**

КЕМИРЧАК 'суякка ўхшаш, лекин эгилувчан тўқима'. ***Томдан йиқилганида бурун к е м и р ч а г и синиб, қийшиқ битиб қолган экан.*** Бу от асли 'ғажи–', 'кертиб е–' маъносини англатувчи **кемир–** феълининг (ЭСТЯ, III, 19) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–чи** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик учинчи бўғиндаги **и** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(кемир– + чи = кемирчи) + к = кемирчик > кемирчäк.** Бу сўзни **кемир–** феълидан **–чäк** қўшимчаси билан ясалган деб қараш ҳам мавжуд (ЭСТЯ, III, 20).

КЕМТИК 'нарсанинг учган, кертилган жойи'. ***Супа четидаги ўчоқда .. жўмраги к е м т и к қумғон қопқоғини кўтариб бақир–бақир қайнарди*** (Ш.Тошматов). Бу сифат қадимги туркий тилда 'ғажил–', 'кертил–' маъносини англатган **кем–** феълининг (ЭСТЯ, III, 19) **–(и)т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(кем– + ит = кемит–) + ик = кемитик > кемтик.**

КЕМШИК 'олд тишлари кертилиб, тушиб, ўрни бўшаб қолган'. ***[Кампир] .. ерга чўкка тушди, кир рўмолининг учини к е м ш и к оғзига солди*** (Асқад Мухтор). Бу сифат қадимги туркий тилда 'ғажил–', 'кертил–' маъносини англатган **кем–** феълининг (ЭСТЯ, III, 19) 'бир неча' маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчасини олган шаклидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(кем– + иш = кемиш–) + ик = кемишик > кемшик.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕНЖА 'энг кейин туғилган (фарзанд)'. ***Дўстим к е н ж а ўғлини ҳали уйлантиргани йўқ.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'охир', 'тугаш қисми' маъносини англатган **кед** отидан (ДС, 292) **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган равишга (Девон, I, 230) **–чи** қўшимчасини қўшиб ясалган; аввал **д** ундоши **й** ундошига алмашган, сўнгра **йи** товушлари талаффуз қилинмай қўйган; овоз–дор **н** ундоши таъсири билан **ч** жарангсиз ундоши **ж** ундошига, иккинчи бўғиндаги **и** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(кед + ин = кедин) + чи = кединчи > кейинчи > кенчи > кенжи > кенжä.**

КЕҢ 'кўндаланг ўлчами катта', 'энли', 'сербар'. ***Орасида қўқонарава бемалол юрадиган к е н г, узун ишкомлар икки танобдан кўпроқ ерни ишғол этган*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат дастлаб **кäң, кэ̄ң** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 393, Девон, III, 370), кейинчалик **ä || э̄** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 298): **кäң, кэ̄ң > кеҢ.** Ўзбек тилидаги **кеңай–** феъли **кеҢ** сифатидан **–(ä)й** қўшимчаси билан ясалган.

КЕҢАЙ– қ. **кеҢ**

КЕҢАШ 'маслаҳатлашиш йиғини', 'маслаҳат'. ***Кишининг бошига бир иш тушдими, дарров бировдан к е н г а ш ва ёрдам сўрайди*** (Абдулла Қодирий). Бу от қадимги туркий тилда **киңäш** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 394), кейинчалик **и** унлиси **е** унлисига алмашган (Девон, III, 376; ДС, 299). **Кеңäш** оти қадимги туркий тилдаги 'маслаҳат сол–' маъносини англатган **кеңä–** феълидан (ДС, 298) **–ш** қўшимчаси билан ясалган: **кеңä– + ш = кеңäш.**

КЕҢАШ– 'фикрлаш–', маслаҳатлаш–'. ***Жамоа вакиллари к е н г а ш и б, табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича амалий тадбирлар белгилашди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'маслаҳат сол–' маъносини англатган **кеңä–** феълидан (ДС, 298) 'бирга' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **кеңä– + ш = кеңäш–.** (ПДП, 394: **киңäш–;** Девон, III, 403: **кэ̄ңäшди;** ДС, 299: **кеңäш–**).

КЕПАК 'доннинг ун қилинганда ажраладиган устки қобиғи'. ***Ивитилган сомонга к е п а к қўшиб***

www.ziyouz.com kutubxonasi

терт қорди. Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'қолип' маъносини англатган **кип** отининг (Девон, III, 131) **кеп** шаклидан (ДС, 299) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **кеп + äк = кепäк.**

КЕР– 'орасини оч'. ***[Чол] ҳатто бесўнақай қўлининг панжасини к е р и б, ҳарбийча салом ҳам бериб қўйди*** (Шуҳрат). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'ораси очил–' маъносини англатган **кий–** феълидан **–(и)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган [ССТТН, II, 175: **kiur–mek** .. (*пон. форма от* **киймек**)]; кейинчалик **йи** товушлари талаффуз қилинмай қўйган, **и** унлиси **е** унлисига алмашган (Девон, II, 15): **кий– + ир = кийир– > кир– > кер–.**

КЕРАГА 'ўтовнинг гардишга ўхшаш девори'. .. ***Шерали ўтирган ўтов .. к е р а г а л а р и зорланаётгандай ғижирлар эди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу от қадимги туркий тилда 'орасини оч–' маъносини англатувчи **кир–** феълидан (ССТТН, II, 175) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–кӱ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ПДП, 393); кейинчалик **и** унлиси **е** унлисига, учинчи бўғиндаги **к** ундоши **г** ундошига (ЭСТЯ, III, 25), ўзбек тилида ӱ унлиси **ä** унлисига алмашган: **(кир– + ä = кирä–) > + кӱ = кирäкӱ > керägӱ > керägä.**

КЕРАК 'даркор', 'талаб–эҳтиёж бор'. ***Бу ишга .. муҳокама ва моҳирлик к е р а к*** (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'муносиб бўл–', 'мос бўл–' маъносини англатган **кирä–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 394), кейинчалик **и** унли **е** унлисига алмашган (Девон, I, 371; ДС, 300; ЭСТЯ, III, 26): **кирä– + к = кирäк > керäк.**

КЕРК– 'бироз шиш–'. ***Уйқудан қовоғи к е р к и б турди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги **кир– > кер–** феълининг 'кенгай–' маъносидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(и)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(кир– > кер–) + ик = керик– > керк–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕРТ– 'майдалаб кес–','қирқ–'. ***Отга беда к е р т и б солди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги **кир–** > **кер–** феълининг 'бир–биридан ажрат–' маъносидан (Девон, II, 15, ЭСТЯ, III, 23: **гер– 3**) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–(и)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(кир– > кер–) + ит = керит– > керт–.**

КЕСАК 'қотган ер парчаси'. *.. қиз девордан к е с а к кўчириб олиб, мулла Норқўзига ўқталди* (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'қисм', 'бўлак' маъносини англатган **кес** отидан (Девон, I, 317) 'кичик' маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **кес + äк = кесäк** (Девон, I, 372). Бу сўз дастлаб умуман 'бўлак', 'парча' маъносини англатган, 'қотган ер парчаси' маъноси кейин, маъно тараққиёти натижасида юзага келган.

КЕТ– 'маълум жойдан узоқлашиш томонга ҳара–катлан–'. ***Бугун ишга барвақт к е т д и.*** Ҳозирги ўзбек тилида ҳам шундай ва яна бир қанча маънони англатувчи бу феъл қадимги туркий тилда асли **кät–** (ПДП, 393), **кит–** (ПДП, 394) тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик **ä || и** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 303): **кät– || кит– > кет–.**

Бу феълни **кел–, кеч–, кез–** феъллари билан қиёслаб, ушбу феълларнинг ўзаги асли **ке– (< кä–, ки–)** бўлган деб фараз қилинади. Агар бу фикрни тан олсак, **кет–, кел–** феъллари охиридаги **т, л** қисмлари 'узоқлашиш', 'яқинлашиш' маъносини ифодаловчи қўшимча бўлиб чиқади (Унда **ч** қисми 'ботиб', **з** қисми 'турли йўналиш' маъносини ифодалаган бўлиб чиқади).

КЕТМОН 'махсус тузилишли ер чопиш қуроли'. ***Кузда томорқани к е т м о н б и л а н чопгандан кўра белкурак билан ағдарган маъқул.*** Бу от қадимги туркий тилдаги **кир–** > **кер–** феълининг 'бир–биридан ажрат–' маъносидан (Девон, II, 15; ЭСТЯ, III, 23: **гер– 3**) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–(и)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–мän** қўшимчасини (Девон. Индекс, 440) қўшиб ясалган, кейинчалик қатор келган уч ундошдан (**ртм**) биринчиси талаффуз қилинмай қўйган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Девон, I, 416); ўзбек тилида **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(кир– > кер–)** + **ит = керит–> керт–** + **мäн = кертмäн > кетмäн = кетмâн.**

КЕЧ I 'белгиланган муддатдан анча кейин'. ***Сал кеч келса, чироқ ўчирмай кутиб ўтиради*** (Шуҳрат). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу равиш асли **ке:ч** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 50), кейинроқ **е:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 132; ДС, 290): **ке:ч > кеч.** 'Кечқурун' маъносини англатувчи **кеч II** пайт маъносини англатувчи **кеч I** равишидан маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан.

КЕЧ II қ. **кеч I**

КЕЧ– 'суюқлик, масса бўйлаб ҳаракатланиб ўт–'. ***Улар катта йўлдан қор кечиб бордилар*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда дастлаб 'умуман ўт–' маъносини, кейинчалик 'оёғи билан ботиб ўт–' ва бошқа маънони англатган бу феъл асли **кäч– | кӭч–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 392; ЭСТЯ, III, 34; Девон, II, 11); кейинроқ **ä** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 290): **кäч– | кӭч– > кеч–.**

КЕЧА I 'сутканинг қуёш ботгандан қуёш чиққунча бўлган қисми', 'тун'. ***Разведкачиларимиз .. узоқ кечган мизғимай ўтказдилар*** (Шароф Рашидов). Бу от қадимги туркий тилда 'белгиланган муддатдан анча кейин' маъносини англатган **кä:ч** равишидан (ЭСТЯ, III, 50) **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 392), кейинроқ биринчи бўғиндаги **ä:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, сўнгра бу унли **е** унлисига алмашган (Девон, III, 238; ДС, 291): **кä:ч + ä = кä:чä > кäчä > кечä.**

КЕЧА II 'бугундан олдинги кун'. ***Аҳмаджон .. кеча институтда Азиз кандидатлик диссертацияси ёқлаган вақтда қизиб кетган баҳсни эслаб кетди*** (Ҳамид Ғулом). Бу равиш қадимги туркий тилда ясалган **кеча I** отидан маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан: пайт оти → пайт равиши.

КЕЧИК 'сувдан кўприксиз кечиб ўтиладиган саёз жой'. ***Биров сув тополмайди ичгани, биров кечик тополмайди кечгани*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилдаги 'ўт–', 'суюқлик бўйлаб ботиб ўт–' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатувчи **кäч–** феълининг (ПДП, 392; ЭСТЯ, III, 34) **кеч–** шаклидан (Девон, II, 156; ДС, 290) **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган: **кеч–** + **ик** > **кечик** (Девон, I, 371). ДСда бу сўз асосан **кечиг** шаклида ишлатилгани таъкидланган (291– бет).

КЕЧИК– 'белгиланган муддатдан кеч қол–'. ***У Азизни шу ерда кутишга, агар у к е ч и к к у д а й б ў л с а, .. Дилдорнинг уйига боришга қарор қилди*** (Ҳамид Ғулом). Бу феъл 'белгиланган муддатдан анча кейин' маъносини англатувчи **кеч I** равишдан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 51): **кеч I** + **ик** = **кечик–.**

КЕЧИНМА 'ҳис–туйғуга бой ўй–хаёл, хотиралар'. ***Гулнор .. чиройли туш каби енгил ва тотли к е ч и н м а л а р г а, ўйларга берилиб ўтирди*** (Ойбек). Мавҳум тушунча англатувчи бу от **–мä** қўшимчаси билан ясалгани аниқ: **кечин–** + **мä** = **кечинмä.** Қизиғи шуки, ўзбек тилида **кечин–** феъли йўқ. Бу феъл асли 'ўт–' маъносини англатувчи **кеч–** феълига (Девон, II, 156; ДС, 290) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 34); **кечин–** феъли озарбайжон тилида ва бошқа баъзи тилларда мавжуд.

КЕЧИР– I 'ўтказ–'. ***Кеча бўлиб ўтган воқиаларни хаёлидан бирма–бир к е ч и р д и.*** Бу феъл ўзбек тилидаги **кеч–** феълининг 'ўт–' маъносидан **–(и)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **кеч–** + **ир** = **кечир– I.** Бу феъл одатда **бошидан кечир–, хаёлидан кечир–** каби иборалар таркибида ишлатилади.

КЕЧИР– II 'гуноҳидан ўт–'. ***Агар ўз сўзларим билан кўнглингизга озор берган бўлсам, мени к е ч и р и н г.*** Бу феъл ўзбек тилида **кеч–** феъли 'ўт–' маъноси билан қатнашган **воз кеч–** бирикмасидан ўсиб чиққан. **Бир қошиқ қонидан кеч–, гуноҳидан кеч–** каби бирикмалар таркибидаги бу феъл ўзи мустақил ишлатила бошлаганидан кейингина унга **–(и)р** қўшимчаси қўшилган. **Кечиринг, Кечирасиз** кабилар шу феълнинг мурожаат шакллари сифатида кейинчалик юзага келган.

КЕЧИРАСИЗ қ. **кечир– II**

КЕЧИРИНГ қ. **кечир– II**

КЕЧКИР– 'қоронғи бўла бошла–'. ***Бугун қолинг, кун к е ч к и р д и, эртага ўзим арава топиб жўна–***

www.ziyouz.com kutubxonasi

таман (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз ўзбек тилида **Кеч кирди** гапининг бир сўзга бирлашуви билан ҳосил бўлган: **Кеч кирди > кечкирди > кечкир–.** Бу феълни **кун** сўзи билан боғлаб ишлатишга **кечкир–** яхлит сўзга айланганидан кейингина йўл очилган.

КЕЧҚУРУН 'кундуз тугаб, тун бошланган пайт', 'оқшом'. ***Адолат ҳар куни к е ч қ у р у н Усмонжонни кўриш орзусида уйига ошиқар эди*** (Саида Зуннунова). Бу пайт оти асли **кеч I** равиши билан 'вақт' маъносини англатувчи **қур** отидан тузилган бирикмага қадимги восита келишигининг **–(у)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, қўшимча қўшилганидан кейин бу қурилма бир сўзга айланган: **(кеч I + қур) + ун = кечқурун.**

КИГИЗ 'юнгни бостириб тайёрланадиган қалин палос'. .. ***к и г и з устига солинган кўрпачада .. чой ҳўплаб ўтирибди*** (Парда Турсун). Бу от қадимги туркий тилда 'қопла–' маъносини англатган **кид–** | **киз́–** феълидан **–(и)з** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 306); Девонда бу сўз **киз́из** шаклида 'зол' ҳарфи билан ёзилган (I, 347); кейинчалик **д, з́** ундоши **й** ундошига алмашган: **кид–** || **киз́–** + **из = киз́из > кийиз;** ҳозирги ўзбек адабий тилида **й** ундошини эмас, **г** ундошини ай–тиш ва ёзиш қоидалаштирилган: **кийиз > кигиз** (Шевалар да бу от **кийиз** тарзида ҳам талаффуз қилинади).

КИЙ– 'баданни бирор мато билан қопла–'. ***Гуломжон апил–тапил кийимларини к и й д и*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **кäз–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 445), сўнгра **кей–** шакли юзага келган (ДС, 294); кейинчалик **е** унлиси **и** унлисига ал–машган: **кäз– > кей– > кий–.** Асли бу феъл 'қопла–' 'ёп–' маъносини англатган; ҳозирги маъносини кейин–чалик, маънода торайиш, хосланиш воқе бўлганидан кейин англата бошлаган.

КИЙИК 'оҳу'. ***Тоғ чўққисида ўтлаб юрган к и й и к шарпани эшитиб, бош иргатгандай бўлди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган от асли **кäдик** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 392), кейинчалик **ä** унлиси **е** унлисига, **д** ундоши **з** ундошига (ДС, 294) ва бу ундош **й** ундошига

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Девон, III, 182), охири **е** унлиси **и** унлисига алмашган: **кäдик > käзик > кезик > кейик > кийик.** Қадимги турк кий тилда, 'оҳу' маъносини англатувчи **кейик** сўзидан ташқари, 'ёввойи' маъносини англатувчи **кäйик** сўзи ҳам мавжуд бўлган (ПДП, 392) ва бу сўз ҳам кейинчалик **кийик** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 394); Девонда бу сўз **кӭйик** шаклида келтирилган; натижада 'оҳу' маъносини англатувчи от билан 'ёввойи' маъносини англатувчи сифат Девонда бир хил ёзилиб қолган.

КИЙИМ 'баданни беркитиш учун кийиладиган, махсус тикилган мато'. *..бир йигит к и й и м и г а ўтирган чанг–тўзонни қоқар эди* (Абдулла Қодирий). Бу от қадимги туркий тилда 'баданни мато билан қопла–' маъносини англатган **кäз̇–** феълидан (Девон, III, 445) **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 392), кейинчалик **ä** унлиси **е** унлисига (ДС, 295) ва бу унли ўз навбатида **и** унлисига, **з̇** ундоши **й** ундошига алмашган: **кäз̇– + им = кäз̇им > кейим > кийим.**

КИМСА 'қандайдир бир одам'. *Бу номаълум к и м с а оёқ учи билан юриб келди–да, мўралаб ай–вонга қаради* (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **ким ерсä** шаклида ишлатилган (ДС, 307); бир сўзга бирлашиш жараёнида **кимирсä** шаклига ўтган (ПДП, 394), охири иккинчи бўғиндаги **ир** товушлари талаффуз қилинмай қўйган: **ким ерсä > кимирсä > кимсä.**

КИНДИК 'қориндаги болани она танаси билан боғлаб турувчи ичакнинг боши'. *Киши қариганидан кейин к и н д и к қони тўкилган жойини қўмсаб қоларкан* (Б.Раҳмонов). Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, кейин истеъмолдан чиққан, асли 'туташтир–', 'бирлаштир–' маъносини англатган **кин–** феълидан **–ди** қўшимчаси билан ясалган отга (асли сифат–дошга) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлса керак: **(кин– + ди = кинди) + к = киндик** (ДС, 308).

КИПРИК 'кўз қовоқлари четига қатор жойлашган туклар'. *Раънонинг кўзлари ёшланиб, ўсиқ к и п р и – г и жуфтланди* (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда 'кўп тикан' маъносини англатган **кирпи**

www.ziyouz.com kutubxonasi

отидан (Девон, I, 393; ДС, 309) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, I, 443; ДС, 309), кейинчалик **рп** ундошлари ўрин алмаштирилган (ССТТН, II, 121): **кирпи + к = кирпик > киприк.**

КИР– 'ташқи томондан ичкари томон ҳаракатлан–'. ***Калтакесаклар ўқдай отилиб ковакларга, тош ораларига к и р и б к е т а д и*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа маъноларни ҳам англатган бу феъл асли **ки:р–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 47), кейинроқ **и** унлиси–нинг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 394; Девон, II, 15; ДС, 308): **ки:р– > кир–.**

КИРКА 'қаттиқ жисмларни ёриш, синдириш асбоби'. ***Дарё бўйида уймалашиб, лом ва к и р к а л а р билан тош кўчираётган одамларнинг кийимларини шамол юлқийди*** (Ш.Тошматов). Бу от асли қадимги туркий тилда 'орасини оч–' маъносини англатувчи **кер–** феълидан (Девон, II, 15; ДС, 300) **–ки** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 405; ДС, 301) **кер– + ки = керки.** Ҳозирги ўзбек тилидаги **кирка** сўзи эса туркий **керки** сўзининг рус тилида товуш жиҳатдан ўзгаргандан кейин ўзбек тилига қайта кириб келган шаклига тенг.

КИРКИК 'овда беданани чақирадиган ҳуштак'. ***Сидиқбой ҳатто к и р к и к н и ҳам синдириб ташлади*** (Йўлдош Шамшаров). Бу от **кирк** товушга тақлид сўзидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган: **кирк + ик = киркик.**

КИРПИ 'типратикан'. ***К и р п и заҳарли илонларга қирон келтиради.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган ва талаффуз қилинган бу от ҳозирги ўзбек тилида шева сўзи деб қаралади; адабий тилда эса бу маъно **типрäтикäн** сўзи билан англатилади. Асли **кирпи** сўзи (Девон, I, 393; ДС, 309) 'кўп тикан' маъносини англатган бўлиши керак; унда **кирпи** сўзи охиридаги **–и** 'кўп' маъносини ифодаловчи қўшимча бўлиб чиқади: **кирп + и = кирпи.** Бу сўзнинг **кирп** қисми ҳам аслида ясама бўлгани аниқ: **кир– + п;** лекин **п** қисмини изоҳлаш имкони йўқ.

Кирпи сўзини **кир–** феълидан **–пи** қўшимчаси билан ясалган деб талқин қилиш ҳам мумкин, лекин

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабиётларда **–пи** қўшимчасининг мавжуд бўлгани кўрсатилмаган.

КИЧИК 'ҳажми, ўлчами меъёрдан оз'. ***К и ч и к – к и ч и к станцияларда ҳам унинг [поезднинг] йўлига қизил фонарь кўндаланг бўлаверади*** (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат дастлаб **кичиг** (ПДП, 394; ДС, 306), **кичўг** (ДС, 306) тарзида, кейинчалик **кичик** тарзида (Девон, I, 371) талаффуз қилинган; ҳозирги ўзбек тилида **кичик** тарзида, шеваларда **кичий** тарзида ҳам талаффуз қилинади, бунда **г–к–й** товуш алмашуви воқе бўлади. Баъзи туркий тилларда бу сўз охирги ундошсиз **кичи** тарзида ҳам талаффуз қилинади (ССТТН, II, 174). Аслида **кичик** сифати **кичи–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалганига шубҳа йўқ, лекин манбаларда **кичи–** феъли ўз аксини топмаган.

КИЧКИНА 'ҳажми, ўлчами меъёрга нисбатан оз'. ***Уй к и ч к и н а, лекин ёруғ ва тоза эди*** (Ойбек). Бу сўз ўзбек тилида **кичик** сифатига 'ижобий муносабат' маъносини ифодаловчи **–кинä (< –гинä)** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги **ик** товушлари талаффуз қилинмай қўйган: **кичик + кинä = кичиккинä > кичкинä.**

КИШАН 'оёқ, қўлларни эркин ҳаракат қила олмайдиган қилиб солинадиган бўғов'. ***Бояги эркак маҳбусларнинг қўлларидаги к и ш а н л а р н и очди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу от қадимги туркий тилдаги 'икки аъзони (оёқни) бир–бирига қисқа оралиқ билан боғла–' маъносини англатган **кишä–** феълидан (ПДП, 394; Девон, III, 283; ДС, 310) **–н** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 394; ДС, 310): **кишä– + н = кишäн.**

КИШТ паррандаларни ҳайдаш учун ишлатиладиган ундов сўз. ***"Кишт, кишт!" – деб ҳайдаса ҳам, товуқлар қайта–қайта яқинлашаверди.*** Бу сўз асли 'ҳайдаш' маъносини ифодаловчи **киш–киш** ундовидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган. Кейинчалик бу ундов шахмат ўйинида шоҳга ҳужум эълон қилишни билдириш учун ҳам ишлатиладиган бўлган.

КОВЛА– 'ўйиб, чуқур ҳосил қил–','қази–'. ***Ўзинг к о в л а г а н гўрга ўзинг кир!*** (Назир Сафаров). Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўз қадимги туркий тилдаги 'чайна–' маъносини англатган **кев–** феълининг (Девон, II, 23; ССТТН, II, 163; ЭСТЯ, III, 6) 'ўй–' маъносидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **в** ундошининг таъсири билан **е** унлиси **â** унлисига алмашган: **кев– + лä = кевлä– > кâвлä–.**

КОВУШ ҚАЙТАР– қ. **кавш**

КОВША– қ. **кавша–**

КУВРАК 'пишиб, шарбат тўплаш даражасига етмаган'. *У **шакарпалакнинг сал к у в р а к р о ғ и н и** танлабди* (Ҳ.Иброҳимов). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'заифла–', 'бўшаштир–' маъносини англатган **кев–** феълининг (ДС, 304: **kev– I**) 'бироз' маъносини ифодаловчи **–рä** қўшимчасини олган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 8), кейинчалик **е** унлиси ў унлисига алмашган; ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кев– + рä = кеврä–) + к = кеврäк > кўврäк > куврäк.**

КУЗ 'ёз билан қиш оралиғидаги фасл'. *Жўжани к у з д а санайдилар* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **кў:з** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 95), кейинроқ **ў:** унлисининг чўзиқлик белгиси (ПДП, 398; Девон, I, 316; ДС, 331), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси ҳам йўқолган: **кў:з > кўз > куз.**

КУЗАК 'кузнинг охирлари'. *Даладан шаҳар ҳовлига кеч к у з а к д а қайтдик.* Бу сўз ўзбек тилида **куз** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **куз + äк = кузäк.**

КУЗАТ– 'кетаётган кишига маълум ергача ҳамроҳ бўл–'. *Комил билан Бўронбек Зиёдуллани к у з а т и б қ ў й и ш у ч у н далага чиқишди* (Ҳамид Ғулом). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'назорат қил–' маъносини англатган **кў–** феълидан (ДС, 322) **–з** қўшимчаси билан ясалган отга (ДС, 668; ЭСТЯ, III, 65) **–ä** қўшимчасини қўшиб ясалган феълнинг (ЭСТЯ, III, 65) **–т** орттирма қўшимчасини олган шакли бўлиб, дастлаб 'қўриқла–', 'назорат қил–' маъноларини англатган (ДС, 331; ЭСТЯ, III, 64); ҳозирги ўзбек тилидаги маъноси ана шу маънодан ўсиб чиққан; ўзбек тилида ў унлиси–

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[(кў– + з = кўз) + ä = кўзä–] + т = кўзät– > кузät–.**

КУЙ 'оҳанг'. ***Йўлчи бир нафас тараддудланиб, бошқа бир к у й н и чалди–да,*** .. (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа маъноларни англатган бу от асли **кöг** тарзида [Девон, III, 144: **кöг** (юмшоқ **к** билан) 'шеърнинг вазни, ўлчови; **кöг** 'ашулада овозни баланд–паст қилиш' ..] талаффуз қилинган, кейинчалик **г** ундоши **й** ундошига, **ö** унлиси **ў** унлисига алмашган (ССТТН, II, 170); ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöг > кўй > куй.** Маҳмуд Кошғарий кўп маъноли сўз (ҳатто бир неча сўз) сифатида талқин қилган **кöг** сўзи ДСда нимагадир хитойча деб таъкидланган (311– бет).

КУЙ– 'аланга (иссиқ) таъсирида ёниб, истеъмолга яроқсиз (кўмир) ҳолатига ет–'. ***Олов баланд бўлганидан ноннинг юзи к у й и б д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **кöй–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 312), ўша даврлардаёқ **ö** унлиси **ў** унлисига алмашган (Девон, III, 264); ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöй– > кўй– > куй–.**

КУЙА I 'юнгли матолар билан овқатланадиган кичкина капалак ва унинг қурти'. ***Вақтида қарамаган экан, пальтосини к у я еб ташлабди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от дастлаб **кўбä** тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, **в** ундоши ўз навбатида **г** ундошига, **г** ундоши эса **й** ундошига алмашган (ЭСТЯ, III, 94; Девон, III, 185); ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўбä > кўвä > кўгä > кўйä > куйä.**

КУЙА II 'куйиш натижасида ҳосил бўладиган қора заррачалар', 'қоракуя'. ***Қозонга яқин юрсанг, к у я – с и юқар*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'аланга (иссиқ) таъсирида куйиб, истеъмолга яроқсиз (кўмир) ҳолига ет–' маъносини англатган **кöй–** феълининг **кўй–** шаклидан (ПДП, 397; Девон, III, 264) **–ä** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кöй– > кўй–) + ä = кўйä > куйä.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЙИК– қ. **куйук–**

КУЙОВ 'қизининг эри (ота–онага ва унинг қариндошларига нисбатан)'. ***[Салимбойвачча] синглисидан аҳвол сўраб, к у ё в н и н г қўлини сиқди*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилдаги 'қизининг эри' маъносини англатган **кӱд** || **кӱз** отидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга иш оти шаклини ясовчи **–гӱ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 45; ПДП, 397; Девон, III, 18; ДС, 324: **кӱдäгӱ, кӱзäгӱ**) кейинчалик **д** || **з** ундоши **й** ундошига алмашган (ЭСТЯ, III, 45), сўнгра сўз охиридаги **ӱ** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, шунинг оқибатида сўз охирида **г** ундоши **в** ундошига алмашган (ССТТН, II, 170), ўзбек тилида **в** ундоши таъсири билан **ä** унлиси **â** унлисига алмашган, **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кӱд || кӱз + ä = кӱзä–) + гӱ = кӱзäгӱ > кӱйäгӱ > кӱйäг > кӱйäв >кӱйâв > куйâв.**

КУЙУК 'пиширилаётган нарсанинг куйиш оқибатида ҳосил бўлган қисми'. ***Ноннинг к у ю г и қорин оғритади.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'аланга (иссиқ) таъсирида куйиб, истеъмолга яроқсиз (кўмир) ҳолига ет–' маъносини англатган **кӧй–** феълидан (ДС, 312) **–(ӱ)к** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 183); кейинчалик **ӧ** унлиси **ӱ** унлисига алмашган (КРС, 461); ўзбек тилида **ӱ** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кӧй– + ӱк = кӧйӱк > кӱйӱк > куйук.** Бу сифат си–фатланмишсиз ишлатилиши оқибатида отга айланган.

КУЙУК– 'жинсий фаоллик кўрсат–' (урғочи ҳайвон ҳақида). ***Сигиримиз бу йил бемаврид к у ю к д и.*** Бу феъл 'оҳанг', 'овоз' маъносини англатувчи **кӧг** отининг товуш ўзгаришлари натижасида юзага келган **кӱй** шаклидан эски ўзбек тилида **–(ӱ)к** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 461: **кӱйӱк– II 4**); кейинчалик **ӱ** унлилари–нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кӱй + ӱк = кӱйӱк– > куйук–**. Бу феъл ЎТИЛда нимагадир **куйик–** шаклида берилган.

КУЛ 'бирор нарсанинг ёниб–куйиши оқибатида ҳосил бўладиган чангсимон минерал қолдиқ'. ***Ўчоқнинг к у л и н и олиб, кейин ўтин қалади.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **кӱл**

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарзида талаффуз қилинган (ДС, 325), ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўл > кул**.

КУЛ– 'хурсандлик, завқ–шавқ ҳолатини ифода–ловчи овозлар чиқар–'. ***Уйдагилар к у л г а н д а ай–вондагилар илжайибди*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **кўл**– тар–зида талаффуз қилинган (ПДП, 397; ДС, 325; ЭСТЯ, III, 99); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўл– > кул– .**

КУЛАЛА: КУЛАЛА БЎЛИБ 'оёқ–қўлини йиғиштириб, ғужанак бўлиб'. ***..бир тўда латталар орасида к у л а л а б ў л и б ҳикоямизнинг қаҳрамони Мамажон ётар эди*** (Ғафур Ғулом). Бу сўз асли қадимги тур–кий тилдаги 'йиқитиб боғла–' маъносини англатган **кўл**– феълининг (Девон, II, 227: **кўлтўрди** – 'оёқларини боғлаб йиқитмоққа буюрди'; ЭСТЯ, III, 96) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ў)л** қўшимчасини олган шак–лига **–ä** равишдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги ў унлиси **ä** унлисига ал–машган, ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кўл– + ўл = кўлўл–) + ä = кўлўлä > кўлälä > кулälä.**

КУЛАҒОН 'кўп куладиган'. ***Кичкинангиз жуда к у л а ғ о н экан–ку!*** Бу сўз асли "хурсандлик, завқ–шавқ ҳолатини ифодаловчи овозлар чиқар–' маъносини англатувчи **кўл**– феълининг кучайтириш ('такрор') маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини олган шаклидан **–ғän** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шак–лига тенг: **(кўл– + ä = кўлä–) + ғän = кўлäғän.** Кейинча–лик ўзбек тилида **–ä** қўшимчаси мустақил ишлатил–майдиган бўлган, биринчи бўғиндаги унлининг юм–шоқлик белгиси йўқолган, учинчи бўғиндаги **г** ундоши **ғ** ундошига, **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **кўлäғän >кулäғâн**. Ҳозирги ўзбек тилида бундай тузилишли сўз таркиби **кул–ағâн** тарзида ажратилади.

КУЛГИ 'хурсандлик, завқ–шавқ ҳолатини ифода–ловчи овозлар'. ***Сиддиқжон кимнингдир қаттиқ к у л г и с и д а н уйғаниб кетди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу от қадимги туркий тилда 'хурсандлик, завқ–шавқ ҳолатини ифодаловчи овозлар чиқар–' маъносини англатувчи **кўл**– феълидан **–гў** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I,

www.ziyouz.com kutubxonasi

405; ЭСТЯ, III, 100); ўзбек тилида ў унлиларининг юм–шоқлик белгиси йўқолган, иккинчи очиқ бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **кўл–** + **гў** = **кўлгў** > **кулгу** > **кулги.**

КУЛИМСИ[Н]– 'кулаётганга ўхшаш ҳолатда бўл–'. ***Моҳлар ойим к у л и м с и д и*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз асли 'хурсандлик, завқ–шавқ ҳолатини ифодаловчи овозлар чиқар–' маъносини англатувчи **кўл–** феълидан **–(ў)м** қўшимчаси билан ясалган ҳолат отига 'мойиллик (истак)' маъносини ифодаловчи **–си** қўшимчасини қўшиб ясалган феъл бўлиб, кейинчалик унга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси ҳам қўшилган (Девон, II, 302; ЭСТЯ, III, 100); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **[(кўл– + ўм = кўлўм) + си = кўлўмси–] + н = кўлўмсин– > кулимсин–.** Ҳозирги ўзбек тилида бу тур сўзлар қисмларга **кул–имсин** тарзида ажратилади.

КУЛИМСИРА– 'енгилгина кулиш ҳолатида бўл–'. ***"Келинг, уста Қудрат", – деди Тешабой ўтирган ерида к у л и м с и р а б*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз асли 'хурсандлик, завқ–шавқ ҳолатини ифодаловчи овозлар чиқар–' маъносини англатувчи **кўл–** феълидан **–(ў)м** қўшимчаси билан ясалган ҳолат отига 'мойиллик (истак)' маъносини ифодаловчи **–си** қўшимчасини қўшиб ясалган феълнинг 'бироз' маъносини ифода–ловчи **–рä** қўшимчаси қўшилган шаклига тенг (ЭСТЯ, III, 99); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган, кейин иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **[(кўл– + ўм = кўлўм) + си = кўлўмси–] + рä = кўлўмсирä– > кулимсирä–.** Ҳозирги ўзбек тилида бу тур сўзлар қисмларга **кул–имсира** тарзида ажратилади.

КУЛУ: КУЛУ ҚИЛ– 'ҳайвоннинг уч оёғини тў–пиғидан бирлаштириб боғла–'. ***Қассоб сотиб олган қў–йини к у л у қ и л и б, "Жигули"нинг юкхонасига жойлади.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'йиқитиб боғла–' маъносини англатган **кўл–** феълига **–ў** иш оти ясовчисини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 96), ке–йинчалик ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўл– + **ў** = **кўлў** > **кулу.** Бу сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **кулу қил–** феъли таркибида қатнашади.

КУМУШ 'оқ–кўкиш рангли қимматбаҳо маъдан'. ***Кузги қатиқ, к у м у ш қошиқ – куёвларга бергули*** (Матал). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **кўмўш** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 397; Девон, I, 351; ДС, 326), ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўмўш > кумуш.** Бу от ўзбек тилининг айрим шеваларида **комиш (кўмиш)** тарзида бузиб талаффуз қилинади.

КУН I 'ерга иссиқлик ва нур таратиб турувчи планета', 'қуёш'. ***Ой чиқса ҳам, шунга чиқсин, к у н чиқса ҳам, шунга чиқсин*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **кўн** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 397; Девон, I, 327; ЭСТЯ, III, 101), ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўн > кун.**

КУН II 'сутканинг қуёш чиқишидан ботишигача бўлган (ёруғ) қисми'. ***Шундай жазирама к у н л а р – д а кўнгил далани қўмсайди*** (Ҳамид Ғулом). Бу от қадимги туркий тилда 'қуёш' маъносини англатувчи **кўн I** отидан маъно тараққиёти асосида ўсиб чиққан (ДС, 326: **кўн I 2;** ЭСТЯ, III, 101: **кўн 1**); кейинчалик ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўн I > кўн II > кун II.**

КУНБОТАР 'ғарб'. ***"Б" қишлоғининг к у н б о т а р томонидаги пастгина кулбадан .. бир чол чиқди*** (Аддам Раҳмат). Бу сўз ўзбек тилида **Кун бâтäди** гапи таркибидаги **–ди** тусловчисини ташлаб, **–ä** замон қўшимчасини **–(ä)р** сифатдош қўшимчасига алмаштириш билан юзага келган трансформани бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган: **Кун бâтäди > кунбâтäр.** Қадимги туркий тилда бу маъно **künbatuš, künbatsiq** сўзлари билан англатилган (ДС, 327).

КУНГАБОҚАР 'меваси сариқ, тўпгулли, одатда мой олиш учун экиладиган йирик баргли ўсимлик'. ***Шу кунларда к у н г а б о қ а р д а н ишлаб чиқарилган ёғ турлари кўпайиб кетди.*** Бу от асли **кунгä бâқ–** феъл бирикмасининг **–(ä)р** сифатдош қўшимчасини олган шакли бўлиб, бир сўзга бирлашган; бу ўсимлик ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

мевасини қуёш томонга буриб туришига қараб шундай номланган: **(кунгä бâқ–) + äр = кунгäбâқäр.**

КУНГАЙ 'қуёшнинг ҳаракатланиш йўлида ўринлашган'. ***Кўчаларнинг к у н г а й томонида лой қуриб, ҳаваста юрадиган юмшоқ қайроқдай йилтироқ сўқмоқ йўл тушди*** (Асқад Мухтор). Бу сифат қадимги туркий тилда ҳам 'қуёш' маъносини англатган **кўн I** отидан (ДС, 326: **кўн I 1**) **–гäй** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 102), кейинчалик ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўн I + гäй = кўнгäй > кунгäй.**

КУНДОШ 'бир эрнинг хотинлари бир–бирига нисбатан'. ***Эшикдан к у н д о ш кирса, тешикдан уриш киради*** (Мақол). Бу ерда асли қадимги туркий тилдаги 'қизған–', 'ғайирлик қил–' маъносини англатган **кўн–** феълидан **–и** қўшимчаси билан **кўни** оти (ДС, 327: **кўни I**), унга **–дä** (< **–лä**) қўшимчасини қўшиб **кўнидä–** феъли (ЭСТЯ, III, 105) ва ниҳоят, **–ш** қўшимчасини қўшиб **кўнидäш** оти ясалган (ЭСТЯ, III, 105); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(кўн– + и = кўни) + дä (< лä) = кўнидä–] + ш = кўнидäш > кўндâш > кундâш.**

КУНДУЗ 'сутканинг ёруғ қисми'. ***Шу булутлар тунда йиғилиб, к у н д у з тарқалиб турибди*** (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **кўндўз, кўнтўз** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 397; ДС, 327,328), кейинчалик ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолиб, **кундуз** шакли сақланган. Бу сўзнинг **кўн** қисми 'қуёш' маъносини англатувчи сўз экани шубҳасиз, лекин **–дўз** қисми қўшимча ёки сўзга тенг экани ва ифодалаган маъноси ноаниқ. Бу қисмнинг баъзи тилларда унлилар уйғунлигига бўйсунмай **–диз (–тиз)** шаклида ишлатилиши (ЭСТЯ, III, 103) уни сўзга тенг дейиш учун ҳуқуқ беради ('қисм' маъносини англатувчи от бўлса керак).

КУНЧИ 'ғайир', 'рашк қилувчи'. ***Маждиддин к у н ч и эрлардан бўлса ҳам, лекин бу хабар уни жуда қувонтирди*** (Ойбек). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'қизған–', 'ғайирлик қил–' маъносини анг–

www.ziyouz.com kutubxonasi

латган **кўн–** феълидан (ЭСТЯ, III, 105) **–и** қўшимчаси билан ясалган отта (ДС, 327: **кўни I**) **–чи** қўшимчасини қўшиб ясалган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кўн– + и = кўни) + чи = кўничи > кўнчи > кунчи.**

КУНЧИҚАР 'шарқ'. ***Итларнинг қишлоқнинг к у н ч и қ а р томонидан бошланган акиллашлари секин–аста қишлоқнинг кунботар томонига келмоқда эди*** (Садриддин Айний). Бу сўз ўзбек тилида **Кун чиқäди** гапи таркибидаги **–ди** тусловчисини ташлаб, **–ä** замон қўшимчасини **–(ä)р** сифатдош қўшимчасига алмаштириш билан юзага келган трансформани бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган: **Кун чиқäди > кунчиқäр.** Бу маъно қадимги туркий тилда **küntoγsuq, küntoγuš** сўзлари билан англатилган (ДС, 327, 328).

КУРА– 'курак билан сидир–', 'сур–'. ***Қор к у р а н г, самоварчиларга сув ташинг*** (Ойбек). Бу феъл Девонда **кўріді** шаклида берилган (III, 279), ДСда эса **кўгä–** шаклида ҳам келтирилган, лекин асосий шакл **кўгі–** экани мисоллардан кўриниб турибди (328–, 329–бетлар). Охирги унлининг **и, ä** шаклида бўлиши унинг қўшимчага тенг эканини кўрсатади; агар шу фикрга рози бўлсак, унда бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'сидир–' маъносини англатган **кўр–** феълидан (ЭСТЯ, III, 81) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–и (–ä)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб чиқади; ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўр– + и (ä) = кўрä– > курä–.**

КУРАК 'нарсаларни сидириб, кураб тўплайдиган асбоб'. ***Йўлчи к у р а к ва супурги олиб, отхонани тозалай бошлади*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилдаги 'сидир–' маъносини англатган **кўр–** феълининг (ЭСТЯ, III, 81) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–гä** қўшимчасини олган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (Девон, II, 335); кейинчалик **г** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кўр– + гä = кўргä–) + к = кўргäк > кўräк > курäк.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУРАШ 'бир–бирини йиқитиш бўйича куч си–нашиш мусобақаси'. ***Бу ерда к у р а ш бошланган бўлиб, Давлатёр билан Маъмуржон бел олишмоқда эди*** (Парда Турсун). Бу от қадимги туркий тилдаги **кўрäш–** феълидан маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан: **кўрäш–** (ҳаракат) → **кўрäш** (шундай ҳаракатнинг номи); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўрäш → кураш.**

КУРАШ– 'бир–бирини йиқитиш бўйича куч си–наш–'. ***Полвонлар бир–бирларининг белбоғларидан маҳкам ушлаб узоқ к у р а ш д и л а р.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'сидир–' маъносини англатган **кўр–** феълининг (ЭСТЯ, III, 81) 'чалиб йиқит–' маъносидан биргалик маъносини ифодаловчи **–(ä)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 328; ЭСТЯ, III, 80); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кўр– + äш = кўрäш– > курäш–.**

КУТ– 'кимнинг ёки ниманинг келишини пойла–'. ***Аҳмаджон .. немис пиёда аскарларининг яқинроқ ке–лишини к у т д и*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'назорат қил–' маъносини англатган **кӯ:–** феълининг (ДС, 322; ЭСТЯ, III, 108) **–т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига тенг бўлиб (ЭСТЯ, III, 108), қадимги туркий тилдаёқ ӯ: унлисининг чўзиқлик белгиси (ПДП, 397; ДС, 328), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси ҳам йўқолган: **кӯ:т– > кӯт– > кут–.**

КУТКИЛА– 'такрор–такрор тежаб–тергаб, танбеҳ бер–'. ***Шайхлар уни к у т к и л а й б е р и б тин–читмагандан сўнг қори бошқа йўл – муслимларга хизмат қилишга киришди*** (Сайид Аҳмад). Бу сўзда асли қадимги туркий тилдаги 'назорат қил–' маъносини англатган **кӯ–** (< **кӯ:–**) феълининг **–т** орттирма қўшим–часини олган шаклидан (ЭСТЯ, III, 108) **–кӯ** қўшимчаси билан (Девон, Индекс, 433) от ясалган ва ундан **–лä** қўшимчаси билан феъл ясалган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги ӯ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги ӯ унлиси **и** унлисига алмашган: **[(кӯ– + т = кӯт–) + кӯ = кӯткӯ] + лä = кӯткӯлä– > куткилä–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЧ 'жисмоний ҳаракат қилиш қобилияти', 'қувват'. ***Эсинг борида эл тани, к у ч и н г борида ер тани*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **кӯ:ч** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 97), кейинроқ **ӯ:** унлисининг чӯзиқлик белгиси (ПДП, 396; Девон, III, 132; ДС, 322), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси ҳам йўқолган: **кӯ:ч > кӯч > куч.**

КУЧАН– 'ортиқча куч билан ҳаракат қил–'. ***Ҳомид ҳануз қўлини бўшатишга к у ч а н а р э д и*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'қувват' маъносини англатувчи **кӯч** отидан (Девон, III, 132; ДС, 322) **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга (Девон, III, 274; ДС, 323) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, II, 183; ДС, 323); ўзбек тилида ӯ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кӯч + ä = кӯчä–) + н = кӯчän– > кучän–.**

КУЧЛАНИШ 'маълум куч таъсирида воқе бўладиган ҳолат'. ***Бу сим токнинг юқори к у ч л а н и ш и г а бардош бермайди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'қувват' маъносини англатувчи **кӯч** отидан (Девон, III, 132; ДС, 322) **–лän** қўшимчаси билан ясалган феълнинг (Девон, II, 293) ҳозирги ўзбек тилидаги **кучлän–** шаклига **–(и)ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(кӯч + лän = кӯчлän– > кучлän–) + иш = кучläниш.**

КУЧЛИ 'куч–қуввати бошқаларникига нисбатан ортиқ', 'бақувват'. ***Мутал к у ч л и э д и, аммо Отабек ундан ҳам к у ч л и э д и*** (Абдулла Қодирий). Бу сифат асли қадимги туркий тилда 'қувват' маъносини англатган **кӯ:ч** отидан **–лӯг** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 397; Девон, III, 132; ДС, 323); кейинчалик сўз охиридаги **г** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида иккинчи очиқ бўғиндаги ӯ унлиси **и** унлисига алмашган; биринчи бўғиндаги ӯ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кӯч + лӯг = кӯчлӯг > кӯчлӯ > кӯчли > кучли.**

КЎЗ 'кўриш аъзоси'. ***Аяган к ӯ з г а чӯп тушар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **кö:з** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 60), кейинроқ **ö:** унлисининг чўзиқлик бел–

www.ziyouz.com kutubxonasi

гиси (ПДП, 396; ДС, 320), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси ҳам йўқолган: **кӧ:з > кӧз > коз.**

КЎЗАНАК 'кўзга ўхшаш катакча'. ***Асалари ини к ў з а н а к л а р и бу йил баҳорда ярмига ҳам тўлмади.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'қара–' маъносини англатган **кӧз–** феълидан (ЭСТЯ, III, 61) **–(ä)н** қўшимчаси билан ясалган отга (ЭСТЯ, III, 62) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кӧз– + ӓн = кӧзӓн) + ӓк = кӧзӓнӓк > козӓнӓк.**

КЎЗГУ 'қаршисидагини акс эттириб кўрсатадиган ойна'. ***[Секретарь] ..дераза ёнидаги бўй баравар келадиган к ў з г у олдига келди*** (Сами Абдуқаҳҳор). Бу от асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'қара–' маъносини англатган **кӧз–** феълининг (ЭСТЯ, III, 61) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ӱ)н** қўшимчасини олган шаклидан (ПДП, 396; Девон, II, 184; ДС, 321) **–гӱ** қўшимчаси билан ясалган; дастлаб **нг** ундошлари бир **ң** ундошига бирлашган (ДС, 321), сўнгра иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, III, 389); кейинчалик ўзбек тилида **ң** ундоши **г** ундошига алмашган, **ӧ, ӱ** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кӧз– + ӱн = кӧзӱн–) + гӱ = кӧзӱнгӱ > кӧзӱңӱ > кӧзңӱ > кӧзгӱ > козгу.**

КЎЗИК– 'кўз тегиши натижасида касалга чалин–'. ***Келиним к ў з и к и б қолганга ўхшайди.*** Бу феъл ўзбек тилида **коз** отининг 'ёмон таъсир кўрсатувчи қараш' маъносидан (ЎТИЛ, I, 411: **кўз тегди**) **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган: **коз + ик = козик–.**

КЎЗЛА– I 'бирор мақсадга эришишни назарда тутиб ҳаракат қил–'. ***Кўпчилик биринчи галда ўз шахсий манфаатини к ў з л а й д и.*** Бу феъл ўзбек тилида **коз** отининг 'мақсад', 'нуқтайи назар' маъносидан (ЎТИЛ, I, 411: **кўз етди**) **–лӓ** қўшимчаси билан ясалган: **коз + лӓ = козлӓ–.**

Қадимги туркий тилда шундай ясалган **кӧзлӓ–** феъли мавжуд бўлиб, 'назорат қил–' каби маънони англатган (ДС, 321) ва бу сўз ҳозирги ўзбек тилига етиб келмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎЗЛА– II 'мўлжалга ол–'. *Пала–партиш ота–вермай, к ў з л а б от.* Бу феъл асли 'ўқ отиш қуролида нишонга олиш мосламаси', 'қоровул' маъно–сини англатган **кез** отидан (ЭСТЯ, III, 12) **–лä** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 314); кейинчалик **е** унлиси **ö** унлисига алмашган, ўзбек тилида бу унлининг юм–шоқлик белгиси йўқолган: **кез + лä = кезлä- > кöзлä– > козлä–.**

ЎТИЛда бу феъл хато равишда 'бирор мақсадга эришишни назарда тутиб ҳаракат қил–' маъносини англатувчи феълнинг иккинчи маъноси сифатида бе–рилган (I, 412), ваҳоланки ясаш асоси тамоман бошқа бўлган бу феъллар ҳозирги ўзбек тилида омоним деб қаралиши лозим.

КЎЙЛАК 'яланг қават юпқа кийим'. *Қизингизга атлас к ў й л а к жуда ярашибди.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **кöңлäк** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 394); ўзбек ти–лида **ң** ундоши **й** ундошига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöңлäк > кöйлäк > койлäк.** Ўзбек тили шеваларида бу сўз **койнäк** тарзида ҳам та–лаффуз қилинади.

КЎЙНАК қ. **кўйлак**

КЎК 'мовий', 'зангори'. .. *ҳовузнинг жимир–жи–мир тебранаётган к ў м – к ў к сатҳига .. бир неча дақиқа қараб турди–да, ..* (Ҳамид Ғулом). Қадим–ги туркий тилда шундай маънони ва бошқа маъноларни англатган бу сифат асли **кö:к** тарзида талаффуз қилин–ган (ЭСТЯ, III, 67), кейинроқ **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси (ПДП, 395; Девон, III, 146; ДС, 312: **кöк VI**), ўз–бек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: **кö:к > кöк > кок.**

КЎКАНАК 'кичкина боғлағич'. *Кўзга – к ў к а – н а к, оёққа – тиканак* (Мақол). Бу сўз 'ҳайвон боласи оёқларини боғлаш учун хизмат қиладиган арқон (чил–вир)' маъносини англатувчи **кökän** отидан (Девон, I, 393) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **ö** унлисининг юм–шоқлик белгиси йўқолган: **кökän + äк = кökänäк > кокäнäк.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎКАР– I 'кўк тусга кир–'. ***К ў к а р и б к е т – г а н оёқни кўриб, Полвоннинг раҳми келди*** (Жуманиёз Шарипов). Бу феъл 'мовий', 'зангори' маъносини англатувчи **кö:к** сифатидан (ЭСТЯ, III, 67) қадимги туркий тилда **–(ä)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 68); кейинроқ **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси (Девон, II, 88), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: **кö:к + äр = кö:кäр– > кöкäр– > кокäр–.**

КЎКАР– II 'униб–ўс–', 'кўкла–'. .. ***эски уйларнинг томлари четида майсалар к ў к а р д и*** (Ойбек). Бу феъл 'мовий', 'зангори' маъносини англатувчи **кок** сифатидан маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан **кок** ('ўт–ўлан', 'майса') отига ўзбек тилида **–(ä)р** қўшимчасини қўшиб ясалган: **кок + äр = кокäр–.**

КЎКАТ 'ўсиб турган ўт–ўлан'. ***Хушбўй мевалар, айниқса к ў к а т л а р, турли нав сабзавотлар жуда мўл ёғилди*** (Ойбек). Бу от ўзбек тилида 'кашнич, укроп, барра пиёз каби ўсимлик' маъносини англатувчи **кок** отидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–т** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(кок + ä = кокä–) + т = кокät.** Бу сўзни **кок от** сўзларидан таркиб топган, бу сўзлар бир сўзга бирлашганидан кейин иккинчи бўғиндаги **о** унлиси **ä** унлисига алмашган деб талқин қилиш ҳам мавжуд.

КЎКЛА– I 'униб–ўс–', 'кўкар–'. ***Кузда экилган ниҳоллар баҳорда бехато к ў к л а д и.*** Бу феъл 'мовий', 'зангори' маъносини англатувчи **кок** сифатидан маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан **кок** ('ўт–ўлан', 'майса') отига **–лä** қўшимчасини қўшиб ясалган: **кок + лä = коклä– I.**

КЎКЛА– II 'матони йирик–йирик қилиб омонат тик–', 'йўрма–'. ***Тўннинг енгини олдин қўлда к ў к л а б о л и б, кейин машинада тикди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'илдиз', 'асос' маъносини англатган **кök** отининг (ПДП, 395; Девон, II, 328; ДС, 312: **кök II**) 'туташтириш ўрни' маъносидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган(Девон, III, 315); кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кök + лä = кöклä– > коклä– II.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎКЛАМ 'баҳор'. ***К ў к л а м келиши билан дала ишлари қизиб кетади.*** Бу от 'униб–ўс–', 'кўкар–' маъносини англатувчи **коклä– I** феълидан **–м** қўшимчаси билан ясалган: **коклä– I + м = коклäм.**

КЎКРАК 'аёл кўксидаги эмизиш аъзоси', 'кўкс'. .. ***ҳўл сочиқ билан к ў к р а к, бўйин ва яғринларини обдан ишқалаб,*** .. (Шуҳрат). Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'эм–' маъносини англатган **кök–** феълининг (ЭСТЯ, III, 55) **–(ӱ)р** орттирма қўшимчасини олган шаклидан **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кök– + ӱр = кökӱр–) + äк = кökӱräк > кökräк > кокрäк.**

КЎКС 'тананинг елкадан қорингача олд қисми', 'кўкрак'. ***Хонанинг тўридаги пўстак устида оппоқ соқоли к ў к с и г а тушган, катта саллали, ола чопонли домла ўтирибди*** (Парда Турсун). Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'эм–' маъносини англатган **кök–** феълидан **–(ӱ)з** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 55), кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, шундан кейин **к** ундоши таъсирида **з** ундоши **с** ундошига алмашган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кök–** + ўз = **кökӱз > кökз > кökс > кокс.**

КЎКЧА 'сертўр, чўзиқ кўкиш қовун'. ***Катта қишлоқнинг эртапишар қовунлари – амири, к ў к ч а, оқуруғлари қадим замонлардан бери машҳур*** (Иброҳим Раҳим). Бу сўз ўзбек тилида 'мовий', 'зангори' маъносини англатувчи **кок** сифатидан 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **кок + чä = кокчä.**

КЎЛ 'атрофи қуруқлик билан ўралган, ҳажми денгиздан кичик сув ҳавзаси'. ***Чўлда юрган қўнғир ғоз к ў л қадрини не билур*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **кöл** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 395; Девон, III, 149; ДС, 313), ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöл > кол.** Бу от дастлаб ҳар қандай сув ҳавзасини англатган (ЭСТЯ, III, 69), кейинчалик маънода торайиш воқе бўлиб, дарё, денгизларни англатмай қўйган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎЛАГА қ. **кўланка**

КЎЛАНКА 'офтоб нури тушмайдиган жой', 'соя'. ***Машина тераклариинг қуюқ к ў л а н к а с и остида учиб бораркан,*** .. (З.Фатхуллин). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'соя бўл–' маъносини англатган **кölў–** феълидан (ДС, 314) **–ң** қўшимчаси билан ясалган отта кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик **ң** ундоши **нк** ундошларига, иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кölў– + ң = кölўң) + ä = кölўңä > кölўнкä > кöläнкä > колäнкä.**

ЎТИЛга бу маънони англатувчи **кўлага, кўлка** сўзлари ҳам киритилган. Девонда **кölік** сўзи 'соя' маъносини (I, 387), **кölікä** сўзи 'қуюқ соя' маъносини (III, 189) англатиши таъкидланган. **Кўлка** сўзи қадимги туркий тилдаги **кölікä** сўзининг иккинчи бўғинидаги **и** унлиси талаффуз қилинмагани натижасида юзага келган, ўзбек тилида эса **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кölікä > кölкä > колкä.** Девонда **кölікä** шаклида берилган сўз ДСга **кölägä, кöligä** шаклларида киритилган (ДС, 314), бу ерда икки унли орасидаги **к** жарангсиз ундоши **г** жарангли эшига, иккинчи бўғиндаги **и** унлиси эса **ä** унлисига алмашган: **кölікä > кölігä > кölägä.**

КЎЛКА қ. **кўланка**

КЎЛЛА– '(сув) оқмай, маълум жойда ёйилиб, тўпланиб қол–'. ***Сув эса эгатларнинг бир жойидан югуриб ўтаяпди, бир жойида к ў л л а б қ о л а я п д и*** (Ф. Нуруллаев). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'сув тўплан–' маъносини англатган **кöл–** феълидан (ЭСТЯ, III, 69) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöл– + лä = кöллä– > коллä–.**

КЎЛМАК 'ёғин–сочиндан тўпланиб қолган сув'. ***Ҳар қадамда халқоб бўлиб ётган к ў л м а к л а р ерга сингиб, ариқлардаги лойқалар тина бошлади*** (Ҳаким Назир). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'сув тўплан–' маъносини англатган **кöл–** феълидан (ЭСТЯ, III, 69) **–мä** қўшимчаси билан ясалган отта кичрайтириш

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини ифодаловчи **–к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кöл– + мä = кöлмä) + к = кöлмäк > колмäк.**

КЎМ– 'чуқурга жойлаб, устини тупроқ билан беркит–'. ***Шолини кечаси отхонадан олиб, бошқа ерга к ў м и н г*** (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва баъзи бошқа маъноларни ҳам англатган бу феъл асли **кöм–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 35; ДС, 314), ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöм– > ком–.** Бу феъл дастлаб 'ерни ковла–' маъносини англатган (ПДП, 395), юқорида таърифланган маъно кейинчалик юзага келган.

КЎМАЧ 'чўғнинг иссиқ кулига кўмиб пиширилган нон'. ***Ҳар ким кулни ўз к ў м а ч и г а тортади*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'чуқурга жойлаб, устини тупроқ билан беркит–' маъносини англатувчи **кöм–** феълидан **–(ä)ч** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 51); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöм– + äч = кömäч > комäч.**

Одатда қўшимча олдидан орттирилган унли асосдаги унлига уйғун равишда танланади, шунга кўра **кöм–** феълига **–ч** қўшимчаси **–ўч** шаклида қўшилиши лозим эди, лекин **–äч** шаклида қўшилган. Бундай ҳодисанинг воқе бўлишига қадимги туркий тилда бу сўздан аввал 'хазина', 'кўмилган бойлик' маъносини англатган **кömўч** сўзининг ясалгани (Девон, I, 341) сабаб бўлгандир: бу икки сўзни фарқлашга **ў** ва **ä** унлилари воситасида эришилгандир.

КЎМИР 'ёғочни кўмиб ёндириш усули билан тайёрланган ёқилғи'. ***Қадим замонларда к ў м и р ёғочни ёндириб тайёрланган.*** Бу от қадимги туркий тилда 'чуқурга жойлаб, устини тупроқ билан беркит–' маъносини англатувчи **кöм–** феълидан (Девон, II, 35; ДС, 314) **–(ў)р** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 314); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöм– + ўр = кömўр > кömир > комир.**

'Ердан қазиб олинадиган қаттиқ ёнилғи' ўзлаштирилгандан кейин икки турли кўмирни фарқлаш учун биринчиси **писта кўмир,** иккинчиси **тош кўмир** деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

атала бошлаган (ҳозир бу бирикмалар бир сўзга яхлитланган: **пистакўмир, тошкўмир**).

КЎМИШ қ. **кумуш**

КЎН 'ошланган тери', 'чарм'. ***Умурзоқ ота баланд қоматини эгиб, к ў н этигининг учини аста-секин босиб болалар тепасига борди*** (Ҳаким Назир). Қадимги туркий тилда дастлаб 'ошланмаган (хом) тери' маъносини (Девон, III, 154), кейинчалик 'ошланган тери' маъносини англатган бу от (ЭСТЯ, III, 72) асли **кӧ:н** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 73), кейинроқ **ӧ:** унлисининг чўзиқлик белгиси (ДС, 314), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: **кӧ:н > кӧн> кон.**

КЎН– 'рози бўл–', 'уна–'. ***Уни ташлаб бир туя билан кетишга туячилар к ў н м а д и*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда 'тўғрилан–', 'тўғри йўлга туш–' маънолари билан бирга 'рози бўл–', 'уна–' маъносини ҳам англатган бу феъл (Девон, II, 38) асли **кӧ:н–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 75), кейинчалик **ӧ:** унлисининг чўзиқлик белгиси, ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси ҳам йўқолган: **кӧ:н– > кӧн– > кон–.** Давр ўтиши билан бу феълнинг маъно мундарижаси торайиб, ҳозирги ўзбек тилида фақат 'рози бўл–' маъносини англатади.

КЎНИК– 'маълум даражада рози бўл–'. ***Қизим тўрт–беш кун йиғлаб–сиқтаб к ў н и к и б ҳ а м қ о л а д и*** (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий). Бу сўз ўзбек тилида 'рози бўл–', 'уна–' маъносини англатувчи **кон–** феълидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(и)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **кон– + ик = коник–.**

КЎҢИЛ 'инсоннинг ҳис–туйғу, кечинмалар олами', 'дил', 'қалб'. Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'ҳис–туйғуга берил–' маъносини англатган **кӧң–** феълидан **–(ӱ)л** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 77); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **ӱ** унлиси **и** унлисига алмашган, **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кӧң– + ӱл = кӧңӱл > кӧңил > коңил.**

КЎП 'миқдори меъёрдан ортиқ'. ***Болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда К ў п эртак эшитгандим*** (Ҳамид Олимжон). Қадимги туркий тилда ҳам шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънони англатган бу сўз асли **кöп** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 396; Девон, III, 130; ДС, 317), ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöп > коп.**

КЎП– қ. **кўпик**

КЎПИК 'бирор таъсир натижасида суюқлик юзасига шишиб чиқадиган моддалар'. ***Қайнатма шўрванинг аввал кўпигини олиб ташлаб, кейин бир неча марта чўмич билан шопириш керак.*** Бу от қадимги туркий тилда 'шиш–', 'кўтарил–' маъносини англатувчи **кöп–** феълидан (ЭСТЯ, III, 52) **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 396; Девон, I, 371; ДС, 317); кейинроқ иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган, ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöп– + ўк = кöпўк > кöпик > копик. Кöп–** феъли ўзбек тили шеваларида сақланган (ЎТИЛ, I, 418).

КЎПИР– 'кўпик ҳосил қил–', 'кўпик чиқар–'. ***Ўктам эса кўпирган, ўкирган сувда бўйнигача ботиб ҳансираб ишлар эди*** (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилда 'шиш–', 'кўтарил–' маъносини англатувчи **кöп–** феълидан (ЭСТЯ, III, 52) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ў)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, II, 75); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöп– + ўр = кöпўр– > кöпир– > копир–.**

КЎППАК 'қўриқловчи итларнинг хашаки зоти'. ***Ҳа ноинсоф, ҳа кўппак!" – Қоратой бойни сўка бошлади*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **кöпäк** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 317), кейинчалик **п** ундоши қатланган, ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöпäк > кöппäк > коппäк.**

КЎПРИК 'оқар сув ёки жарликнинг қирғоқларини бир–бири билан боғловчи қурилма'. ***Кўприк йўқ экан, дарёдан ўтай деб қайиқчини чақирибди*** (Иброҳим Раҳим). Бу от қадимги туркий тилда 'шиш–', 'кўтарил–' маъносини англатувчи **кöп–** феълидан (ЭСТЯ, III, 52) **–(ў)р** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ў)к** қўшимчасини қўшиб ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган, кейинчалик бу қўшимчанинг маъноси сўнган; иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 443; ДС, 317), ўзбек тилида ў унлиси **и** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(көп–** + **ўр = көпўр)** + **ўк = көпўрўк > көпрўк > көприк > коприк.** Кўприклар дастлаб ўртасига томон кўтарила борадиган дўнг шаклида қурилган.

КЎПЧИ– 'бироз шиш–', 'бўрт–'. ***Курашаётганда кўзлари ҳам қизариб қолганини, қовоғи одатдагидан к ў п ч и б р о қ т у р г а н и н и кўрди*** (Пиримқул Қодиров). Бу сўз 'шиш–', 'кўтарил–' маъносини англатувчи **көп–** феълидан 'бироз', 'маълум даражада' маъносини ифодаловчи **–чи** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **көп– + чи = көпчи– > копчи–.**

КЎР– 'қара–', 'назари туш–'. ***Мен буни ўз кўзим билан к ў р г а н м а н*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **көр–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 396; Девон, II, 15; ДС, 317; ЭСТЯ, III, 79), ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **көр– > кор–.**

КЎРА 'биноан', 'мувофиқ'; 'нисбатан', 'қараганда'. ***Ҳакамлар берган балларга к ў р а биринчи ўринни эгалладик.*** □ ***Буни сиз мендан к ў р а яхшироқ биласиз.*** Бу сўз асли 'қара–', 'назари туш–' маъносини англатувчи **көр–** феълининг (ПДП, 396) **–ä** қўшимчасини олган равишдош шакли бўлиб, қадимги туркий тилдаёқ маъно тараққиёти натижасида кўмакчига айланган (ДС, 317); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **көр– + ä = көрä > корä.** ДСда 'биноан', 'мувофиқ' маъносини **көрä** сўзи, 'нисбатан', 'қараганда' маъносини эса **көрў** сўзи ифодалаши таъкидланган (317–, 318– бетлар); ҳозирги ўзбек тилида бу икки маъно **кўра** сўзи билан ифодаланади.

КЎРК 'ҳусн', 'чирой'. ***Тоғларнинг беткай томонларида энди гуллаган жийдалар боғларнинг к ў р к и г а к ў р к қўшарди*** (Одил Ёқубов). Бу от қадимги туркий тилда 'қара–', 'назари туш–' маъносини англатувчи **көр–** феълидан **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинмай қўйган (ЭСТЯ, III, 81; ПДП, 396; Девон, I, 336; ДС, 317); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кör–** + **ўк = кöрўк > кöрк > корк.** Бу от дастлаб 'кўриниш' маъносини англатган бўлиб, 'ҳусн' маъноси шу маъно асосида юзага келган (ЭСТЯ, III, 82).

КЎРКАМ 'чиройли', 'гўзал'. ***Шаҳрисабз – республикамизнинг обод ва к ў р к а м шаҳарларидан бири*** (Газетадан). Бу сифат эски ўзбек тилида 'ҳусн' маъносини англатувчи **кöрк** отидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–м** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, III, 82; ССТТН, II, 148); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кöрк + ä = кöркä–) + м = кöркäм > коркäм.**

КЎТАР– 'юқорига ҳаракатлантир–'. .. ***Нормат унинг белидан маҳкам қучоқлади–да, даст к ў т а р и б, уни айвон супасига чиқариб қўйди*** (Иброҳим Раҳим). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'юқорига ҳаракатлан–' маъносини англатган **кöти–** феълига (ДС, 319) **–р** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 87; ДС, 320), бунда иккинчи бўғиндаги **и** унлиси ў унлисига (ПДП, 396), бу унли ўз навбатида **ä** унлисига (ПДП, 396) алмашган, ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кöти–** + **р = кöтир– > кöтўр– > кöтäр– > котäр–.**

КЎТАРА 'улгуржи'. ***Бу дўконда фақат к ў т а р а савдо қилинади.*** Бу сўз ўзбек тилида **котäр–** феълига **–ä** равишдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; дастлаб феълнинг равишдош шакли бўлган бу сўз кейинчалик маъно тараққиёти натижасида равишга айланган: **котäр– + ä = котäрä.**

КЎТАРИНКИ 'ижобий ҳис–туйғули'. ***Бу галги ялпи йиғилиш к ў т а р и н к и вазиятда ўтди.*** Бу сифат ўзбек тилида **котäр–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)н** қўшимчасини олган шаклидан **–ки** қўшимчаси билан ясалган: **(котäр– + ин = котäрин–) + ки = котäринки.**

КЎХЛИ[К] 'кўриниши ёқимли', 'чиройли'. ***"Бизнинг Марғилонда бир қиз бор, – деди, – шундоқ к ў х л и к к и, бу ўртада унинг ўхшаши бўлмас деб ўйлайман"*** (Абдулла Қодирий). Бу сифат қадимги тур–

www.ziyouz.com kutubxonasi

кий тилда 'ҳусн' маъносини англатувчи **кӧрк** отидан **–лӯг** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 82; ПДП, 396; ДС, 318), кейинроқ сўз охиридаги **г** ундоши **к** ундошига алмашган (Девон, I, 336); ўзбек тилида аввал **р** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, кейин биринчи бўғин охиридаги **к** ундоши **х** ундошига, ў унлиси **и** унлисига алмашган, сўнгра **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кӧрк + лӯг = кӧрклӯг > кӧрклӯк > кӧклӯк > кӧхлӯк > кӧхлик > кохлик.** Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу сўзни негадир **кӯҳлик** тарзида ёзиш расмийлаштирилган.

КЎЧ 'бир жойдан бошқа жойга олиб бориладиган рўзғор буюмлари'. ***К ў ч ортган араваларимиз билчиллаган лой йўлдан чуқур из қолдириб боради*** (Сами Абдуқаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа маъноларни ҳам англатган бу от **кӧч–** феълининг исм эши бўлиб (ЭСТЯ, III, 90), ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кӧч > коч.**

КЎЧ– 'бир жойдан бошқа жойга жўна–'. ***Бу ердан ҳеч қачон к ў ч м а й м а н, сен ҳам к ў ч м а йс а н*** (Шароф Рашидов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа маъноларни англатган бу феъл асли **кӧч–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 395; ДС 311), ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **кӧч– > коч–.**

КЎЧАТ 'бошқа жойга кўчириб ўтқазиладиган ўсимлик ниҳоли'. ***Мана шу анжирнинг к ў ч а т и н и Оққўрғондан олдириб келди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу от эски ўзбек тилида **кӧч** отидан **–ӓ** қўшимчаси билан ясалган феълга **–т** қўшимчасини қўшиб ясалган, кейинчалик **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(кӧч + ӓ = кӧчӓ–) + т = кӧчӓт > кочӓт.**

КЎЧКИ 'тоғдан нураб тушадиган тош, тупроқ, қор уюми'. ***Хумсон қишлоғи атрофида тоғ к ў ч к и л а р и юз бериб туради*** (Газетадан). Бу сўз асли **кӧч–** феълидан **– (ӯ)к** қўшимчаси билан ясалган отга кучайтириш маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлса керак; ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ӧ** унли–

www.ziyouz.com kutubxonasi

сининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(көч– + ӱк = кӧчӱк) + и = кӧчӱки > кӧчки > кочки.**

КЎЧМАНЧИ 'кўчиб юриб ҳаёт кечирадиган' ('ўтроқ'нинг акси). Бу сифат асли **көч–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–мä** қўшимчасини ва 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини олган шаклидан **–чи** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[(көч– + мä = кӧчмä–) + н = кӧчмän–] + чи = кӧчмänчи > кочмänчи.**

КЎҲЛИК қ. **кӱхлик**

Л

ЛАГАН 'қуюқ овқат солинадиган катта ясси идиш'. ***Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки л а г а н манти чиқариб қўйди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда 'ёғочни ўйиб ясалган идиш' маъносини англатган **лағун** сўзи мавжуд бўлиб (Девон, I, 389), ҳозирги ўзбек тилига маъноси ўзгариб етиб келган; товуш жиҳатидан эса дастлаб **ғ** ундоши **г** ундошига алмашган, шундан кейин биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, сўнгра иккинчи бўғиндаги **у** унлиси ҳам **ä** унлисига алмашган: **лағун > лагун > лägун > лägän.**

ЛАЙЧА 'кичкина, бўйи паст хонаки ит'. ***Бу кўпқаватли уйда турувчилар ҳар куни саҳарлаб бири бульдогини, бири л а й ч а с и н и сайрга олиб чиқади.*** Бу сўз 'кучук' маъносини англатган **лäй** отидан (ЎХШЛ, 170) 'кичик' маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **лäй + чä = лäйчä.**

ЛАКЛУК 'юмшоқ танглайнинг пастга осилиб турадиган охирги ҳаракатчан қисми', 'тилча'. ***Нутқ аъзоси сифатида л а к л у к жуда муҳим вазифани бажаради.*** Бу от асли **лäк–лӱк** тасвир сўзининг маъно тараққиёти билан юзага келган, кейинчалик такрор сўз бир сўзга яхлитланган: **лäк–лӱк > лäклӱк.** Оғиз бўшлиғидаги бу аъзога ном унинг ҳаракатчанлиги асосида берилган.

ЛАЛАЙ– 'бўшаш–', 'шалвира–'. ***Ҳожимат бува: .. "Мана шу л а л а й г а н, ландавурни айтаяпман!" – деб бурчакда ўтирган трактор чи Турсунбойни кўрсатди*** (Мумтоз Муҳамедов). Бу феъл асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

'лавандлик' маъносини англатувчи **лăл** отидан **–(ă)й** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак (ЎХШЛ, 171: **лаллуғ** – 'анқов'): **лăл + ăй = лăлăй–.** Имло луғатида **лалаймоқ** шаклида берилган бу феъл ЎТИЛга **лаллаймоқ** шаклида киритилган.

ЛАЛЛАЙ– қ. **лалай–**

ЛАПАҢЛА– 'икки ёнга чайқал–'. ***От оёқларини зўрға кўтариб ташлар, устидаги оғир юки секин–аста л а п а н г л а р э д и*** (Парда Турсун). Бу феъл **лăп–лăп** тасвир сўзининг **–(ă)ң** қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **(лăп + ăң = лăпăң) + лä = лăпăңлä–.**

ЛАПАҢ–ЛАПАҢ қ. **лапаңла–**

ЛАТТАЧАЙНАР 'бир гапни такрорлайверадиган', 'эзма'. ***Мана шундай л а т т а ч а й н а р одамни кўрса, Назар ота ғиппа бўғилади–ю, ..*** (Сайид Аҳмад). Бу сифат ўзбек тилида **лăттă чăйнă–** бирикмасининг **–р** қўшимчасини олган сифатдош шакли бўлиб, кейинчалик бу бирикма бир сўзга бирлашган: **(лăттă чăйнă–) + р > лăттăчăйнăр.**

ЛАҚИЛЛАТ– 'осонликча алдаб, ишонтир–'. ***Э, ҳали сен ошпазмидинг?.. Давронни паққос л а қ и л л а т и б с а н – д а аттестатим бор деб!*** (Пиримқул Қодиров). Бу сўз асли 'алданиш' маъносини англатган **лăқ** отидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълнинг **–т** орттирма қўшимчасини олган шаклига тенг: **(лăқ + иллä = лăқиллä–) + т = лăқиллăт–.**

ЛАҚМА 'осонликча алданаверадиган, ишонаверадиган'. *.. Ҳовлиқма, л а қ м а, енгил Лутфинисо бунга чиндан ишонар .. эди* (Ойбек). Бу сифат асли 'алданиш' маъносини англатган **лăқ** отидан **–мä** қўшимчаси билан ясалган: **лăқ + мä = лăқмä.** Ўзбек тилининг айрим шеваларида шундай маъно **лăққи** сўзи билан ҳам англатилади: **л а қ қ и одам;** (ЎТИЛ, I, 429); бу сифат асли **лăқ** отидан **–ки** қўшимчаси билан ясалган: **лăқ + ки = лăққи.**

ЛАҚҚА 'сира суриштирмай, ўйлаб кўрмай'. ***Аҳмоқ бўлмасам, шуларнинг ҳийласига л а қ қ а тушармидим, Акрамнинг домига илинармидим?*** (Одил Ёқубов). Бу сўз асли 'алданиш' маъносини англатган

www.ziyouz.com kutubxonasi

лăқ сўзига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин **қ** ундоши қатланган: **лăқ + ä = лăққä > лăққä.**

ЛАҚҚИ қ. **лақма**

ЛИКАҢЛА– 'ост–уст томонга ликиллаб, қимирлаб тур–'. ***Кўприк тахтаси юрганда л и к а н г л а б т у р а р э к а н.*** Бу феъл **лик–лик** тасвир сўзининг **–(ä)ң** қўшимчаси билан кенгайган шаклидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **(лик + äң = ликäң) + лä = ликäңлä–.**

ЛИКАҢ–ЛИКАҢ қ. **ликаңла–**

ЛИКИЛДОҚ 'ликиллаб, қимирлаб турадиган'. ***Ер нотекисми ёки ўриндиғим л и к и л д о қ м и – билолмадим.*** Бу сифат асли **лик–лик** тасвир сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; ёнма–ён келган **лл** ундошларининг иккинчиси **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(лик + иллä = ликиллä–) + қ = ликиллăқ > ликилдăқ > ликилдâқ.** Бу сифат **ликилдâқ** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ЛИҚИЛДОҚ қ. **ликилдоқ**

ЛОРСИЛДОҚ 'тандирдан янги узилган қабариқ' (нон ҳақида). ***Бозордаги сотувчилар л о р с и л д о қ нонларини кўз–кўз қиладилар.*** Бу сифат асли дир–киллаш ҳолатини билдирувчи **лâрс–лâрс** тасвир сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; қатор келган **лл** ундошларидан иккинчиси **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(лâрс + иллä = лâрсиллä–) + қ = лâрсиллăқ > лâрсилдăқ > лâрсилдâқ.**

ЛОЧИН 'ов қилишга ўргатиладиган йиртқич қуш'. ***Овчи қўлидаги л о ч и н ўлжасига томон ўқдай учиб кетди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от дастлаб **лачун** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 398), кейинроқ иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига (Девон, I, 388), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **лачун > лачин > лâчин.**

М

МА бевосита бераётганини таъкидловчи сўз. ***М а, бир пиёла чой ичиб ол.*** Бу сўз қадимги туркий тилда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам таъкид маъносини ифодалаган (Девон, III, 231). Ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган. Бу сўз доим II шахсга мурожаатда ишлатилгани сабабли унга шу шахснинг тусловчиси қўшилади: **Мä** + **ң** каби.

МАЙИШ– 'бироз эгил–', 'бироз букил–'. ***Амакиси унинг елкасидан маҳкам тутди, Фотима елкасига тош тушгандай м а й и ш д и*** (Парда Турсун). Бу сўзни **майыл** сифати билан (Девон, III, 183) қиёслашдан кўринадики, бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'эзил–' маъносини англатган **май–** феълидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, III, 206); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **май–** + **ыш** = **майыш–** > **мäйиш–**.

МАЙМОҚ 'оёғи, қўли эгри'. ***Ерни м а й м о қ оёғим гуллатиб турибди, хўжайин*** (Ойбек). Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'эгил–', 'эзил–' каби маънони англатган **май–** феълининг 'такрор' (кучайтириш) маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчасини олган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 511); кейинчалик биринчи **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи **а** унлиси **қ** ундоши таъсирида **â** унлисига алмашган: **(май–** + **ма** = **майма–)** + **қ** = **маймақ** > **мäймâқ**.

МАЙРИЛ– 'букил–', 'муккай–'. ***Энди сўзни Равшанжоннинг энасидан, .. юраги куйиб, м а й р и л и б қ о л г а н кампирдан эшитинг*** ("Равшан"). Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'эгил–' каби маънони англатган **май–** феълига **–(ы)р** орттирма қўшимчасини ва 'ўзлик' маъносини ифодоловчи **–(ы)л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(май–** + **ыр** = **майыр–)** + **ыл** = **майырил–** > **майрыл–** > **мäйрил–**.

МАЙРИҚ 'майрилган', 'мункайган'. ***Мендек м а й р и қ кампирга раҳминг келсин, болам.*** Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'эгил–' каби маънони англатган **май–** феълининг **–(ы)р** орттирма қўшимчасини олган шаклидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли та–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(май– + ыр = майыр–) + ық = майырық > майрық > мäйриқ.**

МАН қ. **мен**

МАНГУ 'абадий'. ***Сен менинг жонажоним, азиз ватаним, Гўзал умрим баҳори, м а н г у чаманим*** (Ғайратий). Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'абадият' маъносини англатган **бäң** отининг **мäң** шаклидан **–и** қўшимчаси билан ясалган феълга **–гў** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 114); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ПДП, 399); ўзбек тилида **ң** ундоши **н** ундошига алмашган, **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(мäң + и = мäни–) + гў = мäңигў > мäңгў > мäнгў > мäнгу.** Бу сўз таркибини **мäң** отидан **–ў** (< **–и**) қўшимчаси билан ясалган деб талқин қилиш ҳам мумкин (ЭСТЯ, II, 114).

МАНМАН 'ўзини катта оладиган', 'такаббур'. ***М а н м а н г а – завол, камтарга – камол*** (Мақол). Бу сўз **мен** олмошининг сўзлашув нутқига хос **мäн** шаклини ўзаро қўшиб тузилган: **мäн, мäн > мäнмäн.** Ўз нутқида **мäн** сўзини кўп ишлатадиган кишини билдирган бу сўз кейинчалик маъно тараққиёти натижасида 'такаббур' маъносини англата бошлаган.

МАҚТА– 'яхши деб таърифла–'. ***Нонвойлар .. нонларини сўлқиллатиб м а қ т а й д и л а р*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'мақтов' маъносини англатган **мағ** отидан (ДС, 335) **–ла** қўшимчасининг **–та** шакли билан ясалган; кейинчалик **т** ундошининг таъсирида **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **мағ + та = мағта– > мақта– мäқтä–.**

МЕН биринчи шахс бирлик кишилик олмоши. ***М е н д а н кетгунча, эгасига етгунча*** (Ибора). Бу олмош асли қадимги туркий тилдаги 'сўзловчи' маъносини билдирган **би** сўзига бирлик ('якка') маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, II, 130); кейинчалик **б** ундоши **м** ундошига, **и** унлиси **э** унлисига алмашган (Девон, I, 327): **би + н = бин > мин > мен.** Сўзлашув нутқида бу олмош **мäн** тарзида

www.ziyouz.com kutubxonasi

талаффуз қилинади (Қадимги туркий тилда бу олмошнинг **бән** шакли ҳам мавжуд бўлган: ПДП, 370).

МЕНСИ– 'назар-писанд қил–'. ***Ҳокимлар олдида тилининг узун бўлганига тўла ишонган элликбоши фуқарони сира м е н с и м а й д и*** (Ойбек). Бу феъл **мен** олмошидан 'истак', 'хоҳиш' маъносини ифодаловчи **–си** қўшимчаси билан ясалган: **мен + си = менси–.** Бу феъл асосан бўлишсиз шаклда ишлатилади, ***Менсидингми, Менсиса*** каби тузилса, бўлишли шаклда ҳам келади.

МЕРТИК 'чети эзилган, учган'. ***Нусратилла .. м е р т и к коса турган бурчакка эмаклади*** (Асқад Мухтор). Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'савала–', 'ур–' маъносини англатган **бäр–** || **бер–** феълининг **–(и)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган орттирма шаклидан (ЭСТЯ, II, 71; ДС, 96; Девон, II, 276: **бäртинди**) **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **б** ундоши **м** ундошига алмашган: **(бäр– || бер– + ит = берит–) + ик = беритик > бертик > мертик.**

МИЖИ– 'ғижимла–', 'эз–'. ***Эҳтиёт бўлмаган экан, станок бармоғини м и ж и б о л и б д и.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги ғижимланган ҳолатни билдирган **мыж** тасвир сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 545); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **мыж + ы = мыжы– > мижи–.** Бошқа туркий тиллар луғатида мустақил сўз сифатида тасвирланган бу феъл нимагадир ЎТИЛга ҳам, имло луғатига ҳам киритилмаган. Бу луғатларда **мужи–** феъли берилиб, 'кемир–' маъносини англатиши айтилган (Бу феъл асли **мижи** феълининг ўзгарган шакли бўлса керак).

МИЖИҚ 'ғижимланган'. ***Полда ётган м и ж и қ қоғозни олиб, унда ёзилган хатни қизиқиб ўқиди.*** Бу сифат **мижи–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган: **мижи– + қ = мижиқ.** Бу сифат ЎТИЛга **мижиғ** шаклида киритиб юборилган (I, 463).

МИЖИҒ қ. **мижиқ**

МИЖҒИЛА– 'кўп марта мижи–'. ***Қўлидаги қоғозни м и ж ғ и л а б саватга ташлади.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **мыжы–** феълидан 'такрор' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодаловчи **–ғыла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 545: **мыжыгыла–**); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **мыжы– + ғыла = мыжығыла– > мижғилä–.** Асли **–ғыла** қўшимчаси **–ғы (–ғу)** ва **–ла** қўшимчаларидан таркиб топган; бу ерда **–ғы** қўшимчаси кучайтириш маъносини, **–ла** қўшимчаси эса 'такрор' маъносини ифодалайди.

МИЖҒОВ 'дадиллик билан иш қилмайдиган', 'майда–чуйда нарсани рўкач қилаверадиган', 'мужмал'. ***Астойдил ишласанг, м и ж ғ о в бўлмасанг, сен билан яхши муомалада бўлади.*** Бу сўз **мижи–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ға(< ғи)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–в** сифат ясовчисини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; **а** унлиси **в** ундошининг таъсирида **â** унлисига алмашган: **(мижи– + ға = мижиға–) + в = мижиғав > мижғав > мижғâв.**

МИЙА 'асаб тизимининг бош косасида жойлашган қисми', 'фикрлаш аъзоси'. ***Жапаҳнинг м и я – с и д а гўё ҳеч қандай ўй, фикр йўқ эди*** (Асқад Мухтор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асосан **меңи** (Девон, III, 413: **меңилädи;** ДС, 342), **меңä** (ДС, 341) тарзида талаффуз қилинган, шу билан бирга **мейи** (ДС, 340), ҳатто **миңä** шакли мавжуд бўлган (ДС, 345). Ўзбек тилидаги **мийа** сўзи қадимги **миңä** шакли таркибидаги **ң** ундошининг **й** ундошига алмашуви билан юзага келган: **миңä > мийа.**

МИЙИҚ 'мўйлов'. ***Кашанда Тожиддин Қосим .. қоп–қора йилтираган м и й и ғ и н и силаб .. сўради*** (Ойбек). Бу от асли қадимги туркий тилда **бызық** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 359); кейинроқ **з** ундоши **й** ундошига, сўз бошланишидаги **б** ундоши **м** ундошига алмашган (ЭСТЯ, II, 304); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **бызық > мыйық > мийиқ.**

МИН– оёқларни икки ёнга солинтириб нимангидир устига ўтир–'. ***Бўтабой азим туп ёнғоққа тирмашиб, боғ деворига м и н д и*** (Сайид Аҳмад).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **бин–** (ПДП, 371; ДС, 100), **мин–** (ПДП, 400; ДС, 344), **мӯн–** (ПДП, 402; ДС, 353) тарзида талаффуз қилинган, Девонда **мӯнди** (III, 192) ва **мунды** (II, 39) шаклида келтирилган. Ҳозирги ўзбек тилига бу феъл **мин–** шаклида етиб келган.

МИНГАШ– 'нимагадир миниб турган кишининг орқасидан мин–'. ***Давлатёр Элмуродни эгарга мин–дириб, ўзи м и н г а ш г а н ҳолда жўнамоқчи бўлиб турган эди,*** .. (Парда Турсун). Бу сўз қадимги туркий тилда 'оёқларини икки ёнга солинтириб ниманингдир устига ўтир–' маъносини англатувчи **мин–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–гä** қўшимчасини ва 'бирга' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, III, 408): **(мин– + гä = мингä–) + ш = мингäш–.** Бу сўз таркибидаги **н** ва **г** товушлари сўзнинг бошқа–бошқа маъноли қисминики, демак, икки товушга тенг; лекин қадимги туркий тил акс этган мана–бада – Девонда бу сўз **миңашди** тарзида бир товуш си–фатида ёзилган. Бу ҳодиса тилимизда **ң** ундошининг пайдо бўлиш йўлини изоҳлашда ёрдам беради.

МИНҒАЙ– 'қовоқни сол–', 'лаб–лунжни осил–тир–'. ***Қараса, ўғилчаси ҳовлининг бир бурчида м и н ғ а й и б ўтирибди.*** Бу феъл норозилик ҳола–тини билдирувчи **минғ** тасвир сўзидан **–(а)й** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига ал–машган: **минғ + ай = минғай– > минғäй–.** Шеваларда бу феъл **мунғай–** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

МИҢ 'ўнта юзликка тенг миқдор'. ***Бирники м и н г г а, м и н г н и к и туманга*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони билдирган бу сўз дастлаб **биң** (ПДП, 371; ДС, 101), **бың** (ДС, 105) тарзида, кейинроқ **б** ундоши **м** ундошига алмашиб, **миң** (ПДП, 400; ДС, 344), **мың** (Девон, III, 372), ҳатто **минг** (ДС, 344) тарзида талаффуз қилинган, ҳозирги ўзбек тилига **миң** шаклида етиб келган.

МУГУЗ 'ҳайвон шохи'. ***Йирик гавдалари, ҳай–батли м у г у з л а р и демасангиз, қўчқорлар тан–баллик билан кавш қайтарардилар*** (Суннатилла Анор–боев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони анг–латган бу сўз охиридаги **–(ӯ)з** қисми 'икки' ('жуфт')

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини ифодаловчи қўшимчага тенг дейилади; унда бу қўшимча қўшилган қисм 'ҳайвон шохи' маъносини англатган бўлиб чиқади. Бу сўз асосан **мўңўз** тарзида талаффуз қилиниб (ДС, 354), кейинчалик **ң** ундоши **г** ундошига алмашган (ДС, 352); ўзбек тилида ў унлиси — нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **мўң + ўз = мўңўз > мўгўз > мугуз.**

МУЖИ– қ. **мижи–**

МУЗ 'сувнинг ноль ва ундан паст даражада совуқдан қотган ҳолати'. ***Қаҳратон қишда ялангоёқ м у з босиб .. обдан пишган бизнинг йигитни ҳам .. кун хийла бетоқат қилган эди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от дастлаб **бу:з** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, II, 238), кейинроқ **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 375; Девон, III, 134), сўнгра сўз бошланишидаги **б** ундоши **м** ундошига алмашган (ДС, 352): **бу:з > буз > муз.**

МУККА 'оёқларни букиб, бошни ергача эгиш ҳолати'. ***Тожиддин Қосим оёқларига м у к к а тушиб ялинган, нола қилган*** (Ойбек). Бу равиш қадимги туркий тилдаги 'гавданинг эгилган ҳолати'ни англатувчи **мўк** отидан (Девон, I, 322) **–ä** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **к** ундоши қатланган; ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **мўк + ä > мўккä > муккä.**

МУККАЙ–'мук тушган ҳолатда бўл–'. ***Баъзилар м у к к а й и б , тошларнинг ғадир–будур бетини ойнадай силлиқлаб, ярқиратиш билан машғул*** (Ойбек). Бу феъл қадимги туркий тилда 'гавданинг эгилган ҳолати' маъносини англатган **мўк** отидан **–(ä)й** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 292); қўшимча қўшилганидан кейин **к** ундоши қатланган; ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **мўк + ăй > мўккăй– > муккăй–.**

МУНКАЙ– 'букчай–', 'қомати эгил–'. ***Парпихў–жа ёғчи .. чоллар каби икки қўлини орқа белига қўйиб, бироз м у н к а й и б ичкари уйга кириб кетди*** (Ойбек). Бу феъл гавданинг эгик ҳолатини билдирувчи **мунк** тасвир сўзидан **–(ä)й** қўшимчаси билан ясалган: **мунк + ăй = мункăй–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНКИ– 'олд томонга юз тубан эгил–'. *Қудрат қўлидаги сувли челак билан м у н к и д и, лекин йиқилмади* (Мирзакалон Исмоилий). Бу феъл гавданинг эгик ҳолатини билдирувчи **мунк** тасвир сўзидан **–и** қўшимчаси билан ясалган: **мунк + и = мунки–.**

МУНКИЛЛА– 'қариб, букчайиб юрадиган бўлиб қол–'. *У ҳар галгидек қадрдон институтига бориб, м у н к и л л а б қ о л г а н профессорини кўриб чиқди* (Мирмуҳсин). Бу феъл гавданинг эгик ҳолатини билдирувчи **мунк** тасвир сўзидан **–илла** қўшимчаси билан ясалган: **мунк + илла = мункилла–.**

МУНЧА 'бу миқдорда', 'бу даражада'. *М у н ч а ҳам чиройлисан, азиз ватаним* (Ғафур Ғулом). Бу сўз қадимги туркий тилда **бул** кўрсатиш олмошининг **бун** шаклидан **–ча** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ПДП, 374; ДС, 124), кейинроқ **б** ундоши **м** ундошига (ПДП, 400; ДС, 348), ўзбек тилида эса **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бун + ча = бунча > мунча > мунчä.**

МУНЧОҚ 'ипга тизилган, асосан бўйинга тақиладиган зийнат буюми'. *Бўйнига шиша м у н ч о қ тақиб олибди.* Бу сўз асли қадимги туркий тилда **бойун** отининг **мойун** шаклидан **–чуқ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинроқ **йу** товушлари талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 346), сўнгра **о** унлиси **у** унлисига (Девон, I, 440), шундан кейин иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **а** унлисига (ДС, 348), охири ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(бойун > мойун) + чуқ = мойунчуқ > мончуқ > мунчуқ > мунчақ > мунчâқ.**

МУНҒАЙ– қ. **минғай–**

МУҢРАЙ– 'маъюслан–'. *Ўйнаб–кулиб ўтирган синглиси отасининг аччиқ–тиззиқ гапларидан кейин м у н г р а й и б қ о л д и.* Бу феъл қадимги туркий тилда 'ҳазинлик', 'маъюслик' маъносини англатувчи **буң** отининг (ПДП, 374; ДС, 124) **муң** шаклидан (ПДП, 401; ДС, 350) **–ра** қўшимчаси билан ясалган ва унга 'бироз' маъносини ифодаловчи **–й** қўшимчаси қўшилган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **[(буң > муң) + ра = муңра–] + й = муңрай– > муңрäй–.** Бу феъл ЎТИЛда **мунғай– || минғай–** феъли билан айнан деб таъкидланган, ваҳоланки бу сўзларнинг асоси ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчаси фарқли (**минғай–** сўзига берилган изоҳ билан қиёсланг).

МЎЛЖАЛ 'олдиндан чамаланган режа'. ***Бу йилги м ў л ж а л – гектаридан 45 центнердан.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'чамала–' маъносини англатган **болжа–** феълидан **–л** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 189); кейинчалик ўзбек тилида сўз бошланишидаги **б** ундоши **м** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **болжа– + л = болжал > молжал > молжäл.** Бу сўз ўзбек тили шеваларида **монжäл** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

МЎНЖАЛ қ. **мўлжал**

Н

НАГА қ. **нега**

НАЙЛАЙ[ИН] 'нима қилай[ин]'. ***Кун тушмаган соя келдим, н а й л а й и н*** ("Равшан"). Бу сўз **нä äйлäй[ин]** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан ҳосил бўлган, натижада ёнма–ён келган **ää** унлилари **ä:** унлисига айланган, кейинчалик бу унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган: **нä äйлäй[ин] > нä:йлай[ин] > нäйлäй[ин].**

НАРИ 'маълум ўриндан кейин', 'маълум пайтдан кейин'. ***[Қизлар] энди "н а р и ёт, бери ёт" билан .. кўрпани тўрт томонга тортишиб жанжаллаша бошладилар*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда бу сўз **нару** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 402; ДС, 355). Бу сўзни **бери** сўзига қиёслаш кўрсатадики, унинг охиридаги **–ру** қисми қадимги жўналиш келишигининг шаклига, **на** қисми эса қадимги туркий тилдаги **не** сўроқ олмошига тенг (Девон, III, 233; ДС, 356). **Бери** сўзида бўлганидек, **нари** сўзи ҳам асли **не йер** бирикмасига **–рў** келишик қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, сўнгра **йе** товушлари талаффуз қилинмай қўйган, улар олдидаги **е** унлиси чўзиқлик ҳосил қилган, кейинчалик бу унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган ва **ä** унлисига алмашган; ёнма–ён келган **рр** ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган; ниҳоят, сўз охиридаги очиқ бўғиннинг **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **(не йер) + рў = нейеррў >**

www.ziyouz.com kutubxonasi

не[йе]ррў > не:ррў > нäррў > нäрў > нäри. Бу сўз дастлаб ўрин маъносини ифодалаган, кейинчалик пайт маъносини ҳам ифодалай бошлаган.

НАРЙОҚ 'нариги томон'. *"Бувимлар келишдими?" Ҳаёт калласи билан "ҳа" ишорасини қилди-ю, нарёққа ўгирилиб олди* (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз **нäри йâқ** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан ҳосил бўлган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **нäри йâқ = нäрийâқ > нäрйâқ.**

НАРСА 'ҳар қандай ашё, ҳодиса'. *Хотиннинг бериб кетган нарсаси уч-тўрт букланган бир қоғоз эди* (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда **нäрсä** тарзида талаффуз қилинган бу сўз асли 'нимадир' маъносини билдирган (ПДП, 402), 'ашё, ҳодиса' маъноси кейин пайдо бўлган. Бу сўз ДСга **нерсä** шаклида киритилиб, **не ерсä** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви натижасида ҳосил бўлгани кўрсатилган (358-бет). Демак, қадимги туркий тилда ёнма-ён келган **ее** унлиларидан бири талаффуз қилинмай қўйган, **е** унлиси кейинчалик **ä** унлисига алмашган бўлади: **не ерсä = неерсä > не:рсä > нерсä > нäрсä.**

НЕГА 'нима учун', 'нима сабабли'. *Қани, ростини айт-чи, нега қўнимсизсан?* (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони билдирган бу олмош асли қадимги туркий тилда **не** олмошига жўналиш келишигининг **-кä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 357); кейинчалик икки унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган: **не + кä = некä > негä;** бу сўз ўзбек тилининг шеваларида **нägä** шаклида ҳам талаффуз қилинади.

НЕТАЙ 'нима қилай'. *Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиғлайман* (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий). Бу сўз **не етäй** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан ҳосил бўлган, натижада ёнма-ён келган **ее** унлиларидан бири талаффуз қилинмай қўйган: **не етäй = неетäй > нетäй.**

НЕЧА 'қанча'. *Кўришмаганимизга неча ҳафта бўлди?* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони билдирган бу олмош асли **не** сўроқ олмошидан 'чама'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, III, 239; ДС, 356): **не + чä = нечä.**

НЕЧИК 'қандай'. ***Қулоқ солгин, нодон қўзим, сўзимга, Н е ч и к энди айш–у ишрат айлайин?*** ("Равшан"). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони билдирган бу олмош асли **нäчўк, ничўк** (ПДП, 402), **нечўк** (Девон, I. 373; ДС, 357) шаклларида талаффуз қилинган; ўзбек тилида **нечўк** шаклининг иккинчи бўғинидаги ў унлиси **и** унлисига алмашган: **нäчўк > нечўк > нечик.** Ўзбек тили шеваларида бу олмош **нучук** тарзида ҳам талаффуз қилинади. Бу сўзнинг бош қисми **нä (не)** ол–моши экани аниқ, лекин **–чўк** қисмига изоҳ йўқ.

НЕЧОВ 'неча киши биргаликда'. ***От суриб бу майдон ичра турарман, Сендай н е ч о в л а р н и н г додин берарман*** ("Ширин билан Шакар"). Бу сўз **нечä** олмошидан **–âв** жамловчи сон қўшимчаси билан ҳосил қилинган, **нечä** сўзи охиридаги **ä** унлиси билан қўшимча бошидаги **â** унлиси ёнма–ён келиб қолгани сабабли **ä** унлиси талаффуз қилинмай қўйган: **нечä + âв > нечâв.**

НЕЧТА 'неча дона', 'қанча'. ***Н е ч т а арава борди?*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу олмош асли қадимги тур–кий тилда **нечä** олмошидан 'дона' маъносини ифода–ловчи **–тä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 356), кейинчалик иккинчи бўғиндаги **ä** унлиси талаффуз қилинмай қўйган: **нечä + тä = нечätä > нечтä.**

НЕЧУК қ. **нечик**

НЕЧУН 'нима учун', 'нима сабабдан'. ***Моҳир тадбиркор бўлатуриб н е ч у н бу сафар ғафлатда қолдинг?*** Бу сўз қадимги туркий тилда **не** олмоши билан **ўчўн** кўмакчисининг бирлашуви натижасида ҳосил бўл–ган, кейинчалик **ўчўн** кўмакчисининг бошланишидаги ў унлиси талаффуз қилинмай қўйган, ў унлисининг юм–шоқлик белгиси йўқолган: **не ўчўн = неўчўн > нечўн > нечун.** Ўзбек тили шеваларида бу олмош **нучук** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

НИМА нарса, ҳодиса ҳақидаги сўроқ олмоши. ***Тошкентдан н и м а л а р келтирдингиз, бек ака?*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда **нä** олмоши билан (ПДП, 402), 'нарса' маъносини англатган **мä (< ма)** сўзидан (ДС, 398) таркиб топган бўлса керак

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ПДП, 402); дастлаб биринчи бўғиндаги **ä** унлиси **е** унлисига (ДС, 358), бу унли ўз навбатида **и** унлисига алмашган: **нä + мä = нämä > немä > нимä.** Бу сўз асли 'нарса' маъносини англатган, маъно тараққиёти натижасида нарса ҳақидаги сўроқ олмошига айланган.

НИНА қ. **игна**

НУЧУҚ қ. **нечик**

О

ОББА ҳайратланишни ифодаловчи ундов сўз. ***О б-б а қизим, имтиҳонни топшириб келдим дегин!*** Бу ундов сўз қадимги туркий тилдаги 'алҳазар' маъносини ифодаловчи **аба** ундов сўзидан (ДС, 1: **аба V**) маъно тараққиёти билан юзага келган (Бунда у ундалма вазифасидаги от олдида келади). Ўзбек тилида бу сўз таркибидаги ундош қатланган (шу усул билан маъно кучайтирилган), сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **аба > âббä.**

ОББО ташвишланишни, ачинишни ифодаловчи ундов сўз. ***О б б о, бу ишим ҳам ўнгидан келмади-я.*** Ушбу ундов сўз ўзи мустақил ҳолда ундалма вазифасида келади. Қадимги туркий тилда бу ундов сўз **аба** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, гапдан кейин жой олган (... **қачғыл аба** каби – ДС, 1: **аба V**). Ўзбек тилида бу сўз таркибидаги ундош қатланган, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **аба > âббâ.**

ОБДИРА– 'ганги–', 'довдира–'. ***Нега о б д и р а б қ о л д и н г ?! Бор гапни шартта айтавер.*** Бу феъл қадимги туркий тилда 'иккиланиш ҳолати'ни ифодаловчи **аб** тақлид сўзининг **–дыр** қўшилиб кенгайган шаклидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 58); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(аб + дыр = абдыр) + а = абдыра– > âбдирä–.**

ОБОҒА 'амаки' (оз ишлатилади). ***Обрўли о б о-г а л а р и .. ҳам бирин-сирин мавқеларини йўқотдилар*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилда **'ота'** маъносини англатган **аба** сўзи билан (Девон, I, 113; ДС, 1)

www.ziyouz.com kutubxonasi

'ака' маъносини англатган **аға** сўзидан тузилган (ЭСТЯ, I, 65); икки сўз оралиғидаги **а** унлилари ўзаро сингишиб, бир унлига айланган; ўзбек тилида бу сўзнинг биринчи, иккинчи бўғинидаги **а** унлилари **â** унлиларига, учинчи бўғинидаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **аба + аға > абаға > âбâғä.** Бу сўз изоҳли луғатга **аваға** шаклида киритилиб, нотўғри изоҳланган (ЎТИЛ, I, 23). **Абаға** сўзи асли 'отанинг акаси' маъносини англатган, кейинчалик маънода кенгайиш воқе бўлиб, 'отанинг ака ва укаси ҳамда уларнинг ўғли' маъносини англата бошлаган.

ОВ 'қуш, балиқ, ҳайвонни турли воситалар билан қўлга киритиш жараёни'. ***Яқинда бедана о в и бошланади.*** Бу от қадимги туркий тилда асли **а:ғ** тарзида, шунингдек **а:в** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 63), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 68). Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг асли **aw** тарзида талаффуз қилинганлигини алоҳида таъкидлаган (Девон, I, 68). Ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:ғ > а:в > âв.** Бу сўз дастлаб 'қуш, балиқ, ҳайвонни тутиш қуроли'ни билдирган, кейинчалик 'тутиш жараёни'ни англата бошлаган.

ОВЛОҚ 'ов қилинадиган жой'; 'кимсасиз, чет'. ***Бу киши билан о в л о қ д а учрашиб қолганимдан чўчидим.*** Бу сўз қадимги туркий тилда **а:в** отига **–ла** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан (Девон, I, 283; ДС, 70) **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 64); қадимги туркий тилдаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган; ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(а:в + ла = а:вла– > авла–) + қ = авлақ > âвлâқ.** Бу сўз асли от бўлиб, сифат маъносини кейинчалик англата бошлаган.

ОВУЛ 'кўчманчи чорвадорларнинг йиғилиб яшайдиган жойи'. ***Қулунли бия о в у л г а сиғмас*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'тўпла–' маъносини англатган **а:ғ–** феълининг **а:в–** шаклидан (Девон, I, 301; ДС, 69) 'жой' маъносини ифодаловчи **–(у)л** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 65); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а:** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:в– + ул = а:вул > âвул.**

ОВУН– 'юпан–', 'йиғлащдан тўхта–'. ***Невараси билан о в у н и б, кўнгли бироз ёзилди.*** Бу сўз қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилдаги 'тинчи–' маъносини англатган **аб–** феълининг **ав–** шаклидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 66); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган (Девон, I, 210; ДС, 69): **ав– + ын = авын– > âвун–.**

ОВУНЧ 'юпаниш ҳисси' (оз ишлатилади). ***Унинг қалбида қандайдир о в у н ч пайдо бўлди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'юпан–' маъносини англатган **авын–** феълидан **–ч** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 152; ДС; 69); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган: **авын– + ч = авынч > âвунч.**

ОВУНЧОҚ 'юпатишга хизмат қиладиган иш, нарса, киши'. ***Ҳозирги кунда о в у н ч о ғ и м кундалик дафтарларимни варақлаб, эсдалик ёзиш бўлиб қолди.*** Бу сўз ўзбек тилида **âвунч** отидан 'кичик' маъносини ифодаловчи **–(â)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **âвунч + âқ = âвунчâқ.**

ОВУТ– 'юпантир–', 'йиғлашдан тўхтат–'. ***Ўғлининг охирги сўзлари уни бироз о в у т д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тинчи–' маъносини англатган **аб–** феълининг **ав–** шаклидан (ЭСТЯ, I, 66) **–(у)т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ав– + ут = авут– > âвут–.**

ОДИМ 'оёқни ердан узиб, олд томон силжитишга тенг масофа'. ***О д и м и н г н и тезлаштир.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'қадамла–' маъносини англатган **а:д–** феълидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 88); ўзбек тилида **а:** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **а:д– + ым = а:дым > âдим.**

ОДОҚ 'тамом', 'охир' (оз ишлатилади). ***Шу билан ҳикоя о д о ғ и г а етди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'қадамла–' маъносини англатган **а:д–** феълидан **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 88); ўзбек тилида **а:, а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **а:д– + ақ = а:дақ > âдâқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЗ 'кам'. ***О з сўзла, кўп ўйла*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **а:з** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 93), ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 105; ДС, 71); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:з > аз > âз.**

ОЗ– I 'ориқла–'. ***Парҳез овқатларни еб, анча о з и б с и з.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **ар–** тарзида талаффуз қилинган феълнинг **аз–** шаклига тенг бўлиб (ЭСТЯ, I, 161), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ар– > аз–) > âз–.**

ОЗ– II 'тўғри, ижобий ҳолатини йўқот–' (оз ишлатилади). ***Кенгаш қилган эл о з м а с, кенг бичилган тўн тўзмас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **а:з–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 94), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 72); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:з– > аз– > âз–.**

ОЗИҚ 'емиш'. ***Ўсимликка ўз вақтида қўшимча о з и қ бериб туриш керак.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'чайна–' маъносини англатган **азы–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 98); шу билан бирга **азы–** феълининг **азу–** шаклидан ясалган **азуқ** оти ҳам мавжуд бўлган (ДС, 73); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **азы– + қ = азық > âзиқ.** Бу сўз ўзбек тилида кўпинча **âзиқ–âвқат** жуфт сўзи таркибида қатнашади. Якка ўзи одатда **âзуқä** шаклида ишлатилади, бунда у **азы–** феълининг **азу–** шаклидан **–қа** қўшимчаси билан ясалган бўлади (ЭСТЯ, I, 98); ўзбек тилида сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **азу– + қа = азуқа > âзуқä.**

ОЗМУНЧА 'анчагина' (асосан сўроқ гапда ишлатилади). ***Тошкент билан Қўқон ораси о з м у н ч а йўлми?!*** Бу сўз **âз** равишига **мунчä** равишини қўшиб тузилган: **âз + мунчä = âзмунчä; мунчä** сўзи эса **бул** кўрсатиш олмошига **'чама'** маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик **б** ун–

www.ziyouz.com kutubxonasi

доши **м** ундошига, **л** ундоши **н** ундошига алмашган: **бул + чä = булчä > бунчä > мунчä.**

ОЙ 'Ернинг йўлдоши'; 'йилнинг ўн иккидан бир қисми'. ***Улфатлар ҳар о й н и н г учинчи шанбасида тўпланишади.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **а:й** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 98), ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 355; ДС, 24); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:й > ай > âй.**

ОЙОҚ I 'гавданинг таяниб туриши ва ҳаракатланишни учун хизмат қиладиган аъзо'. ***Ҳаво айнийдиган бўлса, дарров о ё ғ и м оғрий бошлайди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'қадамла–' маъносини англатган **а:д–** феълининг **ай–** шаклидан **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 103; ПДП, 356; Девон, I, 112; ДС, 27); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **ай– + ақ = айақ > âйâқ.**

ОЙОҚ II 'суюқлик қуйиб ичиладиган каттагина идиш' (оз ишлатилади). *.. **ширингина таом қилиб бераман, бир–икки о ё қ бўза ҳам келтираман*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилдаги 'ўйилган жой' маъносини англатган **ағ** отининг **ай** шаклидан (ЭСТЯ, I, 82) 'кичик' маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлса керак (ЭСТЯ, I, 104; Девон, I, 112; ДС, 27); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **ай + ақ = айақ > âйâқ.** Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида **идиш–âйâқ** жуфт сўзи таркибида ишлатилади.

ОЙОҚЛА– 'охирига ет–'. ***Бу пайкал ариқларига кечқурун сув очиб қўйсам, эрталабгача о ё қ л а б қ о л а д и.*** Бу феъл **âйâқ I** отининг 'охир' маъносидан (ЎТИЛ, I, 522: **оёқ 3**) **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **âйâқ + лä = âйâқлä–.**

ОЛ– 'қўлга кирит–'. ***Йўлчи кетмонни о л и б ишига жўнади*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **ал–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 356; Девон, I, 180; ДС, 32); ҳозирги ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ал– > âл–.**

ОЛАЙ– 'катта очилиб чақчай–'. ***Катта акам менга о л а й и б қаради.*** Бу феъл ўзбек тилида 'ҳар хил

www.ziyouz.com kutubxonasi

тусли' маъносини англатувчи **âлä** сифатидан **–й** қўшимчаси билан ясалган, лекин 'ҳар хил тусга кир–' маъносини эмас, 'чақчай–' маъносини англатади: **âлä + й = âлäй–**.

ОЛАПАР 'ола тусли' (итга тусига қараб бериладиган исм). ***О л а п а р фақат нотаниш кишига вовуллайди.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'ҳар хил тусли' маъносини англатган **ала** сифатига 'белги', 'нишона' маъносини англатган **пар** сўзини қўшиб тузилган бўлса керак; ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи, учинчи бўғинлардаги **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ала + пар = алапар > âлäпäр.**

ОЛАЧА 'йўл–йўл мато'. ***Бу ерларда о л а ч а чопон кийиш расм бўлган.*** Бу от эски ўзбек тилида 'ҳар хил тусли' маъносини англатган **ала** сифатидан **–ча** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи, учинчи бўғинлардаги **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ала + ча = алача > âлäчä**. Бу сўз К.К.Юдахин луғатида эронча деб белгиланган (КРС, 46).

ОЛАЧАЛПОҚ 'турли кўринишдаги парча–парча'. ***Дарахт шохлари о л а ч а л п о қ соя ташлаб турар эди.*** Бу сўз **âлä** ва **чälпâқ** сўзларидан тузилган; **чälпâқ** сўзи ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди. Бу сўз қадимги туркий тилда **чалбақ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, 436); асли 'парчала–' маъносини англатган **чал–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–па** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(чал– + па = чалпа–) + қ = чалпақ > чälпâқ.**

ОЛД 'юз томон'. ***Теримчилар о л д и л а р и г а этак боғлаб олишди.*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'пеш' маъносини англатган **ал(< а:л)** отидан 'жой' маъносини ифодаловчи **–д** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 125; КРС, 48); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ал + д = алд > âлд.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЛДИН 'илгари'. ***О л д и н таом, баъдаз калом*** (Мақол). Бу сўз 'юз томон' маъносини англатган **алд** отининг **алт** шаклига қадимги **–(ы)н** келишик қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, I, 133; ДС, 40); кейинчалик бу от шакли равишга кўчган; ўзбек тилида **т** ундош **д** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **алт + ын = алтын > алдын > âлдин.**

ОЛИБСОТАР 'чайқовчи'. ***Яқин вақтда о л и б с о т а р л а р г а қарши кураш бошланади.*** Бу сўз асли отга кўчган сифатдош бўлиб, **âлиб сâтâди** кесими таркибидаги **–ди** тусловчисини ташлаб, **–â** замон ясовчисини **–(â)р** сифатдош ясовчисига алмаштириб, икки сўзни бир сўзга бирлаштириб ҳосил қилинган: **âлиб сâтâди > âлибсâтâр.**

ОЛМОШ 'бирор сўз ўрнига қўлланадиган сўз'. ***Сўроқ о л м о ш л а р и жуда ранг-баранг.*** Бу сўз асли 'қўлга ол–', 'ўзиники қил–' маъносини англатувчи **ал–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчаси қўшилган **алма–** шаклидан (ЭСТЯ, I, 138) **–ш** ҳаракат номи қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик ҳаракат номи шаклидаги феъл отга кўчган; ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(ал– + ма = алма–) + ш = алмаш > âлмâш.**

ОЛТИ 'беш билан етти оралиғидаги бутун миқдор сон'. ***Бир танишим о л т и хонали уй қурибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай миқдорни билдирган бу сўз **алты** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 357; ДС, 39); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **алты > âлти.** Бу сўз қадимда **алт** отидан сифат ясовчи **–ы** қўшимчаси билан ясалган деб ('бешнинг олдидаги миқдор' маъносини билдирган деб) тахмин қилинади (ЭСТЯ, I, 142).

ОЛТМИШ 'олтинчи ўнлик'. ***Укам бир кам о л т м и ш ёшга кирди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай миқдорни билдирган бу сўз асли **алты** сонига **–мыш** қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 141), кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ПДП, 357; ДС, 40); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашган, учинчи бўғиндаги **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **алты + мыш = алтымыш > алтмыш > âлтмиш.** Бу сўз таркибидаги **мыш** қисми асли 'ўн' маъносини билдирувчи сўз бўлган деб тахмин қилинади; баъзи туркий тилларда бу миқдор сони **алтон (алты + он)** шаклида мавжудлиги шундай фикр юритиш тўғри эканлигини тасдиқлайди.

ОЛТОВ 'олти киши ёки нарса биргаликда'. ***О л т о в и н г и з эртага эрталаб келингиз.*** Бу сўз ўзбек тилида **âлти** саноқ сонидан жамловчи сон ясовчи **–âв** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; **âлти** сўзи охиридаги **и** унлиси билан қўшимча бошланишидаги **â** унлиси сўз ичида ёнма–ён келиб қолгани сабабли **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган: **âлти + âв > âлтâв.**

ОЛТОВЛОН 'олти киши биргаликда', 'олтовлашиб' (оз ишлатилади). ***Улар о л т о в л о н бошқалардан алоҳида юриб пахта терар эди.*** Бу сўз ўзбек тилида **âлтâв** жамловчи сонидан **–лâн** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **â** унлиларининг ва **в** ундошининг таъсирида **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **âлтâв + лâн = âлтâвлâн > âлтâвлâн.**

ОЛЧОҚ 'разил', 'ёвуз'. ***Отам баъзи о л ч о қ кишиларнинг ишларидан шикоят қилиб гапирар эди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'айёрлик', 'ёлғон' каби маъноларни англатган **а:л** отидан (ЭСТЯ, I, 126) белги маъносини ифодаловчи **–чақ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 144); ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 34); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **а:л + чақ = а:лчақ > алчақ > âлчâқ.**

ОЛҚА– 'омонлик, омад, бахт тила–' (оз ишлатилади). ***Ботирларни о л қ а й д и, ҳурматлайди бу диёр*** (З.Диёр). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'хурсанд қил–', 'мақта–' маъноларини англатган **ал–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 137; ДС, 38); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ал– + қа = алқа– > âлқä–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЛҚИНДИ 'кўп ишлатиш натижасида юпқалашган, ейилиб кетган'. ***Тонг қоронғисида кир қўйганимча олтита совундан о л қ и н д и ҳам қолмади*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'тугат–', 'йўқ қил–' маъносини англатган **ал–** феълининг (ЭСТЯ, I, 145) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган **алқ–** шаклига (Девон, III, 449; ДС, 37) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчасини (Девон, I, 255; ДС, 38) ва **–ды** сифатдош қўшимчасини (КРС, 51) қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(ал– + қ = алқ–) + ын = алқын–] + ды = алқынды > âлқинди.**

ОЛҚИШ 'қўллаб–қувватлашни, мамнунликни билдирувчи қарсак'. ***Йиғилганлар уни о л қ и ш б и л а н қарши олди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'хурсанд қил–', 'мақта–' маъноларини англатган **ал–** феълига 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчасининг **–қы** шаклини ва **–ш** ҳаракат номи қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 137; Девон, I, 123; ДС, 38); маъно тараққиёти натижасида ҳаракат номи отга кўчган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ал– + қы = алқы–) + ш = алқыш > âлқиш.**

ОЛҒА 'олд томонга'. ***Жангчилар доим о л ғ а интилар эди.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'пешана', 'олд қисм' маъносини англатган **ал (< а:л)** отининг (ЭСТЯ, I, 125) **–ға** жўналиш келишиги қўшимчасини олган шакли бўлиб, кейинчалик равишга кўчган (Ҳозирги ўзбек тилида жўналиш келишигининг қўшимчаси **–ға** шаклида ишлатилмайди, шунга кўра **алға** сўзи таркибидаги **–ға** қисми келишик қўшимчаси деб қаралмайди); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(а:л > ал) + ға = алға > âлғä.**

ОНА 'хотин киши ўз туққан боласига нисбатан'. ***О н а доим боласининг ташвиши билан яшайди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **ана** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 279; Девон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

I, 119; ДС, 43); ўзбек тилида бу сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ана > âнä.**

ОҢ 'кишининг фикрлаш қобилияти'. ***Мактаб ўқувчиларининг о н г и н и ўстиришга қаратилган махсус машғулотлар ўтказилади.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **а:ң** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 153); ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 35); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:ң > аң > âң .**

ОПА 'қиз фарзанд кейин туғилган фарзандларга нисбатан'. ***Менинг тўртта о п а м, иккита акам бор.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ёши катта бўл–' маъносини англатган **аб–** феълидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 56, 159, ДС, 47: **аба** сўзи ўзбек тилининг баъзи шеваларида ҳозир ҳам мавжуд), кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига, сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **аб– + а = аба > апа > âпä.**

ОПИЧ– 'кимнидир орқасига миндир–'. ***Онамнинг қушдек енгил бўлиб қолганини о п и ч г а н и м д а билдим.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'юқорига кўтарил–' маъносини англатган **ағ–** феълининг **ав–** шаклидан (ЭСТЯ, I, 69) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)ч** [< **–(ы)ш**] қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **в** ундоши **п** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ағ– > ав–) + ыч = авыч– > апыч– > âпич–.**

ОПОЙИ қ. **опоғойи**

ОПОҚИ қ. **опоғойи**

ОПОҒОЙИ ёши катта аёлга ҳурмат билан мурожаат қилишда ишлатиладиган сўз. ***О п о ғ о й и, ўғлингиз қачон келадилар?*** Бу от **âпâқ** сифати ва **âйи** отидан тузилган бирикманинг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган, икки унли оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган: **âпâқ + âйи > âпâғâйи.** Бу сўз ўзбек тилида **âпâйи** шаклида ҳам мавжуд бўлиб, бунда **âпâғ** сўзи охиридаги **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, шунинг натижасида ёнма–ён келиб қолган **â** унлилари сингишиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир унлига бирлашган: **âпâғâйи > âпââйи > âпâйи.** Бу сўз **âпâқи** шаклида ҳам ишлатилади, бунда **âпâқ** сўзи аслини сақлайди, **âйи** сўзининг **â**й қисми талаффуз қилинмайди: **âпâқ + âйи > âпâқи.**

ОРА 'бир нуқтадан иккинчи нуқтагача бўлган масофа'. ***Андижон билан Тошкент о р а с и д а тез-юрар поезд қатнайди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'маълум нуқтадан узоқла–' маъносини англатган **ар–** феълидан (ДС, 50: **ar– III**) **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 163); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ар– + а = ара > âрä.** Ўзбек тилида бу сўзнинг **ärâ** шакли ҳам мавжуд бўлиб, унлиларни бундай алмаштириб ишлатиш дастлаб шеър (вазн) талабига кўра юзага келган (***Чўзилди узилмай жанглар а р о с и.*** Шайхзода), кейинчалик насрий нутқда ҳам (қўшмà сўз тузишда) ишлатила бошлаган (**хälқärâ, дäвлäтläräрâ** каби).

ОРИҚ 'этлилик даражаси меъёрдан паст', 'озғин'. ***О р и қ отга чанг юқар*** (Мақол). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'оз–' маъносини англатган **ар–** феълидан (ДС, 50: **ar– II 2**) **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 161; Девон, I, 97; ДС, 52); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ар– + ық = арық > âриқ.** Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида кўпинча **âрриқ** (шеваларда **ärриқ**) тарзида талаффуз қилинади (**р** ундошининг қатланиши маънони кучайтиришга хизмат қилади).

ОРОЛ 'атрофи сув билан ўралган қуруқлик'. ***Кўл ўртасидаги о р о л д а дам олиш маскани қурилган.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ажрат–' маъносини англатган **ар–** феълидан (ДС, 50: **ar– III**) **–(а)л** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 167); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **ар– + ал = арал > âрâл.**

ОРРИҚ қ. **ориқ**

ОРТ 'орқа томон'. ***Юк машиналари о р т д а қолди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'орқа қисм' маъносини англатган **ар** отидан ўрин маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I,

www.ziyouz.com kutubxonasi

180; Девон, I, 77); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига ал— машган: **ар + т = арт > âрт.**

ОРТ– I 'транспорт воситасига юкла–'. ***Вагонларга пахта тойларини о р т д и к.*** Бу феъл қадимги тур— кий тилдаги 'елка' маъносини англатган **ар** отидан **–(ы)т** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 180); кейинроқ **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 234: **артыщды**); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ар + ыт = арыт– > арт– > âрт–.**

ОРТ– II 'меъёрдан кўп бўл–'. ***Деҳқончилик маҳсу— лотлари йилдан йилга о р т и б б о р м о қ д а.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'ортиқ бўл–' маъносини англатган **ар–** феълидан **–(ы)т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 182): кейинроқ **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (Девон, III, 430; ДС, 55); ўз— бек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ар– + ыт = арыт– > арт– > âрт–.**

ОРТИҚ I 'маълум меъёрдан кўп', 'зиёд'. ***Шамол— лаш бир ҳафтадан о р т и қ давом этди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'меъёрдан кўп бўл–' маъносини англатган **арт–** феълидан (Девон, III, 430; ДС, 55) **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 124; ДС, 57), ўша даврлардаёқ **у** унлиси **ы** унлисига алмашган (ДС, 57); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлиси— нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **арт– + уқ = артуқ > артық > âртиқ.**

ОРТИҚ II 'баданда, бирор аъзода одатдагидан ташқари ўсимта'. ***Укамнинг чап қулоғида о р т и ғ и бор.*** Бу от ўзбек тилида **âртиқ** I сифатидан маъно та— раққиёти асосида ўсиб чиққан: 'белги'→ 'шундай белги деб қараладиган жисм'.

ОРҚА 'орт томон'. ***О р қ а д а н кимнингдир овози эшитилди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'орқа қисм' маъносини англатган **ар** отидан ўрин маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган ((ЭСТЯ, I, 175; Девон, I, 148; ДС, 53); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ар + қа = арқа > âрқä.**

www.ziyo.com kutubxonasi

ОС– 'бирор ерга биркит–'. ***Қўйни ҳам ўз оёғидан о с а д и л а р, эчкини ҳам ўз оёғидан о с а д и л а р*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **ас–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 360; Девон, I, 205; ДС, 59); ҳозирги ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ас– > âс–.**

ОСТ 'пастдаги сатҳ', 'таг', 'туб'. ***Дарахтларнинг о с т и г а қуёш нури деярли тушмас эди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'паст', 'таг' маъносини англатган **ас** отидан ўрин маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 195; ПДП, 361); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ас + т = аст > âст.**

ОСТИН–УСТИН 'ағдар–тўнтар'. ***Кеча тузган режаларимиз о с т и н – у с т и н б ў л и б к е т д и.*** Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **астын** ва **устын** сўзларидан таркиб топган бу жуфт сўз қисмлари асли **аст** ва **уст** отларига қадимги ўрин келишиги қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(аст + ын)–(уст + ын) > âстин–устин.**

ОТ I 'исм'. ***Уканғнинг о т и нима?*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **а:т** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 198; Девон, I, 107), ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 361; ДС, 64); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:т > ат > ât.**

ОТ II 'йирик иш–улов ҳайвони'. ***Яхши о т г а бир қамчи, ёмон о т г а минг қамчи*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **ат** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 361; ДС, 65); Маҳмуд Кошғарий бу сўзни "қаттиқ талаффуз қилинадиган алиф билан" деб алоҳида таъкидлайди (Девон, I, 70); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ат > ât.**

ОТ– 'улоқтир–'. ***Тантибойвачча кўрпачага бемалол ўтириб, дўпписини бир чеккага о т д и*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **ат–** тарзида талаффуз қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Девон, I, 181; ДС, 65); ҳозирги ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ат– > ât–.**

ОТА 'эркак киши ўз фарзандига нисбатан'. ***О т а– н и н г кўнгли — болада, боланинг кўнгли – далада*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **ата** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 200; ПДП, 361; Девон, I, 114; ДС, 65); ўзбек тилида бу сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ата > âtä.**

ОТАР 'яйловда боқиладиган қўйларнинг йирик тўдаси'. ***Бизнинг о т а р д а иккитадан қўзи берадиган совлиқлар кўп.*** Қадимги туркий тилда 'ердан ўзи кўкариб чиқиб, чорвага емиш бўладиган бир йиллик яшил ўсимлик' маъносини англатган **от** отига **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган **ота–** феъли мавжуд бўлган ва 'ўт е–' маъносини англатган (кейинчалик бу феъл истеъмолдан чиққан), шу феълга **–р** қўшимчасини қўшиб **отар** сифатдоши ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 488), бу сифатдош асли 'ўтлайдиган' маъносини англатган, кейинчалик отлашиб, 'ўтлоқ', 'яйлов' маъносини, сўнгра 'ўтловчи ҳайвонлар' маъносини англата бошлаган; ўзбек тилида **о** унлиси **â** унлисига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(от + а = ота–) + р = отар > âtär (**Асли бу сўзни **отär,** яъни **ўтар** тарзида ёзиш тўғри). Бу сўзни **от** оти–дан **–ға** қўшимчаси билан ясалган феълга **–р** қўшимчасини қўшиб ясалган от деб ҳам талқин этиш мумкин; кейинчалик ўзбек тилида **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган: **(от + ға = отға–) + р = отғар > отар > отär.**

ОЧ 'овқат тусаб қолган'. ***Қорни тўқнинг қорни о ч д а н хабари йўқ*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат **а:ч** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 208; Девон, I, 108), ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 353; ДС, 3); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:ч > ач > âч.**

ОЧ– 'очиқ ҳолатга келтир–'. ***Қори тугунчани о ч и б, ўрикдан иккитасини Сиддиқжонга узатди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **ач–** тарзида талаффуз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган (ПДП, 353; Девон, I, 176; ДС, 3); ҳозирги ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ач– > âч–.**

ОЧАРЧИЛИК 'озиқ–овқат етишмаслиги оқибатида юз берадиган ҳолат'. ***Ўттизинчи йилларда о ч а р ч и л и к ҳануз эсимда.*** Бу от эски ўзбек тилида **ач–(< а:ч–)** феълининг (ЭСТЯ, I, 208; ДС, 4) кучайтириш, 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шаклига **–чылық** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 82); кейинчалик сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, сўз охиридаги **қ** ундоши **к** ундошига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(ач– + а = ача–) + р = ачар] + чылық = ачарчылық > âчäрчилик.**

ОЧАТҚИ 'оч қолдирилгани туфайли озиб кетган'. ***Сенинг бу о ч а т қ и қўйларинг кимга керак?!*** Бу сифат эски ўзбек тилида **ач–** феълининг кучайтириш, 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–т** орттирма қўшимчаси қўшилган шаклидан **–қы** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(ач– + а = ача–) + т = ачат–] + қы = ачатқы > âчäтқи.**

ОЧИН–ТЎҚИН 'гоҳ оч, гоҳ тўқ ҳолатда', 'тўйиб овқат емай'. ***Бу йилги қишдан о ч и н – т ў қ и н чиқиб олдик.*** Бу жуфт равишнинг қисмлари ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди; **ачын** (ДС, 5), **тоқын** сўзлари **ач, тоқ** сифатларидан ҳолат маъносини ифодаловчи **–ын** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ач– + ын)–(тоқ– + ын) = ачын–тоқын > âчин–тоқин.**

ОЧИНҚИРА– 'очқаганини сеза бошла–'. ***Шу тобда о ч и н қ и р а б турибман.*** Бу сўз ўзбек тилида **âч–** феълидан **–инқирä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган деб қаралади. Асли бу сўз эски ўзбек тилида **ач–** феълига аввал 'гўё' маъносини ифодаловчи **–ын**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчасини, кейин 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи **–қыра** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ач–** + **ын** = **ачын–)** + **қыра** = **ачын–қыра** > **âчинқирä–.**

ОЧИҚ– 'овқат ейишни ўта даражада иста–'. ***О ч и–қ и б келган экан, ўзини овқатга урди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'овқат ейишни иста–' маъносини англатувчи **ач–** (< **а:ч–**) феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 209; Девон, I, 199); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ач–** + **ық** = **ачық–** > **âчиқ–.**

ОЧИҒИ 'тўғриси'. ***О ч и ғ и н и айтинг, кўнглингиз нимани истайди.*** Бу сўз **гапнинг âчиғи** бирикмаси таркибидаги **гапнинг** сўзини ишлатмаслик оқибатида мустақиллик кашф этган; асли эгалик қўшимчаси олган бу сўз эндиликда бундай қисмларга ажратилмайди.

ОЧҚА– 'овқат ейишни ўта даражада иста–'. ***О ч – қ а б келган экан, ўзини овқатга урди.*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'овқат ейишни иста–' маъносини англатган **ач–** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ач–** + **қа** = **ачқа–** > **âчқä–.**

ОШ– 'маълум баландликдан ўт–', 'маълум режадан ўт–'. ***Шу тепаликдан о ш с а к, у ёғи–текис йўл.*** □ ***Қўйларим ўнтадан о ш д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **а:ш–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 212; Девон, I, 184), ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 277; ДС, 62); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:ш–** > **аш–** > **âш–.**

ОШИҚ I 'оёқнинг тиззагача ва тиззадан кейинги суякларини туташтириб турувчи суякча'. ***Туянинг о ш и ғ и д а н соққа қилиб олибди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'маълум даражадан кўтарил–' маъносини англатган **а:ш–** феълининг **аш–** шаклидан от ясовчи **–(у)қ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 216; Девон, I, 97); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **аш– + уқ = ашуқ > âшиқ.**

ОШИҚ II 'ортиқ'. ***Ушбу асарни ёзишга беш йилдан о ш и қ вақт кетди.*** Бу сифат 'маълум режадан ўт–' маъносини англатган **аш–** феълидан эски ўзбек тилида сифат ясовчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 85); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **аш– + ық = ашық > âшиқ.**

ОШИҚ– 'шошилиб ҳаракат қил–'. ***Ҳар қанча о ш и қ с а м ҳам, сизни қувиб ета олмадим.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'маълум режадан ўт–' маъносини англатган **а:ш–** феълининг **аш–** шаклидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(у)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 217; Девон, I, 199); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **аш– + уқ = ашуқ– > âшиқ–.**

ОШЛА– 'хом терига ишлов бер–'. ***Шогирдлар терини о ш л а ш г а киришди.*** Бу феъл ўзбек тилида 'терига ишлов беришда ишлатиладиган модда' маъносини англатувчи **âш** отидан (ЎТИЛ, I, 554) **–лä** қўшимчаси билан ясалган (ЎТИЛ, I, 556): **âш + лä = âшлä–.**

ОҚ 'қор, сут рангидаги'. ***Бир ўрам о қ қоғоз сотиб олдим.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат **а:қ** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 116; Девон, I, 109), ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 48); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **а:қ > ақ > âқ.**

ОҚ– 'нишаб томонга сурункасига ҳаракатлан–' (суюқлик ҳақида). ***Олдингдан о қ қ а н сувнинг қадри йўқ*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **ақ–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 118; ПДП, 359; Девон, I, 121; ДС, 48); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ақ– > âқ–.**

ОҚИМ 'бир томонга йўналган жараён'. ***Биз қайиқда сувнинг о қ и м и г а қараб суздик.*** Бу от қадимги туркий тилда 'нишаб томонга сурункасига ҳаракатлан–' маъносини англатган **ақ–** феълидан **–(ы)м**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 119; Девон, I, 104); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлиси — нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ақ–** + **ым** = **ақым** > **âқим.**

ОҚИН 'тўхтамай оқиб турадиган'. ***О қ и н сув бўлмаса, бу далаларни суғориб бўлмайди.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'нишаб томонга сурункасига ҳаракатлан–' маъносини англатган **ақ–** феълидан **–(ы)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 119); бу сўз қадимги туркий тилда 'сел' маъносини англатган (Девон, I, 106), ҳозирги маъноси кейин юзага келган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ақ–** + **ын** = **ақын** > **âқин.**

ОҚИНДИ 'чиқинди сув'. ***Бу корхона о қ и н д и л а р и н и шу анҳорга оқизар эди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'нишаб томонга сурункасига ҳаракатлан–' маъносини англатган **ақ–** феълидан **–ынды** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ақ–** + **ынды** = **ақынды** > **âқинди.**

ОҚИШОҚ 'гуручнинг майдалангани'. ***Гуручни ошга сақлаб, бошқа овқатларга о қ и ш о қ ишлатдик.*** Бу от эски ўзбек тилида **ақ** сифатининг 'тоза' маъносидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **а** унлилари **â** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(ақ** + **ыш** = **ақыш)** + **а** = **ақыша–]** + **қ** = **ақышақ** > **âқишâқ.**

ОҚПАР 'оққа мойил', 'оқ аралашган'. ***О қ п а р чойга тўлган кўк чойнак Менга азиз чин армуғондек*** (Шайхзода). Бу сифат қадимги туркий тилда 'сут ранги — даги' маъносини англатган **ақ** сифатига 'белги', 'нишона' маъносини англатган **пар** сўзини қўшиб тузилган бўлса керак; ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ақ** + **пар** = **ақпар** > **âқпäр.**

ОҚСА– 'бир оёғи калталиги туфайли чайқалиб юр–'. ***Кейинги операция оқибатида о қ с а й д и г а н***

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб қолди. Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бирор томонга эгил–' маъносини англатган **а:ғ–** феълидан (ЭСТЯ, I, 69) 'мойил' маъносини ифодаловчи **–са** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 76); ўша даврлар–даёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 23: **ағсағ**); ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **а:ғ– + са = а:ғса– > аға– > ақса– > âқсä–.** Маҳмуд Кошғарий бу сўзни **ахса–** шаклида келтирган (Девон, I, 274), демак қадимги туркий тилда бу сўз таркибидаги **ғ** ундоши **х** ундошига алмашган; ўзбек тили шеваларида бу сўзни шундай талаффуз қилиш ҳам мавжуд.

ОҚСОҚ 'оқсаб юрадиган'. ***Узоқдан оқсоқ кишининг шошилиб келаётганини кўрди.*** Бу сифат қадимги туркий тилда **ақса–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, **ақсақ** (ДС, 49), **ахсақ** (Девон, I, 71) тарзида талаффуз қилинган; ўзбек тилида **ақсақ** шакли таркибидаги **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **ақса– + қ = ақсақ > âқсâқ.** Бу сўз ўзбек тили шеваларида **âхсâқ** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ОҒ 'иштон, шимнинг икки почаси қўшиладиган жой'. ***Шимининг оғи ситилиб кетибди.*** Қадимги туркий тилда 'чов', 'чот' маъносини англатган бу от **а:ғ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 109), кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган ва бу унли ўзбек тилида **â** унлисига алмашган: **а:ғ > ағ > âғ.** Бу сўзнинг ҳозирги маъноси гавдадан кийимга кўчириш асосида юзага келган.

ОҒ– 'бирор томонга эгил–'. ***Меваси кўплигидан олманинг шохлари оғиб кетибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **а:ғ–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 69); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган ва бу унли ўзбек тилида **â** унлисига алмашган: **а:ғ– > ағ– > âғ–.**

ОҒА 'энг катта ака'. ***Бу киши менинг оғам бўладилар.*** Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'узоқ яша–' маъносини англатган **ақ–** феълидан (ЭСТЯ, I, 122) **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 70; ДС, 48): **ақ– + а = ақа** (**ақа** сўзи ўзбек тилида ҳозир ҳам ёш болалар

www.ziyouz.com kutubxonasi

нутқида ишлатилади); кейинчалик икки унли оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган (КРС, 20); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **а** унлиси **â** унлисига, сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ақа > аға > âғä**.

ОҒАЙНИ 'ошна', 'биродар' (тенгдош эркак кишига нисбатан ишлатилади). ***Кўпдан бери кўришмаган оғайним йўқлаб келибди.*** Бу сўз ўзбек тилида **âғä** ва **ини** сўзларидан тузилган **âғä–ини** жуфт сўзининг яхлитланиши билан юзага келган, яхлитлаб талаффуз қилиш муносабати билан **ини** қисми бошланишидаги **и** унлиси **й** ундошига алмашган: **âғä–ини > âғайни**.

ОҒЗАКИ 'талаффуз ҳолатидаги' ('ёзманинг акси'). ***Оғзаки нутқда адабий тил мезонларига риоя этмаслик учраб туради.*** Бу сифат ўзбек тилида **âғиз** отидан **–äки** қўшимчаси билан ясалган, қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **âғиз + äки > âғзäки.**

ОҒИЗ I 'икки лаб оралиғидаги тешик', 'жағлар оралиғидаги бўшлиқ'. ***Эл оғзига элак тутиб бўлмайди*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилдаги 'тешик' маъносини англатган **ағ** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)з** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 82; ПДП, 355; Девон, I, 89; ДС, 21); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ағ + ыз = ағыз > âғиз I**.

ОҒИЗ II 'янги туққан сигирнинг 3–4 кунлик сутини йиғиб пиширилган пишлоқсимон сарғиш таом'. ***Қўшнимизнинг сигири туққан экан, оғиз тарқатиб юрибди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'увиб туш–', 'қуюқлаш–' маъносини англатган **ағ–** феълидан **–(у)з** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 406; ДС, 24); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган, натижада **âғиз I** сўзи билан шаклан тенг келиб қолган: **ағ– + уз = ағуз > âғиз II.**

ОҒИЛ 'уй ҳайвонларини сақлашга хизмат қиладиган қурилма'. ***Оғилнинг эшигини беркитиб қўйинг.*** Бу от қадимги туркий тилда 'ўра–' маъносини англатган **а:ғ–** феълидан **–(ы)л** қўшимчаси билан ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ЭСТЯ, I, 84), ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 103; ДС, 18); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **а:ғ–** + **ыл** = **а:ғыл** > **ағыл** > **âғил.**

ОҒИР 'вазни катта', 'вазмин'. ***Бели касал, о ғ и р юк кўтариши мумкин эмас.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'бирор томонга эгил–' маъносини англатган **а:ғ–** феълидан (ЭСТЯ, I, 69) **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган; ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ЭСТЯ, I, 86; Девон, I, 87; ДС, 18); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **а:ғ–** + **ыр** = **а:ғыр** > **ағыр** > **âғир.**

ОҒИШМАЙ 'иккиланмай', 'изчиллик билан'. ***Мажлис қарорини о ғ и ш м а й амалга оширишимиз лозим.*** Бу сўз асли **âғ–** феълига 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчасини, кейин 'бўлишсиз' маъносини ифодаловчи **–мä** қўшимчасини ва охири **–й** ра—вишдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; асли ра—вишдошга тенг бу сўз маъно тараққиёти натижасида равишга кўчган: **âғ–** + **иш** + **мä** + **й** = **âғишмäй.**

ОҒРИ– 'касал бўл–', 'дардга чалин–'. ***Кўзинг о ғ р и с а, қўлингни тий, ичинг о ғ р и с а, нафсингни тий*** (Мақол). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'оғриқ сез–' маъносини англатган **а:ғ–** феълидан **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалиб, 'касалланиш ҳолати' маъносини англатган **а:ғыр** отига **–ы** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 86; ДС, 19: **ағыры–**), ўша даврлардаёқ **а:** унли—сининг чўзиқлик белгиси йўқолган, **–ы** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаф—фуз қилинмай қўйган (ДС, 22); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(а:ғ–** + **ыр** = **а:ғыр)** + **ы** = **а:ғыры–** > **ағыры–** > **ағры–** > **âғри–.**

ОҒРИН– 'ўзига оғир олиб ранжи–'. ***Қарз сўрасам, о ғ р и н и б берди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'касал бўл–' маъносини англатган **ағыр–** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб, асли 'касаллан–' маъносини билдирган, маъно тараққиёти натижасида 'ранжи–' маъно—

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини англата бошлаган; ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унли— сига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йў— қолган: **ағыр–** + **ын** = **ағырын–** > **ағрын–** > **âғрин–**.

ОҒУ 'заҳар'. ***Қабиҳ фалак о ғ у қўшди ошима*** ("Алпомиш"). Бу от қадимги туркий тилдаги 'заҳарла–' маъносини англатган **а:ғ–** феълидан **–ы** қўшимчасининг **–у** шакли билан ясалган (ЭСТЯ, I, 67; Девон, I, 116; ДС, 24), ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик бел— гиси йўқолган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига ал— машган: **а:ғ–** + **у** = **а:ғу** > **ағу** > **âғу**.

П

ПАҚИР I 'челак'. ***Боғдан бир п а қ и р анор узиб чиқди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'мис' маъносини англатган **бақыр** сўзидан (Девон, I, 341; ДС, 82) маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан: 'мис' → 'мисдан ясалган идиш' (ЭСТЯ, II, 46). Ҳозирги ўзбек тилига бу сўз қуйидаги товуш ўзгаришлари билан етиб келган: **б** ундоши **п** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига ал— машган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **бақыр** > **пақыр** > **пäқыр** > **пäқир**.

ПАҚИР II 'икки тийин'. ***Сўзимга ишон, бошқа бир п а қ и р ҳам пулим йўқ*** (И. Акрам). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'мис' маъносини англатган **бақыр** сўзидан (Девон, I, 341; ДС, 82) маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан: 'мис' → 'мисдан ясалган чақа пул' (ЭСТЯ, II, 45). Ҳозирги ўзбек тилига бу сўз қуйидаги товуш ўзгаришлари билан етиб келган: **б** ун— доши **п** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** ун— лисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **бақыр** > **пақыр** > **пäқыр** > **пäқир**.

ПИРИЛДОҚ 'ўз ўқи атрофида тез айлантирила— диган ўйинчоқ'. ***Байрам куни неварасига п и р и л — д о қ олиб берди.*** Бу от **пир–пир** тақлид сўзидан **–ллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; иккинчи **л** ундоши **д** ундошига, **қ** ун— доши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: (**пир** +

www.ziyouz.com kutubxonasi

иллä = пириллä–) + қ = пириллäқ > пирилдäқ > пирилдâқ.

ПИРПИРА– 'тез–тез силкин–', 'ҳилпира–'. *Ойнинг дастлабги шуъласи тўғоннинг тепасида п и р п и р а б турган байроққа тушди* (Абдулла Қаҳҳор). Бу феъл **пир–пир** тақлид сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган, қўшимча қўшилганидан кейин **пир–пир** такрор сўзи қўшиб ёзилган; **(пир–пир) + ä > пирпирä–.**

ПИС– 'ўзини панага ол–', 'бекин–'. *Одамлар тарқагунча дарахт панасида п и с и б ўтирди.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **бус–** (ЭСТЯ, II, 278), **пус–** (Девон, II, 18; ДС, 398), **пӱс–** (ПДП, 409) тарзида талаффуз қилинган; ўзбек тилида бу феълнинг **пӱс–** шакли таркибидаги ӱ унлиси **и** унлисига алмашган: **пӱс– > пис–.** Айрим шеваларда бу феъл **пӱс–** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ПИСМИҚ 'ишини пинҳона амалга оширадиган', 'сир бой бермайдиган'. *Содда сири тилида, п и с м и қ сақлар дилида* (Мақол). Бу сифат **пис–** феълидан **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган отта **–(и)қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(пис– + им = писим) + иқ = писимиқ > писмиқ.**

ПИТРАК 'серҳаракат','уринчоқ'. *Қундуз ёш бўлса ҳам, жуда п и т р а к қиз* (Ойдин). Бу сифат асли **питир–питир** тақлид сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(питир + ä = питирä–) + к = питирäк > питрäк.**

ПИЧА 'бироз','озгина'. *Иккита оқ пиёзни майда тўғради, унга п и ч а мурч сепди* (Ойдин). Бу равиш асли қадимги туркий тилда **бичä** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, 'кичкина' маъносини англатган (ПДП, 371; ДС, 98); ҳозирги маъноси ана шу маънодан ўсиб чиққан; бу сўз асли 'кес–', 'қирқ–' маъносини англатган **бич–** феълидан (Девон, II, ДС, 98) **–ä** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик сўз бошланиши–даги **б** ундоши **п** ундошига алмашган: **бич– + ä = бичä > пичä.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПИЧАН 'ўриб қуритилган ўт', 'хашак'. ***Жанг-чиларнинг кўпи .. қалин п и ч а н устига юмалаб ухлаб қолишди*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилда 'кес–', 'ўр–' маъносини англатган **бич–** феълидан (Девон, II, 11; ДС, 98) **–(ä)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 161); кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига ал-машган: **бич– + än = бичän > пичän.**

ПИЧОҚ 'кесишга хизмат қиладиган асбоб'. ***Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан п и ч о қ қинидан чиқади*** (Мақол). Бу от қадимги туркий манбаларда **бичäк** (Девон, I, 366; ДС, 98), **бычақ** (ДС, 104) шаклларида келтирилган. Шуларга кўра бу сўзнинг таркиби икки хил талқин қилинади: 1) Қадимги туркий тилдаги 'ўткир, кесувчан асбоб' маъносини англатган **би** отидан (ДС, 97) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чäк** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 160): **би + чäк = бичäк;** 2) Қадимги туркий тилдаги 'кес–' маъносини англатган **быч–** феълидан (ДС, 104) **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 160): **быч– + ақ = бычақ;** кейинчалик сўз бошланишидаги **б** ундоши **п** ундошига, ўзбек тилида **пычақ** сўзи охиридаги **қ** ундоши таъсири билан **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **быч– + ақ = бычақ > пычақ > пичâқ.**

ПИШ– 'истеъмол қилиш учун тайёр ҳолга кел–'. ***Бермаснинг оши п и ш м а с , п и ш с а ҳам, қозондан тушмас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **быш–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 105), кейинроқ сўз бошланишидаги **б** ундоши **п** ундошига алмашган (Девон, II, 19). Ўзбек тилига **пыш–** шакли таркибидаги **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган кўриниши етиб келган (ПДП, 408: **пишўр–**): **быш– > пыш– > пиш–.**

ПИШИ– 'чиниқ–'. ***Утеган жанг оғирликларини кўрган сайин п и ш и д и*** (Ж. Ташенов). Бу сўз **пиш–** феълининг 'етил–' маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **пиш– + и = пиши–.**

ПИШИҚ 'чиниққан', 'мустаҳкам'. ***У энди тур-мушнинг оғир кулфатларини енгиб, п и ш и қ йигит***

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб етишган эди (Парда Турсун). Бу сифат 'чиниқ–' маъносини англатувчи **пиши–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган: **пиши– + қ = пишиқ.** Маънони кучайтириш мақсадида бу сўзни **пишшиқ** тарзида талаффуз қилиш ҳам мавжуд.

ПИШИҒ 'пишган', 'пишиб етилган'. .. ***хом демай, пиширғ демай, кўзга кўринган нарсани еверасанми?*** (Садриддин Айний). Бу сўз қадимги туркий тилда 'истеъмол қилиш учун тайёр ҳолга кел–' маъносини англатувчи **быш–** феълидан (ДС, 105) **–(ы)ғ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 164; Девон, I, 360), кейинроқ сўз бошланишидаги **б** ундоши **п** ундошига алмашган (ЭСТЯ, II, 162; Девон, III, 348). Маҳмуд Кошғарий ўз луғатида бу сўзнинг икки шакли: **бышығ (пышығ)** ва **бышық (пышық)** шаклларини мавжуд эканлигини алоҳида таъкидлайди (Девон, III, 30). Ҳозирги ўзбек тилида 'пишган' маъноси учун **пишиғ** шаклини, 'чиниққан' маъноси учун **пишиқ** шаклини танлаш тўғри: шунда омоним юзага келмайди. Бу икки сўзни **пишиқ** ва **пишиғ** шаклида ёзиш тўғри эканини улардан ясалган сўзлар ҳам тасдиқлайди: ***пишиқлигини қара***, лекин ***пишиғчилик фасли*** каби. Агар ҳар икки сўзни **пишиқ** тарзида ёзсак, унда луғатга **пишиқ I** ва **пишиқ II** деб омоним сифатида киритиш лозим бўлади, чунки бу сўзларда ясаш асоси фарқли: **(быш– || пыш–) + (ығ || ық) > пишиқ I; пиши + қ = пишиқ II.**

ПИШКАК 'кув дастаси'. .. ***узун сочлари олдига тушиб, пишкакка ўралар ва халал берарди*** (Садриддин Айний). Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'чайқа–' маъносини англатган **быш–** феълининг (ЭСТЯ, II, 309) **пиш–** кўринишидан (ЎТИЛ, I, 591) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклига **–кäк** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 310); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(пиш– + и = пиши–) + кäк = пишикäк > пишкäк.**

ПИШШИҚ қ. **пишиқ**

ПОЙГА 'ким ўзди мусобақаси'. ***Ҳамма пойгада маррага етай деб қолган чавандознинг ҳаяжони билан яшайди*** (Сайид Аҳмад). Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'отда ким ўздига югур–' маъносини анг–

www.ziyouz.com kutubxonasi

латган **бай–** феълидан **–га** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 32); кейинчалик сўз бошланишидаги **б** ундоши **п** ундошига (КРС, 604), ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бай– + га = байга > пайга > пâйгä.** ЎТИЛда **пойга** сўзи форсча деб таъкидланган; бундай изоҳлашга бу сўзнинг **пой** қисми форсча **пой** ('оёқ') сўзи билан ўхшаш экани сабаб бўлгандир.

ПОРЛОҚ 'нурдек равшан', 'равнақли'. ***Ўзбекистоннинг келажаги п о р л о қ.*** Бу сифат ўзбек тилида **пâрлä–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **пâрлä– + қ = пâрлäқ > пâрлâқ.** Асли **пâрлä–** феъли ҳам ясама: **–лä** қисми феъл ясовчи қўшимчага тенг, лекин **пâр (< пар)** қисмининг маъносини аниқлаб бўлмади.

ПОҒОНА 'пиллапоя', 'зинапоя', 'босқич'. ***Мирзакаримбойнинг хотини .. нарвончанинг ҳар п о ғ о н а с и г а қадам қўйганда "бисмилло"ни такрорлаб аравага ўтирди*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилдаги 'ёғоч устунни қоқ–' маъносини англатган **бақан–** феълидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 42); кейинчалик икки унли оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига, сўз бошланишидаги **б** ундоши **п** ундошига алмашган; ўзбек тилида биринчи, иккинчи бўғиндаги **а** унлилари **â** унлиларига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **бақан– + а = бақана > бағана > пағана > пâғänä.** Маҳмуд Кошғарий бу сўзни **бағна** шаклида келтирган (Девон, I, 408); бунда **баған–** феълига **–а** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги **а** унлиси талаффуз қилинмай қўйган бўлиб чиқади: **баған– + а > бағна.**

ПУК 'ошиқнинг дўмбоқ томони'. ***Товва п у к н и ейди, олчи чиқни ейди дегандек,*** .. (Асқад Мухтор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **бӱк** тарзида талаффуз қилинган, асли 'қайрилган', 'эгилган' маъносини англатган сифат бўлиб (ЭСТЯ, II, 291), сифатланмишсиз (**бӱк таман → бӱк**) ишлатилиши натижасида 'дўнг томон' маъносини англата бошлаган (отга кўчган). Бу сўз КРСнинг 150– бетида **бӧк** тарзида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзилган, ДСда Девондан олинган мисол ҳам **бӧк** тарзида ёзилган (117– бет); Девоннинг ўзида (III, 144) арабча ёзув **б** билан бошланган–у, ёнидаги изоҳ нимагадир **п** ҳарфи билан ёзилган: **пӱк.** Кўринадики, бу сўзнинг бошланишида асли **б** жарангли ундоши қатнашган ва бу ундош кейинчалик **п** жарангсиз эшига алмашган. Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек тилида **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бӱк > пӱк > пук.**

ПУККА 'ошиқнинг дўнг томони тепага қараган ҳолати'. ***Ошиқ думалайди п у к к а м и, чикка*** (Султон Акбарий). Бу сифат қадимги туркий тилда ҳам мавжуд бўлиб, 'ошиқнинг дўмбоқ томони' маъносини англатган **бӱк** отидан (ЭСТЯ, II, 291: Девон, III, 144) эски ўзбек тилида **–ä** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 149); қўшимча қўшилганидан кейин **к** ундоши қатланган, кейинчалик сўз бошланишидаги **б** ундоши **п** жарангсиз эшига алмашган, охири **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бӱк + ä = бӱкä > бӱккä > пуккä.**

ПУС– қ. **пис–**

ПУЧУҚ 'ясси', 'ёпишган' (бурун ҳақида). ***Раҳимжон .. жуда хунук эди: қип–қизил гӱшт, п у ч у қ бурнида доғлар, бошида тук*** (Асқад Мухтор). Бу сифат асли қадимги туркий тилдаги 'кес–' маъносини англатган **быч–** феълидан (Девон, II, 11) **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 284); кейинчалик **қ** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **ы** унлиси **у** унлисига, сўз бошланишидаги **б** ундоши **п** ундошига алмашган, сўнгра иккинчи бўғиндаги **у** унлисининг таъсирида биринчи бўғиндаги **ы** унлиси ҳам **у** унлисига алмашган: **быч–** + **ық = бычық > бычуқ > пычуқ > пучуқ.**

ПЎКОН 'йўғон ичак'. ***"П ӱ к о н и д а н ел ӱтмаганларнинг гапи–да бу", – деди аёлнинг гапига кекса бир сувчи*** (Назир Сафаров). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу отнинг биринчи бўғинидаги унли Девондаги арабча ёзувда (I, 380) замма белгиси билан кўрсатилган, кириллча ёзувда эса **ӧ** ҳарфи билан ифодаланган; ДСда худди шу манбага ҳавола берилиб, бу унли **ӱ** ҳарфи билан ёзилган (132– бет). Демак, бу сўз асли **бӱкän** тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик сўз бошланишидаги **б** ундоши жарангсиз **п** эшига,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ў унлиси ӧ унлисига алмашган, ҳозирги ўзбек тилида бу унлининг юмшоқлик белгиси йўқолган, ӓ унлиси **â** унлисига алмашган: **бӱкӓн > пӱкӓн > пӧкӓн > покâн.**

С

САВА– 'савағич билан уриб тит–, юмшат–' .. ***яшил ғўза тупларини жала худди юнг с а в а г а н – д а й қаттиқ савалаётганини кўриш мумкин эди*** (Ҳаким Назир). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'юнг титадиган қўш чивиқ' маъносини англатган **сағ** отидан (Девон, III, 168) **–а** қўшимчаси билан ясалган; ўша даврлардаёқ **ғ** ундоши **в** ундошига (Девон, II, 112), ўзбек тилида **а** унлилари **ӓ** унлиларига алмашган: **сағ + а = саға– > сава– > сӓвӓ–.**

САЙЛА– 'овоз бериш йўли билан бирор лавозим ёки вазифага тайинла–', 'ёқлаб овоз бер–'. ***Сизни жамоамизга раҳбар қилиб с а й л а м о қ ч и м и з.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'сўз', 'нутқ', 'хабар' маъносини англатган **сав** отидан (ПДП, 420; Девон, III, 168; ДС, 491) **–ла** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 312); кейинчалик **в** ундоши **й** ундошига, ўзбек тилида **а** унлилари **ӓ** унлиларига алмашган: **сав + ла = савла– > сайла– > сӓйлӓ–.**

САЙРА– 'ёқимли оҳангдор овоз чиқар–' (қуш ҳақида). ***Арчанинг орасида яна каклик с а й р а д и*** (Суннатилла Анорбоев). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'овоз', 'сўз' каби маъноларни англатган **сав** отидан (ПДП, 420; Девон, III, 168; ДС, 491) **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган феълга 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, III, 325); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **в** ундоши **й** ундошига, ўзбек тилида **а** унлилари **ӓ** унлиларига алмашган: **(сав + ыр = савыр–) + а = савыра– > саврa– > сайра– > сӓйрӓ–.**

САЙРОҚИ 'кўп сайрайдиган'. ***Ўтган ҳафта тутган беданам с а й р о қ и чиқиб қолди.*** Бу сифат ўзбек тилида **сӓйрӓ–** феълидан **–қи** қўшимчаси билан ясалган, **қ** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **ӓ** унлиси **â** унлисига алмашган: **сӓйрӓ– + қи = сӓйрӓқи > сӓйрâқи.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

САККИЗ 'етти билан тўққиз оралиғидаги бутун миқдор'. ***С а к к и з меҳмон ичида иккитаси бениҳоя семиз эди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай миқдорни билдирган бу сўз асли **сäкиз** (ПДП, 420), **секиз** (Девон, I, 345; ДС, 494) тарзида талаффуз қилинган. Ҳозирги ўзбек тилига **сäкиз** шакли **к** ундоши қатланган ҳолда етиб келган: **сäкиз > сäккиз.**

САКРА– 'юқорига тез ирғи–', 'бир жойдан иккинчи жойга ирғиб ўт–' ***Халқ бундай отларни булутга с а к р а й д и г а н от дейди*** (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тез ирғи–' маъносини англатган **сäк–** феълининг (ПДП, 420) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига (Девон, III, 437: **секиритти**) 'такрор' (кучайтириш) маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган. Қадимги туркий тилда **сäк–** феъли таркибидаги **ä** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 494), **секир–** шаклига **–ä** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **е** унлисининг таъсирида **ä** унлиси ҳам **и** унлисига алмашган: **сэкріді** (Девон, III, 296). Ҳозирги ўзбек тилига бу феълнинг **ä** унлиси қатнашган энг қадимги шакли етиб келган: **(сäк– + ир = сäкир–) + ä = сäкира– > сäкрä–.**

САКСОН 'етмиш билан тўқсон оралиғидаги ўнлик миқдор'. ***Бир юз ўн беш сўм с а к с о н тийин берсанг бўлади*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда бундай миқдор **секиз, он** сўзларини қўшиб билдирилган (Девон, I, 410). Кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **к** ундоши таъсирида **з** ундоши **с** ундошига алмашган, **о** унлисида юмшоқлик белгиси пайдо бўлган: **секизон > секзон > сексон > сексöн** (Девон, I, 410). Ўзбек тилига етиб келган сўзнинг биринчи қисми сифатида **сäкиз** сўзи қатнашган, иккинчи қисмдаги **о** унлиси **â** унлисига алмашган: **сäкиз он = сäкизон > сäкзон > сäксон > сäксâн.**

САН қ. **сен**

САНА– 'миқдорини аниқла–', 'ҳисобла–'. ***Ердан топиб олсанг ҳам, с а н а б о л*** (Мақол). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'ҳисобла–' маъносини англатган **са–** феълидан (ПДП, 418, Девон, III, 265; ДС, 478) **–н**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчаси билан ясалиб, 'адад', 'миқдор' маъносини англатган **сан** отига (ПДП, 419; Девон, III, 172; ДС, 483) **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган (ПДП, 419; Девон, III, 290; ДС, 483); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **сан + а = сана– > сänä–.**

САНОҚ 'битталаб санаш', 'ҳисоб'. ***Пул десанг с а н о ғ и йўқ. Санаб тамом қилиб бўлмайди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу от эски ўзбек тилида **сänä–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 632), кейинчалик **қ** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **сänä– + қ = сänäқ > сänâқ.**

САНЧ– қ. **санчиқ**

САНЧИ– қ. **санчиқ**

САНЧИҚ 'нимадир ўқтин–ўқтин санчилаётгандек бўлиб туйиладиган оғриқ'. ***"Кўкрагимнинг с а н ч и ғ и сира қолмайди", – жавоб берди она оҳиста товуш билан*** (Ойбек). Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'учи ўткир нарсани куч билан киргиз–' маъносини англатувчи **санч–** феълидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган отга (ТРС, 518) эски ўзбек тилида 'кичрайтириш' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(санч– + ы = санчы) + қ = санчық > сänчиқ.** Эски ўзбек тилида бир марта санчиш ҳаракатини англатувчи **санч–** феълидан ташқари кўп марта санчиш ҳаракатини англатувчи **санчи–** феъли ҳам мавжуд бўлган (ТРС, 518); нимагадир ЎТИЛда **санчи–** феъли келтирилмаган.

САПЧИ– 'кескин ҳаракат қил–'. ***Фосиқ афанди ўрнидан с а п ч и б туриб кетди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'силкин–' маъносини англатган **сапы–** феълидан (Девон, III, 273) эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сапы– + чы = сапычы– > сапчы– > сäпчи–.**

САРИ 'томон', 'тараф'. ***Одамлар шошиб–пишиб шаҳар с а р и йўл олдилар*** (Ё.Хаимов, М.Раҳмон).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги туркий тилда 'томон', 'йўналиш' маъносини англатган бу сўз асли от туркумига мансуб бўлиб, **сары** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 488; ССТТН, I, 613); туркий тилларнинг кейинги тараққиёти давомида кў— макчига айланган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сары > сäри.** ЎТИЛда **сари** сўзи негадир форсча деб таъкидланган.

САРИЙОҒ қ. **сарйоғ**

САРИМСОҚ 'пиёзсимон кўпйиллик ўсимлик'. ***Бултур с а р и м с о қ н и н г нархи кўтарилиб кетди.*** Бу ерда қадимги туркий тилдаги 'ўра—' маъно— сини англатган **сару—** феълидан (Девон, III, 278) **—м** қўшимчаси билан от ясалган ва ундан **—са** қўшимчаси билан феъл ясалган, кейин бу феълдан **—қ** қўшимчаси билан яна от ясалган; эски ўзбек тилида **у** унлиси **ы** унлисига алмашган (КРС, 637); кейинчалик **ы** унлиси— нинг қаттиқлик белгиси йўқолган, биринчи **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига ал— машган: **[(сару— + м = сарум) + са = сарумса—] + қ = сарумсақ > сарымсақ > сäримсâқ.** Қадимги туркий тилда бу сўзнинг товуш жиҳатдан ўзгарган **сармусақ, самурсақ** шакллари мавжуд бўлган (Девон, I, 480). Бу шаклларнинг биринчисида **ум** товушлари, иккинчисида **р** ва **м** товушлари ўрин алмашган. Ўзбек тилига бу сўзнинг юқоридагича товуш алмашувларига учрамаган илк шакли етиб келган.

САРИҚ 'сомон рангли'. ***Дарахтлардаги с а р и қ барглар тўкилиб тугаган*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат **сарығ** тарзида (ПДП, 420; Девон, I, 355; ДС, 488) та— лаффуз қилинган. Ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сарығ > сарық > сäриқ.** Бу сўз охи— ридаги **—қ(—иқ)** қисми — сифат ясовчи қўшимча, лекин **сари— (сар—)** қисмининг маъносини изоҳлаш қийин. Бу қисм 'сариқ ҳолатга айлан—' маъносини англатувчи феъл бўлса керак. Кўпчилик туркий тилларда бу си— фатнинг **сары** шаклида мавжудлиги юқоридаги фикрни қувватлайди. **Сары** сўзи **сарығ** сўзи охиридаги **ғ** ундо—

www.ziyouz.com kutubxonasi

шини ташлаб ҳосил қилинган деб изоҳлаш тўғри бўлмайди. Асли **сары** сифати **–ы** қўшимчаси билан ясалган деб изоҳлаш тўғрироқ. Унда **сар–** қисми феълга тенг бўлиб чиқади (Бу қисмнинг маъносини, **сарйоғ** сўзи мақоласида айтганимиздек, тахминан изоҳлаш мумкин).

САРЙОҒ 'мол сутидан ажратиб олинадиган ёғ'. ***Бу ерда [бригадада] илгари салқинда с а р ё ғ, офтобда қаймоқ ейишга одатланиб қолган аъзолар ҳам энди ишга чиқа бошлаган*** (А.Муҳиддин). Бу қўшма сўз **сари** ва **йағ** қисмларидан таркиб топган дейилади. Бу сўздаги **йағ** қисми 'мой' маъносини англатувчи сўз экани аниқ, лекин **сари** қисми изоҳлашга муҳтож. Ушбу қўшма сўз таркибидаги **сари** қисмини ранг маъносини англатувчи **сариқ** сўзининг сўзлашув нутқига хос кўриниши деб тушунтириш мавжуд. Бундай тушуниш ЎТИЛдаги **сари II** сўзига бағишланган мақолада ўз аксини топган (II, 23). Асли мол сутидан олинадиган ёғ сариқ эмас, оқ бўлади, демак, бу қўшма сўз таркибида ранг билдирувчи **сариқ** сифати эмас, балки бошқа бир сўз қатнашади. ЎТИЛда келтирилган **сари III** сўзига берилган изоҳ таъсирида (II, 23) бу қўшма сўзнинг биринчи қисми бўлиб 'сархил' маъносини англатувчи **сара** сўзи **сари** шаклида қатнашган деб ҳам ўйлаш мумкин. Девондаги **саруды** (III, 278), **сарылды** (II, 140), **сарлады** (III, 311) каби сўзлардан кўриниб турибдики, қадимги туркий тилда 'айлантир–' маъносини англатган **сары– (сару–)** феъли мавжуд бўлган. Девондаги **сармалды I** сўзи ҳам (II, 271) асли **сары–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **сары– + ма = сарыма– > сарма–.** Бу феъл 'сузиб ол–' маъносини англатган (ДС, 489).

Асли **сары–** феъли ясама бўлиб, **–ы** қўшимчаси билан ясалган. Бу қўшимча одатда от ёки сифатдан феъл ясайди. Унда **сар** сўзи 'айлантириш', 'сузиш' маъносини англатган сўз бўлиб чиқади. Демак, бу қўшма сўз асли 'сузиш', 'сузилган' маъносини англатган **сар** сўзи билан 'мой' маъносини англатувчи **йағ** сўзларидан таркиб топган; ўзбек тилида **сарйағ** сўзи таркибидаги биринчи **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи **а** унлиси **ғ** ундошининг таъсирида **â** унлисига алмашган: **сар + йағ > сäрйâғ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

САРҚИТ 'қолдиқ' (одатда овқат). ***Ўзи тўймаганнинг с а р қ и т и қорин оғритади*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'томчила–' маъносини англатган **сарқ–** феълидан (Девон, III, 427) эски ўзбек тилида **–(ы)т** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сарқ– + ыт = сарқыт > сäрқит.**

САРҒАЙ – 'сариқ тус ол–'. ***Эшик салгина очилиб, холанинг с а р ғ а й г а н озғин юзи кўринди*** (Ш.Тошматов). Бу феъл ўзбек тилида **сäриқ** сифатидан **–(ä)й** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин икки унли оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **сäриқ + äй > сäриғай– > сäрғай–.** Қадимги туркий тилда бундай феъл **сарығ** сифатидан **–(а)р** қўшимчаси билан ясалган, бу ерда ҳам иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **сарығ + ар > сарғар–** (Девон, II, 218; ДС, 488).

САРҒИШ 'сарғимтир'. ***Узоқ–узоқларда .. с а р ғ и ш тўзон ойнадай мусаффо осмонга қараб сузиб борарди*** (Шароф Рашидов). Бу сўз ўзбек тилида **сäриқ** сифатидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **сäриқ + иш > сäриғиш > сäрғиш.**

САСИ– 'ёқимсиз, қўланса ҳид чиқар–'. ***Асал айнимас, сарёғ с а с и м а с*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **сасы–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 281); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сасы– > сäси–.** Асли бу сўз охиридаги **–и** қисми феъл ясовчи қўшимчага тенг. Унда **сас** қисми қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ёқимсиз ҳид' маъносини англатган от бўлиб чиқади.

САССИҚ 'ҳиди ёқимсиз, қўланса'. ***Жангчилар этик, ботинкаларига ёпишган с а с с и қ балчиқни қирғоққа чиқиб ювар .. эди*** (Шуҳрат). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ёқимсиз, қўланса ҳид чиқар–' маъносини англатувчи **сасы–** феълидан **–ғ** қўшимчаси билан ясал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган: **сасы–** + **ғ** = **сасығ** (ДС, 490). Кейинчалик сўз охи–ридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган (КРС, 637); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган, иккинчи **с** ундоши қатлан–ган: **сасығ** > **сасық** > **сäсиқ** > **сäссиқ**. Бу сифат айрим туркий тилларда **сасы** шаклида мавжуд (ТРС, 521). Бун–дай шаклдаги сўз 'ёқимсиз ҳид' маъносини англатган **сас** отидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган бўлиб чиқади.

САЧОҚ 'матодан тикилган буюм зийига тутила–диган попук'. ***Эшик дарпардасига с а ч о қ тутил–мабди.*** Қадимги туркий тилда шундай маънони **сачу** сўзи англатган (Девон, III, 238); бу от 'тарқат–', 'тара–' маъносини англатувчи **сач–** феълидан **–у** қўшимчаси билан ясалган. **Сачақ** сўзи эса **сач–** феълидан **–(а)қ** қў–шимчаси билан ясалган (ТРС, 509); ўзбек тилида би–ринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олди–даги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **сач–** + **ақ** = **сачақ** > **сäчâқ**. Сўзлашув нутқида бу сўз **сâчâқ** тарзида ҳам та–лаффуз қилинади (ЎТИЛ, II, 71). Ўзбек тилига хос фо–нетик қонуниятга кўра асли шундай талаффуз қилиш ва **сочоқ** шаклида ёзиш тўғри.

САЧРА– 'парчаланиб отил–', 'томчилаб сочил–' (суюқ нарса ҳақида). ***Терак бўйи баланддан .. туша–ётган сув харсанг тошларга урилиб с а ч р а й д и*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сўз қадимги туркий тилда 'тарқатиб ташла–' маъносини англатувчи **сач–** феъли–нинг (ПДП, 418; Девон, II, 11; ДС, 479) 'ўзлик' маъно–сини ифодаловчи **–(ы)р** қўшимчаси билан ҳосил қилин–ган шаклидан кучайтириш ('такрор') маъносини ифо–даловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 479); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қи–линмай қўйган (Девон, II, 383); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(сач–** + **ыр** = **сачыр–)** + **а** = **сачыра–** > **сачра–** > **сäчрä–**.

САҚЛА– 'эҳтиёткорлик билан асра–'. ***Мана, ўша нафис гулингни Китобимда с а қ л а д и м бир йил*** (Туроб Тўла). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'эҳтиёт–кор', 'сергак' маъносини англатган **сақ** сифатидан (ПДП, 419; ДС, 485) **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ПДП,

www.ziyouz.com kutubxonasi

419; ДС, 487); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **сақ + ла = сақла– > сäқлä–.**

СЕВ– 'муҳаббат боғла–', 'яхши кўр–', 'ёқтир–'. ***У мени туғишган опадан афзал с е в а д и*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сäб–, сäв–** (ПДП, 421), **себ–** (ДС, 493), **сэв–** (Девон, II, 23), **сев–** (ДС, 497) тарзида талаффуз қилинган. Кўринадики, дастлаб бу феъл таркибида **ä | э** унлиси бўлиб, кейинчалик бу унли **е** унлисига алмашган; сўз охирида эса дастлаб **б** ундоши бўлиб, кейинчалик **в** ундошига алмашган: **сäб– | сэб– > себ– > сев–.** Бу феъл сўзлашув нутқида **суй–** шаклида ҳам ишлатилиб, 'ёқтир–' маъносини англатади.

СЕВИКЛИ 'кўнгил қўйган'. ***Зебо с е в и к л и – с и н и н г хаёли билангина яшашни истамас, унга севимли бўлиш ва севишгина кифоя эмас эди*** (Шуҳрат). Бу сифат асли 'муҳаббат боғла–', 'ёқтир–' маъносини англатган **сев–** феълидан қадимги туркий тилда **–(и)г** қўшимчаси билан ясалган отга **–лиг** қўшимчасини қўшиб ясалган (ДС, 497: **севиг 2; севиглиг**); кейинчалик биринчи **г** ундоши **к** ундошига алмашган, **–лиг** қўшимчаси таркибидаги **г** ундоши **й** ундошига алмашиб, бора–бора талаффуз қилинмай қўйган: **(сев– + иг = севиг) + лиг = севиглиг > севиклик > севиклий > севикли.** Бу сифат **суйукли** шаклида ҳам ишлатилади.

Қадимги туркий тилда 'севикли' маъносини англатувчи **севиг** сўзи қаторида **севӱг** сўзи ҳам мавжуд бўлган (ДС, 498). Девонда бу сўз **севӱк** шаклида ҳам келтирилган (I, 370). 'Севги' маъносини қадимги туркий тилда **севиг** (ДС, 497), **севӱглӱк** (ДС, 498), **севӱклӱк** (Девон, II, 199) сўзлари англатган, демак, **севги** сўзи кейинчалик ўзбек тилида ясалган.

СЕВИМЛИ 'кимдир хуш кўрадиган, ёқтирадиган'. ***У [Зебо] севиб, с е в и м л и бўлганидан мамнун эди, бахтиёр эди*** (Шуҳрат). Бу сифат эски ўзбек тилида 'муҳаббат боғла–', 'ёқтир–' маъносини англатувчи **сев–** феълидан **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган отга **–ли** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(сев– + им = севим) + ли = севимли.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕВИНЧ 'шодлик','қувонч'. ***Ойқизнинг кўзларида с е в и н ч ўтлари чақнаб кетди*** (Шароф Рашидов). Бу от қадимги туркий тилда **сäв–** > **сев–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)н** қўшимчасини олган шаклидан **–ч** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 421; Девон, I, 51; ДС, 497): **(сев– + ин = севин–) + ч = севинч.** Ушбу ясама сўздан сезилиб турибдики, **сäв–** > **сев–** феъли асли 'муҳаббат боғла–' маъносини эмас, балки 'шодлик ҳиссини намоён қил–' маъносини англатган, 'муҳаббат боғла–' маъноси шу маъно асосида юзага келган.

СЕВИНЧИ 'хушхабар учун бериладиган совға'. ***Агар сен Йўлчининг боласи бўлсанг эди, мен унга аллақачон сендан хабар берар, ундан с е в и н ч и олиб қувонар эдим*** (Ойбек). Бу сўз асли ўзбек тилида **севинч** отидан **–и** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, маъно тараққиёти натижасида отга айланган: **севинч + и = севинчи.** Бу сўз кўпинча **суйинчи, сойинчи** шаклида ишлатилади.

СЕЛКИЛЛА– 'ҳар томонга чайқал–', 'тебран–'. ***Қўшоқнинг бу киноясига Жаниш с е л к и л л а б кулди*** (Ҳусайн Шамс). Бу феъл тебраниш ҳаракатини билдирувчи **селк** тақлид сўзидан (КРС, 642) **–иллä** қўшимчаси билан ясалган: **селк + иллä = селкиллä–.**

СЕМИЗ 'эт қўйиб тўлишган'. ***Саккиз меҳмон ичида иккиси бениҳоя с е м и з э д и*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шу шаклда мавжуд бўлиб, худди шундай маънони англатган бу сўзни **семир–** феълли билан қиёслашдан кўриниб турибдики, **–(и)з** қисми – сифат ясовчи. Бу ясовчи қўшилган қисм феъл бўлиб, 'тўлиш–' маъносини англатган, лекин қадимги туркий тил акс эттан манбаларда бундай феъл таъкидланмаган. Бу сифат ПДПда **сäмиз** шаклида (421– бет), Девонда **сӭмиз** шаклида (I, 346), ДСда **семиз** шаклида (495– бет) келтирилган, демак, бу сифатнинг биринчи бўғинида асли **ä** || **ӭ** унлиси бўлган, кейинчалик **е** унлисига алмашган.

СЕМИР– 'эт олиб тўлиш–'. ***Бир терининг ичида қўй неча марта с е м и р и б, неча марта озади*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўзни **семиз** сифати билан қиёслашдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўриниб турибдики, **–(и)р** қисми – қўшимча. Бу қўшимча қўшилган қисм асли 'тўлиш–' маъносини англатган **сăм–** феъли бўлса керак, унга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)р** қўшимчаси қўшилган; кейинчалик **ă** унлиси **е** унлисига алмашган: **сăм– + ир > семир–.** Қадимги туркий тил акс этган манбаларда бу феъл **сăмри(т)–** (ПДП 495), **семри–** (ДС, 495), **сэмри–** (Девон, III, 296; ДС, 495) шаклларида келтирилган. Бу ерда асли **семир–** сўзига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчаси қўшилган, шундан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **семир– + и = семири– > семри–.** Ҳозирги ўзбек тилига бу феъл **–и** қўшимчасини олмаган **семир–** шаклида етиб келган.

СЕН иккинчи шахс бирлик кишилик олмоши. ***С е н вазифангни бажаравер, қўрқма. С е н г а ҳеч қандай шикаст етмайди*** (Абдулла Қаҳҳор). **Сиз** сўзи билан қиёслашдан кўринадики, **сен** олмоши асли қадимги туркий тилда 'тингловчи' маъносини билдирган **си** сўзига 'якка' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ПДП, 421); ўша даврлардаёқ **и** унлиси **е** унлисига алмашган (Девон, III, 153; ДС, 495): **си + н = син > сен.** Сўзлашув нутқида бу олмош **сăн** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

СЕП 'қизнинг келин бўлишида бериш учун йиғилган мол'. ***Келинни келганда кўр, с е п и н и ёйганда кўр*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **себ** тарзида талаффуз қилинган, ўша даврлардаёқ **б** ундоши **п** ундошига алмашган (Девон, II, 212): **себ > сеп.**

СЕПКИЛ 'юзда, баъзан баданда бўладиган холсимон сариқ доғлар'. ***Юзини майда с е п к и л босган бир аёл кенг енгларини ҳилпиллатиб ўйинга тушиб кетди*** (Парда Турсун). Бу от эски ўзбек тилида 'суюқликни соч–' маъносини англатувчи **сеп–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ки** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–л** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 644): **(сеп– + ки = сепки–) + л = сепкил.**

СЕРГАК 'ҳушёр', 'сезгир'. ***Кийикдек с е р г а к – у ҳушёр чавандоз*** (Ҳабибий). Бу сифат асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ҳаракатланмай

www.ziyouz.com kutubxonasi

тек тур–' маъносини англатган **сер**– феълининг (ПДП, 421: **sär**–; ДС, 496: **ser**– 2) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–гä** қўшимчасини олган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган: **(сер– + гä = сергä–) + к = сергäк.**

СЕРПА– 'зарб билан силта–'. ***Қилич билан с е р п а б урди.*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'силта–', 'куч билан кескин торт–' маъносини англатувчи **серп**– феълига (КРС, 645) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **серп– + ä = серпä–.**

СЕРРАЙ– 'донг қот–', 'кеккай–'. ***Низомжон нима қилишини билмай с е р р а й и б туриб қолди*** (Сайид Аҳмад). Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'ҳаракатланмай тек тур–' маъносини англатган **сер**– феълининг 'қимирламай туриш ҳолати' маъносини англатган эши – **сер** отидан эски ўзбек тилида **–(ä)й** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 645); кейинчалик маънони кучайтириш мақсади билан **р** ундоши қатланган: **сер + äй = серäй– > серрäй–.**

СЕСКАН– 'бир дақиқа руҳан кескин таъсирлан–'. ***Асад қори бир нарса чақиб олгандай с е с к а н и б т у ш д и*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ҳис қил–' маъносини англатувчи **сäз– > сез**– феълининг (ДС, 498) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(и)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан (ДС, 499) эски ўзбек тилида 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ä)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 640); **–(ä)н** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, шундан кейин **к** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **з** ундоши **с** ундошига алмашган: **(сез– + ик = сезик–) + äн = сезикäн– > сезкäн– > сескäн–.**

СИБИЗҒА 'най' (чолғу асбоби). ***С и б и з ғ а чалишни ўрганиб олдим.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **сыбызғу** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 450); эски ўзбек тилида учинчи бўғиндаги **у** унлиси **а** унлисига алмашган, кейинчалик биринчи, иккинчи бўғиндаги унлиларнинг қаттиқлик белгиси йўқолган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **сыбызғу > сыбызға > сибизға > сибизгä.** Асли бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

охиридаги **–ғу (–ға)** қисми – феълдан от (ёки сифатдош шакли) ясовчи қўшимча; унда **сыбыз–** қисми 'ингичка товуш чиқар–' маъносини англатган феъл бўлиб чиқади.

СИГИР 'урғочи қорамол'. ***Келиним с и г и р н и бугун эртароқ соғибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сығыр** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 344). Ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган, **ғ** ундоши **г** ундошига алмашган: **сығыр > сигир.**

СИЗ II шахс кўплик, II шахс бирликка ҳурмат кишилик олмоши. ***С и з билан биз ўз ҳаётимизда қатъий бурилиш ясаб, зўр синовлар шароитига бевосита қадам қўйдик*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу олмош асли қадимги туркий тилдаги 'тингловчи' маъносини билдирган **си** сўзига 'икки' ('кўп') маъносини ифодалаган **–з** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **си + з = сиз** (**биз** олмошига қиёсланг). Қадимги туркий тилдаёқ бу олмош асосан II шахс бирликка ҳурмат билан мурожаат қилишда ишлатилган (Девон, III, 136); иккинчи шахснинг кўплиги учун эса **силäр, сизлäр** сўзлари ишлатилган (ДС, 500). **Силäр** сўзида шахс маъноси **си** қисми билан, сон ('кўп') маъноси **–лäр** қўшимчаси билан ифодаланган. Сўзлашув нутқида ишлатиладиган **сила** шакли асли **силäр** шакли охиридаги **р** ундошини талаффуз қилмаслик натижасида пайдо бўлган; демак, **силä** сўзини **сизлар** сўзининг товуш ўзгариши натижасида юзага келган деб тушуниш тўғри эмас.

СИЗ– 'бирор нарсадан милдираб, томчилаб ўт–' (суюқлик ҳақида). ***Асад қори энди бўзарди, зах ердан с и з и б чиққан сув сингари ичидаги ғашлик юзига чиқди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сыз–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 198); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сыз– > сиз–.**

СИЗҒИ– 'бир нарсадан мўл–кўл сизиб ўт–'. ***[Нор–бувининг] ёнбошидан оққан қон с и з ғ и б сувга тушган ва ариқни қип–қизил қонга бўяган*** (Ҳусайн Шамс). Бу сўз 'бирор нарсадан милдираб, томчилаб ўт–' маъносини англатувчи **сиз–** феълидан ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ғи** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **сиз–** + **ғи** = **сизғи–**.

СИЙ– 'қовуқни бўшат–'. ***Отлиқ отини тўхтатиб, ундан тушди, от с и й г а н д а ундан узоқлашиб турди*** (Садриддин Айний). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сиз–** тарзида талаффуз қилинган. Бу феъл Девонда **сиз–** (III, 444), **сит–** (II, 341) шаклларида, ДСда **сиз–**, **сид–** (499), **сит–** (501) шаклларида келтирилган. Кўриниб турибдики, **сит–** шакли **сид–** шакли охиридаги **д** ундошининг жарангсизлашуви натижасида юзага келган, **сид–** шакли таркибидаги **д** ундоши эса **з** ундошидан урчиб чиққан: **з** = **дз** > **д**; **сий–** шакли ҳам **з** ундошининг урчиши асосида аввал **сиз–** шаклига, кейинчалик **з** ундоши **й** ундошига алмашуви билан **сий–** шаклига ўтган.

СИЙДИК 'буйракда ажратилиб, таносил аъзолари орқали чиқариладиган суюқлик'. ***Тиббий кўрикдан ўтиш муносабати билан анализ учун албатта с и й д и к топшириш шарт.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **сидўк** (Девон, I, 369), **сизўк** (Девон, III, 334) шаклларида талаффуз қилинган. Кўринадики, бу сўзлар қадимги туркий тилда 'қовуқни бўшат–' маъносини англатган феълнинг **сид–**, **сиз–** шаклларидан **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган: **сид–** + **ўк** = **сидўк**, **сиз–** + **ўк** = **сизўк**. Турк тилида бу сўз **сидик** шаклида мавжуд (TPC, 533). Шу нуқтайи назардан ёндашсак, ўзбек тилидаги **сийдик** сўзи таркибидаги **й** ундоши орттирма товуш бўлиб чиқади. Бу ундош балки **сий–** феълига тақлид қилиб қўшилгандир.

СИЙЛА– 'иззат–икром қил–'. ***Ҳали қудаларимизни муддаодагидек с и й л а й о л г а н и м и з й ў қ*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'совға', 'мукофот' маъносини англатган **сый** отидан эски ўзбек тилида **–ла** қўшимчаси билан ясалган (**сый** оти, масалан, қирғиз тилида ҳозир ҳам мавжуд: КРС, 676); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **сый** + **ла** = **сыйла–** > **сийлä–**.

СИЙҒОҚ 'қовуғи бўш бўлгани сабабли сийдигини узоқ тутиб тура олмайдиган'. ***Боланг с и й ғ о қ б ў л–***

www.ziyouz.com kutubxonasi

с а, қовуғини даволат. Бу сифат қадимги туркий тил– даги **сиз–** феълининг кейинчалик юзага келган **сий–** шаклидан эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифо– даловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; **қ** ундошининг таъси– рида унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(сиз– > сий–) + ға = сийға–] + қ = сийғақ > сийғâқ.**

СИЛКИ– 'бир неча марта тебрат–'. *Шукуржон флягани оғзини пастга қилиб с и л к и г а н э д и, ичидан ингичка қилиб ўралган бир қоғоз тушди* (Одил Ёқубов). Бу сўз 'силта–' маъносини англатган **силк–** феълидан (Девон, III, 428; ДС, 500) эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **силк– + и = силки–** (Ҳозирги ўзбек тилига етиб келмаган **силк–** феъли, масалан, қирғиз тилида мавжуд: КРС, 647).

СИМИР– 'икки лаб орасидан сурункасига ичга тортиб ич–'. *Низомжон ёнидан пул чиқариб столга ташлади–да, стакандаги винони с и м и р и б чиқиб кетди* (Сайид Аҳмад). Қадимги туркий тилда ҳам шун– дай маънони англатган бу феъл **симӱр–** тарзида талаф– фуз қилинган бўлиб (Девон, II, 90), ўзбек тилида ик– кинчи бўғиндаги **ӱ** унлиси **и** унлисига алмашган: **симӱр– > симир–.** Бу феъл ўзбек тилида сўз бошланишидаги **с** ундошини **ш** ундошига алмаштириб, **шимир–** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

СИН– 'бўлакларга ажрал–', 'парчалан–'. *Кӱза кунда с и н м а й д и, кунида с и н а д и* (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилда 'бўлакларга ажрат–', 'парчала–' маъносини англатган **сы–** (ПДП, 423; Девон, III, 266; ДС, 502) феълидан 'ўзлик' маъносини ифода– ловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ПДП, 424; Девон, II, 37; ДС, 503); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сы– + н = сын– > син–.**

СИНА– 'бирор йўсинда синовдан ўтказ–'. *Тоҳиржон киноя билан жилмайди: "Барча дориларни с и н а д и м. Меники бедаво дард"* (Ойбек). Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'синаш' маъно– сини англатган **сын** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 424; Девон, III, 289; ДС, 504); ўзбек тилида **а** ун– лиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

белгиси йўқолган: **сын + а = сынā–** (Ҳозирги ўзбек тилига етиб келмаган **сын** оти ҳозирги қирғиз тилида мавжуд: КРС, 679).

СИНИҚ 'бирор ери учган ёки дарз кетган'. *Тўтибу аллақаерда чанг босиб ётган с и н и қ дуторни олиб чиқиб артаётганида Тожибой кириб келди* (Саида Зуннунова). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат **сын–** феълидан (ПДП, 424; Девон, II, 37; ДС, 503) **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 424; Девон, III, 376; ДС, 504); кейинчалик **у** унлиси **ы** унлисига алмашган; ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сын– + уқ = сынуқ > сынық > синиқ.**

СИНИҚ– 'ўзини олдириб қўй–'. *..Унсин токчадаги ойнага қараб, бир кунда шунчалик с и н и қ қ а н и д а н ўзи ҳам ҳайрон бўлди* (Ойбек). Бу сўз эски ўзбек тилида **сын–** феълининг 'ожиз ҳолатга туш–' маъносидан (КРС, 680) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 681); кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган; **сын– + ық = сынық– > синиқ–.**

СИНЧИ 'отларнинг (ҳайвонларнинг) зотини, феъл–атворини яхши биладиган киши'. *[Шербек] отнинг тилини Йўлдош новчадай биладиган с и н ч и йўқлигига иқрор бўлса–да, ..* (Суннатилла Анорбоев). Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'синаш', 'билиш' маъносини англатган **сын** отидан (КРС, 679) **–чы** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 681), ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сын + чы = сынчы > синчи.**

СИНЧИКЛА– 'майда–чуйдасигача эътибор бер–'. Бу феъл ўзбек тилида 'сина–', 'текшир–' маъносини англатган **син–** (< **сын–**) феълининг кичрайтириш ('майда') маъносини ифодаловчи **–чи** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган отга **–лā** қўшимчасини қўшиб ясалган: **[(син– + чи = синчи–) + к = синчик] + лā = синчиклā–.**

СИНЧКОВ 'майда–чуйдасигача эътибор берадиган'. *Нашриётимизга сиздек с и н ч к о в муҳаррир жуда зарур.* Бу сифат ўзбек тилида 'сина–', 'текшир–'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатган **син–** (< **сын–**) феълининг кичрай–тириш ('майда') маъносини ифодаловчи **–чи** қўшимчаси қўшилган шаклидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–(а)в** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(син– + чи = синчи–) + к = синчик–] + ав = синчикав > синчкав > синчкâв.**

СИПИР– қ. **супур–**

СИР 'буюм бетини қоплаш учун суртиладиган ялтироқ бўёқ'. ***Унинг баланд ва с и р и кўчиб кетган эски устунли айвонида уч–тўртта намозхон буж–майиб ўтиришибди*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сыр** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 313; КРС, 682), ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сыр > сир.**

СИР– 'мато билан таранг қилиб ёпиштириб қопла–'. *.. **шоҳи кўйлак устидан с и р и б тугмаланган беқасам нимчаси*** .. (Ойбек). Қадимги туркий тилда 'зич қилиб, пишиқлаб тик–' маъносини англатган бу феъл асли **сыры–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 278); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, биринчи бўғиндаги **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сыры– > сыр– > сир–.**

СИРПАН– 'силлиқ сатҳда сурил–'. ***[Адолатнинг] бошидан с и р п а н и б к е т г а н паранжиси оёқларига ўралашиб қолди*** (Саида Зуннунова). Бу сўзни **сирғăн–** сўзига қиёслашдан кўринадики, улар охиридаги **–н** қисми 'ўзлик' маъносини ифодаловчи қўшимчага, **–пă, –ғă** қисмлари 'такрор', кучайтириш маъноларини ифодаловчи қўшимчаларга тенг. Бу сўзлар таркибидаги **сир–** қисми феъл экани аниқ, лекин бу сўз манбаларда мустақил келтирилмаган (Асли 'силлиқ сатҳда сур–' маъносини англатган бўлса керак): **(сир– + пă = сирпă–) + н = сирпăн–.**

СИРТ 'ташқи томон', 'дўнглик'. ***Башорат ручка ушлаган қўлининг с и р т и б и л а н пешанасини артди*** (Асқад Мухтор). Бу от қадимги туркий тилдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

'ташқарига чиқар–' маъносини англатган **сыры–** феълидан (Девон, III, 278) **–т** қўшимчаси билан ясалган; кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 328: **сырт 2;** КРС, 683); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сыры– + т = сырыт > сырт > сирт.**

СИРТЛОН 'жуни қўпол, бўйнида ўсиқ ёли бор сутэмизувчи йиртқич ҳайвон'. ***Ҳозир сиртлонни фақат ҳайвонот боғида кўриш мумкин.*** Бу от қадимги туркий тилда 'дағал жун' маъносини англатган **сырт** отидан (Девон, I, 328: **сырт;** ДС, 505: **sirt II**) **–ла** қўшимчаси билан ясалган феълга (ДС, 505) **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган (ТРС, 542; КРС, 683); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(сырт + ла = сыртла–) + н = сыртлан > сиртлân.**

СИРТМОҚ 'учидан тортса, сурилиб, сиқиладиган қилиб боғланган бўйинбоғ'. *.. қўли орқасига қайириб боғланган, бўйнига чилвирдан сиртмоқ солинган бир кишини олиб кирди* (Садриддин Айний). Бу от эски ўзбек тилида 'таранг қилиб ёпиштир–' маъносини англатувчи **сыры–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–мақ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(сыры– + т = сырыт–) + мақ = сырытмақ > сыртмақ > сиртмâқ.**

СИРҒА 'қулоққа тақиладиган безак буюми'. *Ҳар оқшом фируза каби Зардан қулоғига сирға тақади* (Уйғун). Бу от қадимги туркий тилдаги 'зич қилиб, пишиқлаб тик–' маъносини англатган **сыры–** феълининг (Девон, III, 278) 'зичлаб ёпиштир–', 'тешиб ос–' маъноси асосида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик икки унли оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 682); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(сыры– + қ = сырық–) + а = сырықа > сырыға > сырға > сирға.**

СИРҒАН– 'силлиқ сатҳда сурил–'. ***Шербек ичкарига сирғанибтушди-да, девор тагига бекина қолди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сўзни **сирпан–** сўзига қиёслашдан кўринадики, улар охиридаги **–н** қисми 'ўзлик' маъносини ифодаловчи қўшимчага, **–ға, –пä** қисмлари 'такрор', кучайтириш маъноларини ифодаловчи қўшимчаларга тенг. Бу сўзлар таркибидаги **сыр–** қисми феъл экани аниқ, лекин бу сўз манбаларда мустақил келтирилмаган (Асли 'силлиқ сатҳда сур–' маъносини англатган бўлса керак). Ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(сыр– + ға = сырға–) + н = сырған– > сирғän–** (КРС, 682: **сырғана–**).

СИРҒОҚ 'серёғин вақт'. ***Сирғоқ бошланмасдан ҳосилни йиғиб олишимиз керак.*** Бу от эски ўзбек тилида 'суюқлик чиқар–' маъносини англатган **сыры–** феълининг (ДС, 505) кучайтириш ('такрор') маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **қ** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, биринчи бўғиндаги **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(сыры– + ға = сырыға–) + қ = сырығақ > сырғақ > сирғâқ.**

СИТ– 'ичидагини сиқиб чиқар–'. ***Бу ярани ситиб бўлмайди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сыт–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 506), ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сыт– > сит–.**

СИЧҚОН 'каламушдан кичик кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон'. ***Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **сычған** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 411); кейинроқ **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган (ДС, 502); ўзбек тилида **қ** ундошининг таъсирида унинг кетидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сычған > сычқан > сичқâн.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИҚ– 'атрофини ўраб эз–','қис–'. ***Тошни с и қ– қ а н билан сув чиқмас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сық–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 26; ДС, 504); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сық– > сиқ–.**

СИҚИМ 'бармоқларнинг кафтга томон эгилган ҳолати', 'кафтга олинган нарса ўлчами','қисим'. ***Қозонга с и қ и м и н и тўлдириб туз солди.*** Бу от ўзбек тилида 'атрофини ўраб эз–' маъносини англатувчи **сиқ–** феълидан **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган: **сиқ– + им = сиқим.**

СИҚТА– 'кучли даражада нола қил–'. ***Ҳожи хола индамади эмас, бошда йиғлади, с и қ т а д и, қаршилик қилган чоғлари ҳам бўлди*** (Мирзакалон Исмоилий). Ҳозирги ўзбек тилида деярли мустақил ишлатилмайдиган бу феъл асли қадимги туркий тилда 'кучли нола қил–' маъносини англатган **сығ–** феълидан **–(ы)т** қўшимчаси билан ясалган отга (Девон, I, 388: **сығыт = сығ + ыт**) **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **т** ундоши таъсирида **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган (КРС, 678); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(сығ– + ыт = сығыт) + а = сығыта > сығта– > сықта– > сиқтä–.**

СИҒ– 'жо бўл–', 'жойлаш–'. ***Шодлигим кўкка с и ғ м а с, Битмас бахтим бор маним*** (Ҳамид Олимжон). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сығ–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 23); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сығ– > сиғ–.**

СОВИ– 'ҳарорати пасай–'. ***Уй с о в и б к е т – г а н чоғларда қурт овқатга қарамай қўяди*** (Назир Сафаров). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **соғы–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 284; ДС, 507); ўзбек тилида **ғ** ундоши **в** ундошига, **о** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **соғы– > совы– > câви–.** Асли **соғы–** сўзи охиридаги **ы** қисми – феъл ясовчи қўшимча, лекин манбаларда **соғ** сўзи ўз аксини топмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОВЛИҚ 'урғочи қўй'. ***Совлиқ кичик бўлишига қарамай тахтакачдек: бозорда мунчалик биққи қўй йўқ деса бўлади*** (Собир Абдулла). Қадимги туркий тилда 'эмчакдан сутни чиқариб ол–' маъносини англатган **сағ–** феълидан (Девон, II, 22; ДС, 480) **–лық** қўшимчаси билан ясалган бу сўз (Девон, I, 437; ДС, 481) асли 'соғиладиган ҳайвон' маъносини англатган, 'урғочи қўй' маъноси шу маъно асосида юзага келган; кейинчалик **ғ** ундоши **в** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сағ– + лық = сағлық > савлық > câвлиқ.**

СОВРИН 'улоқ, пойга каби мусобақада ғолибларга мукофот тарзида бериладиган нарса'. Бу от **совур–** феълидан ('беҳуда сарфла–' маъносидан) **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган, қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, учинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига, **о** унлиси **â** унлисига алмашган: **совур– + ун = совурун > соврун > соврин > câврин.** Бу от дастлаб 'ҳарбий юришда ёки овда қўлга киритилган ўлжа ҳайвонларнинг бир қисмидан уй олдида учраган кишига бериладиган инъом' маъносини англатган (КРС, 655), ҳозирги маъноси ана шу маъно асосида юзага келган.

СОВУР– 'шамолда шопириб тозала–'. ***Кун қизиб турган пайтларда .. янчиқ янчибди, кечки шамолда буғдой совуриб ди*** (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **савур–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 86), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **савур– > câвур–.**

СОВУҚ I 'ҳарорати паст'. ***Барак совуқ, дераза лар яхлаб қолибди*** (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат 'ҳарорати пасай–' маъносини англатувчи **соғы–** феълидан (Девон, III, 284; ДС, 507) **–қ** қўшимчаси билан ясалган: **соғы– + қ = соғық.** Бу сўзнинг иккинчи бўғинида **ы** унлиси сақланган, шу усул билан бу сифат **соғуқ** отидан фарқланган (ДС, 507). Афсуски, бундай фарқлаш кейинчалик давом эттирилмаган: от билан сифат **соғуқ** тарзида бир хил ёзилаверган (ТРС, 544). Ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида **ғ** ундоши **в** ундошига, **о** унлиси **â** унлисига, **ы** унлиси **у** унлисига алмашган: **соғы–** + **қ** = **соғық** > **совық** > **câвуқ.**

СОВУҚ II 'паст ҳарорат'. ***Куз ҳавосининг суяк–ларни зирқиратувчи с о в у ғ и г а қарамай гузарда чойхўр кўп эди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги турк–кий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'ҳарора–ти пасай–' маъносини англатувчи **соғы–** феълидан (Девон, III, 284; ДС, 507) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; қадимги туркий тилдаёқ бу сўзнинг иккинчи бўғинида **у** унлиси талаффуз қилинган: **соғы–** + **қ** > **соғуқ** (Девон, III, 284; ДС, 507), шундай усул билан бу от **соғық** сифа–тидан фарқланган. Афсуски, бундай фарқлаш кейинча–лик давом эттирилмаган: бу от билан сифат **соғуқ** тар–зида бир хил ёзилаверган (ТРС, 544). Ўзбек тилида **ғ** ундоши **в** ундошига, **о** унлиси **â** унлисига алмашган: **соғуқ** > **câвуқ.**

СОВЧИ 'куёв томондан қиз томоннинг розили–гини олиш учун вакил қилинган шахс'. ***Мулла Абду–раҳмон хотинлар сўзига ишонмай Солиҳ махдумнинг ўз олдига маҳалладан бир–иккита кексани с о в ч и қилиб юборди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз 'хабар', 'нутқ' маъносини англатган **сав** отидан (Девон, III, 168; ДС, 491) **–чы** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 445); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унли–сининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сав** + **чы** = **савчы** > **câвчи.**

СОВҚОТ– 'баданига совуқ кучли таъсир қил–'. ***У боягина тўрвадаги балиғини кўтариб қишлоқ йўли–дан изғиринга юзма–юз келаётганида танаси бун–чалик с о в қ о т м а г а н э д и*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз ўзбек тилида **câвуққä қât–** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган, **câвуққä** сўзи талаф–фузда қисқариб, **câв** қисми сақланган: **câвуққä қât–** = **câв[уққа]қât–** > **câвқât–.**

СОЙ 'икки адир оралиғидаги сув оқадиган паст–лик', 'шундай пастликда оқадиган сув'. ***Ҳозир кўклам кунлари: қирлар, с о й л а р .. чечаклар билан уст–ларини бежаб, ошиқларга янги ҳаёт, янги умид бе–***

www.ziyouz.com kutubxonasi

радилар (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда бу от асли **сай** тарзида талаффуз қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **сай > сâй.** Бу сўз асли 'тошлоқ текислик' маъносини англатган бўлиб (ДС, 481), ҳозирги маъноси кейин юзага келган.

СОЛ 'ходаларни бирлаштириб ясалган сувда сузиш мосламаси'. *Сирдарёда юрибди с о л ҳам қайиқ, ёр-ёр, Қишлоғингизда борми бизга лойиқ, ёр-ёр* (Қўшиқдан). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сал** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 171); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **сал > сâл.**

СОЛ– 'бирор нарсани бошқа бир нарсанинг ичига қўй–'. *Бозорбой яна бир хокандоз чўғ келтириб, ўчоққа с о л д и* (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сал–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 482); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **сал– > сâл–.**

СОЛИНЧАК 'қулоқнинг пастки юмшоқ қисми'. *Қўшни кампир неварамнинг с о л и н ч а г и н и тешиб, чой чўпи тиқиб қўйибди.* Бу сўз эски ўзбек тилида **сал–** феълининг 'осилтир–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–(ы)ч** қўшимчасини қўшиб ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик учинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, охирги бўғиндаги **а** унли **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(сал– + ын = салын–) + ыч = салыныч] + ак = салынычак > салынчак > сâлинчäк.**

СОЛИҚ I 'аҳолидан давлат фойдасига тўпланадиган маблағ'. *Даромаддан олинадиган с о л и қ секин-аста камайтириб борилади.* Бу от қадимги туркий тилда 'чиқар–' маъносини англатган **сал–** феълидан (Девон, II, 32) **–(ы)ғ** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 419; ДС, 482); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сал– + ығ = салығ > салық > сâлиқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОЛИҚ II 'осилган', 'қуйига тушган'. ***Қовоғи с о л и қ одам билан суҳбатдош бўлиб қолсам, юрагим сиқилиб кетади.*** Бу сифат эски ўзбек тилида **сал–** феълидан ('пастга тушир–' маъносидан) **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 629); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган : **сал– + ық = салық > câлиқ.**

СОЛЛАН– 'кучли даражада осилиб тур–'. ***Қор босган дарахт шохлари с о л л а н и б т у р и б д и*** (З.Дўстматов). Бу сўз **сал–** феълининг ('пастга тушир–' маъносидан) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унли **ä** унлисига алмашган: **(сал– + ла = салла–) + н = саллан– > câллän–.**

СОЛҚА 'таранг тортилмай, ўрта қисми осилиб турган'. ***Ипни таранг торт масанг , кир ёйганда с о л қ а б ў л и б қ о л а д и.*** Бу сўз **сал–** феълининг ('осилтир–' маъносидан) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–а** равишдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, маъно тараққиёти натижасида бу равишдош равишга (сифатга) айланган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, охирги бўғиндаги **а** унли **ä** унлисига алмашган: **(сал– + ық = салық–) + а = салықа > салқа > câлқä.** Шеваларда бу сўз **câлқи** тарзида ҳам талаффуз қилинади, шунга кўра бу сўзни **сал–** феълининг **салық–** шаклига **–ы** қўшимчасини қўшиб ясалган деб изоҳлаш тўғри бўлади; бу сўзлар охиридаги **и, ä** унлилари бир қўшимчанинг икки талаффуз кўриниши бўлиб чиқади.

СОЛҚИ қ. **солқа.**

СОЛҚИ– 'таранг тортилмай, ўртаси осилиб туш–'. ***Тўла юзининг с о л қ и г а н и н и, ажинлари кўпайганини.. пайқамаган экан*** (Ойбек). Бу феъл эски ўзбек тилида **сал–** феълидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган сифатга (КРС, 629) **–ы** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ы унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(сал– + ық = салық) + и = салықы– > салқы > сâлқи–.**

СОМОН 'буғдой, арпа, шоли янчилганда пояларининг майдаланишидан пайдо бўладиган ҳосила'. *У ярим ойдан бери пичан тайёрлаш, беда ўриш, с о м о н ҳозирлаш билан банд* (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **саман** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 392; ДС, 483); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **саман >сâмâн.**

СОН I 'адад', 'миқдор'. *Мактабнинг очилганига икки ҳафта бўлмай ўқувчиларнинг с о н и ўттиздан ошиб кетди* (Мирзакалон Исмоилий). Бу от қадимги туркий тилдаги 'сана–' маъносини англатган **са–** феълидан (ПДП, 418; Девон, III, 265; ДС, 478) **–н** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 419; Девон, III, 172; ДС, 483); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **са– + н = сан > сâн.**

СОН II 'оёқнинг тизза билан тос оралиғидаги қисми'. *"Шундоқ деган бўлсам, ажаб қилибман, хўб қилибман!" – деди икки қўлини с о н и г а уриб* (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сан** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 483); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **сан > сâн.**

СОН-САНОҚСИЗ 'беҳисоб кўп'. *Ҳаво очиқ , кўкда с о н – с а н о қ с и з юлдузлар чарақлаган* (Сайид Аҳмад). Бу сўз ўзбек тилида **сân–сänâқ** жуфт отига **–сиз** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(сân–сänâқ) + сиз = сân–сänâқсиз.** Тилимизда мустақил ишлатиладиган **сänâқсиз** сўзи бор, лекин бу ерда жуфт сўзнинг иккинчи қисми **сänâқсиз** сўзи билан эмас, балки **сänâқ** сўзи билан ифодаланган; инкор маъносини ифодаловчи **–сиз** қўшимчаси **сänâқ** сўзининг таркибига мансуб эмас, балки **сân–сänâқ** жуфт сўзига қўшилган. Тилимиздаги **сânсиз–сänâқсиз** жуфт сўзи ҳақиқатда **сânсиз** ва **сänâқсиз** сўзларидан тузилган.

Сânсиз–сänâқсиз жуфт сўзи таркибидаги **сânсиз** қисми қадимги туркий тилдаёқ ясалган бўлиб (ПДП, 419;

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДС, 485: **сансыз)**, ҳозирги ўзбек тилида мустақил ҳолда деярли ишлатилмайди. **Сâнсиз–сâнâқсиз** жуфт сўзи таркибида қатнашувчи бу сўз қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилига қуйидаги товуш ўзгаришлари билан етиб келган: **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сан** + **сыз** = **сансыз** > **сâнсиз.**

СОНСИЗ–САНОҚСИЗ қ. **сон–саноқсиз**

СОП 'баъзи асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми', 'даста'. ***Йўқолган пичоқнинг с о п и олтин*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **саб** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 159). Бу от асли 'туташтир–', 'бирлаштир–' маъносини англатган **саб–** феълининг (Девон, II, 10) исм эши бўлган. **Саб** оти, шунингдек **саб–** феъли таркибидаги **б** ундоши қадимги туркий тилдаёқ **п** ундошига алмашган (ДС, 485); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган; **саб** > **сап** > **сâп.**

СОПҚОН 'ичига тош солиб отиладиган қадимги содда қурол'. ***Йигитлар с о п қ о н отиб, ёвни шунча думалатиб турсалар ҳам, у газандалар борган сари кўпая берибди*** (Ойдин). Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, бошқа маънолар қатори 'ўра–', 'қис–' маъносини ҳам англатган **саб–** феълидан (ДС, 485: **sap–** 2) **–қан** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **саб–** + **қан** = **сабқан** > **сапқан** > **сâпқâн.**

СОТ– 'пул эвазига бер–'. ***Қўшнимиз ҳовлисини анча арзонга с о т и б д и.*** Қадимги туркий тилда дастлаб 'ниманингдир эвазига бер–' маъносини англатиб, пул пайдо бўлгандан кейингина 'пул эвазига бер–' маъносини англата бошлаган бу феъл асли **сат–** (< **сад–**) тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 420; Девон, II, 341; ДС, 490); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **сат–** > **сâт–.**

СОТИҚ 'савдо муомаласи', 'сотув'. ***Тошкент халқи эркин нафас олди, савдо– с о т и қ , экин–тикин ва касбкор кўтарила бошлади*** (Абдулла Қодирий). Ҳозирги ўзбек тилида ёлғиз ўзи ишлатилмайдиган бу от асли қадимги туркий тилда **сат–** феълидан **–(ы)ғ** қўшим–

www.ziyouz.com kutubxonasi

часи билан ясалган (ПДП, 420; Девон, I, 355; ДС, 491); кейинчалик сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сат–** + **ығ** = **сатығ** > **сатық** > **câтиқ.**

СОТУВЧИ 'сотиш амали билан шуғулланувчи'. ***Бу дўконда навбат билан иккитадан с о т у в ч и ишлайди.*** Қадимги туркий тилда 'пул эвазига бер–' маъносини англатувчи **сат–** феълининг **–ғу** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шаклига **–чы** қўшимчасини қўшиб ясалган сўз бўлган: **(сат–** + **ғу)** + **чы** = **сатғучы** (Девон, II, 342). ДСда (491– бет) худди шундай маъно **сатығчы** сўзи билан англатилгани акс эттирилган, бу сўз 'савдо' маъносини англатувчи **сатығ** отидан **–чы** қўшимчаси билан ясалган. Ўзбек тилидаги **câтувчи** сўзи бу икки қадимги сўзнинг қайси бири асосида юзага келган? Адабиётларда **–(у)вчи** қўшимчаси ҳақида ва унинг **–ғувчи** қўшимчаси асосида юзага келгани ҳақида гапирилади. Унда **сатғучы** сўзида **ғу** товушлари ўрин алмаштирилган ва кейинчалик **ғ** ундоши **в** ундошига алмашган бўлиб чиқади: **сатғучи** > **сатуғчи** > **câтувчи.** Агар **câтувчи** сўзи қадимги туркий тилдаги **сатығчи** сўзи асосида юзага келган десак, товуш ўзгариши соддароқ воқе бўлганини кўрамиз : **ғ** ундоши **в** ундошига, **в** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган : **сатығчы** > **сатывчы** > **câтувчи.** Ҳар икки ҳолда ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган.

СОЧ 'бошда ўсадиган қил толалар қопламаси'. .. ***иккита йўғон с о ч ўрими кифтларига тушган қиз шахдам–шахдам қадам босиб келиб, болаларга қўшилди*** (Ҳаким Назир). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **сач** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 418; Девон, I, 311; ДС, 479); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган : **сач** > **câч.** Сўзлашув нутқида бу от **чâч** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

СОЧ– 'ҳар томон тарқатиб ташла–', 'сеп–'. ***Бир кун бурун с о ч с а н г, ҳафта бурун ўрасан*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **сач–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 418; Девон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

II, 11; ДС, 479); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган : **сач– > câч–.**

СОЧИҚ I 'ҳар томонга тарқатиб ташланган', 'сочилган'. ***Олимжон боғ кўчадан борар эди қишлоққа, кўзи тушди беш–ўн чоғ йўлда с о ч и қ ёнғоққа*** (Қуддус Муҳаммадий). Бу сифат қадимги туркий тилда 'ҳар томонга тарқатиб ташла–' маъносини англатувчи **сач–** феълидан **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 362; ДС, 480); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **сач– + уқ = сачуқ > câчиқ.**

СОЧИҚ II 'куёв ёки тўйбола бошидан сочиладиган ширинлик, пул'. ***Куёв бошидан мўл–кўл с о ч и қ л а р сочилди*** (Ойбек). Бундай от қадимги туркий тилда 'ҳар томонга тарқатиб ташла–' маъносини англатган **сач–** феълидан **–(ы)ғ** қўшимчаси билан ясалиб (**сачығ: сачығ сач– :** ДС, 479), дастлаб 'қурбонлик маросимида сочиладиган нарсалар' маъносини англатган, ҳозирги ўзбек тилидаги маъноси кейинчалик шу маъно асосида юзага келган; ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сач– + ығ = сачығ > сачық > câчиқ.** Бу от ЎТИЛда хато равишда **сочиқ** I сифатининг иккинчи маъноси тарзида берилган. Шуниси қизиқки, бу сўзнинг асосий (изоҳланган) шакли сифатида сўзлашув нутқидаги **чочиқ** шакли танланган, ваҳоланки адабий тилдаги шакли деб **сочиқ** танланиши лозим эди, чунки **чочиқ** сўзида сўз бошланишидаги **с** ундоши иккинчи бўғиндаги **ч** ундоши таъсирида **ч** ундошига айланган, демак, **чочиқ** шакли бу сўзнинг сўзлашув нутқига хос бўлган иккиламчи кўринишига тенг.

СОЧОҚ қ. **сачоқ**

СОҚОЛ 'иякда ўсадиган туклар қопламаси'. ***Ўт–кир қуруқ совуқ! .. С о қ о л л а р д а, мўйловларда, киприкларда қиров*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сақал** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 419; Девон, I, 109; ДС, 486); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **сақал > câқâл.** Бу сўзни қадимги туркий тилдаги 'энгак' маъносини англатган **сақақ** сўзи билан (Девон, I, 279) қиёслаш кўрсатадики, бу сўзлар охиридаги **–(а)л, –(а)қ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисмлари от ясовчи қўшимчага тенг. Бу қўшимчалар феълдан от ясайди. Демак, қадимги туркий тилда тахминан 'пастга томон йўнал–' маъносини англатган **сақ–** феъли мавжуд бўлган бўлиши керак. Қадимги туркий тилдаги 'тоғ этаги' маъносини англатган **сақа** сўзи ҳам (Девон, III, 246; ДС, 486) **–а** қўшимчаси билан шу феълдан ясалган.

СОҚЧИ 'қуролланган қўриқчи', 'посбон'. ***Сурук ўз соқчиларига тўла ишонч билан пиш–пиш мудрамоқда*** (Суннатилла Анорбоев). Бу от қадимги туркий тилда 'эҳтиётқор', 'сергак' маъносини англатган **сақ** сифатидан (ДС, 485; Девон, I, 437: **сақлық**) **–чы** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сақ + чы = сақчы > câқчи.**

СОҒ 'касали йўқ', 'соғлом'. ***Ўшандан бери бир кун соғ бўлсалар, уч кун касал*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **сағ** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 480; ПДП, 419; Девон, III, 168); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **сағ > câғ.**

СОҒ– 'елиндан сутни чиқариб ол–'. ***[Гулсумбиби] усти кўк сирли катта челакни олиб, сигир соққани оғилхона томон кетди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сағ–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 22; ДС, 480); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **сағ– > câғ–.**

СОҒИН 'сут бераётган', 'соғилаётган'. ***Кап–катта рўзғор, соғин сигир, бир нечта қўй келинга қолади*** (Р.Раҳмон). Бу сифат ўзбек тилида **câғ–** феълидан **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган: **câғ– + ин = câғин.**

СОҒИН– 'кўришни истаб ғамгин бўл–', 'соғинч ҳис эт–'. ***Сизни ва отамни жуда соғиндим*** (Абдулла Қодирий). Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'бирор киши ҳақида қайғур–' маъносини англатган **сақы–** феълидан (ДС, 486: **сақы– I**) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ПДП, 419; ДС, 486); қадимги туркий тилдаёқ икки унли оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган (Девон, II, 178); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига ал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

машган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сақы– + н = сақын– > сағын– > сâғин–.**

СОҒИНЧ 'соғиниб қайғуриш ҳисси'. ***Ҳафиза онаси бағрида кўзига андак ёш олди, бу с о ғ и н ч ёшлари эди*** (Мирмуҳсин). Қадимги туркий тилда 'бирор киши ҳақида қайғур–' маъносини англатган **сақы–** феълининг (ДС, 486: **сақы– I**) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан (ПДП, 419; ДС, 486) **–ч** қўшимчаси билан ясалган бу от (ПДП, 419; Девон, I, 160; ДС, 386), 'ўй', 'хаёл' маъноси билан бирга, 'қайғуриш ҳисси' маъносини ҳам англатган. Бу от қадимги туркий тилда **сақынч** тарзида талаффуз қилинган; кейинчалик икки унли оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига (КРС, 620), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(сақы– + н = сақын–) + ч = сақынч > сағынч > сâғинч.**

СОҒЛОМ 'дард–касалдан холи'. ***С о ғ л о м гавда, ёш кучим–ла югурайин, ишлайин*** (Ғайратий). Бу сифат эски ўзбек тилида 'касали йўқ' маъносини англатувчи **сағ** сифатидан (ДС, 480) **–ла** қўшимчаси билан ясалган феълга (ТРС, 511) **–м** қўшимчасини қўшиб ясалган (ТРС, 511), **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(сағ + ла = сағла–) + м = сағлам > сâғлâм.**

СУВ 'водород билан кислороднинг кимёвий бирикувидан иборат туссиз шаффоф суюқлик'. ***Ҳамма с у в деб талпинар, ҳамма с у в г а интилар эди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **суб** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 422; ДС, 512); кейинроқ **б** ундоши **в** ундошига алмашган (Девон, III, 142; ДС, 515), ҳатто **в** ундоши талаффуз қилинмаган ҳам (ПДП, 422; ТРС, 550): **суб > сув [> су].**

СУВА– 'лой, алебастр кабилар билан силлиқ қилиб қопла–'. ***Бўтабой .. баҳор ёмғирида нураган ўчоқни яхшилаб с у в а д и*** (Сайид Аҳмад). Қадимги туркий тилда 'юзасига суртиб қопла–' маъносини англатган бу феъл **сува–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 515); ҳозирги маъноси кейинчалик юзага келган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **сува– > сувä–.** Бу феъл сўзлашув нутқида **с** ундошини **ш** ундошига алмаштириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам талаффуз қилинади: **сувä– > шувä–.** Асли 'бирор нарсанинг устини суюқ нарса билан қопла–' маъносини англатган бу феъл **сув** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак.

СУВОҚ 'лой, алебастр кабилар билан силлиқ қилиб қоплаш'. ***Тепанинг талай қисми .. янги бинолар-нинг хом ғишти, с у в о г и кабби бинокорлик эҳ-тиёжларига ишлатилиб,*** .. (Абдулла Қодирий). Бу от ўзбек тилида **сувä–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, **қ** ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **сувä– + қ = сувäқ > сувâқ.** Бу от сўзлашув нутқида **с** ундошини **ш** ундошига алмаштириб ҳам талаффуз қилинади: **сувâқ > шувâқ.**

СУВСОҚ 'сувга ташна', 'чанқоқ'. ***[Тўғонбек] Осиё чўлларининг жаҳаннам ёнғинига, қум тўлқинларига чидаш бериб, оч, с у в с о қ кезишни машаққат ҳисобламас эди*** (Ойбек). Бу сифат эски ўзбек тилида **сув** отига 'исташ' маъносини ифодаловчи **–са** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан (КРС, 668) **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ТРС, 552); **қ** ундошининг таъсири билан **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(сув + са = сувса–) + қ = сувсақ > сувсâқ.**

СУЗ– I 'суюқ нарсани сузгичдан ўтказиб, керакли қисмини ажратиб ол–'. ***Вақтида с у з м а с а н г и з, мусаллас эмас, сиркага эга бўласиз.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сӱз–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 423; Девон, II, 16; ДС, 519); ўзбек тилида **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сӱз– > суз–.**

СУЗ– II 'шохи билан ур–'. ***Эшакка мугуз битса, эгасини с у з а д и*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сӱс–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 338); эски ўзбек тилида бу феъл охиридаги **с** ундоши **з** ундошига алмашган (КРС, 669); кейинчалик **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сӱс– > сӱз– > суз–.**

СУЗ– III 'сувда бирор томонга ҳаракатлан–'. ***Дарёдан с у з и б ўтамиз*** (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **йӱз–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 67; ДС, 288; ТРС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

684); кейинчалик ўзбек тилида сўз бошланишидаги **й** ундоши **с** ундошига алмашган, **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **йўз– > сўз– > суз–.**

СУЗ– IV 'овқатни идишларга тақсимлаб сол–'. ***Гулноз ош с у з и ш г а чиқиб кетди*** (Ҳамид Ғулом). Бу феъл аслида ҳам **суз–** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (КРС, 662), ҳозирги ўзбек тилига шу шаклида етиб келган. Бу феъл асли 'бирор нарсани чўмичлаб ол–' маъносини англатган; ҳозирги маъноси маънонинг торайиши, хосланиши асосида юзага келган: 'бирор нарсани тақсимлаб сол–' → 'овқатни тақсимлаб сол–'. Бундай маънони англатувчи **суз–** феъли ЎТИЛда 'суюқ нарсани сузгичдан ўтказиб, керакли қисмини ажратиб ол–' маъносини англатувчи **суз– I** феълининг иккинчи маъноси сифатида берилгани хато, чунки **суз– I** феъли асли **сўз–** шаклига эга бўлган.

СУЗАҒОН 'сузонғич'. ***Сутсиз сигир с у з а ғ о н б ў л а д и*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз 'шохи билан ур–' маъносини англатувчи **сўс–** феълининг (Девон, II, 338) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини олган шаклидан **–гän** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шакли лига тенг бўлиб (Девон, III, 375), кейинчалик иккинчи **с** ундоши **з** ундошига алмашган, ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, **г** ундоши **ғ** ундошига, **ғ** ундошининг таъсири билан унинг кетидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(сўс– + ä = сўсä–) + гän = сўсäгän > сўзäгän > сузäғän > сузäғâн.**

СУЗГИЧ I 'суюқликни турли аралашмалардан тозаловчи мослама'. ***Сутни бидонларга с у з г и ч д а н ўтказиб қуямиз.*** Бу от эски ўзбек тилида 'суюқ нарсани сузгичдан ўтказиб, керакли қисмини ажратиб ол–' маъносини англатувчи **суз–** феълидан (ЎТИЛ, II, 82) **–гу** қўшимчаси билан ясалган отга (КРС, 662) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ч** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **(суз– + гу = сузгу) + ч = сузгуч > сузгич.**

СУЗГИЧ II 'сувга чўкмай, юзида қалқиб турувчи буюм'. ***С у з г и ч бир–икки қимирлаши билан қармоқни юқорига тортасан.*** Бу от ўзбек тилида 'сувда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирор томон ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **суз–** феълидан **–гич** қўшимчаси билан ясалган: **суз–** + **гич** = **сузгич.**

СУЗГИЧ III 'сув сатҳида жуда тез ҳаракатланадиган қўнғизсимон жонивор'. ***Сув ниҳоятда соф; .. кичкина балиқлар сайр қилади, гир–гир с у з г и ч л а р айланади*** (Ҳ.Аҳмар). Бу от асли эски ўзбек тилида 'сувда бирор томон ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **йўз–** феълининг (Девон, III, 67; ДС, 288; ТРС, 684) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ги** қўшимчасини олган шакли – дан **–ч** қўшимчаси билан ясалган (ТРС, 684); кейинчалик сўз бошланишидаги **й** ундоши **с** ундошига алмашган, ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(йўз–** + **ги** = **йўзги)** + **ч** = **йўзгич** > **сузгич.**

СУЗМА 'қатиқни халтага солиб, суви чиқарилгандан кейин ҳосил бўладиган маҳсулот'. .. ***[қушларга] тушлик нонуштаси учун с у з м а бермоқчи эдим,*** .. (Ғафур Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'суюқ нарсани сузгичдан ўтказиб, керакли қисмини ажратиб ол–' маъносини англатувчи **сўз–** феълидан (ДС, 519) **–мä** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 407); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сўз–** + **мä** = **сўзмä** > **сузмä.**

СУЗОНҒИЧ 'сузағон'. ***Илгари ювошгина қўзи эди, аскарликка борди–ю, айниб, с у з о н ғ и ч қўчқор бўлиб қайтибди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сифат ўзбек тилида 'шохи билан ур–' маъносини англатувчи **суз–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(â)н** қўшимчасини олган шаклидан **–ғич** қўшимчаси билан ясалган: **(суз–** + **ân = сузân–)** + **ғич** = **сузânғич.**

Бу сўз таркибини бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: **суз–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(â)н** қўшимчасини олган шаклидан **–ғу** қўшимчаси билан сифатдош шакли ясалган ва унга **–чи** қўшимчасини қўшиб сифат ясалган; кейинчалик сўз охиридаги **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, учинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **[(суз–** + **ân = сузân–)** + **ғу = сузânғу]** + **чи = сузânғучи** > **сузânғуч** > **сузânғич.**

СУЗУК 'хумор, ноз–ишва билан ярим юмилган' (кўз ҳақида). ***"Вой, эсим қурсин!" – деди [Лобар],***

www.ziyouz.com kutubxonasi

эрига с у з у к шаҳло кўзлари билан кулиб қараркан (Ҳамид Ғулом). Бу сифат ўзбек тилида **суз– II** феълининг 'ноз–ишва ифодаловчи ҳаракат қил–' маъносидан (ЎТИЛ, II, 83) **–(у)к** қўшимчаси билан ясалган: **суз– + ук = сузук.**

СУЙ– қ. **сев–**

СУЙАК 'тана скелетини ҳосил қилувчи аъзолар–нинг ҳар бири', 'сўнгак'. *Ботирали ҳаддан ташқари толган, юз с у я к л а р и бўртиб чиқиб, кўзлари ич–ичига кириб кетибди* (Ҳамид Ғулом). Қадимги турк тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сөңүк** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 422; Девон, III, 378; ДС, 511); кейинчалик иккинчи бўғиндаги **ү** унлиси **ä** унлисига, **ң** ундоши **й** ундошига, **ö** унлиси **ў** унлисига алмашган, охири **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сөңүк > сөңäк > сөйäк > сўйäк > суйäк.**

СУЙКА– қ. **сурка–**

СУЙУКЛИ қ. **севикли**

СУЙУЛ– 'суюқлик даражаси меъёрдан орт–'. *Лойга сувни қуяверманг, с у ю л и б к е т а д и.* Бу сўз эски ўзбек тилидаги 'суюқ ҳолатга ўт–' маъносини англатган **суйу–** феълидан (ТРС, 553) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **суйу– + л = суйул–.**

СУЙУНЧИ қ. **севинчи**

СУЙУҚ 'суюлтирилган ҳолатдаги', 'суви меъёрдан ортиқ'. *Яна бир кетмон урганда ажриқзордан билқиллаб с у ю қ лой чиқди-да, ..* (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли 'истеъмол учун ишлатиладиган туссиз шаффоф суюқлик' маъносини англатувчи **сув** отидан **у** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган (Девон, III, 179); кейинчалик **в** ундоши **й** ундошига (ТРС, 553) алмашган: **(сув + у = суву–) + қ = сувуқ > суйуқ.**

СУЛАЙ– 'ҳолдан тойиб шалпайиб қол–'. *.. ишбоши қилиб белгиланган саркорлар .. [улар] с у л а й и б йиқилмагунча кетмонни ташлатмас эди* (Абдулла Қодирий). Бу сўз эски ўзбек тилидаги 'чўзилиб ётиб қол–' маъносини англатган **сула–** феълининг 'ҳолдан той–' маъносидан (КРС, 663) 'ўзлик' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодаловчи **–й** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **сула– + й = сулай– > сулäй–.**

СУМАК 'бешикка беланган чақалоқнинг сийдигини туваккa йўналтирувчи найсимон асбоб'. ***Карима бешик асбобларини қовузлоқдан то с у м а к к а ч а .. бир–бир кўздан кечириб қоқди*** (Мирмуҳсин). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сибäк** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 369); кейинчалик **б** ундоши таъсири билан **и** унлиси **у** унлисига, шундан кейин **б** ундоши **м** ундошига алмашган: **сибäк > субäк > сумäк.** Бу от асли 'ичи ковак нарса' маъносини англатган (Девон, I, 369), ҳозирги маъноси маънода торайиш, хосланиш натижасида юзага келган.

СУМАЛАК 'ундириб янчилган буғдойдан тайёрланадиган овқат'. ***С у м а л а к пиширишҳамма маҳаллаларда одат тусига кирди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ивитилган буғдой' маъносини англатган **сума** отидан (Девон, III, 253) эски ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–лак** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **сума + лак = сумалак > сумäлäк.** Бу сўз асли 'оз миқдорда ивитилган буғдой' маъносини англатган, ҳозирги маъноси шу маъно асосида юзага келган.

СУМБАТ 'келишган ташқи кўриниш', 'қад–қомат'. ***Ўртамиён, нозиккина с у м б а т и, Ишда филдан зиёд қуввати*** (Ямин Қурбон). Бу от асли **сымбат** тарзида талаффуз қилинган; ўзбек тилида **ы** унлиси **у** унлисига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **сымбат > сумбäт.** КРСнинг 679– бетида келтирилган **сымбат** ('стройность', 'статность'), **сымпай–** ('быть стройным, статным') сўзларидан кўриниб турибдики, сўз охиридаги **–т** – от ясовчи қўшимча; бу от ясовчи қўшилган қисм феъл эканига шубҳа йўқ, лекин бундай феъл манбаларда қайд этилмаган; асли бу сўз 'чиройли кўринишга эга бўл–' маъносини англатган бўлса керак. Шу нуқтайи назарни давом эттирсак, **сымба–** феъли асли туркий тилдаги 'қомат' маъносини англатган **сын** отидан (Девон, III, 152) **–ба** қўшимчаси билан ясалган бўлиб чиқади; кейинчалик **б** ундоши таъсирида **н** ундоши **м**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундошига алмашган бўлади **(сын + ба = сынба–) + т = сынбат > сымбат > сумбат.** Кўринадики, бу сўзни ЎТИЛга **сунбат** шаклида эмас, **синбат** шаклида киритиш тўғри.

ДСнинг 107–, 503– бетларида келтирилган **бод сын** мисоли бошқача фикр юритишга ҳам асос бўлади: қадимги туркий тилда 'қад–қомат' маъносини англатган бу икки сўз биргаликда жуфт сўз сифатида ишлатилган, кейинчалик бу сўзлар ўрин алмаштирилган, охири **д** ундоши **т** ундошига, иккинчи бўғиндаги **о** унлиси **а** унлисига, ўзбек тилида бу **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **бод сын > сын бод > сынбод > сынбот > сынбат > синбät.**

СУПУР– 'чанг–тўзон, ахлат кабиларни супурги билан тўплаб тозала–'. ***Жуда кўп хазон с у п у р и б, қанорларга жойладик*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сўбўр–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 90); кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига алмашган, ў унлиларининг юм–шоқлик белгиси йўқолган: **сўбўр– > сўпўр– > супур–.** Бу сўз охиридаги **–ур** қисми қўшимчага тенг экани шубҳа–сиз, лекин манбаларда **суб (суп)** сўзи таъкидланмаган; асли бу сўз 'тоза' маъносини англатган сифат бўлса керак. **Сўпўр–** сўзи қадимги туркий тилда **сипир–** тар–зида ҳам талаффуз қилинган (ДС, 501), бундай талаффуз шакли ҳам ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқида мавжуд.

СУПУРГИ 'супуруш учун хизмат қиладиган рўзғор буюми'. ***Раҳматжон отаси боғлаган чиройли бурган с у п у р г и б и л а н ерни бир зумда тозалади*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сўбўр–** феълидан **–гў** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 452); кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига, ўзбек тилида охирги очиқ бўғиндаги ў унлиси **и** унлисига алмашган, ў унлилари–нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сўбўр + гў = сўбўргў > сўпўргў > сўпўрги > супурги.**

СУПУРИНДИ 'супуриб тўпланган чиқинди'. ***Бу ерга ёзда с у п у р и н д и, қишда қор ташлайдилар*** (Ойдин). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **сўбўр–** феълининг 'ўзлик' маъно–

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини ифодаловчи **–(ў)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–ди** сифатдош қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, I, 454); маъно тараққиёти натижасида бу сифатдош отга айланган; қадимги туркий тилда **б** ундоши **п** ундошига алмашган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилига эса бу унли сақланган шакли етиб келган, учинчи бўғиндаги ў унлиси **и** унлисига алмашган, биринчи, иккинчи бўғиндаги ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(сўбўр– + ўн = сўбўрўн–) + ди = сўбўрўнди > сўпўрўнди > супуринди.**

СУР– 'бир жойдан бошқа жойга итариб ўтказ–', 'силжит–'. ***Столни девор томонга с у р и б қ ў й – д и*** (Ҳусайн Шамс). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва яна бир неча маънони англатган бу феъл асли **сўр–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 423; ДС, 517); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сўр– > сур–.**

СУРГА– 'сатҳдан узмай куч билан силжит–'. ***Кампир .. чурук паранжисининг этакларини ерга с у р – г а г а н ҳолда чиқиб кетди*** (Ойбек). Бу сўз эски ўзбек тилида 'бир жойдан бошқа жойга итариб ўтказ–' маъносини англатган **сўр–** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–гä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сўр– + гä– = сўргä– > сургä–.**

СУРГУН 'жазо тариқасида ўзга юртга у ердан бошқа ерга эркин кўчмайдиган қилиб юбориш', 'бадарға'. ***Бу одам .. варақа тарқатгани учун Сибирга с у р г у н қилинган экан*** (Сайид Аҳмад). Бу от эски ўзбек тилида **сўр–** феълининг 'ҳайда–' маъносидан **–гўн** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 673; ТРС, 555); кейинчалик ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сўр– + гўн = сўргўн > сургун.**

СУРКА– 'бир нарсани бошқа бир нарсанинг юзасига бир неча марта сур–'. ***[Унсин] ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга шон қоқади, шондан туширади, пардозлайди, қора гул, лак с у р к а й д и*** (Ойбек). Бу сўз ўзбек тилида **сур–** феълининг 'бирор юзага суртиб ёпиштир–' маъносидан 'такрор' маъносини ифода–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ловчи **–кä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **сур–** + **кä** = **суркä–**.

СУРОН 'кучли шовқин', 'ғовур–ғувур'. ***Жанг с у р о н л а р и тинган хушҳаво ўтлоқларда яна қўзи–қулунлар ўйноқлаб, қушлар сайрай бошлабди*** (Асқад Мухтор). Бу от асли эски ўзбек тилида **сўр–** феълининг 'қувла–' маъносидан (ДС, 517) **–(ä)н** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ä** унлиси **â** унлисига алмашган, ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сўр– + än = сўрän > сурâн.** Бу сўз асли 'улоқ чопишдаги кучли қий–чув' маъносини англатган (КРС, 673), кейинчалик маънода кенгайиш воқе бўлиб, 'ҳар қандай кучли шовқин'ни англата бошлаган.

СУРТ– 'бир нарсани бошқа бир нарсанинг юзасига бир неча марта сур–'. ***[Мадамин] бармоқларини маҳси қўнжига с у р т а ё т и б атрофга қараб олди*** (Парда Турсун). Бу сўз қадимги туркий тилда **сўр–** феълининг 'бирор юзага суркаб ёпиштир–' маъносидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–(ў)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, III, 432; ДС, 518); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сўр– + ўт = сўрўт– > сўрт– > сурт–.**

СУРУВ 'қўй–эчки подаси'. ***Ақлли бўрибосарлар с у р у в л а р н и бўйлаб олдинга чопиб борадиларда, ..*** (Асқад Мухтор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сўрўг** тарзида (ДС, 518) талаффуз қилинган; кейинроқ сўз охиридаги **г** ундоши **к** ундошига (Девон, I, 370), ундан кейин **к** ундоши **в** ундошига алмашган; ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сўрўг > сўрўк > сўрўв > сурув.** Сўз охиридаги **г–к–в** товуш алмашинуви бу қисмнинг қўшимчага тенг эканини кўрсатиб турибди, лекин бу қўшимча қўшилган қисм ҳақида манбаларда маълумот топилмади; бу қисм 'тўдала–' маъносини англатган феъл бўлса керак.

СУРУНКА қ. **сурункали**

СУРУНКАЛИ 'бетўхтов', 'узлуксиз'. ***Уч кун давомида с у р у н к а л и ёмғир ёғди.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **сўр–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифода–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ловчи **–(ў)н** қўшимчасини олган шаклидан (ТРС, 556) **–кä** қўшимчаси билан ясалган отга **–ли** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[(сўр– + ўн = сўрўн–) + кä = сўрўнкä] + ли = сўрўнкäли > сурункäли.** Бу сўз ўрнига баъзан **сурункä** сўзини ишлатиш ҳам учрайди.

СУРУНКАСИГА 'муттасил равишда', 'узлуксиз'. ***Жанг с у р у н к а с и г а етти кун давом этди*** (Назир Сафаров). Бу сўз эски ўзбек тилида **сўрўнкä** отининг **–си** эгалик қўшимчасини ва **–гä** келишик қўшимчасини олган шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида равишга айланган; кейинчалик ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(сўрўнкä + си = сўрўнкäси) + гä = сўрўнкäсигä > сурункäсигä.**

СУРҒУЧ 'тез эриб, тез қотадиган смола ва мум қоришмаси'. ***Полвон этигининг қўнжидан пичоқ олиб, унинг сопи билан бутилка учидаги с у р ғ у ч н и уриб туширди*** (Сайид Аҳмад). Қадимги туркий тилда **сурқач** тарзида талаффуз қилинган бу от асли 'лук дарахтининг шираси' маъносини англатган (Девон, I, 423); ҳозирги маъноси ана шу маъно асосида юзага келган; қадимги туркий тилдаёқ иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **у** унлисига (ДС, 514: **сурқучла–**), ўзбек тилида **р** ундошининг таъсири билан **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган: **сурқач > сурқуч > сурғуч.**

СУРҒУЧЛА– 'сурғуч билан тамға бос–', 'сурғучдан қопқоқ қилиб, тамға бос–'. ***Жўнатиладиган посилкаларни с у р ғ у ч л а б қ ў й д и м.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **сурқач** отининг **сурқуч** шаклидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган ва 'сурғуч билан ишлов бер–' маъносини англатган (ДС, 514), ҳозирги маъноси ана шу маъно асосида юзага келган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига, **р** ундоши таъсирида **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган: **сурқуч + ла = сурқучла– > сурғучлä–.**

СУТ 'елин безларидан ажралиб чиқадиган оқ суюқлик'. ***С у т д а н оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сӱт** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 423; Девон, III, 132; ДС, 518); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сӱт > сут.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУЧУК қ. **чучук**

СУҚ 'ўзганинг овқатига олиб ейиш истаги билан тикилувчи', 'очкўз'. ***С у қ тўймас, ўғри бойимас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат дастлаб **соқ** тарзида (ПДП, 422; ДС, 508), кейинроқ **суқ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 143); ўзбек тилига кейинги талаффуз шакли етиб келган: **соқ > суқ.**

СУҚ– 'куч билан бирор нарсани киргиз–', 'тиқ–'. ***Кўнглим биров пичоқ с у қ қ а н д а й ёниб, ўртаниб кетаётибди*** (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл дастлаб **соқ–** тарзида (ПДП, 422; ДС, 508), кейинроқ **суқ–** тарзида (Девон, II, 26: **суқдум**) талаффуз қилинган; ҳозирги ўзбек тилига кейинги талаффуз шаклида етиб келган: **соқ– > суқ–.**

СУҒОР– 'ўсимликка сув қўй–', 'ҳайвонга сув бер–'. ***Йиғлаб–йиғлаб марза олсанг, кулиб–кулиб с у ғ о р а с а н*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сувғар–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 218). Девон бўйича тузилган Индексга илова қилинган грамматик кўрсаткичда бу феъл **сув** отидан **–ғар** қўшимчаси билан ясалганлиги таъкидланган (473– бет). Асли бу сўз **сув** отидан **–ға** қўшимчаси билан ясалган феълга кучайтириш маъносини ифодаловчи **–р** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **в** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (турк тилида эса **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган: TPC, 553: **сувармак**), **ғ** ундоши кетидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(сув + ға = сувға–) + р = сувғар– > суғар– > суғâр–.**

СЎГАЛ 'қўл–оёқда, баъзан баданда бўладиган қаттиқ думалоқ ўсимта'. ***Укамнинг чап қўлида с ў г а л и бор.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **сögÿл** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 316), ўзбек тилида **ÿ** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сögÿл > согäл.**

СЎЗ 'ниманидир англатиш, кўрсатиш, ифодалаш учун хизмат қиладиган энг кичик нутқ бирлиги'. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **сöз** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 422; Де–

www.ziyouz.com kutubxonasi

вон, III, 136; ДС, 511); ўзбек тилида **ö** унлисининг юм— шоқлик белгиси йўқолган: **сöз > соз.**

СЎЗЛА– 'оғзаки равишда фикр баён қил–'. ***Кўп билган оз с ў з л а р, оз с ў з л а с а ҳам, соз с ў з– л а р*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **сöз** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 422; Девон, III, 312; ДС, 512); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сöз + лä = сöзлä– > созлä–.** Сўзлашув нутқида бу феъл **сойлä–** тарзида ҳам талаффуз қилинади, бунда **з** ундоши **й** ун— дошига алмашади.

СЎЙ– 'бўғзини кес–', 'бўғизла–'. ***Чумчуқ с ў й – с а ҳам, қассоб с ў й с и н*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам **сой–** тарзида талаффуз қилинган бу феъл дастлаб 'ҳайвон терисини шил–' маъносини англатган (Девон, III, 262), ҳозирги маъноси ана шу маъно асосида юзага келган (КРС, 650).

СЎЙИНЧИ қ. **севинчи** .

СЎЙЛА– қ. **сўзла–**

СЎК 'тозаланган тариқ'. ***С ў к ошига сурнай*** (Мақол). Эски ўзбек тилида ҳам шундай маънони анг— латган бу от **сöк** тарзида талаффуз қилинган (КРС, 659); ҳозирги ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сöк > сок.**

СЎК– I 'ёмон сўзлар айтиб уриш–'. ***Сиз у деб с ў к а с и з, бу деб с ў к а с и з, бас–да шунча хўрлаганингиз*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги тур— кий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сöк–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 422; Девон, III, 201; ДС, 510); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сöк– > сок–.**

СЎК– II 'чокнинг ипини олиб ташла–'. ***Опам шимимни с ў к и б, почасини тораЙтириб берди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сöк–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 29; ДС, 510); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик бел— гиси йўқолган: **сöк– > сок–.**

СЎКОНҒИЧ 'кўп сўкинадиган', 'бўлар–бўлмасга сўкинаверадиган'. ***Сен жуда с ў к о н ғ и ч бола экансан–ку!*** Бу сифат ўзбек тилида 'ёмон сўзлар айтиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

уриш–' маъносини англатувчи **сок–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(â)н** қўшимчасини олган шак– лидан **–ғич** қўшимчаси билан ясалган: **(сок– + ân = сокân–) + ғич = сокânғич.**

Бу сўз таркибини бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: **сок–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(â)н** қўшимчасини олган шаклидан **–ғу** қўшимчаси билан сифатдош шакли ҳосил қилинган ва унга **–чи** қўшимчасини қўшиб сифат ясалган; кейинчалик сўз охиридаги **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, учинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **[(сок– + ân = сокân–) + ғу = сокânғу] + чи = сокânғучи > сокânғуч > сокânғич.**

СЎЛ– 'чанқаб шалпай–', 'узилганидан кейин нами қочиб бужмай–' (ўсимлик ҳақида). ***Райҳонлар сув– сираб с ў л и б қ о л и б д и.*** □ ***Олмалар узоқ туриб қолгани учун с ў л и б қ о л и б д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам **сол–** тарзида талаффуз қилинган бу феъл (ДС, 508) асли 'кичрай–' маъносини англатган, ҳозирги маънолари ана шу маъно асосида юзага келган (Девон, II, 122: **солушды;** КРС, 654: **соол– ', 'иссякнуть'**).

СЎЛИ– 'ортиқ даражада сўл–'. ***Шу с ў л и г а н гулни кўтариб келишга уялмадингизми!*** Бу сўз 'чанқаб шалпай–' маъносини англатган **сол–** феълидан эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 653): **солу–**); кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **сол– + ы = солы– > соли–.**

СЎЛҚИЛДОҚ 'дўмбоқ', 'лўппи'. ***Мурзин унга синчиклаб разм солди: .. с ў л қ и л д о қ ва бўйдор– гина қиз*** (Шуҳрат). Бу сифат эски ўзбек тилида **солқ** тасвир сўзига **–ылла** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик қатор келган **лл** ундошларидан иккинчиси **д** ундошига (КРС, 652), **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(солқ + ылла = солқылла–) + қ = солқыллақ > солқилдâқ.**

СЎМ I 'юз тийинга тенг пул бирлиги'. ***Тийин ҳам пул, юз минг с ў м ҳам пул*** (Мақол). Ҳозирги ўзбек тилида ҳам **сом** тарзида талаффуз қилинадиган бу сўз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

КРСда таъкидланишича, дастлаб 'металл парчаси' маъносини англатган, 'пул бирлиги' маъноси кейин пайдо бўлган (КРС, 653). ТРСда **сом** сўзи маънолари орасида 'қуйма' маъноси келтирилган, лекин 'пул бирлиги' маъноси таъкидланмаган (ТРС, 545).

СЎМ II 'суяксиз ва ёғсиз' (гўшт ҳақида). ***Бу сафар с ў м гўшт олмай, қовурға олдим.*** Ҳозирги ўзбек тилида ҳам **сом** тарзида талаффуз қилинадиган бу сўз асли 'яхлит' маъносини англатган (КРС, 653; ТРС, 545), 'суяксиз ва ёғсиз' маъноси кейинчалик шу маъно асосида юзага келган.

СЎН– 'олдинги кучи, шиддати озай–', 'пасай–', 'сусай–'. ***Юсуфжон қизиқ тўқсон ёшга кирган бўлишига қарамай ҳали унда ёшлик ҳарорати, шижоати с ў н г а н э м а с*** (Т.Обидов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сӧн–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 511); ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сӧн– > сон–.** Юқорида таърифланган маъно ЎТИЛда нимагадир иккинчи, кўчма маъно сифатида тақдим қилинган, ваҳоланки биринчи маъно сифатида келтирилган 'ёруғлик, иссиқлик бермай қўй–', 'нурсизлан–' маъноси кўчма маъно сифатида кейинроқ юзага келган. Турк тили луғатида бу икки маъно бошқа–бошқа феълга мансуб деб талқин қилинган: **сон–** – 'олдинги ҳолатни йўқот–' (ТРС, 546), **сӧн–** – 'ёруғлик бермай қўй–' (ТРС, 548).

СЎҢАК 'тана скелетининг ҳар бир аъзоси', 'суяк'. ***Салимбой сўфи кушхонадан с ў н г а к олиб келиб, қайнатиб, ёғини олиб тирикчилик қилар эди*** (Ғафур Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **сӧңӱк** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 422; Девон, III, 378; ДС, 511). Девонда бу сўз **сӱңӱк** шаклида ҳам учрайди (II, 260). Кўриниб турибдики, иккинчи сўз биринчи сўздаги **ӧ** унлисининг **ӱ** унлисига алмашуви натижасида юзага келган. Ўзбек тилидаги **сӧңӓк** сўзи қадимги туркий тилдаги **сӧңӱк** сўзи таркибидаги **ӱ** унлисини **ӓ** унлисига алмаштириш билан юзага келган; бундан ташқари, **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сӧңӱк > сӧңӓк > соңӓк.**

СЎҢРА 'кейин', 'шундан кейин'. ***Олдин бир нарсага тушуниб олинг, с ў н г р а аччиқ қилсангиз***

www.ziyouz.com kutubxonasi

мумкин (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз 'охир' маъносини англатувчи **соң** отидан (ПДП, 422; Девон, III, 369; ДС, 508) жўналиш келишигининг **–ра** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ПДП, 422; ДС, 508; ТРС, 546); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **соң + ра = соңра > соңрä.**

СЎППАЙ– 'ёлғиз хунукдан хунук қаққайиб тур–'. ***Турли шакл ва қиёфада с ў п п а й г а н азамат тошлардан бўлак бойлиги бўлмаган жилға ҳар қачон–гидек жимжит эди*** (Парда Турсун). Бу феъл эски ўзбек тилида сийрак ишлатилиб, 'ҳеч нарсасиз', 'ёлғиз' маъносини англатган **соп** сифатидан (КРС, 655: **соп III**) **–(а)й** қўшимчаси билан ясалган; маънони кучайтириш учун **п** ундоши қатланган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **соп + ай = сопай– > соппай– > соппäй–.**

СЎРА– 'сўроқ билан мурожаат қил–'. ***Кўп юргандан с ў р а м а, кўп кўргандан с ў р а*** (Мақол). Бу сўз 'сўроқ билан мурожаат қил–' маъносини англатувчи **сор–** феълидан (ПДП, 422; Девон, III, 197; ДС, 509) эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 655: **сура–**) кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **сор– + а = сора– > сорä–.**

СЎРРАЙ– 'озиб, чўп бўлиб қол–'. ***Йигитнинг .. чўзинчоқ юзи с ў р р а й и б қ о л д и*** (Суннатилла Анорбоев). Қирғиз тилида бундай феъл **сорой–** тарзида талаффуз қилиниб, 'бирор сатҳдан юқорига чўзилиб тур–' маъносини англатади (КРС, 655), ўзбек тилидаги маъно ана шундай маъно асосида юзага келган. Бу феъл асли ясама бўлиб, **–(а)й** қўшимчаси билан ясалган, лекин манбаларда **сор** сўзи ўз аксини топмаган; ўзбек тилида маънони кучайтириш учун **р** ундоши қатланган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **сор + ай = сорай– > соррай– > соррäй–.**

СЎҚМОҚ 'одамлар қатнови натижасида ўз–ўзидан юзага келган ёлғизоёқ йўл'. ***..ўнг томондаги с ў қ м о қ яйлов томон қиялашиб кетган*** (Ҳаким Назир). Бу от эски ўзбек тилида 'ур–' маъносини англатувчи **соқ–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ма** қў–

www.ziyouz.com kutubxonasi

шимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 651); **қ** ундоши таъсири билан унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(соқ– + ма = соқма–) + қ = соқмақ > соқмâқ.**

СЎҚҚА 'ҳеч кими йўқ', 'ёлғиз'. ***Ўзинг с ў қ қ а жонингни боқолмайсан–у, тўқлини қандай қилиб боқасан?*** (Ғафур Ғулом). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ёлғиз' маъносини англатган **соқ** сифатидан (Девон, I, 321; КРС, 650) эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин **қ** ундоши қатланган, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **соқ + а = соқа > соққа > соққä.**

Т

ТАЙА– 'нарсани бирор ҳолатда тутиб туриш учун унга бошқа бир нарсани тира–'. ***Тирсакларини тиззаларига т а я г а н ҳолда букчайиб ўтирган Элмурод юзидан қўлларини олмай сўради: "Нима қилай?"*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тайа–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 290; ЭСТЯ, III, 126); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **тайа– > тäйä–.** Асли бу феъл **–а** қўшимчаси билан ясалган бўлиши керак, лекин манбаларда **тай** қисми ҳақида маълумот йўқ.

ТАЙАНЧ 'таяниш учун хизмат қиладиган нарса'. ***Душман мудофаасининг т а я н ч нуқтаси штурм билан эгалланди*** (Назир Сафаров). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'нарсани бирор ҳолатда тутиб туриш учун унга бошқа бир нарсани тира–' маъносини англатган **тайа–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан (ПДП, 425; Девон, III, 208; ДС, 527) **–(ы)ч** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 127; ДС, 527); кейинчалик **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(тайа– + н = тайан–) + ыч = тайаныч > тайанч > тäйäнч.**

ТАЙАНЧИҚ 'кичик ҳажмдаги таянч воситаси'. ***Наимий креслонинг т а я н ч и ғ и н и чангаллаб ўрнидан турди*** (Асқад Мухтор). Бу сўз эски ўзбек ти–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лида 'таяниш учун хизмат қиладиган нарса' маъносини англатувчи **тайанч** отидан (ДС, 527) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тайанч + ық = тайанчық > тäйäнчиқ.** ЭСТЯда бу сўз **тайан–** феълига **–чық** қўшимчасини қўшиб ясалган дейилган (III, 127).

ТАЙОҚ 'дарахт шохининг унчалик йўғон бўлмаган қисмидан кесиб олинган калтак'. ***Саёқ юрган т а ё қ ер*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'нарсани бирор ҳолатда тутиб туриш учун унга бошқа бир нарсани тира–' маъносини англатган **тайа–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тайа– + қ = тайақ > тäйâқ** (ЭСТЯ, III, 126). Бу от асли 'суянчиқ' маъносини англатган, 'калтак' маъноси маънода кенгайиш бўлгани натижасида юзага келган. Девонда (III, 181) 'таёқ', 'суянчиқ' маънолари бир сўзнинг маънолари сифатида берилган, ҳатто 'таёқ' маъноси биринчи ўринда келтирилган; ДСга эса (527–бетда) омоним тарзида киритилиб, **тайақ I** 'палка', 'посох', **тайақ II** 'опора', 'основа' тарзида берилган, демак, бу луғатда ҳам **тайа–** асосидан англашиладиган бирламчи маъно тўғри ҳисобга олинмаган.

ТАЙПОҚ 'энига ва ёнига ёйилган', 'ясси'. ***Сенинг т а й п о қ оёғингга тўғри келадиган этик топиларми-кан?*** КРСнинг 690– бетида бир хил маъно англатувчи деб таъкидланган **тайпак, тайпаң** сўзларидан кўриниб турибдики, **тайпақ** сўзи охиридаги **–қ** қисми сифат ясовчи қўшимчага, ундан олдинги **–па** қисми эса феъл ясовчи қўшимчага тенг; **тай** қисми қандай маънони англатувчи сўз экани манбаларда таъкидланмаган (асли 'текис' маъносини англатган сўз бўлса керак); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(тай + па = тайпа–) + қ = тайпақ > тäйпâқ.**

ТАК қ. **тек**

ТАКИЛЛА– 'так–так товуш чиқар–'. ***Қаердадир .. ора–сира пулемётлар асабий т а к и л л а б қ ў я д и*** (Ойбек). Бу феъл ўзбек тилида **тäк** тақлид сўзининг **–ир**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **л** ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **р** ундоши **л** ундошига алмашган: **(täк + ир = täкир) + лä = täкирлä– > täкиллä–.**

ТАКИРЛА– қ. **такилла–**

ТАЛА– 'тишлаш учун ҳужум қил–' (йиртқич ҳайвон, ит ҳақида), 'чақиш учун кўплашиб ҳужум қил–' (ари ҳақида)'. ***Ит хўп иштаҳа билан ҳурмоқчи ва т а л а м о қ ч и б ў л и б ўрнидан турган эди,*** .. (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган феъл асли **талы–** тарзида талаффуз қилинган; қадимги туркий тилдаги 'зўрлик билан тортиб ол–' маъносини англатган **тала–** феъли таъсирида **талы–** феъли ҳам **тала–** тарзида талаффуз қилина бошлаган. Қадимги туркий тилдаги **талым** 'хищный' сўзидан (ПДП, 425; ДС, 529) кўриниб турибдики, бу сифат **талы–** феълидан **–м** қўшимчаси билан ясалган. Худди шу манбаларда **талы–** феъли мустақил келтирилмаган, балки 'зўрлик билан тортиб ол–' маъносини англатувчи **тала–** феъли келтирилган (ПДП, 425; ДС, 528). Асли икки сўзга тенг бу феъллар кейинчалик бир сўзга бирлашиб кетган (ЭСТЯ, III, 136). Ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **тала– > тäлä–**. Бу феъллар асли **тал || дал** отидан ясалган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, III, 137), лекин манбаларда бу сўз ҳақида маълумот йўқ.

ТАЛАЙ 'анча'. ***Домла т а л а й вақтгача ухлай олмади*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўзни қадимги туркий тилдаги **тäлим** (ПДП, 428), **телим** (ДС, 550; Девон, I. 377) сўзлари билан қиёслашдан кўриниб турибдики, улар **тäл** асосига қадимги туркий тилда **–(и)м** қўшимчасини, эски ўзбек тилида **–(ä)й** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 181). Бу қўшимчалар феълдан сифат ясайди, лекин манбаларда **тäл–** феъли ҳақида маълумот йўқ (Бу сўз 'миқдори кўп бўл–' маъносини англатган феъл бўлса керак): **тäл– + äй = тäлäй.**

ТАЛАШ– 'ниманидир бир–биридан зўрлик билан тортиб олишга ҳаракат қил–', 'довлаш–'. ***Нега подшолар урушади? Ер–сув т а л а ш и б урушади*** (Парда Турсун). Шундай маънони англатувчи бу феъл қадимги туркий тилда 'зўрлик билан тортиб ол–' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатган **тала–** феълидан биргалик маъносини ифода–ловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 528); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **тала– + ш = талаш– > тäлäш–.**

ТАЛОН 'бўлакларга ажратиб, ўз ихтиёрига ўтказиш'. ***Юрт эгаси Қосим отам ўлдими? Отам ўлиб, юрти т а л о н б ў л д и м и?*** ("Ширин билан Шакар"). Бу от эски ўзбек тилида 'зўрлик билан тортиб ол–' маъносини англатувчи **тала–** феълидан **–н** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 695); кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тала– + н = талан > тäлâн.**

ТАЛОҚ 'организмда қон зарраларини ишлаб берувчи аъзо', 'қоражигар'. ***Ҳасипга т а л о қ ҳам солинади.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **талақ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 390); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **қ** ундошининг таъсири билан **â** унлисига алмашган: **талақ > тäлâқ.** Асли бу сўз ясама бўлиб, қадимги туркий тилда 'қоражигар' маъносини англатган **тал** отидан (ДС, 528) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **тал + ақ > талақ.** Бу сўзнинг таркибини бундай тушунтириш ноўрин экани Э.В.Севортян томонидан таъкидланган, 'қоражигар' маъносини англатувчи **тал** отига кичрайтириш маъносини ифодаловчи қўшимча қўшишга эҳтиёж йўқлиги айтилган (ЭСТЯ, III, 137). Шу таъкидни ҳисобга олиб, бошқачароқ талқин беришга уриндик: **–(а)қ** қўшимчаси 'кичик' маъносини ифодалашига шубҳа йўқ, демак, унда **тал** оти асли 'қоражигар' маъносини эмас, балки бошқа бир маънони англатган, бошқа бир аъзонинг номи бўлган (балки 'жигар' маъносини англатгандир).

ТАМБА 'эшик ичкарисига очилмаслиги учун тираб қўйиладиган нарса'. ***Эшикни бекитдик, орқасига катта бир харсангни олиб келиб, т а м б а қўйдик*** (Ғафур Ғулом). Девонда худди шундай маъно **там** сўзи билан англатилгани кўрсатилган (Девон, I, 324). Шунга кўра **тамба** сўзи таркибидаги **–ба** қисми қўшимча бўлиб чиқади; бу қўшимча асли **–ма** шаклида ишлатилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълдан от ясайди. Демак, **тамба** сўзи таркибида **там** оти эмас, балки 'ичкарига очилмайдиган қил–' маъно–сини англатган феъл қатнашган бўлиб чиқади. Кўрина–дики, **там–** феълидан **–ма** қўшимчаси билан от ясалган, кейинчалик қатор келган **мм** ундошларидан иккинчиси **б** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **там– + ма = тамма > тамба > тämбä.**

ТАМҒА 'ажратиш, кимга тегишли эканини кўрсатиш учун қўйиладиган белги'. ***Қулоғидаги т а м ғ а – с и д а н бу қўйлар бошқа сурувдан қўшилиб қолгани маълум бўлди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'боғла–', 'ёпиштир–' маъносини англатган **тақ–** феълидан **–ма** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **м** ундоши таъсири билан **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган, сўнгра **ғм** ундошлари ўрин алмашган (ЭСТЯ, III, 144), охири **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **тақ– + ма = тақма > тағма > тамға > тämғä.**

ТАНДА 'мато тўқиш учун узунасига тортилган ип', 'ўриш'. ***Этаги олисларга чўзилиб кетган чўл тўқувчи дастгоҳидаги т а н д а г а .. ўхшарди*** (Сайид Аҳмад). Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'тўқи–', 'боғла–' маъносини англатувчи **таң–** феълининг (Девон, I, 399; ЭСТЯ, III, 146; КРС, 702) **–(ы)т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, шундан кейин **ң** ундоши таъсири билан **т** ундоши **д** ундошига, сўнгра **ң** ундоши **н** ундошига, охири **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(таң– + ыт = таңыт–) + а = таңыта > таңта > таңда > танда > тäндä.**

ТАНИ– 'таниш эканини англа–', 'бирор белгисига кўра ажрат–'. ***Нуринисони яқиндан т а н и г а н – л а р у билан ҳар вақт жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилар эдилар*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **таны–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 531); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **таны– > тäни–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАНЛА– 'кўп нарса орасидан хоҳлаганини белгила–'. ***Ўроқчининг ёмони ўроқ т а н л а р*** (Мақол). Бу феъл асли **таны–** феълининг 'бирор белгисига кўра ажрат–' маъносидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **таны– + ла = таныла– > танла– > тäнлä–.**

ТАНТИҚ 'ортиқ даражада талтайтириб юборилган', 'бўлмағур қилиқлар қиладиган'. ***[Сайидолимхон] ўлгудек т а н т и қ*** (Ойдин). Бу сифат асли туркий тилларда 'беҳуда гапларни гапир–' маъносини англатувчи **танты–** феълидан (КРС, 701) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **танты– + қ = тантық > тäнтиқ.**

ТАНҒИ– 'сиқиб боғла–'. ***Умар шойи қийиқ билан пешанасини т а н ғ и б, каравотга ётди*** (Иброҳим Раҳим). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'сиқиб ўра–' маъносини англатган **таң–** феълидан (ДС, 532; ЭСТЯ, III, 146) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **ң** ундоши **нғ** ундошларига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **таң– + ы = таңы– > танғы– > тäнғи–.**

ТАҢЛАЙ 'оғиз бўшлиғининг тепа томони'. ***[Қудратнинг] лаблари қовжираган, т а н г л а й и қуриган, ранглари ўчган эди*** (З.Фатхуллин). Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'юқори', 'тепа' маъносини англатган **täң** сўзидан (ДС, 552: **теңи–** 'подниматься') эски ўзбек тилида **–лä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–й** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 702): **(täң + лä = täңлä–) + й = täңлäй.**

ТАППАК 'чорва моллари гўнгидан ялпоқ шаклда қуритилган ёқилғи', 'тезак', 'таппи'. ***Кунгай деворларга т а п п а к ёпиб ташланган.*** Бу от **täп** товушга тақлид сўзидан (Девон, III, 159) **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **п** ундоши қатланган: **täп + äк = täпäк > täппäк.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАППИ 'чорва моллари гўнгидан ялпоқ шаклда қуритилган ёқилғи', 'тезак'. .. ***т а п п и*** ёпиб ташланган баланд деворлар билан уч томондан ўралган ҳовли.. (Асқад Мухтор). Бу от **тап** товушга тақлид сўзидан (Девон, III, 159) **–и** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **п** ундоши қатланган: **тап + и = тапи > таппи.**

ТАРА– 'соч доналарини ва шунга ўхшаш нарсаларни тартиблаш учун тароқ юргиз–'. ***Йигит наридан бери сочларини т а р а д и*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'тарқат–', 'ажрат–', 'бўлак–бўлак қил–' маъноларини англатган **тар–** феълидан (Девон, III, 196) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, III, 276); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **тар– + а = тара– > тärä–.**

ТАРИҚ 'донини оқлаб, сўк олинадиган бошоқли ўсимлик'. ***Чумчуқдан қўрққан т а р и қ экмас*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'экин майдони' маъносини англатган **тар** отидан **–ы** қўшимчаси билан ясалиб, 'экин эк–' маъносини англатган феълга **–ғ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, III, 158; Девон, I, 354); кейинчалик ўзбек тилида сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(тар + ы = тары–) + ғ = тарығ > тäриқ.** Бу от дастлаб доннинг барча турларини билдирган, кейинчалик маънода торайиш, хосланиш воқе бўлиб, дон экинининг фақат шу бир турини англата бошлаган.

ТАРЛОН 'ола–була', 'хол–хол', 'чавкар'. ***Т а р л о н бия Бойчибарнинг энаси Чибарнинг товушин тўқайда билди*** ("Алпомиш"). Бу сифат асли қадимги туркий тилдаги 'соч–' маъносини англатган **тар–** феълининг (Девон, II, 419) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)л** қўшимчасини олган шаклидан **–(а)н** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(тар– + ыл = тарыл–) + ан = тарылан > тарлан > тäрлâн.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАРМАШ– 'маҳкам ушла–','ёпиш–'. *"Ана, опанг келди",– деди Муҳаммаджон, этагига т а р м а ш – г а н болаларнинг бир–бир бошини силаб* (Назир Сафаров). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тирна–' маъносини англатган **тарма–** феълидан (Девон, II, 419) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **тарма– + ш = тармаш– > тärмäш–.** ЎТИЛда бу сўз **тирмаш–** феълининг иккиламчи шакли сифатида берилган (II, 127). Дарҳақиқат, Девонда бу сўз **тырмаш–ды** шаклида ҳам келтирилган (II, 241). Кўринадики, бу сўз асли 'тирноқ билан юз терисини тил–' маъносини англатган **тыр–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **ма** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қадимги туркий тилдаёқ биринчи бўғиндаги **ы** унлиси **а** унлисига алмашган: **(тыр– + ма = тырма–) > тарма– + ш = тармаш–.**

Асли 'тирна–' маъносини англатган бу феълда маъно тараққиёти (маънода кенгайиш) воқе бўлиб, ўзбек тилида 'маҳкам ёпиш–' маъносини англата бошлаган: 'тирнаб ёпиш–' → 'маҳкам ёпиш–'.

ТАРМОҚ 'ниманингдир таркибидаги алоҳида шохобча', 'бўлинма'. *Пахтачилик – Ўзбекистон Республикасининг асосий хўжалик т а р м о қ л а р и д а н бири.* Бу от қадимги туркий тилдаги 'ажрат–', 'бўлак–бўлак қил–' маъносини англатган **тар–** феълидан (ДС, 536) эски ўзбек тилида **–мақ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 708); кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тар– + мақ = тармақ > тärмâқ.**

ТАРОҚ 'соч–соқолни тараш буюми'. *Нима бало, бир ҳафтадан бери сочингга т а р о қ тегмаганга ўхшайди!* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатувчи от асли 'ажрат–', 'бўлак–бўлак қил–' маъносини англатган **тар–** феълининг (ДС, 536) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчасини олган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 434); кейинчалик **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 706, 707), ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унли–

www.ziyouz.com kutubxonasi

сига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(тар– + ға = тарға–) + қ = тарғақ > тарақ > тäрâқ.**

ТАРҚА– 'ажралиб, турли томонга кет–'. *Низо–миддинов қанча ўйламасин, ўйининг охири тутунга ўхшаб т а р қ а б к е т а в е р д и* (Сайид Аҳмад). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'соч–' маъносини англатган **тар–** феълининг (ДС, 536) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчасини олган шаклига 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 707); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(тар– + ық = тарық–) + а = тарықа– > тарқа– > тäрқä–.**

ТАРҒИЛ 'йўл–йўл сарғиш ва қорамтир рангли'. *Сигир олсанг, таниб ол, таний олмасанг, т а р ғ и л ол* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат (Девон, I, 446) асли 'тарқат–', 'бўлак–бўлак қил–' маъносини англатган **тар–** феълининг (ДС, 536) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ғы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–л** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(тар– + ғы = тарғы–) + л = тарғыл > тäрғил.**

ТАТИ– 'таъм–маза кирит–', 'таъсир қил–', 'кифоя қил–'. *Қатиқ мошхўрдага яхши т а т и й д и.* Бу феъл қадимги туркий тилда 'таъм–маза' маъносини англатувчи **та:т** отидан (ЭСТЯ, III, 162) **–ы** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 164); қадимги туркий тилдаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолиб, ўзбек тилида **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **та:т + ы = та:ты– > таты– > тäти–.**

ЎТИЛда бу феълнинг биринчи маъноси **тот–** феълининг биринчи маъносига айнан деб таъкидланган; **тати– I** учун келтирилган мисолларда асли **тот–** феъли қатнашаётгани очиқ кўриниб турибди, луғат тузувчини бу мисолларда **тот–** ўрнига **тат–** ёзилгани чалғитган.

ТАТИН– қ. **тот–**

ТАШ 'ташқи томон', 'сирт'. *Мол оласи – т а ш и д а, одам оласи – ичида* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **таш**

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 427; Девон, III, 166; ДС, 539); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **таш > täш.**

ТАШИ– 'нарсани бир жойдан бошқа бир жойга олиб бор–'. ***Тўйбека ичкари билан ташқарига югуриб, дастурхон янгилар, чой т а ш и р э д и*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'сирт' маъносини англатувчи **таш** отидан (ПДП, 427; Девон, III, 166; ДС, 539) **–у** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 171; Девон, III, 282); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига, сўз охиридаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган **таш + у = ташу– > täши–.**

ТАШЛА– 'қўлдаги нарсани пастга йўналтир–'. ***Гуломжон супургини т а ш л а б, қўлларини қоқди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу феъл қадимги туркий тилда 'сирт' маъносини англатган **таш** отидан (ПДП, 427; Девон, III, 166; ДС, 539) **–ла** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 309); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **таш + ла = ташла– > täшлä–.** Бу сўз асли 'сиртга чиқар–' 'ўзга юртга кет–' маъносини англатиш учун хизмат қилган (Девон, III, 309), ҳозирги маъноси ана шу маънонинг тараққиёти натижасида юзага келган.

ТАШМАЛА– 'такрор–такрор олиб кет–'. ***Қизини узатганига йилдан ошди–ю, ҳали ҳам ота–онасиникидан т а ш м а л а й д и.*** Бу сўз ўзбек тилида **täши–** феълидан **–мälä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **täши– + мälä = täшимälä– > täшмälä–.** Асли **–мälä** қўшимчаси икки қўшимчадан таркиб топган бўлиб, **–мä** қисми кучайтириш маъносини, **–лä** қисми 'такрор' маъносини ифодалайди.

ТАШҚАРИ 'ҳовли, хона кабилардан сиртда жойлашган'. ***Дарвоза очилди, т а ш қ а р и д а н саман отини етаклаб Ҳасанали кирди*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'сирт' маъносини англатувчи **таш** отидан (ПДП, 427; Девон, III, 166; ДС, 539) жўналиш келишигининг қадимги **–қару** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 166); кейинчалик бу ке–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишик шакли истеъмолдан чиққан ва бу сўз яхлитлигича сифатга айланган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига, сўз охиридаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **таш + қару = ташқару > täшқäри.**

Бу сўз таркибини бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: Қадимги туркий тилда 'сирт' маъносини англатган **таш** отидан **–қар** қўшимчаси билан ясалган феълга (ДС, 540) **–у** қўшимчасини қўшиб ясалган (ПДП, 427; ДС, 540); ўзбек тилида юқорида таъкидланган товуш ўзгаришлари воқе бўлган: **(таш + қар = ташқар–) + у = ташқару > täшқäри.**

ТАҚ– 'биркит–', 'қада–', 'ос–'. ***Гунафшалар очилди, чаккангга т а қ , чаккангга*** (Зафар Диёр). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тақ**– тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 24); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **тақ– > täқ–.**

ТАҚА 'от туёғи остига михланадиган ярим доира шаклидаги металл буюм'. .. ***т а қ а л а р н и н г тошларга урилишидан чиққан ялт–ялт чақмоқ дам ўтмай узоқлашди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу от эски ўзбек тилида 'биркит–' маъносини англатувчи **тақ**– феълидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 691), кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган **тақ– + а = тақа > täқä.**

ТАҚА– 'зич қилиб ўрнаштир–'. ***Нури ўз юзини йигитнинг юзига т а қ а д и*** (Ойбек). Бу сўз ўзбек тилида 'биркит–' маъносини англатувчи **тақ**– феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 691), кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **тақ– + а = тақа– > täқä–.**

ТАҚИМ 'оёқнинг тиззадан букиладиган жойи'. .. ***мен ўйловдимки, улоқни т а қ и м г а босиб келасиз, бу ерда қозон осамиз деб*** .. (Ойбек). Бу от эски ўзбек тилида 'биркит–' маъносини англатувчи **тақ**– феълининг 'эгиб қис–' маъносидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 693; ЭСТЯ, III, 130), кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тақ– + ым = тақым > täқим.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАҚИНЧОҚ 'қулоқ, бўйин, бармоққа тақиладиган безак буюми'. ***Келиним т а қ и н ч о қ л а р г а ўч: зирак, маржон, узуклари сон–саноқсиз.*** Бу сўз ўзбек тилида 'биркит–' маъносини англатувчи **тäқ**– феълига **–(и)н** қўшимчасини қўшиб ясалган отдан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чâқ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **(täқ– + ин = täқин) + чâқ = täқинчâқ.**

ТАҒИН 'бунинг устига', 'бундан ташқари'. ***Қўйинг–э, эскиларимни шу кияди, салқитимни шу ейди. Т а ғ и н нима керак унга?!*** (Парда Турсун). Бу сўз асли қадимги туркий тилда шундай маънони англатган **тақы** сўзига (ПДП, 426; Девон, III, 246; ДС, 536) восита келишигининг **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 124), маъно тараққиёти натижасида бу сўз равишга айланган; ўзбек тилида **қ** ундоши **ғ** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тақы + н = тақын > тағын > täғин.** Ўзбек тили шеваларида бу сўзнинг **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган қадимги **тағи** шакли ҳам сақланган (ЎТИЛ, II, 148).

ТЕБРАН– 'қимирла–', 'чайқал–'. ***Шифтга осиғлиқ беланчак бир текис т е б р а н а р к а н, токчадаги чироқ ҳовли юзига узун–узун соя ташлаб ўтарди*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ҳаракатга кел–', 'қимирла–' маъносини англатган **тебрä**– феълининг (Девон, III, 292; ДС, 546) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини олган шаклига тенг (Девон, II, 279). Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **тебрä**– феъли асли **теб** тақлид сўзининг **–(и)р** қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 113); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(теб + ир = тебир) + ä = тебирä– > тебрä–. Тебрän–, тебрät**– сўзлари ана шу **тебрä**– феълидан **–н, –т** қўшимчалари билан ҳосил қилинган.

ТЕБРАТ– қ. **тебран–**

ТЕВАРАК 'кўриниб турган ҳамма жой','атроф'. ***Т е в а р а к к а кўз югуртирар экан, Олимовнинг ҳам пешанаси тиришиб кетди*** (Ҳаким Назир). Бу от қадимги туркий тилдаги 'айлан–' маъносини англатган

www.ziyouz.com kutubxonasi

тегир– феълидан (Девон, I, 452: **тегирмä нең**) эски ўзбек тилида **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 718); кейинчалик **г** ундоши **в** ундошига, **и** унлиси **ä** унлисига алмашган: **тегир– + äк = тегирäк > тевирäк > теväрäк.**

ТЕГ– 'тақал–', 'зичлан–'. ***Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча, энкайганга энкайгин бошинг ерга т е к к у н ч а*** (Мақол). Қадимги туркий тилда шундай маънони ва бошқа бир қанча маъноларни англатган бу феъл асли **täг– | тӟг–** тарзида талаффуз қилинган; кейинроқ **ä | ӟ** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 546): **täг– | тӟг– > тег–.**

ТЕГИРМОН 'ғаллани ун қилиб, шолини оқлаб гуруч қилиб берадиган қурилма'. ***Сой бўйида беҳисоб дарахтлар орасига кўмилган т е г и р м о н гувуллар эди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу от қадимги туркий тилда 'айлан–' маъносини англатган **тегир–** феълидан (Девон, I, 452: **тегирмä нең**) **–мäн** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 177; Девон, I, 350); ўзбек тилида учинчи бўғиндаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **тегир– + мäн = тегирмâн > тегирмâн.**

ТЕГРА 'теварак', 'атроф' (оз ишлатилади). ***Кўклам либосини кийибди дара, Гуллар очилибди т е г р а н г д а қийғос*** (М.Икром). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'айлан–' маъносини англатган **тегир–** феълидан (Девон, I, 452: **тегирмä нең**) **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 179; ПДП, 428; ДС, 548); кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 397): **тегир– + ä = тегирä > тегрä.**

ТЕК 'ҳеч нарса қилмай', 'жим'. ***Ҳамма бир лаҳза т е к қолиб, бирдан кулги кўтарилди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **täк, тӟк** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 428; Девон, I, 321); кейинроқ **ä | ӟ** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 550): **täк | тӟк > тек.** Отни жим туришга ундовчи **täк** сўзи асли **тек** сўзининг энг қадимги талаффуз шаклига тенг.

ТЕКИН 'эвазига ҳеч нарса талаб қилинмайдиган', 'бепул'. ***Узоқ сафарга пул керак. Т е к и н қимиз, эт қайда*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънони англатган бу сифат асли **текўн, текин** тарзида талаффуз қилинган; **текўн** сўзи 'эвазига ҳеч нима талаб қилинмайдиган' маъносини, **текин** сўзи эса 'бекорга' маъносини англатган (ДС, 550). Ўзбек тилига **текўн** сўзи **текин** шаклида етиб келган.

ТЕЛБА 'ақлдан озган', 'жинни'. *У бетлари юмдаланган, оппоқ сочлари юлинган бу т е л б а хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлдошига ўхшата олмади* (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли 'ақлдан оз–' маъносини англатган **тäл–** феълидан **–бä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 216). Қадимги туркий тилда бу сифат **тäлвä** (ПДП, 429), **телвä** (Девон, I, 402; ДС, 551) тарзида талаффуз қилинган; ўзбек тилига эса **тäлбä** шакли биринчи бўғинидаги **ä** унлиси **е** унлисига алмашиб етиб келган: **тäл– + бä = тäлбä > телбä.** Шеваларда бу сифат **телвä** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ТЕЛВА қ. **телба**

ТЕЛМИР– қ. **термил–**

ТЕМИР 'қорамтир кумуш рангли оғир металл'. *Унинг ўн уч яшар ўғли дам босиб, кичик болға билан т е м и р н и уриб, дадасига ёрдамлашарди* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тämир** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 429), кейинроқ **темўр, темир** шакллари юзага келган (Девон, I, 342, 464; ДС, 554): **тämир > темўр > темир.**

ТЕМИРАТКИ 'шўралаган ёки қўтирсимон тери касаллиги'. *Эчкининг сути т е м и р а т к и г а дори бўлармиш* (Сайид Аҳмад). Шундай маънони англатган сўз Маҳмуд Кошғарий луғатида **тэмрäкў** шаклида (Девон, I, 453), худди шу манбадан олинган сўз ДСнинг 551– бетида **темрäгў** шаклида келтирилган. Э.В.Севортян луғатида (ЭСТЯ, III, 190) кўпчилик туркий тилларда бу сўз **темрегў, темиräткў** шаклида, ўзбек тилида **темиräтки** шаклида ишлатилиши таъкидланган. Бу сўз охиридаги **–ки** қисми от ясовчи қўшимча экани аниқ; иккинчи бўғиндаги **и** унлиси кейин қўшилган деб ҳукм чиқариш мумкин; **темрät–** қисми охиридаги **–т** орттирма шакли қўшимчасига тенг; демак, қадимги туркий тилда **темрä–** феъли мавжуд бўлган, лекин у қандай маънони

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатгани ноаниқ. Асли **темрä**– сўзи ҳам туб эмас, балки бу феъл **–рä** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак; унда **тем** қисми от ёки сифатга тенг бўлиб чиқади, лекин бундай сўз манбаларда таъкидланмаган (шўралаш касаллигини англатган от бўлса керак).

Девоннинг ўзбекча таржимасида **темрäкў** сўзининг **темирўтки** сўзи билан изоҳланиши бу сўзни **темир ўтки** бирикмасининг бир сўзга бирлашувидан юзага келган деб тушунишнинг ("сохта этимология"лашнинг) нати–жаси бўлса керак. К.К.Юдахин луғатида (КРС, 723) бу сўзнинг **темирöткў** шакли келтирилган, лекин асосий шакл **темиретки** экани таъкидланган.

ТЕҢ 'ўлчами, ҳажми, миқдори каби жиҳатлари баравар'. ***Унинг учун оламда ўзига т е н г одам йўқ*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **täң | тэң** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 193; Девон, III, 366); кейинроқ **ä | э** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 551): **täң | тэң > тең.**

ТЕҢ–ТУШ || ТЕҢ–У ТУШ 'тенгқур'. ***Менга мотам тутиб, қора боғламанг, Т е н г – у т у ш и м нозик бағрин доғламанг*** (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий). Қадимги туркий тилда таркиб топган бу жуфт сўзнинг иккинчи аъзоси 'тенгдош' маъносини англатган сўз бўлиб, асли **тўш** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 138, 366; ДС, 551); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тең–тўш > тең–туш.**

ТЕҢҚУР 'ёши тенг', 'тенгдош'. ***Т е н г қ у р л а р и м – беш йил бир аудиторияда ўқиган қадрдонларим тўда–тўда бўлиб сафарга отланишарди*** (Ҳаким Назир). Бу қўшма сўз асли 'баравар' маъносини англатувчи **тең** сўзи билан қадимги туркий тилдаги 'қуршовчи' маъносини англатган **қур** сўзидан (Девон, I, 314) таркиб топган: **тең + қур = теңқур.**

ТЕП– 'оёқ билан зарб бер–'. ***Итни қопмас деб бўлмас, отни т е п м а с деб бўлмас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл дастлаб **тип–** (ПДП, 430) тарзида талаффуз қилинган; кейинроқ **и** унлиси **е** унлисига алмашган (Девон, II, 9; ДС, 552): **тип– > теп–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕПА 'дўнг жой'. *Т е п а д а н қараган кишига бу ариқча илон изидек .. кўринар эди* (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **төпä, төпӱ** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 580); ўзбек тилида **ö** унлиси **е** унлисига алмашган: **төпä > тепä.** Бу сўз охиридаги **ä,** ў қисми асли лексема ясовчи қўшимча, лекин манбаларда **төп–** феъли ўз аксини топмаган.

ТЕПАҒОН 'тепонғич'. *Туёғида оласи бор от т е п а ғ о н бўлади.* Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'оёқ билан зарб бер–' маъносини англатувчи **тип– || теп–** феълининг (Девон, II, 9; ДС, 552) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини олган шаклидан **–гäн** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шаклига тенг бўлиб, кейинчалик сифатга айланган; ўзбек тилида **г** ундоши **ғ** ундошига, **ғ** ундошининг таъсири билан ундан кейинги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(тип– || теп–) + ä = тепä–] + гäн = тепäгäн > тепäғâн.**

ТЕР 'тери остидаги махсус безлар ажратадиган сувсимон шаффоф суюқлик'. *Уйнинг димлигиданми ёки оғриқ азобиданми, унинг пешанасида майда т е р томчилари ялтирарди* (Саида Зуннунова). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тäр | тӟр** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 429; ЭСТЯ, III, 203; Девон, I, 191); кейинроқ **ä | ӟ** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 553): **тäр | тӟр > тер.**

ТЕР– 'сочилиб ётган нарсаларни қўл билан бирма–бир йиғиб ол–'. *Гуломжон отхонага кириб, тўкилган бедаларни охурга т е р и б солди* (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл дастлаб **тир–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 430); кейинроқ **и** унлиси **е** унлисига алмашган (Девон, III, 196; ДС, 553): **тир– > тер–.**

ТЕРИ 'тананинг ташқи қопламаси','чарм'. *Бир т е р и н и н г ичида қўй неча бор семириб, неча бор озади* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от дастлаб **тäри** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 429); кейинроқ **ä** унлиси **е** унлисига алмашган (Девон, III, 240): **тäри > тери.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЕРМИЛ– 'умид билан суқланиб қара–', 'жовдираб узоқ қараб тур–'. *Чол ўғлининг ўйчан кўзларига т е р м и л и б Ботиралидан гапира кетди* (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **телмир–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 208; ДС, 550); ўзбек тилида **р, л** ун–дошлари ўрин алмашган: **телмир– > термил–** (ЭСТЯ, III, 186). Бу сўз асли 'ўнг ва чап томонга қара–' маъносини англатган (Девон, II, 208), ҳозирги маъноси кейин юзага келган. ЎТИЛдаги таъкиддан маълум бўладики, сўзлашув нутқида бу сўз **телмир–, телмўр–** шаклларида ҳам та–лаффуз қилинади. Асли адабий тил учун қадимги **тел–мир–** шаклини танлаш, **термил–** шаклини сўзлашув нутқига хос деб таъкидлаш тўғри.

ТЕРС 'қарама–қарши', 'чаппа', 'тескари'. *Ало–иддин Машҳадий кўзларини сал очиб, юзини т е р с ўгирди* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **тӓрс | тӛрс** тарзида та–лаффуз қилинган (ПДП, 429; Девон, I, 332); кейинроқ **ӓ | ӛ** унлиси **е** унлисига алмашган (ДС, 255): **тӓрс | тӛрс > терс**.

ТЕРСКАЙ 'қуёш нури тушмайдиган'. *Унга Шер–бек анави т е р с к а й, қор ётган қирнинг ортидан ҳали замон от ўйнатиб чиқиб қоладигандай туйи–ларди* (Суннатилла Анорбоев). Бу сифат 'тескари то–мон' маъносини англатувчи **терс** отидан **–кӓй** қўшимча–си билан ясалган: **терс + кӓй = терскӓй.**

ТЕРТ 'ивитилган сомонга майда кунжара, кепак аралаштириб тайёрланадиган ем'. *Молнинг палови – силос, ҳозирча кепак сепиб, т е р т қориб беринг–лар, болам* (А.Мираҳмедов). Бу от 'сочилиб ётган нарсаларни йиғ–' маъносини англатувчи **тер–** феълидан **–(и)т** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **тер– + ит = терит > терт.**

ТЕСКАРИ 'ўнгнинг зидди','терс'. *Қўлимга туш–ганида юзига куя суриб, эшакка т е с к а р и мин–дирар эдим–ку, ..* (Парда Турсун). Бу сўз асли эски ўз–бек тилида **терс** сифатидан жўналиш келишигининг қадимги **–кӓрӱ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейин–чалик бу келишик шакли ишлатилмай қўйган ва бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

яхлитлигича сифатга айланган; сўнгра қатор келган уч ундошдан **(рск) р** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, охирги очиқ бўғиндаги ў унлиси **и** унлисига алмашган (КРС, 729): **терс + кäрў = терскäрў > тескäрў > тескäри.**

Бу сўз таркибини бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: **терс** сўзидан **–кäр** қўшимчаси билан феъл ясалган ва ундан –ў қўшимчаси билан сифат ясалган; ўзбек тилида юқорида таъкидланган товуш ўзгаришлари воқе бўлган **(терс + кäр = терскäр) + ў = терскäрў > тескäрў > тескäри.**

ТЕТИК 'куч–қувватини йўқотмаган', 'бардам'. ***Раҳима хола тўқсонга кирган бўлса ҳам, ҳали т е т и к.*** Қадимги туркий тилда 'англаш, фикрлаш қобилиятига эга' маъносини англатган бу сифат асли **тäтик** (ПДП, 429), **тетиг, тетик** (ДС, 556) тарзида талаффуз қилинган. КРСнинг 730– бетида келтирилган **тетик, тетил–** сўзларидан кўринадики, **тетик** сифати қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'англаш, фикрлаш қобилиятини намоён қил–' маъносини англатган **тети–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 556): **тети– + к = тетик.**

ТЕШ– 'бирор нарса воситасида тешик ҳосил қил–'. ***Сув тўғонни т е ш и б ўтибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тä:ш–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 210); ўша даврлардаёқ **ä:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган ва бу унли **е** унлисига алмашган (Девон, II, 146: **тешилди;** ДС, 555): **тä:ш– > täш– > теш–.**

ТЕШИК 'тешиш натижасида ҳосил бўлган жой'. ***Йигитча .. эшик ва бўғот т е ш и к л а р и д а н гуркираб тутун чиқаётган уйни кўрсатди*** (Парда Турсун). Шундай маънони англатган бу от қадимги туркий тилда 'бирор нарса воситасида тешик ҳосил қил–' маъносини англатган **теш–** феълидан **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 211; ДС, 555); кейинроқ ў унлиси **и** унлисига алмашган (Девон, I, 368): **теш– + ўк = тешўк > тешик.** Қадимги туркий тилда 'ебтўймас' маъносини англатган **теши** сўзидан кич– райтириш маъносини ифодаловчи **–к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган **тешик** сўзи ҳам мавжуд бўлган (Девон, I,

www.ziyouz.com kutubxonasi

368) ва у 'очкўз' маъносини англатган; балки ана шу сўздан фарқлаш мақсадида 'тешиш натижасида ҳосил бўлган жой' маъносини англатувчи сўз **тешўк** шаклида ишлатилгандир. 'Очкўз' маъносини англатган **тешик** сўзи ишлатилмай қўйгандан кейин **тешўк** сўзини **тешик** шаклида ишлатишга йўл очилган.

ТИЗ 'оёқнинг болдир билан сон боғланадиган жойи'. ***Т и з букиб, таъзим этиб, иззат қилолмай доғман*** (Муқимий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'кетма–кет боғла–' маъносини англатган **тиз–** феълидан маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан (ПДП, 431; Девон, II, 16, III, 135; ДС, 564): **тиз– → тиз.**

ТИЗГИН 'иш ҳайвонини бошқариш учун хизмат қиладиган чизимча', ' жилов'. ***Одамнинг т и з г и н и – ақл*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'юргиз–' маъносини англатган **тиз–** феълининг (ПДП, 431) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ги** қўшимчаси олган шаклидан **–н** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 431; Девон, I, 326; ЭСТЯ, III, 221): **(тиз– + ги = тизги–) + н = тизгин.**

ТИЗЗА 'оёқнинг болдир билан сон боғланадиган жойи'. ***Турсунбой қамиш капа олдида т и з з а с и – н и қучоқлаб дарвиш қиёфасида ўтирарди*** (Сайид Аҳмад). Бу от асли 'кетма–кет боғла–' маъносини англатган **тиз–** феълидан (ПДП, 431; Девон, II, 16; ДС, 564) эски ўзбек тилида **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 337; КРС, 732); кейинчалик **з** ундоши қатланган: **тиз– + ä = тизä > тиззä.**

ТИЙ– 'бирор фаолиятни амалга оширишдан сақла–'. ***Жаҳли чиқса, ўзини т и ё л м а й д и, сўкина бошлайди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл дастлаб **тыз–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 444); кейинроқ **з** ундоши **й** ундошига алмашган (Девон, III, 262; КРС, 789); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тыз– > тый– > тий–.**

ТИЙИН 'бир сўмнинг юздан бирига тенг пул (чақа)'. ***Даромад тақсимотида ҳар бир меҳнат кунига .. бир сўм–у қирқ етти т и й и н д а н пул***

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушди (Абдулла Қаҳҳор). Асли **тейиң** тарзида талаффуз қилинган бу сўз қадимги туркий тилда 'олмахон' маъносини англатган (ЭСТЯ, III, 180); натура билан савдо қилинган вақтларда айирбошланадиган нарсанинг қиймати неча дона тейиң (олмахон) териси эвазига алмаштирилиши билан белгиланган, шу асосда **тейиң** сўзининг юқорида таърифланган маъноси юзага келган; кейинчалик сўз охиридаги **ң** ундоши **н** ундошига, биринчи бўғиндаги **е** унлиси **и** унлисига алмашган: **тейиң > тейин > тийин.** Қадимги туркий тилдаёқ бу сўз товуш жиҳатидан қисқариб, **тин** тарзида ҳам талаффуз қилинган (ПДП, 430: tin – 'копейка', 'грош'); худди шундай талаффуз ҳозир ўзбек сўзлашув нутқида ҳам мавжуд.

ТИК 'вертикал ҳолатга эга'. ***Бобоқул отанинг назари т и к қоя лабида турган оқ улоққа тушди*** (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **тиң** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 368), кейинчалик **ң** ундоши **к** ундошига алмашган (КРС, 733; ЭСТЯ, III, 225): **тиң > тик.**

ТИК– 'игна билан чоклаб бириктир–'. ***Даҳлизда Ҳасанали узилган от асбобларини улаб т и к а р э д и*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай талаффуз қилинган бу феъл 'бир нарсани бошқа нарсага кирит–', 'қада–' маъносини англатган **тик–** феълидан (ДС, 558: **тик– III**) маъно тараққиёти (маънода торайиш, хосланиш) натижасида ажралиб чиққан: **тик– I** (ЭСТЯ, III, 226: 'умуман кирит–', 'тиқ–') → **тик– II** (ЭСТЯ, III, 228: 'игна тиқиб, ип билан бирлаштир–').

ТИКАН 'ўсимликнинг, ҳайвоннинг ингичка учли, игнага ўхшаб санчиладиган аъзоси'. ***Т и к а н бўлиб оёққа қадалгунча гул бўлиб кўракка санчил*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'санч–', 'кирит–' маъносини англатган **тик–** феълидан (ДС, 558: **тик– III**) **–(ä)н** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 558): **тик– + än = тикän.** Маҳмуд Кошғарий бу сўзни **тик–** феълига **–кän** қўшимчасини қўшиб сифат ясалган, қоидага кўра бу сўз **тик–кän** бўлиши керак эди деб изоҳлайди (Девон, I, 381); тушунтиришидан кўриниб турибдики, Маҳмуд Кошғарий

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифат ясашни феълнинг сифатдош шаклини ҳосил қилишдан фарқламаган.

ТИКАНАК 'тиканли ўсимлик'. ***Чўққининг ўрта ерида .. т и к а н а к ва арча чўкиртакларидан гулхан ёқилгач болаларнинг қувончи яна қанотланди*** (Ҳаким Назир). Бу сўз асли **тикän** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **тикän + äк = тикänäк.**

ТИККА 'бурилмай, оғмай', 'тўппа–тўғри'. ***Мастон иланг–биланг йўлни қолдириб, мўлжалланган тепаликка т и к к а йўл солди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида **тик** сифатидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 225); қўшимча қўшилганидан кейин **к** ундоши қатланган (бу усул билан маъно яна ҳам кучайтирилган): **тик + ä > тиккä.**

ТИЛ 'оғиз бўшлиғида пастки жағга ёпишган, таъм–маза билишга, нутқ товушларини ҳосил қилишга хизмат қиладиган аъзо'. ***Айтсам, т и л и м куяди, айтмасам – дилим*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'гапир–' маъносини англатган **ти–** феълидан (ПДП, 429) **–л** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 229): **ти– + л = тил.**

ТИЛА– 'истак–хоҳиш билдир–'. ***Бировга ўлим т и л а г у н ч а ўзингга умр т и л а*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл 'таъм–маза билиш, нутқ товушларини ҳосил қилиш аъзоси' маъносини англатувчи **тил** отидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 232): **тил– + ä = тилä–.** Дастлаб 'гапир–', 'изҳор қил–' маъносини англатган бу феъл (Девон, III, 286) кейинчалик 'истак–хоҳиш билдир–' маъносини англата бошлаган (Девон, III, 287): маънода торайиш, хосланиш воқе бўлган.

ТИЛКА: ТИЛКА–ТИЛКА ҚИЛ–, ТИЛКА–ТИЛКА БЎЛ– 'узунасига бўлакларга кес–'. ***Унинг қўл–оёқлари кишанланган, сочлари юлинган, кийимлари т и л к а – т и л к а қ и л и н г а н э д и*** (Ойдин). Бу сўз қадимги туркий тилда 'узунасига бўлакларга кес–' маъносини англатган **тил–** феълидан **–кä** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб (Девон, I, 404; КРС, 736), ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

якка ўзи деярли ишлатилмайди; **тилка–тилка** такрори эса ҳолат маъносини англатади ва ундан **қил–, бўл–** ёрдамчилари билан феъл ясалган: **тилкä–тилкä қил–** каби.

ТИМ 'ўта', 'бутунлай' (кучайтирувчи сўз). ***Майда ўрилган т и м қора сочлари белидан пастга тушиб турибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони билдирган бу сўз асли **тўм** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 324); кейинчалик **ў** унлиси **и** унли– сига алмашган: **тўм > тим.** Бу сўз дастлаб отларнинг ту– сини билдирувчи сифатлар билан **(тўм торуғ, тўм қâрä** каби) ишлатилиб, кейинчалик фақат **қâрä** сифати би– лангина ишлатиладиган бўлган, лекин **тим қâрä** сифа– тининг боғланиш доираси кенгайган: **тим қâрä → тим қâрä ât, câч, қâш, коз, тон, туфли, ...**

ТИМДАЛА– 'тирноқ ёки ўткир учли нарса билан юза ҳолатда бир неча марта тил–', 'тирна–'. ***"Ҳорма, яхши келдингми?" – деди Шукур чаноқлар бироз т и м д а л а г а н қўлини узатиб*** (Н. Орифжонов). Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'тирноқ билан юз терисини тил–' маъносини англатган **тыр–** феълининг (ЭСТЯ, III, 347) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига (ДС, 569) эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 794), кейин– чалик **рм** ундошлари ўрин алмашган, **р** ундоши **д** ун– дошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлиси– нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(тыр– + ма = тырма–) + ла = тырмала– > тымрала– > тимдälä–.**

ТИН 'нафас' (оз ишлатилади). ***Бўғизига тиқилиб т и н и Нури сари қилди ишора, Зайнаб учун бу бўлди чора*** (Ҳамид Олимжон). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тын** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 436; Девон, I, 326; ДС, 567); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тын > тин.**

ТИН– 'тўхта–', 'тинчи–'. ***Кун бўйи давом этган шиддатли жала кечга бориб т и н д и*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тын–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 436;

www.ziyouz.com kutubxonasi

Девон, II, 36); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тын– > тин–.** Бу феъл дастлаб 'нафасни ростла–' маъносини англатган, 'тўхта–', 'тинчи–' маъноси ана шу маъно асосида юзага келган (ДС, 567). Буни **тын–** феълининг 'нафас' маъносини англатувчи **тын** исм эшидан билиш мумкин.

ТИНЧ 'ташвишдан, хатардан холи', 'осойишта'. ***Қўшнинг т и н ч – сен т и н ч*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **тын–** феълининг 'ҳаракат–фаолиятдан тўхта–' маъносидан (ДС, 567: **тын– 4**) эски ўзбек тилида **–(ы)ч** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 344); кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 791; ТРС, 622), **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тын– + ыч = тыныч > тынч > тинч.**

ТИНҒИЛЛАТ– қ. **тинғирлат–**

ТИНҒИРЛАТ– 'чолғу асбобининг торини черт–'. ***Мухторжон токчадаги дуторни олиб, т и н ғ и р л а т д и*** (Ҳамид Ғулом). Бу феъл ўзбек тилида **тинғир** товушга тақлид сўзидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–т** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(тинғир + лä = тинғирлä–) + т = тинғирлät–.** ЎТИЛга бу феъл **тинғ** товушга тақлид сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган деб ўйлаб, хато равишда **тинғиллät–** шаклида киритилган.

ТИҢЛА– 'қулоқ сол–'. ***Шогирдлар муаллиманинг сўзини т и н г л а р э к а н, дам Михайловга, дам унинг станогига тикилар эдилар*** (Назир Сафаров). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл 'қулоқ солиш' маъносини англатган **тың** отидан (ДС, 568: **тың II**) **–ла** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 412; ДС, 568; ЭСТЯ, III, 236); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тың + ла = тыңла– > тиңлä–.**

ТИПРАТИКАН 'усти тиканлар билан қопланган сутэмизувчи кичкина ҳайвон'. ***Т и п р а т и к а н заҳарли илонларга қирон келтиради.*** Бу сўз асли 'кўп тикан' маъносини англатган **кирпи** оти билан **тикän** отидан таркиб топган жуфт сўз бўлиб, кейинчалик бир сўзга яхлитланган: **кирпи–тикän > кирпитикän;** сўнгра

www.ziyouz.com kutubxonasi

рп ундошлари ўрин алмашган, **кирпи** сўзи бошланиши — даги **к** ундоши **т** ундошига, охиридаги **и** унлиси **ä** унли — сига алмашган: **кирпитикäн** > **кипритикäн** > **типрä-тикäн.**

ТИРА– 'бир нарсани бошқа нарсага тая–'. *[Ғуломжон] узангиларга оёқларини т и р а б қаддини бироз кўтарди* (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги турк — кий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл 'хода', 'таёқ' маъносини англатган **тир** отидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 238; Девон, III, 278): **тир** + **ä** = **тирä–.** Бу феъл дастлаб 'тирговуч қўй–' маъносини англатган, 'тая–' маъноси ана шу маънонинг кенгайиши билан юзага келган; **тирäк** оти (**тирä–** + **к** – 'тирговуч') бу феълнинг дастлабги маъносидан ясалган.

ТИРАГИЧ қ. **тирговуч**

ТИРАК қ. **тира–**

ТИРГАК қ. **тирка–**

ТИРГИЗ– 'тирик ҳолатга қайтар–'. *Ғамли кетган Муқимийни т и р г и з д и н г, Озод халқнинг қаторига киргиздинг* (Ҳабибий). Бу сўз қадимги туркий тилда 'яша–', 'ҳаёт кечир–' маъносини англатган **ти:р–** феълидан **–гўз** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилин — ган (ДС, 562); ўша даврлардаёқ **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, кейинчалик **ў** унлиси **и** унлисига ал — машган: **ти:р–** + **гўз** = **ти:ргўз–** > **тиргўз–** > **тиргиз–.** Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида кам қўлланади, чунки шундай маъно **тирилтир–** сўзи билан ифодаланадиган бўлган.

ТИРГОВУЧ 'кўтариб, суяб туриши учун қўйиладиган таёқ ёки шундай вазифани бажарадиган нарса'. *Ер қатлами силжиб шитирлайди, йўғон т и р г о в у ч л а р қисирлаб синади* (Сайид Аҳмад). Бу от қадимги туркий тилдаги 'хода', 'таёқ' маъносини англатган **тир** отидан (ЭСТЯ, III, 238) ўзбек тилида **–гä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–гўч** қўшимчасини қўшиб ясалган; дастлаб **–гўч** қўшимчаси бошланишидаги **г** ундоши **в** ундошига, сўнгра **в** ундоши таъсири билан унинг олди — даги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган, **ў** унлисининг юм — шоқлик белгиси йўқолган: (**тир** + **гä** = **тиргä–**) + **гўч** = **тиргäгўч** > **тиргâвуч.** Худди шундай маънони англатувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирäгич оти **тирä–** феълидан **–гич** қўшимчаси билан ясалган: **тирä–** + **гич** = **тирäгич.**

ТИРИҚ 'яшаб турган', 'ўлмаган'. ***Балиқ сув билан т и р и к*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат 'яша–', 'ҳаёт кечир–' маъносини англатган **ти:р–** феълидан **–(и)г** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 239; ПДП, 430; Девон, I, 367; ДС, 562); ўша даврлардаёқ **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, кейинчалик сўз охиридаги **г** ундоши **к** ундошига алмашган: **ти:р–** + **иг** = **ти:риг** > **тириг** > **тирик.**

ТИРИЛ– 'тирик ҳолатга қайт–'. ***Мана шу салладан бири бориб, бир марта "суф" деса, унинг онаси т и р и л и б к е т а д и*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **ти:р–** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ПДП, 430; Девон, II, 144; ДС, 562), ўша даврлардаёқ **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган: **ти:р–** + **ил** = **ти:рил–** > **тирил–.**

ТИРКА– 'бир нарсани бошқа бир нарсага бирик–тир–'. ***Қаторга т и р к а д и к лўк билан норча, Устига юкладик қирмизи парча*** ("Алпомиш"). Қадимги туркий тил акс эттирилган манбаларда қайд этилмаган бу сўз асли 'хода', 'таёқ' маъносини англатган **тир** оти–дан (ЭСТЯ, III, 238) ўзбек тилида **–кä** қўшимчаси билан ясалган: **тир** + **кä** = **тиркä–.** Шу феълдан ясалган **тиргäк, тиргâвич** отлари **тиркä–** феъли таркибида асли **–кä** қўшимчасининг **–гä** шакли қатнашганини кўрсатади: **(тир** + **гä** = **тиргä–)** + **к** = **тиргäк.**

ТИРМАЛА– қ. **тимдала–**

ТИРМАШ– 'маҳкам ушла–', 'ёпиш–'. .. ***ранги қув ўчган, титраб турган Анвар унинг иккинчи оёғига т и р м а ш д и*** (Ҳ.Аҳмар). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тирна–' маъносини англатган **тырма–** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 345; Девон, II, 241); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тырма–** + **ш** = **тырмаш–** > **тирмäш–.** Асли 'тирна–' маъносини англатган бу сўзда маъно тараққиёти (маънода кенгайиш) воқе бўлиб, ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида 'маҳкам ёпиш–' маъносини англата бошлаган: 'тирнаб ёпиш–' → 'маҳкам ёпиш–'.

ТИРНА– 'юза ҳолатда тил–'. ***Мушук боласи қўлини тирнаб олди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'тирноқ билан юз терисини тил–' маъносини англатган **тыр–** феълидан **–(ы)ң** қўшимчаси билан ясалган сифатга (отга) **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, III, 347); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ң** ундоши **н** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(тыр– + ың = тырың) + а = тырыңа– > тырңа– > тырна– > тирнä–.**

ТИРНОҚ 'бармоқлар учининг устидаги мугузсимон қоплама'. ***Махсум ўсиқ тирноқларини Бобоқулнинг бўғизига ботиришга чоғлаб хезланиб кела бошлади*** (Суннатилла Анорбоев). Бу от қадимги туркий тилда 'тирноқ билан юз терисини тил–' маъносини англатган **тыр–** феълидан **–(ы)ң** қўшимчаси билан ясалган сифатга (отга) **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 347); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, III, 393), **ң** ундоши **н** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(тыр– + ың = тырың) + а = тырыңа] + қ = тырыңақ > тырңақ > тырнақ > тирнâқ.**

ТИРСАК 'қўлнинг билак суяги букиладиган жойи'. ***Карим тирсаги билан Ойтўтини секингина туртиб қўйди*** (Ойдин). Бу от қадимги туркий тилда асли 'йиғ–', 'букла–' маъносини англатган **тир–** феълининг (ЭСТЯ, III, 205; Девон, I, 441: **тирнäк**) 'мойил' маъносини ифодаловчи **–си** қўшимчасини олган шаклидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–гä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўша даврлардаёқ иккинчи бўғиндаги тор унли (Девон, III, 430), сўнгра **г** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 563): **[(тир– + си = тирси–) + гä = тирсигä–] + к = тирсигäк > тирсгäк > тирсäк.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТИТ– 'кўп нарса орасидан ниманидир ахтариб ковла–'. *Қоғозларни қанча т и т с а м ҳам, лаънаси дафтар сира–сира топилмади* (Шароф Рашидов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **ты:т–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 321); ўша даврлардаёқ **ы:** унлисининг чўзиқлик белгиси (ПДП, 430; Девон, Ш, 337), кейинчалик қаттиқлик белгиси йўқолган: **ты:т– > тыт– > тит–.**

ТИТРА– 'совуқдан, ҳаяжонланишдан бадани силкин–', 'қалтира–'. *Ҳаёт пиқ–пиқ йиғлар, елкалари дир–дир т и т р а р э д и* (Мирзакалон Исмоилий). Бу феъл силкиниш ҳолатини билдирувчи **титир–титир** тақлид сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 564), кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 564): **титир + ä = титирä– > титрä–.**

ТИТРАК қ. **титроқ**

ТИТРОҚ 'совуқдан ёки бошқа бир сабабдан қалтираш, титраш ҳолати'. [*Сидиқжоннинг*] *телеграмма қоғозини тутиб турган қўли титради. Бу т и т р о қ аста–секин вужудини қамраб олди* (Э.Усмонов). Бу от асли қадимги туркий тилда **титрä–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 564: **титрäкчи**). ЎТИЛда **титрäк** сўзи оз қўлланилиши таъкидланган. Таркибидаги ҳар икки унли юмшоқ талаффуз қилинадиган **титрä–** феълига қўшимчанинг **–к** шакли қўшилиши тўғри, лекин ҳозирги ўзбек тилида бу қўшимчанинг **–қ** шакли талаффуз қилинадиган бўлган, натижада **ä** унлиси ҳам **â** унлисига алмашган: **титрä– + к = титрäк > титрâқ.**

ТИШ 'чайнаш учун хизмат қиладиган суяксимон аъзо'. *Жувон елкаси оша Сидиқжонга қараб, оппоқ, маржондек тизилган т и ш л а р и н и ярқиратиб илжайди* (Абдулла Қаҳҳор) . Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **ты:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 243), ўша даврлардаёқ **ы:** унлисининг чўзиқлик белгиси (Девон, III, 138; ДС, 563), ўзбек тилида эса қаттиқлик белгиси йўқолган: **ты:ш > тыш > тиш.**

ТИШЛА– 'тишлар орасига олиб қис–'. *Тилини т и ш л а б о л г а н одам тишини суғуриб таш–*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ламайди (Абдулла Қаҳҳор). Бу феъл қадимги туркий тилда **тыш** отидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 563; Девон, II, 396); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тыш + ла = тышла– > тишлä–.**

ТИҚ– 'бир нарсани бошқа нарсага киргиз–'. ***Муҳиддин ака телпагининг орқасидан қўлини т и қ и б, бошини қашлади*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'тўс–' маъносини англатган **ту–** феълидан (Девон, III, 265; ДС, 584) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган дейилади (ЭСТЯ, III, 339); кейинчалик **у** унлиси **ы** унлисига алмашган (Девон, II, 24; ДС, 569), ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ту– + қ = туқ– > тық– > тиқ–.**

ТИҒИЗ 'бир–бирига жуда зич жойлашган'. ***Тутқин сасни тополмадим Т и ғ и з ўрмонларда ҳам*** (Мақсуд Шайхзода). Бу сифат асли эски ўзбек тилида **тық–** феълининг 'зич қилиб жойла–' маъносидан **–(ы)з** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 339; КРС, 790); кейинчалик икки унли оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тық – + ыз = тықыз > тығыз > тиғиз.**

ТОБОҚ 'ўн олти саҳифага тенг матн'. ***Ҳар йили 10 т о б о қ д а н иборат илмий мақолалар тўплами нашр қилинар эди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'бос–', 'эз–' маъносини англатган **та:па–** феълидан (ЭСТЯ, III, 112) эски ўзбек тилида **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, икки унли оралиғидаги **п** ундоши **б** ундошига (КРС, 686), сўнгра **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **та:па– + қ = та:пақ > тапақ > табақ > tâbâq.**

ТОВАР 'айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот'. ***Бу дўконда ноёб т о в а р л а р б и л а н савдо қилинади.*** Бу от қадимги туркий тилда **тавар** тарзида талаффуз қилинган; (ДС, 542); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **тавар > tâvär.** Бу сўз дастлаб 'уй ҳайвонлари', 'мол–ҳол' маъносини англатган (ЭСТЯ, III, 115; Девон, I, 343), кейинчалик

www.ziyouz.com kutubxonasi

'бойлик' маъноси юзага келган ва у ҳозирги илмий термин маъноси учун замин бўлиб хизмат қилган.

ТОВОН 'оёқ кифтининг орқа ост қисми'. ***Роҳиланинг т о в о н и г а тикан санчилгандек бўлди*** (А.Муҳиддин, Ҳ.Тожибоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'бос–', 'эз–' маъносини англатган **та:па–** феълидан **–н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 111); кейинроқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолиб, икки унли оралиғидаги **п** ундоши **б** ундошига (Девон, I, 380), ўзбек тилида **б** ундоши ўз навбатида **в** ундошига, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **та:па–** + **н** = **та:пан** > **тапан** > **табан** > **таван** > **тâвâн.**

ТОВУШ 'садо'. ***Отабек т о в у ш эгасини таниди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **тавуш, тавыш** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 542, 543); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тавуш** > **тâвуш** (сўзлашув нутқида **тавыш** > **тâвиш** тарзида ҳам талаффуз қилинади; бунда **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси ҳам йўқолади).

ТОВУҚ 'гўшти, пати, тухуми учун боқиладиган уррғочи уй паррандаси'. ***Бир т о в у қ қ а ҳам сув керак, ҳам дон керак*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тақуқ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 330; ДС, 536); кейинчалик ўзбек тилида биринчи **қ** ундоши **ғ** ундошига, **ғ** ундоши ўз навбатида **в** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тақуқ** > **тағуқ** > **тавуқ** > **тâвуқ.**

ТОЗ 'бошнинг сочсиз тақир қисми', 'кал'. ***Т о з тараллгунча тўй тарқайди*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **та:з** тарзида талаффуз қилинган; (ЭСТЯ, III, 124), ўша давр–лардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 162; ДС, 543) ва бу унли ўзбек тилида **â** унлисига алмашган: **та:з** > **таз** > **тâз.** Бу сўз сўзлашув нутқида **тâс** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ТОЙ 'отнинг икки яшардан кичик боласи'. ***Кун ҳисобин ой олар, бедов ўрнин т о й олар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тай** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 173;

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДС, 527); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тай > тâй**.

ТОЙ– 'силлиқ сатҳда сирғаниб кет–'. ***У сирпаниб, т о й и б хизматкорхонага жўнади*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тай–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 262; ДС, 527); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тай– > тâй–** .

ТОЙҒАН– 'силлиқ сатҳда бир неча марта сирғаниб кет–'. ***Йўлка юпқа муз билан қопланган экан, т о й ғ а н и б йиқилди.*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'силлиқ сатҳда сирғаниб кет–' маъносини англатувчи **тай–** феълига 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчасини ва 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(тай– + ға = тайға–) + н = тайған– > тâйғän–.**

ТОЙҒОҚ 'тойиб кетиладиган'. ***Йўлка юпқа муз билан қопланиб, т о й ғ о қ бўлиб қолибди.*** Бу сифат эски ўзбек тилида 'силлиқ сатҳда сирғаниб кет–' маъносини англатувчи **тай–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчасини олган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 689); кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси, сўнгра **қ** ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(тай– + ға = тайға–) + қ = тайғақ > тâйғâқ.**

ТОЛ 'ингичка узун баргли мевасиз дарахт'. ***Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда т о л бўлмас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тал** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 425; Девон, III, 171; ДС, 528); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тал > тâл.**

ТОЛ– 'чарча–', 'хори–'. ***Бектемир гўдакни ерга қўйиб, т о л г а н билагини уқалади*** (Ойбек). Бу феъл қадимги туркий тилда **та:л–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 133), ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 425; ДС, 528; Девон, II, 201: **талмурды**); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **та:л– > тал– > тâл–.** Бу феъл асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

'ҳушсизлан–' маъносини англатган, 'чарча–' маъноси кейинчалик юзага келган.

ТОЛИҚ– 'ўта даражада чарча–'. ***Меҳмон йўл юриб келган. Т о л и қ қ а н*** (Шуҳрат). Бу сўз эски ўзбек тилида 'чарча–', 'хори–' маъносини англатувчи **тал–** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 134; КРС, 697); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тал– + иқ = талық– > тâлиқ–.**

ТОЛҚОН 'қовурилган донни туйиб тайёрланадиган емиш', 'туйилган нарса'. ***Эрталаб Тозагул меҳмон опани .. ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ т о л қ о н б и л а н сийлади*** (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган бу от **тал–** феълининг 'янч–' маъносидан (ЭСТЯ, III, 135: I.1.A: 'колоть') 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган (Девон, I, 412; ДС, 529); ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(тал– + қа = талқа–) + н = талқан > тâлқâн.**

ТОМ 'бинонинг устини бекитиб турувчи қисми'. ***Мингбоши т о м д а г и карнайчиларга "бас" ишорасини қилди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу от қадимги туркий тилда **там** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 529); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **там > тâм.** Бу сўз асли 'девор' маъносини англатган (Девон, I, 299; II, 206; III, 172). Маҳмуд Кошғарий бу сўзни **уй** сўзи билан ҳам таржима қилган (Девон, III, 151). **Тâм** сўзини 'уй' маъносида ишлатиш ўзбек тили шеваларида ҳозир ҳам мавжуд. ДСда қайд этилишича, қадимги туркий тилда 'бинонинг устини бекитиб турувчи қисми' маъноси **тағам** сўзи билан англатилган (526– бет); кейинчалик бу сўз таркибидаги **ға** товушлари талаффуз қилинмай қўйган бўлса керак: **тағам > там > тâм.**

ТОМ– 'томчи ҳолатида туш–'. ***Совуқ томчилар унинг юзига, бўйнига т о м и б, ғашини келтирарди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **там–** тарзида талаффуз қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ПДП, 425; Девон, II, 34; ДС, 529); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **там– > тâм–.**

ТОМИР 'қон ҳаракатланадиган найчалар'. ***Унинг чакка т о м и р л а р и бўртди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **тамар** (ДС, 529), **тамур** (Девон, I, 343; ДС. 531), **тамыр** (ПДП, 426; Девон, I, 456; ДС, 530) шаклларида ишлатилган. Кўриниб турибдики, **–(а)р, –(у)р, –(ы)р** қисмлари айни бир қўшимчага тенг; бу қўшимча феълдан от ясашга хизмат қилади, лекин **там–** феъли қандай маънони англатганини аниқ айтиш қийин; бу феъл 'томчи ҳолатида туш–' маъносини англатган бўлса керак деган фикр мавжуд (ЭСТЯ, III, 144). Бу отнинг асосий шаклини **тамыр** деб белгиласак, ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган бўлиб чиқади: **там– + ыр = тамыр > тâмир.**

ТОМОН 'тараф'. ***Кўчанинг ўнг т о м о н и д а юк машинаси турар эди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'йўналиш' маъносини англатган **таба || тапа** отидан (ПДП, 425, 426; ДС, 525, 533) жўналиш келишигининг қадимги **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **б** ундоши ўзбек тилида **м** ундошига, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **таба || тапа + н = тапан > табан > таман > тâмâн.**

ТОМОҚ 'қизилўнгачнинг бошланғич қисми', 'бўғиз'. ***Унинг бадани қизғин, т о м о ғ и қақраган, юраги шиддатли уради*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тамғақ** тарзида талаффуз қилинган. (Девон, I, 435; ДС, 535; ПДП, 426), кейинчалик **ғ** ундоши талаффуз қилинмаслиги натижасида **тамақ** шакли юзага келган (Девон, I, 69); **Тамғақ** оти асли 'томчи ҳолатида туш–' маъносини англатувчи **там–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(там– + ға = тамға–) + қ = тамғақ > тамақ > тâмâқ.**

ТОМЧИ 'суюқликнинг томиб тушадиган бўлаги'. ***Бир т о м ч и сув чумолига дарё кўринади***

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, томиш ҳаракатини англатган **там** отининг кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чу** қўшимчасини олган шаклига тенг (ЭСТЯ, III, 140); Девонда шу сўздан ясалган **там–чур–** феъли келтирилган: (II, 203, 233). Ўзбек тилида **тамчу** сўзи таркибидаги **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **там + чу = тамчу > тâмчи.**

ТОН– 'инкор эт–', бўйинга олма–'. ***Айтдингиз, айтдингиз, нега т о н а с и з ?*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тан–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 201); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тан– > тâн–.**

ТОҢ 'кун чиқиш пайти', 'саҳар'. ***Хўрозлар ҳам уйғониб, Бердилар т о н г д а н хабар*** (Ғайратий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **таң** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 426; Девон, III, 367; ДС, 532); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **таң > тâң.**

ТОҢЛА 'тонг отгач', 'келгуси кун'. ***Бугун дегани т о н г л а г а тўғри келмайди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу равиш асли 'кун чиқиш пайти' маъносини англатувчи **таң** отидан 'бирга' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 144; ПДП, 426); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **таң + ла = таңла > тâңлä.**

ТОНОТАР 'кун чиқиш пайти'. ***Тошкент т о н г о т а р и нақадар гўзал*** (Ғайратий). Бу сўз асли ўзбек тилида **Тâң âтäди** гапи таркибидаги **–ди** тусловчисини ташлаб, **–ä** замон қўшимчасини **–(ä)р** сифатдош қўшимчасига алмаштириб, бир сўзга бирлаштириш билан юзага келган: **[(Тâң âт) + ä] + ди > (тâң âт) + är > тâңâтär.**

ТОП– 'қидирган нарса ёки кишини аниқла–'. ***Мақоланинг керакли жойини дарров т о п д и м.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тап–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 426;

www.ziyouz.com kutubxonasi

Девон, II, 9; ДС, 533); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тап–** > **тâп–**.

ТОПИН– 'сиғин–', 'сажда қил–'. *У [Зумрад] .. маъшуқининг ақлига, қалб гўзаллигига, инсоний ғурурига т о п и н а д и* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'хизматни бажо келтир–' маъносини англатган **тап–** феълидан ўзлик маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ПДП, 426; Девон, II, 161; ДС, 534); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тап–** + **ын** = **тапын–** > **тâпин–**.

ТОПТА– 'оёқ билан бос–', 'поймол қил–'. *Бизни, сени қўриқлайман деб урушга кетган эрингнинг соф муҳаббатини т о п т а ш г а қандай кўнглинг бўлди?* (Саида Зуннунова). Бу феъл асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'босиш', 'поймол қилиш' маъносини англатган **тап** отидан **–ла** қўшимчасининг **–та** шакли билан ясалган (ЭСТЯ, III, 112); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **тап** + **та** (< **ла**) = **тапта–** > **тâптä–**.

ТОПШИР– 'ихтиёрига бер–'; 'зиммасига юкла–'. *Юра қол, қизим, ман сани кампиримга т о п ш и р и б чиқай* (Ойбек). Қадимги туркий тилда бу феъл 'кимсанинг зиммасига юкланадиган вазифа, бурч' маъносини англатган **тапыш** отидан (ДС, 534) **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 426; ДС, 535); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **тапыш** + **ур** = **тапышур–** > **тапшур–** > **тâпшир–**.

ТОР 'эни меъёрдан кичик'. *Қоратой турди, т о р ва дам ҳовлида бўғилган каби эски, йиртиқ кўйлаги билан елпинди* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **та:р** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 146); ўша даврлар–даёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, ўзбек тилида бу унли **â** унлисига алмашган: **та:р** > **тар** > **тâр**.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОРТ– 'ўзига томон сур–'. ***Анзират кампир.. Башоратнинг ёнига келиб, унинг бошини кўкрагига т о р т д и*** (Асқад Мухтор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'ажрат–' маъно– сини англатган **тар–** феълидан (Девон, III, 196) кучай– тириш маъносини ифодаловчи **–(ы)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 537); кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, III, 431; ДС, 538); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тар– + ыт = тарыт– > тарт– > тâрт–**.

ТОРТИҚ 'совға', 'инъом', 'меҳмондорчиликка атаб олиб келинган таом'. ***Деҳқонбой, сизнинг т о р – т и ғ и н г и з н и дастурхонга қўяй десам, жой ҳам йўқ*** (Назир Сафаров). Бу от эски ўзбек тилида **тарт–** феълининг 'меҳмонларга овқат тарқат–' маъносидан (ЭСТЯ, III, 155: **тарт– 7**) **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 156); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига ал– машган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тарт– + ық = тартық > тâртиқ.**

ТОС қ. **тоз**

ТОТ 'таъм–маза'. ***Мақтанчоқнинг моти чиқар, жом қозоннинг т о т и чиқар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **та:т** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 162); ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 80: **татлыг**); ўзбек тилида бу унли **â** унлисига алмашган: **та:т > тат > тâт.**

ТОТ– 'мазасини билиш учун озгина еб–ичиб кўр–'. ***Мусаллас сузгандан кейин қандоқ қилиб чи– дайди, т о т и б ҳам кўрасан–да*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **та:т–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 162); ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 427; ДС, 541); бу унли ўзбек тилида **â** унлисига алмашган: **та:т– тат– > тâт–.** Бу феълнинг ҳо– зирги ўзбек тилидаги 'ўзлик' маъносини ифодаловчи қўшимчани олган **тâтин–** шакли ЎТИЛга янглишиб **та– тин–** шаклида киритилган.

ТОТИН– қ. **тот–**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОТЛИ 'таъми яхши', 'мазали'. ***Молинг зотли бўлса, емишинг т о т л и бўлар*** (Мақол). Бу сифат қадимги туркий тилда 'таъм–маза' маъносини англатувчи **та:т** отининг **тат** талаффуз шаклидан **–лығ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 163; Девон, I, 80); ўзбек тилида сўз охиридаги **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тат + лығ > татлы > тâтли.**

ТОШ 'қаттиқ тоғ жисм'. ***Сув кетар – т о ш қолар, ўсма кетар – қош қолар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **та:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 168); ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 427; Девон, III, 166; ДС, 539), ўзбек тилида бу унли **â** унлисига алмашган: **та:ш > таш > тâш.**

ТОШ– 'четидан ошиб тўкил–', 'қирғоқдан ошиб атрофга ёйил–'. ***Ер ислоҳотидан кейин бир йил дарё т о ш и б, экинзорларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **та:ш–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 170); ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 427; Девон, II, 20; ДС, 540), ўзбек тилида бу унли **â** унлисига алмашган: **та:ш– > таш– > тâш–.**

ТОШЛОҚ 'тош босган', 'тоши кўп'. ***Машина сойдаги т о ш л о қ д а н ўзига йўл очиб кета бошлади*** (Суннатилла Анорбоев). Бу от 'қаттиқ тоғ жисм' маъносини англатган **таш** отидан эски ўзбек тилида ўрин маъносини ифодаловчи **–лақ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, 169; КРС, 716); кейинчалик **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **таш + лақ = ташлақ > тâшлâқ.**

ТОҒ 'ер сатҳининг тепаликка нисбатан анча баланд кўтарилган қисми'. ***Узоқдан қорайиб кўриниб турган т о ғ н и н г ўркачига тўлин ой миниб олди*** (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **та:ғ** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 118); ўша даврлардаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ЭСТЯ, III, 425; Девон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

III, 167), ўзбек тилида бу унли **â** унлисига алмашган: **та:ғ > тағ > тâғ.**

ТОҒА 'онанинг ака–укаси (унинг болаларига нисбатан)'. ***Тоғасининг ҳолидан хабарсиз Раҳмат сўзида давом этди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз 'она' маъносини англатган **тай** оти билан асли 'ака' маъносини англатган **аға** отининг бирлашуви натижасида юзага келган, бунда аввал **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, шунинг ҳисобига биринчи бўғиндаги **а** унлиси чўзиқлик кашф этган, кейинчалик ёнма–ён келган **а:а** унлилари бир чўзиқ унлига бирлашган, сўнгра бу унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ЭСТЯ, III, 128); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **тай + аға = тайаға > та:аға > та:ға > таға> тâғä.** Девонда бу сўз **тағай** шаклида келтирилган (Девон, III, 256). Бу сўз охиридаги **–й** қўшимчаси 'мурожаат', 'эркалаш' маъноларини ифодалайди. "Девону луғотит турк"нинг ўзбекча таржимасида **тағай** сўзининг 'амаки' деб изоҳланиши хато бўлса керак, чунки **амаки** сўзи 'отанинг ака–укаси' маъносини англатади.

ТУБ 'таг', 'ост'. ***Боғнинг этак томони – чуқур жарлик. Унинг т у б и д а .. бир тегирмонча сув қишин–ёзин тўхтамай оқиб ётади*** (М.Осим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тўп** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 435; Девон, III, 130); ўзбек тилида **п** ундоши **б** ундошига алмашган, ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўп > тўб > туб.**

ТУБАН 'қуйи', 'паст'. ***Кема т у б а н оқиб боради. Бўрон уни қирга олади*** (Эгам Раҳим). Л.З.Будагов луғатида бу сўз туркий экани таъкидланиб, биринчи бўғиндаги унли юмшоқ талаффуз қилиниши кўрсатилган; асосий маъноси сифатида 'низ, нижняя часть, низкость, опущенный вниз, опрокинутый' маънолари келтирилган (ССТТН, I том, 393). Бу сўз эски ўзбек тилида **тўб** отига қадимги жўналиш келишигининг **–(ä)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 319), кейинчалик келишик қўшимчаси уқилмайдиган бўлиб кетган, ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўб +**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ăн = тўбăн > тубăн. Бу сўз охиридаги **–н** қисмини сифат ясовчи қўшимча деб тушуниш ҳам мумкин, унда аввал **тўп** отидан **–ă** қўшимчаси билан феъл ясалган ва ундан **–н** қўшимчаси билан сифат ясалган бўлади; **–ă** қўшимчаси қўшилганидан кейин **п** ундоши **б** ундошига алмашган, ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(тўп + ă = тўпă– > тўбă–) + н = тўбăн > тубăн.**

ТУВОҚ 'қозон қопқоғи'. ***Т у в о ғ и ёпиқ дек– чадан буғ кўтарилади*** (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда 'сувни тоза сақлаш учун идиш оғзини бекитишга мўлжаллаб ҳозирланган ёғоч' маъносини англатган бу сўз асли **туғақлық** (Девон, I, 461), **туқақлық** (Девон, I, 463) тарзида талаффуз қилинган; ДСда (584– бетда) асосий шакл деб **туғақлық** шакли кўрсатилган. Бу сўз охиридаги 'хос', 'аталган' маъносини ифодаловчи **–лық** қўшимчаси ташланса, **туғақ** оти қолади. Бу от асли ясама бўлиб, қадимги туркий тилда 'ёп–', 'тўс–' маъносини англатган **ту–** феълининг (ПДП, 433; ДС, 584) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ғ** ундоши **в** ундошига алмашган; ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган; **(ту– + ға = туға–) + қ = туғақ > тувақ > тувâқ.**

ТУГ– 'тугун сол–', 'тугун солиб боғла–'. ***Эсингиз жойида бўлмаса, рўмолчангизнинг учини т у г и б қ ў й и н г.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тўг–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 435; Девон, II, 28; ДС, 595); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўг– > туг–.**

ТУГА– 'охирига ет–', 'тамом бўл–'. ***Ўқиш т у г а р м и д и ? Ўла–ўлгунча ўқиш керак*** (Уйғун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тўкă–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 435; ДС, 595); кейинроқ икки унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган (Девон, III, 285); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўкă– > тўгă– > тугă–.**

ТУГАЛ 'охирига етказилган', 'чала ери йўқ', 'тўлиқ'. ***Бу қўлёзмани т у г а л асар деб бўлмайди.***

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'охирига ет–' маъносини англатган **тўкä–** феълидан (ПДП, 435; ДС, 595) **–л** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 435; ДС, 595); кейинроқ икки унли орали**ғ**идаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган (Девон, II, 259); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўкä– + л = тўкäл > тўгäл > тугäл.**

ТУГМА 'кийим қисмларини бирлаштириш учун хизмат қиладиган, одатда думалоқ шаклда ясаладиган буюм'. ***Кўйлагимнинг т у г м а с и зўрға илиниб турибди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'тугун солиб боғла–' маъносини англатган **тўг–** феълидан (ПДП, 435; Девон, II, 28) **–мä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 307; ПДП, 435; Девон, I, 406); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўг– + мä = тўгмä > тугма.** Бу от асли 'боғич' маъносини англатган, ҳозирги маъноси тугма кашф қилингандан кейин юзага келган.

ТУГУЛ 'у ёқда тур(син), ҳатто' (зидлаш юклама–си). ***Яроқ т у г у л , қўлимда йўқ таёғим*** ("Нигор ва Замон"). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ифодалаган бу сўз асли **тўгўл** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 435; ДС, 595); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўгўл > тугул.** Бу сўз асли ясама (**тöке– + л**), ҳатто қўшма **(täк + ол)** деб билди–рилган изоҳлар ишонарли эмас (ЭСТЯ, III, 214).

ТУГУН 'нарсанинг тугилган ери'; 'ўраб тугилган нарса'. ***Кир ёядиган ипга т у г у н тушиб қолибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'тугун сол–' маъносини англатган **тўг–** феълидан (ПДП, 435; Девон, II, 28) **–(ў)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 308; Девон, I, 380; ДС, 595); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўг– + ўн = тўгўн > тугун.**

ТУГУНАК қ. **туйнак.**

ТУЗ I 'овқатга намагини ростлаш учун солина–диган оқ кристалл модда, натрий хлорид'. ***Таом т у з билан, т у з ўлчови билан*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от дастлаб **ту:з** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 288), ўша давр–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лардаёқ **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 435; Девон, III, 308: **тузлады;** ДС, 594): **ту:з > туз.**

ТУЗ II 'текис ер', 'текислик'. ***Туганмас кони-миздир тоғ билан т у з*** (Ҳабибий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **тўз** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 436; Девон, I, 314; III, 135); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўз > туз.**

ТУЗ– 'қисмларни маълум тартибда яхлитла–', 'тартибга солиб ярат–'. ***Эртанги ишга бугун режа т у з*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тўз–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 436; Девон, I, 16; ДС. 602); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўз– > туз–.**

ТУЗУК I 'қонун–қоидалар тўплами', 'низом'. ***Ҳали кўпчилик Амир Темур т у з у к л а р и н и яхши билмайди.*** Бу от эски ўзбек тилида 'тартибга сол–' маъносини англатган **тўз–** феълидан **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 312); кейинчалик ў унлилари-нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўз– + ўк = тўзўк > тузук.**

ТУЗУК II 'бузилган ери, камчилиги, дард–касали йўқ', 'дуруст'. ***Ўзи т у з у к шоир, бироқ танқидни кўтармагани ёмон*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда 'дуруст', 'тўғри' маъносини англатган бу сифат асли **тўзўк** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 603); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўзўк > тузук.** Бу сифат асли 'тартибга сол–' маъносини англатувчи **тўз–** феълидан **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 313, 314): **тўз– + ўк = тўзўк.**

ТУЙ– 'янч–', 'пўстидан тозала–'. ***Ҳа, ширин толқон, Тўлқинжон, шинни қўшиб т у й д и м*** (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда 'янч–' маъносини анг-латган бу феъл асли **тўг–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 200); кейинроқ **г** ундоши **й** ундошига ал-машган (Юқорида таъкидланган саҳифадаги 203– изоҳга қаранг); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўг– > тўй– > туй–.** Бу феълнинг маъносида кенгайиш воқе бўлиб, 'янч–' маъносидан ташқари,

www.ziyouz.com kutubxonasi

'пўстидан тозала–' ('оқла–') маъносини ҳам англата бошлаган (Юқорида таъкидланган изоҳга қаранг).

ТУЙА 'ўркачли йирик сутэмизувчи иш ҳайвони'. *Т у я чўкса, жой топилади* (Мақол). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган сўз ПДПда **täbä** (428–бетда), **tivä** (431– бетда) шаклларида, Девонда **məwä** (III, 153), **gewä** (III, 245), **məwi** (III, 153), **məwäj** шаклларида келтирилган (III, 227). Э.В.Севортян луғатида бу сўзнинг айрим туркий тилларда **tövä, tügä** каби бир қанча шаклларда мавжуд экани саналган (ЭСТЯ, III, 313, 314). Кўринадики, бу сўз таркибидаги барча товушлар тур–лича ўзгаришларга учраган. Ҳозирги ўзбек тилига бу сўзнинг бошланишидаги ундош **т** тарзида, биринчи бўғиндаги унли **у** тарзида, иккинчи бўғин бошидаги ун–дош **й** тарзида талаффуз этиладиган шакли етиб келган.

ТУЙНАК 'янги тугилган, ҳали етилмаган қовун'. *[Бозорда] қовун туширадиганларга ёрдамлашаман, сапча, т у й н а к беришади* (Ғафур Ғулом). Бу сўз **тўгўнäк** сўзининг товуш жиҳатдан ўзгарган шакли бўлиб, аввал иккинчи бўғиндаги тор унлиси талаффуз қилинмай қўйган, кейин **г** ундоши **й** ундошига алмашган: **тўгўнäк > тўгнäк > тўйнäк. Тўгўнäк** сўзи эса эски ўзбек тилида **тў–гўн** отидан (Девон, I, 380) кичрайтириш маъносини ифо–даловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, **тўгўн** оти эса **тўг–** феълидан (Девон, II, 28; ДС, 595) **–(ў)н** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(тўг– + ўн = тўгўн) + äк = тўгўнäк > тугунäк.**

ТУЙНУК 'эски замон уйларида ёруғ тушиши, тутун чиқиб кетиши учун хизмат қиладиган тешик'. *Шу уйнинг т у й н у г и д а н тутун чиқар, Бизга ёғлиқ патир бутун чиқар* (Рамазон қўшиғидан). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'кечаси' маъносини англатувчи **тўн** отидан **–лўк** қўшим–часи билан ясалиб, **тўңлўк** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 394); кейинчалик **ң || н** ундоши **й** ундошига, шундан кейин **л** ундоши **н** ундошига алмашган; охири ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўң || тўн + лўк = тўңлўк || тўнлўк > тўйлўк > тўйнўк > туйнук.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУЙОҚ 'ҳайвоннинг оёқ учидаги шохсимон таянч аъзоси'. .. ***мол туёқларидан ҳосил бўлган чуқурчаларни лиммолим тўлдирган сарғиш зардоблар*** .. (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **туйағ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 180); ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, **қ** ундошининг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **туйағ > туйақ > туйâқ.** Девондаги **туjуқ қапуғ** (ёпиқ эшик) мисоли асосида (III, 181) **туйақ** сўзини қадимги туркий тилдаги 'ёп–', 'қопла–' маъносини англатган **туй–** феълидан **–(а)ғ** қўшимчаси билан ясалган деб изоҳлаш мумкин: **туй– + ағ = туйағ > туйақ > туйâқ.**

ТУЙУҚ 'сўз ўйинига, шаклдош сўзлар қофиясига асосланадиган тўрт сатр шеър'. ***Навоий туюқлари алоҳида китоб сифатида нашр қилинган.*** Бу от эски ўзбек тилида 'сез–', 'ҳис қил–' маъносини англатган **туй–** феълидан (Девон, III, 262; ДС, 584) **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган: **туй– + уқ = туйуқ.**

ТУЙҒУ 'ташқи таъсирни сезиш, ҳис этиш қобилияти', 'сезги'. ***Мавж уриб янги каналлардан мусаффо сув келур, Ҳар кўнгил ойнасига ранг–баранг туйғу келур*** (Ҳабибий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'сез–', 'ҳис эт–' маъносини англатган **туй–** феълидан (Девон, III, 262; ДС, 584) **–ғу** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 292): **туй– + ғу = туйғу.**

ТУЙҒУН 'тез фаҳмлайдиган', 'сезгир'. ***Йигитнинг туйғунин кўрдим, бувишим*** ("Кунтуғмиш"). Бу сифат эски ўзбек тилида 'сез–', 'ҳис эт–' маъносини англатган **туй–** феълидан **–ғун** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 763): **туй– + ғун = туйғун.**

ТУК 'баданни қоплаб турувчи қил толалари', 'қош, киприк толалари'. ***Сочининг ҳар бир толаси, қошидаги ҳар бир туки, мижжасидаги ҳар бир киприк кўз ўнгимда турибди*** (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тўг** тарзида талаффуз қилиниб, ўша даврлардаёқ сўз охиридаги **г** ундоши **к** ундошига алмашган (ДС, 595); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўг > тўк > тук.** Қадимги туркий тилда шундай маъно

www.ziyouz.com kutubxonasi

асли **тӯ** сӯзи билан англатилган (ДС, 594). Девоннинг III томидаги 224– бетда берилган 226– изоҳда **тӯк – тӯ** ҳолати сӯзлардаги тӯлиқ–қисқалик хусусияти деб тушунтирилган, бу ҳолат сӯзлар этимологиясини очиб беришга хизмат қилувчи ҳодиса деб таъкидланган.

Маҳмуд Кошғарий ўз луғатида фақат **тӯ** сӯзини келтирган, **тӯг** сӯзи эса "Девон" тузилгандан кейинги давр манбаларида акс этган. Демак, **тӯ, тӯг** сӯзларини бир сӯзнинг тӯлиқ–қисқа шакллари деб изоҳлаш тӯғри эмас. ДСда **тӯ I** сӯзининг 'волос' деб (594– бет), **тӯг** сӯзининг эса 'волосы' деб (595– бетда) изоҳланиши кейинги сӯз охиридаги **–г** қисми 'кӯп' маъносини ифодаловчи қӯшимча эканидан дарак беради (**келдик** сӯзи охиридаги **–к** қӯшимчаси ҳам 'кӯп' маъносини ифодалаши билан қиёсланг).

ТУЛКИ 'итлар туркумига мансуб, тумшуғи узун, думи майин узун жунли йиртқич сутэмизувчи ҳайвон'. ***Тулки тумшуғидан илинар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от тӯрт хил талаффуз қилинган: **тилки, тилкӯ, тӯлки, тӯлкӯ;** ӯзбек тилига **тӯлки** шакли таркибидаги ӯ унлисининг юмшоқлик белгиси йӯқолиб етиб келган. Тӯрт шаклнинг иккитасида унлилар уйғунлиги мавжуд: **тилки, тӯлкӯ;** иккитасида бундай уйғунлик йӯқ: **тилкӯ, тӯлки.** Демак, товуш жиҳатидан бу сӯз икки қисмга ажралаётир: **тил || тӯл** қисмига ва **–ки || – кӯ** қисмига. Бу сӯзнинг иккинчи қисмини от (сифат) ясовчи қӯшимча деб айтиш мумкин; унда **тил– || тӯл–** қисми феъл бӯлиб чиқади, лекин бу сӯзнинг маъносини аниқлаб бӯлмади. А.М.Щербак ӯз асарида В.Бангнинг бу сӯз таркибида метатеза воқе бӯлгани, **тӯлки** сӯзи асли **тӯк** ('соч', 'қил') отидан **–ли** қӯшимчаси билан ясалгани ҳақидаги фикрини келтирган (ИРЛТЯ. М.: 1961, 135): **тӯк + ли = тӯкли > тӯлки.**

ТУЛЛА– 'юнгни, патни ташлаб, янгисини чиқар–' (ҳайвон, парранда ҳақида). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тӯлӓ–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 286); ӯзбек тилида **л** ундоши қатланган, ӯ унлисининг юмшоқлик белгиси йӯқолган: **тӯлӓ– > тӯллӓ– > туллӓ–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУЛЛАК 'бултурги (бир ёшдан ошган) бедана'. *Тожибой юриб кета туриб тулларнинг ово-зидан завқланарди* (Мирмуҳсин). Қадимги туркий тилда 'туллаган' маъносини англатган бу сўз асли **тўлä-** феъ-лидан **-к** қўшимчаси билан ясалган: **тўлä-** + **к** = **тўлäк** (Девон, I, 390); ўзбек тилида **л** ундоши қатланган, ў ун-лисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўлäк** > **тўллäк** > **туллäк.**

ТУМАН I 'атмосферанинг қуйи қатламларида юзага келадиган майда сув зарралари'. *Ҳаво туман бўлганидан ўрмон кўринмас эди* (Мумтоз Муҳамедов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **туман** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 433; Девон, I, 392; ДС, 585); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **туман** > **тумäн.** Бу сўз таркиби ҳақида ай-тилган фикрлар ишонарли эмас: **тум** – 'совуқ' + **ан**, **тум-** –'йум-' + **ан**, **ту-** –'ёп-' + **ман** каби. Нисбатан ҳақиқатга яқин деб **ду** – 'намлик' + **ман** ('қалин', 'ғуж') каби талқинни келтириш мумкин (ЭСТЯ, III, 295, 296). Бизнингча бу сўзни **тум** ('намлик') отидан **-а** қўшимчаси билан феъл ясалган ва ундан **-н** қўшимчаси билан от ясалган деб изоҳлаш тўғрироқ: **(тум** + **а** = **ту-ма-)** + **н** = **туман** > **тумäн.**

ТУМАН II 'ўн минг'. *Бирники – мингга, минг-ники – туманга* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай миқдорни билдирган бу сўз асли **тўмäн** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 435; Девон, I, 382; ДС, 596); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўмäн** > **тумäн.** Маъмурий-территориал бў-линишни англатувчи **туман III** сўзи **туман II** сўзи асо-сида юзага келган: 'ўнг минг' → 'ўн минг аҳолиси бор саҳн'.

ТУМАН III қ. **туман II**

ТУМОВ 'бурундан сув, назла оқиш касаллиги'. *Боланг шамоллаб, тумов бўлиб қолибди.* Қадимги туркий тилда шундай маънони **тумағу** оти англатган (Девон, I, 418; ДС, 585); бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'намлик' маъносини англатган **тум** оти-дан **-а** қўшимчаси билан ясалган феълга **-ғу** қўшимча-сини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, III, 326); кейинчалик сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

охиридаги **у** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (ТРС, 629), ўзбек тилида **ғ** ундоши **в** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(тум + а = тума–) + ғу = тумағу > тумаг > тумав > тумâв.**

ТУН 'сутканинг кун ботишдан кун чиқишгача қисми'. ***Очил ярим т у н г а ч а кўчаларда тентираб юрди*** (Пиримқул Қодиров). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тӱн** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 435; Девон, I, 325; ДС, 597); ўзбек тилида ӱ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӱн > тун.**

ТУП 'ўсимликнинг ҳар бир донаси'. ***Салкам миллион т у п дарахти бор Тошкентда нима кўп – сersоя жойлар кўп*** (Пиримқул Қодиров). Қадимги туркий тилда 'асос', 'илдиз' маъносини англатган бу от асли **тӱп** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 435; Девон, III, 130; ДС, 598); ўзбек тилида ӱ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӱп > туп.** Бу отнинг ҳозирги маъноси унинг 'илдиз' маъносидан ўсиб чиққан.

ТУПЛА– 'оғиздан тупук, сўлакай, балғам каби–ларни куч билан чиқариб ташла–'. ***Элликбоши .. лой ва қон аралаш т у п л а й д и*** (Ойбек). Бу феъл ўзбек тилида **туф** товушга тақлид сўзидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ф** ундоши **п** ундошига алмашган: **туф + лä = туфлä– > туплä–.** Бу феъл ҳозирги ўзбек тилида **туфлä–** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ТУПРОҚ 'ернинг майда кунун ҳолати'. ***Т у п р о қ олсанг, олтин бўлсин*** (Дуо). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **топрақ (топрағ)** (ПДП, 432; ДС, 575), **тупрақ** (Девон, I, 133,434; III, 29) тарзида талаффуз қилинган. Ўзбек тилида бу сўзнинг биринчи шакли таркибидаги **о** унлиси **у** унлисига, **қ (ғ)** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тупрақ (тупрағ) > тупрâқ (тупрâғ).** ДСдаги **топурғон** (576– бет), КРСдаги **топурак** (732– бет) сўзларидан кўриниб турибдики, **топурақ** оти қадимги туркий тилдаги 'кукун ҳолатига келтир–' маъносини англатган **топур–** феълидан (ДС, 575: **топрай–, топраш–**) **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмагани натижасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

топрақ шакли юзага келган: **топур– + ақ = топурақ > топрақ.** Бу от сўзлашув нутқида **турпâқ** тарзида ҳам талаффуз қилинади, бунда **пр** ундошлари ўрин алмаша– ди: **тупрâқ > турпâқ.**

ТУПУК 'оғиз бўшлиғида сўлак безлари ишлаб чи– қарадиган суюқлик'. ***Туп десангиз, т у п у г и н г и з музлайди*** (Ойдин). Бу от эски ўзбек тилида туфлаш ҳа– ракатини ифодаловчи **туф** товушга тақлид сўзидан **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган феълга **–(у)к** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **ф** ундоши **п** ундошига ал– машган, **ур** товушлари талаффуз қилинмай қўйган: **(туф + ур = туфур–) + ук = туфурук > тупурук > туп[ур]ук > тупук.** Ҳозирги ўзбек тилида **тупурук** сўзи учинчи бўғинидаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган ҳолда баъзан ишлатилади.

ТУПУР– 'оғиздан тупук, сўлакай, балғам каби– ларни куч билан чиқариб ташла–'. ***Осмонга т у п у р – с а н г, бетингга тушар*** (Мақол). Бу феъл эски ўзбек тилида туфлаш ҳаракатини ифодаловчи **туф** товушга тақлид сўзидан **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган; кейин– чалик **ф** ундоши **п** ундошига алмашган: **туф + ур = ту– фур– > тупур–.**

ТУПУРИК қ. **тупук**

ТУР 'хил', 'кўриниш'. ***Республикамиз ёшлари орасидан спортнинг шахмат т у р и бўйича жаҳон чемпиони етишиб чиқди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **тӯр** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 441: **тӯрлӯк**; ЭСТЯ, III, 328); ўзбек тилида ӯ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӯр > тур.**

ТУРЛИ 'бир–бирига ўхшамаган', 'ҳар хил'. ***Жа– моамизда т у р л и миллатларнинг вакиллари бор.*** Шундай маънони англатган сифат қадимги туркий тилда **тӯрлӯг** (ПДП, 436; Девон, I, 141; ДС, 599), **тӯрлӯк** (ПДП, 436; Девон, I, 441) шаклларида талаффуз қилинган. Кў– ринадики, бу сифат қадимги туркий тилда 'хил' маъносини англатувчи **тӯр** отидан **–лӯг** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 328); бу қўшимча охиридаги **г** ундоши **к** ундошига алмашиб ҳам талаффуз қилинган: **тӯр + лӯг = тӯрлӯг > тӯрлӯк**; кейинчалик сўз охиридаги **к** ундоши **й**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундошига алмашган, сўнгра бу ундош талаффуз қилинмай қўйган, ниҳоят, охирги очиқ бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган; ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўрлўк > тўрлўй > тўрлў > тўрли > турли.**

ТУРПОҚ қ. **тупроқ**

ТУТА– 'тутун чиқар–', 'буруқси–'. ***Ўчоқдаги ҳўл ўтин ҳали ҳам т у т а б ё т и б д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тутун чиқар–' маъносини англатган **тўт–** феълидан (ДС, 601; ТРС, 633) эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 785); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўт– + ä = тўтä– > тутä–.**

ТУТАМ 'сиқимга олиш мумкин бўлган миқдорга тенг'. ***Робия хола бир т у т а м печак ўтни жўякка ташлаб,*** .. (Саида Зуннунова). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз 'қўл билан ушла–' маъносини англатувчи **тут–** феълидан (ПДП, 434; ДС, 591) **–(а)м** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 591): ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **тут– + ам = тутам > тутäм.**

ТУТУН 'бирор нарса ёнганда ажралиб чиқадиган газсимон моддалар'. ***Уйларнинг мўрисидан т у т у н чиқар буралиб*** (Уйғун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'тутун чиқар–' маъносини англатган **тўт–** феълидан (ДС, 601) **–(ў)н** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 380; ДС, 601); ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўт– + ўн = тўтўн > тутун.**

ТУТҚАЛОҚ 'тўсатдан тутиб қолиб, кишини ака–шак қилиб қўядиган асаб касаллиги', 'қуёнчиқ', 'эпилепсия'. ***Соҳиблар миробга: "Т у т қ а л о ғ и тутди итваччанинг", – деб кулди*** (Жуманиёз Шарипов). Бу от асли эски ўзбек тилида 'ушла–' маъносини англатувчи **тут–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қ ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(тут– + қа = тутқа–) + ла = тутқала–] + қ = тутқалақ > тутқалâқ.** ЎТИЛда бу сўз шевага, **тутқаноқ** шакли эса адабий тилга мансуб деб таъкидланган (II, 235); ваҳоланки **тутқаноқ** сўзи шева талаффузини акс эттиради: **л** ундоши ўрнига **н** ундоши талаффуз қилинади.

ЎТИЛда **тутқоқ** сўзи ҳам келтирилиб, бу сўз **тутқалоқ** сўзига айнан тенг экани тўғри кўрсатилган. **Тутқақ** сўзи қадимги туркий тилда 'ушла–' маъносини англатувчи **тут–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(тут– + ға = тутға–) + қ = тутғақ > тутқақ > тутқâқ** (ДС, 592).

ТУТҚАНОҚ қ. **тутқалоқ**

ТУТҚИЧ 'нарсанинг қўл билан ушлаш учун хизмат қиладиган қисми'. ***Паранжи ёпинган аёллар .. бўялган эшикнинг ялтироқ чиройли шиша т у т қ и ч л а р и н и авайлабгина ушлаб қўйишарди*** (Парда Турсун). Бу сўз эски ўзбек тилида 'ушла–' маъносини англатувчи **тут–** феълидан **–қы** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ч** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(тут– + қи = тутқы–) + ч = тутқыч > тутқич.**

ТУТҚОҚ қ. **тутқалоқ**

ТУТҚУН 'асир', 'банди'. ***Фарзандим, ёлғизим, ғанимларга т у т қ у н бўлиб қолмагин*** ("Равшан"). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'ушла–' маъносини англатувчи **тут–** феълидан **–ғун** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 411); кейинчалик **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган: **тут– + ғун = тутғун > тутқун.**

ТУФЛА– қ. **тупла–**

ТУШ I 'уйқуда кўриладиган нарсалар'. ***Т у ш д а кўрдим дилбаримни, эй сабо, уйғотмагил*** (Эркин Воҳидов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тӱ:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 324); ўша даврдаёқ; **ӱ:** унлисининг чўзиқлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

белгиси (ПДП, 436; Девон, III, 138; ДС, 599), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӱ:ш > тӱш > туш.**

ТУШ II 'қуёш қоқ тепага келган (пайт)', 'пешин'. ***Т у ш пайти таълимдан қайтдим бемажол*** (Туйғун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тӱш** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 138); ўзбек тилида ӱ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӱш > туш.** Бу от асли **тӱш–** феълининг 'дам олиш учун тўхта–' маъноси асосида (ДС, 600: **тӱш– 3**) юзага келган.

ТУШ III қ. **тенг–тущ**

ТУШ– 'юқоридан пастга ҳаракатлан–'. ***Бу киши отдан т у ш с а ҳам, эгардан т у ш м а й д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тӱш–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 436; Девон, II, 20; ДС, 600); ўзбек тилида ӱ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӱш– > туш–.**

ТУШАК қ. **тӱшак**

ТУШОВ 'от–уловнинг олдинги оёқларини маташ–тириб боғлайдиган арқон (мослама)'. ***Эшагидан т у ш о в и қиммат*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сӱз асли 'боғлам' маъносини англатувчи **туш** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга (ДС, 590) **–ғ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, III, 306); кейинчалик **ғ** ундоши **в** ундошига, ўзбек тилида **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига ал–машган: **(туш + а = туша–) + ғ = тушағ > тушав > тушâв.**

ТУҒ– 'болани дунёга келтир–'. ***Ганижоннинг хотини т у ғ м а й юриб–юриб, бирданига қўчқордай ўғил т у ғ и б б е р д и*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тоғ–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 431; ДС, 570; ЭСТЯ, III, 246); кейинроқ **о** унлиси **у** унлисига ал–машган (Девон, II, 22): **тоғ– > туғ–.**

ТУҒУРУҚ 'туғиш вақти'. ***Т у ғ у р у қ бошланганини пайқаган қайнанаси дарров "тез ёрдам" машинасини чақирди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'болани дунёга келтир–' маъносини англатувчи **тоғ–** феълининг **туғ–** шаклига **–(у)р** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан (Девон, II, 84; ДС, 572) эски

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек тилида **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган: **[(тоғ– > туғ–) + ур = туғур–] + уқ = туғуруқ.**

ТЎГАРАК 'думалоқ', 'доира шаклидаги'. ***У ерга т ў г а р а к зални кесиб ўтиб, зинадан чиқиб бориш керак*** (Асқад Мухтор). Қадимги туркий тилда 'думалоқ' маъносини **tegirmä, tegirmi** сўзлари англатган (ДС, 548). Ўзбек тилидаги **тögäräk** сўзи шу сўзларнинг асоси бўлган **тегир–** феълидан (ДС, 548) эски ўзбек тилида **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **е** унлиси **ö** унлисига, иккинчи бўғиндаги **и** унлиси **ä** унлисига алмашган, сўнгра **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тегир– + äк = тегирäк > тögäräk > тогäräк.**

ТЎЗИ– 'ҳар ёнга сочил–, уч–'. ***Уларнинг юз–кўзлари чанг, ранглари заҳил, сочлари т ў з и г а н э д и*** (Иброҳим Раҳим). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'осмонга кўтарил–' маъносини англатган **тоз–** феълидан (ДС, 579; Девон, II, 353: **тозутты**) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тоз– + ы = тозы– > този–.**

ТЎЗИМ 'чидам', 'бардош'. ***Охирига қадар кутишга куч ва т ў з и м сезмади ўзида*** (Ойбек). Қадимги туркий тилдаги 'чидамли', 'бардошли', 'улуғвор' маъносини англатган **тöзүн** сифатидан (ДС, 583) кўриниб турибдики, қадимги туркий тилда 'чида–', 'бардош бер–' маъносини англатган **töз–** феълы мавжуд бўлган (ЭСТЯ, III, 273); **тöзим** оти ана шу феълга эски ўзбек тилида **–(и)м** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тöз– + им = тöзим > тозим.**

ТЎЗОН 'майда хас–чўп аралаш осмонга кўтарилган чанг'. ***Ўчоқ бошида қумғон шарақлаб қайнаб, чўғ устига тўкилди, буғ ва кул т ў з о н и кўтарилди*** (Асқад Мухтор). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'чанг', 'кукун' маъносини англатган **тоз** отидан (Девон, III, 134) эски ўзбек тилида 'кўп' маъносини ифодаловчи **–(а)н** қўшимчаси билан (ДС, 650; Девон. Индекс, 407) ҳосил қилинган (КРС, 741); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тоз + ан = тозан > тозâн.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎЗҒИ– 'ҳар ёнга бир неча марта сочил–'. ***Кучли шамол туриб, тўплаб қўйилган хазон тўзғиб кетди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'осмонга кўтарил–' маъносини англатган **тоз–** феълидан (ДС, 579; Девон, II, 353) эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ғы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тоз– + ғы– = тозғы– > тозғи–.**

ТЎЗҒОҚ I 'баъзи ўсимликларнинг тўзғувчан по–пути'. ***Қизчалар қоқи ўтининг тўзғоғини узиб олиб, пуфлаб ўйнаб юришибди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'осмонга кўтарил–' маъносини англатган **тоз–** феълининг (ДС, 579; Девон, II, 353) эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан от ясовчи **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(тоз– + ға = тозға–) + қ = тозғақ > тозғâқ.**

ТЎЗҒОҚ II 'тўзғиган'. ***Зарралар тўзғоқ ҳолда бўлса, қуруқ тупроқ дейилади*** (М.Баҳодиров). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'осмонга кўтарил–' маъносини англатган **тоз–** феълининг (ДС, 579; Девон, II, 353) эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан сифат ясовчи **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(тоз– + ға = тозға–) + қ = тозғақ > тозғâқ.**

ТЎЙ 'зиёфат, ўйин–кулги билан ўтказиладиган маросим'. ***Ҳомидбой бўлса: "Бугун унашсаларинг, эртага тўй ни бошлаймиз", – деди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'овқатга бўлган талабни қондир–' маъносини англатувчи **той–** феълининг исм эши бўлган. **То– + қ = тоқ** сўзи билан қиёслаб, **той** оти асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'маълум бир бўшлиқни эгалла(т)–' маъносини англатган **то–** феълидан **–й** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади: **то– + й = той.**

ТЎЙ– 'овқатга бўлган талабни қондир–', 'қониб еб–ич–'. ***Еб тўймаган ялаб тўймас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони анг–

www.ziyouz.com kutubxonasi

латган бу феъл, Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, асли **тоз–** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, ўша давр-лардаёқ **з** ундоши **й** ундошига алмашган: **тоз– > той–** (Девон, III, 262). Бу феълни **тол–** феълига, **тоқ** сифатига қиёслаб, улар охиридаги **–з (> –й), –л, –қ** қисмлари қўшимчага тенг деб қаралади; унда **тоз– (той–)** феъли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'еб–ичиб қониқиш ҳолати' маъносини англатган **то** отидан **–з (> –й)** қўшимчаси билан ясалган бўлиб чиқади (ЭСТЯ, III, 252).

ТЎК– 'суюқ, сочилувчи нарсани идишдан ту–шир–'. ***Шўрвани косаларга т ў к м а с д а н сол.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тök–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 433; Девон, II, 27; ДС, 579; ЭСТЯ, III, 274); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тök– > ток–.**

ТЎЛ 'қўзилаш мавсуми'. ***Келаси т ў л д а мен ҳам қўзини ҳозиргидан кўпроқ олишга сўз бераман*** (Пиримқул Қодиров). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **тöл** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 579); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тöл > тол.** Асли бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'чиқ–', 'туғил–' маъносини англатган **тö–** феълидан **–л** қўшимчаси билан ясалган дейилади (ЭСТЯ, III, 275).

ТЎЛ– 'бўш жойи қолмай эгаллан–'. ***Ҳовуз сувга т ў л д и.*** Қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, шундай маънони англатган бу феъл асли 'маълум бир бўшлиқни эгалла(т)–' маъносини англатган **то–** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 258): **то– + л = тол–.**

ТЎЛА 'ҳажми тўлиқ эгалланган'. ***Курси устига дастурхон ёзилиб, мева–чева т ў л а патнис қўйил–ди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган сифат **толу** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 431; Девон, III, 251; ДС, 573). ДСнинг 572– бетида акс этган **толала–** ('наполнять') феълидан кўриниб туриб–дики, қадимги туркий тилда бу сифатнинг **тола** шакли мавжуд бўлган, ўзбек тилига ана шу шакли етиб келган, фақат **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **тола > толä.** Асли **тола** сифати 'маълум бир бўшлиқни эгалла(т)–' маъно–

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини англатувчи **тол–** феълидан **–а** қўшимчаси билан ясалган.

ТЎЛА– 'бирор нарса эвазига пул бер–'. ***Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳақни ҳар ойда тўлаб туриш керак.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тӧлä–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 579); ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӧлä– > толä–.**

ТЎЛИН 'тўлиқ гардиш шаклига кирган' (ой ҳақида). ***Тўлин ой ғарбга томон оғган*** (Жуманиёз Шарипов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат 'бўш жойи қолмай эгалла–' маносини англатган **тол–** феълидан (ПДП, 431; ДС, 572) **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 432; Девон, I, 381; ДС, 574); ўзбек тилида **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **тол– + ун = толун > толин.**

ТЎЛҚИН 'сув сатҳининг чайқалиб, кўтарилиб, тушиб туриши'. ***Денгиз, мунча ҳовлиқасан, Қайиқларни ирғитасан, Тоғдай–тоғдай тўлқинларни Соҳилларга сен отасан*** (Ғайратий). Бу от асли **–қин** қўшимчаси билан ясалгани аниқ, лекин бу сўзнинг **тол–** қисмини аниқ изоҳлаш қийин. **Толға–** сўзи билан қиёслашдан кўриниб турибдики (ДС, 573), қадимги туркий тилда 'айлантир–', 'бура–' маъносини англатган **тол–** феъли мавжуд бўлган; **толқин** сўзи ана шу феълдан ясалган бўлса керак: **тол– + қун = толқун > толқин.**

ТЎЛҒОҚ 'туғиш олдидан тутадиган кучли оғриқ'. ***Султон бўзчининг хотини Ойшабибини тўлғоқ тутиб ётганда кўча эшигини биров қоқди*** (Назир Сафаров). Қадимги туркий тилда 'қоринда пайдо бўлиб, гўё бураб–бураб тур–' маъносини англатган **толға–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган **толғақ** оти мавжуд бўлиб, 'қоринда пайдо бўладиган оғриқ' маносини англатган (ДС, 573). Ўзбек тилида бу сўз таркибидаги **а** унлиси **қ** ундоши таъсири билан **â** унлисига алмашган: **толға– + қ = толғақ > толғâқ.** Бу сўзнинг ҳозирги ўзбек тилидаги маъноси қадимги туркий тилдаги маъно асосида юзага келган: 'қориндаги оғриқ' → 'туғиш олдидаги оғриқ'.

Асли **толға–** феълини **толқин** оти билан қиёслашдан кўриниб турибдики, бу сўз таркибидаги **–ға** қисми

www.ziyouz.com kutubxonasi

'такрор' маъносини ифодаловчи қўшимчага тенг; лекин **тол–** феълининг маъносига изоҳ топилмади (Бу сўз асли 'айлантир–', 'бура–' маъносини англатган феъл бўлса керак).

ТЎМПАЙ– қ. **дўмбай–**

ТЎН 'олди очиқ узун устки миллий кийим', 'чопон'. ***Т ў н кимники – кийганники*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилда **то:н** тарзида талаффуз қилиниб (ЭСТЯ, III, 264), ўша даврлардаёқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 574): **то:н > тон.** Қадимги туркий тилда бу сўз умуман 'кийим' маъносини англатган, ҳозирги маъноси маънода торайиш, хосланиш натижасида юзага келган: 'кийим' → 'устки миллий кийим'.

ТЎНГАК 'дарахтнинг ер сатҳидан бироз юқорироғидан кесилган пастки қисми', 'кунда'. ***Серилдиз дарахтнинг т ў н г а г и н и ковлаб олиш – жуда машаққатли иш.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'баландлик', 'дўнг' маъносини англатган **тӧң** отидан эски ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 280); кейинчалик **ң** ундоши **нг** ундошларига урчиган, **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӧң + äк = тӧңäк > тӧнгäк > тонгäк.**

ТЎНКА 'дарахтнинг ер сатҳидан бироз юқорироғидан кесилган пастки қисми', 'кунда'. ***Т ў н к а л а р жуда кўп, ҳам бир–бирига жуда яқин*** (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилда 'баландлик', 'дўнг' маъносини англатган **тӧң** отидан эски ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–гä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 280); кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига, **г** ундоши **к** ундошига алмашган, **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӧң + гä = тӧңгä > тӧнгä > тонкä.**

ТЎНКАР– 'устини остига қилиб қўй–', 'ағдар–'. ***Кучли тўлқин қайиқни т ў н к а р и б ю б о р д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'усти остига ағдарил–' маъносини англатган **тӧң–** феълидан **–гäр** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 758); кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига, **г** ундоши **к** ундошига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тöң–** + **гäр** = **тöңгäр–** > **тöнгäр–** > **тöнкäр–** > **тонкäр–.** ЎТИЛда **тўнкар–** феъли сўзлашув нутқига мансуб деб баҳоланган; чамаси, бу феъл **тўнтар–** феълининг товуш жиҳатдан ўзгарган шакли деб хато тушунилган.

ТЎНТАР– 'устини остига қилиб қўй–', 'ағдар–'. ***Йўлчи .. бир пиёлани т ў н т а р и б, унинг устига шамни ўтқазди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган сўз **төңдäр–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 406); ўзбек тилида **ң** ундоши **н** ундошига, **д** ундоши **т** ундошига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **төңдäр–** > **төнтäр–** > **тонтäр–.** Бу сўз асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'усти остига ағдарил–' маъносини англатган **төң–** феълидан **–дäр** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 277).

ТЎНҒИЗ 'ёввойи чўчқа'. ***Эшак иши билан, т ў н ғ и з тиши билан*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тоңуз** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 432; ДС, 575; Девон, III, 374); Э.В. Севортяннинг этимологик луғатида (III, 268) бу сўз охиридаги **–уз** қисми қўшимчага тенг дейилган–у, лекин қандай маънони ифодалаши айтилмаган; ўша ерда бу сўзнинг **тоң** қисми 'йирик, кучли' маъносини англатувчи сўз бўлгани ҳақидаги фикр ҳам келтирилган. Ўйлашимизча, бу йиртқич ҳайвонга ном унинг олдинга ва икки томонга туртиб чиқиб турадиган қозиқ тишлари асосида берилган бўлса керак, шунга кўра **тоң** қисми 'қозиқ тиш' маъносини англатган бўлиб, унга 'икки' ('кўп') маъносини ифодаловчи **–(у)з** қўшимчаси қўшилган. Ўзбек тилида бу сўз таркибидаги **ң** ундоши **нғ** ундошларига урчиган, иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **тоңуз** > **тонғуз** > **тонғиз.**

ТЎНҒИЧ 'энг олдин туғилган (фарзанд)'. ***Моҳира-бонудан икки ўғил ва икки қиз дунёга келиб, т ў н ғ и ч и Азизбек, .. тўртинчиси бизнинг Зайнаб эди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда шундай маънони **тон** сўзи англатган (Девон, III, 151); **тонғич** сифати эски ўзбек тилида 'энг олдин туғил–' маъносини англатган **тон–** феълидан **–ғуч** қўшимчаси билан ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлса керак; кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **тон–** + **ғуч** = **тонғуч** > **тонғич.**

ТЎП 'копток'. ***Зарб билан тепилган т ў п н и дарвозабон қайтара олмади.*** Қадимги туркий тилда шундай маъно, Маҳмуд Кошғарий таъкидлашича, **топық** сўзи билан англатилган, **топ** сўзи **топық** сўзининг қисқарган шаклига тенг дейилган (Девон, III, 130). Аслида **топ** сўзи қадимги туркий тилда мустақил ишлатилган ва 'думалоқ нарса' маъносини англатган; **топиқ** сўзи эса 'кичик тўп' маъносини билдириб, **топ** сўзидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган деб изоҳлаш тўғрироқ. Девоннинг бошқа ерида (Девон, I, 360) бу сўз **тобық** шаклида келтирилиб, 'човгон билан уриладиган копток' деб изоҳланган. Кўринадики, бу сўз асли **топ** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **п** ундоши **б** ундошига алмашган.

ТЎПАЛАНГ қ. **тўполон**

ТЎПИҚ 'болдир суягининг пастидаги ён томонга туртиб чиққан дўмбоқ қисми'. ***Бувинг сенга ёмонни топадими? Ҳали тирноғидан тортиб т ў п и ғ и – г а ч а тоза синчиклаб текширамиз*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, шундай маънони англатган бу сўз асли 'думалоқ нарса' маъносини англатган **тоб** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ПДП, 431; Девон, I, 198); ўша даврлардаёқ аввал **б** ундоши **п** ундошига (Девон, III, 130) алмашган; кейин ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тоб** + **ық** = **тобық** > **топық** > **топиқ.** Кўринадики, қадимги туркий тилда **тобық** ('кичик копток') ва **тобуқ** ('болдир суягининг пастидаги ён томонга туртиб чиққан дўмбоқ қисми') сўзлари айни бир асосдан айни бир қўшимча билан ясалган бўлиб, иккинчи бўғиндаги **ы** ва **у** унлилари билан фарқланган (шу усул билан омонимия – шакллдошлик бартараф қилинган); лекин кейинчалик бундай усул билан фарқлаш давом этмаган: ҳар икки сўзнинг иккинчи бўғинида **ы** айтиш ва ёзишга ўтилган.

ТЎПОЛОН 'уриш–жанжал', 'бетартиб ҳаракат'. ***Шербек Оқсойга тўрт кун деганда т ў п о л о н***

www.ziyouz.com kutubxonasi

устига етиб келди (Суннатилла Анорбоев). Бу от қадимги туркий тилдаги 'тепа қисм' маъносини англатган **тöпӱ** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган феълга (ДС, 580) эски ўзбек тилида **–ң** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 751); кейинчалик **ӱ** унлиси **ö** унлисига, сўнгра бу унли ҳам, **ä** унлиси ҳам **â** унлисига, **ң** ундоши **н** ундошига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(тöпӱ + лä = тöпӱлä–) + ң = тöпӱлäң > тöпöлän > топâлâн.** Бу сўз сўзлашув нутқида **топälän** тарзида талаффуз қилинади; бунда иккинчи бўғиндаги **ö** унлиси **ä** унлисига алмашади, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолади: **(тöпӱ + лä = тöпӱлä–) + н = тöпӱлän > топälän.**

ТЎППАЙ– қ. **дӱмбай–**

ТЎР I 'балиқ овлаш, қуш тутиш учун ишлатиладиган катак–катак кўзли ип тўқима', 'матрап'. .. ***қайси бир балиқчи т ӱ р и г а тушган лаққани ташлабди*** (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **то:р** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 578); ўша даврлардаёқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 133; ДС, 578): **то:р > тор.**

ТЎР II 'пойгакка қарама–қарши томондаги жой'. ***Полвон тик туриб, отасининг т ӱ р г а ӱтиришини кутди*** (Жуманиёз Шарипов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тӧр** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 433; Девон, III, 133; ДС, 580); кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӧр > тор.** Маҳмуд Кошғарий **тӧр** сўзини **тӧрä** сўзининг шакли деб таъкидлаган, лекин таркибини изоҳламаган (Девон, III, 240).

ТЎРВА 'қопчиқ', 'халта'. ***Ҳар хил асбоб–ускуналар солинган т ӱ р в а с и н и катта темирга илиб,*** .. (Парда Турсун). Э.В.Севортян луғатида йўл–йўлакай берилган изоҳга кўра (ЭСТЯ, III, 216) 'қопчиқ' маъносини англатувчи бу сўз асли 'йиғ–', 'тўпла–' маъносини англатган **тор–** феълидан эски ўзбек тилида **–ба** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 753); кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **тор– + ба = торба > торва > торвä.** Бу сўз ЎТИЛда янглиш равишда форсча деб белгиланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎРИҚ 'қизғиш', 'тўқ жигарранг от'. ***Шербек қизиб кетган т ў р и қ н и н г тизгинидан тортар экан, ўз кўзига ишонмагандек тикиларди*** (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'қишғиш' маъносини англатган **то:р** сифатидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган феълдан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 269); ўша даврлардаёқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси (ПДП, 532; Девон, I, 354), ўзбек тилида эса **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(то:р + ы = торы–) + қ = то:рық > торық > ториқ.**

ТЎРСИҚ 'меш', 'саноч'. ***[Бозорни] т ў р с и қ–д а г и илиқ сувни ичган сари қора тер босади*** (Асқад Мухтор). Бу от асли қадимги туркий тилда мав–жуд бўлиб, 'йиғ–', 'тўпла–' маъносини англатган **тор–** феълининг (ЭСТЯ, III, 216) эски ўзбек тилида 'истак' маъносини ифодаловчи **–сы** қўшимчасини олган шак–лидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 754); кейин–чалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(тор– + сы = торсы–) + қ = торсық > торсиқ** (**тўрва** сўзига қиёсланг).

ТЎРТ 'уч билан беш оралиғидаги бутун бирлик сон'. ***Ёнига т ў р т нафар ясовул олиб Султонали йўлга тушди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай миқдорни билдирган бу сўз асли **тö:рт** тар–зида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 285); ўша даврлар–даёқ **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси (ПДП, 433; Девон, I, 328; ДС, 581), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: **тö:рт > тöрт > торт.**

ТЎРҒАЙ 'чумчуқсимон кичкина сайроқи қуш'. ***[Элмурод] қанотини дириллатиб бир ерда сайраб турган т ў р ғ а й н и кўрди*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган бу от асли **торыға** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 189); кейинчалик эркалаш маъносини ифодаловчи **–й** қўшим–часи қўшилган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига ал–машган: **торыға + й = торығай > торғай > торғäй.**

ТЎС 'қайин дарахтининг пўстлоғи' (эгарчиликда ишлатилади). ***Ҳозир т ў с билан қопланган эгар***

www.ziyouz.com kutubxonasi

камдан–кам учрайди. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тоз** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 579); ўзбек тилида сўз охиридаги **з** ундоши **с** ундошига алмашган: **тоз > тос.**

ТЎС–ТЎПОЛОН 'беҳад тартибсизлик', 'ур–йиқит'. ***Бола–чақалар бўлмаганидан уйлари бизникига ўхшаш т ў с – т ў п о л о н эмас, йиғинчоқлик*** (Ғафур Ғулом). Бу жуфт сўзнинг иккинчи қисми алоҳида изоҳланди; биринчи қисми эса асли 'чанг' маъносини англатган **тоз** сўзи бўлиб (Девон, III, 134), жуфт сўзнинг иккинчи қисми бошланишидаги **т** ундоши таъсири билан биринчи қисм охиридаги **з** ундоши **с** ундошига алмашган: **тоз–топâлâн > тос–топâлâн.**

ТЎШ 'кўкракнинг юқори қисми'. ***[Зебо] ойнага қараб ўзини тузатди. Дуррачаси билан т ў ш и г а ёпишган кўйлагини сал кўтариб елпинди*** (Шуҳрат). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тӧ:ш** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 287); ўша даврлардаёқ **ӧ:** унлисининг чўзиқлик белгиси (Девон, III, 138), кейинчалик ўзбек тилида юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӧ:ш > тӧш> тош.**

ТЎША– 'сол–', 'ёз–' (палос, кўрпача кабиларни). ***Умри хола қизи билан менга ўрин т ў ш а б б е р – д и*** (Ғайратий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тӧш** сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган дейилади, лекин **тӧш** сўзи қандай маънони англатгани аниқ айтилмайди (ЭСТЯ, III, 334). Бу сўз 'ёйиқ' каби маънони англатган сифат бўлса керак. Ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӧш + ä = тӧшä– > тошä–.**

ТЎШАК 'жун, пахта сингари юмшоқ нарса тиқилиб, икки кишига мўлжаллаб тикилган қалин ўрин анжоми'. ***Ўз уйим, ўлан т ў ш а г и м*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **тӧшä–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 334; Девон, I, 368; ДС, 582); ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тӧшä– + к = тӧшäк > тошäк.** Сўзлашув нутқида бу сўз **тушäк** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎҚ 'овқатга бўлган талаби қонган'. ***Қорни т ў қ н и н г қорни очдан хабари йўқ*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли 'маълум бир бўшлиқни эгалла(т)–' маъносини англатган **то–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган: **то–** + **қ** = **тоқ** (ЭСТЯ, III ,253; ПДП, 432; ДС, 576).

ТЎҚА 'камарнинг учини ўтказиб тақиладиган қисми'. ***Бўзчи белбоққа ёлчимас, темирчи т ў қ а г а*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **тоқу** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 246); кейинчалик **у** унлиси **ä** унлисига алмашган : **тоқу** > **тоқä.** Бу от аєли 'бир–бирига кирит–' маъносини англатган **тоқ–** феълидан **–у** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак (**тўқи–** феълига қиёсланг).

ТЎҚИ– 'тўқиш ҳаракатини бажар–'. ***Мулла билганин ўқир, бўзчи билганин т ў қ и р (Мақол).*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **тоқы–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 284); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **тоқы–** > **тоқи–**. Бу сўз асли 'бир–бирига кирит–' маъносини англатган **тоқ–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **тоқ–** + **ы** = **тоқы–**. Э.В.Севортян луғатида бу феъл 'тўқилган мато', 'тўқиш дастгоҳи' маъносини англатган **тоқ** отидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (III, 254).

ТЎҚМОҚ 'дастаси ва уриладиган йўғон қисми ҳам ёғочдан қилинган уриш асбоби'. ***Тиришганнинг т ў қ м о ғ и тошга чега қоқар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'ур–' маъносини англатган **тоқы–** феълидан (Девон, III, 284; ДС, 576) **–мақ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 192: **тоқымақ**); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **тоқы–** + **мақ** = **тоқымақ** > **тоқмақ** > **тоқмâқ.**

ТЎҚНАШ– 'юзма–юз учраш–', 'дуч кел–'. ***Давлатёр .. кутубхона эшиги олдида Саодатхон билан т ў қ н а ш д и*** (Назир Сафаров). Бу сўз қадимги туркий тилда 'ур–' маъносини англатган **тоқы–** феъли–

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг (ДС, 576) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини олган шаклидан (Девон, II, 171) биргалик маъносини ифодаловчи **–(а)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: (**тоқы–** + **н** = **тоқын–**) + **аш** = **тоқынаш–** > **тоқнаш–** > **тоқнäш–**.

ТЎҚСОН 'саксон билан юз оралиғидаги ўнлик миқдор'. ***У саёҳатдан тўқсон кундан кейин қайтиб келди.*** Қадимги туркий тилда бундай миқдор **тоқуз он** сўзларини қўшиб билдирилган (Девон. I, 410; ДС, 578). Кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; **қ** ундошининг таъсири билан **з** ундоши **с** ундошига, охири **о** унлиси **â** унлисига алмашган: **тоқуз он** > **тоқузон** > **тоқзон** > **тоқсон** > **тоқсâн.**

ТЎҚҚИЗ 'саккиз билан ўн оралиғидаги бутун миқдор сон'. ***Душман кечгача тўқ қ и з марта атака қилди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони билдирган бу сўз **тоқуз** (ПДП, 432; Девон, I, 410; ДС, 578), **тоңыз** (ДС, 577), ҳатто **тоңқуз** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 432); ўзбек тилига **тоқуз** шакли **қ** ундоши қатланиб, иккинчи бўғинидаги **у** унлиси **и** унлисига алмашиб етиб келган: **тоқуз** > **тоққуз** > **тоққиз.**

ТЎҒРА– 'кесиб, бурдалаб кўп майда қисмларга бўл–'. ***Хайри ҳафсала билан пиёзни майдалаб тўғ р а р э д и*** (Шароф Рашидов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл 'гўштни майдала–' маъносини англатган **тоғ–** феълидан **–ра** қўшимчаси билан ҳосил қилинган дейилади (ЭСТЯ, III, 249), лекин **–ра** қўшимчасининг маъноси изоҳланмайди. **Тоғра–** сўзини бошқача изоҳлаш имконияти ҳам бор: қадимги туркий тилдаги 'парча' маъносини англатган **тоқ** отидан (ДС, 576) **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган феълга 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **р** ундоши таъсири билан **қ** ундоши **ғ** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: (**тоқ** + **ыр** = **тоқыр–**) + **а** = **тоқыра–** > **тоқра–** > **тоғра–** > **тоғрä–** .

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎҒРИ 'эгри, қийшиқ жойи йўқ'. ***Шимолдан жанубга т ў ғ р и чўзилган бу кенг кўчанинг ўртасига тош ётқизилган*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **тоғуру** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, III, 251); кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 571); ўзбек тилида **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **тоғуру > тоғру > тоғри.** Бу сифат асли қадимги туркий тилда **тоғ–** феълининг орттирма қўшимчасини олган шаклидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган дейилади (ЭСТЯ, III, 251), лекин **тоғ–** феълининг маъноси аниқ изоҳланмайди (бу феъл асли 'қинғир–қийшиғи йўқ ҳолатга эга бўл–' маъносини англатган бўлса керак).

У

У I нарироқдаги киши ёки нарсани кўрсатиш олмоши. ***Биз дарёнинг у қирғоғига қайиқ билан ўтдик.*** Қадимги туркий тилда бу олмош **ол** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 72; ДС, 366), кейинчалик, **ул** шаклига эга бўлган, ҳозирги ўзбек тилида эса **у** шаклида ишлатилади: **ол > ул > у.**

У II III шахс кишилик олмоши. ***У б и л а н эллик йиллик қадрдонмиз.*** Бу олмош қадимги туркий тилда **ол** кўрсатиш олмошидан ўсиб чиққан: **ол > ул > у**; эски ўзбек тилида бош келишикдаги бирлик шакли **ул** бўлиб, кўплик шакли **ул (ул + ар) ва ал (ал + ар)** бўлган; бошқа келишикларнинг бирлик шаклида **ан**, кўплигида эса **ал** шаклида ишлатилган: **ан + инг, ал + арнинг** .. ; демак, эски ўзбек тилида бош келишик бирлик шаклидагина бу олмош таркибидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган, бошқа шаклларида эса **о** унлиси **а** унлисига алмашган. Ҳозирги ўзбек тилида бу олмош кўплик қўшимчасидан олдин, шунингдек бирликдаги бош, қаратқич, тушум келишикларида **у** шаклида келади, бирликдаги жўналиш, чиқиш, ўрин келишикларида эса **ун** шаклида **келади (ул > ун)**; демак, ҳозирги ўзбек тилида бу олмош таркиби–даги **у** унлиси барча шаклларида ўзгармайди.

УВА 'тоғ ёнбағрининг емирилиши, уқаланиши билан ҳосил бўладиган текислик, майдон'. ***Бу у в а н и н г юзага келганига кўп бўлгани йўқ.*** Бу от қадимги туркий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилдаги 'майдала–', 'парчала–' маъносини англатган **ув–** феълидан (ДС, 619) **–а** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ув–** + **а** = **ува** > **увä.**

УВАДА 'йиртилиб, титилиб кетган'. ***Эгнида – у в а д а тўн.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'майда–ла–', 'парчала–' маъносини англатган **ув–** феълининг (ДС, 619) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида икки унли оралиғидаги **т** ундоши **д** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **[(ув–** + **а** = **ува–)** + **т** = **уват–]** + **а** = **увата** > **увада** > **увädä.**

УВАЛ– 'майда парчаларга ажрал–'. ***Оҳакка сув тегиши билан у в а л и б кетади.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'парчала–', 'майдала–' маъносини англатган **ув–** феълининг (ДС, 619) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси қўшилган шаклидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ув–** + **а** = **ува–)** + **л** = **увал–** > **увäл–.**

УВАЛА– 'майдала–', 'ушат–'. ***Нонни у в а л а б, қушларга сочди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'майдала–', 'парчала–' маъносини англатган **ув–** феълининг (ДС, 619) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси қўшилган шаклидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(ув–** + **а** = **ува–)** + **ла** = **увала–** > **увäлä–.** Бу сўз асосан юмшоқ нарсаларни майдалашга нисбатан ишлатилади (**уқälä–** феълига қиёсланг).

УВАЛИ–ЖУВАЛИ 'кўп майда фарзандли', 'нева–ра–чевараli'. ***Икки ёшнинг биргаликда узоқ умр кўриб, у в а л и – ж у в а л и бўлишини тилаб дуо қилишди.*** Бу такрор сифатнинг иккинчи қисми биринчи қисми бошланишига **ж** товуши қўшиб ҳосил қилинган; биринчи қисм эса қадимги туркий тилдаги 'уруғ', 'оила', 'уй–жой' маъносини англатган **о:ба** отининг **оба** шаклидан (ДС, 362) **–лы** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I,

www.ziyouz.com kutubxonasi

401); ўзбек тилида **о** унлиси **у** унлисига, **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **оба + лы = обалы > увалы > увäли.**

УВАТ 'экин майдони орасида юриш учун қолдириладиган ер', 'марза'. ***Бу пайкалда у в а т қолдирмадик.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'майдала–', 'парчала–', 'ажрат–' маъносини англатган **ув–** феълининг (ДС, 619) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–т** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ув– + а = ува–) + т = уват > увät** (Уват экин майдонини бўлакларга ажратиб туради).

УВАТ– 'майда парчаларга ажрат–'. ***Нонни у в а т и б, товуқларга сочди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'парчала–', 'майдала–' маъносини англатган **ув–** феълининг (ДС, 619) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ув– + а = ува–) + т > уват– > увät–.**

УВИ– қ. **иви– II**

УВЛА– 'босиқ **увв** товушини чиқар–'. ***Итнинг у в л а ш и н и ёмонликка йўйишади.*** Бу феъл **увв** товушга тақлид сўзидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 595); қўшимча қўшилганидан кейин бир **в** ҳарфи ташлаб ёзилган: **увв + лä = уввлä– > увлä–.**

УВОҚ 'увалаш натижасида ҳосил бўлган майда бўлак'. ***Нон у в о қ л а р и н и териб олдим.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'майдала–', 'парчала–' маъносини англатган **ув–** феълининг (ДС, 619) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 561); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ув– + а = ува–) + қ = увақ > увâқ** (Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз кўпинча от маъносида ишлатилади, тарихан эса асосан сифат маъносида ишлатилган).

УВРА қ. **угра**

www.ziyouz.com kutubxonasi

УВУЛЛА– 'босиқ , чўзиқ **увв** товушини чиқар–'. ***Итнинг у в у л л а ш и н и ёмонликка йўйишади.*** Бу феъл **увв** товушга тақлид сўзидан **–улла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 595); қўшимча қўшилганидан кейин бир **в** ҳарфи ташлаб ёзилган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **увв + улла = увулла– > увуллä–.**

УВУН–ТЎДА 'кийим–кечак, рўзғор буюмлари тўплами'. ***У в у н – т ў д а л а р н и н г орасида .. тонг оттирдим*** (Ғафур Ғулом). Бу жуфт отнинг биринчи қисми ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди; асли қадимги туркий тилдаги 'тўдала–' маъносини англатган **ўг–** феълидан **–(ў)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 621); ўзбек тилида **г** ундоши **в** ундошига алмашган, **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ўг– + ўн = ўгўн > ўвўн > увун.**

УВУШ– 'баданда қон юришмаслиги оқибатида карахт бўл–'. ***У в у ш г а н оёғини қўллари билан уқалади.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'майдала–', 'парчала–' маъносини англатган **ув–** феълининг (ДС, 619) кўчма маъносидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(у)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **ув– + уш = увуш–.**

УГРА 'юпқа ёйилган хамирни 3–4 см узунликда жуда энсиз кесиб тайёрланган суюқ овқат'. ***Онам тушликка у г р а қилиб қўйган экан.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'майда' маъносини англатган **ўг | ўк** сифатидан (ЭСТЯ, I, 325) **–(ў)р** қўшимчаси билан ясалган феълга **–ä** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(ўг + ўр = ўгўр–) + ä = ўгўрä > угурä > угрä.** Ўзбек тилида бу от **уврä** шаклида ҳам ишлатилади; бунда **г** ундоши **в** ундошига алмашади: **угрä > уврä**.

УЗ– 'бутундан маълум бир қисмни куч билан ажрат–'. ***Тарлон занжирини у з и б д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатиб, **ўз–** шаклида талаффуз қилинган (ПДП, 441; Девон, I, 178; ДС, 629); ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ўз– > уз–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЗА– 'узоқлаш–' (оз ишлатилади). ***Отлиқлар биздан у з а б к е т д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'наридаги ер' маъносини англатган **уз** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 571; ДС, 620: **uza–** 2); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **уз + а = уза– > узä–.**

УЗАЙ– 'чўзил–', 'баландлаш–'. ***Теракларнинг бўйи уч қаватли бинодан у з а й и б к е т д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'наридаги ер' маъносини англатган **уз** отидан **–(а)й** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 571); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **уз + ай = узай– > узäй–.**

УЗАН– 'чўзилиб ёт–' (оз ишлатилади). ***Буни пайқаган Отабек .. юз тубан ерга у з а н д и*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'чўз–' маъносини англатган **уза–** феълидан (ДС, 620: **uza– 1**) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **уза– + н = узан– > узäн–.**

УЗАНГИ 'миниш ва оёқларни тираб ўтириш учун хизмат қиладиган от абзали'. ***Чап оёғини у з а н г и г а қўйиши билан от юриб кетди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'юқорига кўтар–' маъносини англатган **ўзä–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини олган шаклидан **–гў** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 624; ДС, 630); ўзбек тилида **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган, сўз охиридаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **(ўзä– + н = ўзäн–) + гў = ўзäнгў > узäнги.**

УЗАТ– 'қўлни чўзган ҳолда бер–' ***Китобни акасига у з а т д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'чўз–' маъносини англатган **уза–** феълидан (ДС, 620: **uza– 1**) **–т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 620); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **уза– + т = узат– > узät–.**

УЗИЛ–КЕСИЛ 'қатъий', 'қатъиян'. ***Ўғлининг у з и л – к е с и л гапидан кейин бошқа сўзга ўрин қолмади. Ўғли у з и л – к е с и л гапирди.*** Бу жуфт сўз қисмлари эски ўзбек тилида **ўз–** ва **кес–** феълларидан **–(ў)л** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **ў** унлила–

www.ziyouz.com kutubxonasi

рининг юмшоқлик белгиси йўқолган, **узул** қисмининг иккинчи бўғинидаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **(ўз– + ўл)–(кес– + ил) = ўзўл–кесил > узил–кесил.** Бу жуфт сўз сифат маъносида ҳам, равиш маъносида ҳам ишлатилади.

УЗЛУКСИЗ 'орада узилиш бўлмаган ҳолда'. ***Машиналар у з л у к с и з ўтиб турибди.*** Бу равиш эски ўзбек тилида **ўзўлўк** отидан **–сиз** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 817); **ўзўлўк** оти эса **ўз–** феълининг **ўзўл–** ўзлик шаклидан **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[(ўз– + ўл = ўзўл–) + ўк = ўзўлўк] + сиз = ўзўлўксиз > ўзлўксиз > узлуксиз.**

УЗОҚ 'олис'. ***У з о қ юртларни кўриб келди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'узоқла–' маъносини англатган **уза–** феълидан (ДС, 620) **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 571); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **уза– + қ = узақ > узâқ.**

УЗОҚ– 'анча вақт келма–'. ***Бу сафар жуда у з о қ и б к е т д и н г.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'узоқла–' маъносини англатган **уза–** феълидан (ДС, 620) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **уза– + қ = узақ– > узâқ–.**

УЗУН 'чўзиқ'. ***Қизнинг у з у н сочлари белидан пастга тушиб турарди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'чўзил–' маъносини англатган **уз–** феълидан **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 571; ПДП, 439; Девон, I, 106; ДС, 621): **уз– + ун = узун.**

УЙ 'яшашга, ишлашга хизмат қиладиган қурилма', 'бино', 'хона'. ***Бу воқиа ўртоғимнинг у й и д а содир бўлган эди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **öй** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 513), ўша даврлардаёқ **ўй** тарзида ҳам талаффуз қилинган (ДС, 513), ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öй > ўй > уй.**

УЙ– 'устма–уст қўйиб тўпла–', 'йиғ–'. ***Ювиладиган кийим—бошларни бир ерга у й и б қ ў й д и.*** Қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **ўг–** тарзида талаффуз қилинган, кейинроқ **г** ундоши **й** ундошига алмашган (ЭСТЯ, I, 620), ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ўг– > ўй– > уй–.**

УЙАЛ– 'хижолат торт–', 'номус қил–'. ***Эр йигитнинг уялгани – ўлгани*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'хижолат', 'номус', 'андиша' маъносини англатган **уй** отидан (ЭСТЯ, I, 576) **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қў–шимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 576; Девон, I, 267; ДС, 607); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(уй + а = уйа–) + л = уйал– > уйäл–.**

УЙАТ 'хижолат', 'уялиш ҳисси'. ***У я т ўлимдан қаттиқ*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилдаги 'хижолат', 'номус', 'андиша' маъносини англатган **уй** отидан (ЭСТЯ, I, 576) **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга (ЭСТЯ, I, 576) **–т** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(уй + а = уйа–) + т = уйат > уйäт.**

УЙДИРМА 'ҳақиқатга тўғри келмайдиган, хаёлан тўқилган'. ***Кейинги пайтларда у й д и р м а гапларга эътибор сусайди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'хаёл қил–' маъносини англатган **о:й–** феълининг **уй–** шаклига эски ўзбек тилида **–дур** орттирма қўшимчаси қўшилган шаклидан **–ма** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 428; ТРС, 640); кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(уй– + дур = уй–дур–) + ма = уйдурма > уйдирмä.**

УЙИ– қ. **иви–**

УЙКЎРАР 'қиз томоннинг бўлажак куёв яшайдиган уй–жой билан танишув маросими'. ***Бўлажак қудалар уйкўрарга келишибди.*** Бу от **Уй[ни] корäди** гапи таркибидаги **–ди** тусловчисини ташлаб, **–ä** замон ясовчисини **–(ä)р** сифатдош ясовчисига алмаштириб, сўнгра бир сўзга бирлаштириб тузилган; сифатдош шаклидаги бу сўз отга айланган: **Уй[ни] корäди > уй–корäр.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЙЛА– 'хотин олиб бер–'. ***Кенжамни ҳам яқинда уйлаб қўйдим.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'яшашга хизмат қиладиган қурилма' маъносини англатган **ӧй** отининг (ЭСТЯ, I, 513) **ӱй** шаклидан (ДС, 623) **–лä** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ӱ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ӱй + лä = ӱйла– > уйлä–**. Бу феъл дастлаб 'уй–жойлик қил–' маъносини англатган, 'хотин олиб бер–' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан. Ҳозирги ўзбек тилида 'хотин олиб бер–' маъноси асосан **уйлäнтир–** феъли билан билдирилади.

УЙМАЛАН– 'бирор жойда ўралашиб қол–'. ***Мунча уймаланасан, тезроқ кетайлик бу ердан.*** Бу сўз 'тўпла–' маъносини англатган **уй–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–мäлä** қўшимчасини олган шаклидан 'ўзлик' маъносини ифолаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **(уй– + мäлä = уймäлä–) + н = уймäлäн–.**

УЙУМ 'тўпланган, тўдаланган нарса'. ***Ҳовлидаги қор уюми тезда эриб кетди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'тўпла–', 'тўдала–' маъносини англатган **ӱг–** феълининг (ЭСТЯ, I, 620) **уй–** шаклидан (ДС, 607) ўзбек тилида **–(у)м** қўшимчаси билан ясалган: **(ӱг– > уй–) + ум = уйум.**

УЙУР 'бир айғирли биялар тўдаси'. ***Кенг яйловда иккита уюр алоҳида–алоҳида ўтлаб юрар эди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'тўпла–', 'тўдала–' маъносини англатган **ӱг–** феълининг **ӱй–** шаклидан **(ӱг– > ӱк– > ӱй–) –(ӱ)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 621; КРС, 819); ўзбек тилида ӱ унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ӱй– + ӱр = ӱйӱр > уйур.**

УЙУШ– 'тўдалаш–', 'бирлаш–'. ***Барчамиз уюшиб меҳнат қилсак, маррага тезроқ етамиз.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тўпла–', 'тўдала–' маъносини англатган **ӱг–** феълининг **ӱй–** шаклидан (ЭСТЯ, I, 621) **(ӱг– > ӱк– > ӱй–)** биргалик маъносини ифодаловчи **–(ӱ)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида ӱ унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ӱй– + ӱш = ӱйӱш– > уйуш–.**

УЙҚИ қ. **уйқу**

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЙҚУ 'тирик организмда физиологик сокинлик ҳолати'. ***У й қ у чарчоқни тарқатади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'физиологик сокинлик ҳолатида бўл–' маъносини англатган **уйу–** феълидан (ЭСТЯ, I, 579; ДС, 607) **–қу** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 580; ДС, 607); кейинчалик бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **уйу– + қу = уйуқу > уйқу.** Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу сўзни қадимги **уйқу** шаклида ёзиш сақланган, лекин талаффузда сўз охиридаги **у** унлиси **и** унлисига алмашади: **уйқу > уйқи.**

УЙҒАН– 'физиологик сокинлик ҳолатидан чиқ–'. ***Кўпчилик қариялар жуда эрта у й ғ а н а д и .*** Бу сўз асли **уйға–** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (**уйғат–** феълига қиёслаш буни очиқ кўрсатади); **уйға–** феъли эса қадимги туркий тилдаги 'бедор' маъносини англатган **ойуқ** сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; **–а** қўшимчаси қўшилиши билан **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига, сўз бошланишидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган (баъзи шеваларда ҳозир ҳам бу ўринда **о** айтилади): **(ойуқ + а = ойуқа–) + н = ойуқан– > ойуған– > уйғän–.**

УЙҒАТ– 'физиологик сокинлик ҳолатидан чиқар–'. ***Мени эртага эрталаб соат олтида у й ғ а т и н г.*** Бу сўз асли **уйға–** феълидан **–т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (**уйған–** феълига қиёслаш буни очиқ кўрсатади); **уйға–** феъли эса қадимги туркий тилдаги 'бедор' маъносини англатган **ойуқ** сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; **–а** қўшимчаси қўшилиши билан **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига, сўз бошланишидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган (баъзи шеваларда ҳозир ҳам бу ўринда **о** айтилади): **(ойуқ + а = ойуқа–) + т = ойуқат– > ойуғат– > ойғат– > уйғät–.**

УЙҒОҚ 'уйқуга кетмаган ҳолатда', 'бедор'. ***Бир маҳалгача у й ғ о қ ётдим.*** Бу сифат асли **уйға–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (**уйған–, уйғат–** феълларига қиёслаш буни очиқ кўрсатади); **уйға–** феъли

www.ziyouz.com kutubxonasi

эса қадимги туркий тилда 'бедор' маъносини англатган **ойуқ** сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; **–а** қўшимчаси қўшилиши билан **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, сўз бошланишидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган (баъзи шеваларда ҳозир ҳам бу ўринда **о** айтилади), **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ойуқ + а = ойуқа–) + қ = ойуқақ > ойуғақ > ойғақ > уйғâқ.**

УЙҒУН 'монанд келадиган'. ***Икковининг дунёқараши жуда у й ғ у н.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги **уй–** феълининг 'монанд кел–' маъносидан (ЭСТЯ, I, 573, 574) **–ғун** қўшимчаси билан ясалган: **уй– + ғун = уйғун.**

УКА 'бир ота–онанинг кичик ўғил фарзанди'. ***Менинг тўрттa у к а м бор.*** Бу от қадимги туркий тилда **ökэ** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 519); ўзбек тилида **ö** унлиси **у** унлисига, **э** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ökэ > укä.** Дастлаб бу от 'кичик фарзанд' маъносини билдирган (**қиз ука, ўғил ука** тарзида ишлатилган); кейинчалик маънода торайиш юз бериб, 'кичик ўғил фарзанд' маъносини англата бошлаган.

УККИ 'бойўғлилар туркумига мансуб йиртқич тун қуши'. ***У к к и н и н г сайраши одамни сескантиради.*** Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган от **ўги, ўки** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 622, 623), Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг **ўҳи, ўки** шаклларини борлигини, лекин **ўки** шакли тўғрилигини таъкидлаган (Девон, I, 175); ўзбек тилида **ўки** сўзи таркибидаги ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, **к** ундоши эса қатланган: **ўки > уки > укки.**

УКПАР 'ўғил бола бош кийимига безак сифатида чатиб қўйиладиган укки пати'. ***Ҳозир суннат тўйларида у к п а р тақиш расм бўлди.*** Бу от **укки пäри** бирикмасининг бир сўзга бирлашуви билан юзага келган, икки сўзни яхлит айтиш натижасида **укки** сўзининг **ки** қисми, кейинчалик сўзнинг охиридаги **–и** эгалик қўшимчаси талаффуз қилинмай қўйган: **укки пäри > укпäр.**

УЛА– 'туғаштир–'. ***Телефоннинг узилган симларини топиб, у л а б қ ў й д и м.*** Бу феъл қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилдаги 'боғланиш' маъносини англатган **ул** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 588; ПДП, 438; Девон, III, 271; ДС, 608); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ул + а = ула– > улä–.**

УЛАШ– 'тақсимлаб бер–'. ***Қорбобо янги йил совғаларини у л а ш д и.*** Бу сўз қадимги туркий тил–даги 'ҳисса', 'тегишли бўлак' маъносини англатган **ўл** отидан (ЭСТЯ, I, 629) **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга 'кўп' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **ў** унлисининг юм–шоқлик белгиси йўқолган: **(ўл + ä = ўлä–) + ш > ўлäш– > улäш–.**

УЛАҒ қ. **улоқ III**

УЛГУРЖИ 'кўтара', 'катта ҳажмда'. ***Бу ерда у л–г у р ж и савдо қилинади.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'тақсимла–' маъносини англатган **ўл–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–гў** қўшимчаси қў–шилган шаклидан **–р** қўшимчаси билан ясалган отта (ЭСТЯ, I, 632) **–чи** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейин–чалик **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган, **ч** ундоши **ж** ундошига алмашган: **[(ўл– + гў = ўлгў–) + р = ўлгўр] + чи = ўлгўрчи > улгурчи > улгуржи.**

УЛИ– 'босиқ чўзиқ **ууу** товушини чиқар–'. ***Қум барханлари орасида қашқирлар у л и й д и*** (Асқад Мухтор). Бу феъл **ууу** товушга тақлид сўзидан **–ла** қўшимчасининг **–лы** шакли билан ясалган; қўшимча қў–шилганидан кейин битта чўзиқ **у:** унлиси айтилган (ЭСТЯ, I, 595), кейинчалик бу унлининг чўзиқлик бел–гиси (Девон, III, 272; ДС, 609), ўзбек тилида **ы** унлиси–нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ууу + лы > у:лы– > улы– > ули–.**

УЛКАН 'ғоят катта'. ***Ҳозир мамлакатимизда у л к а н иншоотлар барпо қилинмоқда.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'катта ҳажм' маъносини анг–латган **ўлўк** отига **–ä** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 630); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

белгиси йўқолган: **(ўлўк + ä = ўлўкä–) + н = ўлўкäн > ўлкäн > улкäн.**

УЛОВ 'миниб юриладиган ҳайвон', 'иш ҳайвони'. ***У л о в и йўқ деҳқоннинг иши баракали бўлмайди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'иш ҳайвони' маъносини англатган **улағ** сўзининг (ЭСТЯ, I, 588; ДС, 608) товуш жиҳатидан ўзгарган шакли бўлиб, сўз охиридаги **ғ** ундоши **в** ундошига, бу **в** ундоши таъсирида унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **улағ > улав > улâв. Улағ** оти эса қадимги туркий тилда 'бир–бирига боғла–' маъносини англатган **ула–** феълидан **–ғ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 590).

УЛОҚ I 'уланган'. ***Шими у л о қ еридан яна ситилибди.*** Бу сифат 'туташтир–' маъносини англатувчи **ула–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 588); **қ** ундошининг таъсирида унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ула– + қ = улақ > улâқ.**

УЛОҚ II 'уланган қисм'. ***Шимининг у л о ғ и сўкилибди.*** Бу от **улоқ I** сифатидан маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан: 'белги' → 'шундай белгига эга нарса'. Қадимги туркий тилда бу сўз **улағ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 143), ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган.

УЛОҚ III 'эчки'. ***У л о қ боққандан кўра қўй боққан афзал.*** Бу от қадимги туркий тилда **улағ** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 588), ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, бу ундош олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **улағ > улâқ.** Бу сўз қадимги туркий тилда 'миниладиган ҳайвон'ни билдирган, маъно тараққиёти натижасида 'эчки' маъносини англата бошлаган.

УЛОҚ IV 'кўпкари' (от спорти ўйини). ***Бу йилги у л о қ д а одам жуда гавжум бўлди.*** Бу от **улоқ III** отидан маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан: 'уй ҳайвони' → 'ўртага шундай уй ҳайвонини ташлаб ўтказиладиган ўйин'.

УЛОҚ– 'узоқлаш–' (оз ишлатилади). .. ***бир хил қочди у л о қ и б*** ("Равшан"). Бу феълни **узâқ–** феъли билан қиёслаш кўрсатадики, қадимги туркий тилда, **уза–**

www.ziyouz.com kutubxonasi

феъли билан бирга, **ула–** феъли ҳам мавжуд бўлган, **улâқ–** феъли ана шу **ула–** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; **қ** ундоши қўшилганидан кейин унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ула– + қ = улақ– > улâқ–.**

УЛОҚТИР– 'анча нарига ташла–', 'итқит–'. ***У тешани у л о қ т и р и б, қўлига яна кетмонни олди.*** Бу сўз асли **улâқ–** феълининг **–тир** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида мустақил феълга айланган: 'узоқлаштир–' → 'итқит–'.

УЛУШ 'ҳисса', 'тегишли бўлак'. ***Фойдадан ҳар ким ўз у л у ш и н и олади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'тақсимла–' маъносини англатган **ўл–** феълидан **–(ў)ш** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 629; Девон, I, 93; ДС, 625); ўзбек тилида **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ўл– + ўш = ўлўш > улуш.**

УЛУҒ 'буюк', 'ҳар жиҳатдан юқори'. ***Биз у л у ғ аждодларимиз билан фахрланамиз.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'юқори бўл–' маъносини англатган **ул–** феълидан **–(у)ғ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 594; ПДП, 438; Девон, I, 95; ДС, 610): **ул– + уғ = улуғ.**

УЛҒАЙ– 'катта бўл–', 'вояга ет–'. ***Ўғил-қизлари у л ғ а й и б қ о л д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **улуғ** сифатидан **–(а)з** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 594; Девон, I, 266), кейинроқ **з** ундоши **й** ундошига алмашган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **улуғ + аз = улуғаз– > улғаз– > улғай– > улғäй–.**

УМОЧ 'хамирни увалаб солиб пишириладиган суюқ овқат'. ***Онам тушликка у м о ч қилиб қўйган экан.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'майдала–' маъносини англатган **ув– (оғ– > ов– > ув–)** феълидан **–мач** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 403); кейинчалик **в** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(оғ– > ов– > ув–) + мач = ув– мач > умач > умâч.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

УМУРТҚА 'гавданинг бўйиндан тосгача борадиган ҳалқасимон суяклари'. ***Йиқилиб, у м у р т қ а с и синибди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'қисмларга ажра–' маъносини англатган **оң–** феълининг (ЭСТЯ, I, 462) **–(у)р** орттирма қўшимчасини ва 'такрор' маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–қа** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 464); кейинчалик сўз бошланишидаги **о** унлиси **у** унлисига, **у** унлилари оралиғидаги **ң** ундоши **м** ундошига (КРС, 568), ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **[(оң– + ур = оңур–) + т = оңурт–] + қа > оңуртқа > уңуртқа > умуртқä.**

УН I 'доннинг упага ўхшаш кукунга айлантирилган ҳолати'. ***Бу нон олий нав у н д а н тайёрланган.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **у:н** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 597), ўша даврлардаёқ **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 83): **у:н > ун.**

УН II 'овоз'. ***Анчадан кейин итларнинг у н и ўчди*** (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **ӱн** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 626; ПДП, 440; Девон, I, 74; ДС, 625); ўзбек тилида ӱ унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ӱн > ун.**

УН– 'ердан ўсиб чиқ–', 'кўкар–'. ***Кашнич сепган эдим, у н и б чиқибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **ӧ:н–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 530), ўша даврлардаёқ аввал **ӧ:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДС, 385), кейинроқ **ӧ** унлиси **ӱ** унлисига алмашган (ПДП, 440; Девон, I, 181); ўзбек тилида **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ӧ:н– > ӧн– > ӱн– > ун–.**

УНДА 'у ҳолда', 'акс ҳолда'. ***Агар сен гапимга кирмасанг, у н д а мен ҳам сенинг айтганингни қилмайман.*** Бу сўз ўзбек тилида кўрсатиш олмошининг **ул** шаклидан **–дä** келишик қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, маъно тараққиёти натижасида равишга айланган; қўшимча қўшилганидан кейин **л** ундоши **н** ундошига алмашган: **ул + дä = улдä > ундä.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

УНДА– ’даъват эт–’. ***Раҳбарларимиз ҳалол меҳнат қилишга у н д а й д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда ’овоз’ маъносини англатган **ӱн** отидан **–дä(< –лä)** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 626; ПДП, 440; Девон, I, 271; ДС, 625); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ӱн + дä = ӱндä– > ундä–.** Бу феъл асли ’овоз чиқар–’, ’чақир–’ маъносини билдирган бўлиб, ’даъват эт–’ маъноси шу маъно асосида юзага келган.

УНДОВ ’чақириқ овози’ (оз ишлатилади). ***Қалб амри, виждон у н д о в и билан урушга жўнаганлар сон–саноқсиз бўлди.*** Бу от ўзбек тилида **унда–** феълидан **–в** қўшимчаси билан ясалган; **в** ундоши таъсирида унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **унда– + в = ундав > ундâв.**

УННА– ’бирор ишни бажаришга астойдил киришиш–’. ***Тезда ошга у н н а н г.*** Бу сўз ’зарб бер–’ маъносини англатувчи **ур–** феълига ’ўзлик’ маъносини ифодаловчи **–(у)н** қўшимчасини ва кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; **н** ундоши таъсирида унинг олдидаги **р** ундоши **н** ундошига, шунингдек **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ур– + ун = урун–) + а = уруна– > урна– > урнä– > уннä–.**

УННУҚ– ’қорайиб кет–’ ***Укам бир ойда ориқлаб, у н н у қ и б қайтиб келди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги ’ранги ўзгар–’ маъносини англатган **оң– || öң–** феълидан (ЭСТЯ, I, 460; Девон, I, 185; ДС, 367, 386) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(у)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлиб (Девон, I, 185), асли ’ранги кучли даражада ўзгар–’ маъносини билдирган, рангнинг салбий томонга ўзгаришини ҳисобга олиб маънода торайиш воқе бўлган, фақат ’қорайиб кет–’ маъносини англата бошлаган; **–(у)қ** қўшимчаси қўшилганидан кейин сўз бошланишидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган (Девон, I, 403), сўнгра **ң** ундоши **н** ундошига алмашган ва бу ундош қатланган: **оң + уқ = оңуқ– > оннуқ– > ннуқ–** (Изоҳли луғатда хато равишда **унниқ–** шаклида ёзилган).

www.ziyouz.com kutubxonasi

УНУМ 'ишнинг баракали бўлиши'. ***Янги комбайннинг иш у н у м и икки баравар ортиқ экан.*** Бу от қадимги туркий тилдаги **ö:н–** феълининг 'ривожлан–' маъносидан (ЭСТЯ, I, 531) **–(ÿ)м** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 532); ўша даврлардаёқ **ö:** унлиси ÿ унлисига алмашган, ўзбек тилида ÿ унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ö:н–** + **ÿм** = **ö:нÿм** > **ÿнÿм** > **унум.**

УНЧА 'у қадар'. ***Бу йил ўригимиз у н ч а кўп ҳосил қилмади.*** Бу сўз ўзбек тилида кўрсатиш олмошининг **ул** шаклидан 'чама' маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; маъно тараққиёти натижасида равишга айланган; қўшимча қўшилганидан кейин **л** ундоши **н** ундошига алмашган: **ул** + **чä** = **улчä** > **унчä.**

УҢУР 'тоғ ёнбағридаги ўйиқ жой'. ***Бу у н г у р л а р д а қор узоқ эримай туради.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'чуқурлик ҳосил қил–' маъносини англатган **ÿң–** феълидан (Девон, I, 285: **ÿңтÿрди**) **–(ÿ)р** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 626); Маҳмуд Кошғарий бу сўзни **оңур** шаклида келтирган (Девон, I, 119), демак, бу сўз таркибидаги унлиларнинг юмшоқлик белгиси қадимги туркий тилдаёқ йўқолган: **(ÿң–** + **ÿр** = **ÿңÿр** > **уңур.**

УРИШ қ. **уруш**

УРУШ 'жанг','қуролли кураш'. ***У р у ш ногиронларига катта имтиёзлар берилди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'зарба бер–' маъносини англатган **ур–** феълидан ҳаракат номи ясовчи **–(у)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 600; Девон, I, 52, 93; ДС, 616): **ур–** + **уш** = **уруш.** Асли бу сўз 'жанг' маъносини ҳам, 'жанжал' маъносини ҳам билдирган; ўзбек тилида **уруш** сўзига 'жанг' маъноси, **уриш** сўзига эса 'муштлашиш', 'жанжал' маъноси биркитилган.

УРУҒ 'ҳосила учун асос бўладиган нарса'. ***Сархил у р у ғ эксанг, тез ва бақувват униб чиқади.*** Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ҳосил қил–', 'ярат–' маъносини англатган **ур–** феълига **–(у)ғ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 605; Девон, I, 95; ДС, 615): **ур–** + **уғ** = **уруғ** (**урчи–** сўзи ҳам шу **ур–** феълидан ясалган).

УРЧИ– 'кўп насл бер–'. ***Пашша тез у р ч и й д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ҳосила

www.ziyouz.com kutubxonasi

бер–' маъносини англатган **ур–** феълига (ЭСТЯ, I, 605) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ур– + чы = урчы– > урчи–**.

УРЧУҚ 'йигириш қуроли'. ***Туя жунидан у р ч у қ б и л а н ип йигирамиз.*** Бу от эски ўзбек тилида **урчы–** феълига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган: **урчы– + қ = урчық > урчуқ.**

УРҒОЧИ 'насл берувчи (ҳайвон)'. ***Итимиз битта эркак, учта у р ғ о ч и бола туғди.*** Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ҳосил қил–' маъносини англатган **ур–** феълига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчасини ва шахс маъносини билдирувчи **–чы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 603); қўшимча қўшилганидан кейин **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ур– + ға = урға–) + чы = урғачы > урғâчи.** Бу сўз таркибини **уруғ** отига **–а** қўшимчасини қўшиб феъл ясалган, сўнгра **–чы** қўшимчасини қўшиб сифат ясалган деб талқин қилиш ҳам мумкин (ЭСТЯ, I, 603). Бунда **–а** қўшимчаси қўшилиши муносабати билан **уруғ** сўзининг иккинчи бўғинидаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(уруғ + а = уруға–) + чы = уруғачы > урғачы > урғâчи.**

УСТ 'тепа, сирт, юза'. ***Кўрпачалар сандиқ у с т и г а тахланди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'юза, тепа, сирт' маъносини англатган **ӱс** отидан 'ўрин' маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 635); ўзбек тилида **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ӱс + т = ӱст > уст.**

УСТАМА 'қўшиб бериладиган'. ***Илғорларга у с т а м а мукофот пули берилди.*** Бу сифат **уст** отидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–мä** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(уст + ä = устä–) + мä = устäмä.**

УСТУН 'бирор жиҳатдан юқори, ортиқ'. ***Ҳусн жиҳатидан ундан у с т у н с а н.*** Бу сўз **уст** отидан **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган; ДСда берилишига қараганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

(628– бет) бу сўз қадимги туркий тилда **ўстўн** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, ўзбек тилида ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ўст + ўн = ўстўн > устун.**

УТ– 'куйдириб ёки юлиб, туклардан тозала–' (оз ишлатилади). ***Товуқни сўйиб, у т и б қўйдим, эртага пиширамиз.*** Бу феъл қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатиб, **ўт–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 640; Девон, I, 182); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ўт– > ут–.**

УФУР– 'ҳаво оқими билан тарал–'. ***Уйда атир ҳиди у ф у р д и.*** Бу феъл пуфлашни ифодаловчи **уфф** сўзидан **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган (ССТТН, I, 142); қўшимча қўшилганидан кейин бир **ф** ҳарфи ташлаб ёзилган: **уфф + ур > уфур–.**

УХЛА– 'физиологик сокинлик ҳолатида бўл–'. ***Укам донг қотиб у х л а р э д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **уйу–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан яса—либ, 'ухлаш ҳолатида' маъносини англатган **уйуқ** сўзи—дан **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 581); аввал сўз бошланишидаги **у** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (уч бўғинли сўз икки бўғинли сўз ҳолатига келтирилган), кейин **қ** ундоши **х** ундошига алмашган, сўнгра **й** ундоши ҳам талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **уйуқ + ла = уйуқла– > йуқла– > йухла– > ухлä–.**

УХЛОҚ 'уйқу ҳолатида'. ***Уйғоқмисан, у х л о қ – м и с а н?*** Бу сўз **ухла–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; **қ** ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ухла– + қ = ухлақ > ухлâқ.**

УЧ I 'бошланиш қисми'. ***Таёқнинг у ч и бўлма, ўртаси бўл*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от дастлаб **у:ч** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 611); ўша даврлардаёқ **у:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 79; ДС, 603): **у:ч > уч.**

УЧ II 'икки билан тўрт оралиғидаги бутун саноқ сон'. ***У ч кундан бери иситмаси тушмайди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **ӱч** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 641; ПДП, 440;

www.ziyouz.com kutubxonasi

Девон, I, 71; ДС, 621); ўзбек тилида ў унлисининг юм— шоқлик белгиси йўқолган: **ўч > уч.**

УЧОВОРА 'уч киши баҳам кўришига мўлжаллан— ган'. ***Меҳмонларга патнислар у ч о в о р а қ и л и б киритилди.*** Бу сўз **учов** жамловчи сонига **орä** сўзини қўшиб тузилган: **учов + орä = учоворä.**

УЧРА– 'йўлиқ–', 'дуч кел–'. ***Кетаётсам, мактабда бирга ўқиган синфдошим у ч р а б қ о л д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'тасодиф' маъносини англатган **учур** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 615; ПДП, 437: **учраш–**; ДС, 604); **–а** қўшимчаси қўшилгани— дан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилин— май қўйган, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **учур + а = учура– > учра– > учрä–.** Бу феъл дастлаб 'тасодифан йўлиқ–' маъносини билдирган.

УЧУН 'аталганлик', 'мақсад' каби маъноларни ифодалайдиган кўмакчи. ***Сен у ч у н жонимни бе— ришга ҳам тайёрман.*** Бу кўмакчи қадимги туркий тилда **ўчӱн** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 105; ПДП, 437; ДС, 622); ўзбек тилида ў унлиларининг юм— шоқлик белгиси йўқолган: **ўчӱн > учун.** Бу сўз асли 'мақсад' маъносини англатган **ўч** отига **–(ў)н** қўшимча— сини қўшиб ҳосил қилинган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, I, 643).

УЧУН– 'эт увушиб, лабда чиқиқ чиқиб ўтадиган касалликка чалин–' ***У ч у н и б с а н, бир–икки кун ўраниб ёт.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги **уч–** феълининг 'чиқ–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифо— даловчи **–(у)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 613, 616): **уч– + ун = учун–.**

УЧУРИҚ 'шама қилиб айтилган гап'. ***Чол–кампир— нинг у ч у р и ғ и г а стол атрофидагилар қийқириб кулишди*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз қадимги туркий тилдаги **учур** отининг 'маълумот', 'хабар' маъносидан (ЭСТЯ, 617: **учур 5**) эски ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(у)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик учинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига ал— машган: **учур + уқ = учуруқ > учуриқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧУҚ I 'учунганда лабда пайдо бўладиган чиқиқ'. ***У ч у қ чиқибди, энди тузалиб кетасиз.*** Бу от қадимги туркий тилдаги **уч–** феълининг 'чиқ–' маъносидан **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 616): **уч– + уқ = учуқ.** ДСда бу от **учық** шаклида келтирилган (604– бет). Девонда эса **учғуқ** шаклида берилган (Девон, I, 124), бунда **уч–** феълига аввал кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ғу** қўшимчаси қўшилган, шундан кейин **–(у)қ** қўшимчаси билан от ясалган.

УЧУҚ II 'кичик бир бўлаги синган'. ***Чети у ч у қ лаганга ош сузиб келди.*** Белги маъносини англатган бу сўз **уч–** феълининг 'синиб ажрал–' маъносидан (ЎТИЛ, II, 287: **уч– 6**) эски ўзбек тилида **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган: **уч– + уқ = учуқ.**

УЧҚУН 'оловдан сачраб турадиган заррача'. ***Тандир оғзидан у ч қ у н л а р сачрарди.*** Бу от эски ўзбек тилида **уч–** феълининг 'ҳаво бўйлаб тез ҳаракатлан–' маъносидан **–қун** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 812): **уч– + қун = учқун.**

УЧҚУР 'ўта тез ҳаракатланадиган'. ***Вақт бамисоли у ч қ у р қуш экан*** (Ж.Абдуллахонов). Бу сифат эски ўзбек тилида **уч–** феълининг 'ҳаво бўйлаб тез ҳаракатлан–' маъносидан **–қур** қўшимчаси билан ясалган: **уч– + қур = учқур.**

УШАЛ– 'майда бўлакларга ажрал–'. ***Етилган ерни чопсанг, кесак кўчмайди, у ш а л и б кетади.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'кичик бўлакларга ажра–' маъносини англатган **ув–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ша** қўшимчасини олган шаклидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинроқ **в** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (ЭСТЯ, I, 617; Девон, I, 205; ДС, 617); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ув– + ша = увша–) + л = увшал– > ушал– > ушäл–.**

УШАТ– 'майда бўлакларга ажрат–'. ***Олдингиздаги нонни у ш а т и б қ ў й и н г.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'кичик бўлакларга ажра–' маъносини англатган **ув–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ша** қўшимчасини олган шаклидан **–т** орттирма қўшимчаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ҳосил қилинган (ДС, 619); кейинроқ **в** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (ЭСТЯ, I, 618; Девон, I, 262; ДС, 617); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ув– + ша = увша–) + т = увшат– > ушат– > ушät–.**

УШБУ 'мана шу', 'мазкур'. ***У ш б у мактубимни онамнинг қўлига топширинг.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'мана' маъносини билдирган **ош** кўрсатиш олмошини **бул** кўрсатиш олмошининг **бу** шакли билан бирлаштириб тузилган (ЭСТЯ, I, 493; ДС, 372); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган: **ош + (бул > бу) = ошбу > ушбу.**

УШКУР– қ. **аксир–**

УШЛА– 'бармоқлар билан тут–'. ***Мастон уни қўлидан у ш л а б тортди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'кафт' маъносини англатган **авуч** отининг (ДС, 70) **уш** шаклидан **(авуч > вуч > уч > уш) –ла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 614); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **уш + ла = ушла– > ушлä–.** Асли 'ҳовучга ол–' маъносини билдирган бўлиб, кейинчалик 'бармоқлар билан тут–' маъноси ўсиб чиққан.

УШОҚ 'нонниг майда увоқлари'. ***Нонниг у ш о г и ҳам нон*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилдаги 'кичик бўлакларга ажра–' маъносини англатган **ув–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ша** қўшимчасини олган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 619); ўша даврлардаёқ бу сўз таркибидаги **в** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (ЭСТЯ, I, 618; Девон, I, 97; ДС, 617); ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ув– + ша = увша–) + қ = увшақ > ушақ > ушâқ.**

УШУК 'совуқ'. ***..қулоқ–бурнимни у ш у к уриб, госпиталда ҳам ётиб чиқдим*** (Асқад Мухтор). Бу от қадимги туркий тилдаги 'совуқ қот–' маъносини англатган **ўши–** феълидан (Девон, III, 270) **–к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 645; Девон, I, 102); қадимги туркий тилдаёқ бу феълнинг **ўшў–** шакли ҳам (ДС, 628), шунга кўра **ўшик** отининг **ўшўк** шакли ҳам мавжуд бўлган; ўзбек тилида **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ўшў– + к = ўшўк > ушук.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

УҚАЛА– I 'қўл кучи билан ажрат–'. ***Маккажўхорини сўтасидан у қ а л а б олдик.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги **ов–** феълининг 'ажрат–' маъносидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қала** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 403); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган, **в** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ов– + қала = овқала– > увқала– > уқälä–.**

УҚАЛА– II 'қўл билан эзғила–'. ***Додамнинг белларини у қ а л а б қ ў й д и м.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги **ов–** феълининг 'эз–' маъносидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қала** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 403); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган, **в** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ов– + қала = овқала– > увқала– > уқälä–.**

Х

ХАЧИР 'бия билан эшакдан туғилган иш ҳайвони'. ***Бўри юриб–юриб бир жойга борса, бир х а ч и р турган эмиш*** (Эртакдан). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қатыр** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 344; ДС, 435). Л.З.Будагов луғатига бу сўз **хачыр** шаклида киритилиб, **қатыр, қачыр** шакллари ҳам келтирилган (ССТТН, I, 524). А.М.Щербакнинг таъкидлашича, бу сўз туркий тилларда **ғатыр** (туркман, озарбайжон), **қашыр** (қорақалпоқ) шаклларида ҳам мавжуд (ИРЛТЯ, 95). Турк тилида бу от қадимги **қатыр** шаклида ишлатилади (ТРС, 324). Бу от қадимги туркий тилдаги **қат–** феълининг 'қўш–', 'аралаштир–' маъносидан (ДС, 432) **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган дейиш мумкин; кейинчалик **т** ундоши **ч** ундошига, **қ** ундоши **х** ундошига алмашган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қат– + ыр = қатыр > қачыр > хачыр > хäчир.**

Қадимги туркий тилда шундай маъно **қағатыр** сўзи билан ҳам англатилган (ДС, 405). Бу сўзни **қатыр** сўзи билан қиёслашдан кўриниб турибдики, **–(ы)р** қисми – от

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясовчи қўшимча; **қағат–** қисми феълга тенг бўлиб, **қатыр** сўзидаги **қат–** қисми орасида **–ға** қўшимчаси қатнашган (**–ға** қўшимчаси 'такрор', кучайтириш маъносини ифодалайди). Шундан маълум бўладики, **қат–** сўзи охиридаги **–т** қисми ҳам қўшимчага тенг (орттирма шаклини ҳосил қилади); **қа–** қисми эса қадимги туркий тилдаги 'уй–', 'тахла–' маъносини англатган феълга тенг (Девон, III, 266; ДС, 399). Айтилганлар асосида **хачир** сўзи таркибини қуйидагича тасвирлаш мумкин: **[(қа– + ға = қаға–) + т = қағат–] + ыр = қағатыр > қа:атыр > қа:тыр > қатыр > қачыр > хачыр > хачир.**

ХИВИЧ 'узун ҳўл новда', 'хипчин'. ***Бўтабой тол х и в и ч и н и ўйнаб хиргойи қилиб келарди*** (Сайид Аҳмад). Бу от қадимги туркий тил ва эски ўзбек тили акс эттирилган манбаларда (ПДП, ДС, Девон, ССТТН) қайд этилмаган. ЎХШЛнинг 277– бетида **хъмъч** сўзи келтирилиб, Бухоро шевасида 'хивич' (прут, розга) маъносини англатиши таъкидланган. КРСда **кывыч** шаклида берилиб, қирғиз тилининг жанубий шевасига мансублиги кўрсатилган ва шу маънони англатувчи асосий сўз сифатида **чырпык** сўзига ҳавола берилган (475– бет). Кўринадики, бу сўз таркибидаги унлилар ва сўз охиридаги **ч** ундоши юқоридаги ҳар икки манбада бир хил акс эттирилган. Сўз бошланишидаги ўзбекча **х** ундошига қирғизчада **қ** ундоши тўғри келади. Бу сўз бошланишида асли **қ** ундоши қатнашган, ўзбек тилида бу ундош **х** ундошига алмашган. Сўз ичида қирғиз тилида ҳам, худди ўзбек тилидаги каби, **в** ундоши келган, ўзбек тили шеваларида эса **м** ундоши қатнашган. Асли бу ўринда **б** ундоши қатнашган бўлиб, **в, м** ундошлари **б** ундошининг ўзгариши натижасида юзага келган. Демак, **хывыч** сўзи асли **қыбыч** тарзида талаффуз этилган. Бу сўз охиридаги **–(ы)ч** қисми кичрайтириш маъносини ифодаловчи қўшимчага тенг; унда **қыб || қыв || қым** қисми от бўлиб чиқади, лекин бундай сўз манбаларда қайд қилинмаган ('ингичка новда' маъносини англатган бўлса керак). Бу сўз таркибидаги ўзгаришларни ўзбек адабий тили нуқтайи назаридан шундай кўрсатиш мумкин: **қыб + ыч = қыбыч > қывыч > хывыч > хивич.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХИПЧА 'ингичка'. ***Сочинг сумбул , х и п ч а келгандир белинг*** ("Нигор ва Замон"). Бу сифат қадимги туркий тил ва эски ўзбек тили акс эттирилган манба—ларда (ПДП, ДС, Девон, ССТТН) қайд қилинмаган. ЎХШЛнинг 277– бетида **хъмча** сўзи келтирилиб, 'тоқ-нинг узун–узун, ингичка новдалари' маъносини англа—тиши айтилган; демак, Қашқадарё шевасида бу сўз отга тенг. КРСда бу сўз **кыпча** шаклида келтирилиб, 'тонкий, изящный' маъносини англатиши айтилган (492– бет); демак, қирғиз тилида бу сўз, худди ўзбек адабий тили—даги каби, сифатга тенг. **Хивич, хипча** сўзларини қиёс-лашдан кўриниб турибдики, ҳар иккиси ясама ва улар—даги ясаш асоси асли айнан: **хив + ич, хип + чä.** Ҳар икки сўзнинг бошланишида асли **қ** ундоши қатнашиб, кейинчалик **х** ундошига алмашган; иккинчи ундош си—фатида асли **б** ундоши қатнашиб, кейинчалик **в, п** ун—дошига алмашган. **Хипчä** сифати асли **хывыч** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; шундан кейин **ч** ундошининг таъсири билан унинг ол—дидаги **в** ундоши **п** ундошига, шунингдек **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қыб + ыч = қыбыч > қывыч > хывыч) + а = хывыча > хывча > хипчä. Хипчä** сўзи таркибидаги **–чä** қисмини 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи қўшимча деб қараш мумкин; бу қўшимча қўшилган асос эса отга тенг бўлиб, 'ингичка новда' маъносини англатган бўлса ке—рак: **хип + чä = хипчä.** Демак, бу сўз дастлаб 'ингичка новдага ўхшаш' маъносини билдирган, кейинчалик маънода ўзгариш юз бериб, умуман 'ингичка' маъно—сини англата бошлаган.

Қизиқ, КРСда **кывыч** сўзи туркий деб, **кыпча** сўзи эса эроний деб белгиланган. "Таджикско–русский сло—варь"да (М.: 1954, 423) **химча** сўзи келтирилиб, жуда кенг маънони англатиши таъкидланган: 'прут, прутик, веточка, лоза, хлыст'. Бир–биридан узоқ бу маъно–ларнинг ҳеч қандай алоҳидаламай кетма–кет саналиши кишига ғайритабиий туйилади. Балки тожик тили нуқ—тайи назаридан бу маънолар аниқ чегараланмаса керак. Бундан қатъий назар, ўзбек тилида бир асосдан ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

уч сўз (**хивич, хипчä, хипчин**) мавжуд бўла туриб, тожик тили луғатида фақат ўзбек тили шевасида мавжуд **химчä** сўзининг келтирилиши ва айни вақтда шу шевада бўлганидек от маъносини англатиши **хипчä (химчä)** сўзи асли эроний бўлмай, балки туркий эканини тасдиқлайди.

ХИПЧИН 'узун ҳўл новда', 'хивич'. ***Тўрабек .. баъзан қўлига х и п ч и н олиб, болаларга дўқ–давара қилар .. эди*** (Ҳ.Нуъмон, А.Шораҳмедов). ЎТИЛда қайд этилган бу от асли эски ўзбек тилида **хывыч** отидан (КРС, 475) **–ы** қўшимчаси билан ясалган феълга **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, сўнгра **ч** ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **в** ундоши **п** ундошига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(хывыч + ы = хывычы–) + н = хывычын > хывчын > хипчин.**

ХИРИЛДОҚ 'хир–хир қиладиган'. ***У .. аввалги–дай х и р и л д о қ товуш билан давом этарди*** (С.Маҳкамов). Бу сифат ўзбек тилида **хир–хир** товушга тақлид сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик қатор келган **лл** ундошларидан кейингиси **д** ундошига, **қ** ундоши таъсири билан унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(хир + иллä = хириллä–) + қ = хириллäқ > хирилдâқ.**

ХОН 'кичикроқ давлатнинг мутлақ ҳукмдори', 'шоҳ'. ***Халқ подшолар, х о н л а р, бекларнинг жабр–зулмини кўрган ..*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қан** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 411), кейинроқ **хан** тарзида ҳам талаффуз қилина бошлаган. ДСда **қан** ва **хан** шакллари қайд этилган бўлса (417, 636), Девонда фақат **хан** шакли учрайди (III, 172), қирғиз тилида эса асосий шакл **кан** бўлиб (КРС, 338), **хан** сўзидан **кан** сўзига ҳавола берилган (КРС, 829). Демак, бу сўз дастлаб **қан** тарзида талаффуз қилинган, кейинчалик сўз бошланишидаги **қ** ундоши **х** ундошига алмашган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қан > хан > хân.** Юқоридаги манбаларда бу сўз туркий деб қаралган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Л.З.Будагов луғатида эса асли мўғилча **қаан** сўзининг қисқарган шакли деб изоҳланган (СТТН, I, 527).

ХОТИН 'аёл', 'эрга теккан аёл', 'эркак теккан аёл'. ***Нажмиддинбойнинг бош х о т и н и д а н Нурининг эри Фазлиддин туғилган*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилда **қатун, хатун** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 412, 442). ДСда **хатун** шакли келтирилган, лекин изоҳсиз **қатун** шаклига ҳавола берилган; демак, асосий шакл деб **қатун** шакли белгиланган (637, 436). Девонда эса фақат **қатун** шакли келтирилган (I, 388). Л.З.Будагов бу сўзнинг **қатун** шаклини қирғизча деб белгилайди, **хатун** сўзига тенглигини кўрсатади, лекин изоҳламайди (СТТН, II, 6); бу сўзнинг **хатун** шаклини татарча, қозоқча деб белгилаб, бу ерда **қатун** шаклини қирғизча, туркча деб белгилайди, олтой тилида **қаттын** шаклида ишлатилишини, кўпликда **қадыттар** шаклини олишини таъкидлайди (СТТН, I, 524). Қирғиз тили луғатида бу сўз **қатын** тарзида (КРС, 360), турк тили луғатида эса **хатун** тарзида (ТРС, 238) берилган. Юқорида келтирилган изоҳлар асосида бу сўзнинг товуш жиҳатидан ўзгаришини қуйидагича кўрсатиш мумкин: **қатун > хатун > хâтин.** Юқоридаги манбаларда таъкидланишича, бу сўз дастлаб 'юқори мартабали кишининг умр йўлдоши' маъносини англатган; маъно тараққиёти натижасида умуман 'бирор эркак кишининг умр йўлдоши' маъносини ва бошқа маъноларни англата бошлаган.

ХОҚОН 'йирик давлатнинг мутлақ ҳукмдори', 'улуғ хон', 'шаҳаншоҳ'. ***Улуғ х о қ о н , бу хокисор қулингизнинг бир тортиғи бор*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қаған** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 409): кейинроқ **хақан** тарзида талаффуз қилина бошлаган. ДСда **қаған** ва **хақан** шакллари қайд этилган бўлса (405,636), Девонда фақат **хақан** шакли учрайди (III, 172). Л.З.Будагов бу сўз асли мўғилча эканини айтади (СТТН, II, I). Бу луғатда **қан || хан** сўзи **қаан** сўзининг қисқариши билан юзага келган дейилади. Маҳмуд Кошғарий **хан** сўзига берган изоҳида: "Афрасиёбнинг болалари ҳам хон деб юритилади. Афрасиёб хоқондир. Бу ном билан аталиш воқиаси ҳақидаги узун ҳикоя бор", – дейди–ю (Девон, III, 172),

www.ziyouz.com kutubxonasi

афсуски, бу ҳикояни келтирмайди (Балки ўша ҳикояда **хақан** сўзининг келиб чиқишига доир маълумот бордир). ДСнинг 405– бетидаги **қаған қан** ('верховный правитель') мисоли асосида қуйидагича фикр юритиш мумкин: Дастлаб **қаған қан** бирикмасидаги **қаған** сўзининг **–ған** қисми талаффуз қилинмай, унинг ўрнига **–қа** қисмидаги **а** унлиси чўзиқ талаффуз қилинган ва **қан** қисмига бирлаштирилган; шундан кейин лексема бошланишидаги **қ** ундоши **х** ундошига алмашган, сўнгра **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган; ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **қаған қан > қа:қан > хақан > хâқâн.**

ХУРРАК 'ухлаб туриб нафас олганда чиқарилади-ган хуруллаган товуш'. ***Билиндаждаги жимликни кимнингдир х у р р а г и бузарди*** (Мумтоз Муҳамедов). Бу от ўзбек тилида **хур–хур** товушга тақлид сўзидан **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **р** ундоши қатланган: **хур + äк > хуррäк.**

ХЎТИК 'эшак боласи'. .. ***Ким кучук бирлан х ў т и к к а қанча қилсанг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами!*** (Уйғун ва Иззат Султон). Қадимги туркий тил акс эттирилган манбаларда қайд қилинмаган бу сўз қатор туркий тилларда турли шаклда мавжуд. А.М.Щербак бу сўзнинг асосий шакли сифатида **кодук** сўзини келтириб, бу сўз озарбайжон тилида **ғодуғ** шаклида, гагауз тилида **кöдӱк** шаклида, қозоқ тилида **кодык** шаклида, қирғиз тилида **кодык** шаклида, турк тилида **кудук** шаклида, туркман тилида **ғодык** шаклида, ўзбек тилида **хотик** шаклида, уйғур тили шевасида **хотак** шаклида мавжудлигини санаб кўрсатган (ИРЛТЯ, 124). [А.М.Щербак таъкидлаганидан фарқли ҳолда бу сўз "Озарбайжон тилининг изоҳли луғати"да **ғодуғ** шаклида эмас, балки **годуг** шаклида берилган (I, 535), шунингдек РКСда бу сўз **кодык** шаклида эмас, балки **қодық** шаклида берилган (464– бет)]. Юқоридагилардан ташқари, ўзбек тилининг шеваларида бу сўз **ғодый** шаклида (ЎХШЛ , 74), Л. З. Будагов луғатида эса **худак** шаклида келтирилган (ССТТН, I, 541). Кўринадики, бу сўз тар-кибидаги бирорта ҳам товуш туркий тиллар бўйича бир хилликка эга эмас: сўз бошланишидаги ундош тўрт тилда

www.ziyouz.com kutubxonasi

к ундоши билан, икки тилда **ғ** ундоши билан, икки тилда **х** ундоши билан, бир тилда **қ** ундоши билан ифодалан— ган, шунга кўра бу сўз асли **к** ундоши билан бошланган деб ҳукм чиқариш мумкин; биринчи бўғиндаги унли кўпчилик тилларда **о** унлиси билан ва **ö** унлиси билан, фақат турк тилида **у** унлиси билан ифодаланган, шунга кўра бу унли аслида **о** унлиси бўлган деб ҳукм чиқариш мумкин; иккинчи бўғин бошидаги ундош кўпчилик тилларда **д** ундоши билан, фақат ўзбек адабий тилида ва уйғур тили шевасида **т** ундоши билан ифодаланган, шунга кўра бу ундош аслида **д** ундоши бўлган деб ҳукм чиқариш мумкин; бу сўз охири кўпчилик тилларда **к** ундоши билан, фақат озарбайжон тилида **г** ундоши билан ва қозоқ тилида **қ** ундоши билан ифодаланган (ҳар икки тилда сўз охиридаги ундош сўз бошланишидаги ундошга уйғун ҳолда келган: **годуг, қодуқ**), шунга кўра бу сўз охиридаги ундош асли **к** ундоши бўлган деб ҳукм чиқариш мумкин; иккинчи бўғиндаги унли икки тилда **у** унлиси билан ва бир тилда **и** унлиси билан, икки тилда **а** унлиси билан ифодаланган. А.М.Шербак сўзнинг эти— мологик шаклини белгилашда иккинчи бўғиндаги унли одатда назардан соқит қилинади деб таъкидлайди (ИРЛТЯ, 124), лекин таҳлил қилинаётган сўзда худди шу иккинчи бўғиндаги унли аҳамият касб этади. Агар бу ерда асли **у** || **ў** унлиси қатнашади десак, бу сўзнинг туркий экани тасдиқланади; агар **ы** || **и** унлиси қатна— шади десак, бу сўзнинг туркий экани шубҳа остига олинади, чунки биринчи бўғинда **у** || **ў** , **о** || **ö** қатнашга— нига қарамай, унлилар уйғунлиги кучда бўлган қозоқ, қирғиз, туркман каби тилларда иккинчи бўғинда **ы** ун— лисининг қатнашуви бу сўз туркий эмас, балки олинма сўз эканидан дарак беради. К.К.Юдахин ўз луғатида бу сўзни эроний деб таъкидлаганида (КРС, 391) балки худди шу ҳодисага — унлилар уйғунлигининг йўқлигига асосланган дир. Қизиғи шуки, К.К.Юдахин бу сўз қирғиз тилида **кодук** тарзида ҳам талаффуз қилинишини айта— ди, лекин асосий шакл деб **кодык** шаклини танлайди. Асли туркий ёки эроний эканлигидан қатъий назар, бу сўзда ўзбек тили нуқтайи назаридан воқе бўлган товуш ўзгаришларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: **кодук** > **котук** > **хотук** > **хотик.** Бу сўз асли ясама экани эҳти—

www.ziyouz.com kutubxonasi

молдан холи эмас: охиридаги **–к | –г | –қ** қисми кич– райтириш–эркалаш маъносини ифодаловчи қўшимча бўлса керак. Агар шу фикр тўғри бўлса, ясаш асоси **(код || коды)** отга тенг бўлиб чиқади (лекин бундай сўз луғатларда келтирилмаган).

Ч

ЧАВОҚЛА– 'пичоқ уриб, ичак–чавоғини ағдар–'. ***Кимдир кечаси бостириб кириб, акасини ч а в о қ – л а б к е т и б д и.*** Бу феъл эски ўзбек тилида мус– тақил ишлатилиб, ҳозирги ўзбек тилида фақат **ичак–чäвâқ** жуфт сўзи таркибида қатнашиб (Ўзбекча–русча луғат. Т.: 1988, 184), 'қорин', 'қориндаги аъзолар' маъ– носини англатувчи **чäвâқ** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **чäвâқ + лä = чäвâқлä–.** 'Майда балиқ' маъно– сини англатувчи **чâвâқ** сўзи таъсирида бўлса керак, "Ўзбекча–русча луғат"га **чäвâқ** сўзи **чâвâқ** шаклида ки– ритилган; бу сўз икки маъноли деб қаралиб, 'майда ба– лиқ' маъноси биринчи маъно, 'қорин', 'қориндаги аъзолар' маъноси иккинчи маъно сифатида берилган (545– бет), ваҳоланки бу маънолар бошқа–бошқа сўз– ларга мансуб.

ЧАЙ– 'ювилган нарсани устидан тоза сув қуй–'; 'енгил–елпи юв–'. ***У ҳамон рўмолчасини ч а я д и, ч а й и б, пешанасига қўяди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тил акс эттирилган манбаларда қайд қилинмаган бу феъл КРСнинг 235– бетида **чайы–** шак– лида келтирилган. Шу луғатга асосланиб фикр юритсак, бу сўз асли **чайы–** тарзида талаффуз қилинган, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиси та– лаффуз қилинмай қўйган: **чайы– > чäй–.** Бу ерда та– раққиёт бошқача воқе бўлган деб фараз қилиш ҳам мумкин: бу сўз асли **чай–** шаклига эга бўлган, қирғиз тилидаги сўз **чай–** сўзига 'такрор' маъносини ифода– ловчи **–ы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **чай– + ы = чайы–.**

ЧАЙИР 'чиниққан','пишиқ'. ***Кенжа укам – меҳ– натда обдан чиниққан, ч а й и р йигит.*** ЎТИЛдаги изоҳларга кўра (II, 349) бу от асли саксовуллар оиласига

www.ziyouz.com kutubxonasi

мансуб, панжага ўхшаб ўсадиган ёввойи ўсимликнинг номи бўлиб, ундан маъно тараққиёти натижасида сифат ўсиб чиққан, аввал 'ёрилиши қийин (ўтин)' маъносини англата бошлаган, сўнгра кишига кўчириш оқибатида 'чиниққан', 'пишиқ' маъноси юзага келган; асли **чайыр** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чайыр > чäйир.**

ЧАЙНА– 'оғиздаги овқатни тишлар билан бир неча марта майдала–'. ***Отлар пишқириб туриб хушбўй ҳўл бедани иштаҳа билан ч а й н а м о қ д а э д и – л а р*** (Ойбек). КРСнинг 834–, 835– бетларидаги **чайы–, чайка–** сўзлари билан қиёслашдан кўриниб турибдики, **чайна–** сўзи асли **чай–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(чай– + ын = чайын–) + а = чайына– > чайна– > чäйнä–.**

ЧАЙОН 'ўргимчаксимонлар синфига мансуб, таънаси бўғин–бўғин умуртқасиз заҳарли жонивор'. ***Илоннинг боласи – илон, ч а ё н н и н г боласи – чаён*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **чадан** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 375; ДС, 135), кейинчалик **чаʒан** (Девон, I, 388; ДС, 136), **чайан** (ДС, 136), **чыйан** (ДС,148) шакллари юзага келган. Ўзбек тилида бу сўз асосан **чäйâн** тарзида (ЎТИЛ , II, 349), қисман **чийâн** тарзида (ЎТИЛ , II, 366) талаффуз қилинади. Бу туркий сўзда ўзбек тили нуқтайи назаридан воқе бўлган товуш ўзгаришларини қуйидагича кўрсатиш мумкин: **чадан || чаʒан > чайан > чäйâн.**

ЧАЙҚА– 'бир неча марта қимирлат–'; 'бир неча марта чай–'. ***Укам рози эмаслигини билдириб бошини ч а й қ а д и*** (Абдулла Қодирий). КРСнинг 833– бетида келтирилган **чайка–** сўзидан кўриниб турибдики, бу сўз асли **чай–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **чай– + қа = чайқа– > чäйқä–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧАКИЧ 'нонни ёпишдан олдин чакичлаш асбоби'. ***Ч а к и ч и м и з эскирибди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'торт–', 'боғла–' маъносини англатган **чек–** феълининг (ДС, 143) 'уриб, тешикчалар ҳосил қил–' маъносидан (КРС, 854: **чек– VI 1.** 'надбить кончик') **–(и)ч** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **е** унлиси **ä** унлисига алмашган: **чек– + ич = чекич > чäкич.**

ЧАККА I 'бош суягининг ёноқ билан пешана оралиғидаги икки ён қисми'. ***Қудрат, томоғидан овқат ўтмай, икки қўли ч а к к а с и д а, хаёл суриб кетди*** (Ҳаким Назир). Бу сўз асли 'поён', 'чегара' маъносини англатувчи **чек** отидан (ЎТИЛ, II, 362: **чек I 1)** **–ä** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (юқоридаги луғатнинг ўша бетида), кейинчалик сифатланмишсиз ишлатилиб, отга кўчган; қўшимча қўшилганидан кейин **к** ундоши қатланган, **е** унлиси **ä** унлисига алмашган: **чек + ä > чеккä > чäккä.** Бу сўз шеваларда **чеккä** тарзида ҳам талаффуз қилинади (юқоридаги луғатнинг 363– бети). Асли бу сўзнинг тарихий шаклига яқин **чеккä** кўрини– шини адабий тилга, **чäккä** кўринишини эса шеваларга мансуб дейиш тўғрироқ бўлар эди. Шунда **чäккä II** сўзи билан шакллошлик ҳам адабий тилда йўқолар эди.

ЧАККА II 'шипдан томаётган сув'. ***Юқори қаватда сув тошган экан, хонамиз шипидан ҳали ҳам ч а к к а томиб турибди.*** Бу от **чäк–чäк** товушга тақлид сўзидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **к** ундоши қатланган: **чäк + ä = чäкä > чäккä.** ЎТИЛда **чäк** тақлид сўзи, **чäккä II** сўзи асоссиз равишда форсча деб белгиланган (II, 350).

ЧАЛ– I 'йиқитиш мақсадида ўз оёғи билан ким–нингдир оёғига ур–'. ***Жалилов Турсунбойнинг оёғидан ч а л д и, лекин йиқита олмади*** (Назир Сафаров). Қадимги туркий тилда **чал–** тарзида талаффуз қилинган бу феъл таркибидаги **а** унлиси ўзбек тилида **ä** унлисига алмашган: **чал– > чäл–.** Ушбу феъл асли 'энгаштир–' маъносини англатган бўлиб (ПДП, 375), кейинчалик 'йиқитиш мақсадида ур–' маъносини англата бошлаган (ДС, 137); юқорида таърифланган ҳозирги маъноси маъно тараққиёти йўли билан юзага келган: 'йиқитиш мақсадида ур–' → 'оёғига оёқ билан уриб йиқит–'. ЎТИЛда ҳам, "Ўзбекча–русча луғат"да ҳам нимагадир бу сўзнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

бош маъноси сифатида 'мусиқа асбобида куй ижро қил–' маъноси берилган, ваҳоланки бошқа туркий тилларнинг луғатларида бош маъно сифатида 'ур–', 'оёғига ур–' маъноси келтирилган (ТРС, 108; КРС, 838). Маҳмуд Кошғарий бу феълни кўп маъноли сўз сифатида кенг тасвирлаб (Девон, II, 31, 32), биринчи ўринга 'оёғига уриб йиқит–' маъносини қўйган, 'куй ижро эт–' маъноси ҳақида гапирмаган. Айтилганларни инобатга олиб, ўзбек тили луғатларида ҳам **чăл–** феълининг бош маъноси сифатида 'йиқитиш мақсадида оёғига оёқ билан ур–' маъносини келтириш тўғри бўлади.

ЧАЛ– II 'мусиқа асбобида куй ижро эт–'. ***Йўлчи чиндан ҳам най ч а л и ш н и билар эди*** (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилдаги **чал–** феълининг 'ур–' маъносидан (ДС, 137; Девон, II, 31) ўсиб чиққан. Даст–лабги мусиқа асбоби уриб чалинган, шу асосда **чал–** феълининг 'ур–' маъносидан 'уриб овоз чиқар–' маъноси, кейинчалик маъно тараққиёти натижасида 'уриб куй ижро эт–' ва ниҳоят 'мусиқа асбобида куй ижро эт–' маъноси юзага келган. Асли **чăл–** феълининг 'ур–' маъноси асосида юзага келган 'йиқитиш мақсадида ўз оёғи билан кимнингдир оёғига ур–' ва 'мусиқа асбо–бида куй ижро эт–' маънолари бир–биридан кескин фарқ қилишини ҳисобга олиб, бу маъноларни ҳозирги ўзбек тилида икки бошқа–бошқа феълга мансуб деб қараш тўғри бўлади.

ЧАЛА 'маромига етмаган', 'охирига етказилма–ган', 'пала–партиш амалга оширилган'. ***Бола, боланинг иши ч а л а*** (Мақол). Бу сифат эски ўзбек тилида **чал–** феълининг 'бирор ишни наридан–бери, маромига ет–казмай бажар–' маъносидан (ЎТИЛ, II, 352) **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ă** унлила–рига алмашган: **чал– + а = чала > чăлă.**

ЧАЛКАШ 'бош–кетини топиб бўлмайдиган', 'чи–гал'. ***У ҳозир ўзининг ч а л к а ш ҳаёти учун бутун айбни ўша тантиқ Маҳфузага юклашга тайёр эди*** (Асқад Мухтор). Бу сифат ўзбек тилида маъно та–раққиёти йўли билан **чăлкăш–** феълидан ўсиб чиққан: 'ҳаракат' → 'шундай ҳаракат натижасида пайдо бўла–диган ҳолат'. Бу сифат таркибини қуйидагича талқин қилиш ҳам мумкин: **чăл–** феълининг 'аралаштир–',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'қориштир–' маъносидан (ЎТИЛ , II, 352 : **чал– 6**) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–кä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–ш** қўшимчаси қўшиб ясалган: **(чäл– + кä = чäлкä–) + ш = чäлкäш.**

ЧАЛКАШ– 'бош–кетини топиб бўлмайдиган ҳолатга кел–'. ***Дафтарнинг варақлари .. бошқа бир жойда лекция ўқиганда ч а л к а ш и б к е т г а н бўлса керак ..*** (Абдулла Қаҳҳор). Асли эски ўзбек тилида **чäл–** феълининг 'аралаштир–', 'қориштир–' маъносидан **–(и)к** қўшимчаси билан сифат ясалган (бундай сифат турк тилида мавжуд: ТРС, 107: **чалик** 1. 'наклонённый, искривлённый') ва ундан **–ä** қўшимчаси билан феъл ясалган бўлиб, бу феълга 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси қўшилган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **[(чäл– + ик = чäлик) + ä = чäликä–] + ш = чäликäш– > чäлкäш–.**

ЧАЛМА 'қўй ва бошқа моллар қийидан кесиб олиб, қишда ёқиш учун қуритиладиган тезак'. ***Лой тепдим, тезак тепдим, ч а л м а ёрдим*** (Ғафур Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от (Девон, I, 407) асли **чал–** феълининг 'ағдар–' маъносидан **–ма** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **чал– + ма = чалма > чäлмä.** Бу сўзда маъно тараққиёти воқе бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида 'мол гўнгидан катта чамбарак қолипга солиб ясаладиган ёқилғи'ни билдира бошлаган (ЎТИЛ, II, 351), лекин Ғафур Ғулом асаридан келтирилган парчада (**чäлмä йâр–**) қадимги туркий тилдаги маъно акс этган. **Чäлмä** асли 'қуритилган парча' маъносини англатгани қирғиз тилидаги **чалма** сўзи маъносига берилган таърифдан кўриниб турибди (КРС, 841: **чалма I** 'сухой комок глины').

ЧАЛПАК 'хамирни юпқа ёйиб, ёғда пиширилади–ган овқат'. ***Қани, қаймоқ , сарёғ, кулча, ч а л п а к , бўғирсоқ , ёғли патирдан ол , тўйганингча е!*** (Н.Мақсудий). Бу от ўзбек тилида **чäл–** феълининг 'парчала–' маъносидан кучайтириш ('такрор') маъносини ифодаловчи **–пä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(чäл– + пä =чäлпä–) + к = чäлпäк.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧАЛПИ– '(кимнидир) ёмонлаб гапир–'. *"Яхшимас бировни орқасидан мунча ч а л п и ш!" – "Тўғри келса, юзига ҳам ч а л п и й в е р а м и з!"* (Ҳаким Назир). Бу феъл эски ўзбек тилида нохуш товушга тақлидни билдирувчи **чалп** сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чалп + ы = чалпы– > чälпи–.** Қадимги туркий тилдаги **чалпла–** сўзидан (ДС, 137: **чалпла–** 'марать, 'грязнить') кўриниб турибдики, **чалпы–** сўзи асли 'суюқ лой сачратиб бўлға–' маъносини англатган, кейинчалик маъно тараққиёти натижасида '(кимнидир) ёмонлаб гапир–' маъносини англата бошлаган.

ЧАЛЧИҚ 'тўпланиб қолган ифлос лойқа сув'. *Гандираклаб келиб, ч а л ч и қ қ а йиқилди.* Бу от асли эски ўзбек тилида **чал–** феълининг 'аралаштир–' маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чал– + чы = чалчы–) + қ = чалчық > чälчиқ.**

ЧАЛҚАНЧА[СИГА] 'орқаси билан бор бўйича чўзилиб'. *Турсунбой қовжираб қолган ариққа ч а л қ а н ч а ётиб осмонга тикилди* (Сайид Аҳмад). Бу сўз эски ўзбек тилида **чал–** феълининг 'ерга бор бўйича йиқит–' маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган отга 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган ва бу сўзга **–си** эгалик қўшимчаси ҳамда **–гä** жўналиш келишиги қўшимчаси қўшиб ишлатила бошлаган: **{[(чал– + қа = чалқа–) + н = чалқан] + ча = чалқанча > чälқäнчä} + си + гä = чälқäнчä[сигä]. Чälқäнчä[сигä]** сўзи асли от лексеманинг бир шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида равишга айланган.

ЧАЛҒИ 'узун дастали катта ўроқ'. *[Усмоналининг] қўлида ч а л ғ и ҳар хил оҳангда "ширт–ширт" этиб тортилар эди* (Ўлмас Умарбеков). Бу от эски ўзбек тилида **чал–** феълининг 'зарб билан уриб

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиқит–' маъносидан **–ғы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиси–нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чал–** + **ғы** = **чалғы** > **чäлғи.**

ЧАЛҒИ– 'бирор нарсага алахсиб, асосий ишдан, мавзудан четга чиқ–'. ***Унинг икки кўзи, эс–ҳуши мол–ларда эди; хаёли салгина ч а л ғ и с а, моллар би–ровнинг бедазорига кириб кетиб, зиён етказади*** (Парда Турсун). Бу сўз эски ўзбек тилида **чал–** феъли–нинг 'тўғри йўлдан четга чиқ–' маъносидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ғы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чал–** + **ғы** = **чалғы–** > **чäлғи–.**

ЧАМА 'мўлжал', 'тахмин'. ***Ч а м а н г д а шу қовун неча кило келади?*** Бу от асли **чама** тарзида та–лаффуз қилинган бўлиб (КРС, 852; ССТТН, I, 464), ҳо–зирги ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **чама** > **чäмä.** Бу сўзнинг дастлабги маъноси 'ўлчов', 'меъёр' бўлган (ЎТИЛда бу маъно иккинчи маъно си–фатида берилган), 'мўлжал' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан.

ЧАНА 'қор устида сирпаниб юрадиган чанғили арава(ча)'. ***Ч а н а н и н г устида бир хизматкор билан Мансурбойнинг ўғли Фазлиддин ўтирибди*** (О.Ҳасанов). Бу от асли ясама бўлиб, унинг охиридаги **–а** қисми от ясовчига тенг. **Чанғи** сўзи билан қиёслашдан маълум бўладики, ҳар икки сўз **чаң–** феълидан ясалган, лекин бу феълнинг маъносини аниқлаш қийин ('сир–ған–' каби маънони англатган бўлса керак). Шу асосда **чана** сўзи таркибини **чаң–** феълидан **–а** қўшимчаси би–лан ясалган, кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига, **а** ун–лилари **ä** унлиларига алмашган деб изоҳлаш мумкин: **чаң–** + **а** =**чаңа** > **чана** > **чäнä.** Бу от сўзлашув нутқида **чена** тарзида талаффуз қилинади (бунда биринчи бўғин–даги **а** унлиси **е** унлисига алмашади). ЎТИЛда **чана** сўзи русча **сани** сўзидан юзага келган деб нотўғри кўрса–тилган.

ЧАНДИ– 'зич қилиб бирлаштир–'. ***Сотиболди етаклаб келган учинчи от эгарига Миркомил ч а н – д и б боғланган эди*** (Ҳамид Ғулом). Эски ўзбек тилида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **чанды–** тарзида талаффуз қилинган (КРС, 844: **чандыр**); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чанды–** > **чäнди–.**

ЧАНДИР 'гўштнинг қаттиқ пай қисми'. ***Гўшт ўрнига ч а н д и р чайнашга кимнинг тоқати бор дейсиз*** (П.Мусаев). Бу от эски ўзбек тилида 'зич қилиб бирлаштир–' маъносини англатувчи **чанды–** феълидан **–р** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 844: **чандыр**); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чанды–** + **р** = **чандыр** > **чäндир.**

ЧАНДИҚ 'яранинг буришиб битган ўрни'. ***Биқинидаги ч а н д и қ тортишиб кетди шекилли, инграб юборди*** (Ўлмас Умарбеков). Бу от эски ўзбек тилида 'зич қилиб бирлаштир–' маъносини англатувчи **чанды–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чанды–** + **қ** = **чандық** > **чäндиқ.**

ЧАНОҚ 'кўсакнинг ҳар бир хонаси'. ***Йигит ч а н о қ л а р д а н тошиб чиққан пахталарни кўрди––ю,*** .. (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда 'ёғочни ўйиб ишланган тузлуқ ва шу каби идиш', 'коса' маъносини англатган бу от (Девон, I, 362) асли **чанақ** тарзида талаффуз қилинган. **Чанақ** сўзи асли ясама бўлиб, 'ўй–', 'чуқурча ҳосил қил–' маъносини англатган **чана–** феълидан (КРС, 844) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чана–** + **қ** = **чанақ** > **чäнâқ.** Маъно тараққиёти натижасида бу сўзнинг 'идиш' маъноси асосида 'кўз косаси ва бошқа косасимон нарса', шу жумладан 'кўсакнинг ҳар бир хонаси' маъноси юзага келган (КРС, 844). 'Кўз косаси' маъноси, албатта, 'кўсакнинг ҳар бир хонаси' маъносидан олдин пайдо бўлган, ЎТИЛда (II, 354) нимагадир бу маънолар тескари жойланган.

ЧАНҚА– 'сувга ташна бўл–', 'сувса–'. ***Бир чойнак чой йўл юриб чарчаганга ҳам, ч а н қ а г а н г а ҳам .. анча ором беради*** (Парда Турсун). Бу сўз асли

www.ziyouz.com kutubxonasi

чаңқа– тарзида талаффуз қилинган (КРС, 845), кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **чаңқа– > чанқа– чäнқä–.** Ушбу феъл асли таркибли эканига шубҳа йўқ: охиридаги **–а** қисми кучайтириш маъносини, ундан олдинги **–(ы)қ** қисми 'ўзлик' маъносини ифодаловчи қўшимчага тенг; **чан–(чаң–)** қисми эса феъл лексемага тенг, лекин бу лексеманинг маъносини аниқлаш имкони бўлмади. Айтилганлар асосида бу сўз таркибини қуйидагича кўрсатиш мумкин: **[(чаң– || чан–) + ық = чаңық– || чанық–] + а = чаңықа– || чанықа– > чаңқа– || чанқа– > чäнқä–.**

ЧАНҚОҚ 'сувсаган', 'ташна'. ***Ч а н қ о қ гўзаларни сувга қондириб олгач ..*** (Иброҳим Раҳим). Бу сифат эски ўзбек тилида **чаңқа–** феълидан (КРС, 845) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига, биринчи **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чаңқа– + қ = чаңқақ > чанқақ > чäнқâқ.**

ЧАНҒИ 'қорда елиш учун оёқларга маҳкамланадиган бир жуфт узун силлиқ сирпанғич'. ***Эртага ч а н ғ и учиш бўйича мусобақа ўтказилади.*** Бу от асли **чаңғы** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (КРС, 845), кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чаңғы > чанғы > чäнғи.** Бу сўз дастлаб 'тоғда қорга ботмаслик учун чивиқлардан тўрт бурчак шаклида тўқиб, оёқларга кийиладиган мослама'ни билдирган (КРС, 841), ҳозирги маъноси ана шу маъно асосида юзага келган.

ЧАҢ 'майда кукун', 'гард'. ***Ч а н г ичидан ола–була моллар чиқиб келди*** (Суннатилла Анорбоев). Шундай маънони англатувчи от **чаң** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (КРС, 844), ҳозирги ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **чаң > чäң.**

ЧАПИ– 'пала–партиш ёпиштир–'. ***Маҳкам ака деворнинг ёриқларини ч а п и ш б и л а н овора*** (Раҳмат Файзий). Қадимги туркий тилдаги **чалпла–** феълига (ДС, 137) қиёслашдан кўринадики, **чапи–** феъли асли **чалп** товушга тақлид сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **л** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қат–

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиқлик белгиси йўқолган: **чалп + ы = чалпы– > чапы– > чäпи–.**

ЧАПЛА– 'пала–партиш сурка–, ёпиштир–'. ***Гиёсиддиннинг оқ қилинишига сабаб .. юзига куя ч а п л а б, эшакка тескари миндириб бозорда сазойи қилингани бўлди*** (Сайид Аҳмад). Қадимги туркий тилда **чалпла–** тарзида талаффуз қилинган бу сўз (ДС, 137) асли **чалп** товушга тақлид сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган феълга 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, шундан сўнг қатор келиб қолган **лпл** ундошларидан биринчи **л** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, охири **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(чалп + ы = чалпы–) + ла = чалпыла– > чалпла– > чапла– > чäплä–.**

ЧАРЛА– 'никоҳ тўйидан кейин қуда томонни зиёфатга чақир–'. ***Укамни қудаси ч а р л а б, бош–оёқ сарпо қилибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай талаффуз қилинган бу феъл (ДС, 141) асли 'баланд овоз чиқар–' маъносини англатган, кейинчалик 'чақир–' маъносини ва бошқа маъноларни англата бошлаган; ҳозирги маъноси 'чақир–' маъносидан ўсиб чиққан. **Чарла–** феъли асли қадимги туркий тилдаги 'баланд товуш билан айтиладиган хабар' маъносини англатган **йар** отидан (ЭСТЯ, IV, 18) **–ла** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **й** ундоши **ч** ундошига алмашган, ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **йар + ла = йарла– > чарла– > чäрлä–.**

ЧАРЛАР 'никоҳ тўйидан кейин қуда томонни зиёфат қилиб чақириш маросими'. ***Эрта–индин ч а р л а р б ў л и б ў т с а, албатта Отабек Марғилонга югуради*** (Абдулла Қодирий). Бу от эски ўзбек тилида **чарла–** феълидан **–р** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **чарла– + р = чарлар > чäрлäр.**

ЧАТ– 'вақтинча у ер–бу еридан йўрмаб қўй–'. ***"Ҳеч бўлмаса у ер–бу еримни ч а т и б о л а й", – деди Шум бола уста Салимга*** (Ғафур Ғулом). Қадимги туркий тилда асли 'ула–', 'бирлаштир–' маъносини англатган бу феъл (Девон, II, 340) **чат–** тарзида талаффуз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **чат– > чät–.**

ЧАТИШ– I 'бир–бири билан қўшил–'. ***Унинг юлдузини иссиқ қилиб турган ч а т и ш г а н ингичка нозик қошларми?*** (Шуҳрат). Бу сўз эски ўзбек тилида 'ула–', 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **чат–** феълидан (Девон, II, 340) 'бирга' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чат– + ыш = чатыш– > чätиш– I.**

ЧАТИШ– II 'бироз боғлан–, улан–'. ***"Ҳалиги киши яқин қариндошингизми?" – "Йўқ , ч а т и ш г а н жойи бор холос".*** Бу сўз эски ўзбек тилида 'ула–', 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **чат–** феълидан (Девон, II, 340) 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чат– + ыш = чатыш– > чätиш– II.** ЎТИЛда 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бу сўз 'бирга' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сўзнинг тўртинчи маъноси сифатида бериб юборилган.

ЧАТИҚ 'бир–бирига қўшилиб, бирлашиб кетган'. ***Бу қора кўзлар мудом йиғлар ч а т и қ қош остида*** (Ғафур Ғулом). Бу сифат эски ўзбек тилида 'ула–', 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **чат–** феълидан (Девон, II, 340) **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чат– + ық = чатық > чätиқ.**

ЧАТНА– 'дарз кет–', 'ёрил–'. ***У ғиштга тойғаниб йиқилган экан, тўпиқ суяги ч а т н а б д и*** (Асқад Мухтор). Бу сўз эски ўзбек тилида 'ўраб боғла–', 'чигаллаштир–' маъносини англатган **чаты–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси қўшилган шаклидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 951: **чатына–** 'лопаться'); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашган: **(чаты– + н = чатын–) + а = чатына– > чатна– > чäтнä–.**

ЧАТОҚ 'ноқулай', 'ишкал', 'чигал'. *[Тантибойвачча] ч а т о қ аҳволдан қутулиш учун ўзини билмасликка олди* (Ойбек). Бу сифат эски ўзбек тилида **чаты–** феълининг 'чигаллаштир–' маъносидан (КРС, 851: **чаты– II**) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; аввал **ы** унлиси **а** унлисига, кейин биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чаты– + қ = чатық > чатақ > чäтâқ.** Бу сифат эски ўзбек тилида **чатық** сифатидан **–қ** қўшимчаси олдида **ы** унлиси ўрнига **а** унлисини ишлатиш билан фарқланган: **чаты– + қ = чатық; чаты– + қ = чатық > чатақ.**

ЧАҚ– 'писта, бодом, ёнғоқ каби меванинг пўстлоғини парчалаб, мағзини ажратиб ол–'. *Абдушукур бодом–писта ч а қ и б, аччиқ чой ичиб, яйраб ўтирарди* (Ойбек). Қадимги туркий тилда **чақ–** тарзида талаффуз қилинган бу феъл асли 'зарб билан ур–' маъносини англатган (ДС, 140); бошқа маънолари, шу жумладан юқорида таърифланган маъноси ана шу маънодан ўсиб чиққан; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **чақ– > чäқ–.**

ЧАҚА I 'мис, жез каби маъдандан қилинган, қиймати энг кичик пул'. *Биров ч а қ а г а зор, биров пулнинг ҳидига ётолмайди* (Ойбек). Бу от эски ўзбек тилида **чақ–** феълининг 'парчала–', 'бўлак–бўлак қил–' маъносидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **чақ– + а = чақа > чäқä I.** Дастлабки вақтларда пул (сўм, танга, чақа) қиймати турлича бўлган маъдан парчаси сифатида тайёрланган; демак, **чақа** сўзи асли 'мис (жез) парчаси' маъносини англатган, 'мис пул' маъноси кейин юзага келган (КРС, 836: **чака II** 1. 'металл. ведро'; 2. 'мелкая медная монета', 'полушка').

ЧАҚА II 'кичик яра ёки жароҳат'; 'мертик'. *[Ғуломжон] чарчаганини, ч а қ а л а р и н и н г оғриганини билмайди. Босим ишлайди* (Мирзакалон Исмоилий). Бу от эски ўзбек тилида **чақ–** феълининг 'уриб, эзиб жароҳатла–' маъносидан **–а** қўшимчаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **чақ–** + **а** = **чақа** > **чäқä II.**

ЧАҚА III : БОЛА–ЧАҚА 'катта–кичик фарзанд–лар'. ***У ерда хотин–халажлар, б о л а – ч а қ а л а р чувуллашиб пахта теришаётган эди*** (Мирзакалон Исмоилий). Мустақил ишлатилмай, **бâлä–чäқä** жуфт сўзи таркибида қатнашадиган бу сўз асли 'кичик' маъносини англатиб, жуфт сўз таркибида 'ёши кичик фарзанд' маъносини билдиради (Бу сўз шундай маъно билан ўзбек тилининг айрим шеваларида мустақил ҳолда ишлатилади: ЎТИЛ , II, 359).

ЧАҚАЛОҚ 'яқинда туғилган бола', 'гўдак'. ***Да–дамлар бу ердан кетганларида мен ч а қ а л о қ э д и м*** (Шароф Рашидов). Бу сўз эски ўзбек тилида 'кичик бола' маъносини англатувчи **чақа** отидан кич–райтириш маъносини ифодаловчи **–лақ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик биринчи, иккинчи бўғинлардаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чақа** + **лақ** = **чақалақ** > **чäқälâқ.**

ЧАҚИМЧИ 'гап ташувчи', 'туҳматчи', ***Ўтган кечаси саройбон ч а қ и м ч и н и н г тилини кесиб ташлабди*** (Жуманиёз Шарипов). Бу сўз **чақ–** феъли–нинг 'гап таши–', 'туҳмат қил–' маъносидан (Девон, II, 24) эски ўзбек тилида **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган **чақым** отига **–чы** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 833: **чагим** 'клевета, донос'; ўзбек тили шеваларида мавжуд бу сўз адабий тилда деярли ишлатилмайди); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлила–рининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чақ–** + **ым** = **чақым)** + **чы** = **чақымчы** > **чäқимчи.**

ЧАҚИН 'олов учқуни'; 'яшин'. ***Дарёнинг нариги қирғоғида ч а қ и н чақди*** (Сайид Аҳмад). Бу от **чақ–** феълининг 'олов учқуни чиқар–' маъносидан эски ўз–бек тилида **–(ы)н** қўшимчаси билан ясалган (ТРС, 106: **чакын** қ. **чакым; чакым** 'искра', 'молния'); кейинча–лик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қат–тиқлик белгиси йўқолган: **чақ–** + **ын** = **чақын** > **чäқин.**

ЧАҚИР– 'ўз ёнига келишга даъват эт–'. ***Сало–матой ойиси билан акасини ч а қ и р и ш г а чиқиб***

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетди (Ҳамид Ғулом). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'баланд овоз'ни, 'шовқин–сурон'ни ифодалаган **чағ–чуғ** тақлид сўзидан (ДС, 136) **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалиб, асли 'баланд товуш ҳосил қил–' маъносини англатган, ҳозирги маъноси ана шу маънодан ўсиб чиққан. Қадимги туркий тилдаёқ бу сўз таркибидаги **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган (ДС, 140: **чақыр–** 'звать, созывать'); ўзбек тилида эса **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чағ + ыр = чағыр– > чақыр– > чäқир–.**

ЧАҚИРИМ 'одам бақирганда овози етиб борадиган масофа' (1,06 километрга тенг узунлик ўлчови). ***Тепалик биздан ярим ч а қ и р и м ч а нарида бўлиб, ўнг ёни чуқур сойлик эди*** (Асқад Мухтор). Бу от эски ўзбек тилида **чақыр–** феълининг 'баланд овоз билан хабар етказ–' маъносидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 838: **чакырым 1.** 'расстояние, на которое может долететь звук человеческого голоса'; 2. 'верста'); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чақыр– + ым = чақырым > чäқирим.**

ЧАҚИЧ қ. **сақич**

ЧАҚИҚ 'кимнингдир устидан кимгадир етказиладиган махфий маълумот', 'туҳмат'. ***Бойларнинг ч а қ и ғ и билан Йўлчининг иши оғирлашди*** (Ойбек). Бу от эски ўзбек тилида **чақ–** феълининг 'чақимчилик қил–', 'ғийбат қил–' маъносидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чақ– + ық > чақық > чäқиқ.**

ЧАҚМОҚ I 'ўт олдириш, ёндириш учун хизмат қиладиган асбоб'. ***Папирос чекиш учун олиб юрадиган ч а қ м о ғ и д а н бошқа ёруғ берадиган бир нарса йўқ*** (Ойдин). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от (Девон, I, 436) асли **чақ–** феълининг 'зарб билан ур–' маъносидан **–мақ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 836: **чакмак I, 1.** 'кремень', 2. 'спички'); кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **қ** ундошининг таъсири билан **â** унлисига алмашган: **чақ– + мақ =**

www.ziyouz.com kutubxonasi

чақмақ > **чăқмâқ.** Бу сўз дастлаб 'учқун' маъносини англатган. Учқун икки тошни бир–бирига зарб билан уриб (чақиб) чиқарилган, шунга кўра учқун чиқарувчи асбоб ҳам **чақмақ** деб номланган.

ЧАҚМОҚ II 'яшин' (атмосферада юзага келадиган электр заряди). ***Момақалдироқ тобора яқинроқдан гулдураб, яқинроқда ч а қ м о қ чақар эди*** (Парда Турсун). Эски ўзбек тилида бундай маъно асли **чақын** сўзи билан англатилган; **чăқмâқ II** сўзи эса **чăқмâқ I** сўзининг 'учқун' маъноси асосида юзага келган; кейинчалик **чăқмâқ II** сўзи кенг ишлатилиб, **чақин** сўзи оз ишлатиладиган бўлган.

ЧАҚМОҚ III 'тўртбурчак шаклида тайёрланган (қанд)', 'шундай тайёрланган қанднинг ҳар бир дона–си'. ***Ярим пиёла чойга икки ч а қ м о қ қанд кўплик қилади.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **чақ–** феълининг 'парчала–', 'бўлакларга ажрат–' маъносидан **–мақ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ă** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **қ** ундошининг таъсири билан **â** унлисига алмашган: **чақ–** + **мақ** = **чақмақ** > **чăқмâқ III.**

ЧАҚНА– 'ёрқин нур соч–', 'чақиндек ялт эт–'. ***Бу чироқлар турли–туман эди: уларнинг ичида .. ч а қ н а б т у р г а н и ҳам, хираси ҳам, оқи ҳам, қизғиш тусдагиси ҳам бор эди*** (Шароф Рашидов). Бу феъл эски ўзбек тилидаги **чақ–** феълининг 'олов учқуни чиқар–' маъносидан **–(ы)н** қўшимчаси билан ясалган отга **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик ик–кинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ă** унлиларига алмашган: **(чақ–** + **ын** = **чақын)** + **а** = **чақына–** > **чақна–** > **чăқнă–.**

ЧЕВАР 'ўз ишининг моҳир устаси'. ***Баракалла, ч е в а р и м, балли, ҳимматли қизим*** (Қуддус Муҳаммадий). Бу сифат асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'бирор ишни чаққон ва сифатли бажар–' маъносини англатган **чăбă–** феълидан **–р** қўшимчаси билан ясалган: кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, биринчи бўғиндаги **ă** унлиси **е** унлисига алмашган: **чăбă–** + **р** = **чăбăр** > **чăвăр** > **чевăр.** ТРСнинг 105– бетида **чаба** сўзи берилиб, 'усиление', 'старание' маъносини англатиши айтилган ва бу сўздан ясалган **чабала–, чабала–**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ма сўзлари ҳам келтирилган. КРСнинг 853– бетида **чебер** сўзининг маънолари 'искусная мастерица', 'мастер', 'искусный' тарзида изоҳланиб, шу сўздан ясалган **чеберте–** ('действовать осмотрительно, умело'), **чеберлик** ('искустность в рукоделии, мастерство') сўзлари ҳам келтирилган. Туркий тиллар бўйича тузилган луғатлардан кўриниб турибдики, **чевäр** сўзи асли 'чаққон' маъносини англатган: шу нуқтайи назардан бу сўзга ДСда берилган изоҳ ('красивый', 'красавец') қадимги туркий ёзма ёдгорликларни нотўғри тушуниш натижасида воқе бўлган деб ўйлаш мумкин (142– бет).

Чевäр сўзининг ясалишига асос бўлган **чäбä–** сўзи ҳам аслида ясама: бу сўз охиридаги **–ä** қисми феъл ясовчига тенг. Бу қўшимча қўшилган **чäб** қисми эса 'чаққонлик' маъносини англатган сўз бўлиб чиқади. Бу сўз ўзбек тилидаги **чäп бер–** ибораси таркибида сақланиб қолган. Шундай маънони англатувчи сўз ўзбек тилида мустақил ишлатилмай, унинг асл маъноси уқилмай қўйган. Шунинг оқибатида бу сўз ЎТИЛда тожикча **чап** сўзи изоҳланган мақолага киритиб юборилган (355– бет).

ЧЕГА 'чинни асбобларнинг қисмларини улашда ишлатиладиган икки учи қайрилган темир михча'. ***Тиришганнинг тўқмоғи тошга ч е г а қоқади*** (Мақол). Бу от асли эски ўзбек тилида **чек–** феълининг 'уриб кирит–' маъносидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган, қўшимча қўшилганидан кейин икки унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган (КРС, 853): **чек–** + **ä** = **чекä > чегä.**

ЧЕГАРА 'бир жойни бошқа бир жойдан ажратувчи ер', 'ҳад'. ***Ч е г а р а д а бедордир посбон, Бахтинг асрар сезгир нигоҳи*** (Ёнғин Мирза). Бу от асли 'бирор нарсанинг тугаш нуқтаси' маъносини англатувчи **чек** отидан (ЎТИЛ, II, 362: **чек I** 1) **–(и)р** қўшимчаси билан ясалган феълга (КРС, 854: **чегер– II**) **–ä** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик икки унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига, иккинчи бўғиндаги **и** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(чек + ир = чекир– > чегир–) + ä = чегирä > чегärä.**

ЧЕГИР– 'бирор миқдордаги пулдан, нарсадан маълум бир қисмини ажрат–'. ***Жамғарма кассаси кўрсатмамга биноан ҳар ойда электр энергиясидан фой–***

www.ziyouz.com kutubxonasi

даланганим учун тўланадиган пулни ч е г и р и б, тўлаб туради. Бу феъл асли 'бирор нарсанинг тугаш нуқтаси' маъносини англатувчи **чек** отидан (ЎТИЛ , II, 362: **чек I** 1) **–(и)р** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 854: **чегер– II** 'вычитать'); кейинчалик икки унли ора– лиғидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган: **чек + ир = чекир– > чегир–.**

ЧЕКА 'чет', 'четки томон'. *[Командир] бир ч е– к а д а н пулемётга чақирди* (Шуҳрат). Бу сўз асли 'поён', 'чет' маъносини англатувчи **чек** отидан (ЎТИЛ , II, 362: **чек I** 1) **–ä** қўшимчаси билан ясалган сифат бў– либ, кейинчалик сифатланмишсиз ишлатилиши нати– жасида отга кўчган: **чек + ä = чекä.** Бу сўз ўзбек тилида **чеккä** тарзида ҳам талаффуз қилинади, бунда **–ä** қўшим– часи қўшилганидан кейин **к** ундоши қатланади. ЎТИЛ– нинг 362– бетида бу сўзнинг **чекä** шакли сўзлашув нутқига хос деб белгиланган, аслида **чеккä** шаклини сўзлашув нутқига хос деб белгилаш тўғрироқ.

ЧЕКИН– 'тисарил–', 'орқага томон ҳаракатлан–'. *Хотин ноз билан ч е к и н д и* (Сайид Аҳмад). Бу сўз асли **чек–** феълининг 'орқага торт–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **чек– + ин = чекин–.**

ЧЕККА I қ. **чакка I**

ЧЕККА II қ. **чека**

ЧЕНА қ. **чана**

ЧЕЧАК 'гул'. *Супанинг уч тарафига ёз гуллари экилган, райҳон ва бошқа ч е ч а к л а р атрофга ўз атриётларини анқитиб ётар эди* (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **чäчäк** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 376); кейинроқ биринчи бўғиндаги **ä** унлиси **е** унлисига ал– машган (Девон, I, 369): **чäчäк > чечäк.**

ЧИВИН 'икки қанотли, узун мўйловли қон сў– рувчи майда ҳашарот'. *«"Ч и в и н кўплашса, филни йиқитади" деган гап бор»,– деди Эргаш салмоқланиб* (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **чибин, чигўн** (ДС, 145), **чыбын, чыбун** (ДС, 147) тарзида талаффуз қилинган, ўзбек тилига **чибин** шаклида етиб келган. Ҳозирги ўзбек тилида **чибин** шакли сўзлашув нутқига хос деб қаралади,

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабий нутққа хос деб қаралувчи **чивин** шаклида **б** ундоши **в** ундошига алмашган: **чибин > чивин.**

ЧИВИҚ 'ингичка эгилувчан новда'. ***Чивиқ тутган еридан синмайди, эгилган еридан синади*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган **чыб** отидан (Девон, I, 309) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **б** ундоши **в** ундошига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чыб + ық = чыбық > чывық > чивиқ. Чыб** оти ДСга **чып** шаклида киритилган (150– бет), **чыбық** сўзи эса **чубуқ** шаклида киритилиб, ёзма ёдгорликлардан бир мисол ҳам келтирилган (156– бет). Мисолларнинг кўплигидан асосий шакл **чыбық** экани очиқ кўриниб турибди (147– бет). Маҳмуд Кошғарий нимагадир **чыб** сўзини **чыбық** сўзининг қисқарган кўриниши деб изоҳлаган (Девон, I, 309). Худди шундай изоҳ **топ – топиқ** сўзларига нисбатан ҳам таъкидланган. Бундай изоҳга қўшилиб бўлмайди.

ЧИГАЛ 'учини топиб, ёйиб бўлмайдиган, чалкашиб кетган' (ип, ингичка сим кабилар). ***[Пўлатжон] кўпдан бери миясини чулғаб олган чигал ечилиб кетгандек, ўзини енгил ҳис қилди*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'туг–', 'боғла–' маъносини англатган **чыг–** феълининг (ДС, 147) **чиг–** шаклидан **–(ä)л** қўшимчаси билан ясалган: **(чыг– || чиг–) + ăл = чигăл.** Бу сўзни бошқача талқин қилиш имконияти ҳам мавжуд. Маҳмуд Кошғарий луғатида **чигилди** – 'боғланди' (Девон, II, 153), **чиглишди** – 'маҳкам бўлди' (Девон, II, 244) сўзлари келтирилган. Кўриниб турибдики, бу сўзлар **чиг–** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **чиг– + ил = чигил–.** Иккинчи сўзга кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчаси қўшилган ва шундан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(чиг– + ил) + иш = чиглиш– > чиглиш–. Чигăл** сўзи асли **чигил–** феълидан маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан (ўзбек тилида бу сифат **чигил** тарзида ҳам талаффуз қилинади: ЎТИЛ , II, 365), кейинчалик **л** ундоши олдидаги **и** унлиси **ă** унлисига алмашган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧИГИЛ қ. **чигал**

ЧИГИРТКА 'экинзорларга зарар келтирувчи, тўғри қанотлилар туркумига мансуб ҳашарот'. ***Ч и г и р т – к а л а р экин ер, экмай–тикмай текин ер*** (Мақол). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган сўз **чекўргä** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 143). Бу от турк тилида **чекирге** шаклида мавжуд (ТРС, 113). Ушбу сўзлар охиридаги **–гä (–ге)** қисми феълдан от ясайди. Турк тилидаги **чекирдемек** сўзидан (юқоридаги луғатнинг ўша бетида) кўриниб турибдики, туркий тилларда **чекир–** феъли мавжуд бўлган [туркча сўз таркибидаги **–де (< –ле)** қўшимчаси 'такрор' маъносини ифодалайди], бу феъл товушга тақлид қилишни ифодалаган. Ўзбек тилидаги **чигиртка** сўзи ана шу **чекир–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–кä** қўшимчаси билан ясалган ('такрор' маъносини ифодаловчи **–т** қўшимчаси қирғиз тилидаги **чегиртке** сўзи таркибида ҳам мавжуд: КРС, 854); кейинчалик икки унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига, ўзбек тилида **е** унлиси **и** унлисига алмашган: **(чекир– + т = чекирт–) + кä = чекирткä > чегирткä > чигиртка.** Бу сўз ўзбек тили шеваларида **чâвуткä** тарзида ҳам талаффуз қилинади, бунда **р** ундоши айтилмайди, **г** ундоши **в** ундошига, **в** ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **и** унлиси **â** унлисига, кетидаги **и** унлиси **у** унлисига алмашади: **чигиртkä > чигиткä > чивиткä > чâвуткä.**

ЧИГИТ 'пахта уруғи'. ***Йигит ч и г и т экади Диққат билан ерига*** (Уйғун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган ва шундай талаффуз қилинган бу от (Девон, I, 337) асли қадимги туркий тилдаги 'боғла–' маъносини англатган **чығ–** феълининг **чиг–** шаклидан **–(и)т** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак: **(чығ– || чиг–) + ит = чигит** (толаларни ўзига боғлаб туриши асосида шундай номлангандир).

ЧИДА– 'бардош бер–'. ***Жуман тишини тишига қўйди–ю, ч и д а д и, индамади*** (Асқад Мухтор). Бу феъл асли **чыда–** тарзида талаффуз қилинган (ТРС, 120); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чыда– > чидä–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧИДАМ 'сабр–тоқат', 'бардош'. *Бола фақирнинг ҳар бир оғирликни ч и д а м б и л а н енгишдан бошқа чораси йўқ* (Парда Турсун). Бу от эски ўзбек тилида 'бардош бер–' маъносини англатувчи **чыда–** феълидан **–м** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чыда–** + **м** = **чыдам** > **чидäм.**

ЧИЗИМЧА 'ингичка пишиқ чилвир'. *Жўра аскарнинг юкини олиб, эшакка ортиб, ч и з и м ч а б и л а н боғлади–да, ..* (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'чизиқ торт–' маъносини англатувчи **чиз–** феълидан (ДС, 147) **–(и)м** қўшимчаси билан ясалган отга (ССТТН, I, 476: **чизим** – 'ломоть') кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **(чиз–** + **им** – **чизим)** + **чä** = **чизимчä.** Чизим(ча) асли пишиқ теридан узунасига ингичка қилиб (чизиққа ўхшатиб) кесиб тайёрланган бўлса керак.

ЧИЙ 'чўл–адирларда ўсадиган баланд бўйли бошоқли ўсимлик'. *Бу адирларда илгари ч и й кўп ўсар эди.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **чығ** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 147); кейинчалик **ғ** ундоши **й** ундошига алмашган, шундан кейин **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чығ** > **чый** > **чий.** Бу сўз қирғиз тилида ҳам **чий** тарзида талаффуз қилинади (КРС, 861).

ЧИЙИЛДОҚ 'ингичка ёқимсиз товуш чиқарадиган', 'чийиллайдиган'. *"Суюнчи, суюнчи!"– деди Раҳим ч и й и л д о қ товуш билан Қудратга* (Ҳаким Назир). Бу сифат ўзбек тилида **чий–чий** товушга тақлид сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; қатор келган **лл** ундошларидан иккинчиси **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(чий** + **иллä** = **чийиллä–)** + **қ** = **чийиллäқ** > **чийилдäқ** > **чийилдâқ.**

ЧИЙЛА– 'кўп марта аралаштир–'. *Қартани ч и й л а б, менга узатди.* Бу сўз асли эски ўзбек тилида 'аралаштир–' маъносини англатган **чий–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 274): **чий–** + **лä** = **чийлä–.**

ЧИЙОН қ. **чайон**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧИЙРА– 'қўлда ёки йигирув асбоби билан бироз пишит–, тобла–' (ипни, ..). ***Канопни ишлатишдан олдин ч и й р а ш керак, бўлмаса тезда узилиб кетади.*** Бу феъл асли 'аралаштир–' маъносини англатган **чий**– феълидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–рä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **чий**– + **рä** = **чийрä**–. ЎТИЛда (II, 367) **чийра**– феъли **чийла**– феълига ***айнан*** деб таъкидланган, ваҳоланки булар бошқа–бошқа маънони ифодаловчи қўшимчалар билан ҳосил қилинган, демак, алоҳида феъллар деб қаралиши лозим.

ЧИК 'ошиқнинг чуқурчали томони'. ***Товва пукни ейди, олчи ч и к н и ейди дегандек ..*** (Асқад Мухтор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган ва шундай талаффуз қилинган бу сўз (Девон, I, 321) асли 'ботиқ', 'ичга кирган' маъносини англатган сифат бўлиб, сифатланмишсиз (**чик таман → чик**) ишлатилиш натижасида 'ботиқ томон' маъносини англата бошлаган (отга кўчган).

ЧИККА 'ошиқнинг чуқурчали томони тепага қараган ҳолати'. ***Ошиқ думалайди пукками, ч и к к а*** (Султон Акбарий). Бу сифат қадимги туркий тилда ҳам мавжуд бўлиб, 'ошиқнинг чуқурчали томони' маъносини англатган **чик** сўзидан эски ўзбек тилида **–ä** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 860); қўшимча қўшилганидан кейин **к** ундоши қатланган: **чик** + **ä** > **чиккä. Чиккä** сўзи асли 'ботиқ', 'ичга кирган' маъносини англатгани қуйидаги мисолда очиқ кўринади: ***Кўрсат белингни, мен бир кўрайин, Ч и к к а бел жувон, ёр–ёр*** (Қўшиқдан). 'Ошиқнинг чуқурчали томони тепага қараган ҳолати' маъноси маънода хосланиш воқе бўлиши натижасида юзага келган.

ЧИЛДИРМА 'ёғоч гардишга терини таранг қоплаб ясалган ва чертиб чалинадиган мусиқа асбоби'. ***Дутор ёнига ч и л д и р м а н и н г чертмаги келиб қўшилганидан кейин базм тағин ҳам жонланди*** (Абдулла Қодирий). Бу от қадимги туркий тилдаги чертиб чиқариладиган бўғиқ товушни ифодаловчи **чалдыр–чалдыр** тақлид сўзидан (ДС, 137) эски ўзбек тилида **–ма** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ы** унлисига, сўз охиридаги **а** унлиси **ä** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чалдыр + ма = чалдырма > чылдырма > чилдирмä.**

ЧИЛПИ– қ. **чирпи**

ЧИЛПИШ қ. **чирпиш**

ЧИМ 'илдизидан тармоқланиб ер бағирлаб ўсадиган ёввойи ўт', 'шундай ўтнинг ер билан кесиб олинган парчаси'. ***Бирор ерни сув уриб кетса, кетмон билан ўша ерга ч и м босади*** (Жуманиёз Шарипов). Эски ўзбек тилида шундай маънони англатган бу от асли **чым** тарзида талаффуз қилинган (КРС, 886); кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чым > чим.**

ЧИМДИ– қ. **чимчи–**

ЧИМДИМ 'икки–уч бармоқ билан чимчиб оларли миқдор'. ***Икромжон белбоғининг учига тугуғлиқ чойдан бир ч и м д и м г и н а с и н и чойнакка ташлади*** (Сайид Аҳмад). Бу ўлчов оти қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'бурма ҳосил қил–' маъносини англатган **чым–** феълининг 'бироз' маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–м** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи **ч** ундоши **д** ундошига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чым– + чы = чымчы–) + м = чымчым > чымдым > чимдим** (Қирғиз тилида бу сўз **чымчым** шаклида мавжуд: КРС, 887).

ЧИМИЛДИҚ 'гўшанга'. ***Оппоқ ч и м и л д и қ ичидан узун зарбоф тўнини ёпиниб куёв чиқди*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'бурма ҳосил қил–' маъносини англатган **чым–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–ды** қўшимчасини қўшиб ясалган ва унга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси қўшилган (КРС, 887); кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(чым– + ыл = чымыл–) + ды = чымылды] + қ = чымылдық > чимилдиқ.**

ЧИМИР– 'қош–қовоқни йиғиб буриштир–'. ***Дилбар тўхтади, қошларини ч и м и р и б менга савол назари билан тикилди*** (Одил Ёқубов). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'бурма' маъносини англатган **чим** оти–дан (ДС, 146: **чимсиз–** 'без морщин, лишенный мор–

www.ziyouz.com kutubxonasi

щин') **–(и)р** қўшимчаси билан ясалган: **чим + ир = чимир–.**

ЧИМТОМОҚ 'оз овқат ейдиган', 'чимхўр'. *[Малика] ч и м т о м о қ э д и. Аммо бугун онаси қўйган бир товоқ овқатни ҳам пок–покиза тушир–ди–да, кейин тоза мақтади* (Жонрид Абдуллахонов). Бу сўз қадимги туркий тилдаги кучайтириш маъносини ифодалаган (бу ерда 'энг оз миқдор' маъносини англатган) **чим** сўзи билан (Девон, I, 325) **тамақ** сўзидан эски ўзбек тилида таркиб топган; кейинчалик **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **чим + тамақ = чимтамақ > чимтâмâқ.**

ЧИМЧИ– 'тананинг жиндек қисмини бармоқлар билан бироз қис–'. *.. икки тараф ҳам лагандан ч и м–ч и г а н б ў л и ш д и – д а, бирин–сирин қўлни дастурхон четига артишди* (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'бурма ҳосил қил–' маъносини англатган **чым–** феълидан эски ўзбек тилида 'бироз' маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 887: **чымчы–** 'щипать'); кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чым– + чы = чымчы– > чимчи–.** Бу сўз ўзбек тилида **чимди–** шаклида ҳам ишлатилади, бунда иккинчи **ч** ундоши **д** ундошига алмашади: **чимчи– > чимди–.**

ЧИМЧИЛА– 'тананинг жиндек қисмини бармоқлар билан бир неча марта бироз қис–'. *У қизнинг бурнини аста ч и м ч и л а б, қулоғидан чўзиб жиғига тегди–да, ..* (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'бурма ҳосил қил–' маъносини англатган **чым–** феълининг эски ўзбек тилида 'бироз' маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган [КРС, 887: **чымчыла–** 1. 'щипать (несколько раз)', 'ущипнуть']; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чым– + чы = чымчы–) + ла = чымчыла– > чимчилä–.**

ЧИН 'ҳақиқий', 'рост'. *Ч и н дўст бошга иш тушганда синалар* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **чын** тарзида

www.ziyouz.com kutubxonasi

талаффуз қилинган (Девон, I, 326, 379; III, 152); кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чын** > **чин.**

ЧИНИҚ– 'ҳар қандай оғир шароитта чидамлилик қобилиятини ҳосил қил–'. ***У кўйлаксиз эди, офтобда ч и н и қ и б пишган бадани тер билан ялтирарди*** (Шароф Рашидов). Бу феъл қадимги туркий тилдаги **чын** сифатининг 'ишончли', 'талаб даражасидаги' маъносидан (ДС, 148: **чын** 4) **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чын + ық = чынық– > чиниқ–. Чиниқ–** феъли қадимги туркий тилда 'ҳақиқий бўл–', 'чин чиқ–' маъноларини англатган (Девон, II, 132); туркий тилларнинг кейинги тараққиёт босқичида бу феъл 'бардошли бўл–', 'қийинчиликларга кўник–' маъноларини англата бошлаган (ССТТН, I, 489; КРС, 889).

ЧИНҚИР– 'ингичка товуш билан қичқир–'. ***Эъзозхон .. Учқуннинг ч и н қ и р и б йиғлаган товушини эшитди*** (Ҳамид Ғулом). Бу феъл эски ўзбек тилида ингичка товушни ифодаловчи **чың** тақлид сўзидан (КРС, 889: **чың IV**) **–қыр** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чың + қыр = чыңқыр– > чинқир–.**

ЧИПҚОН 'тук қопчиғи ва унинг атрофи яллиғланиши натижасида ҳосил бўладиган йирингли катта чиқиқ'. ***Лаб–даҳанингизга ч и п қ о н чиққан эмас, тоға ..*** (Парда Турсун). Бу от қадимги туркий тилда **чыбықан** (ДС, 150), **чубақан** (ДС, 156), **чыпқан** (ДС, 150) шаклларида талаффуз қилинган, ҳозирги ўзбек тилига бу сўзнинг **чыпқан** шакли етиб келган ва унинг таркибидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чыпқан > чипқân.** Бу сўз асли уноби ўсимлиги мевасининг номи бўлиб, кейинчалик ташқи ўхшашлик асосида бадандаги чиқиққа ном сифатида кўчирилган (ДС, 150).

ЧИРМА– 'айлантириб боғла–'. ***Ориқ, елкаси чиққан бўзчи ингичка белини учма–уч ч и р м а г а н кир белбоғига қўлини тиқиб, ..*** (Ойбек). Бу сўз асли эски ўзбек тилида гир айланишни ифодаловчи **чыр** тақ–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лид сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган феълга (СТТН, I, 472) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; **–ма** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 891); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чыр + ы = чыры–) + ма = чырыма– > чырма– > чирмä–.** Ҳозирги ўзбек тилида **чирмä–** сўзидан кўра **чирмäш–** сўзи кўп ишлатилади; бу сўз **чирмä–** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган.

ЧИРМАШ– қ. **чирма–**

ЧИРМОВИҚ 'чирмашиб ўсадиган ўсимликларнинг умумий номи', 'зарпечак'. ***Эшонларнинг ҳийла–найранглари ч и р м о в и қ сингари шох отадиган эди*** (М.Муҳаммаджонов). Бу от асли **чырма–** феълининг **–ғу** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ғ** ундоши **в** ундошига, **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига, охири учинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чырма– + ғу = чырмағу) + қ = чырмағуқ > чырмавуқ > чирмâвиқ.** Бу от таркибини бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: **чырма–** феълидан **–в** қўшимчаси билан от ясалган ва унга **–(ы)қ** қўшимчасини қўшиб сифат ясалган: **(чырма– + в) + ық > чирмâвиқ;** кейинчалик бу сифат сифатланмишсиз ишлатилиши натижасида отга кўчган: **чирмâвиқ от → чирмâвиқ.**

ЧИРПИ– 'ўсимликнинг бачки шохини, учини юлиб ёки кесиб ташла–'. ***Ғўзани ўз вақтида ч и р п и м а с а, тепага ғовлаб кетади.*** Бу феъл эски ўзбек тилида 'бироз кес–' маъносини англатган **чырп–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чырп– + ы = чырпы– > чирпи–. Чырп–** феъли турк тилида (ТРС, 123), **чырпы–** феъли эса қирғиз тилида (КРС, 892) мавжуд. ТРСнинг 123– бетида **чырпы** оти келтирилган. Қозоқ тилида бу от **шырпы** тарзида талаффуз қилинади (РКС, 776). Юқорида тилга олинган манбалар асосида ЎТИЛга **чилпи–**

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаклида киритилган феъл асли **чирпи–** шаклида ёзилиши лозим деган хулосага келдик (чунки **чилпи–** шакли сўзлашув нутқига хос талаффузни акс эттиради).

ЧИРПИНДИ 'ёғочни йўнганда ҳосил бўладиган чиқинди', 'пайраҳа'. ***Тахтани рандалаганда чиққан ч и р п и н д и л а р н и тўплаб, тандир олдига олиб бориб ташлади.*** Бу сўз **чырпы–** феълининг 'юпқа қатлам ҳолатида кес–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–ды** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чырпы–** + **н** = **чырпын–)** + **ды** = **чырпынды** > **чирпинди.**

ЧИРПИРА– 'гир–гир айлан–'. ***Ер уюмлари фиғон билан ч и р п и р а б, гирдоб каби кўкка кўтарилади*** (Ойбек). Бу феъл ўзбек тилида гир айланишни ифодаловчи **чир** тақлид сўзининг **чир–пир** такрор шаклидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **чир–пир** чизиқчасиз қўшиб ёзилган: **(чир–пир)** + **ä** = **чирпирä–.**

ЧИРПИРАК: ЧИРПИРАК БЎЛ–, ЧИРПИРАК ҚИЛ– 'гир–гир айлан–', 'гир–гир айлантир–'. ***Аллақаёқдан дайдиб келган изғирин қуруқ қорларни ч и р п и р а к қ и л и б узоқларга учириб кетди*** (Шуҳрат). Ўзи мустақил ишлатилмай, **бўл–, қил–** феъллари билан биргаликда ишлатиладиган бу от **чирпирä–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган: **чирпирä–** + **к** = **чирпирäк.** ЎТИЛда **чирпирак** сўзи хато равишда форсча деб кўрсатилган (II, 372).

ЧИРПИШ 'ғўза шохларининг уч қисмини юлиб, кесиб ташлаш'. ***Ғўзани ч и р п и ш сифатли ўтказилди.*** Бу от **чырпы–** феълидан эски ўзбек тилида **–ш** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чырпы–** + **ш** = **чырпыш** > **чирпиш.** ЎТИЛга бу от сўзлашув нутқига хос талаффузи асосида **чилпиш** деб киритилган (**чирпи–** феълига берилган изоҳга қаранг). Ўзбек тилида **чирпиш (чилпиш)** сўзи бўла туриб, шу маънони англатиш учун **чеканка** сўзини ишлатиш ноўрин.

ЧИҚ– 'ичкаридан ташқарига ҳаракатлан–'. ***Яхши гап билан илон инидан ч и қ а р, ёмон гап билан пичоқ қинидан ч и қ а р*** (Мақол). Қадимги туркий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилда ҳам шундай маънони ва бошқа бир неча маънони англатган бу феъл асли **чық–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 25); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чық– > чиқ–.**

ЧИҚИНДИ 'керакли қисми ишлатилгандан кейинги қолдиқ', 'чиқит'. ***Эргаш чурқ этмай қўлидаги тахтани жаҳл билан ч и қ и н д и л а р устига улоқтирди*** (А.Мираҳмедов). Бу сўз эски ўзбек тилида **чық–** феълининг 'кераксиз, ортиқча қисм сифатида ажрал–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–ды** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чық– + ын = чықын–) + ды = чықынды > чиқинди.** Ҳозирги ўзбек тилида **чықын–** сўзи мустақил ишлатилмайди, шунга кўра **чиқинди** сўзи таркибий қисмларга **чиқ + инди** тарзида ажратилади.

ЧИҚИТ 'керакли қисми ишлатилгандан кейинги қолдиқ', 'чиқинди'. ***Ҳозиргача мана шу қипиқдан фойдаланилмайди. Ч и қ и т г а чиқиб кетади*** (Ойдин). Бу от эски ўзбек тилида **чық–** феълининг 'кераксиз, ортиқча қисм сифатида ажрал–' маъносидан **–(ы)т** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чық– + ыт = чықыт > чиқит.**

ЧИҚИҚ I 'яра, говмичча, чипқон сингари касаллик'; 'суякнинг ўрнидан қўзғалиши'. ***Лабидаги ч и қ и қ ҳали тузалмабди.*** Бу сўз ўзбек тилида **чиқ–** феълининг 'ўз ўрнидан қўзғал–', 'сиртга кўтарил–' маъноларидан от ясовчи **–(и)қ** қўшимчаси билан ясалган: **чиқ– + иқ = чиқиқ I.**

ЧИҚИҚ II 'одатдагидан кўра дўмбайиб турган'. ***Ҳов анов баққол ёнидаги чўққи соқол , елкаси ч и қ и қ чол – уста Ориф Бухорий*** (Ойбек). Бу сўз ўзбек тилида **чиқ–** феълининг 'сиртга кўтарил–' маъносидан сифат ясовчи **–(и)қ** қўшимчаси билан ясалган: **чиқ– + иқ = чиқиқ II.** ЎТИЛда бу сифат **чиқиқ** отининг учинчи маъноси тарзида қўшиб юборилган.

ЧИҒИР 'сув кучи билан айланиб, катта ариқдан юқорига сув чиқарадиган қурилма', 'чархпалак'. ***Ч и ғ и р Хоразм деҳқонларига асрлардан мерос қолган***

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Жуманиёз Шарипов). Маҳмуд Кошғарий луғатида бу от **чығры** шаклида келтирилган (Девон, I, 397). Кўринадики, бу от қадимги туркий тилда **–ы** қўшимчаси билан ясалган. **Чығры** отидан **–ы** қўшимчасини ажратиб олсак, феълга тенг **чығр–** қисми қолади. Маълумки, туркий феъллар охири икки ёнма–ён ундош билан тугамайди; демак, **чығр–** шакли **чығыр–** шаклидан, иккинчи бўғиндаги тор унлини талаффуз қилмаслик натижасида юзага келган (Бу унлининг талаффуз қилинмаслигига учинчи бўғин ҳосил қилган **–ы** қўшимчаси сабабчи; бундай товуш ўзгариши талайгина сўзларда воқе бўлган). **Чығры** оти қадимги туркий тилдаги 'боғла–' маъносини англатган **чығ–** феълининг 'айлантир–' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак: **(чығ– + ыр = чығыр–) + ы = чығыры > чығры. Чығыр** оти эса асли 'боғла–' маъносини англатган **чығ–** феълидан эски ўзбек тилида от ясовчи **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чығ– + ыр = чығыр > чиғир.**

ЧИҒИРИҚ 'пахтани чигитдан ажратиб олишда ишлатиладиган қўл асбоби'. ***Сандалнинг учинчи томонида бир тўда чиқарилган пахта орасидан ч и г и р и қ кўринадир*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз эски ўзбек тилида 'чархпалак' маъносини англатувчи **чығыр** отидан (ЎТИЛ, II, 376) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 882: **чығырық**); кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чығыр + ық = чығырық > чиғириқ.**

ЧОВОҚ 'майда балиқ'. ***Балиқчилар тўрга илинган ч о в о қ л а р н и сувга қайтариб ташлайдилар.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **чабақ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 361). Бу сўз кишига нисбатан **чабақ ер** бирикмасида ишлатилиб, 'кичик жуссали' маъносини англатган (Девон, I, 361). Ўзбек тилида бу сўз таркибидаги **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари **в, қ** ундошларининг таъсири билан **â** унлиларига алмашган: **чабақ > чавақ > чâвâқ.** ЎТИЛга бу сўз нимагадир киритилмаган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ваҳоланки "Ўзбекча–русча луғат"га (Тошкент: 1988) **чавақ** шаклида киритилиб (531– бет), **човоқ** сўзига ҳавола қилинган (545– бет).

ЧОВУТКА қ. **чигиртка**

ЧОЛ 'қария', 'мўйсафид'. ***Бояги ёғоч ва бордонлар орқасидан олтмиш ёшлардаги бир чол арава миниб чиқди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда бу сўз асли **чал** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, 'оқ–кулранг' маъносини англатувчи сифат бўлган (ДС, 137); кейинчалик бу белги кишига кўчирилиб, 'сочи оқ' маъносини англата бошлаган (**чол киши** бирикмасида худди шундай маъноси сақланган); бора–бора сифат–ланмишсиз ишлатилиш натижасида бу сифат отга кўчган ва мустақил ҳолда 'қария' маъносини англата бошлаган (КРС, 838: **чал I** 1 'седой'. 2. 'старик'); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чал > чâл.**

ЧОЛҒУ 'куй ижро этиш асбоби'. ***Машшоқлар чолғуларини қўлга олдилар*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз эски ўзбек тилида **чал–** феълининг 'куй ижро эт–' маъносидан (ЎТИЛ, II, 351) **–ғу** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чал– + ғу = чалғу > чâлғу.** Қадимги туркий тилдаги **чал–** феълидан айни бир қўшимча билан ясалган икки сўз ўзбек тилида дастлаб қўшимчанинг икки шаклидан фойдаланиб фарқланган: **чал– + ғы – чал– + ғу;** кейинчалик фарқ **а** унлисининг **ä** ва **â** унли–сига алмашуви билан яна ҳам ортган: **чäлғи – чâлғу.**

ЧОП– I 'ирғишлаб тез ҳаракат қил–','югур–'. ***"Сен чопиб гузарга чиқ!" – деди махдум болага*** (Абдулла Қодирий). Бу феъл маъно тараққиёти натижа–сида қадимги туркий тилдаги 'ур–' маъносини анг–латган **чап– I** феълидан (ДС, 139) ўсиб чиққан: 'ур–' → 'ирғишлаб оёқларни ерга ур–' → 'ирғишлаб тез ҳара–катлан–'; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чап– I > чâп– I.**

ЧОП– II 'тиғли асбоб билан зарб бериб кес–'. ***Қочма, чопиб ташлайман!*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу феъл маъно тараққиёти натижасида қадимги туркий тилдаги 'ур–' маъносини англатган **чап– I** феълидан (ДС, 139) ўсиб чиққан: 'ур–' → 'тиғли асбоб

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ур–' → 'тиғли асбоб билан зарб бериб кес–'; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чап– I > чап– II > чâп– II.**

ЧОПАҒОН 'тез югурадиган', 'чопқир'. ***Яшил майдон атрофидаги йўлкага ч о п а ғ о н л а р чиқишди*** (С.Нуров). Бу сўз асли **чâп– I** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини олган шаклидан **–ғâн** қўшимчаси билан ясалган сифатдош шаклига тенг: **(чâп– I + ä =чâпä–) + ғâн = чâпäғâн.**

ЧОПҚИ 'шох–шабба қирқишда, гўшт, пиёз қиймалашда ишлатиладиган рўзғор асбоби', 'ошпичоқ'. ***Ҳа демай баргни новдадан ажратиш учун ҳаракатга келган ч о п қ и ва п и ч о қ л а р н и н г "чиқ–чиқ"и авжга минди*** (С.Муҳиддинов). Бу от эски ўзбек тилида 'тиғли асбоб билан зарб бериб кес–' маъносини англатувчи **чап– II** феълидан **–қы** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 846: **чапкы** 2. *южн.* 'тяпка для рубки мяса'); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чап– II + қы = чапқы > чâпқи.**

ЧОПҚИЛА– 'чопқи билан майдала–'. ***Сен гўштни ч о п қ и л а б т у р , мен хамир қориб қўяман.*** Бу сўзнинг таркибини икки хил талқин қилиш мумкин: 1) **чâпқи** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **чâпқи + лä = чâпқилä–**; 2) **чâп– II** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қилä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **чâп– II + қилä = чâпқилä–.**

ЧОПҚИЛЛА– 'тез югур–'. ***Эшикдан ч о п қ и л л а б Кенжа кириб келди*** (Н.Фозилов). Бу сўз 'югур–' маъносини англатувчи **чâп– I** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қилä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; маънони янада кучайтириш учун **л** ундоши қатланган (шу усул билан бу сўз **чâпқилä–** сўзидан фарқланган бўлиши мумкин): **чâп– + қилä = чâпқилä– > чâпқиллä–.**

ЧОРА 'катта ёғоч идиш','тоғора'. ***Борида – ч о р а – ч о р а , йўғида бандайи бечора*** (Мақол). Шундай маънони англатган бу от эски ўзбек тилида **чара** тарзида талаффуз қилинган (КРС, 848); кейинчалик би–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **чара > чâрä.**

ЧОРИ 'донни шопирганда, элаганда ажраладиган қолдиқ', 'чиқинди'. ***Бозорга хирмоннинг фақат ч о р и с и қолди*** (Садриддин Айний). Бу сўз асли **чар** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (КРС, 848: **чар I**), дастлаб 'аралаш–қуралаш' маъносини билдирган (Девон, I, 313: **чар–чур йеди**). **Чары** оти эски ўзбек тилида шундай белгини билдирувчи **чар** сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чар + ы = чары > чâри.**

ЧОРИҚ 'қалин хом теридан тайёрланган, калта қўнжли, таги қалин, учи юқорига бироз қайрилган оёқ кийими'. ***Мен чўпон отанинг ўғли бўлиб қолдим. Новвос терисидан ч о р и қ , қоракўлдан телпак тикиб берди*** (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **чаруқ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 362). Қирғиз тилида бу от **чарык** тарзида талаффуз қилинади (КРС, 851). Л.З. Будагов луғатида бу сўз **чаруқ, чарық, чаруғ** шаклларида келтирилган (ССТТН, I, 456), **чары–** феъли изоҳланган ерда шу феълдан ясалма сифатида **чарық** сўзи яна бир марта келтирилган(457– бет). Демак, **чарық** оти асли 'ўраб боғла–' маъносини англатган **чары–** феълидан (бундай феъл қирғиз тилида ҳам мавжуд: КРС, 851) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чары– + қ = чарық > чâриқ.**

ЧОТ 'икки соннинг бирлашган жойи'. ***Ғоз юриш қиламан деб ўрдакнинг ч о т и йирилибди*** (Мақол). Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **чат–** феълининг (Девон, II, 340) исм эши бўлиб (КРС, 851: **чат 1**), ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чат > чât.**

ЧОЧ қ. **соч**

ЧОЧ– қ. **соч–**

ЧОЧИҚ I қ. **сочиқ I**

ЧОЧИҚ II қ. **сочиқ II**

ЧОЧОҚ қ. **сачоқ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧОҒ I 'вақт', 'пайт', 'кез'. ***Туш ч о ғ и д а икки ёв бир–бирларига қарши келишдилар*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **чақ** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 139); кейинчалик **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган (КРС, 835: **чағ**; ССТТН, I, 458: **чақ, чағ**); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чақ > чағ > чâғ I.**

ЧОҒ II 'мўлжал', 'ўлчам'. ***Ҳосил менинг ч о ғ и м д а н бироз кўп бўлди.*** Бу сўз асли 'вақт' маъносини англатувчи **чâғ I** отидан (ЎТИЛ, II, 380) маъно тараққиёти натижасида ўсиб чиққан: 'пайт ўлчами' → 'нарса ўлчами'.

ЧОҒ III 'ўлчами бироз кичик'. ***[Биз] жуссаси ч о ғ б ў л с а ҳам, чайирини, юрагида ишқ ўти кўпроғини танлаб олдик*** (Йўлдош Шамшаров). Бу сифат маъно тараққиёти натижасида **чâғ II** отидан (ЎТИЛ, II, 380) ўсиб чиққан: 'ўлчам' → 'ўлчами кичик'.

ЧОҒ IV 'хурсанд', 'шод'. ***Қарға "қағ" этади, ўз вақтини ч о ғ э т а д и*** (Мақол). ЎТИЛда **чоғ II** сифатида келтирилган бу сўз (II, 380) эски ўзбек тилида **чағ** тарзида талаффуз қилинган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чағ > чâғ IV**.

ЧОҒИ 'чамаси', 'шекилли'. ***Бу бадбахтлар яна бир қанча кишиларнинг ҳаётига зомин бўлади, ч о ғ и.*** Бу модал сўз асли 'мўлжал', 'тахмин' маъносини англатувчи **чағ II** отининг III шахс эгалик қўшимчасини олган шакли бўлиб, синтактик вазифага (кириш сўз) биркитилиш натижасида янги маъно – модал маъно юзага келган; шундан кейин эгалик қўшимчаси бу сўзнинг ўзгармас, доимий таркибий қисмига айланган.

ЧОҒИШТИР– 'бирини бошқаси билан солиштир–, қиёсла–'. ***Полвон бир пиёла чойни ичар экан, отаси билан Пирнафас акани бир–бирига ч о ғ и ш т и р д и*** (Жуманиёз Шарипов). Бу сўз асли 'зарб билан ур–' маъносини ва бошқа маъноларни англатган **чақ–** феълининг 'қиёс қил–' маъносидан (КРС, 836: **чак– V 5**) эски ўзбек тилида 'биргалик' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–тыр** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (юқоридаги луғат, 833: **чагыштыр–** 'сравнивать'); кейинчалик икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

унли оралиғидаги **қ** ундоши **ғ** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чақ– + ыш = чақыш–) + тыр = чақыштир– > чағыштыр– > чâғиштир–.**

ЧУВОЛЧАҢ 'ер остида яшайдиган, ёмғирдан кейин ер устига чиқиб судралиб юрадиган узунчоқ қорамтир–қизғиш қурт'. ***Чол қармоқларнинг учига ч у в о л ч а н г илиб, сувга ташлади*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз асли эски ўзбек тилида 'судра–' маъносини англатган **чуба–** феълининг (КРС, 872) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчаси қўшилган шаклидан сифат ясовчи **–чаң** қўшимчаси билан ясалган; маъно тараққиёти натижасида отга кўчган; кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **в** ундошининг таъсири билан **â** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(чуба– + л = чубал–) + чаң = чубалчаң > чувалчаң > чувâлчäң .**

ЧУВРИНДИ 'эски–туски', 'увада', 'жулдур' (кийим). ***Дарвозабон ч у в р и н д и аёлга унча эътибор бермади*** (Мирмуҳсин). Маҳмуд Кошғарий луғатида **чубра** сўзи келтирилиб, 'эски кийим' маъносини англатиши айтилган (Девон, I, 397). Бу от **–а** қўшимчаси билан ясалган. Бу қўшимчани ажратсак, **чубр–** қисми қолади, лекин ўзбек тилида (умуман туркий тилларда) феъл лексема охирида икки ундош қатор келмайди; демак, бу сўз асли **чубур–** шаклига эга бўлган (**–а** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **чубур– + а = чубура > чубра).** Кўриниадики, ўзбек тилидаги **чувринди** сўзи асли қадимги туркий тилдаги 'увада ҳолга келтир–' маъносини англатган **чубур–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(у)н** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–ды** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **б** ундоши **в** ундошига, **у** унлиси **ы** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чубур– + ун = чубурун–) + ды = чубурунды > чуврынды > чувринди.**

ЧУЙ– 'овга қуш сол–'. ***Ойдинкўлга қушинг чуйгин, Авазхон*** ("Хушкелди"). Маҳмуд Кошғарий луғатида **чуқды** сўзи келтирилиб, 'ташланди', 'отилди' маъно–

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини англатиши айтилган ва мисол тариқасида **Қуш чуқди** гапи берилган (Девон, II, 25). Демак, бу феъл асли қушнинг ҳаракатини англатган. Ўзбек тилидаги **чуй–** сўзининг маъноси эса бу феъл англатган ҳаракатни қушдан қуш эгасига кўчириш натижасида юзага келган: 'қуш йўлланди' → 'қушни йўллади'. Маънодаги ўзгаришдан ташқари, товуш ўзгаришлари ҳам воқе бўлган: **қ** ундоши **ғ** ундошига, **ғ** ундоши ўз навбатида **й** ундошига алмашган: **чуқ– > чуғ– > чуй–.**

ЧУК 'ўғил боланинг таносил аъзоси'. ***Кестирганда баъзи болаларнинг ч у к и бироз яллиғланади.*** Бу от асли **чўк** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, кейинчалик ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **чўк > чук.** Маҳмуд Кошғарий луғатида шундай мано **чўбäк** сўзи билан англатилгани айтилган (Девон, I, 369), К.К.Юдахин луғатида эса бу маънони англатувчи сўз **чўкў** шаклида келтирилган (КРС, 878), Л.З.Будагов эса қозоқ тилида бундай маъно **чўгäй** сўзи билан англатилишини таъкидлаган (ССТТН, I, 497). Қозоқ тилининг **чўгäй** сўзи **чўк** сўзига кичрайтириш–эркалаш маъносини ифодаловчи **–(ä)й** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қирғиз тилидаги **чўкў** сўзи охиридаги **–ў** қўшимчаси ҳам кичрайтириш–эркалаш маъносини ифодаласа керак. Демак, бу тиллардаги сўзларнинг ҳам асоси, худди ўзбек тилидаги каби, **чўк** сўзига тенг. Бу тиллардаги **чўк** сўзи қадимги туркий тилдаги **чўбäк** сўзининг товуш жиҳатдан ўзгариши натижасида юзага келган деб тахмин қилиш мумкин: **б** ундоши **в** ундошига, шунинг таъсири билан иккинчи бўғиндаги **ä** унлиси **ў** унлисига, кейинчалик **ўвў** товушлари бир чўзиқ **ў:** унлисига алмашган, охири бу унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган: **чўбäк > чўвäк > чўвўк > чў:к > чўк.**

ЧУЛДУРА– 'тушуниб бўлмайдиган тарзда гапир–'. ***Азизбойвачча икки пиёладаёқ ч у л д у р а б қ о л д и*** (Сайид Аҳмад). Бу феъл асли эски ўзбек тилида 'соқов' маъносини билдирган **чулдур** сўзидан (бундай сўз қирғиз тилида ҳозир ҳам мавжуд : КРС, 875) **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **чулдур + а = чулдура– > чулдурä–.** Бу феъл ЎТИЛда **чулдира–** шаклида нотўғри ёзилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧУМОЛИ 'тўда–тўда бўлиб бир уяда яшайдиган кичкина ҳашарот', 'қумурсқа'. ***Бир томчи сув ч у м о л и г а дарё кўринар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **чӧмäли** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 155); кейинчалик ўзбек тилида **ӧ** унлиси **у** унлисига, **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **чӧмäли > чумâли.**

ЧУМЧУҚ 'хонадонларга яқин жойда яшаб, ҳашарот ва дон билан озиқланадиган кичкина қуш'. ***Ч у м ч у қ семирса, ботмон келмас*** (Мақол). Шундай маънони англатувчи сўз Л.З.Будагов луғатида **чыбчық, чубчуқ, чупчуқ** (СЛТТН, I, 467), **чимчик** (шу китоб, 508) шаклларида келтирилган; қирғиз тилида **чымчык** тарзида (КРС, 887), қозоқ тилида эса **шымшық** тарзида (РКС, 93) талаффуз қилинади. Юқоридаги луғатларда келтирилган сўзларни қиёслаш кўрсатадики, бу сўз таркибида асли **ы** | **и** унлиси қатнашган, демак, кейинчалик бу унли **у** унлисига алмашган. Биринчи бўғин охирида **б, м, п** ундошларининг келиши бу ерда ундошлар алмашуви содир бўлганини кўрсатади. Туркий тилларда **б** ундошининг **м** ундошига, шунингдек **п** ундошига алмашуви мавжудлигини ҳисобга олиб бу сўз таркибидаги ундош асли **б** бўлган деб ҳукм чиқариш мумкин. Шунда бу сўз дастлаб **чыбчық** тарзида талаффуз қилинган бўлади. **Чыбчық** сўзи асли 'кичкина жонивор' маъносини англатувчи **чыбы** сўзидан (КРС, 880) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чық** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлса керак; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **б** ундоши **м** ундошига, **ы** унлилари **у** унлиларига алмашган: **чыбы + чық = чыбычық > чыбчық > чымчық > чумчуқ.**

ЧУРВАҚА 'майда–чуйда бола'. ***Аммамга ҳам амал тегиб қолган. Кеча–ю кундуз ч у р в а қ а л а р билан ўралашгани–ўралашган*** (Ҳаким Назир). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'эски кийим' маъносини англатган **чубра** сўзининг (Девон, I, 397) кейинчалик ўсиб чиққан 'майда–чуйда' маъносидан (КРС, 870: **чӱбӱрä** – 'мелкота') от ясовчи **–қа** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **бр** ундошларининг ўрни алмашган (КРС, 879: **чӱрпӧ**), шундан сўнг **б** ундоши **в** ундошига, **а**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлилари **ä** унлиларига алмашган: **чубра + қа = чубрақа > чурбақа > чурвäқä.**

ЧУЧИ– 'ширин торт–', 'ширин бўл–'. *"Ҳолва" деган билан оғиз ч у ч и м а й д и* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **сўчи–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 274; ДС, 516); кейинчалик иккинчи бўғин бошидаги **ч** ундо– шининг таъсири билан **с** ундоши **ч** ундошига алмашган (КРС, 880); ўзбек тилида ў унлисининг юмшоқлик бел– гиси йўқолган: **сўчи– > чўчи– > чучи–.**

ЧУЧМАЛ 'тузи ёки шираси меъёрга етмаган', 'бемаза'. *Шакар озроқ солинган экан, мураббо ч у ч– м а л б ў л и б қ о л и б д и.* Бу сифат асли 'ширин бўл–' маъносини англатувчи **сўчи–** феълининг кучай– тириш маъносини ифодаловчи **–мä** қўшимчасини олган шаклидан **–л** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **с** ундоши **ч** ундошига алмашган, иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ў унлисининг юм– шоқлик белгиси йўқолган: **(сўчи– + мä= сўчимä–) + л = сўчимäл > чўчимäл > чўчмäл > чучмäл.**

ЧУЧУВ қ. **чучук**

ЧУЧУК 'таъми ширин'. *Ошга ч у ч у к беҳи эмас, нордон беҳи солинади.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли 'ширин бўл–' маъносини англатувчи **сўчи–** феълидан **г** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 516), кейинроқ сўз охиридаги **г** ун– доши **к** ундошига (Девон, I, 387), иккинчи бўғин боши– даги **ч** ундошининг таъсири билан сўз бошланишидаги **с** ундоши **ч** ундошига (КРС, 880), иккинчи бўғиндаги **и** унлиси ў унлисига алмашган, сўнгра ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **сўчи– + г = сўчиг > сўчик > сўчўк > чўчўк > чучук.**

ЧУҚУЛА– 'бир неча марта ўй–'. *Валижон .. бо– шини қуйи солганча ер ч у қ у л а б ўтирарди* (Одил Ёқубов). Бу сўз эски ўзбек тилида 'ковла–', 'ўй–' маъносини англатган **чуқу–** феълидан (КРС, 874: **чуку–** 'ковырять') 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қў– шимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 874); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **чуқу– + ла = чуқула– > чуқулä–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧУҚУР 'қазилган, ўйилган жой'. ***Бировга ч у қ у р қазисанг, ўзинг йиқиласан*** (Мақол). Бу от асли эски ўзбек тилида 'ковла–', 'ўй–' маъносини англатган **чуқу–** феълидан (КРС, 874: **чуку–**) **–р** қўшимчаси билан ясалган; **чуқу– + р = чуқур.**

ЧУҒУРЧИҚ 'қора патли, ҳашарот ва мева билан озиқланадиган, гала бўлиб юрадиган чумчуқсимон қуш'. ***Ч у ғ у р ч и қ сочма ўқ билан ов қилинади.*** Бу сўз эски ўзбек тилида **чуғур** товушга тақлид сўзидан **–чы** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(чуғур + чы = чуғурчы) + қ = чуғурчық > чуғурчиқ** (ССТТН, I, 495).

ЧЎЗ– 'тортиб, уриб узайтир–'. ***Қоратой .. қизил чўғ бўлган темир парчасини болға билан гурс–гурс урар, яссилар, ч ў з а р , қайирар эди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **чӧж–** (**ж** – сирғалувчи товуш) тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 16; худди шу мисол ДСнинг 158– бетида **чӱж–** шаклида берилган); кейинчалик **ж** ундоши **з** ундошига алмашган (ТРС, 126); ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **чӧж– > чӧз– > чоз–.**

ЧЎЗИНЧОҚ 'бўйи анча узун','узунчоқ'. ***Ияги ч ў з и н ч о қ ўқитувчи уй расмини солишни ўргатди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида 'узайтир–' маъносини англатувчи **чоз–** феълидан **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган сифатга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чақ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(чоз– + ун = чозун) + чақ = чозун–чақ > чозинчâқ.**

ЧЎЙАН 'утлерод билан темирдан иборат қотишма'. ***[Жапақнинг] чайир ва бақувват гавдаси чироқ шуъласида ч ў я н ҳайкал каби йилтирар эди*** (Асқад Мухтор). Қадимги туркий тилда **чоӱын** сўзи мавжуд бўлиб, 'эритиб қуйилган бир турли мис' маъносини англатган (Девон, I, 388). Бу сўз турк тилида **чӧйген** тарзида (ТРС, 126), қирғиз тилида **чойун** тарзида (КРС, 869),

www.ziyouz.com kutubxonasi

қозоқ тилида эса **шойын** тарзида (РКС, 897) талаффуз қилинади. Кўринадики, **чоӡын** сўзи туркий тилларда турлича товуш ўзгаришларига дучор бўлган. Ўзбек тилида **ӡ** ундоши **й** ундошига, **ы** унлиси **а** унлисига, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **чоӡын > чойын > чойан > чойän. Чўян** сўзи ЎТИЛда хато равишда русча деб таъкидланган (II, 388).

ЧЎК : ЧЎК ТУШ– 'чўккала–'. ***Ч ў к т у ш и б ўтирсам, тезда оёқларим увушади.*** Бу от асли 'оёқларни тиззадан букиб ўтир–' маъносини англатувчи **чök–** феълидан (Девон, II, 29) маъно тараққиёти натижасида ажралиб чиққан: 'ҳаракат' → 'шундай ҳаракатни бажариш натижасида юзага келадиган ҳолат'.

ЧЎК– 'оёқларни тиззадан букиб ўтир–'. ***Туя ч ў к с а, жой топилар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **чök–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 29); кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **чök– > чок–.**

ЧЎКИЧ 'қаттиқ ерни, музни ковлаш учун ишлатиладиган учи ўткир пўлат асбоб'. ***Ҳар бири – девсифат, бақувват йигитлар.. Қўлларида .. гурзи, чўқмор, ч ў к и ч , лом, темир пона, искана*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу от эски ўзбек тилида **чök–** феълининг 'бот–' маъносидан **–(и)ч** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **чök– + ич = чökич > чокич.**

ЧЎККА : ЧЎККА ТУШ– 'чўккала–'. ***Баъзилар ёнбошлаб олишган, баъзилар ч ў к к а т у ш и б ўтирибди*** (Иброҳим Раҳим). Бу от асли қадимги туркий тилда 'оёқларни тиззадан букиб ўтир–' маъносини англатувчи **чök–** феълидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 154); кейинчалик ўзбек тилида **к** ундоши қатланган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **чök– + ä = чökä > чökkä > чоккä.** ДСда таъкидланишича, **чökä** сўзи асли диний маросим билан боғлиқ бўлиб, 'сажда қилиш учун чўккалаш'ни англатган.

ЧЎЛ 'сувсиз бепоён дашт', 'саҳро'. ***Балли, азаматлар! Ч ў л жиловини қўлларингга бердик*** (Сайид Аҳмад). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **чöл** тарзида талаффуз қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ДС, 155: **чӧллиг** – 'живущий в степи'); кейинчалик ўзбек тилида **ӧ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **чӧл > чол.** ДСда **чол–** феълига берилган изоҳдан [152: 'убывать, иссякать' (о воде)], шунингдек ЎТИЛда **чўл** сўзининг иккинчи маъноси сифатида берилган 'ташна' изоҳидан кўриниб турибдики, **чӧл** оти асли 'сувга таш–на–' маъносини англатган **чӧл–** феълидан маъно та–раққиёти натижасида ажралиб чиққан.

ЧЎЛОҚ 'оёғи майиб', 'оёғи ёки қўли йўқ ёки кесилган'. ***Тўғри, ўзи ч ў л о қ – к у, лекин шамолдан тез учади, ҳайронман*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **чолақ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 362). Бу сўз асли ясама бўлиб, қадимги туркий тилдаги **чол–** феълининг (ДС, 152) 'камай–', 'йўқол–' маъносидан **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **чол– + ақ = чолақ > чолâқ.**

ЧЎЛТОҚ 'калта', 'тўмтоқ'. ***[Итлар] бошларини солинтириб, ч ў л т о қ думларини қисиб ҳар ёнга тарқаб кетди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сифат асли қадимги туркий тилдаги **чол–** феълининг (ДС, 152) 'камай–', 'йўқол–' маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–та (< –ла)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек ти–лида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[чол– + та (< ла) = чолта–] + қ = чолтақ > чолтâқ.**

ЧЎМ– 'суюқликка, юмшоқ нарсага бот– | ботир–'. ***Саодат .. оқ чойшаблар орасига кириб, пар ёстиққа ч ў м д и*** (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **чом–** (ДС, 153) ва **чӧм–** тарзида (ДС, 155) икки хил талаффуз қилинган. Маҳмуд Кошғарий луғатида бу феъл беш ўринда **чом–** шаклида (Девон, II, 34, 89, 124, 211, 241), уч ўринда **чӧм–** шаклида (Девон, II, 34; I, 381, 394) ёзилган. Ҳозирги ўз–бек тилига бу феъл **чом–** шаклида етиб келган.

ЧЎМИЛ– 'сув ҳавзасида суз–', 'ечиниб, бошдан оёқ ювин–'. ***Баъзан кумуш сувларда яйрашиб ч ў – м и л а м и з*** (Уйғун). Бу сўз асли 'сувга ботир–' маъносини англатувчи **чом–** феълидан (Девон, II, 34; ДС, 153) эски ўзбек тилида 'ўзлик' маъносини ифодаловчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

–(у)л қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **чом–** + **ул** = **чомул–** > **чомил–.** Бу феъл дастлаб 'сувга ботирил–' маъносини билдириб, 'суз–', 'бошдан оёқ ювин–' маъноси ана шу маъно асосида юзага келган.

ЧЎМИЧ 'суюқ овқатни шопириш, сузиш учун ишлатиладиган узун дастали рўзғор буюми'. ***Қозонда бўлса, ч ў м и ч г а чиқади*** (Мақол). Бу от 'суюқликка ботир–' маъносини англатувчи **чўм–** феълидан (Девон, II, 34) эски ўзбек тилида **–(ў)ч** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 871), кейинчалик **ў** унлиси **и** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **чўм–** + **ўч** = **чўмўч** > **чомич.** Маҳмуд Кошғарий луғатида шундай маънони англатган **чўмчä** сўзи келтирилган (Девон, I, 394). ДСнинг 155– бетида берилган изоҳдан англашиладики ('ковш', 'черпак'), **чўмчä** сўзи **чўмич** сўзига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, шундан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **чўмич** + **ä** > **чўмчä.**

ЧЎНТАК 'кийимда зарур енгил нарсаларни солиш учун тикиладиган ички ёки ташқи халтача', 'кисса'. ***Ўзбекойим ч ў н т а г и г а қўлини солиб, беш–ўн пул олиб берди*** (Абдулла Қодирий). Бу отни ДСнинг 155– бетида келтирилган **чöңäк** ('бадья, ведро') сўзи билан қиёслаш кўрсатадики, қадимги туркий тилда 'бирор нарсани сол–' маъносини англатган **чöң–** феъли мавжуд бўлган, **чöңäк** оти ана шу феълдан **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган. Шунингдек, **чонтäк** оти ҳам асли **чöң–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–тä (< –лä)** қўшимчасини олган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[чöң–** + **тä (< лä) = чöңтä–]** + **к** = **чöңтäк** > **чöнтäк** > **чонтäк.**

ЧЎЧЧАЙ– 'аразлагандай лабларни бироз олға чўз–'. ***Нега лабинг ч ў ч ч а й и б қ о л д и?!*** Бу феъл асли 'шиш' маъносини англатган **чор** отининг (КРС, 868) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчасини олган шаклидан **–й** қўшимчаси билан ясалган (юқоридаги луғат, 869: **чорчой–**); кейинчалик иккинчи **ч**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **р** ундоши **ч** ундошига, шунингдек **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(чор + ча = чорча) + й = чорчай– > чоччай– > чоччäй–.**

ЧЎЧҚА 'жуфт туёқли, калта думли, кўп болалай–диган сутэмизувчи уй ҳайвони'. ***Бир вақтлар ч ў ч қ а фермалари кўпайган эди.*** Маҳмуд Кошғарий луғатида **чочуқ** сўзи келтирилиб, 'чўчқанинг боласи' маъносини англатиши айтилган (Девон, I, 362). Шу маълумотга, шунингдек туркий тиллардаги **чочко** (КРС, 869), **шошқа** (РКС, 723), **чочқа** (ЎТИЛ, II, 388) сўзларига суяниб, бу сўзни ясама дейиш мумкин: **чочуқ** сўзи охиридаги **–(у)қ** қисми, **чочқа** сўзи охиридаги **–қа** қисми қўшимчага тенг; лекин луғатларда **чоч–** сўзи келтирилмаган. Асли бу сўз феъл бўлгани аниқ. Агар қадимги туркий тилда, 'думалоқ шакл' маъносини англатган **чор** отидан ташқари, 'думалоқ шаклга эга бўл–' маъносини англатган **чор–** феъли ҳам мавжуд бўлган деб фараз қилсак, унда бу феълдан **–(у)қ** қўшимчаси билан **чоруқ** оти, **–қа** қўшимчаси билан **чорқа** оти ясалган бўлиб чиқади; бунда **р** ундоши **ч** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган бўлади: **чор– + уқ = чоруқ > чочуқ; чор– + қа = чорқа > чочқä.** Бу сўз асли 'семиз' маъносини англатган.

ЧЎҚИ– 'тумшуқ билан бир неча марта зарб бер–'. ***Қарға қарғанинг кўзини ч ў қ и м а й д и*** (Мақол). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги **чоқ–** феълининг (ДС, 153: **чоқ– I**) 'зарб билан ур–' маъносидан (КРС, 865: **чоктур–**) эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифода–ловчи **–у** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 865: **чоку– II**); кейинчалик **у** унлиси **ы** унлисига алмашган, сўнгра **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чоқ– + у = чоқу– > чоқы– > чоқи–.**

ЧЎҚМОР 'тўқмоқ', 'гурзи'. .. ***ҳозироқ бориб, тўранинг бошига ч ў қ м о р б и л а н солгиси, бўғиб ўлдиргиси келиб кетди*** (Жуманиёз Шарипов). Бу от Л.З.Будагов луғатида **чуқум, чуқмар, чуқман** шакл–ларида (ССТТН, I, 496), Д.А.Магазаник луғатида **чокмар, чокмак, чомак, чокман** шаклларида (ТРС, 865) келти–рилган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, бу от ясама бўлиб, қадимги туркий тилдаги 'уриб ўлдир–' маъносини англатган **чоқ–** феълининг (ДС, 153) кучай–тириш маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил қилинган шаклидан **–р** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(чоқ– + ма = чоқма–) + р = чоқмар > чоқмâр.**

ЧЎҚҚИ 'баланд нарсанинг энг юқори нуқтаси'. ***Бунақа ҳавода ч ў қ қ и г а кўтарилиш хавфли*** (Ҳаким Назир). Бу сўз асли эски ўзбек тилида 'бош кийими устидаги дўмбоқ' маъносини англатган **чоқ** отидан (КРС, 864: **чок I 4**) кучайтириш маъносини ифо– даловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин **қ** ундоши қатланган, кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **чоқ + ы > чоққы > чоққи.**

Ш

ШАЙ 'тайёр ҳолга келтирилган', 'тахт'. ***Барат полвон билан Ғуломжон ҳам Замон янглиғ ш а й б ў– л и б т у р и б д и*** (Мирзакалон Исмоилий). Эски ўз– бек тилида шундай маънони англатган бу кесимлик сўзи асли **шай** тарзида талаффуз қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **шай > шäй.**

ШАЛАЙИМ 'қимирлашга кучи етмайдиган', 'ма– жолсиз'. ***[Низомжон] икки тиззасида дармон қолмай, оғир калтаклардан ш а л а й и м б ў л и б йиқилиб, ўрнидан турганга ўхшарди*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз қа– димги туркий тилдаги 'бўшашган' маъносини билди– рувчи **шал–шул** сўзидан (Девон, I, 324) эски ўзбек ти– лида **–(а)й** қўшимчаси билан ясалган **шалай–** феълига (КРС, 898: 'мадорсизлан–', 'шалвира–') **–(ы)м** қўшим– часини қўшиб ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унли– ларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(шал + ай = шалай–) + ым = шалайым > шäлäйим.**

ШАЛВАЙ– 'ҳолдан той–', 'бўшаш–'. ***Қудрат почтадан негадир ш а л в а й и б келаётган эди*** (Ҳаким Назир). Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'бўшашган' маъносини билдирувчи **шал–шул** сўзидан (Девон, I, 324) эски ўзбек тилида **–ба** қўшимчаси билан ясалган феълга 'бироз' маъносини ифодаловчи **–й** қў– шимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **б** ун– доши **в** ундошига, сўнгра **а** унлилари **ä** унлиларига ал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

машган: **(шал + ба = шалба–) + й = шалбай– > шалвай– > шäлвäй–.**

ШАЛВИРА– 'бўшашиб, осилиб тур–', 'мажолсизлан–'. *У .. адашиб, қаёққа боришини билмай умидсизликка тушган кишидай ш а л в и р а д и* (Абдулла Қаҳҳор). Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'бўшашган' маъносини билдирувчи **шал–шул** сўзидан (Девон, I, 324) эски ўзбек тилида **–ба** қўшимчасининг **–вы** шакли билан ясалган феълга 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ра** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[шал + вы (< ба) = шалвы–] + ра = шалвыра– > шäлвирä–.**

ШАЛДИРАМА 'шалдирайдиган'. *Шоир бир тахта ш а л д и р а м а қоғоз олиб, очиқ қалин китоб устига қўйди* (Уйғун ва Иззат Султон). Бу сифат эски ўзбек тилида **шалдыр** тақлид сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга (КРС, 898) **–ма** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, ы унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(шалдыр + а = шалдыра–) + ма = шалдырама > шäлдирämä.**

ШАЛЛАҚИ 'уялмай, тап тортмай жанжал–тўполон кўтарадиган'. *Мен сизни ўғил бола деб юрсам, ш а л л а қ и хотиндан ҳам баттар экансиз* (Суннатилла Анорбоев). Бу сўз эски ўзбек тилида 'қип яланғоч', 'уятсиз' маъносини англатган **шаллақ** сифатига (ТРС, 559) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **шаллақ + ы = шаллақы > шäллäқи.**

ШАЛОҚ 'қисмлари кўп ишлатилганидан ейилиб кетган', 'бузуқ'. *Чироқни тонди, уни ёқиб, кичкина ш а л о қ хонтахта устига қўйди* (Ойбек). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'бўшашган' маъносини англатувчи **шал–шул** сўзидан (Девон, I, 324) эски ўзбек тилида **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 898); кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлиси **â** унлисига алмашган: **(шал + а = шала–) + қ = шалақ > шäлâқ.**

ШАЛПАЙ– 'иссиқдан ёки қаттиқ совуқдан сўлиб шалвира–', 'мажолсизлан–'. ***Яраланган лочин мисоли Нусрат ерда ётар ш а л п а й и б*** (Душан Файзий). Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'бўшашган' маъносини билдирувчи **шал–шул** сўзидан (Девон, I, 324) эски ўзбек тилида **–ба** қўшимчаси билан ясалган феълга 'бироз' маъносини ифодаловчи **–й** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига, (КРС, 899), **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(шал + ба = шалба–) + й = шалбай– > шалпай– > шäлпäй–.** Кўринадики, бошқа–бошқа маъно биркитилган **шалвай–** ва **шалпай–** феъллари эски ўзбек тилида **б** ундошини **в** ва **п** ундошларига алмаштириш орқали фарқланган.

ШАЛПАҢ 'шалпайган', 'осилиб тушган', 'бесўнақай'. ***Қўлоғи ш а л п а н г ит бўрига биринчи бўлиб ташланди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'бўшашган' маъносини билдирган **шал–шул** сўзидан (Девон, I, 324) эски ўзбек тилида **–ба** қўшимчаси билан ясалган феълга **–ң** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига (КРС, 899), **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(шал + ба = шалба–) + ң = шалбаң > шäлпäң .**

ШАЛТОҚ 'қаровсизлик оқибатида пайдо бўладиган ивирсиқ, исқирт'. ***Саранжом–саришта бўлсанг, ўласанми, қачонгача сенинг ш а л т о ғ и н г н и бошқалар тозалаб юради?!*** Эски ўзбек тилида ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **шалтақ** тарзида талаффуз қилинган (КРС, 899); кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **шалтақ > шäлтâқ.** Бу сўз асли **–қ** қўшимчаси билан ясалган, лекин луғатларда **шалта–** феъли келтирилмаган (бу феъл асли 'ифлос қил–' каби маънони англатган бўлса керак).

ШАМА 'дамлаб ичилган чойнинг идиш тагида қоладиган қолдиғи'. ***Рихси бир қўлида ш а м а с и д а н сув силқиб ётган чойнакни ушлаганича титраб ўртада тураради*** (Саида Зуннунова). Шундай маънони англатган сўз эски ўзбек тилида **шама** тарзида талаффуз қилинган (ССТТН, I, 662); кейинчалик **а** унлилари **ä** ун–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиларига алмашган: **шама > шämä.** Бу сўз қирғиз тилида асосан **чама** тарзида талаффуз қилиниши таъкидланган (КРС, 900: **шама** *южн.* тоже, что **чама II;** 842: **чама II** 'вываренный чай'); демак, бу сўз бошланишидаги ундош асли **ч** бўлган бўлиши мумкин.

ШАНҒИ 'баланд овоз билан гапирадиган', 'бақироқ'. ***Кампирнинг ш а н ғ и товуши қулоқ–мияни еярли даражада ўткир эди*** (Уйғун). Эски ўзбек тилида ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли баланд товушга тақлидни билдирувчи **шанғ** сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **шанғ + ы = шанғы > шäнғи.**

ШАНҒИРЛА– 'баланд овоз билан, бақириб гапир–'. ***Кўп ўтмай аскиячиларнинг ш а н ғ и р л а – ғ а н овози ҳамманинг диққатини тортди*** (М.Осим). Бу феъл эски ўзбек тилида баланд товушга тақлидни билдирувчи **шанғ** сўзининг **–(ы)р** қўшимчасини олиб кенгайган шаклидан (ТРС, 560: **шангыр**) **–ла** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 900: **шангырла–;** ТРС, 560: **шангырда–**): кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(шанғ + ыр = шанғыр) + ла = шанғырла– > шäнғирлä–.** ЎТИЛга бу феъл **–илла** қўшимчаси билан ясалган деб ўйлаб, **шанғилла–** шаклида киритилган (II, 396).

ШАПАЛОҚ 'қўлнинг бармоқлардан то билак учигача бўлган ясси қисми', 'кафт'. ***"Ажаб қиламан!"– деди Кумуш ва ш а п а л о ғ и б и л а н эрининг юзига секингина уриб қўйди*** (Абдулла Қодирий). Л.З.Будагов луғатида олтой тилига мансуб деб келтирилган **шабала** сўзи билан (ССТТН, I, 659: **шабала** 'ложка, которою мешают кушанье, когда варять') **шапалоқ** сўзини қиёслашдан кўринадики, ўзбекча сўз охиридаги **–(а)қ** қисми – от лексемага қўшилиб, кичрайтириш маъносини ифодаловчи қўшимчага тенг; шунда **–(а)л** қисми феълдан от ясовчи қўшимча бўлиб чиқади; лекин луғатларда **шаб–** || **шап–** феъли акс эттирилмаган (Бу феъл асли 'яссила–' маъносини англатган бўлса керак). Товуш жиҳатидан бу сўз таркибида қуйидаги ўзгаришлар воқе бўлган: **б** ундоши **п** ундошига, биринчи, иккинчи бўғин–

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(шаб– + ал = шабал) + ақ = шаба–лақ > шäпäлâқ.**

ШАПАРАК 'юпқа'. ***Тахмонда бир эски яшик. Унинг устида кўрпа, тошдай қаттиқ , кир, ш а п а–р а к ёстиқ*** (Ойбек). Бу сифат асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'яссила–', 'юпқа қил–' маъносини англатган **шаб–** || **шап–** феълининг кучайтириш маъно–сини ифодаловчи **–(а)р** қўшимчаси билан ҳосил қилин–ган шаклидан **–(а)к** қўшимчаси билан ясалган бўлса ке–рак; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **[(шаб– || шап–) + ар = шапар–] + ак = шапарак > шäпäрäк.**

ШАППА 'бирдан, 'зудлик билан'. ***Хотин ш а п–п а оғзимни ушлади: "Ҳой, сен нима қилмоқчисан?!"*** (Ғафур Ғулом). Бу равиш эски ўзбек тилида зудлик билан қилинадиган ҳаракатни билдирувчи **шап** тақлид сўзидан (КРС, 901) **–а** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 901: **шапа–шупа** 'быстро', 'проворно'); қўшимча қў–шилганидан кейин **п** ундоши қатланган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **шап + а > шаппа > шäппä.**

ШАППАТИ 'шапалоқ', 'кафт'. ***У Эҳсоннинг кафтига ш а п п а т и б и л а н уриб сўрашди–да,*** .. (Абдулла Қаҳҳор). Ўзбек тили шеваларида ишлатила–диган бу от асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ясси' маъносини англатган **шаб** || **шап** сифатидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга от ясовчи **–ты (< –ды)** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **п** ундоши қатланган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унли–сининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(шаб || шап) + а = шапа–] + ты (< ды) = шапаты > шаппаты > шäппäти.**

ШАПШАК 'одобсиз', 'уяти йўқ'. ***Менинг бо–шимга аслзода эрни ўлдириб келдингми–а, беҳаё ш а п ш а к ?!*** (Ш.Тошматов). Бу сифат эски ўзбек ти–лида 'жавра–', 'бемаъни гапларни гапир–' маъносини англатган **шапша–** феълидан (КРС, 902: **шапша–** 2. *пе–рен.* "пустословить', 'болтать') **–к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **шапша– + к = шапшак > шäпшäк.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАРРОС 'челаклаб қуйгандек', 'жадал' (ёғаётган ёмғир ҳақида). ***Мунаввар навбатчиликдан бўшаб, эшикдан чиққанида ёмғир ш а р р о с қуяётган эди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сўз эски ўзбек тилида кучли ёмғир ёғаётганда ҳосил бўладиган товушга тақлидни билдирувчи **шарр** сўзидан (Бу сўз ЎТИЛда **шар II** сўзи—нинг иккинчи маъноси сифатида берилган) **—(а)с** қў—шимчаси билан ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** ун—лисига алмашган: **шарр + ас = шаррас > шäррâс.**

ШАРТАКИ 'андиша қилмай, юзхотир қилмай га—пириб юборадиган'. ***Бир гапни охиригача эшитмай, ўн марта луқма ташлайдиган ш а р т а к и л а р—н и кўп кўрганмиз.*** Бу сўз эски ўзбек тилида кескин ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган товушга тақлидни билдирувчи **шарт** сўзидан (ЎТИЛ , I, 400: **шарт III**) **—аки** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **шарт + аки = шартаки > шäртäки.**

ШАРТТА 'андиша қилиб ўтирмай','дангал'. ***У хонаси келганда ҳеч кимни аямайди. Мажлисларда кимнинг камчилиги бўлса, ш а р т т а юзига айта—веради*** (Сайид Аҳмад). Бу равиш эски ўзбек тилида кес—кин ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган товушга тақ—лидни билдирувчи **шарт** сўзидан (ЎТИЛ, II, 400: **шарт III**) **—а** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **т** ундоши қатланган (бу билан маъно кучайти—рилган); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **шарт + а > шартта > шäрттä.**

ШАРШАРА 'баланд тик тепаликдан шовуллаб оқиб тушаётган сув оқими', 'шалола'. ***Нигора .. бир текис гувуллаётган бу ш а р ш а р а г а бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди*** (Суннатилла Анорбоев). Бу от асли эски ўзбек тилида кўп миқдордаги сувнинг юқоридан пастга қуйилиб тушаётганида ҳосил бўладиган товушга тақлидни билдирувчи **шар** сўзининг (ЎТИЛ , II, 397: **шар II 2**) такрор шаклидан **—а** қўшимчаси билан ясалган (қўшимча қўшилганидан кейин бу сўз қисмлари қўшиб ёзилган); кейинчалик **а** унлилари **ä** ун—лиларига алмашган: **(шар—шар) + а = шаршара > шäршäрä.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАРШАРАК 'кичик шаршара'. ***Тоғ оралиғидаги ш а р ш а р а к н и н г бу ажойиб қилиқлари болаларни ҳаяжонга солди*** (Ҳаким Назир). Бу сўз эски ўзбек тилида **шаршара** отига кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **шаршара + к = шаршарак > шäршäрäк.**

ШАРҚИРА– 'шовқин чиқар–'.***Тўлаган ака ш а р қ и р а б оқаётган ариқдан юз–қўлини ювиб, белбоғининг бир учига артинди*** (Ҳаким Назир). Бу сўз эски ўзбек тилида кўп миқдордаги сувнинг тошларга урилиб оқишидан ҳосил бўладиган товушга тақлидни билдирувчи **шар** сўзидан **–қир** қўшимчаси билан ясалган феълга кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(шар + қыр = шарқыр–) + а = шарқыра– > шäрқирä–.**

ШИББА 'тупроқни уриб зичлаш учун ишлатиладиган, таги текис оғир ғўла'. ***"Қани, кел , Юнус",– деди Йўлдошбой ш и б б а н и н г тепа қулоғини чап қўли билан, белидаги дастасини ўнг қўли билан ушлаб*** (Ҳ.Нуъмон, А.Шораҳмедов). Бу сўзни Маҳмуд Кошғарий луғатида учраган **шабан** сўзи билан (Девон, III, 366: 'темирдан ясалган ҳасса') ва К.К.Юдахин луғатидаги **шибээлеп** сўзи билан [КРС, 906: 'крепко–накрепко' (напр. закрыть)] қиёслашдан кўринадики, бу сўзларнинг асоси бир. **Шабан** сўзи асли **–н** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб, кейин отга кўчган; бу қўшимча феълдан сифат ясайди; демак, қадимги туркий тилда **шаба–** феъли мавжуд бўлган деб ўйлаш мумкин. Лекин қирғизча **шибээле–** сўзи бу фикрни рад этади: бу сўз **–ла (< –ле)** қўшимчаси билан **шибээ** отидан ясалган. Шунга кўра **шибээ** отининг ўзи ҳам **–э** қўшимчаси билан ясалган бўлиб чиқади. Демак, қадимги туркий тилда **шаб– || шиб–** феъли мавжуд бўлиб, ана шу феълдан **–а** қўшимчаси билан от ясалган: қўшимча қўшилганидан кейин ўзбек тилида **б** ундоши қатланган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(шаб– || шиб–) + а > шибба > шиббä.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШИЛВИРА– 'шилинган ери шиллиқлан–'. *Яраси ш и л в и р а б к е т и б д и.* Бу феълни ўзбек тили–даги **шилпиқ** сўзи билан қиёслашдан кўринадики, улар учун асос вазифасини **шил** қисми бажарган; лекин луғатларда бундай от ўз аксини топмаган. Асли бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'елимсимон мод–да' маъносини англатган бўлса керак. **Шилвира–** сўзи ана шу отга **–ба** қўшимчасининг **–вы** шаклини қўшиб ясалган феълдан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ра** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[шыл + вы (< ба) = шылвы–] + ра = шылвы–ра– > шилвирä–.**

ШИЛИМШИҚ 'елим сингари юмшоқ ва ёпишқоқ'. *Лекин Элчибекнинг ҳафсаласи пир; ифлос, ш и л и м ш и қ бир нарса еб қўйгандек, таъби тирриқ эди* (Асқад Мухтор). Бу сифатни ўзбек тилидаги **шиллиқ, шилқим** сўзлари билан қиёслашдан кўрина–дики, улар учун асос вазифасини **шил–** қисми бажарган; лекин луғатларда бундай феъл ўз аксини топмаган. Ас–лида бу феъл 'елимсимон модда ҳосил қил–' маъносини англатган бўлса керак. **Шилимшиқ** сифати ана шу **шыл–** феълига **–(ы)м** қўшимчасини қўшиб ясалган отдан **–шы** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қў–шиб ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(шыл– + ым = шылым) + шы = шы–лымшы–] + қ = шылымшық > шилимшиқ.**

ШИЛЛИҚ I 'елимсимон суюқ ёпишқоқ модда'. *Соғ кишининг нафас йўллари қуриб қолмаслиги ва чангдан сақланиши учун унда бироз ш и л л и қ бў–лади* (Н.Исмоилов). Бу отни ўзбек тилидаги **шилимшиқ, шилқим** сўзлари билан қиёслашдан кўринадики, улар учун асос вазифасини **шил–** қисми бажарган, лекин лу–ғатларда бу феъл ўз аксини топмаган. Аслида бу феъл 'елимсимон модда ҳосил қил–' маъносини англатган бўлса керак. **Шиллиқ** оти ана шу **шыл–** феълидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **л** ундоши қат–ланган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **шыл– + ық = шылық > шиллиқ.** Киши аъзосида ҳосил

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўладиган бу модданинг номи ўхшашлик асосида қуртга кўчирилган: **шиллиқ I → шиллиқ II.**

ШИЛЛИҚ II қ. **шиллиқ I**

ШИЛПИЛДОҚ 'манти учун кесилгандек катталикдаги тўртбурчак юпқа хамирни шўрвада пишириб тайёрланадиган қуюқ овқат'. .. *ҳар куни норин, ш и л п и л д о қ , палов* (Ойбек). Бу от эски ўзбек тилида юмшоқ нарсани сувга ташлаганда чиқадиган товушга тақлидни билдирувчи **шилп** сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи **л** ундоши **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(шилп + иллä = шилпиллä–) + қ = шилпиллäқ > шилпилдäқ > шилпилдâқ.**

ШИЛПИҚ 'кўз жилди доим қизариб, ёшланиб турадиган юқумли касаллик', 'трахома'. *Ш и л п и қ касаллигини даволаш анча оғир кечади.* Бу отни ўзбек тилидаги **шилвира–** сўзи билан қиёслашдан кўринадики, улар учун асос вазифасини **шил** қисми бажарган, лекин луғатларда бундай от ўз аксини топмаган. Аслида бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'елимсимон модда' маъносини англатган бўлса керак. **Шилпиқ** сўзи ана шу отга **–ба** қўшимчасининг **–пы** шаклини қўшиб ясалган феълдан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(шыл + пы = шылпы–) + қ = шылпық > шилпиқ.**

ШИЛТА 'жиққа ҳўл'. *Аллақачон шудринг тушган экан, бирпасда шимининг почаси ш и л т а бўлди* (О.Ҳусанов). Бу сифатни ўзбек тилидаги **шилимшиқ, шиллиқ** сўзлари билан қиёслашдан кўринадики, улар учун асос вазифасини **шил–** қисми бажарган, лекин луғатларда бундай феъл ўз аксини топмаган. Аслида бу феъл 'елимсимон модда ҳосил қил–' маъносини англатган бўлса керак. **Шилта** сифати ана шу **шыл–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)т** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқол–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган: **(шыл– + ыт = шылыт–) + а = шылыта > шылта > шилтä.**

ШИЛҚИМ 'хиралик қиладиган'. ***Қирқ йилдирки, "Муштум" жанговар, Ҳар жабҳада курашга тайёр. Қувди ш и л қ и м , лаганбардорни, Хотинбоз–ялқов , беорни*** (Собир Абдулла). Бу сифатни ўзбек тилидаги **шилимшиқ, шилта** сўзлари билан қиёслашдан кўринадики, улар учун асос вазифасини **шил–** қисми бажарган, лекин луғатларда бундай феъл ўз аксини топмаган. Аслида бу феъл 'елимсимон модда ҳосил қил–' маъносини англатган бўлса керак. **Шилқим** сифати эски ўзбек тилида ана шу **шыл–** феълидан **–қы** қўшимчаси билан ясалган отга **–м** қўшимчасини қўшиб ясалган, кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(шыл– + қы = шылқи) + м = шылқым > шилқим.**

ШИМАР– 'кийимнинг енгини ёки почасини ташқарига қайириб кўтар–'. ***Улар йиртиқ иштонларини тиззагача ш и м а р и б , сув кечишади*** (Х.Аҳмар). Бу феълни қирғиз тилидаги **шымалан–** феъли билан (КРС, 920: 1. 'засучить рукава') қиёслашдан кўринадики, улар учун асос вазифасини **шыма** қисми бажарган, лекин луғатларда бундай сўз ўз аксини топмаган. Асли **шыма** 'қайрилган ҳолат'ни англатган сўз бўлиб, ўзбек тилида ундан **–р** қўшимчаси билан феъл ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **шыма + р = шымар– > шимäр–.**

ШИМИ– 'бир неча марта сўр–'. ***Мадраҳим ароққа ботган сариқ мўйловини ш и м и д и*** (А.Ҳасанов). Бу сўз ўзбек тилида **шим–** феълининг 'сўр–' маъносидан (ЎТИЛ , II, 413: **шим– 2**) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **шим– + и = шими–.**

ШИМИР– қ. **симир–**

ШИПШИ– 'паст овоз билан айт–'. .. ***нариги хонада [онамнинг] Сўнагулга ш и п ш и г а н и н и эшитиб қоламан*** (Асқад Мухтор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **шуwша–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 389:

www.ziyouz.com kutubxonasi

шуwшатти– 'шипшитти'); кейинчалик ўзбек тилида **w** ундоши **п** ундошига, **у, а** унлилари **и** унлиларига алмашган: **шуwша–** > **шупша–** > **шипши–.** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги паст товушга тақлидни билдирувчи **шуw** сўзидан **–ша** қўшимчаси билан ясалган: **шуw + ша = шуwша–.**

ШИШ 'тана аъзоси тўқималарининг бирор таъсир туфайли бўртиб чиққан қисми'. ***Агар бу ш и ш газак ш и ш и бўлса, пахтадоғ фойда қилади*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **шыш** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 524: **шыш** I 'опухоль'); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **шыш** > **шиш.**

ШИШ– 'бирор таъсир туфайли бўртиб чиқ–', 'шиш ҳосил қил–'. ***У ҳар тош кўтарганда билагидаги томирлари бармоқдай–бармоқдай бўлиб ш и ш и б ч и қ а д и*** (Сайид Аҳмад). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **шыш–** тарзида талаффуз қилинган(ДС, 524: **шыш–** 'пухнуть', 'опухать', 'вздуваться'); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **шыш–** > **шиш–.**

ШИҚИЛДОҚ 'силкиганда "шиқ–шиқ" товуш чиқарадиган ўйинчоқ'. ***Ҳозирги болалар шиқилдоқ ўйнамайди.*** Бу от ўзбек тилида товушга тақлидни билдирувчи **шиқ** сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи **л** ундоши **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(шиқ + иллä = шиқиллä–) + қ = шиқиллäқ > шиқилдâқ > шиқилдâқ.**

ШОТИ 'нарвон'. ***Пўлатжон унинг ишини кузатиб турди–да, кейин темир ш о т и б и л а н юқорига кўтарилди*** (Сайид Аҳмад). Шундай маънони англатган сўз эски ўзбек тилида **шаты** тарзида талаффуз қилинган [КРС, 903: **шаты** I. 'лестница' (приставная большая); бу сўз Л.З.Будагов луғатида **шату** шаклида келтирилган (ССТТН, I, 659]; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **шаты** > **шâти.** Бу сўз дастлаб 'араванинг асосини ташкил қилувчи, бир неча еридан кўндалангига

www.ziyouz.com kutubxonasi

тахта билан бириктирилган икки узун ёғоч'ни англатган (КРС, 904).

ШОШ– 'бирор ишни тез бажаришга интил–', 'ошиқ–'. ***Махдум шу кунгача Анвар билан Раънонинг тўйларини қилишга ш о ш м а с д а н к е л а р э д и*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **шаш–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 520: **шаш– I** 'суетиться, торопиться, спешить'); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **шаш– > шâш–.**

ШОШҚАЛОҚ 'бирор ишни маромига етказмай, шошиб–пишиб бажарадиган'. ***"Вой, укам, нима деяпсан ўзинг! – деди Муса ака ранжиб. – Биз унақанги ш о ш қ а л о қ болалардан эмасмиз"*** (Х.Тўхтабоев). Бу сифат эски ўзбек тилида 'бирор ишни тез бажаришга интил–', 'ошиқ–' маъносини англатган **шаш–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–қала** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 904: **шашкалак** 'торопливый'); кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(шаш– + қала = шашқала–) + қ = шашқалақ > шâшқäлâқ.**

ШУ кўриниб турган киши ёки нарсани кўрсатиш олмоши. ***Менга ш у китоб керак.*** Қадимги туркий тилда бу олмош асли **шул** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 524: **шул** 'тот, вон тот'); кейинчалик бу сўзнинг бош шаклида **л** ундоши талаффуз қилинмай қўйган: **шул > шу** (**л** ундошини талаффуз қилмаслик **бул** сўзида ҳам воқе бўлган). Ушбу олмошда ҳам, **бу** олмошида бўлганидек, кўплик шакли **шул** + **äр** тарзида ҳосил қилинади; бошқа қўшимча қўшилса, **л** ундоши **н** ундошига алмашиб қатнашади: **шун** + **дäй, шун** + **чä** каби.

ШУВА– қ. **сува–**

ШУВОҚ қ **сувоқ**

ШУНДАЙ қ. **шу**

ШУНЧА қ. **шу**

ШУНИҢДЕК 'шу сингари', 'шу билан бир қаторда'. ***Халқ ш у н и н г д е к гаплар билан юз ёқдан .. ҳужум қилиб, ҳатто адабсиз сўзлар билан сўкар эди*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз эски ўзбек тилида **шул** кўр–

www.ziyouz.com kutubxonasi

сатиш олмошига қаратқич келишигининг **–иң** қўшимчасини, сўнгра ўхшатиш маъносини ифодаловчи **–дек** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; **–иң** қўшимчаси қўшилганидан кейин унинг олдидаги **л** ундоши **н** ундошига алмашган: **(шул + иң = шулиң > шуниң) + дек > шуниңдек.**

ШУНЧАКИ 'жиддий бўлмаган ҳолда', 'эътибор беришга арзимайдиган даражада'. ***Омон мени эски кеки юзасидан алдаган экан, мен уни ш у н ч а к и қизиқчилик қилиб алдаган эдим*** (Ғафур Ғулом). Бу равиш эски ўзбек тилида **шул** кўрсатиш олмошининг 'кичик' маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига таъкид маъносини ифодаловчи **–ки** юкламасини қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин **л** ундоши **н** ундошига, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(шул + ча = шулча > шунчä) + ки = шунчäки.**

ШУНҚОР 'лочинсимонлар оиласига мансуб кучли йиртқич қуш'. ***Ш у н қ о р қанча баланд учмасин, барибир ўз уясига қайтади*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **соңқур** (ДС, 508), **суңқур** (Девон, III, 392), **шуңқар** (ДС, 525) тарзида талаффуз қилинган. ДСда келтирилган **соңқур** ва **соңда–** ('қувла–', 'изига туш–') сўзларига асосланиб, **шуңқâр** сўзи асли қадимги туркий тилда 'қув–', 'изига туш–' маъносини англатган **соң–** феълидан **–қур** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилиш мумкин; ўзбек тилида **с** ундоши **ш** ундошига, **ң** ундоши **н** ундошига, **о** унлиси **у** унлисига, иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **â** унлисига алмашган: **соң– + қур = соңқур > шуңқâр.**

Э

ЭВ қ. **эп**

ЭГ– 'юқоридан пастга қайир–'. ***Олча шохини э г и б, мевасини териб олди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **эң–** тарзида талаффуз қилиниб (ЭСТЯ, I, 331), кейинроқ **ң** ундоши **г** ундошига алмашган (Девон, I, 180; ДС, 165): **эң– > эг–** (Ўзбек тили шеваларида бу феъл **г** ундошини **й** ундо–

www.ziyouz.com kutubxonasi

шига алмаштириб, **эй–** тарзида ҳам талаффуз қилинади: **эг– > эй–**).

ЭГА 'эгалик қилувчи'; 'ихтиёрида бор'. ***Ош э г а – с и б и л а н ширин*** (Мақол). ***Мамлакатимиз жуда кўп ерости бойликларига э г а.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **ийä** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 205), кейинроқ **й** ундоши **г** ундошига (ДС, 204), ўзбек тилида **и** унлиси **э** унлисига алмашган: **ийä > игä > эгä.** Бу сўз асли 'эгалик қил–' маъносини билдирган **ий–** феълидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган деб тахмин қилинади (ЭСТЯ, I, 240).

ЭГАЛЛА– 'ўз ихтиёрига ол–', 'банд қил–'. ***Кўчиб келган янги оила уйининг икки хонасини э г а л л а – д и.*** Бу феъл ўзбек тилида **эгä** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **л** ундоши қатланган: **эгä + лä > эгäллä–.**

ЭГАР 'от устида миниб ўтириш абзали'. ***Ўтган замонда баъзи давлати ошиб–тошиб кетган бойлар суннат тўйида тойга тилла э г а р урдириб, тўй– болага тилла камар боғлатган.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'юқоридан пастга қайир–' маъносини англатган **эң–** феълининг (ЭСТЯ, I, 241) **эг–** шаклидан (Девон, I, 180; ДС, 165) **–(э)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 242); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **э** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(эң– > эг –) + эр = эгэр > эгäр.**

ЭГАЧИ 'аканинг хотини'; ўзидан ёши катта хотинга аёл кишининг мурожаат сўзи. ***Менинг уч э г а – ч и м бор.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'опа' маъносини англатган **экä** сўзидан эъзозлаш маъносини ифодаловчи **–чи** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 223); икки унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган: **экä + чи = экäчи > эгäчи.**

ЭГИЗ 'бирга туғилган икки фарзанд'. ***Кичик келини э г и з туғибди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда бир билан уч оралиғидаги бутун миқдорни билдирувчи **ики** сонидан (Девон, I, 151; ДС, 206) 'жуфт' маъносини ифодаловчи **–з** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 253); кейинчалик сўз бошланишидаги **и** унлиси **э** унлисига, икки унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига алмашган: **ики + з = икиз > экиз > эгиз.** Бу сўз ўзбек ти–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лида **эгизäк** шаклида ҳам ишлатилиб, унинг таркибидаги **–(ä)к** қўшимчаси кичрайтириш маъносини ифодалайди, шунга кўра **эгизäк** сўзини чақалоқларга нисбатан ишлатиш тўғри.

ЭГИЗАК қ. **эгиз**

ЭГИН 'гавданинг елкадан пастга томон бошланувчи қисми'. ***Қопни э г н и г а қўйиб кўтариб кетди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'юқоридан пастга қайир–' маъносини англатган **эң–** феълининг **эг–** шаклидан **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 225; Девон, I, 107; ДС, 166): **(эң– > эг–) + ин = эгин.**

ЭГОВ 'қаттиқ жисм сатҳига ишлов бериш учун хизмат қиладиган майда тишли пўлат асбоб'. ***Пичоқни махсус э г о в б и л а н ўткирладик.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ишқалаб қир–' маъносини англатган **игä–** феълидан (Девон, III, 271) **–в** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 328); ўзбек тилида сўз бошланишидаги **и** унлиси **э** унлисига, **в** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **игä + в = игäв > эгâв.**

ЭГРИ 'қийшиқ', 'эгилган'. ***Токнинг э г р и ўсган навдаларини кесиб ташлади.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'юқоридан пастга қайир–' маъносини англатган **эң–** феълининг **эг–** шаклига **–(и)р** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–и** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 332); **–и** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 147; ДС, 166): **[(эң– > эг–) + ир = эгир–] + и = эгири > эгри.** Бу сифат таркибини **эг–** феълидан **–ри** қўшимчаси билан ясалган деб талқин этиш ҳам мавжуд (ЭСТЯ, I, 332): **эг– + ри = эгри.**

ЭЗГУ 'яхши, олийжаноб'. ***Навоий ўз умрини э з г у ишларга бағишлади.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'яроқли бўл–', 'муносиб бўл–' маъносини англатган **эз̇–** феълидан **–гӱ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 247; Девон, I, 149; ДС, 164); кейинчалик **з̇** ундоши **з** ундошига алмашган, **ӱ** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **эз̇– + гӱ = эз̇гӱ > эзгӱ > эзгу.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЗИК 'эзиш, чақиш натижасида юзага келган майда парча'. ***Чақилган данакларнинг бутун мағизларини бир халтачага, э з и к л а р и н и бошқа бир халтачага солди.*** Бу сифат **эз–** феълининг 'куч билан бос–' маъносидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган: **эз– + ик = эзик.**

ЭЗМА 'сергап', 'вайсақи'. ***Э з м а кампир экан, ҳеч гапдан тўхтамайди.*** Бу сифат эски ўзбек тилидаги **эз–** феълининг 'кўп қайтар–' маъносидан **–мä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 235; КРС, 944): **эз– + мä = эзмä.**

ЭК– 'ўстириш учун уруғлик сеп–', 'кўчат ўтқаз–'. ***Илгари боғбон бир туп ток э к с а, бир туп тол ҳам э к к а н.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **эң–** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, кейинчалик **ң** ундоши **г** ундошига (ЭСТЯ, I, 251), **г** ундоши ўз навбатида **к** ундошига алмашган (Девон, I, 180; ДС, 167): **эң– > эг– > эк–.** Бу феъл асли 'ерга уруғ соч–' маъносини билдирган, 'кўчат ўтқаз–' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан.

ЭКИН 'экиладиган ўсимлик'. ***Қумлоқ ерда э к и н яхши бўлади.*** Бу от қадимги туркий тилда 'ўстириш учун уруғ сеп–' маъносини англатган **эк–** феълидан **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 252; Девон, I, 107; ДС, 168): **эк– + ин = экин.** Бу сўз асли 'ерга сочилган уруғ' маъносини англатган, 'ўсимлик' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан.

ЭКИН–ТИКИН 'ҳар хил экин'. *.. савдо–сотиқ, э к и н – т и к и н ва касбкор кўтарила бошлади* (Абдулла Қодирий). Бу жуфт отнинг **экин** қисми мустақил ишлатилади, лекин **тикин** қисми мустақил ишлатилмайди. Бу сўз **тик–** феълининг 'ўтқаз–' маъносидан **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган бўлиб, асли 'кўчат ўтқазиш' маъносини билдиради: **тик– + ин = тикин.** Шунга кўра бу жуфт отнинг биринчи қисми 'уруғ сепиш' маъносини англатиб қатнашади.

ЭЛ 'маълум юртда биргаликда яшовчи аҳоли', 'юрт'. ***Ер тўймагунча э л тўймас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **и:л** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 340), ўша даврлардаёқ **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ПДП, 379) ва бу унли **э** унлисига алмашган (Девон, I, 83; ДС, 168): **и:л > ил > эл.**

ЭЛА– 'элакдан ўтказ–'. ***Унни э л а д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'пастга туш–' маъносини англатган **ил–** феълидан (ДС, 207) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлса керак; кейинроқ сўз бошланишидаги **и** унлиси **э** унлисига алмашган: **ил– + ä = илä– > элä–.** Бу феъл қадимги туркий тилда **элгä–** шаклида мавжуд бўлган (ДС, 170), бу ерда ' такрор' маъноси **–гä** қўшимчаси билан ифодаланган: **ил– + гä = илгä– > элгä–.**

ЭЛАТ 'бир уруғ–қабилага мансуб кишилар'; 'қабилалар бирлашмаси'. ***Бу киши менинг э л а т и м б ў л а д и.*** □ ***Ўзбек э л а т и XI асрда шаклланган.*** Бу сўз **эл** отидан жамлик маъносини ифодаловчи **–(ä)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган дейилади: **эл + ät = элät** (ЭСТЯ, I, 343).

ЭЛИК– 'эл бўлиб қол–', 'иноқ бўлиб қол–'. ***Улар бир–бири билан тезда э л и к и б к е т и ш д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги **эл–** феълининг 'боғлан–', 'бирлаш–' маъносидан эски ўзбек тилида 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(и)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган: **эл– + ик = элик–.**

ЭЛЛИК 'қирқ билан олтмиш оралиғидаги ўнлик дона сон'. ***Укам бу йил э л л и к ёшга киради.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'қўл' маъносини англатган **эл** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(и)г** қўшимчаси билан ясалган **элиг** оти бўлиб (ДС, 170), 'бир қўлдаги беш бармоқ'ни билдирган, 'бешинчи ўнлик сон' маъноси ана шу маънодан ўсиб чиққан; ўзбек тилида **л** ундоши қатланган, сўз охиридаги **г** ундоши **к** ундошига алмашган: **эл + иг = элиг > эллиг > эллик.** Бу сўз таркибини 'қўл' маъносини англатган **эл** отидан **–лиг** қўшимчаси билан ясалган, сўз охиридаги **г** ундоши **к** ундошига алмашган деб талқин этиш ҳам мавжуд (ЭСТЯ, I, 267): **эл + лиг = эллиг > эллик.** Маҳмуд Кошғарий бу сўзни махсус изоҳлаган ўрнида **эллик** шаклида (Девон, I, 160), матн ичида эса **элик** шаклида келтирган (Девон, I,

www.ziyouz.com kutubxonasi

139). Бундай изоҳлашдан юқоридаги икки талқиннинг биринчиси тўғрироқ экани аён бўлади.

ЭЛТ– 'олиб бор–'. ***Эрталаб қизчасини боғчага э л т и б қ ў й д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'бирор йўналишда ҳаракатлан–' маъносини англатган **эл–** феълидан **–(и)т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 268; ДС, 170), кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 171): **эл– + ит = элит– > элт–.**

ЭЛЧИ 'бир давлатнинг бошқа бир давлатда фаолият кўрсатувчи юқори мартабали расмий вакили'. ***Президентимиз бугун бир неча давлатларнинг э л ч и л а р и н и қабул қилди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда **эл** отининг 'давлат' маъносидан (ДС, 169: **эл I 3**) **–чи** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 169): **эл + чи = элчи.**

ЭМ 'даво'. ***Ширин сўз ҳам касалга э м б ў л а д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай талаффуз қилинган бу от 'шифобахш ўсимлик' маъносини англатган бўлиб (ДС, 171), 'даво' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан (ЭСТЯ, I, 270); **эм** сўзи ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, **эм бўл–** феъли таркибида келади.

ЭМАКДОШ 'биргаликда меҳнат қилувчи' (оз ишлатилади). ***Уч э м а к д о ш бир хонадамиз.*** Қадимги туркий тилдаги 'меҳнат' маъносини англатган **эң** отининг **эм** шаклидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–к** қўшимчасини қўшиб от ясалган (ЭСТЯ, I, 273), ўзбек тилида бу отга **–дâш** қўшимчасини қўшиб сифат ясалган: **[(эң > эм + ä = эмä–) + к = эмäк] + дâш = эмäкдâш.**

ЭМАКЛА– 'кафт ва тизза билан ҳаракатлан–'. ***Жангчи олға э м а к л а ш д а давом этди.*** Қадимги туркий тилдаги 'ҳаракат' маъносини англатган **эң** отининг **эм** шаклидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга **–к** қўшимчасини қўшиб от ясалган (ЭСТЯ, I, 276), сўнгра бу отга **–лä** қўшимчасини қўшиб феъл ясалган (ЭСТЯ, I, 276): **[(эң > эм + ä = эмä–) + к = эмäк] + лä = эмäклä–.** Бу феъл дастлаб гўдакнинг юриш учун қилган илк ҳаракатларини билдирган, кейинчалик умуман шу тур ҳаракатланишни англата бошлаган.

ЭМГАК 'қийинчилик' (оз ишлатилади). ***Рўзғор э м г а к л а р и тугамас*** (Мақол).. Бу от қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилдаги 'меҳнат', 'машаққат' маъносини англатган **эң** отиниң **эм** шаклидан **–гä** қўшимчаси билан ясалган феълга (Девон, I, 281; ДС, 172) **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 273; Девон, I, 134; ДС, 172): **(эң > эм + гä = эмгä–) + к + эмгäк.**

ЭМИЗИКЛИ 'эмадиган гўдаги бор'. ***Э м и з и к л и аёлларга ишдан эртароқ жавоб берилади.*** Бу сифат эски ўзбек тилида 'сут сўр–' маъносини англатган **эм–** феълининг **–(и)з** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган отта (ЭСТЯ, 272) **–ли** қўшимчасини қўшиб ясалган: **[(эм– + из = эмиз–) + ик = эмизик] + ли = эмизикли.**

ЭМИКДОШ 'бир онани эмган фарзандлар бир-бирига нисбатан'. ***Э м и к д о ш и м мендан олдин вафот этиб кетди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'сут сўр–' маъносини англатган **эм–** феълидан **–(и)к** қўшимчаси билан ясалиб, 'онанинг сут ҳосил қилиш аъзоси' маъносини англатган отга (Девон, I, 102) **–дäш** қўшимчасини қўшиб ясалган (ДС, 173); ўзбек тилида **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **(эм– + ик = эмик) + дäш = эмикдäш > эмикдâш.**

ЭМЛА– 'баданга терини тирнаб дори юбор–'. ***Болаларни чечакка қарши э м л а д и к.*** Бу феъл қадимги туркий тилда (ЭСТЯ, I, 271; Девон, I, 283; ДС, 173) **эм** отининг 'дори-дармон' маъносидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **эм + лä = эмлä–**; асли 'давола–' маъносини англатган бўлиб, кейинчалик маъно торайиши юз берган ва бу сўз 'махсус даволаш усулини қўлла–' маъносини англата бошлаган.

ЭМЧАК 'онанинг сут ҳосил қилиш аъзоси'. ***Чақалоғи эммай қўйгани туфайли э м ч а к л а р и сутга тўлиб кетган эди.*** Бу сўз 'сут сўр–' маъносини англатган **эм–** феълидан **–чäк** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 272): **эм– + чäк = эмчäк.**

ЭН 'нарсанинг кўндаланг кўлами'. ***Тахтанинг э н и 30 см эди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **и:ң** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (ЭСТЯ, I, 352), ўша даврлардаёқ **ң** ундошига алмашган, **и:** унлисининг чўзиқлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

белгиси йўқолиб, бу унли **э** унлисига алмашган (Девон, I, 83): **и:ң > и:н > ин > эн.**

ЭНА қ. **она**

ЭНАГА 'ўзганинг боласини тарбияловчи хотин'. ***Зуҳра э н а г а тарбиясида ўсди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'туққан хотин ўз фарзандига нисбатан' маъносини англатувчи **ана** отининг **энэ** шаклидан кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодаловчи **-кэ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 280), кейинчалик икки унли оралиғидаги **к** ундоши **г** ундошига, иккинчи, учинчи бўғинлардаги **э** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **энэ + кэ = энэкэ > энэгэ > энägä.**

ЭНДИ 'сўз бораётган ва ундан кейин бошланадиган пайт'. ***'Андижон – Тошкент' поезди э н д и келади.*** Бу равиш қадимги туркий тилдаги 'ҳозирги пайт' маъносини англатган **эм** отидан **-ди** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 357; ДС, 172); ўзбек тилида **д** ундошининг таъсири билан **м** ундоши **н** ундошига алмашган: **эм + ди = эмди > энди.**

ЭНКАЙ- 'букил-'. .. ***э н к а й г а н г а э н к а й г и н бошинг ерга теккунча*** (Мақол). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'эгилган ҳолат' маъносини англатган **эң** отидан **-кäй** қўшимчаси билан ясалган дейилади (ЭСТЯ, I, 286); қўшимча қўшилганидан кейин **ң** ундоши **н** ундошига алмашган: **эң + кäй = эңкäй- > энкäй-.** Бу сўз асли **эң** отидан **-кä** қўшимчаси билан ясалган феълга 'бироз' маъносини ифодаловчи **-й** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлса керак; қўшимча қўшилганидан кейин **ң** ундоши **н** ундошига алмашган: **(эң + кä = эңкä-) + й + эңкäй- > энкäй-.**

ЭНСАҚОТАР 'энсани қотирадиган'. ***Кечаги мажлисда э н с а қ о т а р гаплар ҳам бўлди.*** Бу сифат ўзбек тилида **Энсä қâтäди** гапи таркибидаги **-ди** тусловчисини ташлаб, **-ä** замон ясовчисини **-(ä)р** сифатдош қўшимчасига алмаштириб, сўнгра бир сўзга бирлаштириб тузилган: **Энсä қâтäди > энсäқâтäр.**

ЭНТИК- 'ҳаво етишмаётгандек шошиб, қийналиб нафас ол-'. ***Укам кўчадан э н т и к и б кириб келди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'чуқур нафас ол-' маъно-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини англатган **эн–** феълининг **–(и)т** орттирма қўшимчаси қўшилган шаклидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(и)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 283, 284; КРС, 954); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **(эн– + ит = энит–) + ик = энитик– > энтик–.**

ЭНЧИ 'ота ҳаётлигида фарзандига ўз мулкидан ажратиб берган улуш'. ***Менинг ўзимнинг э н ч и отим ҳам Бойчибордан кам эмас*** ("Ёдгор"). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тақсимлашда теккан улуш' маъносини англатган **и:н** отининг **эн** шаклидан (ЭСТЯ, I, 362) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чи (< –чик)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 954): **(и:н > эн) + чи = энчи.** Бу сўз асли 'дастлабги кичик улуш' маъносини билдирган.

ЭҢАК 'пастки жағнинг олдга туртиб чиққан қисми'. ***Ўнг қўлини э н г а г и г а тираб ўтирар эди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'юз' маъносини англатган **эң** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(э)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 285; Девон, I, 154); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **э** унлиси **ä** унлисига алмашган; **эң + эк = эңэк > эңäк.** Бу сўз ўзбек тилида **ийäк** шаклида ҳам талаффуз қилинади. Қадимги туркий тилда **эңäк** сўзи юзнинг 'оғизнинг икки чекаси'даги қисмини билдирган, ҳозирги маъноси кейин юзага келган.

ЭҢАШ– 'тананинг белдан юқори қисмини олд томонга бироз эг–'. ***Келин ҳар биримизга э н г а ш и б салом берди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'эгил–' маъносини англатган **эң–** феълидан (ДС, 174) 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ä)ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 286): **эң– + äш = эңäш–.**

ЭҢИЛ 'кийим'. ***Бугун ҳайит бўлгани учун янги э н г и л кийиб келди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'юқоридан пастга қайир–' маъносини англатган **эң–** феълидан **–(и)л** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 225): **эң + ил = эңил.** Бу сўз дастлаб 'елка', 'гавданинг уст қисми' маъносини билдирган бўлиб, кейинчалик 'устки кийим', 'умуман кийим' маъносини англата бошлаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадимги туркий тилда бу сўз **эңин, эгин** шаклларида мавжуд бўлган (ДС, 175); бу сўзлар **эң–** феълидан ва унинг **эг–** шаклидан **–(и)н** қўшимчаси билан ясалган.

ЭП 'илож, удда, йўл'. ***Ҳеч э п и н и қила олмади.*** Қадимги туркий тилда 'удда', 'илож' маъносини англатган бу от асли **эб** тарзида талаффуз қилинган; кейинчалик **б** ундоши **п** ундошига алмашган (ЭСТЯ, I, 286): **эб > эп**. Ўзбек тилида бу сўз **эв** шаклида ҳам ишлатилади, бунда **б** ундоши **в** ундошига алмашади: **эб > эв.**

ЭПЛА– 'уддала–'. ***Бу мураккаб ишни фақат сиз э п л а й о л а с и з.*** Бу феъл қадимги туркий тилда 'удда', 'илож' маъносини англатган **эб** отининг **эп** шаклидан (ЭСТЯ, I, 286) ўзбек тилида **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **эп + лä = эплä–.**

ЭПЧИЛ 'ишни усталик билан чаққон бажаради–ган'. ***Укангиз э п ч и л йигит экан.*** Бу сифат 'удда' маъносини англатувчи **эп** отидан (ЭСТЯ, I, 286) эски ўзбек тилида **–чил** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (КРС, 959), 'эплашга уста' маъносини билдирган: **эп + чил = эпчил.**

ЭР 'хотин билан никоҳ аҳдидаги эркак'. ***Уйдан э р и н и чақирди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **ä:р** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 321), қадимги туркий тилдаёқ **ä:** ун–лисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 365) ва бу унли **э** унлисига алмашган (Девон, I, 71; ДС, 175): **ä:р > äр > эр.** Бу сўз дастлаб 'эркак жинсига мансуб' маъно–сини англатган сифат бўлган, от маъносини кейинчалик англата бошлаган.

ЭРИ– 'суюқ ҳолатга ўт–'. ***Кеча ёққан қор э р и б, кўчалар шилта бўлди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'суюқ ҳолатга ўт–' маъносини англатган **эр–** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 290): **эр– + и = эри–.**

ЭРИН– 'ялқовлан–'. ***Хамир қоришга э р и н д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'лоқайдлик қил–' маъно–сини англатган **эр–** феълидан (ДС, 175; **er– IV 1**) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, I, 210; ДС, 178): **эр– + ин = эрин–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭРИНЧАК 'эринадиган', 'ишлашга рағбати йўқ'. *Э р и н ч а к н и н г иши битмас* (Мақол). Бу сифат **эрин–** феълидан қадимги туркий тилда **–чäң** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 178); эски ўзбек тилида **ң** ундоши **к** ундошига алмашган(КРС, 961): **эрин– + чäң = эринчаң > эринчäк.** Сўзлашув нутқида бу сўз кўпинча **эринчâқ** тарзида талаффуз қилинади.

ЭРИНЧОҚ қ. **эринчак**

ЭРИШ 'ғалати', 'нотабиий', 'тўғри келмайдиган'. *Унинг бу қилиғи ҳеч кимга э р и ш туйилмади.* Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'тортиш–', 'норози бўл–' маъносини англатган **эр–** феълидан (ЭСТЯ, I, 294; ДС, 175: **ег– IV**) **–(и)ш** қўшимчаси билан ясалган: **эр– + иш = эриш.**

ЭРИШ– 'қўлга кирит–', 'муваффақ бўл–'. *Бу йил ғалла етиштиришда катта ютуқларга э р и ш – д и к.* Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'маълум манзилга етиб бор–' маъносини англатган **эр–** феълига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 288): **эр– + иш = эриш–.**

ЭРК 'озодлик', 'ҳуқуқ'. *Тилингга э р к берма* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз дастлаб **эрик** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (ДС, 177), кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли айтилмай қўйган (ДС, 179): **эрик > эрк.** Бу от асли 'куч–қудрат' маъносини англатган (ДС, 179), 'эркинлик' маъноси кейин юзага келган.

ЭРКА 'талтаядиган', 'тантиқ'. *Неварангиз э р к а ўсди.* Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'озодлик', 'ҳуқуқ' маъносини англатувчи **эрк** отидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак: **эрк + ä = эркä.** Бу сўзни **эр–** феълидан **–кä** қўшимчаси билан ясалган деб талқин этиш ҳам мавжуд (ЭСТЯ, I, 297): **эр– + кä = эркä.**

ЭРКАК 'эр жинсига мансуб'. *Эрталаб э р к а к – л а р г а ош тортилди.* Бу сўз қадимги туркий тилда 'эр жинсига мансуб киши' маъносини англатган **эр** сўзидан **–кäк** қўшимчаси билан ясалган бўлиб (Девон, Индекс, 432; Девон, I, 135; ДС, 179), асли сифат маъносини англатган, от маъноси кейинчалик юзага келган: **эр + кäк = эркäк.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭРКИН 'монеликсиз', 'озод ҳолда'. *Э р к и н яшашга эришдик.* Бу сўз эски ўзбек тилида **эрк** отига қадимги **–(и)н** восита келишиги қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлса керак; кейинчалик бу сўз равишга айланган: **эрк + ин = эркин.**

ЭРМАК 'шунчаки, банд бўлиб туриш учун амалга ошириладиган машғулот'. *Бўш вақтимда э р м а к у ч у н расм солар эдим.* Бу сўз қадимги туркий тил–даги 'бирор иш билан енгил–елпи шуғуллан–' маъносини англатган **эр–** феълидан (ЭСТЯ, I, 294) эски ўзбек тилида **–мақ** қўшимчасининг **–мäк** шакли билан ясалган (ЭСТЯ, I, 301; КРС, 962): **эр– + мäк = эрмäк.**

ЭРТА 'одатдагидан бирмунча олдин'. *Бу йил баҳор э р т а келди.* Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ўт–', 'кеч–' маъносини англатган **эрт–** феълидан (Девон, III, 430; ДС, 182) **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 303; Девон, I, 145; ДС, 182): **эрт– + ä = эртä**; шунга кўра **эртä** сўзи дастлаб 'ўтган, кечган вақт' маъносини билдирган, 'барвақт' маъноси шу маънодан ўсиб чиққан.

ЭРТАК 'ўтмиш ҳақида оғиздан оғизга ўтиб кела–ётган ҳикоя'. *Бувим жуда кўп э р т а к билар эди.* Бу от қадимги туркий тилдаги 'ўт–', 'кеч–' маъносини англатган **эрт–** феълидан **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак: **эрт– + äк = эртäк.** Бу сўз асли 'ўтмиш', 'кечмиш' маъносини билдирган, 'ўтмиш баён қилинган асар' маъноси шу маъно асосида юзага келган.

ЭРТАНГИ 'келгуси кун бўладиган'. *Э р т а н г и ишнинг режасини бугун тузиш лозим.* Бу сифат эски ўзбек тилида **эртä** сўзига **–ң** қўшимчасини қўшиб ясалган отдан **–ги** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 963); кейинчалик **ң** ундоши **н** ундошига алмашган: **(эртä + ң = эртäң) + ги = эртäңги > эртäнги.**

ЭСКИ 'ишлатиш оқибатида ўз сифатини йўқот–ган'. *Устида увадаси чиққан э с к и тўн.* Бу сифат қадимги туркий тилда **эски–** феълидан маъно тараққиёти асосида ўсиб чиққан: 'эски бўл–' → 'эски'.

ЭСКИ– 'ишлатиш оқибатида ўз сифатини йўқот–'. *Кийиб юрган тўнинг анча э с к и б, енглари ти–тилиб қолди.* Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

'нуқсон', 'камчилик' маъносини англатган **эг** отидан 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи **–си** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **г** ундоши **к** ундошига алмашган (ДС, 168), сўнгра **кс** ундошлари ўрин алмашган (ЭСТЯ, I, 308; ДС, 168): **эг + си = эгси– > экси– > эски–.**

ЭСКИР– 'эски ҳолга кел–'. ***Беш йил бурун сотиб олган машинамиз анча эскириб қолди.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **эски** сифатидан **–р** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 232; ДС, 184): **эски + р = эскир–.**

ЭСНА– 'ҳомуза қил–'. ***Боланг бугун кўп эснаяпди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'ҳаво', 'нафас' маъносини англатган **эс** отидан **–нä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 311; Девон, I, 284): **эс + нä = эснä–.**

ЭСНОҚ 'ҳомуза'. ***Эрта тонгдан эсноқ тутди.*** Бу от ўзбек тилида **эснä–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган, **қ** ундоши таъсирида унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **эснä– + қ = эснäқ > эснâқ.**

ЭТ 'гўшт'. ***Эт – этга, шўрва – бетга***(Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от дастлаб **ät | ӓt** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 366; Девон, I, 70), ўша даврлардаёқ **ä | ӓ** унлиси **э** унлисига алмашган (ДС, 186): **ät | ӓt > эт.**

ЭТ– I 'қил–'(ёрдамчи сўз). ***Суҳбатимиз кечгача давом этди.*** Қадимги туркий тилда ҳам 'қил–' маъносини англатиб, мустақил феъл ва ёрдамчи феъл сифатида ишлатилган бу сўз асли **ät– | ӓt** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 313; ПДП, 366; Девон, II, 33), ўша даврлардаёқ **ä** унлиси **э** унлисига алмашган (ДС, 186): **ät– | ӓt– > эт–.**

ЭТ– II қ. **айт–**

ЭТАК 'устки узун кийимнинг паст қисми'. ***Чопонининг этаги нимани белбоғига қистирди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'кий–' маъносини англатган **эт–** феълидан (ЭСТЯ, I, 321) **–(ä)к** қўшимчаси билан ясалган: **эт– + äк = этäк.** Девонда **этäкланди, этäклиг, этäклик** сўзларига берилган 'этакли бўлди', 'этаги бор', 'этак тикишга мос' изоҳларига қараганда (Девон, I, 289, 167)

www.ziyouz.com kutubxonasi

этäк асли 'кийим устига қўшиладиган қисм' экани англашилади. Демак, **этäк** сўзи дастлаб 'устки кийимнинг пастига қўшиладиган алоҳида мато' маъносини билдирган, 'кийимнинг ажралмас пастки қисми' маъноси кейинчалик юзага келган.

ЭТИК 'узун қўнжли пошнали пайабзал'. ***Қизимга шу э т и к маъқул келди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'кий–' маъносини англатган **эт–** феълидан **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 321; Девон, I, 98; ДС, 188), ўша даврлардаёқ иккинчи бўғиндаги ў унлиси **и** унлисига алмашган (Девон, III, 298): **эт– + ўк = этўк > этик.** Бу от дастлаб 'юмшоқ чармдан тикилган оёқ кийими' маъносини англатган, кейинчалик оёқ кийимининг маълум бир турини билдира бошлаган.

ЭЧКИ 'қувур шохли, жуфт туёқли, кавш қайтарувчи ва сутэмизувчи ҳайвон'. ***Туяни шамол учирса, э ч к и н и осмонда кўр*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **эчкў** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 149; ДС, 162); кейинчалик бу сўз охиридаги ў унлиси **и** унлисига алмашган (КРС, 969).

ЭШ– I 'йигир–','бур–'. ***Чиғириқда ип э ш и б ўтирган экан.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бура–' маъносини англатган **иг–** феъли охиридаги **г** ундоши **й** ундошига алмашиниб ҳосил бўлган **ий–** шаклига (ЭСТЯ, I, 230) 'кўп марта' маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 396); кейинчалик **й** ундоши талаффуз қилинмай, ёнма–ён келган **и** унлилари битта чўзиқ **и:** унлисига бирлашган, сўнгра бу унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган ва **э** унлисига алмашган: **(иг– > ий–) + иш = ийиш– > и:ш– > иш– > эш–.**

ЭШ– II 'эшкакни ҳаракатлантир–'. ***Лаби чўччайган кичкинагина санитар қиз эшкак э ш а р д и*** (Асқад Мухтор). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ковла–' маъносини англатган **эш– I** феълининг ҳосила маъноларидан бири (ЭСТЯ, I, 315: **еш– I б**) асосида юзага келган (ДС, 185).

ЭШИК 'уйга, хонага кириладиган жой', 'шундай жойга ўрнатилиб, очиб–ёпиладиган қурилма'. ***Ҳовлининг э ш и г и кечаси очиқ қолибди.*** Бу от қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилдаги **и:ш–** феълининг 'боғла–' маъносидан (ЭСТЯ, I, 396) **–(и)к** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак; сўз бошланишидаги **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 382) ва бу унли **э** унлисига алмашган (Девон, I, 78; ДС, 185): **и:ш– + ик = и:шик > ишик > эшик.**

ЭШИТ– 'қулоқ билан қабул қил–'. ***Йўлчи бу сўзларни э ш и т д и – д а, ўз қулоқларига ишонмади*** (Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'қулоққа кир–' маъносини англатган **эш–** феълидан **–(и)т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 319; ДС, 185): **эш– + ит = эшит–.** Бу сўз асли 'ўзини қулоқ солдир–' маъносини билдирган (**эш–** – 'қулоққа кир–', **эшит–** – 'қулоққа кирит–').

ЭШКАК 'қайиқни ҳаракатга келтирувчи курак'. ***Э ш к а к л а р н и қайиққа ўрнатди.*** Бу от эски ўзбек тилида **эш–** феълининг 'бура–' маъносидан (ЭСТЯ, I, 396) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–кä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(эш– + кä = эшкä–) + к = эшкäк.**

Ў

ЎГАЙ 'бегона ота ёки она билан фарзанд ёинки шундай фарзандлар бир–бирига нисбатан'. ***Ўша зарур дорини ў г а й укаси топиб келибди.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'қўшил–', 'тўплан–' маъносини англатган **ўг–** феълининг **ög–** шаклидан **–(ä)й** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак (Девон, I, 144; ЭСТЯ, I, 496; КРС, 586); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ög– + äй =ögäй > огäй.**

ЎГИР– 'бошқа томонга қарат–', 'бур–'. ***Шу ҳақда гап бошлашим билан юзини ў г и р и б о л д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ташқи томон' маъносини англатган **öв** отининг **ög** шаклидан **–(ў)р** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **ög + ўр =ögўр– > огир–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎГИТ 'йўл–йўриқ кўрсатиш тарзида айтилган фикр', 'насиҳат'. ***Отасининг ўгитларига амал қилмади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'фикр билдир–' маъносини англатган **ög–** феълидан **–(ÿ)т** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 501; ПДП, 406; Девон, I, 85; ДС, 382), кейинчалик ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ÿ** унлиси **и** унлисига алмашган: **ög– + ÿt = ögÿt > огит.**

ЎЗ қарашлиликни таъкидловчи сўз. ***Ҳар ким ўз иши билан банд.*** Қадимги туркий тилда бу сўз таркибидаги унли юмшоқ ва чўзиқ талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 507), ўша даврлардаёқ **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 408; Девон, I, 80; ДС, 394); ўзбек тилида бу унлининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ö:з > öз > оз. Оз** сўзи асли 'тананинг ич қисми'ни билдирган (ЭСТЯ, I, 507), 'таъкид' маъноси кейинчалик юзага келган.

ЎЗАК 'ўсимлик танасининг узунасига ички ўрта қисми'. ***Арра чархининг айланиши ўзакка борганда секинлашди.*** Бу от **ö:з** сўзининг 'тананинг ич қисми' маъносидан (ЭСТЯ, I, 506: **öз 4**) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ä)к** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 510); кейинчалик **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси (КРС, 588), ўзбек тилида юмшоқлик белгиси йўқолган: **ö:з + äк = ö:зäк > özäk > озäк.**

ЎЗАН 'йирик оқин сув йўли'. ***Тоғ дарёсининг ўзани ўзгарувчан бўлади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'оқ–' маъносини англатган **öз–** феълидан (ЭСТЯ, I, 511) эски ўзбек тилида **–(ä)н** қўшимчаси билан ясалган (ССТТН, I, 134); дастлаб 'оқин сув'ни билдирган, 'сув йўли' маъноси кейин ўсиб чиққан; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öз– + än = özän > озän.**

ЎЗГА 'бошқа'. ***Сиздан ўзга меҳрибоним қолмади.*** Бу сифат асли қадимги туркий тилдаги 'ажрат–' маъносини англатган **öз–** феълидан (ЭСТЯ, I, 508) **–gä** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 408; ДС, 395), дастлаб 'ажралган', 'бўлакланган' маъносини билдирган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öз– + gä = özgä > озгä.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗГАР– 'бошқа ҳолатга ўт–', 'бошқача тус ол–'. ***Куз келиб, об–ҳаво кескин ў з г а р д и.*** Бу феъл эски ўзбек тилида **özgä** сифатидан **–р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 509; КРС, 587); асли 'бошқа бўл–', 'ажрал–' маъносини билдирган бўлиб, 'бошқа ҳолатга ўт–' маъноси кейин ўсиб чиққан; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **özgä + р = özgär– > озгär–**.

ЎЙ 'миядаги фикр'. ***Иккиси ҳам ў й г а ботиб жим қолишди.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'фикрла–' маъносини англатган **ö–** феълининг (ДС, 375) **о:–** шаклидан **–й** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 429); кейинчалик **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (КРС, 560): **о:– + й = о:й > ой.**

ЎЙ– 'чуқурча ҳосил қил–','ковла–'. ***Ёғочни ў й и б нақш туширди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **о:й–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 426); ўша даврлардаёқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 185; ДС, 365): **о:й– > ой–**.

ЎЙДИМ 'чуқурчалардан иборат', 'нотекис'. ***Бироздан кейин текис йўл тугаб, ў й д и м ерлар бошланди.*** Бу сифат 'ковла–' маъносини англатган **о:й–** феълининг эски ўзбек тилида **–ды** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шаклидан **–м** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **о:** унлисининг чўзиқлик, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(о:й– + ды = о:йды) + м = о:йдым > ойдим.**

ЎЙДИҚ 'кичик чуқурлик'. ***Ҳалиги ў й д и қ шу кунларда пайдо бўлди.*** Бу от **о:й–** феълининг эски ўзбек тилида **–ды** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **о:** унлисининг чўзиқлик, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(о:й– + ды = о:йды) + қ = о:йдық > ойдиқ**.

ЎЙИН 'тана, оёқ, қўл ва қош–кўзларни куйга монанд ҳолда гўзал ҳаракатлантириш', 'рақс'. ***Қўшиқдан сўнг ў й и н бошланди.*** Бу от асли қадимги туркий тилда 'сакраш ҳаракатини қил–' маъносини англатган **ой–** феълидан **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I,

www.ziyouz.com kutubxonasi

435; Девон, I, 113; ДС, 366); ўзбек тилида бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги **у** унли **и** унлисига алмашган: **ой–** + **ун** = **ойун** > **ойин**. Бу от дастлаб 'сакраш ҳаракатлари'ни билдирган, 'рақс' маъноси кейин юзага келган.

ЎЙИНЧОҚ 'болалар ўйини учун ясалган буюм'. ***Қизига янги ў й и н ч о қ л а р д а н олиб берди.*** Бу от эски ўзбек тилида **ойун** отидан **–чақ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 437); кейинчалик бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги **у** унлиси **и** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ойун + чақ = ойунчақ > ойинчâқ.** Бу сўз таркибидаги **–чақ** қўшимчаси 'ўлчами меъёрдан кичик' маъносини англатувчи **чақ** сўзи асосида юзага келган, шунга кўра **ойинчâқ** сўзи асли 'кичик ўйин' маъносини англатган.

ЎЙМОҚ 'кичик чуқур', 'чуқурча'. ***Чап оёғида ў й м о қ ҳосил бўлибди.*** Бу от **о:й–** феълидан **–мақ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 434). **Ўймоқ** сўзининг таркибини бошқача талқин этиш ҳам мумкин: **о:й–** феълидан **–ма** қўшимчаси билан **о:йма** оти ясалган, сўнгра унга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси қўшилган. Ҳар икки ҳолда ўзбек тилида **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **о:й– + мақ = о:ймақ > оймâқ; (о:й– + ма = о:йма) + қ = о:ймақ > оймâқ.**

ЎЙНА– 'тана, оёқ, қўл ва қош–кўзларни куйга монанд ҳолда гўзал ҳаракатлантир–', 'рақсга туш–'. ***Йигит–қизлар "Лазги" куйига шавқ–завқ билан ў й н а й д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **ойун** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 436; ПДП, 404; ДС, 365); қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ойун + а = ойуна– > ойна– > ойнä–.**

ЎЙНАШ 'никоҳсиз жинсий алоқада бўлувчи шахс (эркак ёки аёл)'. ***Ў й н а ш г а ишониб эрсиз қолма*** (Мақол). Бу от эски ўзбек тилида **ойна–** феълининг 'никоҳсиз жинсий алоқада бўл–' маъносидан **–ш** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 436, 437); кейинча–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ойна–** + **ш** = **ойнаш** > **ойнäш.**

ЎЙНАШ– 'киши ёки ҳайвонга ҳаракат ёки сўз билан енгил–елпи тег–'. ***Ўт билан ў й н а ш м а*** (Мақол). Бу сўз **ойнä–** феълига 'бироз' маъносини ифо–даловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, шунга кўра асли 'бироз ўйна–' маъносини англатган, бошқа маънолари шу маънодан ўсиб чиққан: **ойнä–** + **ш** = **ойнäш–.**

ЎЙНОҚИ 'тинч турмайдиган', 'шўх'. ***Чўпон учта ў й н о қ и тойчоқни ҳайдаб келди.*** Қадимги туркий тилда **ойна–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан **ойнақ** сўзи ясалган (Девон, I, 142): **ойна–** + **қ** = **ойнақ;** ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ой–нақ** > **ойнâқ;** бу сўзга 'такрор' маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчаси қўшилган: **ойнâқ** + **и** = **ойнâқи.**

ЎКИН– 'ачин–', 'афсуслан–'. ***Дўстига ўз вақтида ёрдам бера олмаганидан ў к и н д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ўйла–' маъносини англатган **ö–** феълига (ПДП, 405; ДС, 375) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан 'ўз–лик' маъносини ифодаловчи **–(ÿ)н** қўшимчаси билан ҳо–сил қилинган (ЭСТЯ, I, 524; Девон, I, 211; ДС, 382); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, ик–кинчи бўғиндаги **ÿ** унлиси **и** унлисига алмашган: **(ö–** + **к** = **ök–)** + **ÿн** = **ökÿн–** > **окин–.** Бу сўз дастлаб 'ўйлан–' маъносини англатган бўлиб, 'ачин–', 'афсуслан–' маъно–лари кейин ўсиб чиққан.

ЎКИНЧ 'афсусланиш, ачиниш ҳолати'. ***Укам бу ҳодисани изтироб билан, ў к и н ч билан гапириб берди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'ачин–', 'афсуслан–' маъносини англатган **ökÿн–** феълидан **–(ÿ)ч** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 524; Девон, I, 152; ДС, 383); ўз–бек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, учинчи бўғиндаги **ÿ** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, иккинчи бўғиндаги **ÿ** унлиси **и** унлисига алмашган: **ökÿн–** + **ÿч** = **ökÿnÿч** > **окинч.**

ЎКИР– 'баланд овоз чиқар–'. ***Синглим тўсатдан ў к и р и б йиғлаб юборди.*** Бу феъл қадимги туркий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилдаги 'баланд овоз' маъносини англатган **ок** отидан **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 418); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **ок + ур– = окур– > окир–.** Бу феъл дастлаб ҳайвонларга нисбатан ишлатилган, кейинчалик маъно кенгайиши воқе бўлиб, инсонга нисбатан ҳам ишлатила бошлаган.

ЎКРА– 'қайта–қайта баланд овоз чиқар–'. ***Синглим узоқ ў к р а б йиғлади.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'баланд овоз чиқар–' маъносини англатган **окур–** феълидан (ЭСТЯ, I, 418) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; **–а** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **окур– + а = окура– > окра– > окрä–.** Бу сўзни **ок** отидан **–ра** қўшимчаси билан ясалган деб талқин этиш ҳам мумкин(ЭСТЯ, I, 418): **ок + ра = окра– > окрä–.**

ЎКСИ– 'бебаҳралик, камситилганлик туфайли руҳан азоблан–'. ***Ўғай онанинг дағал муомаласидан кўнгли ў к с и г а н бола пана жойда йиғлаб ўтирар эди.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'она' маъносини англатган **ög** отидан 'қўмсаш' маъносини ифодаловчи **–сä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 504); дастлаб 'онани қўмса–' маъносини билдирган бўлиб, 'руҳан азоблан–' маъноси кейин ўсиб чиққан; **ög** отига **–сä** қўшимчаси қўшилганидан кейин **с** жарангсиз ундоши таъсири билан **г** ундоши **к** ундошига алмашган; ўзбек тилида **ä** унлиси **и** унлига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ög + сä =ögсä– > оксä– > окси–.**

ЎКСИЗ 'ота–онасиз', 'етим', 'ҳимоячиси йўқ' (оз ишлатилади). ***Бу ердаги ў к с и з болаларни кўриб юрак–бағрим эзилиб кетди.*** Ушбу сифат қадимги туркий тилдаги 'она' маъносини англатган **ög** отидан **–сӱз** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 521; Девон, I, 122; ДС, 381); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, жарангсиз **с** ундоши таъсирида **г** ундоши **к** ундошига, иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **ög + сӱз =ögсӱз > оксиз.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎКСИК 'руҳан азобланишни акс эттирувчи'. ***Қизнинг ў к с и к йиғиси эшитилди.*** Бу сифат **окси–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган: **окси– + к = оксик.**

ЎКТАМ 'ҳиммат, саҳоват кўрсатишга интиладиган'. ***Укам – маҳалланинг ў к т а м йигитларидан.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'фаҳм–фаросат' маъносини англатган **ög** отига (ДС, 378) **–лä** қўшимчасининг **–дä** шаклини қўшиб ясалган феълдан **–м** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 519; ПДП, 405); кейинчалик **д** ундоши жарангсизланиб, **т** ундошига (ПДП, 406; ДС, 381), ўзбек тилида **г** ундоши жарангсизланиб, **к** ундошига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(ög + дä =ögдä–) + м = ögдäм > öктäм > октäм.** Бу сўз асли 'фаҳм–фаросатли' маъносини билдирган, 'ҳиммatли, саҳоватли' маъно қирраси кейин пайдо бўлган.

ЎЛ– 'ҳаётдан маҳрум бўл–'. ***Юрак касалидан ў л г а н кишилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **öл–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 406; Девон, I, 54; ДС, 383); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öл– > ол–.**

ЎЛАКСА 'ўлар ҳолатга етган', 'ўта нимжон'. ***Шу ў л а к с а отни аравага қўшиб бўладими?!*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ҳаётдан маҳрум бўл–' маъносини англатган **öл–** феълига (ДС, 383) **–(ä)к** қўшимчасини қўшиб ясалган отдан 'ўхшатиш, қиёс' маъносини ифодаловчи **–сä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 527); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(öл– + äк = öлäк) + сä = öлäксä > олäксä.** Бу сўз дастлаб 'ўликка ўхшаган' маъносини билдирган.

ЎЛАН 'ўсиб турган ўт', 'кўкат'. ***Ў л а н л а р орасидаги сўқмоқдан юриб кетдик.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'намлик' маъносини англатган **öл** отига (ДС, 383) **–и** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан (Девон, III, 272) **–ң** қўшимчаси билан ясалган, сўнгра **и** унлиси **ä** унлисига алмашган (ДС, 383); ўзбек тилида **ң** ундоши **н** ундошига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(öл– + и = öли–) + ң = öлиң > öläң > öläн > олäн.** Бу сўз асли 'нам' маъносини билдирган бўлиб, 'нами бор ўт' маъноси кейин ўсиб чиққан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЛАРОҚ 'бўлгани ҳолда' (китобий, оз ишлатила—ди). ***Бу ерда ер ислоҳотининг фойдасига ў л а р о қ бирмунча сўзлар бўлиб ўтди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз 'воқеликка айлан–' маъносини англатувчи **бол–** феъли—нинг **ол–** шаклидан **(бол– > вол– > ол–)** сифатдош ясовчи **–(а)р** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шак—лига **–ақ** юкламасини қўшиб тузилган ёрдамчи сўз бў—либ, кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унли—сига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ол– + ар = олар) + ақ > олäрâқ.**

ЎЛАТ 'тез ва ёппасига ўлимга олиб келадиган касаллик ва шунинг оқибати'. ***Булутурги ў л а т д а энг сархил қўйларимиз нобуд бўлиб кетди.*** Бу от 'ҳаётдан маҳрум бўл–' маъносини англатган **öл–** феъли—дан **–(ä)т** қўшимчаси билан эски ўзбек тилида ясалган (ЭСТЯ, I, 527); кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öл– + ät = öлät > олät.**

ЎЛИК 'яшаш жараёни тўхтаган', 'мурда'. ***Қабристонга ў л и к олиб келинмаган кун йўқ.*** Бу сўз қа—димги туркий тилдаги 'ҳаётдан маҳрум бўл–' ва 'ҳаётдан маҳрум қил–' маъноларини англатган **öл–** феълига **–(ў)г** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 527; ПДП, 406; Девон, I, 102; ДС, 384); кейинчалик **г** ундоши **к** ундошига алмашган (КРС, 592); ўзбек тилида **ö** унлисининг юм—шоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги ў унлиси **и** унлисига алмашган: **öл– + ўг = öлўг > олўк > олик.**

ЎЛИМ 'тирик организм ҳаётининг тугаши', 'қазо'. ***Ў л и м г а даво йўқ.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ҳаётдан маҳрум бўл–' маъносини англатган **öл–** феъли—дан **–(ў)м** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 527; ПДП, 406; Девон, I, 105; ДС, 384); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги ў ун—лиси **и** унлисига алмашган: **öл– + ўм = öлўм > олим.**

ЎЛИМТИК 'ўлим ҳолатига етган', 'яқин фурсатда ўлган'. ***Қузғунлар ў л и м т и к ҳайвонлар билан озиқланади.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги **öлўм** отидан 'ўхшатиш, қиёс' маъносини ифодаловчи **–тўк** қўшимчаси билан эски ўзбек тилида ясалган (ЭСТЯ, I, 527; КРС, 593); кейинчалик иккинчи, учинчи бўғиндаги ў

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлиси **и** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ölўм + тўк = ölўмтўк > ölимтик > олимтик.**

ЎЛЧА– 'махсус асбоб билан нарсанинг узунлигини аниқла–'. ***Етти ў л ч а б, бир кес*** (Мақол). Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'узунлигини белгила–' маъносини англатган **öл–** феълидан **–(ў)ч** қўшимчаси билан ясалган отга **–ä** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 529); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 593), ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(öл– + ўч = ölўч) + ä = ölўчä– > ölчä– > олчä–.** Бу феъл ўзбек тилининг айрим шеваларида **очлä–** шаклида ҳам ишлатилади; бунда **лч** ундошларининг ўрни алмашади: **олчä– > очлä–.**

ЎМГАК 'кўкрак'. ***Найза отнинг ў м г а г и г а санчилди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бўртиб тур–' маъносини англатган **ом–** феълидан (ЭСТЯ, I, 453) **–(у)г** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)к** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; охирги қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ом– + уг = омуг) + ак = омугак > омгак > омгäк.**

ЎМИЗ 'елканинг қўл билан туташган қисми'. ***У мени икки қўли билан ў м и з и м д а н ушлаб қучоғига тортди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'доира шаклида бўртиб турган суяк' маъносини англатган **ом** отидан 'икки, қўш' маъносини ифодаловчи **–(у)з** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 455); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **ом + уз = омуз > омиз**. Бу сўз асли 'икки елка суягининг бўртиб турган қисми' маъносини англатган.

ЎМРОВ 'от кўкрагининг бўртиқ қисми'. ***Сув отнинг ў м р о в и г а етди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'бўртиқ' маъносини англатган **ом** отидан **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган феълга **–(а)в** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 454); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек ти–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лида **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ом + ур = омур–) + ав = омурав > омрав > омрâв.**

ЎНАҚАЙ 'ишни ўнг қўли билан бажарадиган', 'ўнг қўл ёки оёққа тааллуқли'. ***Ў н а қ а й кавушим ким биландир адаш бўлиб қолибди.*** Бу сифат қадимги турк кий тилда 'сўлнинг терси' маъносини англатган **оң** сўзидан (Девон, I, 76; ДС, 367) **–ақай** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **ң** ундоши **н** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **оң + ақай = оңақай > онäқай.**

ЎНҒАЙ 'қулай', 'осон'. ***Топшириғингизни бажариш ў н ғ а й бўлмади.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги **оң–** феълининг 'қулай бўл–' маъносидан **–(а)й** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 460; Девон, I, 76; ДС, 367); қўшимча қўшилганидан кейин **ң** товуши **нғ** тувушларига (ДС, 368), ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **оң– + ай = оңай > онғай > онғäй.**

ЎНҒАЛ– 'ижобий, яхши ҳолатга қайт–'. ***Бу йил деҳқончилик анча ў н ғ а л д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'тузук бўл–', 'яхши томонга ўзгар–' маъносини англатган **оң–** феълидан (ДС, 367: **оң– I**) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(а)л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 368); бу сўз Девонда **оңулды** шаклида келтирилган (III, 404); ўзбек тилида **ң** ундоши **нғ** ундошларига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **оң + ал = оңал– > онғал– > онғäл–.**

ЎНҒАР– 'ижобий, яхши ҳолатга қайтар–'. ***Ғўзаларнинг ривожи кечиккан эди, ишловга зўр бериб ў н ғ а р и б о л д и к.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'тузук бўл–', 'яхши томонга ўзгар–' маъносини англатган **оң–** феълидан **–(а)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 368); ўзбек тилида **ң** ундоши **нғ** ундошларига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **оң– + ар = оңар– > онғäр–.**

ЎҢ 'нарсанинг юза, сиртқи томони'. ***Дастурхоннинг ў н г и ўз тусини анча йўқотибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **öң** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 533); ўзбек тилида ö унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öң > оң.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎҢ– 'аввалги рангини йўқот–'. ***Офтобда кўп юрганидан рўмоли ў н г и б к е т г а н э д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **өң**– тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 535; Девон, I, 185; ДС, 386); ўзбек тилида **ө** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **өң– > оң–.**

ЎҢАР– 'елкага кўндаланг қўй–'. ***Бўри қўйни ў н г а р и б кетаётганини кўрдим.*** Бу феъл қадимги туркий тилда 'юза', 'сирт' маъносини англатган **өң** отидан **–(ä)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 534); ўзбек тилида **ө** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **өң + är = өңär– > оңär–.**

ЎҢАЧ 'бўғиз бўшлиғи билан ошқозонни туташтирувчи найсимон аъзо'. ***Унинг ў н г а ч и д а яра пайдо бўлибди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ковак', 'бўшлиқ' маъносини англатган **өң** отидан (ЭСТЯ, I, 536) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ӱ)ч** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 387); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **ӱ** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ө** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **өң + ӱч = өңӱч > оңäч.** Дастлаб 'ковакча' маъносини англатган бу сўз кейинчалик 'найсимон аъзо' маъносини англата бошлаган. **Оңäч** сўзи ҳозирги ўзбек тилида **қизилоңäч** қўшма сўзи таркибида ишлатилади.

ЎҢИР 'ўйиқ, чуқур жой'. ***Тоғ ёнбағридаги ў н г и р л а р д а қор узоқ вақт эримай туради.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ковла–', 'чуқур ҳосил қил–' маъносини англатган **оң**– феълидан **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 462; Девон, I, 119); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **оң– + ур = оңур > оңир.**

ЎҢЛА– 'қулай ҳолатга келтир–', 'тўғрила–'. ***Раис назоратсиз қолдирилган идора ишларини энди ў н г л а д и.*** Бу феъл ўзбек тилида 'қулай', 'осон', 'тўғри' маъносини англатувчи **оң** сифатидан (Девон, I, 76; ДС, 367) **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **оң + лä = оңлä–.**

ЎП– 'эркалаш, севиш ифодаси сифатида лабларни тегиз–', 'бўса ол–'. ***Аваз хотинининг .. кўзларидан, қошларидан ў п д и*** (Пиримқул Қодиров). Қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **öп–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 539); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öп– > оп–.**

ЎПИР– 'тез ва чуқур ўйиб юбор–'. ***Сув тўғон остини ўпириб ташлабди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ич томонга тортил–' маъносини англатган **оп–** феълига (Девон, I, 183) **–ур** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 466); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **оп– + ур = опур– > опир–.**

ЎПИЧ 'енгил–елпи бўса'. ***Қизалоқ эркаланиб ўпич берди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'бўса ол–' маъносини англатувчи **öп–** феълидан (ПДП, 407; Девон, I, 176; ДС, 387) **–(ў)ш** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 539; Девон, I, 92); ўзбек тилида **ш** ундоши **ч** ундошига, **ў** унлиси **и** унлисига алмашган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öп– + ўш = öпўш > öпич > опич.**

ЎПКА 'нафас олиш аъзоси'. ***Касалнинг ўпкаси қаттиқ шамоллаган экан.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ич томонга торт–' маъносини англатган **öп–** феълидан (Девон, I, 176) **–кä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 641); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öп– + кä = öпкä > опкä.**

ЎПКАЛА– 'ноҳақликдан ранжиб гапир–'. ***Оғир касал бўлиб ётганимда бирор марта ҳам хабар олмаганидан ўпкаладим.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **öпкä** отининг 'гина', 'араз' маъносидан (Девон, I, 148) **–лä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 541; ДС, 388); Девонда бу сўз **öпкилä–** шаклида келтирилган (I, 308), гўё шу усул билан бу сўз **öпкäла–** ('ўпкасига ур–') сўзидан фарқланган (ўша бетда); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öпкä + лä = öпкäлä– > опкäлä–.**

ЎПҚИН 'катта оқин сувнинг доира шаклида айланиб, турли нарсаларни ўз ичига тортиб кетадиган ери'. ***Дарё ўртасидаги ўпқин хасчўпларни қаърига тортиб кетар эди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ич томонга торт–' маъносини англатган **оп–** феълидан (ДС,

www.ziyouz.com kutubxonasi

368) эски ўзбек тилида **–қун** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 465; КРС, 576); кейинчалик иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **оп– + қун = опқун > опқин.**

ЎПҚОН 'ўпқин остидаги бўш ер, сув тортилиб кетадиган чуқурлик'. ***Гирдобнинг кучи сув остида жуда катта ў п қ о н борлигини кўрсатиб турар эди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'ич томонга торт–' маъносини англатган **оп–** феълидан (ДС, 368) эски ўзбек тилида **–қан** қўшимчаси билан ясалган; ҳозирги ўзбек тилида **қ** ундошидан кейинги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **оп– + қан = опқан > опқâн.**

ЎР I 'чуқур', 'хандақ'. ***Фронт чизиғида ў р л а р қазилди.*** Қадимги туркий тилда 'чуқур' маъносини англатган бу от асли 'ковла–' маъносини англатувчи **ор–** феълининг исм эши бўлиб (ЭСТЯ, I, 466), ҳозирги ўзбек тилида деярли ишлатилмайди.

ЎР II 'дўнг', 'тепалик'. ***Ў р келса, ўрмалади.*** Бу от қадимги туркий тилда 'тепага ҳаракатлан–' маъносини англатган **ö:р–** феълининг (ЭСТЯ, I, 542) исм эши бўлган; ўша даврлардаёқ **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси (ДС, 388), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: **ö:р > ör > ор.**

ЎР– 'бир–бирига чирмаштир–', 'эш–'. ***Кампир не–варасининг сочини ў р и б қ ў й д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феълнинг унли товуши асли юмшоқ ва чўзиқ талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I 544), ўша даврлардаёқ чўзиқлик белгиси (Девон, I, 183), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: **ö:р– > ör– > ор–.**

ЎРА 'махсус қазилган чуқурлик'. ***Кузда бу ў р а – г а картошка, сабзи кўмиб қўямиз.*** Бу от қадимги туркий тилда 'ковла–' маъносини англатган **ор–** феълидан **–у** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 467; Девон, I, 115; ДС, 371); кейинчалик **у** унлиси **а** унлисига, **а** унлиси ўз навбатида **ä** унлисига алмашган: **ор– + у = ору > ора > орä.**

ЎРГАМЧИ қ. **ўргимчак**

ЎРГАН– 'билим–малака ол–'. ***Оз–оздан ў р г а – н и б олим бўлур.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'бил–'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатган ö– феълидан **–г** қўшимчаси билан ясалиб, 'фикр' маъносини англатувчи **öг** отига (ПДП, 405) **–(ÿ)р** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ä)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўша даврлардаёқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; **гр** ундошлари ўрин алмашган (ЭСТЯ, I, 498; ПДП, 406; Девон, I, 253; ДС, 380, 388); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[(ö– + г = ör) + ÿр = öгÿр–] + än = öгÿрän– > öгрän– > öргän– > оргän–.**

ЎРГАТ– 'билим–малакали қил–'. ***Янги алифбони ў р г а т и ш бошлаб юборилди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'бил–' маъносини англатган **ö–** феълидан **–г** қўшимчаси билан ясалиб, 'фикр' маъносини англатувчи **öг** отига (ПДП, 405) **–(ÿ)р** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–(ä)т** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўша даврлардаёқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ЭСТЯ, I, 498; ПДП, 406; Девон, 260; ДС, 380, 388), **гр** ундошлари ўрин алмашган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[ö– + г = ör) + ÿр = öгÿр–] + ät = öгÿрät– > öграт– > öргät– > оргät–.**

ЎРГИМЧАК 'тўр тўқиб, пашша каби майда жониворларни тутиб ейдиган бўғин оёқли ҳашарот'. ***Ў р г и м ч а к инини супурги билан олиб ташладим.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'эш–' маъносини англатган **ö:р–** феълининг **ör–** шаклидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–гÿ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклига **–м** қўшимчасини қўшиб ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чäк** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 545); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ÿ** унлиси **и** унлисига алмашган: **[(ör– + гÿ = öргÿ–) + м = öр–гÿм] + чäк= öргÿмчäк > оргимчäк.** Девонда (I, 162) бу сўз **öрÿмчäк** шаклида келтирилган (**–гÿ** қўшимчаси қатнашмаган).

ЎРДА 'ҳукмдорнинг қароргоҳи'. ***Қўқон хони ў р д а с и музейга айлантирилган.*** Бу от қадимги туркий тилда 'тепага ҳаракатлан–' маъносини англатган **ор–**

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълининг **–(у)т** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–у** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 472); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; **т** ундоши **р** ундошининг таъсирида жарангли эшига, сўз охиридаги **у** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ор– = ут = орут–) + у = оруту > орту > орду > ордä.**

ЎРДАК 'сувда сузиб, боши билан шўнғиб овқатланадиган ялпоқ тумшуқли қуш'. ***Шошган ў р д а к ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилдаги 'шўнғи–' маъносини англатган **ör–** феълидан **–дäк** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **ö:** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ö:р– + дäк = ördäk > ордäк.** Бу сўзни бошқача талқин этиш ҳам мумкин: 'шўнғи–' маъносини англатган **ö:р–** феълига 'такрор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчасининг **–дä** шаклини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–к** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 128, ДС, 388); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(ör– + дä = ördä–) + к = ördäk > ордäк. Ордäк** сўзи асли 'кўп марта шўнғувчи' маъносини англатган: бу қушга ном шу хусусияти асосида берилган.

ЎРИМ I 'ўсимликни пояси билан кесиб олиш'. ***Ҳозир беданинг иккинчи ў р и м и бошланди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'ўсимликни пояси билан кес–' маъносини англатган **ор–** феълидан (Девон, I, 183, ДС, 370) **–(у)м** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 104); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **ор– + ум = орум > орим.**

ЎРИМ II 'эшиб ҳосил қилинган'. ***Қизнинг бир ў р и м сочи елкасидан ошиб, кўксига тушиб турар эди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'эш–' маъносини англатган **ö:р–** феълидан **–(ў)м** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 545), ўша даврлардаёқ **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, I, 53: **örмä**); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган, шу туфайли **орим I** сўзига шаклан тенглашиб қолган: **ö:р– + ўм = ö:рўм > örўм > орим II.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎРИН 'ишғол қилинадиган жой, сатҳ'. ***Баъзилар ўтирган ў р н и д а н тура олмади.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'жойла–' маъносини англатган **ор–** феълидан **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 478; ПДП, 405; ДС, 372); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **ор– + ун = орун > орин.**

ЎРИНДИҚ 'ўтириш учун тайёрланган жиҳоз'. ***Меҳмонлар учун алоҳида ў р и н д и қ л а р қўйилди.*** Бу от қадимги туркий тилда **орун** отига **–луқ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 479; ДС, 372); кейинчалик **л** ундоши **н** ундошининг таъсирида **д** ундошига (КРС, 581), ўзбек тилида **у** унлилари **и** унлилига рига алмашган: **орун + луқ = орунлуқ > орундуқ > ориндиқ.** Бу сўз дастлаб 'тахт' маъносини англатган, ҳозирги маъноси маъно кенгайиши воқе бўлиб юзага келган.

ЎРИНЛА– 'меъёрига етказиб бажар–'. ***Хўжалигимиз бу йил режани барвақт ў р и н л а д и.*** Бу феъл ўзбек тилида **орун** отига **–ла** қўшимчасини қўшиб ясалган (КРС, 581); кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **орун + ла = орунла– > оринлä–.** Асли 'жойга эга қил–' маъносини англатиши лозим бўлган бу сўзнинг 'меъёрига етказиб бажар–' маъносини англатиши **орнига қой–** иборасининг таъсирида юзага келган.

ЎРКАЧ 'туянинг тепа сиртида ёғ қатламидан иборат дўнг ўсимта'. ***Рўпарадаги тоғ чўққилари туя ў р к а ч л а р и г а ўхшайди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'тепага ҳаракатлан–' маъносини англатган **ö:р–** феълидан (ЭСТЯ, I, 542) **–кӱ** қўшимчаси билан ясалган отга (Девон, I, 149) эски ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ч** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 599); қадимги туркий тилдаёқ **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси, кейинчалик юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги ў унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ö:р– + кӱ + ö:ркӱ > öркӱ) + ч= öркӱч > оркäч.**

ЎРЛА– 'тепаликка кўтарил–'. ***Қўйлар тепаликка ў р л а б к е т д и.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилда 'тепалик', 'дўнг' маъносини англатувчи **ö:р** отидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 543); ўша даврлар–

www.ziyouz.com kutubxonasi

даёқ **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси (ДС, 389), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси йўқолган: **(ö:р + лä = ö:рлä– > örлä– > орлä–.**

ЎРМАЛА– 'майда қадамлар билан ҳаракатлан–'(ҳашарот ҳақида). ***Қўнғизлар ҳар томонга ў р м а л а б к е т д и.*** Бу сўз асли **ör–** феълининг 'саҳн бўйлаб ҳаракатлан–' маъносидан (ЭСТЯ, I, 543) эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–мä** қўшимчасини ва ' такрор' маъносини ифодаловчи **–лä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 599); кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(ör– + мä– = örмä–) + лä = örмälä– > ормälä–.**

ЎРМОН 'дарахтлар билан қопланган кенг майдон'. ***Душман ў р м о н и ч и г а чекинди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'дарахт' маъносини англатган **ор** отидан **–ман** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 473; ДС, 371), асли 'кўп дарахт' маъносини англатган; ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ор + ман = орман > ормâн.**

ЎРНА– 'бирор жойни бенуқсон, мустаҳкам ишғол қил–'. ***Нарвон ерга яхши ў р н а д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилда **орун** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган, **–а** қўшимчаси қўшилганидан кейин бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ЭСТЯ, I, 479; Девон, I, 284; ДС, 371); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган; **орун + а = оруна– > орна– > орнä–.** Ҳозирги ўзбек тилида **орнä–** феъли эмас, балки унга **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган **орнäш–** шакли кўп ишлатилади.

ЎРНАШ– қ. **ўрна–**

ЎРОҚ 'ўсимликни пояси билан кесиш қуроли'. ***Буғдойни ў р о қ б и л а н ўрдик.*** Бу от қадимги туркий тилда 'пояси билан кес–' маъносини англатувчи **ор–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 468; Девон, I, 141), кейинчалик **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 577, 579); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(ор– + ға = орға–) + қ = орғақ > орақ > орâқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎРТА 'икки томондан тенг узоқликдаги, марказ–даги нуқта'. *Дарёнинг ў р т а с и г а ч а сузиб бор–дик.* Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'жойлан–' маъно–сини англатган **ор–** феълининг **–(у)т** орттирма қўшим–часини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–у** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 145; ДС, 371); **–у** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли та–лаффуз қилинмай қўйган; қадимги туркий тилдаёқ бу сўз охиридаги **у** унлиси **а** унлисига алмашган (ДС, 371: **ortu, orta**); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(ор– + ут = орут–) + у = оруту > орту > орта > ортä.**

ЎРТА– 'куйдир–'. *Ўғлининг кейинги хати юрак–бағрини ў р т а б ю б о р д и.* Бу феъл қадимги тур–кий тилда 'ён–' маъносини англатган **ör–** феълига **–(ÿ)т** қўшимчасини қўшиб ясалган отдан **–ä** қўшимчаси билан ясалган; дастлаб ÿ унлиси талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 78, ДС, 389); ўзбек тилида **ö** унлисининг юм–шоқлик белгиси йўқолган: **(ör– + ÿт = örÿт) + ä = örÿtä– > örtä– > ortä–.**

ЎРТАНЧА 'уч фарзаднинг орада туғилгани'. *Шу пайт чолнинг ў р т а н ч а ўғли етиб келди.* Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'ўртада жойлаш–' маъносини англатган **орта–** феълидан **–н** қўшимчаси билан ясалган сўзга **–ча** қўшимчасини қўшиб ясалган (ЭСТЯ, I, 477); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** ун–лиларига алмашган: **(орта– + н = ортан) + ча = ортанча > ортäнчä;** айрим шеваларда бу сўз охиридаги **ä** унлиси **и** унлисига алмашади: **ортäнчä > ортäнчи.**

ЎРТОҚ 'тенг шахслар бир–бирига нисбатан'. *Меҳмонлардан бири ў р т о ғ и н и н г акаси экан.* Қадимги туркий тилдаги бу от (Девон, I, 125; ДС. 371) асли феъл асосига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалгани шубҳасиз, лекин 'тенг ҳолатда бўл–' маъносини анг–латган **орта–** феъли мавжуд бўлганини тасдиқловчи да–лил манбаларда йўқ (ЭСТЯ, I, 476).

ЎС– 'тепага кўтарил–', 'ривожлан–', 'улғай–'. *Ер шўрхок бўлганидан бу жойларда дарахт ў с м а й – д и.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони анг–латган бу феъл таркибидаги унли асли юмшоқ талаффуз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган (ЭСТЯ, I, 552; ДС, 391), ўзбек тилида бу белгиси йўқолган: **öс– > ос–**.

ЎСИМЛИК 'экин, ўт ва дарахтлар'. ***Бу шўрхок ерларда ў с и м л и к ўсмайди.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'тепага кўтарил–' маъносини англатган **öс–** феълидан **–(ў)м** қўшимчаси билан ясалган отдан (ЭСТЯ, I, 553) эски ўзбек тилида **–лўк** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 601); кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, **ў** унли **и** унлисига алмашган: **(öс– + ўм = öсўм) + лўк = öсўмлўк > осимлик**.

ЎСИМТА 'танада бўртиб чиққан қўшимча қисм'. ***Укасининг чап қулоғида ў с и м т а с и бор.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'ривожлан–' маъносини англатган **öс–** феълидан эски ўзбек тилида **–(ў)м** қўшимчаси билан ясалган **öсўм** отига (ЭСТЯ, I, 553) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–тä** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **(öс– + ўм = öсўм) + тä = öсўмтä > осимтä**.

ЎСМИР '12–16 ёшдаги ўғил бола'. ***Хашарда қишлоқнинг ў с м и р л а р и ҳам қатнашди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'улғай–' маъносини англатган **öс–** феълидан эски ўзбек тилида **–мўр** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 553); кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **öс– + мўр = öсмўр > осмир.**

ЎТ I 'олов'. ***Ер тўйдирар, ў т куйдирар*** (Мақол). Бу от асли қадимги туркий тилда **о:т** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 483), ўша даврлардаёқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқола бошлаган [ПДП, 405: **от (оот); ДС, 373: от, о:т**]: **о:т > от**.

ЎТ II 'жигардан ажралиб чиқадиган сарғиш–яшил рангли аччиқ суюқлик'. ***Жигарнинг пастки сиртида ў т пуфаги жойлашган.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **ö:д** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 504), ўша даврлардаёқ **д** ундоши **т** ундошига алмашган, **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 407; Девон, I, 79; ДС, 391); ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилида бу унлининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ö:д > ö:т > öт > от.**

ЎТ– 'бир нуқтадан бошқа бир нуқтага ҳаракатлан–'. ***Ишим битди, эшагим лойдан ў т д и*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **öт–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 407; Девон, I, 182; ДС, 391); ҳозирги ўзбек тилида **ö** унлиси—нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öт– > от–.**

ЎТА 'ортиқ даражада', 'ғоят'. ***Қизим болаларини ў т а соғинган экан.*** Кучайтириш маъносини ифода—ловчи бу сўз қадимги туркий тилда 'бир нуқтадан бошқа бир нуқтага ҳаракатлан–' маъносини англатган **öт–** феълидан (Девон, I, 182; ДС, 391) **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 555); ўзбек тилида **ö** унлисининг юм—шоқлик белгиси йўқолган: **öт– + ä = ötä > отä.**

ЎТА– I 'ўтоқ қил–'. ***Уканг томорқада сабзи ў т а я п д и.*** Бу феъл 'чорва молларига емиш бўла—диган ўсимлик' маъносини англатувчи **от** отидан (ПДП, 405; Девон, I, 71; ДС, 373) **–а** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 482; Девон, III, 268); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **от + а = ота– > отä–.**

ЎТА– II 'бажар–', 'адо эт–'. ***Ота ўз фарзанди ол—дидаги бурчини албатта ў т а й д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'ўгит', 'вазифа' маъноларини англатган **öт** отидан (ПДП, 407; ДС, 391) **–ä** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 556; Девон, III, 268; ДС, 392); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öт + ä = ötä– > отä–.**

ЎТИК 'дазмол'. ***Қизимга янги ў т и к олиб бердим.*** Бу от қадимги туркий тилдаги **öт–** феълининг 'сирпан–' маъносидан (ЭСТЯ, I, 555: **öт– 13**) **–(ў)к** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 555; Девон, I, 99); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **ötўк > отик.**

ЎТИН 'ёқиш учун тайёрланган ёғоч'. ***Қуруқ ў т и н тезда ўт олди.*** Бу от асли қадимги туркий тилда 'аланга ҳосил қил–', 'ён–' маъносини англатган **от–** феълидан (ЭСТЯ, I, 483) **–(у)ң** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 153; ДС, 374); эски ўзбек тилида бу сўз охи—

www.ziyouz.com kutubxonasi

ридаги **ң** ундоши **н** ундошига (КРС, 584), кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **от–** + **уң** = **отуң** > **отун** > **отин.**

ЎТИН– 'ёлвориб илтимос қил–'. ***"Мени кечиринг", – деб икки қўлини кўксига қўйиб ў т и н д и.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'товуш чиқар–', 'мурожаат қил–' маъносини англатган **от–** феълига (ЭСТЯ, I, 556; ДС, 391) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ў)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 556; Девон, I, 208; ДС, 393); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **öт– + ўн = ötўн– > отин–.**

ЎТИНЧ 'ёлвориб қилинган илтимос'. ***Ў т и н – ч и м шуки, мени боламдан айирманг.*** Бу от қадимги туркий тилда 'илтимос қил–' маъносини англатган **ötўн–** феълидан (Девон, I, 208; ДС, 393) **–(ў)ч** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 556); ўша даврлардаёқ учинчи бўғиндаги **ў** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 151; ДС, 393); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган: **ötўн– + ўч = ötўнўч > ötўнч > отинч.**

ЎТИР– 'оёқларни букиб ва танани тик тутиб бирор жойда ўринлаш–'. ***Укам ёнимга келиб ў т и р д и.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'оёқларни букиб бирор жойга жойлан–' маъносини англатган **ол–** феълидан (ЭСТЯ, I, 491) **–дур** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ПДП, 404; ДС, 366: **oldur–**); ўша даврлардаёқ **д** ундоши **т** ундошига алмашган (ПДП, 404; Девон, I, 228; ДС, 366: **oltur–**). Бу сўз дастлаб 'ўзингни бирор жойни ишғол қилдир–' маъносини билдирган, кейинчалик орттирма маъноси сўнган. Эски ўзбек тилида бу феъл **ол–тур–** шаклида кўп ишлатилган; ҳозирги ўзбек тилида бу сўз таркибидаги **л** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, иккинчи бўғиндаги **у** унлиси эса **и** унлисига алмашган: **ол– + дур = олдур– > олтур– > отир–.**

ЎТКАЗ– 'бир нуқтадан бошқа бир нуқтага ҳаракатлантир–'. ***Вақтингни беҳуда ў т к а з м а.*** Бу сўз ўзбек тилида 'бир нуқтадан бошқа бир нуқтага ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **öт–** феълидан (Девон, I,

www.ziyouz.com kutubxonasi

182; ДС, 391) эски ўзбек тилида **–käз** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öт–** + **käз** = **öткäз–** > **откäз–** (**отқиз–** феълига қиёсланг).

ЎТКИНЧИ 'вақтинчалик', 'тез ўтиб кетадиган'. ***Ў т к и н ч и ҳаваса га берилиб, ўзингни бадном қилма***. Бу сифат 'бир нуқтадан бошқа бир нуқтага ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **öт–** феълидан (Девон, I, 182; ДС, 391) эски ўзбек тилида **–кӱн** қўшимчаси билан ясалган отга (ЭСТЯ, I, 555) **–чи** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ӱ** унлиси **и** унлисига алмашган: **(öт–** + **кӱн** = **öткӱн) + чи** = **öткӱнчи** > **откинчи**.

ЎТКИР 'ўта кесувчан'. ***Гӱшт тӱғрашга ӱ т к и р пичоқ олиб чиқди.*** Бу сифат 'бир нуқтадан бошқа бир нуқтага ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **öт–** феълининг 'яхши кес–' маъносидан эски ўзбек тилида **–кӱр** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 555; КРС, 602); кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ӱ** унлиси **и** унлисига алмашган: **öт–** + **кӱр** = **öткӱр** > **откир**.

ЎТМАС 'яхши кесмайдиган'. ***Ӱ т м а с пичоқ қўл кесар*** (Мақол). Бу сўз эски ўзбек тилида 'яхши кес–' маъносини англатувчи **öт–** феълининг бўлишсиз шаклига **–с** сифатдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **(öт–** + **мä** = **öтмä–)** + **с** = **öтмäс** > **отмäс**; маъно тараққиёти натижасида бу сифатдош сифатга (**откир** сифатининг антонимига) айланган.

ЎТМИШ 'ўтган давр', 'кечмиш'. ***Ў т м и ш и – м и з г а доир бебаҳо ёдгорликлар юксак маданиятимиздан дарак беради.*** Бу сўз 'бир нуқтадан бошқа бир нуқтага ҳаракатлан–' маъносини англатувчи **öт–** феълидан эски ўзбек тилида **–мӱш** сифатдош қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 555); маъно тараққиёти натижасида отга айланган; кейинчалик **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **ӱ** унлиси **и** унлисига алмашган: **öт–** + **мӱш** = **öтмӱш** > **отмиш.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎТОВ 'очиқ майдонда гумбаз шаклида тиклана— диган кўчма турар жой'. ***Чўпон ў т о в н и н г ичига кирди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'олов ёқ–' маъно— сини англатган **ота–** феълидан (Девон, III, 268) **–ғ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 487; Девон, III, 226; ДС, 373); кейинчалик бу сўз охиридаги **ғ** ундоши **в** ун— дошига алмашган (КРС, 583); ўзбек тилида **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ота–** + **ғ** = **отағ** > **отав** > **отâв**.

ЎТОҚ 'экин орасидаги бегона ўсимликни юлиб ташлаш'. ***Бу пайкал ҳали ў т о қ д а н чиққани йўқ.*** Бу от эски ўзбек тилида 'экин орасидаги бегона ўсим— ликни юл–' маъносини англатувчи **ота–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **қ** ундоши олди— даги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ота–** + **қ** = **отақ** > **отâқ.**

ЎТРОҚ 'бир жойда муқим яшайдиган'. ***Туркий қабилалар секин–аста ў т р о қ ҳаётга ўтди.*** Бу сифат 'оёқларни букиб ва танани тик тутиб бирор жойда ўринлаш–' маъносини англатувчи **отур–** феълидан эски ўзбек тилида **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 422; КРС, 584); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **қ** ундоши олдидаги **у** унлиси **â** унлисига алмашган: **отур–** + **уқ** = **отуруқ** > **отруқ** > **отрâқ.**

ЎТТИЗ учинчи ўнликнинг номи. ***Икки ўн беш – бир ў т т и з.*** Бу саноқ сон қадимги туркий тилда дастлаб **отуз** тарзида (ПДП, 405; ДС, 374), кейинроқ **от— туз** тарзида (Девон, I, 159; ДС, 374) талаффуз қилинган, ҳозирги ўзбек тилига кейинги талаффуз шакли етиб келиб, иккинчи бўғинидаги **у** унлиси **и** унлисига ал— машган: **оттуз** > **оттиз.**

ЎТҚАЗ– қ. **ўтқиз–**

ЎТҚИЗ– 'ўтиришга кўмаклаш–'; 'эк–'. ***Бувисини юмшоқ диванга ў т қ и з и б, чой қуйиб берди.*** Бу феъл асли ўзбек тилида **отир–** феълидан **–ғиз** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **ир** то— вушлари талаффуз қилинмай қўйган, **ғ** ундоши **қ** ундо— шига алмашган: **отир–** + **ғиз** = **отирғиз–** > **отқиз–.** Бу сўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек тилида **отқäз–** шаклида ҳам ишлатилади (**откäз–** феълига қиёсланг).

ЎҲЧИ– 'бирор нарса еб–ичганда томоқдан кетмакет йўталга ўхшаган шиддатли товуш чиқар–'. ***Узум шарбатини ича туриб ў х ч и б к е т д и м.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'кўнгли айни–' маъносини англатган **оқ–** феълидан эски ўзбек тилида кучайтириш, 'такрор' маъносини ифодаловчи **–чу** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 444, КРС, 565: **окшу–**); кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига, **қ** ундоши **х** ундошига алмашган: **оқ– + чу = оқчу– > охчи–**.

ЎҲША– 'бир хилликка эга бўл–'. ***Боласи отасига ў х ш а м а б д и.*** Бу феъл асли қадимги туркий тилдаги 'бир хил белгиси бор' маъносини англатган **оқ** сифатидан **–ша** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 419); ўша даврлардаёқ **қ** ундоши **х** ундошига алмашган (ДС, 374); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **оқ + ша = оқша– > охшä–**.

ЎҲШАШ 'бир хилликка эга'. ***Узоқда акамга ў х ш а ш бир киши турганини кўрдим.*** Бу сўз **охшä– (< оқша–)** феълидан эски ўзбек тилида **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 420; КРС, 565); асли феълнинг ҳаракат номи шаклига тенг бу сўз кейинчалик маъно тараққиёти натижасида сифатга айланган.

ЎҲШОВСИЗ 'хунук, бесўнақай, мос тушмайдиган'. ***Укам ў х ш о в с и з ҳаракатлар қила бошлади.*** Бу сифат **–сиз** қўшимчаси билан ясалган, лекин ҳозирги ўзбек тилида **охшâв** сўзи мустақил ишлатилмайди. **Охшâв** сўзи ўзбек тилида **охшä–** феълига **–в** ҳаракат номи қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, **в** ундошининг қўшилиши билан унинг олдидаги **ä** унлиси **â** унлисига алмашган: **охшä– + в > охшâв.** Асли **охшâвсиз** сўзи 'бир хиллик жиҳатлари йўқ' маъносини билдириши лозим. Маъно тараққиёти қуйидагича кечган: 'бошқаларга ўхшамайдиган' → 'бошқалардан бесўнақайлиги билан ажралиб турадиган'.

ЎЧ I 'адоват', 'қасос'. ***Шундан кейин у ў ч олиш пайида бўлди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз таркибидаги унли юмшоқ ва чўзиқ талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 558); ўша даврлар–

www.ziyouz.com kutubxonasi

даёқ бу унлининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 405; Девон, I, 79; ДС, 376), ўзбек тилида эса юмшоқлик белгиси ҳам йўқолган: **ö:ч > öч > оч.**

ЎЧ II 'ниҳоятда берилган','ҳирс қўйган'. ***Ўғлим ширинликка ж у д а ў ч.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги **ö:ч** отининг юқорида таърифланган белги маъноси асосида (ЭСТЯ, I, 559: **öч 6**) мустақил сўзга ажралиб чиққан, бунда у кесим вазифасида келган (отдан кесимлик сўзи ўсиб чиққан). Ўзбек тилида бу сўз таркибидаги унлининг юмшоқлик ва чўзиқлик белгиси йўқолган: **ö:ч > оч.**

• ЎЧ– 'ёнишдан тўхта–','сўн–'. ***Самандаров ..ў ч и б қ о л г а н махоркасини чироқдан тутатиб олди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **öч–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 376); ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **öч– > оч–.**

ЎЧАКИШ– 'бирор кишига нисбатан қайсарлик билан зид иш тут–'. ***Ўзингга тенг бўлмаган киши билан ў ч а к и ш м а.*** Бу феъл қадимги туркий тилдаги 'адоват', 'қасос' маъносини англатувчи **öч** отидан **–ä** қўшимчаси билан ясалган феълга (ДС, 376) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–к** қўшимчасини ва биргалик маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[(öч + ä = öчä–) + к = öчäк–] + иш = öчäкиш– > очäкиш–.**

ЎЧИРГИЧ 'ёзув–чизувни суркаб йўқ қилишда ишлатиладиган буюм'. ***Ў ч и р г и ч и м ерга тушиб кетди.*** Бу сўз ўзбек тилидаги **очир–** феълининг 'ёзув–чизувни кетказ–' маъносидан **–гич** қўшимчаси билан ясалган.

ЎЧЛА– қ. **ўлча–**

ЎЧОҚ 'қозон ўрнатиб, ўт ёқиш учун мосланган қурилма'. ***Газ келиб, ў ч о қ қ а гўзапоя ёқишдан қутулдик.*** Бу сўз асли **о:т** ('олов') сўзига кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чуқ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 373: **отчуқ**) шунга кўра дастлаб 'кичик олов' маъносини англатган, 'олов ёқиладиган қурилма' маъноси кейин пайдо бўлган. Қадимги туркий тилдаёқ **о:**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, **ч** ундоши таъсирида **от** сўзидаги **т** ундоши **ч** ундошига алмашган; кейинчалик иккита **ч** ундошидан бири талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 362: **очуқ**), сўнгра **қ** ундоши олдидаги **у** унлиси **а** унлисига алмашган (Девон, I, 95); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **о:т + чуқ = о:тчуқ > отчуқ > оччуқ > очуқ > очақ > очâқ.**

ЎША 'аввал айтилган, тингловчига маълум бўлган'. ***Ў ш а суронли йиллар асло ёдимдан чиқмайди.*** Бу олмош қадимги туркий тилда 'мана' маъносини билдирган **ош** сўзи билан **ол** кўрсатиш олмошининг **о** шаклини қўшиб тузилган (ЭСТЯ, I, 493); ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **о** унлиси **а** унлисига, бу унли ўз навбатида **ä** унлисига алмашган: **ош + о (< ол) + ошо > оша > ошä.**

ЎШАНДАЙ 'аввалгига ўхшаган'. ***Ў ш а н д а й йигитларнинг меҳнатини қадрламадик.*** Бу сўз қадимги туркий тилда 'мана' маъносини билдирган **ош** олмоши билан **ул** кўрсатиш олмошини қўшиб тузилган **ошул** сўзидан (ЭСТЯ, I, 493; ДС, 372) ўхшатиш маъносини ифодаловчи **–дай** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **л** ундоши **н** ундошига, **у** унлиси **а** унлисига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(ош + ул = ошул) + дай = ошулдай > ошундай > ошандай > ошäндäй**. Бу сўз сўзлашув нутқида **ошäндäйин** шаклида ҳам ишлатилади; ушбу сўз таркибидаги **–дäйин** қисми асли 'ўхшаш' маъносини англатувчи **тегин** сўзининг товуш жиҳатидан ўзгариши натижасида пайдо бўлган: **т** ундоши **д** ундошига, **г** ундоши **й** ундошига алмашган; **–дай** қўшимчаси **–дäйин** қўшимчаси охиридаги **ин** қисмини талаффуз қилмаслик натижасида юзага келган.

ЎШАНДАЙИН қ. **ўшандай**

ЎШАНЧА 'аввалгича миқдорда'. ***Кеча неча соат ишлаган бўлсак, бугун ҳам ў ш а н ч а соат ишлаймиз.*** Бу сўз ўзбек тилида **ошäл** кўрсатиш олмошидан 'чама' маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган, кейинчалик **л** ундоши **н** ундошига алмашган: **ошäл + чä = ошäлчä > ошäнчä.**

ЎҚ 'ёй билан отиладиган найза'. ***У укасига беҳи новдасидан ёй ва ў қ ясаб берди.*** Қадимги туркий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилда ҳам шундай талаффуз қилинган бу от дастлаб 'тўғри силлиқ таёқ (ёғоч)' маъносини англатган, 'ёй билан отиладиган найза' ва бошқа маънолари шу маъно асосида юзага келган (ЭСТЯ, I, 437).

ЎҚИ– 'ёзувни талаффуз қил–'. ***Хатни чироққа тутиб ў қ и д и.*** Бу феъл асли 'баланд товуш', 'қичқириқ' маъносини англатган **оқ** отидан (ЭСТЯ, I, 440) **–ы** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 440; Девон, III, 270; ДС, 379); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **оқ + ы = оқы– > оқи–.** Бу сўз дастлаб 'баланд товуш билан айт–', 'қичқир–' маъносини англатган, 'ёзувни талаффуз қил–' маъноси ёзув яратилганидан кейин юзага келган.

ЎҚЛОВ қ. **ўқлоғи**

ЎҚЛОҚ қ. **ўқлоғи**

ЎҚЛОҒИ 'хамир ёйишга мосланган узун силлиқ таёқча'. ***Кампир ў қ л о ғ и кўтариб чиқди.*** Бу сифат қадимги туркий тилда **оқ** отининг дастлабги 'думалоқ тўғри силлиқ таёқ' маъносидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган феълга **–ғу** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида **у** унлиси **и** унлисига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(оқ + ла = оқла–) + ғу = оқлағу > оқлâғи.** Бу сўз асли 'думалоқ' маъносини англатган (ДС, 369), маъно тараққиёти натижасида отга айланган. Кейинчалик **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйиб, **ғ** ундоши **қ** ундошига, **қ** ундоши эса ўз навбатида **в** ундошига алмашиб, **оқлâв** шакли юзага келган: **оқлâғи > оқлâғ > оқлâқ > оқлâв.**

ЎҚТАЛ– 'ҳужум қилиш мумкин бўлган ашё билан таҳдид қил–'. ***Сабри тугаган деҳқон уларга қўлидаги кетмонни ў қ т а л д и.*** Бу сўз асли 'ёй билан отиладиган найза' маъносини англатувчи **оқ** отидан **–ла** қўшимчасининг **–та** шакли билан ясалган феълга (ДС, 370; ЭСТЯ, I, 438) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; дастлаб 'ёй билан найза отиш ҳолатида бўл–' маъносини билдирган, 'таҳдид қил–' маъноси кейин юзага келган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **[оқ + та (< ла) = оқта–] + л = оқтал– > оқтäл–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎҒИЛ 'эр жинсидаги фарзанд'. ***Қизингиз ўнта ўғилнинг ўрнини босади.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги асли 'пайдо қил–' маъносини англатган **оғ–** феълидан **–(у)л** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 416; ПДП, 403; Девон, I, 103; ДС, 364); дастлаб 'фарзанд' маъносини англатган, кейинчалик маънода торайиш юз бериб, фақат 'эр жинсидаги фарзанд'ни англата бошлаган; ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **оғ– + ул = оғул > оғил.**

ЎҒИР 'ғўлани ўйиб тайёрланган, донни туйиш учун ишлатиладиган рўзғор буюми'. ***Шолимиздан ўғирда бир ошлик туйиб берди.*** Бу от қадимги туркий тилдаги 'парчала–' маъносини англатган **оғур–** феълидан (ДС, 364) ўсиб чиққан бўлса керак: 'ҳаракат' (**оғур–**) → 'шу ҳаракатни бажариш буюми' (**оғур**). Ўзбек тилида бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **оғур > оғир.**

ЎҒИРЛА– 'яширин ҳолда ўз ихтиёрига ўтказ–'. ***Давлат мулкини ўғирлаган киши жиноий жавобгарликка тортилди.*** Бу феъл қадимги туркий тилда 'бировнинг нарсасини яширин равишда ўзиники қилиб олувчи' маъносини англатган **оғры** сўзидан (ЭСТЯ, I, 413; Девон, I, 147; ДС, 363) **–ла** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 414); кейинчалик **ры** товушлари ўрин алмашган (Девон, I, 307); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **оғры + ла = оғрыла– > оғырла– > оғирлä–**

ЎҒИРЛИҚ 'яширин йўл билан, ўғирлаб қўлга киритилган'. ***Бу киши ўғирлиқ молни сотаётганида ушланди.*** Бу сифат қадимги туркий тилда 'бировнинг нарсасини яширин равишда ўзиники қилиб олувчи' маъносини англатган **оғры** сўзидан (ЭСТЯ, I, 413; Девон, I, 147; ДС, 363) **–лық** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 414; ДС, 364); кейинчалик **ры** товушлари ўрин алмашган; ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **оғры + лық = оғрылық > оғырлық > оғирлиқ.**

ЎҒЛОН 'балоғатга етган ўғил; йигит' (кўтаринки). ***Ватан ўғлонлари ҳарбий хизматларини аъло даражада адо этмоқдалар.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда **оғул** отига иззатлаш маъносини ифодаловчи **–(а)н**

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 412; ДС, 363); қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **оғул + ан > оғлан > оғлâн.**

ЎҒРИ 'ўғрилик билан шуғулланувчи (шахс)'. ***Ўғри – р и н и қароқчи урибди*** (Мақол). Бу сўз қадимги турк – кий тилдаги асли 'яширин (нарса)' маъносини англатган **оғ** сўзидан **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган феълга **–ы** қўшимчасини қўшиб ясалган бўлиб (ЭСТЯ, I, 413), от ва сифат маъносини англатган; **–ы** қўшимчаси қўшилганидан кейин **оғур–** сўзи таркибидаги **у** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 147; ДС, 363); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(оғ + ур = оғур–) + ы = оғуры > оғры > оғри.** Бу сўз асли 'яширин иш қилувчи' маъносини англатган.

ЎҒРИНЧА 'яширин ҳолда', 'ҳеч кимга билдирмай'. ***Баъзи кишилар ў ғ р и н ч а иш тутади.*** Бу равиш асли эски ўзбек тилида **оғры** сўзига қадимги восита келишигининг **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан (ЭСТЯ, I, 414) **–ча** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(оғры + н + оғрин) + ча = оғрынча > оғринча.**

Қ

ҚАВАР– 'ишқаланиш, куйиш натижасида бироз шиш–'. ***Менинг ҳам дастёрчилик қилавериб оёғим қ а в а р д и*** (Ойдин). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'бироз шишган, кўтарилган' маъносини англатган **қаба || қапа** сифатидан (ДС, 399, 420) **–р** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қаба + р = қабар– > қавар– > қäвäр–.**

ҚАВАРИНҚИ 'дўнгсимон кўтарилган'. ***Линзанинг қ а в а р и н қ и томонини қилиб қарасангиз, каттароқ қилиб кўрсатади.*** Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'шиш–', 'кўтарил–' маъносини англатувчи **қабар–** феълидан эски ўзбек тилида **–(ы)ң** қўшимчаси билан ясалган отга **–қы** қўшимчасини қўшиб ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(КРС, 310: **кабарынкы** 'немного вздутый, припухлый; выпуклый'); кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, **ң** ундоши **н** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қабар– + ың = қабарың) + қы = қабарыңқы > қаварынқы > қäвäринқи.**

ҚАВАРИҚ 'кўп ишқаланиш ёки куйиш натижасида терида пайдо бўладиган шиш'. ***Кетмоннинг дастаси ғадир–будур экан, чап қўлимда қ а в а р и қ пайдо бўлди.*** Бу от эски ўзбек тилида 'ишқаланиш, куйиш натижасида бироз шиш–' маъносини англатувчи **қабар–** феълидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (ТРС, 299: **кабарык** 1. 'пухлый, раздутый.'; 2. 'опухоль, пузырь.'); кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қабар– + ық = қабарық > қаварық > қäвäриқ.**

ҚАВАРЧИҚ 'майда қаварик'. ***Кечаги чопиқдан кейин кафтимни қ а в а р ч и қ қоплабди.*** Бу от эски ўзбек тилида 'ишқаланиш, куйиш натижасида бироз шиш–' маъносини англатувчи **қабар–** феълининг 'кичик' маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қабар– + чы = қабарчы–) + қ = қабарчық > қаварчық > қäвärчиқ.**

ҚАВИ– 'авра–астари орасига пахта солинган нарсани йирик–йирик қилиб тик–'. ***[Қосимжон] уйга келганда ойиси айвонда кўрпа қ а в и б ўтирарди*** (Ўлмас Умарбеков). Эски ўзбек тилида ҳам шундай маънони англатган бу феълни (КРС, 310) қадимги туркий тилдаги **қавыш–** (ДС, 437: 1. 'соединяться'), **қавса–** (ДС, 437: 'окружать, охватывать') сўзлари билан қиёслашдан кўринадики, қадимги туркий тилда **қав–** феъли мавжуд бўлиб, **қавы–** сўзи ана шу феълга 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қав– + ы = қавы– > қäви–.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАДА– 'бириктир–', 'санч–', 'эк–'. ***Мен бирон қоғозни ўқимасдан қўл қўйсам, сен бирон кўйлакнинг ёқасини қийшиқ қ а д а б қ ў й с а н г, ишга совуққонлик билан қараганимиз учун жавобгар бўламиз*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қата–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 432: **қата–** 'присоединять'); кейинчалик эски ўзбек тилида икки унли оралиғидаги жарангсиз **т** ундоши жарангли **д** ундошига алмашган (КРС, 313: **када– III 1.** 'вонзить, втыкать, насаживать'); ҳозирги ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қата– > қада– > қädä–.**

ҚАДОҚ I 'узоқ ишқаланиш натижасида қўл ёки оёқ терисида ҳосил бўладиган қаттиқ қавариқ'. ***Вали ака, .. қўлининг қ а д о қ л а р и озор беришидан қўрқаётгандек, хотинининг пешанасини авайлаб силади*** (Мирзакалон Исмоилий). Эски ўзбек тилида ҳам шундай маънони англатган бу от 'қаттиқ ҳолатга кел–' маъносини англатувчи **қат–** феълининг **қад–** шаклидан (ДС, 401: **қад–** *см.* **қат– I, II**: 432: **қат– I 1.** 'становиться твердым, твердеть') **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қат– || қад–) + ақ = қадақ > қädâқ I.**

ҚАДОҚ II 'чинни асбобларнинг қисмларини улашда ишлатиладиган икки учи қайрилган темир михча'. ***Иккита қ а д о қ б и л а н бутун бўладиган пиёлага шунча пул сўрайсизми?!*** Эски ўзбек тилида ҳам шундай маънони англатган бу от асли қадимги туркий тилдаги 'бириктир–', 'санч–' маъносини англатган **қата–** феълининг кейин юзага келган **қада–** шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қада– + қ = қадақ > қädâқ.** Бу сўз дастлаб умуман 'мих' маъносини англатган, 'чега' маъноси маъно торайиши натижасида юзага келган.

ҚАДОҚ III '400 граммча келадиган оғирлик ўлчови'. ***Афанди ишонмай, мушугини тортиб кўрса, тўрт қ а д о қ чиқибди*** (Афанди латифаларидан). Эски ўзбек тилида ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қадақ** тарзида талаффуз қилинган (КРС, 313: **кадак**

www.ziyouz.com kutubxonasi

уст. 'фунт': ССТТН, II, 7: **қадақ** 'гвоздь', в каз. также 'фунт'); кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қадақ** > **қäдâқ III.** Бу сўз асли 'мих' маъносини англатган сўздан ўсиб чиққан: қадимги қўл тарозисининг посонгисидаги бўлимлар михча билан белгиланган, шундай бўлимнинг ҳар бири бир қадоқ ҳисобланган (ССТТН, II, 7). ЎТИЛда берилган **қадоқ** сўзлари уларнинг келиб чиқишини ҳисобга олмаган ҳолда жойлаштирилган, айниқса **қадоқ II** деб белгиланган сўзнинг ўзаро келиб чиқиши боғлиқ **қадоқ I** ва **қадоқ III** сўзлари орасига киритилиши ноўрин.

ҚАДОҚЛА– 'маълум оғирлик ўлчови билан қоғоз қопчиқларга жойла–'. ***Ҳинд чойи Самарқанд фабрикасининг ўзида қадоқланадиган бўлди.*** Бу феъл ўзбек тилида 'оғирлик ўлчови' маъносини англатувчи **қäдâқ III** сўзидан **–лä** қўшимчаси билан ясалган: **қäдâқ III + лä = қäдâқлä–.**

ҚАЗИ 'отнинг тўши ва пешнопи', 'шундай гўштни йўғон ичакка солиб тайёрланадиган маҳсулот'. ***Кечки норин учун катта қозонда ёғли қ а з и пишади*** (Ойбек). Бу от қадимги туркий тилда **қазы** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 243); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қазы** > **қäзи.** Бу сўз дастлаб 'қорин гўштининг киндик атрофидаги ёғли қисми' маъносини англатган, ҳозирги маъноси ана шу маънодан ўсиб чиққан.

ҚАЗИ– 'ерни чуқур ҳосил қилиш мақсадида ўй–', 'ковла–'.***Бировга чоҳ қ а з и с а н г, ўзинг йиқиласан*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **қазы–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 280); асли **қаз–** феълига (ПДП, 413; ДС, 439 : 'рыть, копать') 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, III, 280); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қаз– + ы = қазы– > қäзи–.** Бу феъл ўзбек тили шеваларида **қаз–** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ , II, 536).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЗИЛМА 'ер остидан қазиб олинадиган'. ***Ўзбекистонда қ а з и л м а бойликлар жуда кўп.*** Бу сўз ўзбек тилида 'ковла–' маъносини англатувчи **қази–** феълининг мажҳул нисбат ясовчи **–л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–мä** қўшимчаси билан ясалган: **(қази– + л = қäзил–) + мä = қäзилмä.**

ҚАЗНОҚ 'омбор вазифасини ўтовчи ертўла'. ***Шу уй ёнида кичик, қоронғи бир зах қ а з н о қ бўлиб, бу омбор эди*** (Жуманиёз Шарипов). Бу сўз Л.З.Будагов луғатида **қаз–** феълидан ясалган деб келтирилган (СҚТТН, II, 14: **қазноқ** 'погреб; выход'). Бу сўзнинг охиридаги **–(а)қ** қисми кучайтириш маъносини ифодаловчи қўшимчага тенг; бу қўшимчани айирсак, **қазн** қисми қолади, лекин туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида ҳам сўз охирида икки ундош кетма–кет келса, улар оралиғидаги унли талаффуз қилинмай қўйган бўлиб чиқади. Бу ерда ана шу тор унлини тикласак, **қазын** шаклига эга бўламиз. Бу от асли ясама бўлиб, **қазы–** феълидан **–н** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида бу сўз таркибида қуйидаги товуш ўзгаришлари воқе бўлган: иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қазы– + н = қазын) + ақ = қазынақ > қазнақ > қäзнâқ.**

ҚАЗҒОҚ 'бош терисидан ажраладиган кепаксимон қуруқ тўқималар'. ***Баъзи кишиларнинг бош териси қуруқшаб, қ а з ғ о қ ажралиб туради.*** Бу сўз асли туркий тилдаги 'тери', 'пўстлоқ' маъносини англатган **қас** отидан (ДС, 430) эски ўзбек тилида **–ға** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **с** ундоши **з** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қас + ға = қасға–) + қ = қасғақ > қазғақ > қäзғâқ.**

ҚАЙ 'қайси'. ***Ўт ўрдим, машоқ тердим. Қ а й иш дуч келса, қилдим*** (Қуддус Муҳаммадий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони билдирган бу олмош асли **қайу** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 237; ДС, 408); эски ўзбек тилида бу сўз охиридаги **у** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 318), ҳозирги ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қайу > қай > қäй.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЙГА 'қаерга'. ***Бедананинг уйи йўқ, қ а й г а борса, "битбилдиқ"*** (Мақол). Шундай маънони билдирган бу сўз асли қадимги туркий тилда **қайуқа** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 409); кейинчалик ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; шундан кейин жўналиш келишиги қўшимчасининг **–қа** шакли **–ға** шаклига, сўнгра **ғ** ундоши **г** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қайу + қа = қайуқа > қайға > қäйгä.**

ҚАЙДА 'қаерда' ***Салим қ а й д а ? Чақиринг*** (Ойбек). Шундай маънони билдирган бу сўз асли қадимги туркий тилда дастлаб **қайуда** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 409), кейинроқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, III, 188); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қайу + да = қайуда > қайда > қäйдä.**

ҚАЙДАН 'қаердан'. ***Йўлчи ишга разм солиб, қ а й д а н бошлаш кераклигини ўйлади*** (Ойбек). Шундай маънони билдирган бу сўз асли қадимги туркий тилда **қайудын** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 409); кейинчалик ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, чиқиш келишиги қўшимчаси таркибидаги **ы** унлиси **а** унлисига, сўнгра ҳар икки **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қайу + дын = қайудын > қайдын > қайдан > қäйдäн.**

ҚАЙЕР 'қайси ер'. ***Аҳмаджон разм солиб қараса, ҳеч қ а е р и майиб бўлмабди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги **қайу** сўзи билан (Девон, III, 237) **йер** сўзидан эски ўзбек тилида таркиб топган бирикмага тенг; бу бирикма бир сўзга бирлашгандан кейин **у** унлиси талаффуз қилинмай қўйган; шундан кейин ёнма–ён келиб қолган **йй** ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қайу йер > қаййер > қайер > қäйер.**

ҚАЙИН I : қ. **қайнана**

ҚАЙИН II 'тик ўсадиган, пўстлоғи оқ тераксимон дарахт'. ***Эртасига йўлда қ а й и н л а р борган сари кўп учрай бошлади.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қазың, қайың** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 68); ўзбек тилида **қайың** шакли таркибидаги **ң** ундоши **н** ундошига, **а** унлиси **ä**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қайың > қайын > қәйин.**

ҚАЙИНСИҢИЛ 'эрнинг синглиси хотинига нисбатан, хотиннинг синглиси эрига нисбатан'. ***Қайним–қаймоғим, қ а й и н с и н г л и м – юрак доғим*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'хотиннинг туғишганлари (эрига нисбатан)' маъносини англатган **қайын** сўзи билан (Бу сўзга доир айрим изоҳлар **қайнана** сўзига бағишланган мақолада берилди)'кейин туғилган қиз фарзанд' маъносини англатувчи **сиңил** сўзидан (ДС, 500) таркиб топган; кейинчалик **а** унлиси **ә** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қайын сиңил = қайынсиңил > қәйинсиңил.** Бу сўз ЎТИЛда ва имло луғатида **қайнсингил** тарзида хато ёзилган: ўзбек сўзлари ичида уч ундош қатор келмайди.

ҚАЙИР 'дарё тошганида сув босадиган ер'. ***Зарафшон дарёси қ а й и р и д а, яъни дарё суви босадиган ерларда ҳам ботқоқликлар бор*** (П.Ғуломов). Қадимги туркий тилда асли 'юмшоқ ер' маъносини англатган бу от **қайыр** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 180); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ә** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қайыр > қәйир.**

ҚАЙИР– 'букиб қаватла–', 'орқага бук–'. ***Йўлчи танчага ўтирмай, наматнинг учини қ а й и р и б, пастроққа чўккалади*** (Ойбек). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'орқага ўгирил–' маъносини англатган **қай–** феълидан (Девон, III, 263; ДС, 406) **–(ы)р** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, III, 212: **қайрышды**); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ә** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қай– + ыр = қайыр– > қәйир–.** Маҳмуд Кошғарий луғатида бу сўз **қаз́ур–, қаз́ыр–** тарзида берилган (Девон, II, 80), демак, **қай–** феъли **қаз́–** тарзида ҳам талаффуз қилинган.

ҚАЙИШ 'узун чарм тасма', 'камар'. ***"Қани, кетдик", – деди–да, елкасидаги милтиқнинг қ а й и ш и н и тўғрилаб олди*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда 'ҳайвон терисидан қирқиб тайёрланадиган камар'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатган бу от асли **қаźыш** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 350); кейинроқ **ź** ундоши **й** ундошига, ҳозирги ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қаźыш** > **қайыш** > **қäйиш.** Бу от асли қадимги туркий тилдаги **қай–** феълининг (ДС, 406) 'букил–' маъносидан **–(ы)ш** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак.

ҚАЙИШ– 'бироз букил–', 'бироз ёнини ол–'. ***Отнинг ингичка бели сал қ а й и ш и б, унинг устидаги чавандоз аста чайқалди*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз қадимги туркий тилдаги **қай–** феълининг (ДС, 406) 'букил–' маъносидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, III, 205: **қайышды** 'ачинди, ғамхўрлик қилди'); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қай–** + **ыш** = **қайиш–** > **қäйиш–.**

ҚАЙИҚ 'сувда ҳаракатланишга хизмат қиладиган кичик йўлов воситаси'. ***Мени дарёдан Умрзоқ ота деган чол қ а й и қ д а ўтказиб қўйди*** (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қайғуқ** (ПДП, 410; ДС, 407), **қайғық** (Девон, III, 190) тарзида талаффуз қилинган; кейинчалик ўзбек тилида **қайғық** шакли таркибидаги **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, шундан кейин **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қайғық** > **қайық** > **қäйиқ. Қайғық** сўзи асли ясама : охиридаги **–қ** қисми – от ясовчи қўшимча; ундан олдинги **–ғы** қисми – феълга қўшилиб, 'такрор', кучайтириш маъносини ифодаловчи қўшимча; **қай–** қисми эса қадимги туркий тилдаги 'ёнламасига кес–' маъносини англатган **қый–** феълининг ўзгарган шаклига тенг (ДС, 406, 440): **[(қый– || қай–) + ғы = қайғы–] + қ = қайғық > қайық > қäйиқ.**

ҚАЙЛА 'майда тўғралган гўшт ва сабзавотни қовуриб тайёрланадиган, қуюқ овқатга солиб истеъмол қилинадиган масаллиқ'. ***Лағмон қиладиган бўлсанг, олдин қ а й л а с и г а масаллиғингни тахт қил.*** Қадимги туркий тилда **қавла** сўзи мавжуд бўлиб, 'сабзавот' маъносини англатган (ДС, 437); **қайла** сўзи ана

www.ziyouz.com kutubxonasi

шу **қавла** сўзи таркибидаги **в** ундошининг **й** ундошига, **а** унлиларининг **ä** унлиларига алмашуви билан юзага келган бўлса керак: **қавла > қайла > қäйлä.**

ҚАЙЛИҚ қ. **қаллиқ**

ҚАЙМОҚ 'сутдан ажратиб олинадиган қуюқ ёғли маҳсулот'. ***Қайним – қ а й м о ғ и м, қайинсинглим – юрак доғим*** (Мақол). Эски ўзбек тилида ҳам шундай маънони англатган бу от **қаймақ** тарзида талаффуз қилинган (ССТТН, II, 34; КРС, 320; ТРС, 327); кейинчалик ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қаймақ > қäймâқ.** Маҳмуд Кошғарий луғатида келтирилган **қайуқланди** 'қаймоқли бўлди' сўзидан кўриниб турибдики (Девон, III, 115), бу феъл **қайуқ** отидан **–лан** қўшимчаси билан ясалган; демак, **қайуқ** сўзи 'қаймоқ' маъносини англатган. **Қайуқ** сўзини **қаймоқ** сўзи билан қиёсласак, ҳар икки сўзнинг ясама экани аён бўлади: **қай–** асосидан **–(у)қ, –мақ** қўшимчалари билан ясалган. Шундан маълум бўладики, қадимги туркий тилда 'ёғли бўл–' маъносини англатган **қай–** феъли мавжуд бўлган, **қаймоқ** оти ана шу феълдан **–мақ** қўшимчаси билан ясалган: **қай– + мақ = қаймақ > қäймâқ.**

ҚАЙНА– 'иссиқлиғи маълум даражага боргандан кейин буғланиб вақирлаб тур–'. ***Тикилган қозон қ а й н а м а с*** (Мақол). Бу сўз қадимги туркий тилда 'буғ чиқариб вақирла–' маъносини англатган **қайын–** феълидан (ДС, 407) 'такрор', кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 407); қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қайын– + а = қайына– > қайна– > қäйнä–.**

ҚАЙНАГАЧИ 'эрнинг опаси хотинига нисбатан, хотиннинг опаси эрига нисбатан'. ***Кеча қ а й н а г а ч и м ифторликка айтиб кетибди.*** Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'хотиннинг туғишганлари (эрига нисбатан)' маъносини англатган **қайын** сўзи билан (Бу сўзга доир айрим изоҳлар **қайнана** сўзига бағишланган мақолада берилди) 'аканинг хотини', 'ўзидан катта ёшдаги аёл' маъносини англатувчи **егäчи** сўзидан тархиб топган; кейинчалик бу сўзлар бир сўзга бирлашга–

www.ziyouz.com kutubxonasi

нидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **е** унлиси **ä** унлисига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси ҳам **ä** унлисига алмашган: **қайын егäчи = қайынегäчи > қайнегäчи > қäйнäгäчи.**

ҚАЙНАНА 'эрнинг онаси хотинига нисбатан, хотиннинг онаси эрига нисбатан'. ***Фотиҳа ўқилиб, куёв қайнанасига узр айтди*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'хотинининг туғишганлари (эрга нисбатан), эрининг туғишганлари (хотинга нисбатан)' маъносини англатган **қайын** сўзи билан 'хотин киши ўз туққан боласига нисбатан' маъносини англатган **ана** сўзидан таркиб топган; бу сўзлар эски ўзбек тилида бир сўзга бирлашганидан кейин **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қайын ана = қайынана > қайнана > қäйнäнä.** Ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган **қайин** сўзи асли **қазын** сўзи (Девон, I, 383) таркибидаги **з** ундошини **й** ундошига алмаштириш билан юзага келганини Маҳмуд Кошғарий махсус таъкидлаган (Девон, I, 68). **Қазын** сўзи эса 'аёл' маъносини англатган **қатун** сўзи билан боғланади (Девон, I, 388). Туркий тиллардаги қариндошликни билдирувчи сўзларни махсус ўрганган Л.А.Покровская айрим туркий тилларда **қайин** сўзи фақат 'хотиннинг туғишганлари' маъносини билдиришини, 'эрнинг туғишганлари'ни ҳам билдириш кейинчалик юзага келганини таъкидлайди (ИРЛТЯ, 71). Шунга кўра **қайнана** сўзи дастлаб 'хотиннинг онаси' маъносини англатган, кейинчалик маънода кенгайиш юз бериб, 'эрнинг онаси' маъносини ҳам англата бошлаган. Л.А.Покровскаянинг таъкидлашича, татар тилида **қаенана** сўзи ҳозир ҳам фақат 'хотиннинг онаси' маъносини англатади, 'эрнинг онаси' маъноси эса **би ана(й)** сўзлари билан англатилади (ИРЛТЯ, 72).

ҚАЙНАТА 'эрнинг отаси хотинига нисбатан, хотиннинг отаси эрига нисбатан'. ***Сиддиқжон қайнатаси Зуннунхўжанинг "Сиз менинг ҳам куёвим, ҳам ўғлимсиз" деганини эслаб кулиб қўйди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'хотининнинг туғишганлари (эрга нисбатан), эрининг туғишганлари (хотинга нисбатан)' маъносини англатган **қайын**

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзи билан (Бу сўзга доир айрим изоҳлар **қайнана** сўзига бағишланган мақолада берилди) 'эркак киши ўз боласига нисбатан' маъносини англатувчи **ата** сўзидан таркиб топган; бу сўзлар эски ўзбек тилида бир сўзга бирлашганидан кейин **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қайын ата = қайыната > қайната > қäйнäтä.**

ҚАЙНАҒА 'эрнинг акаси хотинига нисбатан, хотиннинг акаси эрига нисбатан'. ***Ишқ завқидан маст бўлган Лаъли .. қ а й н а ғ а с и н и н г айвондан тикилиб турганини ҳам сезмади*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'хотинининг туғишганлари (эрга нисбатан), эрининг туғишганлари (хотинга нисбатан)' маъносини англатган **қайын** сўзи билан (Бу сўзга доир айрим изоҳлар **қайнана** сўзига бағишланган мақолада берилди) 'олдин туғилган ўғил фарзанд' маъносини англатувчи **аға (< ака)** сўзидан таркиб топган; бу сўзлар эски ўзбек тилида бир сўзга бирлашганидан кейин **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қайын аға = қайынаға > қайнаға > қäйнäғä.**

ҚАЙНИ 'эрнинг укаси хотинига нисбатан, хотиннинг укаси эрига нисбатан'. ***Қ а й н и м – қаймоғим, қайинсинглим – юрак доғим*** (Мақол). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'хотинининг туғишганлари (эрга нисбатан), эрининг туғишганлари (хотинга нисбатан)' маъносини англатган **қайын** сўзи билан (Бу сўзга доир айрим изоҳлар **қайнана** сўзига бағишланган мақолада берилди) 'кейин туғилган ўғил фарзанд' маъносини англатган **ини** (Девон, I, 119) сўзидан таркиб топган; бу сўзлар эски ўзбек тилида бир сўзга бирлашганидан кейин **қайын** сўзи охиридаги **ын** товушлари ва **ини** сўзи бошланишидаги **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, сўнгра **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қайын ини = қайынини > қайни > қäйни.**

ҚАЙОН 'қайси томон'. ***Адашган кимсадек , Фурқат , қ а ё н боргум билолмасман*** (Фурқат). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'қайси' маъносини билдирган **қайу** сўзи билан (Девон, III, 237) 'чап ёки ўнг томон' маъносини англатувчи **йан** сўзидан (ДС,. 231) эски ўзбек тилида таркиб топган бирикмага тенг; бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирикма бир сўзга бирлашганидан кейин **у** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, шундан кейин ёнма–ён келиб қолган **йй** ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қайу йан = қайуйан > қаййан > қайан > қäйâн.**

ҚАЙОҚ: **қайоқда, қайоқдан, қайоққа** 'қайси томон'(+ да, + дан, + га). *От кўчанинг айрилишига етиб, "Энди қ а ё қ қ а юрамиз?" дегандек тўхтаган эди, эгаси яна "Чуҳ" деб жавоб берди* (Абдулла Қодирий). Макон келишикларидан бирининг қўшимчасини қўшиб ишлатиладиган бу сўз асли 'қайси' маъносини билдирган **қайу** сўзи билан (Девон, III, 237) 'томон' маъносини англатувчи **йақ** сўзидан (ДС, 237) эски ўзбек тилида таркиб топган бирикмага тенг; бу бирикма бир сўзга бирлашганидан кейин **у** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, шундан кейин ёнма–ён келиб қолган **йй** ундошларидан бири талаффуз қилинмай қўйган, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қайу йақ = қайуйақ > қаййақ > қайақ > қäйâқ.**

ҚАЙРА– 'ўткир қилиш учун ишқала–', 'чархла–'. *Пичоқни қ а й р а б б е р и н г, жуда ўтмас бўлиб қолибди.* Бу сўз асли эски ўзбек тилида **қайыр**– феълининг 'ўткир қилиш учун ишқа–' маъносидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлса керак; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, сўнгра **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қайыр– + а = қайыра– > қайра– > қäйрä–.**

ҚАЙРАҒОЧ 'ёғочи қаттиқ, тўқ рангли сербарг дарахт'. *Қ а й р а ғ о ч қалин бўлса, ёмғир ўтмас* (Мақол). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги **қайыр** сўзи билан (Бу сўз асли 'қаттиқ', 'пухта' маъносини англатган бўлса керак) 'дарахт' маъносини англатган **ығач** сўзидан (ДС, 218) таркиб топган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, кейинги бўғиндаги **ы** унлиси **а** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, биринчи, иккинчи бўғиндаги **а** ун–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиси **ä** унлисига алмашган: **қайыр ығач = қайырығач > ғайрығач > қайрағач > қäйрäғâч.**

ҚАЙРОҚ 'кесувчи асбобларнинг тиғини ўткир–лашда ишлатиладиган силлиқ тош'. ***Бу киши сабзи тўғрарга ўз қ а й р о ғ и н и кўтариб чиқади.*** Бу от эски ўзбек тилида 'ишқалаб ўткирлаштир–', 'чархла–' маъносини англатган **қайра**– феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ССТТН, II, 32); кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қайыр– + а = қайыра– > қайра–) + қ = қайрақ > қäйрâқ.**

ҚАЙСИ бир неча киши ёки нарсадан биттасини аниқлаш учун бериладиган сўроқ олмоши. ***Отабек ган–гиб, шошиб сўради: "Қ а й с и қизига унашиб кел–дингиз?"*** (Абдулла Қодирий). Бу сўз асли қадимги тур–кий тилда шундай маънони билдирган **қайу** сўзининг III шахс эгалик қўшимчаси қўшилган шаклига тенг бўлиб (ДС, 408: **қайу 2**. .. **қайусы йарар** – 'қайсиси ярайди'), кейинчалик **у** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, эгалик қўшимчаси бу сўзнинг ажралмас, доимий таркибий қисмига айланган, сўнгра **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қайу + сы = қайусы > қайсы > қäйси.** Ҳозир зарурият туғилса, бу сўзга эгалик қўшимчаси **қайсимиз, қайсингиз, қайсиси** тарзида қўшиб ишлатилади.

ҚАЙСИКИ 'маълум бир'. ***Қ а й с и к и қишлоқ–қа тушар отидан, элни йиғиб, воқиф этар зотидан*** (Муқимий). Бу сўз **қайси** сўроқ олмоши билан **–ки** таъ–кид юкламасининг қўшилишидан юзага келган. Қадимги туркий тилда бу юклама ўзи ўсиб чиққан **ким** олмоши шаклида айрим ёзилган (ДС, 307: **ким 3**: **не тег ким ти–лäди** – 'нимани ки тилаган бўлса'); кейинчалик **ким** сў–зи охиридаги м ундоши талаффуз қилинмай, бу юклама–нинг **–ки** шакли юзага келган ва у ўзи тааллуқли сўзга қўшиб ёзиладиган бўлган. Асли бу юкламани чизиқча орқали ёзиш тўғри: ***к и м – к и вафо қилса,*** .. каби. Шу нуқтайи назардан **қайсики** сўзини асли **қайси–ки** тар–зида ёзиш тўғри: ***с е н г а – к и, қ и з и м г а – к и гапим ўтмагандан кейин*** .. сўзларида **–ки** юкламаси чизиқча билан ёзилгани каби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЙТ– 'маълум нуқтага бориб, кейин ўзи ҳаракат бошлаган нуқтага йўнал–'. ***У уйга хийла таъби очилиб қ а й т д и*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида қадимги туркий тилдаги 'орқа томонга ўгирил–' маъносини англатган **қай**– феълидан (Девон, III, 263; ДС, 406) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 407: **қайыт**–); кейинчалик **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (ССТТН, II, 31; КРС, 323), **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қай**– + **ыт** = **қайыт**– > **қайт**– > **қäйт**–.

ҚАЙТА 'бажарилган ишни яна бошдан бошлаб', 'бошқатдан'. ***Бундан икки ҳафта бурун командирлар составига хос формада қ а й т а тиктирган шинелини тиззасига қўйиб,*** .. (Шуҳрат). Бу сўзни эски ўзбек тилида **қайт**– феълига **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган равиш деб ёки **қайт**– феълининг **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган равишдош шакли деб ҳукм чиқариш мумкин. Биринчисида бевосита равиш ясалган; иккинчисида асли равишдош шакли ҳосил қилинган ва у кейинчалик маъно тараққиёти натижасида равишга кўчган [ЎТИЛда бу сўз равиш деб кўрсатилгани тўғри (II, 540), лекин КРСнинг 323– бетида нимагадир равишдош деб таъкидланган].

ҚАЙТАГА 'аксинча','кутилган ҳолатнинг акси бўлиб'. ***Онахон бу гапга парвосиз қаради, қ а й т а г а чеҳраси очилди*** (Асқад Мухтор). Юзаки ёндашиб, бу сўз **қайта** равишига жўналиш келишигининг қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган дейиш мумкин. Шундай хулоса чиқаришга тилимизда **қайтадан** сўзининг борлиги далда беради. Чуқурроқ фикр юритсак, **қайтадан** сўзи асли **қайта бошдан** бирикмасидан ўсиб чиққанини англаш қийин эмас, лекин **қайтага** сўзида бундай таҳлилга йўл йўқ; жўналиш келишиги қўшимчаси равишга эмас, отга қўшилган деб ўйлаш ўринли. Ана шунда бу сўзнинг сўзлашув нутқига хос деб белгиланган **қайтаңга** шакли (ЎТИЛ, II, 541) ёрдамга келади. Демак, бу сўз асли **қайтаңга** шаклига эга бўлган, **қайтага** шакли **қайтадан** сўзи таъсирида (шу сўзга тақлидан) юзага келган. Асли бу сўз **қайта** равишидан **–ң** қўшимчаси билан ясалган отга жўналиш келишиги қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **ң** ундоши (**қайтадан** сўзига тақ–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лидан) талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(қайта + ң = қайтаң) + га = қайтаңга > қайтага > қайтägä.** Аслида бу сўзнинг **қайтаңга** шаклини адабий нутққа, **қайтага** шаклини сўзлашув нутқига хос деб белгилаш тўғри бўлар эди.

ҚАЙТАДАН 'бошқатдан', 'қайта'. ***Терговни қ а й т а д а н бошлаймиз, қишлоқдан кетиб қолманг*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сўз эски ўзбек тилида **қайта** равиши билан **башдан** сўзидан тузилган; кейинчалик **баш** сўзи ишлатилмай, **–дан** қўшимчаси **қайта** сўзига қўшиладиган бўлган (КРС, 323: **қайта ..; қайтадан** 'обратно, опять, снова'); сўнгра келишик қўшимчаси бу сўзнинг ажралмас қисмига айланган; бу сўз таркибидаги **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қайта башдан > қайтадан > қäйтäдäн.**

ҚАЙТАҢГА қ. **қайтага**

ҚАЙТАР– 'маълум нуқтага боргандан кейин уни ўзи ҳаракат бошлаган нуқтага йўналтир–'. ***Гулнор боғда ишлашга югурар экан, Гулсумбиби қ а й т а р д и*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз (Девон, III, 210) асли 'маълум нуқтага бориб, кейин ўзи ҳаракат бошлаган нуқтага йўнал–' маъносини англатувчи **қайт–** феълининг **–(а)р** орттирма қўшимчаси қўшилган шаклига тенг; кейинчалик ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қайт– + ар = қайтар– > қäйтäр–.** ДСда бу сўз **қай–** феълининг орттирма шакли деб, яъни **–тар** қўшимчаси билан ҳосил қилинган деб кўрсатилган (ДС, 408: **қайтар–** *побуд. от* **қай– I**).

ҚАЙЧИ 'икки тиғни ўртароқ еридан винт билан бирлаштириб тайёрланган кесиш асбоби'. ***Учта қ а й ч и д а н биттаси ҳам ишга ярамайди.*** Юзаки ёндашиб, бу сўзни **–чы** қўшимчаси билан ясалган дейиш мумкин, лекин бу қўшимча феълдан ясамайди: бу сўз таркибидаги **қай–** қисми асли қадимги туркий тилда 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатган **қый–** феълининг унлиси ўзгарган шаклига тенг [ДС, 406: **қай– II** *см.* **қый–**; 440: **қый–** 1. 'срезать, резать (наискось, косо)']. Эски ўзбек тилида **қый–** феълининг ана шу **қай–** шаклидан **–(ы)ч** қўшимчаси билан от ясалган ва унга кучайтириш, 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ы** қўшим–

www.ziyouz.com kutubxonasi

часи қўшилган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(қый– > қай–) + ыч = қайич] + ы = қайычы > қайчы > қäйчи.**

ҚАЙҒИ қ. **қайғу**

ҚАЙҒИР– қ. **қайғур–**

ҚАЙҒУ 'ғам–ғусса', 'дард–алам'. ***Кўпдан энди дилларда йўқдир қ а й ғ у, нолалар*** (Зафар Диёр). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қаźғу** (ДС, 404; Девон, I, 401), **қадғу** (ПДП, 409; ДС, 402), **қайғу** (ПДП, 410; ДС, 407) тарзида талаффуз қилинган; ўзбек тилига **қайғу** шакли етиб келиб, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қайғу > қäйғу.** Сўзлашув нутқида бу сўз охиридаги **у** унлиси **и** унлисига алмаштирилади: **қäйғу > қäйғи** (Бу сўз охиридаги **у** унлисининг **и** унлисига алмашуви туркий тилларда адабий меъёр деб қабул қилинган: КРС, 318; ТРС, 326). **Қайғу** сўзини **чолғу, урғу, туйғу** сўзлари билан қиёслашдан кўриниб турибдики, бу от **–ғу** қўшимчаси билан 'ғам–алам чек–' маъносини англатувчи **қаź–** феълидан ясалган: **қаź– + ғу = қаźғу > қайғу.** Қадимги туркий тилда бундай феълнинг мавжудлиги Маҳмуд Кошғарий таъкидлаган **қаźрынды** сўзидан кўриниб турибди [Девон, II, 310. Бу сўз асли **қаźырын–** шаклига эга бўлган, **–(ы)р** қисми кучайтириш маъносини, **–(ы)н** қисми 'ўзлик' маъносини ифодалаган].

ҚАЙҒУР– 'қайғу–алам чек–', 'ғам е–'. ***Қаҳрамон қизнинг фожиали ўлимини эшитганлар ҳаммаси қ а й ғ у р и б йиғладилар*** (Жуманиёз Шарипов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл (Девон, III, 211) 'ғам–алам' маъносини англатувчи **қайғу** отидан **–р** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(қаź– + ғу = қаźғу > қайғу) + р = қайғур– > қäйғур–.** Сўзлашув нутқида бу сўз таркибидаги **у** унлиси **и** унлисига алмаштирилади: **қäйғур– > қäйғир–.**

ҚАЛА– 'устма–уст зичлаб жойла–', 'тахла–'. ***Газламаларни араваларга тоғ–тоғ қ а л а б, олиб кетадилар*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли қадимги туркий тилдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

'тахла–' 'тартиби билан устма–уст қўй–' маъносини англатган **қа–** феълидан (ДС, 399) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, III, 266); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қа– + ла = қала– > қälä–.**

ҚАЛАЙ 'қандай'. ***Қ а л а й, мулла, бизнинг ёқлар сизга маъқул бўлдими?*** (Парда Турсун). Бу сўз **қäндäй** сўзининг сўзлашув нутқида **нд** товушлари **л** то– вушига алмашган шаклига тенг: **қäндäй > қäläй** (КРС, 329: **қалай II ..** тоже, что **қандай**).

ҚАЛДИРҒОЧ 'қаноти ингичка ва узун, жуда тез учадиган, қора–ола рангли чумчуқсимон қуш'. ***Дарво– захонамизга қ а л д и р ғ о ч ин қўйибди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қарғығач** тарзида (Девон, I, 479, ДС, 426) ва **қарлығач** тарзида (Девон, I, 479; ДС, 428) талаффуз қилинган; ССТТНда **қарлығач, қарлуғач** шаклларида (II, 11), КРСда эса **кардығач, карлығач** шаклларида келтирилган (351–, 352– бетлар). ДСда **қарлығач** бир маъноли экани, **қарғылач** сўзи эса 'кўршапалак'ни ҳам англатиши акс эттирилган. Юқорида келтирилган маълумотларни қиё– сан таҳлил қилиш асосида ўзбек тилидаги сўзнинг товуш жиҳатидан ўзгаришини қуйидагича тасвирлаш мумкин. Бу сўз дастлаб **қарғылач** шаклига эга бўлган, кейин **ғ** ва **л** ундошлари ўрин алмашиб, **қарлығач** шакли, шундан кейин **л** ундоши **д** ундошига алмашиб, **қардығач** шакли юзага келган; ўзбек тилида **қардығач** шаклининг ик– кинчи бўғини охирига **р** ундоши киритилганидан кейин биринчи бўғин охиридаги **р** ундоши **л** ундошига ал– машган; охири биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** ун– лисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қарғылач > қар– лығач > қардығач > қардырғач >қалдырғач > қäлдир– ғâч.**

ҚАЛИН I 'кўндаланг кўлами меъёрдан ортиқ' (яс– си нарса ҳақида). ***[Фосиқ афанди] қ а л и н кўрпача устида савол–жавобга қулоқ солиб ўтирди*** (Мирзака– лон Исмоилий). Бу сўз қадимги туркий тилда **қалын** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (Девон, I, 383; ПДП, 410), кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига ал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

машган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қалын > қälин.** Қадимги туркий тилда кўп маъноли бўлган бу сифат (ДС, 411: 1. 'многочисленный', 2. 'множество', 3. 'толстый') ўзбек тилида фақат бир маънони англатади. Бу сифат асли қадимги туркий тилда 'кўтарил–' маъносини англатган **қалы–** феълидан (ДС, 411) **–н** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак. Қирғиз тилида бу сўз **калың** тарзида талаффуз қилинади, бу ҳол **қälин** сўзи охиридаги **–н** қисми қўшимча эканини кўрсатади. Ўзбек тилида бу сифат **–н** қўшимчаси билан ясалган бўлса, қирғиз тилида **–ң** қўшимчаси билан ясалган (асли **–н** ва **–ң** – бир қўшимчанинг икки кўриниши).

ҚАЛИН II 'никоҳ тўйида қиз учун куёв томонидан бериладиган мол, пул'. ***У тўй шарт–у шароитлари устида, қ а л и н устида савдолашиб ўтирмай, фотиҳага қўл кўтарди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қалын** (ПДП, 410: **қалынсыз** 'без приданного'), **қалың** тарзида (Девон, III, 382) талаффуз қилинган; ҳозирги қирғиз тилида ҳам бу сўз **калың** тарзида талаффуз қилинади (КРС, 334). Ўзбек тилига бу сўзнинг қадимги туркий тилдаги **қалын** кўриниши етиб келган бўлиб, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қалын > қälин.** Бу сўз охиридаги **–н, –ң** қисмлари қўшимчага тенг бўлиб, қадимги туркий тилда мавжуд бўлган, лекин луғатларда ўз аксини топмаган **қал– || қалы–** феълидан от ясаган бўлса керак.

ҚАЛЛИҚ 'унаштирилган қиз (бўлажак куёвга нисбатан)', 'энди турмуш қурган жувон'. ***Абдувоҳоб бўлса .. қора кўз қ а л л и қ ч а с и б и л а н чиқиб, экин экади*** (Ш.Тошматов). Бу сўз асли **қалынлық** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, 'қалин бериб, унаштириб қўйилган қиз' маъносини англатган (КРС, 334: **қалындык II**); кейинчалик ўзбек тилида бу сўз таркибидаги **ын** товушлари талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қалын + лық = қалынлық > қаллық > қälлиқ.** Бу сўз ўзбек тилида **қайлиқ** тарзида ҳам талаффуз қилинади (Бу сўзнинг шундай шакли қирғиз тилига ҳам ўзлашган: КРС, 320).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЛОҚ 'бурун ковагида қотиб қолган мишиқ'. *Боласининг қ а л о ғ и н и эҳтиёт қилиб олиб ташлади.* Бу от эски ўзбек тилида 'тахла–' маъносини англатган **қала–** феълидан (ДС, 410) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қала– + қ = қалақ > қälâқ.**

ҚАЛПОҚ 'юпқа наматдан тепа томони учли қилиб тикилган устки бош кийими', 'қалин матодан тикилган бош кийими'. *У .. эгнига брезент чакмон, бошига оқ намат қ а л п о қ кийган* (Ҳаким Назир). Бундай бош кийими дастлаб наматдан конуссимон шаклда тикилиб, тепа учи анча баланд кўтарилиб турган, одатда бошқа бош кийими устидан кийилган (ССТТН, II. 21); кейинчалик маънода кенгайиш воқе бўлиб, ҳар қандай қалин бош кийимини англата бошлаган. Бу сўзнинг таркибини асли қадимги туркий тилдаги 'кўтарил–' маъносини англатган **қалы–** феълидан (ДС, 411) **–ба** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган деб изоҳлаш мумкин; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **б** ундоши **п** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қалы– + ба = қалыба) + қ = қалыбақ > қалбақ > қалпақ > қälпâқ.**

ҚАЛҚ– қ. **қалқи–**

ҚАЛҚИ– 'пастдан юқорига кўтарил–'. *Дарахтлар ортидан ой қ а л қ и б, секин сузиб кўтарила бошлади* (Ойбек). Бу сўз эски ўзбек тилида қадимги туркий тилдаги 'юқорига кўтарил–' маъносини англатган **қалы–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси қўшилган шаклидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ССТТН, II, 23; КРС, 332; ТРС, 307); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қалы– + қ = қалық–) + ы = қалықы– > қалқы– > қälқи–.** Бу сўз **қалқ–** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ , II, 547).

ҚАЛҚОН 'қилич, найза зарбидан сақланиш учун ташқи томони бўртиқ қилиб ишланган ҳимоя қуроли'.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саидийнинг кўз олдига гижинглаган араб отлари, найза–қ а л қ о н л а р келиб, .. (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қалқан** (Девон, I, 413; ДС, 413), **қалқаң** тарзида (Девон, III, 396; ДС, 413) талаффуз қилинган; кейинчалик **қалқан** шакли ишлатилган (ССТТН, II, 23; КРС, 332; ТРС, 307). Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'юқорига кўтарил–' маъносини англатган **қалы–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–(а)н** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қалы– + қ = қалық–) + ан = қалықан > қалқан > қäлқâн.**

ҚАМАЛ 'ташқи олам билан алоқани узиш даражасидаги қуршов'. ***Етмиш кунлик бир қ а м а л , етмиш кунлик четдан .. муносабатни узиб туриш, албатта, Тошкентни бўлдириб қўйган эди*** (Абдулла Қодирий). Бу от қадимги туркий тилда ҳам 'қуршовга ол–', 'тутқун қил–' маъносини англатган **қама–** феълидан (ПДП, 410) эски ўзбек тилида **–л** қўшимчаси билан ясалган (ССТТН, II, 64; КРС, 335: **камал I** 2. 'осада, окружение, блокада'); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қама– + л = қамал > қäмäл.**

ҚАМАШ– 'нордон нарса таъсирида тишлар бироз беҳол бўл(ди)', 'ўткир ёруғлик таъсирида кўрмай қол–(ди)'. ***Нордон олма экан, тишларим қ а м а ш д и.*** □ ***Тик қуёш тиғларидан кўзи қ а м а ш г а н чол ..*** (Ҳамид Ғулом). Шундай маънони англатган бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'нордон нарсадан тишлар беҳол бўл(ди)' маъносини англатган **қама–** феълидан (Девон, III, 288) 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, II, 125); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қама– + ш = қамаш– > қäмäш–.**

ҚАМИЧ қ. **қамиш**

ҚАМИШ 'сувли ерда ўсадиган, бўғин–бўғин пояли ўсимлик'. ***Қорақамиш сувида қ а м и ш ҳали ҳам кўп ўсади.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от дастлаб **қамуш** тарзида ҳам талаффуз қилиниб, кейинроқ фақат **қамыш** тарзида талаффуз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилина бошлаган (ПДП, 410; ДС, 416, 415); Маҳмуд Кошғарий луғатида бу сўз **қамыш** шаклида келтирилган (Девон, I, 350). Ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қамыш > қämиш.** Сўзлашув нутқида бу сўз **қамич** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ҚАМРА– 'ўраб, қоплаб эгалла–'. ***Коса кўтарган хотин–халаж қозон атрофини қ а м р а б о л д и*** (Парда Турсун). Маҳмуд Кошғарий луғатида **қармашды** сўзи келтирилиб, 'тортиб олишди' маъносини англатиши айтилган (Девон, II, 257). Бу сўз таркибидаги **–ш** қисми 'бирга'(кўплик) маъносини ифодалайди, **–ма** қисми эса кучайтириш маъносини ифодаловчи қўшимча. Демак, **қармашды** сўзига берилган изоҳга кўра **қар–** қисми феълга тенг, лекин бундай феъл манбаларда келтирилмаган. Маҳмуд Кошғарий луғатида келтирилган **қарды** феъли сувнинг тошишини англатиши айтилган (Девон, III, 198). Ана шу феъл асли кенг маънода 'қоплаб эгалла–' маъносини англатган бўлса керак. Юқоридаги маълумотлар асосида **қамра–** феълига қуйидагича изоҳ бериш мумкин: қадимги туркий тилдаги 'қоплаб эгалла–' маъносини англатган **қар–** феълидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ма** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 352: **карма–** 1. 'хватать, ловить'); кейинчалик **рм** ундошлари ўрин алмашган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қар– + ма = қарма– > қамра– > қämрä–.** ЎТИЛда **қарма–** феълли келтирилиб, шевага хос деб белгиланган, ваҳоланки аксинча: **қарма–** бу сўзнинг асл шакли бўлиб, **қамра–** – шеваларда товуш жиҳатидан ўзгарган шакли.

ҚАМТИ 'бир–бирига яқин'. *.. уч киши қ а м т и ўтириб манти тановул қилдилар* (Абдулла Қодирий). Бу равиш эски ўзбек тилида қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'сур–' маъносини англатган **қамыт–** феълидан (ДС, 415: **қамыт–** 'сдвигать') **–ы** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қамыт– + ы > қамты > қämти.** Қадимги туркий тилдаги **қамыт–** сўзи 'йиқил–'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатган **қам–** феълига (ДС, 413) **–(ы)т** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 415).

ҚАМЧИ 'от–уловни юришга ундаш учун ишлатиладиган дастали ва қайиш тасмали уриш асбоби'. ***Раис отига қамчи босиб, идора томон кетди*** (Ойдин). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қамчы** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 335; ДС, 415). Бу от қадимги туркий тилдаги 'ур–', 'калтакла–' маъносини англатган **қам–** феълидан (Девон, II, 35) **–чы** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қам– + чы = қамчы > қäмчи.** Сўзлашув нутқида бу сўз **қамчин** шаклида ҳам ишлатилади (унда **қам–** феълидан **–чин** қўшимчаси билан ясалган бўлади).

ҚАМЧИН қ. **қамчи**

ҚАНДАЙ белги–хусусият тўғрисидаги сўроқ олмоши. ***Эй онажоним, қани энди сен ҳам .. ўз ўғлингнинг қандай одам бўлганини кўрсанг*** (Парда Турсун). Бу сўз эски ўзбек тилида 'қайси' маъносини билдирган **қайу** сўзининг қадимги туркий тилда юзага келган **қан** шаклига (ДС, 418: **қанда**) 'ўхшаш' маъносини ифодаловчи **–дай** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қан + дай = қандай > қäндäй.**

ҚАНИ I қаердалигини сўраш олмоши. ***Нега вақтсиз келдинг? Отабек қани?*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони билдирган бу сўз асли **қаны** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 256; ДС, 418); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қаны > қäни.** Бу сўз асли **қайу** сўзининг товуш жиҳатидан ўзгариши ва янги маъно билдириши йўли балан юзага келган: 1) **й** ундоши **н** ундошига, **у** унлиси **ы** унлисига алмашган: **қайу > қану > қаны;** 2) 'қайси' маъноси асосида 'қайси ерда' маъноси юзага келган.

ҚАНИ II 'таъкид' маъносини ифодаловчи модал сўз. ***Қани, тезроқ бўл , кечикиб қоламиз.*** Бу сўз қадимги туркий тилда киши ёки нарсанинг қаердалигини

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўраш олмоши **қаны I** сўзидан (Девон, III, 256; ДС, 418) эски ўзбек тилида маълум синтактик вазифага бирки— тилиш оқибатида юзага келган маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан: сўроқ олмоши → таъкид сўзи.

ҚАНОТ 'учиш аъзоси'. ***Қуш қ а н о т и б и л а н учиб, қуйруғи билан қўнар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қанат** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 411; Девон, I, 338; ДС, 417); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига ал— машган: **қанат > қänât.**

ҚАНЧА миқдор тўғрисидаги сўроқ олмоши. ***Бир пуд пахтадан қ а н ч а газлама, қ а н ч а ёғ, қанча кунжара, қ а н ч а чигит пўчоқ , линтер чиқади ?*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз қадимги туркий тилда 'қайси' маъносини билдирган **қайу** сўзининг қадимги туркий тилдаги **қан** шаклига чама маъносини ифодаловчи **—ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган(ДС, 418); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қан + ча = қанча > қänчä.**

ҚАПИШ— 'бир—бирини зич ушла—', 'бир—бири билан зич бирлаш—'. ***Йигитнинг қўллари қизнинг бел— ларига чирмашди, кўкраклари бир—бирига қ а п и ш— д и*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда 'бир—бирини уш— ла—', 'бир—бирига ёпиш—' маъносини англатган бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'маҳкам ушла—' маъно— сини англатган **қап—** феълидан биргалик маъносини ифодаловчи **—(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиси— нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қап— + ыш = қапыш— > қäпиш—.** Маъно тараққиёти натижасида 'бир—бирини ушла—' маъноси асосида 'бир—бири билан зич бир— лаш—' маъноси юзага келган.

ҚАППАЙ— 'шишиб, тўлиб кўтарил—', 'дўмбай—'. ***У қ а п п а й г а н эски портфелини ҳовуз бўйидаги супага қўйди, ..*** (Шароф Рашидов). Бу феъл эски ўзбек тилида қадимги туркий тилдаги 'кўтарилган', 'баланд' маъносини англатган **қапа** сифатидан (ДС, 420) **—й** қў— шимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **п** ундоши қатланган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлила— рига алмашган: **қапа + й > қаппай— > қäппай—.** ДСда

www.ziyouz.com kutubxonasi

қапа сўзига **қаба** сўзидан ҳавола қилинган (339– бет); аксинча, **қабар**– сўзига (339– бет) **қапар**– сўзидан (420– бет) ҳавола берилган ва бу сўз асосида ясалган **қабарған** ('волдырь'), **қабарт**– (*побуд. от* **қабар**–) сўзлари келтирилган. Кўринадики, бу сўзнинг асосий шакли **қапа** эмас, **қаба** бўлган. Бу сифат асли **–а** қўшимчаси билан ясалган; демак, қадимги туркий тилда 'шиш–', 'думалоқ шакл ол–' маъносини англатган **қаб**– феъли мавжуд бўлган (Бу фикрни ўсимлик турларидан бирини англатувчи **қабақ** сўзи ҳам тасдиқлайди). Юқоридаги мулоҳазаларга суяниб, **қаппай**– сўзининг таркибини қуйидагича кўрсатиш мумкин: **(қаб**– + **а** = **қаба** > **қапа)** + **й** = **қапай**– > **қаппай**– > **қäппäй**–.

ҚАРА– 'кўриш учун кўзни йўналтир–', 'назар ташла–'. ***Ҳамдам дадасига қ а р а г а н и ч а узоқ туриб қолди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қара**– тарзида талаффуз қилинган (ДС, 424); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қара**– > **қäрä**–.

ҚАРАМ 'бошқа кишига тобе', 'эрксиз', 'боқиманда'. ***Касал ўғил , хотин , боз худо берган набира – ҳаммаси шу чолга қ а р а м*** (Ойбек). Бу сўз эски ўзбек тилида **қара**– феълининг 'қарамоғида боқиманда бўл–' маъносидан **–м** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қара**– + **м** = **қарам** > **қäрäм.**

ҚАРАМА–ҚАРШИ 'бир–бирига зид'; 'бир–бирининг рўпарасида турган', 'рўпара'. ***Бу икки товуш қ а р а м а – қ а р ш и томондан келган кучли тўлқинлардек бир–бири билан тўқнашди*** (Шуҳрат). Бу сўзнинг чизиқча билан ёзилиши унинг асли тожикча **ба** ёрдамчиси қатнашадиган такрор сўз эканидан дарак беради. Ҳақиқатан, Л.З.Будагов луғатида шундай сўз келтирилган: **қаршу бақаршу** (СЅТТН, II, 10). Қадимги туркий тилдаёқ **қаршу** сўзи асосан **қаршы** тарзида талаффуз қилинган. Кейинчалик **ба** ёрдамчиси таркибидаги **б** ундоши **м** ундошига алмашган (Шундай сўз ЎТИЛда берилган: **қаршима–қарши** – II, 558). Сўнгра бу такрор сўзнинг биринчи қисмидаги **ш** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, шундан кейин **ы** унлиси **а** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашган; **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унли— сининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қаршу ба қаршу > қаршыма–қаршы > қарыма–қаршы > қарама–қаршы > қäрämä–қäрши.**

ҚАРАМОҒ 'қарамида, боқимида бўлиш'. *Қ а р а– м о ғ и м д а етти жон бор.* Бу сўз эски ўзбек тилида **қара–** феълининг 'боқиманда бўл–' маъносидан **–мақ** қўшимчасининг **–мағ** шакли билан ясалган; кейинчалик биринчи, иккинчи бўғинлардаги **а** унлилари **ä** унлила— рига, **ғ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қара– + мағ (< мақ) = қарамағ > қäрämâғ.** Нимагадир бу сўз ЎТИЛга ҳам, имло луғатларининг олдинги нашрла— рига ҳам киритилмаган.

ҚАРАТА 'қаратган ҳолда'. *Полковник .. ҳаммага қ а р а т а нутқ сўзлади* (Жуманиёз Шарипов). Бу сўз эски ўзбек тилида **қара–** феълининг 'беткай томони билан бирор нарсага рўпара тур–' маъносидан **–т** орт– тирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган равишдош шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида кўмакчи сўзга айланган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига ал— машган: **(қара– + т = қарат–) + а = қарата > қäрätä.**

ҚАРАШ 'маълум нуқтайи назардан ёндашиш'. *Бола тарбиясига бўлган қ а р а ш и н г и з менга маъқул.* Бу сўз **қäрä–** феълининг 'муҳокама қил–', 'маълум нуқтайи назардан ёндаш–' маъносидан **–ш** ҳаракат номи қўшимчаси билан ҳосил қилинган; маъно тараққиёти натижасида отта айланган: **қäрä– + ш = қäрäш** (ҳаракат номи) → **қäрäш** (от).

ҚАРАШ– I 'кўмаклаш–', 'ёрдам бер–'. *Қизча онасининг ишларига қ а р а ш а бошлади.* Бу сўз **қäрä–** феълининг 'маълум бир ишларни бажар–' маъно қиррасидан 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшим– часи билан ҳосил қилинган: **қäрä– + ш = қäрäш–.** Кўп— лик маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан 'би– роз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси ўзаро омо– ним; шунга кўра бу қўшимчалар билан ҳосил қилинган сўзлар ҳам омоним бўлади; демак, луғатта булар икки сўз сифатида киритилиши лозим (ЎТИЛда бу омоним сўзлар бир сўзнинг икки маъноси сифатида берилган): **қäрäшди I** – 'қарадилар', **қäрäшди II** – 'ёрдам берди'.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАРАШ– II қ. **қараш– I**

ҚАРДОШ 'дўстлик, биродарлик алоқаси билан боғланган', 'бир–бирига жуда яқин'. ***Оға–ини, қ а р – д о ш и м д а н, Барчасидан жудо бўлдим*** ("Равшан"). Қадимги туркий тил акс эттирилган манбаларда бундай сўз йўқ, **қадаш** (ПДП, 409; ДС, 401; Девон I, 386) ва **қарындаш** (ПДП, 412; ДС, 427; Девон, I, 386) сўзлари келтирилган; **қардаш (қардеш)** сўзи эса ТРСнинг 317–бетида берилиб, ундан ясалишлар келтирилган. Шу луғатнинг 319– бетида **қарындаш** сўзи ва ундан ясалишлар саналиб, **қардаш** сўзи ва ундан ясалишларга ҳавола қилинган. Бу маълумотлар **қардаш** сўзи **қарындаш** сўзидан кейин, шу сўзнинг товуш жиҳатидан ўзгариши натижасида юзага келганини кўрсатади. Демак, қадимги туркий тилда 'овқат ҳазм қилиш аъзоси', 'ошқозон' маъносини англатувчи **қарын** сўзидан 'бирга' маъносини ифодаловчи **–даш** қўшимчаси билан **қарындаш** сўзи ясалган; кейинчалик **ын** товушлари талаффуз қилинмай қўйиб (ИРЛТЯ, 38), **қардаш** шакли юзага келган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қарын + даш = қарындаш > қардаш > қäрдâш.** Бу икки сўз кейинчалик маъно жиҳатидан ҳам фарқланган: **қäрдâш** – 'бир–бирига жуда яқин дўст', **қäриндâш** – 'туғишган'. Маҳмуд Кошғарий қадимги туркий тилда 'биродар' маъноси **қадаш** сўзи билан ҳам англатилганини ва бу сўз 'идиш' (бу ерда 'қорин') маъносини англатган **қа** сўзидан **–даш** қўшимчаси билан ясалганини таъкидлайди (Девон, I, 386). Бу изоҳ ҳам **қардаш** сўзининг **қарындаш** сўзи асосида юзага келганини тасдиқлайди.

ҚАРИ I 'кўкрак ўртасидан қўлнинг учигача бўлган узунлик ўлчови' (турли жойда турлича узунликни билдирган). ***Иштонсизнинг тушига икки қ а р и бўз кирибди*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай ўлчов бирлигини англатган бу сўз асли 'қўлнинг елкадан тирсаккача бўлган қисми' маъносини англатган **қар** отидан (ДС, 422) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 426: **қары I**; Девон, III, 242): ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмаш–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қар + ы = қары > қäри.** Бу сўз асли 'қўлнинг тирсаккача бўлган қисми'ни англатган (ДС, 426), кейинчалик маъно тараққиёти натижасида ҳозирги маъноси юзага келган.

ҚАРИ II 'кўп яшаган', 'кекса'. ***Қ а р и билганини пари билмас*** (Мақол). Бу сифат асли қадимги туркий тилда 'кексай–' маъносини англатган **қары–** феълидан (ДС, 426; Девон, III, 279) маъно тараққиёти йўли билан ажралиб чиққан: 'ҳаракат' → 'шундай ҳаракат, оқибатида воқе бўладиган ҳолат'; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қары– > қары > қäри.**

ҚАРИ– 'кексай–', 'қартай–'. ***Мени сўраманг, мен энди қ а р и б қ о л д и м*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қары–** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 412; ДС, 426; Девон, III, 279); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қары– > қäри–.** Бу феъл асли **–ы** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак, лекин манбаларда бундай ясалишга асос бўлган сўз келтирилмаган.

ҚАРИЙА 'иззат–икромга лойиқ қари киши (эркак, аёл)'. ***Қ а р и я л а р дастурхонга фотиҳа ўқишгач ҳамма ўрнидан турди*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз 'кўп яшаган', 'кекса' маъносини англатувчи **қары** сўзига 'иззат–икром' маъносини ифодаловчи **–йа** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган [КРС, 356: **кария** 1. 'старик', 2. 'старейшина', 3. почтительное обращение к старому человеку (мужчине и женшине)]; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қары + йа = қарыйа > қäрийä.**

ҚАРИМСИҚ 'қарига ўхшаб кўринадиган', 'кўриниши қари'. ***У қирқ ёшларга бормаган. Лекин кўриниши қ а р и м с и қ*** (Ҳ.Нуъмон ва А.Шораҳмедов). Бу сифат эски ўзбек тилида 'кексай–' маъносини англатувчи **қары–** феълидан **–м** қўшимчаси билан ясалган отга **–сы** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқолган: **[(қары– + м = қарым) + сы = қарымсы–] + қ = қарымсық > қäримсиқ.**

ҚАРИНДОШ 'туғишган киши','бир аждодга мансуб кишилар бир–бирларига нисбатан'. ***Бемеҳр қ а р и н д о ш д а н меҳрибон дўст яхши*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз 'овқат ҳазм қилиш аъзоси' маъносини англатувчи **қарын** сўзидан 'бирга' маъносини ифодаловчи **–даш** қўшимчаси билан ясалган (ПДП, 412; ДС, 427; Девон, I, 386); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унли– сига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қарын + даш = қарындаш > қäриндâш.**

ҚАРИЧ 'ёзилган панжанинг бош бармоқ учидан жимжилоқ учигача бўлган узунлик', 'шундай узунлик ўлчови'. ***Тоғдан эсган шабада ердан бир ярим қ а р и ч кўтарилган ғўзаларнинг баргларини шивирлайди*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'кўкрак ўртасидан қўлнинг учигача бўлган узунлик' маъносини англатган **қары** отидан (Девон, III, 242, ; ДС, 426) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, I, 350; ССТТН, II, 13; ТРС, 319; КРС, 356); кейинчалик ўзбек тилида **–ш** қўшимчаси **–ч** шак– лига алмашган; **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унли– сининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қары + ш = қарыш > қарыч > қäрич.**

ҚАРМОҚ 'балиқ овлашда ишлатиладиган ўткир учли махсус илгак'. ***Куни билан ўтириб, қ а р м о ғ и г а битта ҳам балиқ илинмабди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'қоплаб эгалла–' маъносини англатган **қар–** феълининг (Девон, III, 198) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ма** қўшим– часи билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 428); кейинчалик ўзбек тилида би– ринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олди– даги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қар– + ма = қарма–) + қ = қармақ > қäрмâқ.**

ҚАРОҚ 'кўз', 'кўз қорачиғи'. ***Сенга қийин .. Аммо бошқаларга ҳам осон эмас, қ а р о ғ и м*** (Одил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёқубов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'назар ташла–', 'кўр–' маъносини англатувчи **қара–** феълидан (ДС, 424) **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 425: **қарақ**); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қара– + қ = қарақ >қäрâқ.** Бу сўз охиридаги **қ** ундошининг **ғ** ундошига алмашуви эгалик қўшимчаси қўшилиши билан воқе бўладиган нутқий ҳодиса: **қäрâқ + им > қäрâғим** каби. Бу сўзнинг ЎТИЛга **қароғ** шаклида киритилиши тўғри эмас.

ҚАРОҚЧИ 'йўлтўсар', 'босқинчи'. ***"Дод! Войдод! Қ а р о қ ч и л а р босди!!" Довон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз (ДС, 425) асли 'босқин', 'талон–торож' маъносини англатган **қарақ** сўзидан (ССТТН, II, 46) **–чы** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қара– + қ = қарақ) + чы = қарақчы > қäрâқчи. Қарақ** сўзи асли 'пойлаш' маъносини англатиб, **қара–** феълининг **'пойла–'** маъносидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган.

ҚАРОҒ қ. **қароқ**

ҚАРСАК 'кафтларни бир–бирига урганда чиқадиган товуш', 'чапак'. ***Оломоннинг қ а р с а г и остида Нарзи тоға дастурхон кўтариб вагонга чиқиб борди*** (Ш.Тошматов). Бу от эски ўзбек тилида **қарс** товушга тақлид сўзидан (Девон, I, 333: **қарс–қарс** – 'қўл уриш, чапак чалишдан чиққан товуш') **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга (ССТТН, II, 49: **қарсамақ** 'битъ в ладоши') **–к** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(қарс + а = қарса–) + к = қарсак > қäрсäк.**

ҚАРТАЙ– 'қари–', 'кексай–'. ***Қ а р т а й с а н г и з ҳам, қуюлмайсиз*** (Ҳаким Назир). Бу феъл 'кексай–' маъносини англатувчи **қары–** феълидан (Девон, III, 279) **–т** қўшимчаси билан ясалган отта (ДС, 429) эски ўзбек тилида **–(а)й** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(қары– +т = қарыт) + ай = қарытай– > қартай– > қäртäй–.**

ҚАРТАҢ: 'кексая бошлаган киши'. ***Катта сув бўйига қурилган чойхонадаги қ а р и – қ а р т а н г ҳам .. ашула тингламоқда*** (Сарвар Азимов). Ўзбек тилида **қари–қартанг** жуфт сўзи таркибида қатнашадиган бу сифат асли 'кекса', 'чол' маъносини англатган **қарт** отидан (ДС, 429; ССТТН, II, 9; КРС, 353) эски ўзбек тилида **–(а)ң** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 354: **картаң** 'стареватый, начинающий стареть'); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қарт + аң = қартаң > қäртäң .**

ҚАРШИ 'фикри, мақсади, манфаати аксинча'; 'рўпара'; 'бирор ҳаракатга жавобан амалга оширилаётган'. ***Эрининг раъйига қ а р ш и боришдан фойда йўқлигини билди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'рўпара бўл–', 'ўзаро жанжаллаш–, душманлаш–' каби маъноларни англатган **қарыш–** феълидан (ДС, 428) **–ы** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 399; ДС, 429); кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қарыш– + ы = қарышы > қаршы > қäрши.**

ҚАРҒА 'патлари қора ёки ола йирик кўчманчи қуш'. ***Қ а р ғ а қ а р ғ а н и н г кўзини чўқимас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қарға** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 401); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган. Бу сўз асли **қарр–қарр** товушга тақлид сўзидан **–ға** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак: **қарр + ға = қаррға > қарға > қäрғä.**

ҚАРҒА– 'ёмонлик тилаб койи–'. ***Қиз Мирзакаримбойни, .. тўраларни қ а р ғ а д и, уларга ўлим тилади*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қарға–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 304). Маҳмуд Кошғарий бу сўзга доир қизиқарли бир маълумотни келтиради: "Худо қарғаса, **қ а р ғ а д ы,** одам қарғаса, **қырғады** дейилади, бу қарғишларни фарқ қилиш учун биринчисида **а** билан, иккинчисида **ы** билан **қырғады** деб талаффуз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган" (Девон, II, 333). Бу сўзларга берилган изоҳлар бошқача фикрга олиб келади: **қарға–** сўзининг маъноси 'проклинать' ('лаънатла–') деб изоҳланган бўлса (ДС, 426), **қырға–** сўзининг маъноси 'бранить' ('ҳақорат қил–') деб изоҳланган (ДС, 445). Маҳмуд Кошғарий **қарға–** сўзидан ясалган **қарғақ** сўзи маъносини 'қарғиш' деб, **қырға–** сўзидан ясалган **қырғағ** сўзининг маъносини 'ғазаб' деб изоҳлаган (Девон, II, 333). Кўрина–дики, бу сўзларнинг ясаш асоси, шунга кўра маъноси ҳам фарқли: **қырға–** феъли қадимги туркий тилдаги 'дарғазаб' маъносини англатган **қыр** сифатидан (ДС, 445) **–ға** қўшимчаси билан ясалган; **қарға–** феълининг таркиб топиши ўзгача. Бу феълни **қарғиш** сўзи билан (ДС, 426; Девон, I, 428) қиёслашдан кўринадики, қадимги туркий тилда 'лаънатла–' маъносини англатган **қарығ–** феъли бўлган, ана шу феълдан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан **қарыға–** сўзи ҳосил қилинган, кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қарығ + а = қарыға– > қарға– > қäрға–.**

ҚАРҒИШ 'ёмонлик тилаб айтиладиган сўзлар'. ***Отинойининг .. оғзидан қ а р ғ и ш ва нолиш ари–май қолди*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли ўша даврда мавжуд бўлиб, 'лаънатла–' маъносини англатган **қа–рығ–** феълидан **–(ы)ш** қўшимчаси билан ясалган; кейин–чалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилда **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қарығ– + ыш = қарығыш > қарғыш> қäрғиш.** Турк тилида **қарға–** феъли **қарғы–** тарзида талаффуз қилиниши айтилган ва **қарғиш** сўзи ҳам келтирилган (ТРС, 318: **каргымак** – 'проклинять'; **каргыш** – 'проклятие').

ҚАСМОҚ 'кийим–кечак устида пайдо бўлган кир қатлами'. ***Шунча юриб, нима орттирдинг? Мана шу жулдур чопон билан қ а с м о қ дўппинами?*** (Сайид Аҳмад). Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'тери', 'пўстлоқ' маъносини англатган **қас** отидан (ДС, 430) эски ўзбек тилида **–ма (< –ба)** қўшимчаси билан ясал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши ол–дидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қас + ма = қасма–) + қ = қасмақ > қäсмâқ.**

ҚАСҚОН 'гардиш'; 'лаппаклар қўйиб манти пиширадиган махсус қозон'. Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'тери', 'пўстлоқ' маъносини англатган **қас** отидан (ДС, 430) эски ўзбек тилида **–қа** қўшимчаси билан ясалган феълга **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қас + қа = қасқа–) + н = қасқан > қäсқân.**

ҚАТ I 'қават', 'тахлам'. ***Азмиддин бир варақ қоғоздаги бир неча қ а т букланган хатни олиб, чироқ шуъласига тутиб кўздан кечирди*** (Ҳамид Ғулом). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'тахла–' маъносини англатган **қа–** феълидан (Девон, III, 266) **–т** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 432; Девон, I, 311); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган : **қа– + т > қат > қät I.**

ҚАТ II 'марта', 'карра'. ***[Электр] деҳқончиликни уч қ а т юқорига кўтаради*** (Ойбек). Бу сўз **қат I** сўзининг **қат–қат** такрор шаклидан маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан: **қат–қат** = 'бир неча қат' → (миқдор сифатловчиси) **қат II.**

ҚАТИМ 'узунлиги тикилаётган нарса билан ёзилган қўл учи оралиғига тенг'. ***Қудажон, бемалол бўлса, ўша ҳаворанг ипакдан бир қ а т и м беринг*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида 'парча', 'бўлак' маъносини англатган (ССТТН, II, 6); кейинчалик маънода торайиш, хосланиш воқе бўлиб, фақат ипга нисбатан ишлатиладиган бўлган; асли бу сўз **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалгани шубҳасиз, лекин манбаларда 'қисмларга ажрат–' каби маънони англатувчи феъл ўз аксини топмаган.

ҚАТИРМА 'оширилмаган хамирдан қозонда ёғсиз пиширадиган юпқа емиш'. ***Отасига деб хурмачага солинган ошнинг устига битта қ а т и р м а н и ёпиб, рўмолчага тугди–да, чиқиб кетди*** (Ойдин). Бу от 'қаттиқ ҳолатга кел–' маъносини англатувчи **қат– I** феълининг (ДС, 432) **–(ы)р** орттирма қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил қилинган шаклидан **–ма** қўшимчаси билан эски ўзбек тилида ясалган (КРС, 361); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қат– I + ыр = қатыр–) + ма = қатырма > қätирмä.** Қадимги туркий тилда шундай маъно **қатма** сўзи билан англатилган (Девон, I, 407). Бу сўз бевосита **қат–** I феълидан **–ма** қўшимчаси билан ясалган.

ҚАТИҚ 'қайнатилган илиқ сутга қатиқдан томизғи солиб тайёрланадиган маҳсулот'. ***Сутдан оғзи куйган қ а т и қ н и ҳам пуфлаб ичади*** (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда 'аралаштир–', 'қўш–' маъносини англатувчи **қат–** феълидан (ДС, 432: **қат– II) –(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 382); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қат– + ық = қатық > қä–тиқ.** Қадимги туркий тилда **қатық** сўзи 'овқатга қўшиб истеъмол қилинадиган масаллиқ' маъносини англатган (Девон, I, 382), ҳозирги маъноси маънода торайиш, хосланиш воқе бўлиши натижасида юзага келган.

ҚАТЛА 'марта', 'карра'. ***Шукур, худога минг қ а т л а шукур, кўзим очиқлигида қизғинамнинг тўйини кўрадиган бўлдим*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида 'марта', 'карра' маъносини англатувчи **қат II** сўзига 'яна', 'билан' маъноларини ифодаловчи **–ла** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ССТТН, II, 4); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қат II + ла = қатла > қätлä.**

ҚАТЛАМ 'бирор нарсанинг ёйиқ қавати'. *.. неча терак бўйи баланд тош қ а т л а м и девордай юксалиб, ..* (Ҳаким Назир). Бу от эски ўзбек тилида 'қават', 'тахлам' маъносини англатувчи **қат I** сўзидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган **қатла–** феълига **–м** қўшимчасини қўшиб ясалган (ССТТН, II, 4); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(қат I + ла = қатла–) + м = қатлам > қätлäм.**

ҚАТЛАМА 'юпқа ёйилган хамирни ёғда пиширib тайёрланган емиш'. ***Патнисларда .. кулча, қовурма чучвара, варақи, қ а т л а м а ва бошқа ҳар нав мева–чевалар*** (Ойбек). Бу от эски ўзбек тилида 'қават', 'тахлам' маъносини англатувчи **қат I** сўзидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган **қатла–** феълига **–ма** қўшим–

www.ziyouz.com kutubxonasi

часини қўшиб ясалган (ССТТН, II, 4); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(қат I + ла = қатла–) + ма = қатлама > қатлämä.**

ҚАТНА– 'маълум бир жойга, машғулотга мунтазам бориб–келиб тур–'. *[Зиёдахон] ўтган йил қиши билан районга докторга қ а т н а д и* (Абдулла Қодирий). Бу феъл қадимги туркий тилда 'қават', 'тахлам' маъносини англатувчи **қат I** сўзидан (Девон, I, 311) **–ла** қўшимчасининг **–на** шакли билан ясалган (Қирғиз тилида бу сўз **қатта–** шаклига эга: КРС, 359); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қат I + на (< ла) = қатна– > қäтнä–.** Бу феъл қадимги туркий тилда 'қайтар–' маъносини англатган бўлиб (ДС, 436), ҳозирги маъноси маъно кенгайиши натижасида юзага келган.

ҚАТНАШ– 'бирор иш–ҳаракатда, муҳокамада иштирок эт–'. *Газета–журналларга қ а т н а ш и б т у р а м а н, яқинда бир кичкина китобим ҳам босилиб чиқди* (Б.Раҳмонов). Бу сўз эски ўзбек тилида 'аралаштир–', 'қўш–' маъносини англатган **қат–** феълининг (ДС, 432: **қат– II**) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан 'бирга' маъносини ифодаловчи **–(а)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; **–(а)ш** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(қат– + ын = қатын–) + аш = қатынаш– > қатнаш– > қäтнäш–.**

ҚАТТИҚ 'таркиб топтирувчилари зич жойлашгани, узоқ туриб қолгани каби сабабларга кўра синдириш, қирқиш, чопиш қийин бўлган'. *Бу ёқнинг тоши у ёқники сингари қ а т т и қ , яхлит эмас , жуда бўш, гўраша эди* (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва яна бир неча маъноларни англатган бу сифат асли 'қаттиқ ҳолатга кел–' маъносини англатувчи **қат–** феълидан (ДС, 432: **қат– I**) **–(ы)ғ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 356: **қатығ**); ўзбек тилида **т** ундоши қатланган; кейинчалик сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қат– I + ығ = қатығ > қаттығ > қäттиқ.** Ҳозирги ўзбек тили баён қилинган адабиётларда "**қот(моқ)**

www.ziyouz.com kutubxonasi

феълидан **–қ** қўшимчаси билан сифат ясалганда **о(â)** унлиси **а(ä)** унлисига алмашади" деб изоҳлаш мавжуд; ваҳоланки бу сифат қадимги туркий тилда **қат–** феъли–дан ясалган, бу сўз таркибида қадимги туркий тилдаёқ бироз ортқироқ кенг унли товуш қатнашган, ана шу унли кейинчалик ўзбек тилида **ä** унлисига алмашган. Кўринадики, ҳозирги ўзбек тилидаги **о(â)** унлисининг **а(ä)** унлисига алмашуви ҳақида гапириш ноўрин. Ушбу сифат туркий тилларда **қаты** (ССТТН, II, 5; ТРС, 323), **катуу** (КРС, 360) каби шаклларда мавжуд. **Қатығ (қаттиқ)** си–фатидан фарқли ҳолда, **қаты, қатуу** сифати **қат–** I феълидан **–ы** (> **–у**) қўшимчаси билан ясалган. Демак, **қатығ (қаттиқ)** ва **қаты** сўзларини бир сўзнинг икки кўриниши деб қараш хато.

ҚАТҚАЛОҚ 'нам тупроқнинг устки музлаган қат–лами'. ***Кўча музлаб, қ а т қ а л о қ ва тойғоқ ҳосил бўлибди*** (Иброҳим Раҳим). Бу сўз эски ўзбек тилида 'қаттиқ ҳолатга кел–' маъносини англатувчи **қат–** феълидан (ДС, 432: **қат–** I) **–қа** қўшимчаси билан ясал–ган отта кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–лақ** қў–шимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик биринчи, иккинчи бўғинлардаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қат– I + қа = қатқа) + лақ = қатқалақ > қätқälâқ.**

ҚАЧОН 'қайси вақт'. ***Қ а ч о н керак бўлсам, айт, югуриб келаман*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги тур–кий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қачан** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 409; ДС, 400; Девон, I, 383); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига ал–машган: **қачан > қäчâн.** Бу сўз асли 'қайси' маъносини билдирувчи **қайу** сўзи билан (Девон, III, 237) 'вақт', 'пайт' маъносини англатувчи **чақ** сўзидан (ДС, 139) тузилган бирикмага қадимги восита келишигининг **–(ы)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; **–(ы)н** қўшимчаси қўшилганидан кейин **чақ** сўзи охиридаги **қ** ундоши **ғ** ундошига алмашган; сўнгра аввал иккинчи бўғиндаги тор унли, кейин **ғы** товушлари, охири **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйган: **(қайу чақ) + ын = қайучақын > қайучағын > қайчағын > қайчан > қачан > қäчâн.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАШИ– 'баданнинг бирор ери қичишини босиш учун тирноқ ёки тароқ билан тирна–'. *У кўзини қисиб, ручканинг думи билан пешанасини қ а ш и б узоқ ўйлади* (Ҳаким Назир). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қашы**– тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 283); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қашы**– > **қäши**–. Бу феъл асли **–ы** қўшимчаси билан ясалган, лекин манбаларда бундай ясалиш учун асос бўлган сўз келтирилмаган ('қичиш' маъносини англатган от бўлса керак).

ҚАШЛА– 'кўп марта қаши–', 'қашлағич билан тозала–'. *Бек отнинг ёлини силади, ерда ётган қашлағични олиб, яғринини, сонларини қ а ш л а д и* (Ҳамид Ғулом). Бу сўз эски ўзбек тилида **қашы**– феълига 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қашы**– + **ла** = **қашыла**– > **қашла**– > **қäшлä**–. Худди шундай маъноли сўз қирғиз тилида **қашы**– сўзидан **–ғыла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 364: **қашығыла**– *многократ. от* **қашы**–).

ҚАШШАҢ 'сурбет', 'суллоҳ'; 'асов'. *Шу ёшга кириб, сендек қ а ш ш а н г болани кўрганим йўқ.* Қадимги туркий тилда бу сўз асли **қашаң** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, 'паст', 'пасткаш' маъносини англатган (Девон, III, 380). Шу сўз қирғиз тилида 'ялқов', 'палид' маъносини англатиши таъкидланган (КРС, 363: **кашаң** I). Кўринадики, бу сўз салбий хислатни билдиради–ю, унинг мундарижаси тилдан тилга фарқли бўлади. Товуш жиҳатидан ўзбек тилида бу сўз таркибидаги **ш** ундоши қатланган (шу усул билан маъно кучайтирилган), **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қашаң** > **қашшаң** > **қäшшäң** . Қирғиз тилида бу сўзнинг **кашаң** ва **кашак** шаклларида келтирилиши (КРС, 363) бу сўзлар охиридаги **–ң** , **–к** қисми қўшимча эканини кўрсатади, лекин бундай ясалишлар учун асос бўлган сўз манбаларда келтирилмаган.

ҚАШҚА 'ҳайвоннинг пешанасидаги оқ жой'. *Йигит ёшимгача қишлоқда эдим, Қуёнларим – қ а ш қ а, тойчоғим – тўриқ* (Миртемир). Қадимги туркий тилда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қашға** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (ДС, 431), эски ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган (КРС, 363: **кашка**); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қашға > қашқа > қäшқä.**

ҚАҚИЛДОҚ 'билағонлик қилиб кўп гапирадиган', 'маҳмадона'. ***О, мунча қақилдоқ экан бу қиз*** (Ойбек). Бу сифат эски ўзбек тилида **қақ–қақ** товушга тақлид сўзидан **–ылла** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи **л** ундоши **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қақ + ылла = қақылла–) + қ = қақыллақ > қақылдақ > қäқилдâқ.**

ҚАҚИР 'сувсизликдан қақраган'. ***Ташналаб ётган қақир чўлларни ҳосилдор этиб, Боғ–у бўстон–у экинзор этгали имкони сув*** (Ҳабибий). Бундай маъноли сўз қадимги туркий тил акс эттирилган манбаларда келтирилмаган. Шунга қарамай очиқ кўриниб турибдики, бу сифат **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган; унда **қақ–** қисми 'сувсизлан–' маъносини англатган феъл бўлиши керак, лекин бундай сўз манбаларда ўз аксини топмаган. Қадимги туркий тилда кўпгина бир бўғинли от ёки сифат сўзларнинг феъл эши бўлганига ишониш мумкин. Демак, **қақыр** сифати асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'сувсизлан–' маъносини англатган **қақ–** феълидан **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган; бу сўзни **қақ–** феълидан **–(ы)р** қўшимчаси билан сифатдош шакли ҳосил қилинган ва у маъно тараққиёти натижасида сифатга кўчган деб ҳам изоҳлаш мумкин; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қақ– + ыр = қақыр > қäқир.**

ҚАҚРА– 'сувсизликдан қуриб қол–'. ***Кимсасиз чўл. Қуёшнинг жазирама иссиғидан ҳамма ёқ қақраб кетган*** (А.Ҳайдаров). Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'сувсизлан–' маъносини англатган **қақ–** феълидан **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган **қақыр** сифатига **–а** қўшимчасини қўшиб ясалган; қадим–

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги туркий тилдаёқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, II, 255: **қақрашды**); ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(қақ–** + **ыр** = **қақыр)** + **а** = **қақыра–** > **қақра–** > **қäқрä–.**

ҚАҚША– I 'зир титра–', 'кучли даражада эзил–'. ***Жуда хунук иш бўлди–да. Онаси зор қ а қ ш а б қидириб юргандир*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз эски ўзбек тилида 'секин зарба бер–' маъносини англатувчи **қақ–** феълидан (Девон, II, 338) 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ша** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 327: **какша–**); кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қақ–** + **ша** = **қақша–** > **қäқшä–.**

ҚАҚША– II 'қуриб қоқ бўл–'. ***Узоқ сувсиз тургандан бочка қуриб, қ а қ ш а б к е т и б д и.*** Бу феъл эски ўзбек тилида 'қуруқ', 'нами йўқ' маъносини англатувчи **қақ** сифатидан (Девон, II, 326) **–шы** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 327: **какшы–** 'сохнуть, высыхать, пересыхать'); кейинчалик иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси биринчи бўғиндаги унлига уйғунлашиб (ёки **–ша** қўшимчасига тақлидан) **а** унлисига алмашган; шундан кейин **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қақ** + **шы** = **қақшы–** > **қақша–** > **қäқшä–.** Бу феъл ЎТИЛда 'зир титра–', 'зор йиғла–' маъносини англатувчи **қақша–** феълининг маъноси сифатида бериб юборилган.

ҚАҚҚАЙ– 'тикка қотиб тур–'. *.. илон ўт орасидан ўрмалаб келиб, атрофни томоша қилаётгандек қ а қ қ а й и б қ о л г а н юмронқозиққа ташланади* (М.Осим). Бу феъл қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'тик ҳолат' маъносини билдирган **қаб** сўзидан **–қай** қўшимчаси билан ясалган (Қадимги туркий тилда **қаба** сифати ҳам шу **қаб** сўзидан ясалган: ДС, 339, 420). Кейинчалик иккинчи бўғин бошидаги **қ** ундоши таъсири билан унинг олдидаги **б** ундоши **қ** ундошига алмашган, сўнгра **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **қаб** + **қай** = **қабқай–** > **қаққай–** > **қäққäй–.**

ҚИЗ 'аёл жинсига мансуб фарзанд', 'балоғат ёшига етмаган аёл'. *Қ и з и м, сенга айтаман, келиним, сен эшит* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қыз** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 315; ДС , 449); кейинчалик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыз > қиз.**

ҚИЗАМИҚ 'болаларда баданга қизил тошма тошиши ва иситма билан кечадиган юқумли касаллик'. ***Онанинг назарида қизининг юзига қизамиқ тошиб, шабадада сувланиб кетганга ўхшарди*** (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'қизил тус ол–' маъносини англатган **қыз–** феълининг (ДС, 450) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–муқ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида учинчи бўғиндаги **у** унлиси **ы** унлисига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, сўнгра **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қыз– + а = қыза–) + муқ = қызамуқ > қызамық > қизämиқ.** Бу от Маҳмуд Кошғарий луғатида **қызламуқ** шаклида келтирилган (Девон, I, 480); бу сўз таркибида кучайтириш маъноси **–ла** қўшимчаси билан ифодаланган.

ҚИЗАР– 'қизил тусга кир–'. ***Шарқ уфқи қон пуркалгандай қ и з а р д и*** (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатувчи бу сўз асли 'қизил тус ол–' маъносини англатган **қыз–** феълидан (ДС, 450) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (Девон, II, 81); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыз– + ар = қызар– > қизäр–.**

ҚИЗДИР– 'иситиб, куйдирадиган ҳолатга етказ–'; 'доғ қил– (ёғни)'. ***Ўтнинг ҳарорати Эргашевнинг юзини қ и з д и р и б, бурқиб чиқаётган тутун эса нафасини бўғар эди*** (Назир Сафаров). Бу сўз эски ўзбек тилидаги 'исиб, куйдирадиган ҳолатга ет–' маъносини англатган **қызы–** феълидан (КРС, 477) **–дыр** орттирма қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қызы– + дыр = қызыдыр– > қыздыр– > қиздир–.**

ҚИЗИ– 'исиб, куйдирадиган ҳолатга ет–', 'ҳарорати кўтарил–'. .. ***ҳар бир чўян чўмични кўтарган сари қип–қизил мисдай қ и з и б к е т а д и киши***

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Ойбек). Бу сўз қадимги туркий тилдаги **қыз–** феъли–нинг 'ҳарорати кўтарил–' маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 477); кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыз– + ы = қызы– > қизи–.**

ҚИЗИЛ 'қон рангидаги', 'алвон'. ***Патнисда тўртта кулча, икки бош қ и з и л чиллаки .. бор эди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли 'қизил тус ол–' маъносини англатган **қыз–** феълидан (ДС, 450) **–(ы)л** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыз– + ыл = қызыл > қизил.**

ҚИЗИҚ I 'ҳарорат кўтарилган пайт'. ***"Ҳамма ёқда сув, ҳамма ёқда дарахт, – деди Ўктам кенг нафас олиб, – бу ерларда саратон қ и з и ғ и билинмаса керак"*** (Ойбек). Бу от эски ўзбек тилида 'исиб, куйди–радиган ҳолатга ет–' маъносини англатувчи **қызы–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қызы– + қ = қызық > қизиқ I.**

ҚИЗИҚ II 'кишида қизиқиш, ажабланиш уйғотадиган', 'қизиқарли', 'ғалати'. ***Пахта байрами ҳеч қаерда Мирзачўлдагидек қ и з и қ ўтмаса керак*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сифат эски ўзбек тилида **қызы–** феълининг 'ҳарорати кўтарил–' маъносидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қызы– + қ = қызық > қизиқ.**

ҚИЗИҚ– 'диққат–эътибор бер–', 'сўраб–суриштир–'; 'берил–'. ***Биз .. энди эсини таниган боладаймиз: кўп нарсага қ и з и қ а м и з, кўп нарсани билгимиз келади*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида 'ҳарорати кўтарил–' маъносини англатган **қызы–** феълига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қызы– + қ = қызық– > қизиқ–.**

ҚИЗҒАЛДОҚ: 'баҳорда очиладиган лоласимон гулли ёввойи ўт'. ***Мол боқиб юрган болалар онда–сонда кўринган л о л а қ и з ғ а л д о қ ва чучмомаларни***

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзлариники қилишга талашиб юрардилар (Абдулла Қодирий). **Лолақизғалдоқ** қўшма сўзи таркибида қатнашадиган бу от асли қадимги туркий тилда 'қизил тус ол–' маъносини англатган **қыз–** феълининг (ДС, 450) эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчасини ҳамда 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–дақ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(қыз– + ға = қызға–) + л = қызғал–] + дақ = қызғалдақ > қизғäлдâқ.**

ҚИЗҒАН– 'бирор нарсани кимгадир беришга ор-рин–'; 'рашк қил–'. *Айрон сўраб келгандан чела-гингни ҳам қ и з ғ а н м а* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'нима-нидир бирор нарса орасида куч билан сиқ–' маъносини англатувчи **қыс–** феълига (Девон, II, 18; ДС, 447: **қыс– I** 'сжиматъ, сдавливатъ, стискиватъ') кучайтириш маъно-сини ифодаловчи **–ға** қўшимчасини ва 'ўзлик' маъноси-ни ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, II, 291; ДС, 447); кейинчалик **с** ундоши **ғ** ундоши-нинг таъсирида **з** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмаш-ган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қыс– + ға = қысға–) + н = қысған– > қызған– > қизғän–.**

ҚИЗҒИН 'ўта иссиқ', 'куйдирувчи', 'жўшқин'. *Қ и з ғ и н қум остидан янгигина келтирилган тўрт дона кўмач иштаҳаларни ўзига тортар эди* (Садрид-дин Айний). Бу сифат қадимги туркий тилдаги 'ҳарора-ти кўтарил–' маъносини англатган **қызы–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ғы** қўшимчаси би-лан ҳосил қилинган шаклидан эски ўзбек тилида **–н** қў-шимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қызы– + ғы = қызығы–) + н = қызығын > қызғын > қизғин.**

ҚИЗҒИШ 'қизилга яқин рангдаги'. *Уфқ қ и з ғ и ш тусга кириб, тонг ёришарди* (Шароф Рашидов). Бу сўз қадимги туркий тилда 'қизил тус ол–' маъносини

www.ziyouz.com kutubxonasi

англатган **қыз–** феълидан (ДС, 450) **–ғу** қўшимчаси билан ясалган сифатга (ДС, 450) эски ўзбек тилида 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **у** унлиси **ы** унлисига алмашган, сўнгра **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қыз– + ғу = қызғу) + ш = қызғуш > қызғыш > қизғиш.**

ҚИЙ 'қўй, эчки, туя қумалоқларидан иборат гўнг қатлами'. ***Қўйларнинг тагида ётган икки йиллик қ и й н и палахса–палахса қилиб кўчирдик.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қығ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 142; ДС, 440), эски ўзбек тилида бу сўз охиридаги **ғ** ундоши **й** ундошига алмашган (ССТТН, II, 101; КРС, 478), кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қығ > қый > қий.**

ҚИЙ– 'қайчи билан кес–'. ***Бу қайчи мато у ёқда турсин, қоғозни ҳам қ и й м а й қ ў й и б д и.*** Қадимги туркий тилда бу феъл **қый–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 440; Девон, III, 264); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қый– > қий–.** Бу феъл аслида 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатган, кейинчалик маънода кенгайиш юз бериб, умуман 'қайчи билан кес–' маъносини англата бошлаган.

ҚИЙА 'бир томони баланд, бир томони паст', 'нишаб'. ***Аксари қ и я жойлардан довон ошиб бориладиган Қайнар йўли ҳозир от–арава учун ёпиқ*** (Суннатилла Анорбоев). Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатган **қый–** феълининг **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган равишдош шаклига тенг бўлиб (ДС, 440: ***қ ы й а бақ–***), маъно тараққиёти натижасида сифатга кўчган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қый– + а = қыйа > қийä.**

ҚИЙИН 'осонлик билан бажариб бўлмайдиган, кўп меҳнат, куч, маблағ, вақт талаб қиладиган'. ***Бу топшириғингизни бажариш ж у д а қ и й и н.*** ДСнинг 442– бетида **қыйыт** сўзига берилган изоҳдан (*мн.ч. на* **–т** *от* **қыйын**) маълум бўладики, қадимги туркий тилда 'машаққат', 'қийинчилик' маъносини англатган **қый**

www.ziyouz.com kutubxonasi

оти мавжуд бўлган, **қыйын** сўзи ана шу **қый** отига 'бирлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 441: **қыйын** 'наказание, кара; мучение, пытка'); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қый + ын = қыйын > қийин.** Маъно тараққиёти натижасида бу от кейинчалик сифатга кўчган.

ҚИЙИҚ I 'ётиқ ҳолатда кесилган'. ***Дераза ойналарига турли шаклда қ и й и қ қоғозлар ёпиштирилган*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатган **қый–** феълидан (ДС, 440) **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қый– + ық = қыйық > қийиқ.**

ҚИЙИҚ II 'асли тўрт бурчак бўлиб, уч бурчак шаклида буклаб белга боғланадиган махсус тикилган мато'. ***Хадича хола бундан олти ой бурун келганида бир қ и й и қ беҳи олиб келди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу от эски ўзбек тилида қадимги туркий тилда ясалган **қыйық** сифатидан маъно тараққиёти йўли билан ўсиб чиққан: 'белги' → 'шундай белгига эга нарса'. Бу сўз кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чä** қўшимчасини қўшиб, **қийиқчä** шаклида ҳам ишлатилади.

ҚИЙИҚЧА қ. **қийиқ II**

ҚИЙМА 'майин қилиб чопилган ёки гўштчопқичдан ўтказилган гўшт'. ***Бу қ и й м а г а яна бироз пиёз қўшинг.*** Бу сўз асли қадимги туркий тилда 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатган **қый–** феълидан **–ма** қўшимчаси билан ясалган сифат бўлиб (Девон, III, 188: **қ ы й – м а ӱгрä**), кейинчалик ишлатилиш доираси ўзгарган, маънода торайиш воқе бўлиб, фақат гўштга нисбат берилган, охири отга кўчган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қый– + ма = қыйма > қиймä.**

ҚИЙНА– 'озор бер–', 'азобла–'. ***Комила оқсоқ қолди, уни баланд пошнали, қошиқдай ихчам туфлиси қ и й н а р эди*** (Ойбек). Бу феъл эски ўзбек тилида қадимги туркий тилдаги 'жазо','қийноқ' маъносини англатган **қыйын** сўзидан (ДС, 441) **–а** қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган; кўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыйын** + **а** = **қыйына–** > **қыйна–** > **қийнä–**.

ҚИЙО қ. **қийа**

ҚИЙОҚ 'узун–узун ингичка кескир баргли кўп йиллик ўт'. ***Қ и ё қ ўрганда эҳтиёт бўлмасанг, қўлингни кесиб кетади.*** Бу от эски ўзбек тилида **қый–** феълининг 'кес–' маъносидан **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган (ССТТН, II, 101; КРС, 502); кейинчалик **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қый–** + **ақ** = **қыйақ** > **қийâқ**.

ҚИЙТИМ 'матони бичганда чиқадиган қинғир–қийшиқ парчалар'. ***Лутфихон .. нимчасининг кисса–сидан бир қ и й т и м йўл–йўл шоҳи олди ва Тожи–бойга узатди*** (Сайид Аҳмад). Бу сўз эски ўзбек тилида 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатувчи **қый–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қый–** + **ыт** = **қыйыт–)** + **ым** = **қыйытым** > **қыйтым** > **қийтим.**

ҚИЙТИҚ 'матони бичганда чиқадиган қинғир–қийшиқ парчалар'. ***Латта, кимхоб тўн бичдим, қ и й т и г и менга тегмади*** (Музайяна Алавия). Бу сўз эски ўзбек тилида 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатувчи **қый–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қый–** + **ыт** = **қыйыт)** + **ық** = **қыйытық** > **қыйтық** > **қийтиқ.**

ҚИЙШАЙ– 'бирор томонга эгил–'. ***Бўрихўжа амаки бироз чап ёнига қ и й ш а й и б юради*** (Мирмуҳсин). Бу феъл эски ўзбек тилидаги 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатувчи **қый–** феълидан **–(ы)ш** қўшимчаси билан ясалган отга **–(а)й** қўшимча–

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини қўшиб ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қый–** + **ыш** = **қыйыш)** + **ай** = **қыйышай–** > **қыйшай–** > **қийшäй–.**

ҚИЙШИҚ 'бироз қийшайган'. ***Паст, баланд ва қ и й ш и қ уйлар орасида режа билан солинган чиройли оқ иморатлар учрар эди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сифат эски ўзбек тилида 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатувчи **қый–** феълининг 'бироз' маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қый–** + **ыш** = **қыйыш–)** + **ық** = **қыйышық** > **қыйшық** > **қийшиқ.**

ҚИЙҚИМ 'матони, қоғозни кесганда ҳосил бўладиган майда–чуйда чиқинди'. ***Моҳир бичиқчи қ и й қ и м н и ҳам оз чиқаради.*** Бу от эски ўзбек тилида 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатувчи **қый–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қый–** + **ық** = **қыйық–)** + **ым** = **қыйықым** > **қыйқым** > **қийқим.**

ҚИЙҚИНДИ 'матони, қоғозни кесганда ҳосил бўладиган чиқинди'. ***Менинг уйимда ҳар хил қ и й қ и н д и л а р бор, ўшани олиб келаман–да, кос–тюмчалар тикамиз*** (Н.Назаров). Бу сўз эски ўзбек тилида 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатувчи **қый–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)н** қўшимчасини, сўнгра **–ды** сифатдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; маъно тараққиёти натижасида бу сўз отга кўчган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белги–

www.ziyouz.com kutubxonasi

си йўқолган: **[(қый– + ық = қыйық–) + ын = қыйықын–] + ды =қыйықынды > қыйқынды > қийқинди.**

ҚИЙҚИР– 'томоқдан бетартиб қаттиқ овоз чиқар–', 'қичқир–'. ***Халқ кулади, олқишлайди, қ и й қ и р а д и*** (Т.Обидов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **қықыр–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 445), айни вақтда **қыйқыр–** шакли ҳам мавжудлигига ишора қилинган (ДС, 442). Маҳмуд Кошғарий луғатидаги **уры қықы** жуфт сўзидан (Девон, III, 247) кўриниб турибдики, қадимги туркий тилда **қықы** оти мавжуд бўлиб, **қық** товушга тақлид сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган. Ўзбек тилидаги **қийқиллä–** феъли эса **қийқ** товушга тақлид сўзидан **–иллä** қўшимчаси билан ясалган. Демак, бу товушга тақлид сўзининг **қық** ва **қийқ** шакллари мавжуд, таҳлил қилинаётган феъл гўё қадимги туркий тилда **қық** шаклидан, ўзбек тилида эса **қыйқ** шаклидан **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қық + ыр = қықыр– > қиқир–; қыйқ + ыр = қыйқыр– > қийқир–.**

ҚИЙҒИР қ. **қирғий**

ҚИЙҒОЧ 'қисиқ, сузук' (кўз); 'қия тушган' (қош); 'қиялама'. ***Қоп–қора чайир юзидан, иягидан қ и й ғ о ч кетган пичоқ изидан .. кўпни кўрганлиги билиниб турарди*** (Асқад Мухтор). Бу сифат эски ўзбек тилида 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатувчи **қый–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–ч** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қый– + ға = қыйға–) + ч = қыйғач > қийғâч.**

ҚИЛ 'ҳайвон думининг, ёлининг узун толаси', 'соч толаси'. ***Арғамчига қ и л қувват*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қыл** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 324; ДС, 442); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыл > қил.**

ҚИЛ– 'бирор фаолиятни амалга ошир–'. ***Қуш уясида кўрганини қ и л а д и*** (Мақол). Қадимги туркий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилда ҳам шундай маънони ва яна бир неча маънони англатган бу феъл асли **қыл–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 33; ДС, 442); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыл– > қил–.**

ҚИЛИЧ 'ханжардан узун бир тиғли қурол'. ***Мудофелар қўлларидаги милтиқ , шашвар, ойболта, қ и л и ч ва найзалари билан тизилишиб олдилар*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қылыч** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 340; ДС, 442); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қылыч > қилич.** Бу от асли **–ч** қўшимчаси билан ясалган, лекин бундай ясалишга асос бўлган феъл манбаларда ўз аксини топмаган.

ҚИЛИҚ 'киши хулқининг ўзига хос (асосан салбий) хислати'. ***"Кечирасиз!" – деди ўз қ и л и ғ и г а уялиб шолғомдай қизариб кетган Мастонов*** (Ғайратий). Бу от қадимги туркий тилда 'бирор фаолиятни амалга ошир–' маъносини англатувчи **қыл–** феълидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 365; ДС, 443); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыл– + ық = қылық > қилиқ.** Бу от қадимги туркий тилда **қылығ** тарзида ҳам талаффуз қилинган (ДС, 443); бундай талаффуз қилиш ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжуд. **Қылық** сўзи асли киши хулқига хос барча хислатларни билдирган, кейинчалик маънода торайиш воқе бўлиб, асосан салбий хислатларнигина билдира бошлаган.

ҚИЛИҒ қ. **қилиқ**

ҚИЛТАНОҚ 'балиқнинг ингичка узун суяги'. ***Бу балиқнинг қ и л т а н о ғ и кўп.*** Бу от эски ўзбек тилида 'жун, соч толаси' маъносини англатувчи **қыл** отидан **–та (< –ла)** қўшимчаси билан ясалган феълнинг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ā** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **{[(қыл + та (< ла) = қылта–] + н = қылтан–} + ақ = қылтанақ> қилтānâқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚИЛТИРИҚ 'дон қобиғи учидаги ингичка узун қилча'; 'жуда ориқ'. ***Унинг кўзлари .. буғдой бошоғининг қ и л т и р и ғ и каби узун киприклари орасидан ўзига тикилган чиройли қора кўзлар билан тўқнашди*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган от Маҳмуд Кошғарий луғатида **қылдруқ** шаклида берилган (Девон, III, 423). **Йалдруқ** ('ялтироқ') сўзи ҳам худди шундай шаклда ёзилган (Девон, III, 438). Туркий сўз таркибида уч ундош (бу сўзларда **лдр** ундошлари) кетма–кет келмаслиги маълум. Демак, бу сўзларни Маҳмуд Кошғарий онгли равишда шундай шаклда келтирган. Девон бўйича тузилган индексга илова қилинган "Грамматик кўрсаткич"да **йалдруқ** сўзи **йал** ва **друқ** қисмларига ажратиб изоҳланган, **друқ** қисми кетига сўроқ аломати қўйилган. Ҳақиқатда, бундай қўшимча борлигини исботлаш қийин. Асли **қылдруқ** сўзи (шунингдек **йалдруқ** сўзи ҳам) билинар–билинмас қимирлашни ифодаловчи **қылт** тақлид сўзидан (ЎТИЛ, II, 578) **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган феълга **–(у)қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; ўзбек тилида учинчи бўғиндаги **у** унлиси **ы** унлисига алмашган, сўнгра **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қылт + ыр = қылтыр–) + уқ = қылтыруқ > қылтырық > қилтириқ.** Бу сўзнинг қадимги туркий тилдаги **қылдруқ** шакли иккинчи бўғиндаги тор унлининг талаффуз қилинмаслиги ва **т** ундошининг **д** ундошига алмашуви натижасида юзага келган: **қылтыруқ > қылдруқ.**

ҚИМИЗ 'бия сутини чайқатиш, шопириш билан тайёрланадиган шифобахш ичимлик'. ***Корсондаги қ и м и з тугаб, шўрва ҳам ичилди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'чайқал–', 'тўлқинлан–' маъносини англатган **қум–** феълидан (Девон, II, 35) **–(у)з** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 466): **қум– + уз = қумуз.** Қадимги туркий тилдаёқ бу сўз **қымыз** тарзида ҳам талаффуз қилинган (Девон, I, 346); ўзбек тилига кейинги шакли етиб келиб, унинг таркибидаги **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қымыз > қимиз.**

ҚИМИРЛА– 'икки ёнга бироз ҳаракатлан–', 'силкин–'. ***Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қ и м и р–***

www.ziyouz.com kutubxonasi

л а м а й д и (Мақол). Бу феъл эски ўзбек тилида кичик ҳажмдаги силкинишни билдирувчи **қымыр** тақлид сўзидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қымыр + ла = қымырла– > қимирлä–**.

ҚИМРОН 'туя сутидан тайёрланадиган қимиз'. *Ҳар бир қозоқнинг ўтовида қимиз, қ и м р о н ёки айрони доим осиғлиқ туради* (М.Муҳаммаджонов). Бу от асли 'қимиз билан сигир сутининг аралашмаси' (ССТТН, II, 64) ёки 'қайнатилган сутнинг сув билан аралашмаси' (КРС, 490) маъносини англатган; кейинчалик ҳозирги маъносини англата бошлаган. Қирғиз тилида бу сўзнинг асосий шакли деб **қымыран** кўрсатилган (КРС, 490). Изоҳлардан аён бўладики, бу от 'бир–бирига бирлашиш' маъносини англатган **қым** сўзидан **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган феълга **–(а)н** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қым + ыр = қымыр–) + ан = қымыран > қымран > қимрâн.**

ҚИМТИ– 'бирлаштир–', 'йиғиштир–'. *Мунисхон тиниқ қизил лабларини қ и м т и б, кулиб юборгани қизиқнинг эҳтиётини қилади* (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида қадимги туркий тилдаги 'сур–' маъносини англатган **қамыт–** сўзининг (ДС, 415: **қамыт–** 'сдвигать') **қымыт–** шаклига (ДС, 144) кучайтириш ('такрор') маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 489: **кымты–**); ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қымыт– + ы = қымыты– > қымты– > қимти–.**

ҚИН 'пичоқ, қилич каби асбобларнинг ғилофи'. *Бир қ и н г а икки қилич сиғмас* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қын** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 327; ДС, 444); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қын > қин.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚИНҒАЙ– 'қийшай–'; 'ғилайлан–'. ***Нарвон қ и н ғ а й и б турибди.*** **Қинқир** сифати билан қиёслашдан маълум бўладики, **қинғай–** феъли 'қийшайган ҳолат' маъносини англатган **қың** сўзидан (КРС, 491) **–(а)й** қўшимчаси билан ясалиб, **қыңай–** тарзида талаффуз қилинган (КРС, 491), кейинчалик **ң** ундоши **нғ** ундошларига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қың** + **ай** = **қыңай–** > **қынғай–** > **қинғäй–.**

ҚИНҒИР 'қийшиқ'; 'қалб'. ***Қ и н ғ и р ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади*** (Мақол). **Қинғай–** феъли билан қиёслашдан маълум бўладики, **қинғир** сўзи қадимги туркий тилда 'қийшай–' маъносини англатган **қың–** феълидан **–(ы)р** сифатдош қўшимчаси билан ҳосил қилинган, маъно тараққиёти натижасида сифатга кўчган; бу сўз асли **қыңыр** тарзида (Девон, III, 374; ДС, 445) талаффуз қилинган, кейинчалик **ң** ундоши **нғ** ундошларига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қың–** + **ыр** = **қыңыр** > **қинғир.**

ҚИПИҚ 'дон қобиғининг тўпони', 'ёғоч, темир кабиларнинг тўпони'. ***Мен крахмал ўрнига гуручдан чиқадиган қ и п и қ н и ишлатмоқчиман*** (Ойдин). Шундай маънони англатувчи сўз қадимги туркий тилда **қавуқ** (ДС, 483), **қавық** (ДС, 436) тарзида талаффуз қилинган. Бу от **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган. Ясаш асоси бўлиб қадимги туркий тилдаги 'ётиқ ҳолатда кес–' маъносини англатган **қый–** феълининг **қав–** шакли хизмат қилган (ДС, 436: **қав–** *см.* **қай– II**; 406: **қай– II** *см.* **қый–**). Кейинчалик **в** ундоши **п** ундошига, **а** унлиси **ы** унлисига алмашган, сўнгра **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қав–** + **ық** = **қавық** > **қапық** > **қыпық** > **қипиқ.**

ҚИР I 'ясси тоғ', 'баланд текислик'. ***Тоғларда конлар, қ и р л а р д а ғалла беҳад*** (Ҳабибий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қыр** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 314; ДС, 445); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыр** > **қир.**

ҚИР II 'чет', 'зиҳ'. ***У эҳтиёткорлик билан кўз қ и р и н и ташлаб қўйди–ю, ..*** (Шароф Рашидов). Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмай, одатда иборалар таркибида қатнашади. Қадимги туркий тил акс эттирилган манбаларда ҳам бу сўз келтирилмаган. ССТТНда (II, 42), КРСда (493) бу сўз ноҳақ равишда **қыр** ('баланд текислик') сўзининг маъноларидан бири сифатида келтирилган. Аслида қадимги туркий тилда 'чет', 'зиҳ' маъносини англатувчи алоҳида сўз бўлган, ЎТИЛда бу сўз **қир II** тарзида келтирилган.

ҚИР– 'бирор нарсанинг сиртини тиғли асбоб билан сидир–', 'тарашла–'. ***Янги сабзини арчиб эмас, қ и р и б тозалашади.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қыр–** тарзида талаффуз қилинган; кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыр– > қир–.**

ҚИРМОЧ 'овқатнинг пиширилаётганда қозон тагига ёпишиб қолган қолдиғи'. ***У қозоннинг қотиб қолган қ и р м о ч л а р и н и қириб емоқда эди*** (Садриддин Айний). Бу сўз эски ўзбек тилида 'сидир–' маъносини англатувчи **қыр–** феълидан **–ма** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ч** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қыр– + ма = қырма) + ч = қырмач > қирмâч.**

ҚИРОВ I 'совуқ таъсирида пайдо бўладиган қорсимон зарралар'. ***Ўша куни совуқ қаттиқ эди .. Соқолларда, мўйловларда, киприкларда қ и р о в*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қырағу** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 417); кейинчалик **ғу** товушлари **в** товушига алмашган (ССТТН, II, 48); ўзбек тилида **в** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қырағу > қырав > қирâв I.**

ҚИРОВ II 'кесиш асбобларининг янги чархланган дамида ҳосил бўладиган зарралар'. ***Бу пичоқларни ҳозир чархладим, ҳали қ и р о в и н и ҳам тўкканим йўқ.*** Бу от **қиров I** сўзини ташқи ўхшашлик асосида (зарра ҳолатига кўра) кесиш асбобларидаги зарраларга ном сифатида кўчириш усули билан юзага келган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚИРОВ III 'молларнинг тилини қоплайдиган қорсимон касаллик'. ***Сигирнинг тилини қ и р о в боғлабди.*** Бу от **қиров I** сўзини ташқи ўхшашлик асосида (оқиш бўртиқлар) касалликка ном сифатида кўчириш усули билан юзага келган.

ҚИРОН 'кўплаб, ёппасига ўлиш, ўлдириш'. ***Қор қалин ёғиб, совуқ Ҳаддидан ошиб кетди. Дон топиб еёлмасдан Қушларга қ и р о н етди*** (Уйғун). Бу сўз эски ўзбек тилида **қыр–** феълининг 'ёппасига ўлдир–' маъносидан (ССТТН, II, 51; КРС, 493: **кыр– III 3**) **–(а)н** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыр– + ан = қыран > қирâн.**

ҚИРРА 'нарса четининг тугаш қисми', 'нарсанинг учли тугаш қисми'. ***Тахтанинг қ и р р а с и қўлимни тилиб кетди.*** Бу сўз асли 'чет', 'зиҳ' маъносини англатган **қир** сўзидан кучайтириш ('энг') маъносини ифодаловчи **–ä** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин **р** ундоши қатланган: **қир + ä > қиррä.**

ҚИРТИШЛА– 'қириб, топ–тоза қил–', 'батамом тозалаб е–'. ***Уйни, айвонни, ҳовлини ҳафсала билан қ и р т и ш л а б супуришни у яхши кўради*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'сидир–' маъносини англатувчи **қыр–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–(ы)т** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(ы)ш** қўшимчаси билан ясалган отга **–ла** қўшимчасини қўшиб ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ДС, 446); ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **[(қыр– + ыт = қырыт–) + ыш = қырытыш] + ла > қыртышла– > қиртишлä–.**

ҚИРЧИ– 'кичик бўлак–бўлак қилиб уз–'. ***У қошидаги гулнора япроғидан биттасини узиб олиб, лаблари орасида қ и р ч и й б о ш л а д и*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўз эски ўзбек тилида 'сидир–' маъносини англатувчи **қыр–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–чы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; ке–

www.ziyouz.com kutubxonasi

йинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыр–** + **чы** = **қырчы–** > **қирчи–.**

ҚИРҚ 'ўттиз билан эллик оралиғидаги ўнлик миқдор'. ***Қ и р қ и г а чидаган қ и р қ бирига ҳам чида*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қырық** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 446), кейинроқ **қырқ** шакли юзага келган (Девон, I, 333); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қырық** > **қырқ** > **қирқ.** Бу сўз охиридаги **–(ы)қ** қисми феълдан от ясовчи қўшимча бўлса керак, лекин манбаларда бу ердаги маънони англатувчи **қыр–** феъли ўз аксини топмаган.

ҚИРҚ– 'кес–'. ***Йўлчи йўғон қамиш топиб, бир қаричдан мўлроқ қ и р қ и б о л д и*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қырқ–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 428; ДС, 446); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қырқ– > қирқ–.**

ҚИРҒИЙ 'тумшуғи калта ва қайрилган, чангали тараққий этган, бедана овига солинадиган йиртқич қуш'. ***Қ и р ғ и й б и л а н бедана овлаш ҳозир деярли йўқ.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'тирна–' маъносини англатувчи **қыр–** феълининг ('чангалга ол–' маъносидан) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ғу** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–й** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **у** унлиси **ы** унлисига алмашган, сўнгра **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қыр–** + **ғу** = **қырғу–)** + **й** = **қырғуй** (ДС, 446) > **қырғый** > **қирғий.** Бу сўз ўзбек тилида **қийғир** шаклида ҳам ишлатилади, бунда биринчи бўғин охиридаги **р** ундоши билан иккинчи бўғин охиридаги **й** ундоши ўрин алмашади: **қирғий** > **қийғир.**

ҚИРҒОҚ 'чет', 'ёқа', 'соҳил'. ***Аму оқар қ и р ғ о қ н и ювиб, Кунлар ўтар кунларни қувиб*** (Ғайратий). Қадимги туркий тилда **қырғағ** тарзида талаффуз қилинган бу сўз 'тўн жияги, чалмаси' маъносини англатган (Девон, II, 333); кейинчалик маъно кенгайиши воқе бўлиб, 'нарсанинг чети, ҳошияси' маъносини англата бошлаган; ҳозирги ўзбек тилида бу сўз асосан

www.ziyouz.com kutubxonasi

'катта оқин сувнинг ёқаси' маъносини англатиш учун ишлатилади. Бу от асли 'чет' маъносини англатувчи **қыр** отидан **–ға** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; товуш жиҳатидан қуйидаги ўзгаришлар содир бўлган: сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қыр + ға = қырға–) + қ = қырғақ > қырғақ > қирғâқ.**

ҚИС– 'бир нарса билан бошқа бир нарсани эз–'. ***У мен билан қўлимни қаттиқ қ и с и б кўришди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қыс–** тарзида талаффуз қилинган; кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыс– > қис–.**

ҚИСИМ 'бармоқларнинг кафтга томон эгилган ҳолати', 'кафтга олинган нарса ўлчами', 'сиқим'. Бу от эски ўзбек тилида 'бир нарса билан бошқа бир нарсани эз–' маъносини англатувчи **қыс–** феълидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыс– + ым = қысым > қисим.**

ҚИСИР 'бўғоз бўлмай қолган'. ***"Астағфирулло", – денг, тўрам! Куни кеча ўзлари қ и с и р ғунажинни бўғоз деб сотдилар*** (Х.Тўхтабоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат **қыс–** феълининг 'сиқилган ҳолатда сақла–' маъносидан **–(ы)р** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 448); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыс– + ыр = қысыр > қисир.** Маҳмуд Кошғарий бу сифатнинг қадимги туркий тилда ҳомиладор бўлмаган аёлга нисбатан ишлатилишини таъкидлаган (Девон, I, 344). Ўзбек тилида маъно ўзгариши содир бўлиб, **қисир** сўзи ҳайвонга нисбатан ишлатиладиган бўлган.

ҚИСТА– 'бирор иш–ҳаракатни қилишга зўр бериб унда–'. ***Унинг мўлжалига кўра Сиддиқжон .. юр деб қ и с т а ш и, ҳол–жонига қўймаслиги керак эди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида **қыс–** феълининг 'сиқиққа ол–' маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчасининг **–та** шаклини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыс– + та (< ла) = қыста– > қистä–.**

ҚИСТАЛАҢ 'қистовли', 'шошилинч'. ***Фарғонанинг боғ ва далалари кўклам либосига бурканмоқда. Деҳқонларнинг иши қ и с т а л а н г келмоқда*** (И.Тўхтасинов). Бу сифат эски ўзбек тилида **қыста–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–ң** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қыста– + ла = қыстала–) + ң = қысталаң > қистäläң.**

ҚИСҚА 'узунлиги меъёрдан оз', 'калта'. ***Зайнаб қ и с қ а бўй, гўштдор ва оқ танли эди (***Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат 'калта қил–' маъносини англатган **қыс–** феълидан (ДС, 447 : **қыс– II**) **–қа** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 448); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган : **қыс– + қа = қысқа > қисқä.** ДСда акс этти–рилишига қараганда бу сифат қадимги туркий тилда асосан **қысға** шаклида ишлатилган.

ҚИСҚАР– 'бўй ўлчами озай–', 'калталаш–'. ***Кун тик келиб, соя қ и с қ а р д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **қысқа** сифати–нинг **қысға** шаклидан (ДС, 447) **–р** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қысға + р = қысғар– > қысқар– > қисқäр–.** ДСнинг 447– бетида **қысғар–** сўзи **қыс– II** сўзига **–ғар** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган деб нотўғри таъкидланган.

ҚИСҚИЧ 'нарсаларни қисиб ушлаш асбоби'. ***[Қудрат] чап қўлидаги узун темир қ и с қ и ч д а қисилган .. темир чўғни сандонда болғаламоқда*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қыс–** феълининг 'сиқиққа ол–' маъносидан **–(ы)ғ** қўшимчаси билан ясалган сифатга (ДС, 447) **–(а)ч** қўшимчасини қўшиб ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 424); кейин–

www.ziyouz.com kutubxonasi

чалик **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган; эски ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ы** унлисига алмашган, сўнгра **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қыс– + ығ = қысығ) + ач = қысығач > қысғач > қысқач > қысқыч > қисқич.** Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида **қысқâч** шаклида ҳам ишлатилади.

ҚИСҚОЧ қ. **қисқич**

ҚИЧИ– 'қичиғи қўзға–'. ***Шу кунларда нимагадир кафтим қ и ч и б т у р и б д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қычы–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 337: **қычыла–**; **–ла** қўшимчаси 'такрор' маъносини ифодалаш учун хизмат қилади); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қычы– > қичи–.**

ҚИШ 'куз билан баҳор оралиғидаги фасл'. ***Эрта қ и ш н и н г совуқ нафаси унинг димоғига гуп этиб урди*** (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қыш** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 320); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыш > қиш.**

ҚИШКИ 'қишга оид', 'қишга хос'. .. ***ер юзи ўзининг қ и ш к и сариқ кийимини кийган эди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **қышқы** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 448); кейинчалик ўзбек тилида қўшимча таркибидаги **қ** ундоши **к** ундошига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қыш + қы = қышқы > қишки.**

ҚИШЛОҚ 'аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган яшаш жойи'. ***Ҳозир қ и ш л о қ л а р н и н г кўпи шаҳар тусига кириб бормоқда.*** Қадимги туркий тилда бу от **қыш** отидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган **қышла–** феълига **–ғ** қўшимчасини қўшиб ясалган (ПДП, 417; Девон, I, 432; ДС, 448), 'аҳолиси ёзда далаларга кетиб, қишда қайтиб келиб яшайдиган жой' маъносини англатган; ҳозирги маъноси ана шу маъно асосида юзага келган; кейинчалик ўзбек тилида бу сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

(қыш + ла = қышла–) + ғ = қышлағ > қышлақ > қишлâқ. Сўзлашув нутқида бу сўз қишлâғ тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ҚИШЛОҚИ 'қишлоқда туғилиб ўсган', 'қишлоқча ҳаёт кечирадиган', 'савияси шаҳарликларга нисбатан қолоқ'. *Бу кишининг қўлтиқбардори бир қишлоқи муллавачча эди* (М.Муҳаммаджонов). Бу сифат эски ўзбек тилида қышлақ отидан –ы қўшимчаси билан ясалган, кейинчалик а унлиси â унлисига алмашган, ы унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: қышлақ + ы = қышлақы > қишлâқи.

ҚОБИҚ 'нарсанинг устини қоплаб турувчи қатлам', 'пўстлоқ'. *Бу ёнғоқнинг мағзи қобиғидан осон ажралар экан.* Бу от асли қадимги туркий тилдаги 'қопла–', 'ёп–' маъносини англатган қабу– феълидан (ДС, 421: қапулуғ 'закрытый, запертый') –қ қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик а унлиси â унлисига, у унлиси и унлисига алмашган: қабу– + қ = қабуқ > қâбиқ.

ҚОВ 'алангасиз куйдирилган пахта' (табобатда яра–чақага қўйилади). *Ёш ҳаким кечгача қилич ярасига қов қўйиб, малҳам суртиш .. билан овора бўлди* (М.Осим). Қадимги туркий тилда 'чақмоқ чақиб ёнди–риладиган пилик' маъносини англатган бу от асли қaw тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 169); кейинчалик а унлиси â унлисига, w ундоши в ундошига алмашган: қaw > қâв; маънода ҳам ўзгариш юз берган: 'ўта қуруқ пахтадан эшилган пилик' – 'оловсиз куйдирилган қуруқ пахта'.

ҚОВЖИРА– 'сувсираб ёки иссиқдан қуриб буж–май–', 'қуруқша–'. *Адолат .. чанқаб, қовжираб турган ҳар бир гўзага ачинарди* (Иброҳим Раҳим). Бу феъл эски ўзбек тилида қав сифатининг (Девон, III, 169) 'қуриган' маъносидан (ССТТН, II, 29: қав 'старая сухая трава'; қавра– 'засохнуть' о траве) 'бироз' маъносини ифодаловчи –жы (< –чы) қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан –ра қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги а унлиси â унлисига, учинчи бўғиндаги а унлиси ä унлисига алмашган, ы унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: [қав + жы (< чы) = қавжы] + ра = қавжыра– > қâвжирä–.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОВЗОҚ 'дуккакли ўсимлик донини, маккажўхори сўтасини ўраб турувчи пўстлоқ'. Бу от қадимги туркий тилдаги 'ўра–' маъносини англатган **қавса–** феълидан (ДС, 437) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **с** ундоши **з** ундошига, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **қавса–** + **қ** = **қавсақ** > **қâвзâқ.** Асли **қавса–** феъли ҳам 'ўраб турувчи нарса', 'идиш' маъносини англатган **қаб** (> **қап)** отидан (ДС, 420) **–са** (< **сы)** қўшимчаси билан ясалган. **Қавзақ (қовзоқ)** сўзи ўзбек тилида **қозâқ (қўзоқ)** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ , II, 630); бунда биринчи бўғиндаги **ав** товушлари **о** унлисига алмашган.

ҚОВИН қ. **қовун**

ҚОВОҚ I 'палак отиб ўсадиган, шапалоқ баргли, карнайсимон йирик сариқ гулли полиз ўсимлиги ва унинг ҳосили'. ***Кечаги қ о в о қ сомса жуда хушхўр экан.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қабақ** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 399); кейинчалик ўзбек тилида **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **қабақ** > **қâвâқ.** Бу сўз асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'думалоқ шакл ол–' маъносини англатган **қаб–** феълидан **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак (**қаппай–** сўзига берилган изоҳга қаранг).

ҚОВОҚ II 'кўз косасининг очилиб–ёпилиб турадиган қобиғи'. ***Миршабнинг осилиб турган қ о в о ғ и н и .. кўриб, Матқовул аллақандай бўлиб кетди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қапақ** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 420: **қапақ II** 'веко'), бу сўзнинг ўша даврда **қабақ** шакли ҳам юзага келган (Девон, I, 363). Асли бу сўз қадимги туркий тилда **қаб** отининг 'идиш', 'ўраб турувчи нарса' маъносидан (ДС, 420) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **қаб + ақ = қабақ** > **қавақ** > **қâвâқ.**

ҚОВУЗ 'тариқ пўсти', 'тариқ пўсти солиб тайёрланадиган бешик тўшаги'. ***Орқасига қаттиқ қ о в у з ботган гўдак чинқириб–чинқириб йиғлайди*** (Ғ.Расул). Бу от қадимги туркий тилдаги 'ўраб турувчи нарса',

www.ziyouz.com kutubxonasi

'идиш' маъносини англатувчи **қаб** отига (Девон, III, 160) **–у (< –ы)** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–з** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига алмашган (СТТН, II, 29); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[қаб + у (< ы) = қабу–] + з = қабуз > қавуз > қâвуз.**

ҚОВУН 'қовоқгўллилар оиласига мансуб, ҳосили йирик, ширин ва этли, ичи ғовак бир йиллик полиз ўсимлиги'. ***Қ о в у н г а қаранг. Ҳар бири туянинг калласидай*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қағун** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 388; ДС, 406); кейинчалик **ғ** ундоши **в** ундошига, ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қағун > қавун > қâвун.** Сўзлашув нутқида бу сўз **қâвин** тарзида ҳам талаффуз қилинади.

ҚОВУР– 'қизитилган ёғда пишир–'. ***У бир қошиқ ёғни қозонга солиб, пиёз қ о в у р д и*** (Ойдин). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асосан **қоғур–** тарзида талаффуз қилинган бўлиб, Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг юмшоқ **w** билан талаффуз қилинадиган шакли ҳам бор деб таъкидлайди (Девон, II, 85). Демак, ўзбек тилида бу сўзнинг **қowур–** шакли таркибидаги **о** унлиси **â** унлисига алмашган, **w** ундоши нинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **қоғур– > қowур– > қовур– > қâвур–.**

ҚОВУРДОҚ 'гўштни, кейин унга пиёз, картошка каби сабзавотларни қўшиб яхшилаб қовуриб, озроқ сув қуйиб димлаб пириладиган қуюқ овқат'. ***У кунги қўзиқорин қ о в у р д о ғ и гўшт қ о в у р д о ғ и д а н ҳам тотлироқ туйилди*** (Садриддин Айний). Бу от қадимги туркий тилдаги 'қизитилган ёғда пишир–' маъносини англатувчи **қоғур–** феълининг эски ўзбек тилида 'такрор' маъносини ифодаловчи **–да (< –ла)** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **о** унлиси **â** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **қ** ундошининг таъсири билан **â** унлисига алмашган: **[қоғур– + да (< ла) = қоғурда–] + қ = қоғурдақ > қâвурдâқ.**

ҚОВУРҒА 'умуртқадан чиқиб, кўкрак қафасини ташкил қиладиган ёйсимон энсиз суяк'. ***Мана, уринг,***

www.ziyouz.com kutubxonasi

синдиринг қ о в у р ғ а м н и! Қўрқмай қўя қолинг, арз қилмайман (Абдулла Қаҳҳор). Бу от қадимги туркий тилда 'ўраб турувчи нарса' маъносини англатган **қаб** сўзидан (Девон, III, 160) **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган феълга **–ға** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(қаб + ур = қабур–) + ға = қабурға > қавурға > қâвурғä.**

ҚОВУС қ. **қовуз**

ҚОВУШ– 'бир–бирига ёпиш–, қўшилиш–'. ***Қўша қаримоққа муҳр босади Ҳаётда икки лаб қ о в у ш – г а н бир зум*** (Ғафур Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қап**– феълининг 'маҳкам ушла–', 'қучоқла–' маъносидан (ДС, 420) бирғалик маъносини ифодаловчи **–(ы)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қадимги туркий тилдаёқ **п** ундоши **б** ундошига алмашган (ДС, 399: **қабыш**– 'объединяться, соединяться, сходиться'), бироз кейин **б** ундоши **в** ундошига алмашган (ДС, 437: **қавыш**–), яна кейинроқ иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашиб, **қавуш**– шакли юзага келган (ДС, 338; Девон, II, 113). Маҳмуд Кошғарий бу сўз таркибида юмшоқ **w** ундоши қатнашувини ва бу ундошни **в** ундошига алмаштириш мумкинлигини алоҳида таъкидлайди (Девон, II, 113). Ўзбек тилида бу сўзнинг биринчи бўғинидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қап– + ыш = қапыш– > қабыш– > қавыш– > қавуш– > қâвуш–.**

ҚОВУШОҚ қ. **қовушқоқ**

ҚОВУШҚОҚ 'бошқа бир нарсага ўта бирлашиб, ёпишиб кетадиган'. ***Кеча сотиб олган изолентам қ о в у ш қ о қ экан.*** Бу сифат эски ўзбек тилида 'бир–бирига ёпиш–', 'қўшилиш–' маъносини англатувчи **қавуш**– феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; **қ, в** ундошлари таъсири билан **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(қавуш– + қа = қавушқа–) + қ = қавушқақ > қâвушқâқ.** ЎТИЛда изоҳ **қовушқоқ** сўзига эмас, балки **қовушоқ** сўзига берилгани нотўғри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОВУҚ I 'сийдик пуфаги'. *Қ о в у ғ и бўш ўқувчига дарс пайтида ҳам ташқарига чиқиб келишга рухсат берилади.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'ўров', 'халта' каби маънони англатган **қаб** отидан (Девон, III, 160) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(у)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **б** ундоши **в** ундошига алмашган (Девон, III, 179); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қаб + уқ = қабуқ > қавуқ > қâвуқ I.**

ҚОВУҚ II 'чақмоқ учқунидан ўт олдириш учун ишлатиладиган махсус пилик'. *Киши .. тошчадан сопол лаган билан қ о в у қ н и олиб, чақмоқ суртди. Шам ёқилди* (Абдулла Қодирий). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'чақмоқ чақиб ёндириладиган пилик' маъносини англатган **қaw** отидан (Девон, III, 169) эски ўзбек тилида кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(у)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **w** ундоши **в** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қaw + уқ = қawуқ > қавуқ > қâвуқ II.**

ҚОЗИҚ 'қоқиб киритишга мўлжалланган учи ўткир ёғоч ёки бирор қаттиқ жисм'. *Қирғоққа яқин ерда тўрт қ о з и қ устида каттакон бир қайиқ турар эди* (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган от асли **қазғуқ** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 439), кейинроқ **қазуқ** шакли юзага келган (ДС, 439). Маҳмуд Кошғарий луғатида бу сўзнинг **қазуңуқ** шакли келтирилган (Девон, III, 393; ДС, 439). Кўринадики, бу сўзнинг дастлабги шакли **қазуңуқ** бўлиб, қадимги туркий тилдаги 'ковла–' маъносини англатувчи **қаз–** феълининг манбаларда акс этмаган 'уриб кирит–' маъносидан **–(у)ң** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(у)қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **ң** ундоши **ғ** ундошига алмашган ва бора–бора бу ундош талаффуз қилинмай қўйган, шундан сўнг ёнма–ён келиб қолган **уу** унлиларидан бири талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **(қаз– + уң = қазуң) + уқ = қазуңуқ > қазуғуқ > қазууқ > қазуқ > қâзиқ.**

ҚОЗОН– 'қўлга кирит–', 'эриш–'. *Зор қишлоққа келиб қолган Низомиддинов қишлоқликларнинг ҳур–*

www.ziyouz.com kutubxonasi

матини қ о з о н г а н эди (Сайид Аҳмад). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган сўз 'ковлаб топ–' маъносини англатувчи **қаз–** феълининг манба–ларда акс этмаган 'қўлга кир–' маъносидан кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, II, 290); кейинчалик **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(қаз– + ға = қазға–) + н = қазған– > қазан– > қâзân–.**

ҚОЙА 'баланд тик тош'. *Жилғанинг бошида катта бир қ о я бор* (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда 'тоғлардаги қаттиқ тош' маъносини англатган бу от асли 'қия кес–' маъносини англатган **қый–** феъли–нинг (ДС, 440) **қай–** шаклидан (ДС, 406) **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(қый– > қай–) + а = қайа > қâйä.**

ҚОЛ– 'ўз жойида тур–', 'бошқа жойга кетма–'. *"Турғуной, – деди Мастон, – шу ерда қ о л а д и – г а н б ў л с а к, бўрига ем бўламиз"* (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қал–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 32; ДС, 410); кейинчалик ўзбек тилида **а** ун–лиси **â** унлисига алмашган: **қал– > қâл–.**

ҚОЛДИҚ 'ниманингдир ортиб, сақланиб қолган қисми'. *Душман қ о л д и қ л а р и қаршилик кўрса–тишни давом эттира берди* (Назир Сафаров). Бу сўз эски ўзбек тилида 'ўз жойида тур–' маъносини анг–латувчи **қал–** феълининг **–ды** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ССТТН, II, 23); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қал– + ды = қалды) + қ = қалдық > қâлдиқ.**

ҚОН 'тирик вужуд аъзо ва ҳужайраларини озиқлантирувчи, модда алмашувини таъминловчи қизил рангли суюқлик'. *[Ярадан] қуюқ қ о н ҳали ҳам сил–жиб турар эди* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қан** тарзида та–

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаффуз қилинган (Девон, III, 172); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қан > қân.**

ҚОН– 'ўз хатти–ҳаракатидан қаноат ҳосил қил–'. ***Севган қизи билан .. бир қ о н и қ и б гаплашиш истаги унинг қоронғи кўнглига ёруғ сочгандай бўлди*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қан–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 201); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қан– > қân–.**

ҚОНА– 'қон чиқ–', 'қон оқ–'. ***Ўз ёнида ғумай юлаётган Адолатнинг қўли қийилиб қ о н а г а н и – н и кўрган Бегимжон хахолаб кулиб юборди*** (Иброҳим Раҳим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **қан** отидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (Девон, III, 289); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қан + а = қана– > қânä–.**

ҚОНИҚ– 'маълум бир хатти–ҳаракатдан тўлиқ қаноат ҳосил қил–'. ***Тўла жавоб бердингиз, қ о н и қ – д и к , ука*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сўз эски ўзбек тилида 'маълум бир хатти–ҳаракатдан қаноат ҳосил қил–' маъносини англатувчи **қан–** феълига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қан– + ық = қанық– > қâниқ–.**

ҚОП 'нарса солиш учун махсус тайёрланган, халтадан катта, қанордан кичик буюм'. ***Семиз йигит бир қ о п ёнғоқдай шалдир–шулдур, очиққина эди*** (Ҳаким Назир). Қадимги туркий тилда 'меш', 'санач', 'ғилоф', 'жилд' каби анча кенг маънони англатган бу от асли **қап** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 160); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қап > қâп.** Маънода торайиш воқе бўлиб, ҳозир бу сўз фақат халтадан катта, қанордан кичик буюмнигина билдиради.

ҚОП– 'тишла–' (ит, туя ҳаракати ҳақида). ***Ит қутурса, эгасини қ о п а д и*** (Мақол). Қадимги туркий тилда 'ушла–' (ДС, 420), 'ечиб ол–' (Девон, II, 10) каби маъноларни англатган бу феъл асли **қап–** тарзида талаффуз қилинган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашган: **қап– > қâп–.** Маъно тараққиёти натижасида бу феъл ҳозирги ўзбек тилида фақат итнинг, туянинг ҳамла қилишинигина англатади.

ҚОПАҒОН 'қопиб, тишлаб оладиган', 'қопонғич'. ***Лайчамиз катта бўлиб, қ о п а ғ о н чиқиб қолди.*** Қадимги турк хоқонларидан бирининг номи сифатида ишлатилган бу сўз асли **қапаған** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 420); асли **қап–** феълининг 'ҳамла қил–' маъносидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–ған** сифатдош қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик ўзбек тилида биринчи, учинчи бўғинлардаги **а** унлилари **â** унлиларига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(қап– + а = қапа–) + ған = қапаған > қâпäған.**

ҚОПЛА– 'устини ўра–'. ***Адирларни ўт–ўлан ва чечаклар қ о п л а д и.*** Бу феъл эски ўзбек тилида **қап** отининг 'ғилоф', 'жилд' маъносидан (Девон, III, 160) **–ла** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қап + ла = қапла– > қâплä–.**

ҚОПЛОН 'мушуксимонлар оиласига мансуб, териси хол–хол, йирик сутэмизувчи йиртқич ҳайвон'. ***Ҳозирги кунда қ о п л о н н и фақат ҳайвонот боғида кўриш мумкин.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қаплан** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 421: **қаплан** 'тигр'). А.М.Щербак бу сўзни қўшма сўз деб талқин қилиш тарафдори (**арслан** сўзини ҳам қўшма сўз дейди); унинг фикрича, бу сўзнинг иккинчи қисми 'ҳайвон' маъносини англатувчи **аң** сўзи билан ифодаланган; бу сўзнинг биринчи қисмини эса сифат деб қарашга тарафдор; лекин **қапыл** сифати манбаларда акс этмаган ва бу сифатнинг маъносини А.М.Щербак мен учун номаълум дейди (ИРЛТЯ, 138). Назаримизда, **қаплан** сўзи содда сўз бўлиб, қадимги туркий тилдаги 'маҳкам ушла–', 'ўгринча бос–' маъноларини англатган **қап–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси қўшилган шаклидан **–н** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(қап– + ла = қапла–) + н = қаплан > қâплâн.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОПОНҒИЧ 'қопағон'. ***Лайчамиз катта бўлиб, қ о п о н ғ и ч итга айланди.*** Бу сифат эски ўзбек тилида **қап–** феълининг 'ҳамла қил' маъносидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(а)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–ғыч** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **а** унлилари **â** унлиларига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қап– + ан = қапан–) + ғыч = қапанғыч > қâпâнғич.** Бу сўз таркибини бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: **қап–** феълининг **–(а)н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–ғу** қўшимчаси билан сифатдош шакли ҳосил қилинган, сўнгра **чы** қўшимчаси билан сифат ясалган; кейинчалик сўз охиридаги **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, учинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган, биринчи, иккинчи бўғинлардаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(қап– + ан = қапан–) + ғу = қапанғу] + чы = қапанғучы > қапанғуч > қапанғыч > қâпâнғич.**

ҚОПЧИҚ 'кичкина қоп'. ***Унинг орқасида қ о п ч и қ , қўлида пўстин, елкасида милтиқ бор эди*** (Сунатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз 'нарса солиш учун махсус тайёрланган буюм' маъносини англатувчи **қап** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–чуқ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 420: **қапчуқ** 'мешочек') ; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **қап + чуқ = қапчуқ > қâпчиқ.**

ҚОПҚА 'дарвоза' (эскирган). ***Тошкентнинг ўн икки қ о п қ а с и г а борилса, кимнинг ери – Қурбонҳожининг ери–ку!*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қап–** феълининг 'қопла–', 'ёп–' маъносидан **–(у)ғ** қўшимчаси билан ясалган отга (Девон, I, 166) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, I, 401); ўзбек тилида **ғ** ундоши **қ** ундошига, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(қап– + уғ = қапуғ) + а = қапуға > қапға > қапқа > қâпқä.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОПҚОН 'ҳайвонларни илинтириб тутиш мосламаси'. *{Суюнжон} етиб келганда нақ тумшуғидан илинган тулки қ о п қ о н б и л а н олишаётган эди* (Суннатилла Анорбоев). Бу от эски ўзбек тилида 'маҳкам ушла–' маъносини англатувчи **қап–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–н** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 343); кейинчалик **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(қап– + қа = қапқа–) + н = қапқан > қâпқâн.**

ҚОПҚОҚ 'идишнинг уст томонини, оғзини беки–тиб турувчи қисм (буюм)'. *Олимов қуён тушган яшикнинг қ о п қ о ғ и н и маҳкамлаб, Аҳмадга узатди* (Ҳаким Назир). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'эшик' маъносини англатган **қапуғ** отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, сўнгра **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **қапуғ + ақ = қапуғақ > қапғақ > қапқақ > қâпқâқ.** Қадимги туркий тилда бундай маъно **қапақ** сўзи билан ҳам англатилган (ДС, 420 : **қапақ I** 'покрышка, крышка').

ҚОР 'ҳаводаги сув зарраларининг совуқдан бирикиши натижасида юзага келадиган оқ пар шаклидаги ёғин'. *Кўча ва томлар қ о р д а н оқара бошлаган* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қар** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 162; ДС, 422); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қар > қâр.** ДСда бундай маънони англатувчи сўзнинг **қағар** шакли ҳам келтирилган (405 : **қағар** 'снег'); демак, бу сўзнинг **қар** шакли **қағар** шаклидан **ғ** ундошини ва унинг ёнидаги **а** унлисини талаффуз қилмаслик натижасида юзага келган: **қағар > қаар > қар.**

ҚОР– 'суюқ, майда нарсаларни бир–бирига аралаштир–'. *Қўй сути, қўй мойига Упадек унни қ о р и б, .. Кўмма қилади дарров, Шувоқ илдизни ёқиб* (Қуддус Муҳаммадий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'бирга қўй–', 'тартиб билан тахла–' маъносини англатган **қа–** феълига (ДС, 399) кучайтириш

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини ифодаловчи **–р** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, II, 154 : **қарылды**); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қа–** + **р** = **қар–** > **қâр–.**

ҚОРА 'кўмир тусидаги'; 'энг тўқ ранг'. ***Лаганлар бўшаёзганда эшикдан сersавлат бир қ о р а одам кириб келди*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони ва бошқа бир неча маънони англатган бу сифат асли **қара** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 240; ДС, 422; ПДП, 411); ўзбек тилида биринчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қара** > **қârä.**

ҚОРИН 'инсон ва ҳайвонларнинг қопчасимон овқат ҳазм қилиш аъзоси', 'ошқозон'. .. ***қўй–қўзилар куни билан қ о р и н л а р и г а йиққан овқатларини бамайлихотир ётиб кавш қайтараётгандир*** (Сунна-тилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'суюқ, майда нарсаларни бир–бирига аралаштир–' маъносини англатган **қар–** феълидан **–(ы)н** қўшимчаси билан ясалган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қар–** + **ын** = **қарын** > **қârин.**

ҚОРОНҒИ 'нурсиз','қоронғиликка чўмган'. ***Дарча очилиши билан қ о р о н ғ и ҳужрага совуқ ёпирилиб кирди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли 'кўмир тусидаги', 'энг тўқ ранг' маъносини англатган **қара** сифатидан **–ң** қўшимчаси билан ясалган отга **–қу** қўшимчасини қўшиб ясалган (ДС, 424 : **қараңқу**); кейинчалик сўз охиридаги **у** унлиси **и** унлисига, **ң** ундоши **н** ундошига, **қ** ундоши **ғ** ундошига, **а** унлилари **â** унлилари га алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қара** + **ң** = **қараң)** + **қу** = **қараңқу** > **қараңқы** > **қараңғы** > **қаранғы** > **қârânғи.** Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам сифат, ҳам от маъносини англатади; қадимги туркий тилда бу сўз охиридаги қўшимчанинг **–қу** ва **–ғу** шакллари ёрдамида сифат отдан фарқланган: **қараңқу** – сифат, **қараңғу** – от (ДС, 124).

ҚОТ– I 'қаттиқ ҳолатга кел–'. ***Йўлчи қ о т г а н қорни ғарч–ғурч босиб .. кеза бошлади*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

феъл асли **қат–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 432 : **қат– I 1.** 'становится твердым'); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қат– I > қât– I.**

ҚОТ– II 'аралаштир–', 'қор–'. ***Бориб кирсам майдонга, Аччиғим тарқатсам деб, Душманларнинг қонини Бўз тупроққа қ о т с а м деб*** ("Равшан"). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **қот– I** (< **қат– I**) феълига шаклдош бўлиб, асли **қат–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 432 : **қат– II 1.** 'смешивать'); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган : **қат– II > қât– II.** ЎТИЛда бу феъл ноҳақ равишда **қот–** феълининг саккизинчи маъноси сифатида берилган (II, 605).

ҚОТИШМА 'турли моддаларнинг эритиб бирлаштирилуви билан ҳосил бўлган модда'. ***Биз мис билан қалайнинг қ о т и ш м а с и д а н фойдаланамиз.*** Бу от ўзбек тилида 'аралаштир–' маъносини англатувчи **қât– II** феълининг биргалик маъносини ифодаловчи **–(и)ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–мä** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(қât– II + иш = қâтиш–) + мä = қâтишмä.**

ҚОТМА 'ориқ', 'камгўшт'. ***У қоп–қора, қ о т м а .. йигит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу сифат ўзбек тилида **қât– I** феълининг 'ориқла–', 'оз–' маъносидан (ЎТИЛ, II, 605: **қотмоқ 9) –мä** қўшимчаси билан ясалган: **қât– I + мä = қâтмä.**

ҚОТҚОҚ 'қотқалоқ'. ***Эшак юрар қ о т қ о қ – д а, маълум бўлар ботқоқда*** (Мақол). Бу сўз эски ўзбек тилида 'қаттиқ ҳолатга кел–' маъносини англатувчи **қат– I** феълидан **–қа** қўшимчаси билан ясалган отта кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(қат– I + қа = қатқа) + қ = қатқақ > қâтқâқ.**

ҚОЧ– 'нимадандир қутулиш, сақланиш учун югуриб узоқлаш–'. ***Кўпчиликдан қуён қ о ч и б қутулмас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қач–** тарзида талаффуз қилинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ДС, 400); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қач– > қâч–.**

ҚОЧҚИН 'жазодан, тутқунликдан қочиб юрган киши'. ***Отлиқлар миршаб билан бирга қ о ч қ и н – л а р н и қўлга тушириш учун чўл томон от суриб кетдилар*** (Садриддин Айний). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қач–** феъ–лидан **–ғын** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 400: **қачғын** 'беглый'): кейинчалик **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қач– + ғын = қачғын > қачқын > қâчқин.**

ҚОЧҚОҚ 'тез қочадиган', 'билдирмай қочиб ке–тадиган'. ***Қаёққа ғойиб бўлдиларинг? Қ о ч қ о қ – л а р! Қани, ўтиринглар*** (Одил Ёқубов). Бу сифат эски ўзбек тилида **қач–** феълининг кучайтириш ('такрор') маъносини ифодаловчи **–қа** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган (ССТТН, II, 7: **қачқақ** 'склонный к бегству'); кейинча–лик **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **(қач– + қа = қачқа–) + қ = қачқақ > қâчқâқ.**

ҚОШ 'кўз қовоғи тепасидаги туклар мажмуаси'. ***Кумушнинг қ о ш л а р и чимирилди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қаш** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 166; ДС, 431); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қаш > қâш.**

ҚОШИҚ 'маълум миқдордаги овқатни идишдан олиб, оғизга солишда ишлатиладиган рўзғор буюми'. ***Сулаймонов қаймоқдан бир қ о ш и қ олиб ичди–да, бирдан афти буришди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қашуқ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 364; ДС, 432); кейинроқ **қашық** тарзида талаффуз қилиш ҳам юзага келган (ДС, 431); ўзбек тилида **қашық** шакли таркибидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлиси–нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қашық > қâшиқ.** Бу от асли **–қ** қўшимчаси билан ясалган, лекин бу ясалишга асос бўлган феъл манбаларда ўз аксини топмаган.

ҚОҚ 'сира нами қолмаган', 'қуриган'; 'жуда ориқ'. ***Қ о қ чўғиртакларнинг керосин сепгандай***

www.ziyouz.com kutubxonasi

читир–читир этиб ёниши қизиқ туйилди (Ҳаким Назир). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **қақ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, II, 326); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қақ > қâқ.**

ҚОҚ– 'зарб билан ур–', 'зарб билан уриб кир–гиз–'. ***[Унсин] ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга шон қ о қ а д и*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл **қақ–** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 422); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қақ– > қâқ–.**

ҚОҚИ 'нон, мева, гўштни қуритиб тайёрланадиган маҳсулот'. ***Улар тугунларини ечишди, қовун қ о қ и ва гўшт қ о қ и л а р н и ўртага қўйишди*** (Ғафур Ғулом). Бу от эски ўзбек тилида 'қуриган' маъносини англатувчи **қақ** сифатидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлиси–нинг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қақ + ы = қақы > қâқи.**

ҚОҚИЛ– 'бирор нарсага оёғини уриб ол–'. ***Заҳчакўз қоронғида .. туртиниб, бир дўнг ерга қ о қ и л и б к е т д и*** (Парда Турсун). Бу сўз эски ўзбек тилида 'зарб билан ур–' маъносини англатувчи **қақ–** феълининг 'ўзлик маъносини ифодаловчи **–(ы)л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида мустақил сўз даражасига етган: ЎТИЛда (II, 608) **қоқилмоқ** сўзига мансуб деб берилган 2– – 5– маънолар асли шу сўзники, биринчи маъногина **қоқ–** феълиники.

ҚОҚШОЛ 'ориқликдан қоқ қуриб қолган'; 'қоқ қуруқ'. ***Она яна қ о қ ш о л қўллари билан ўғлининг елкасини силади*** (Парда Турсун). Бу сифат эски ўзбек тилида 'қуриб қоқ бўл–' маъносини англатувчи **қақша–** феълидан (КРС, 327: **какшы–**) **–л** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **қақша– + л = қақшал > қâқшâл.**

ҚУВ– 'бирор ердан кетишга мажбур қил–', 'етиб олиш учун орқасидан югур–'. ***Илон қ у в с а, йўлга қоч, туя қ у в с а, ўрга қоч*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **қов–**

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарзида талаффуз қилинган (ДС, 461), **қув–** шакли кейинроқ юзага келган (ДС, 475).

ҚУВЛА– 'етиб олиш учун астойдил югур–', 'астойдил ҳайда–'. ***Уйинг куйгур тасқари миршаблар изингга тушиб қ у в л а д и м и ?*** (Ойбек). Бу сўз эски ўзбек тилида **қув–** феълига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қув– + ла = қувла– > қувлä–**.

ҚУВНА– 'шод–хуррам бўл–'. ***Келинг, болалар, Бир ўйнайлик! Арча қўшиғин Айтиб, қ у в н а й л и к*** (Илёс Муслим). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бахт' маъносини англатган **қув** отидан эски ўзбек тилида **–а** (> **–ы**) қўшимчаси билан ясалган феълнинг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** (> **ы**) унлиси талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **{[қув + а (> ы) = қува– || қувы–] + н = (қуван– || қувын–)} + а > = қувына– > қувна– > қувнä–**.

ҚУВОН– 'хурсанд бўл–'. ***Адолат.. тунги сувни шимириб тирилаётган ҳар бир ғўзани кўриб қ у в о н а р д и*** (Иброҳим Раҳим). Бу сўз қадимги туркий тилдаги 'бахт' маъносини англатган **қыв** отининг (Девон, I, 320) **қув** шаклидан (Девон, I, 294) эски ўзбек тилида **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қув + а = қува–) + н = қуван– > қувâн–**.

ҚУВОНЧ 'шодлик, хурсандлик туйғуси'. ***Йўлчининг кўнгли қ у в о н ч б и л а н тўлган эди*** (Ойбек). Бу от эски ўзбек тилида **қуван–** феълидан **–(ы)ч** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қуван– + ыч = қуваныч > қувâнч.**

ҚУВОНЧИҚ 'бироз хурсанд қиладиган, кўнглини кўтарадиган кимса ёки нарса'. ***Унинг қ у в о н ч и ғ и – ёлғиз фарзанди***. Бу сўз эски ўзбек тилида **қуванч**

www.ziyouz.com kutubxonasi

отига кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(ы)қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қуванч +ық = қуванчық > қувâнчиқ.**

ҚУВРА– 'сувсизликдан қури–', 'нами қочиб қол–'. ***Ҳайдалган ер бир–икки кун ўтказиб борона қилинса, тупроқ қ у в р а б, серкесак бўлиб қолади.*** Бу феъл эски ўзбек тилида **қав** сифатидан (ССТТН, II, 29) **–(у)р** қўшимчаси билан ясалган феълга кучайтириш маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, биринчи бўғиндаги **а** унлиси **у** унлисига, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **(қав + ур = қавур–) + а = қавура– > қувура– > қуврa– > қуврä–.** Л.З.Будагов изоҳига биноан бу феъл 'қуруқ ўт–ўлан' маъносини англатган **қав** отидан **–ра** қўшимчаси билан ясалган (ССТТН, II, 29); К.К.Юдахин луғатидаги изоҳларга кўра бу феъл 'қуруқ' маъносини англатувчи **қуур** сифатидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 455).

ҚУДУҚ 'махсус ковлаб, сув чиқарилган чуқурлик'. ***Матқовул қ у д у қ д а н сув тортиб туриб бу ёққа қараб–қараб қўяр.. эди*** (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўзнинг асли **қуйуғ** (Девон, III, 180), **қузуқ** (Девон, I, 356), **қудуғ** (Девон, III, 134, 246, 298) шакллари мавжуд бўлган, ҳатто ҳавола тарзида **қудуқ** шакли ҳам келтирилган (ДС, 463: **қудуқ** *см.* **қудуғ I**). Кўриниб турибдики, **қудуқ** шакли энг кейин юзага келган ва шу шакл ҳозирги ўзбек тилига етиб келган. **Қудуғ** сўзи таркибидаги **–(у)ғ** қисми – от ясовчи қўшимча; бу ясалишга асос бўлган қисм феълга тенг. Демак, **қудуғ** оти 'сув сол–' маъносини англатган **қуй–** феълининг қадимги туркий тилдаги **қуд–** шаклидан ясалган бўлса керак. Бу сўз таркибини бошқача талқин қилиш ҳам мумкин: қадимги туркий тилда 'паст' маъносини англатган **қойы** сифатининг **қоды** шаклидан (ДС, 453, 451) **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлилари **у** унлиларига алмашган: **(қойы > қоды) + қ = қодық > қудуқ.**

ҚУЙИ 'паст(ки)', 'пастда жойлашган'. *[Аждаҳо] сувга кириб, қ у й и лабини дарёнинг остига ёпиш–*

www.ziyouz.com kutubxonasi

тириб, юқори лабини сувнинг юзига тутади (Садриддин Айний). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз ПДПда **қоду, қоды, қойы** шаклларида (413– бет), Маҳмуд Кошғарий луғатида бу сўз изоҳланган ерида **қуẏы** (Девон, III, 239), матн ичида **қоды** (Девон, III, 53) шаклларида, ДСда яна **қоẏы** (452– бет) шаклида акс эттирилган. Кўриниб турибдики, бу сўзнинг биринчи бўғинидаги унли асли **о** бўлган ва **у** кейинчалик **у** унлисига алмашган, иккинчи бўғин бошидаги ундош асли **ẏ** бўлган ва **у** кейинчалик **д** ва **й** ундошларига алмашган; ўзбек тилига бу сўзнинг **о** унлиси **у** унлисига, **ẏ** ундоши **й** ундошига алмашган ва сўз охиридаги **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган шакли етиб келган. Бу сўз охиридаги **–ы** асли сифат ясовчи қўшимчага тенг, лекин бу ясалишга асос бўлган қисмни изоҳлашга имкон бўлмади.

ҚУЙОН 'кемирувчилар оиласига мансуб, қулоқлари ва орқа оёқлари узун, жуссаси кичик, югурик ҳайвон'. ***Тўнгак орқасидан қулоқлари диккайган қ у ё н пайдо бўлди*** (Ойбек). Туркий тиллардаги уй ҳайвонлари номини махсус ўрганган А.М.Щербакнинг таъкидлашича бу от дастлаб **қодған** шаклида талаффуз қилинган (ИРЛТЯ, 136), кейинчалик туркий тилларда турлича товуш ўзгаришлари воқе бўлган; шу жумладан ўзбек тилидаги **қуйâн** сўзи **қодған** сўзи таркибидаги **ғ** ундошини талаффуз қилмаслик, **о** унлисини **у** унлисига, **д** ундошини **й** ундошига, **а** унлисини **â** унлисига алмаштириш натижасида юзага келган: **қодған > қодан > қудан > қуйан > қуйâн.**

ҚУЙОШ 'ўз атрофида айланувчи ҳамма осмон жисмларига ёруғлик ва иссиқлик таратадиган планета'. ***Булут тарқаб, қ у ё ш нурлари таралса, кишининг кўнгли ёришади.*** Қадимги туркий тилда 'жазирама', 'энг иссиқ ҳарорат' маъносини англатган бу от асли **қуйаш** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 187; ДС, 464): кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қуйаш > қуйâш.** Бу сўзнинг планета номи сифатида ишлатилиши маъно тараққиёти натижасида қадимги туркий тилдаёқ юзага келган (Девон, II, 390): 'энг иссиқ ҳарорат' – 'иссиқлик таратувчи самовий жисм'.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚУЙРУҚ 'ҳайвон танасининг чиқарув тешиги тепасидан бошланадиган, одатда пастга тушиб турадиган қисми'. *Бир балоси бўлмаса, шудгорда қ у й р у қ на қилур* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қуз́руқ, қударуқ, қудуруқ** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 463). Кўринадики, бу отнинг дастлабги шакли **қуз́уруқ** бўлиб, асли **қуз́ы** сифатидан **–р** қўшимчаси билан ясалган феълга (бундай феъл Маҳмуд Кошғарий луғатида келтирилган **қуз́урған** сўзи таркибида аниқ ажралади: Девон I, 473) **–(у)қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган ва бу унли талаффуз қилинмай қўйган, **з́** ундоши **й** ундошига алмашган: **(қуз́ы + р = қуз́ыр–) + уқ = қуз́ыруқ > қуз́уруқ > қуз́руқ > қуйруқ.**

ҚУЙУЛ– 'суви, суюқлик қисми камайиб, қуюқ ҳолатга кел–'. *Мастава қайнайвериб, қ у ю л и б қ о л и б д и.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қой–** ёки **қойи–** || **қойу–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи қўшимча қўшилган шаклига тенг (ДС, 453); **қуйул–** сўзини **қуйуқ** сифати билан қиёслаш буни очиқ кўрсатади; лекин қадимги туркий тил акс эттирилган манбаларда бундай феъл келтирилмаган. Қадимги туркий тилдаёқ бу сўз таркибидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган (бундай алмашув **қуйуқ** сўзида ҳам ўз аксини топган: Девон, III, 180): **қой– + ул = қойул– > қуйул–.**

ҚУЙУҚ 'суюқ қисми нисбатан оз'. *Баъзи кунлари қ у ю қ қаймоқ билан нонушта қиламиз.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **қой–** ёки **қойы–** || **қойу–** феълидан **–(у)ғ** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 453); **қуйуғ** сўзини **қуйул–** сўзи билан қиёслаш буни очиқ кўрсатади; лекин қадимги туркий тил акс эттирилган манбаларда бундай феъл келтирилмаган. Қадимги туркий тилдаёқ бу сўз таркибидаги **о** унлиси **у** унлисига алмашган (бундай алмашув **қуйул–** сўзида ҳам ўз аксини топган: ДС, 453); ўзбек тилида сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган: **қой– + уғ = қойуғ > қуйуғ > қуйуқ.**

ҚУЙҚА 'суюқлик остига йиғиладиган чўкинди'. *Мусаллас солганда шарбатни қ у й қ а с и д а н*

www.ziyouz.com kutubxonasi

тез–тез ажратиб турилмаса, сиркага айланиб қолади. Бу от эски ўзбек тилида **қуйуқ** сифатидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қуйуқ + а = қуйуқа > қуйқа > қуйқä.**

ҚУЙҚУМ 'суюқликдан ажраладиган чўкинди'. *Ингичка трубаларда ҳосил бўладиган қ у й қ у м бора–бора сувни ўтказмай қўяди.* Бу от эски ўзбек тилида **қуйуқ** сифатидан **–(у)м** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **қуйуқ + ум = қуйуқум > қуйқум.**

ҚУЛОН 'ёввойи хачир'. *Қ у л о н бошига иш тушса, қуйруғига сир айтмас* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қулан** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 392; ДС, 465); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қулан > қулâн.**

ҚУЛОЧ 'елка баландлигида кўтариб керилган икки қўлнинг ўрта бармоқ учлари оралиғидаги узунлик'. *Эҳ–ҳа, бу ёқ бир қ у л о ч паст, у ёқ бир ярим қ у л о ч чамаси баланд бўлса, тоза бўлган экан ишларимиз!* (Мирзакалон Исмоилий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўзни (ДС, 464) Маҳмуд Кошғарий **қол** оти ва **а:ч–** феълидан тузилган деб изоҳлайди (Девон, I, 340). Аввало, қадимги туркий тилда **ач–** феъли таркибидаги унли қисқа, аксинча, **қо:л** сўзи таркибидаги унли чўзиқ бўлган; муҳими – от ва буйруқ шаклидаги феълдан таркиб топган бирикманинг бир сўзга бирлашувига ишониш қийин, бундай изоҳ "халқ этимологияси"га ўхшаб кетади. Аниқ бўлмаса–да, бошқача изоҳ тарафдоримиз: бу сўз **қо:л** оти билан **уч** оти–дан таркиб топган; кейинчалик **о:** унлиси **у** унлисига, иккинчи бўғиндаги **у** унлиси эса **â** унлисига алмашган: **қо:л уч = қо:луч > қулуч > қулâч.**

ҚУЛОҚ I 'эшитиш аъзоси'. *Қий–чув , чағир–чуғур қ у л о қ н и кар қилади (*Абдулла Қаҳҳор*).* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қулақ, қулғақ, қулқақ,** ҳатто **қулхақ** шаклларида талаффуз қилинган (ДС, 465); Маҳмуд Кошғарий бу талаффуз шаклларидан **қулақ** шаклини тўғри деб таъ–

www.ziyouz.com kutubxonasi

кидлаган (Девон, I, 364). ПДПда бу сўз **қолақ, қолқақ** тарзида берилган (414– бет). ДСда ҳавола тарзида **қолғақ, қолқақ** шакллари ҳам келтирилган (454– бет). Бу сўзнинг талаффуз шаклларини қиёслаб, биринчи бўғинда унли алмашинуви, шу бўғин охирида ундош алмашинуви ва тушиши воқе бўлганини айтиш мумкин. Бу от асли **қул–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ғ** ундоши талаффуз қилинмай қўйган, иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қул– + ға = қулға–) + қ = қулғақ > қулақ > қулâқ.** Қадимги туркий тил акс эттирилган манбаларда **қул– (қол–)** феъли мустақил сўз сифатида келтирилмаган; Маҳмуд Кошғарий луғатида берилган **қулақлығ неӊ** (тутқичли нарса) мисоли асосида **қул–** феъли асли 'тут–', 'ушла–' (бу ерда – товушни) маъносини англатгани маълум бўлади. Худди шу маъно ўзбек тилидаги 'катта сувдан кичик сув ажраладиган ер' маъносини англатувчи **қулақ II** сўзи асосида ҳам ётади ('сувни тутиб қолиш ўрни').

ҚУЛОҚ II қ. **қулоқ I**

ҚУМУРСҚА 'майда чумоли'. ***Ерга офтоб тегиши билан қ у м у р с қ а ининг ёнида тупроқ уюми пайдо бўлади*** (Адҳам Раҳмат). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қумурсға** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 466), кейинчалик **ғ** ундоши **қ** ундошига (ССТТН, II, 93), ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қумурсға > қумурсқа > қумурсқä.** Бу от асли қадимги туркий тилдаги **қум–** феълининг 'ғимирла–' маъносидан (Девон, II, 35) 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(у)р** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига 'мойил' маъносини ифодаловчи **–сы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан **–ға** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, **ғ** ундоши **қ** ундошига, **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **[(қум– + ур = қумур–) + сы = қумурсы–] + ға = қумурсыға > қумурсға > қумурсқä.**

ҚУМҒОН 'чой қайнатиш учун кўзача шаклида ясалган идиш'. ***Ўчоқнинг оғзида ўтга қўйилган қора қ у м ғ о н вақирлаб қайнайди*** (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

от асли 'тўлқинлан–' (сув ҳақида) маъносини англатган **қум–** феълининг 'қайна–' маъносидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–н** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қум– + ға = қумға–) + н = қумған > қумғân.**

ҚУР– 'турли нарсалардан йиғиб, бирлаштириб бунёд қил–'. ***Дўконни қ у р г а н и м и з г а энди ўн беш кунча бўлиб қолди*** (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай талаффуз қилинган бу феъл асли 'тўпла–' маъносини англатган (Девон, II, 14: **қурды** – 'тўплади'); кейинчалик маъно тараққиёти натижасида ҳозирги маъноси юзага келган.

ҚУРА– 'турли нарсаларни, қийтиқларни бир–бирига улаб яхлитла–'. ***Кўкнор эзиладиган халталарни йиғиб, қ у р а б кафан тикдилар*** (Фитрат). Бу феъл эски ўзбек тилида 'турли нарсаларни бирлаштириб бунёд қил–' маъносини англатувчи **қур–** феълидан 'такрор' маъносини ифодаловчи **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (КРС, 447); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қур– + а = қура– > қурä–.**

ҚУРБАҚА 'сувда ва қуруқликда яшовчи, думсизлар туркумига мансуб, оёқлари сакраб юришга мосланган жонивор'. ***Оёғи остидан сакраган қ у р б а қ а уни чўчитиб юборди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **бақа** сўзи олдидан **қур–қур** товушга тақлид сўзини (ДС,467: **қур IV**) қўшиб тузилган (ДС, 467); кейинчалик ўзбек тилида **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **(қур–қур) + бақа = қурбақа > қурбäқä.**

ҚУРВАҚА қ. **қурбақа**

ҚУРИ– 'суви, нами қочиб, қуруқ ҳолатга кел–'. ***Қўлтиғидан қоғозга ўралган, қ у р и б толқонланган носини олиб, тил остига отди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл (ДС, 468) асли 'қуруқ' маъносини англатган **қур** сўзидан (ДС, 467) **–ы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қур + ы = қуры– > қури–.** Қадимги туркий тилда бу феъл **қуру–** шаклида ҳам ишлатилган (ДС, 469).

ҚУРИЛДОҚ қ. **қурулдоқ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚУРУЛДОҚ 'қуруллайдиган'. *Ҳовуздаги бақалар жуда қ у р у л д о қ чиқиб қолди.* Бу сифат эски ўзбек тилида **қур–қур** товушга тақлид сўзидан **–улла** қўшимчаси билан ясалган феълга **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **лл** ундошларидан кейингиси **д** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қур + улла = қуруллa–) + қ = қуруллақ > қурулдақ > қурулдâқ.**

ҚУРОҚ 'турли ранг ва шаклдаги мато парчаларини улаб ҳосил қилинган'. *Усти–боши юпунди роса, Бор безаги бир қ у р о қ чопон* (Ҳ.Пўлат). Бу сифат эски ўзбек тилида 'турли нарсаларни, қийиқларни бир–бирига улаб яхлитла–' маъносини англатувчи **қура–** феълидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қура– + қ = қурақ > қурâқ.**

ҚУРСОҚ 'ошқозон', 'қорин'. *Уруш ҳамманинг тинкасини қуритган, қ у р с о ғ и н и бўшатган бўлса, ..* (Ойбек). Қадимги туркий тилда шундай маънони англатган бу сўз **қуруғсақ** (Девон, I, 461; ДС, 470), **қуғурсақ** (ДС, 464) шаклларида ишлатилган; айни бир манбадан олинган мисол ДСда **қуруғсақ** шаклида, ПДПда **қоғурсақ** шаклида берилган (414– бет). Мисолларнинг турли манбаларда учрашидан асосий шакл **қуруғсақ** экани аён бўлиб турибди. Бу сўз таркибини қуйидагича изоҳлаш мумкин: дастлаб 'йиғ–' маъносини англатган **қур–** феълидан **–(у)ғ** қўшимчаси билан от ясалган, унга **–са** қўшимчасини қўшиб феъл ясалган ва охири **–қ** қўшимчасини қўшиб от ясалган; эски ўзбек тилида иккинчи бўғин таркибидаги **уғ** товушлари талаффуз қилинмай қўйган (ССТТН, II, 76; КРС, 449); кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(қур– + уғ = қуруғ) + са = қуруғса–] + қ = қуруғсақ > қурсақ > қурсâқ.**

ҚУРУМСОҚ 'сарф–харажатдан, чиқимдан қочадиган'. *Яна қуруқдан–қуруқ эшикдан кириб келганига ўлайми, ҳа қ у р у м с о қ , тўртта кулча, бир қисим жийда кимни ўлдирибди!* (Т.Алимов). Бу сифат эски ўзбек тилида 'сақла–', 'қўриқла–' маъносини англатувчи **қоры–** феълидан **–м** қўшимчаси билан ясалган

www.ziyouz.com kutubxonasi

отга **–са** қўшимчасини қўшиб ясалган феълдан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **о** унлиси **у** унлисига, **ы** унлиси ҳам **у** унлисига, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **[(қоры–** + **м** = **қорым)** + **са** = **қорымса–]** + **қ** = **қорымсақ** > **қурымсақ** > **қурумсақ** > **қурумсâқ.**

ҚУРУТ 'сузмани юмалоқ шаклда қуритиб тайёрланадиган маҳсулот'. ***Шу кеча унга бошпана бериб, нон, тутмайиз, қ у р у т, айрон билан меҳмон қилдилар*** (Собир Абдулла). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'суви, нами қочиб, қуруқ ҳолатга кел–' маъносини англатувчи **қуры–** феълидан (ДС, 468) **–т** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин қадимги туркий тилдаёқ иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган: **қуры–** + **т** > **қурут** (Девон, I, 338; ДС, 470).

ҚУРУШ– 'қуриб, намлиги қочиб, бужмай–'. ***Жағи қ у р у ш г а н, оғзи буришган бир чол чопиб келиб, Ёдгорни айлана берди*** ("Ёдгор"). Маҳмуд Кошғарий луғатида **қурушды** сўзига берилган изоҳга кўра (Девон, II, 105: **қурушды** 'бутунлай ҳамма ери қуриди') бу сўз асли **қуры–** феълига кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; аслида эса бу ерда 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси қўшилган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган: **қуры–** + **ш** > **қуруш–.** ДСда бу сўз таркибидаги **–ш** қўшимчаси бирлик шаклини ясовчи деб нотўғри кўрсатилган (470: **қуруш– II** *совм. от* **қуру–**).

ҚУРУШИҚ 'намлигини йўқотиб қуруқшаган'. ***Ўғлининг .. кичик қ у р у ш и қ юзига кун сайин қўшилган ажинлар ҳасрат, изтиробларни кўрсатар эди*** (Ойбек). Бу сифат эски ўзбек тилида **қуры–** феълининг 'бироз' маъносини ифодаловчи **–ш** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **ы** унлиси **у** унлисига алмашган; учинчи бўғиндаги **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қуры–** + **ш** = **қурыш–)** + **ық** = **қурышық** > **қурушиқ.**

ҚУРУҚ 'намлиги йўқолган'. ***Қ у р у қ ўтин дарров ўт олди.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънони англатган бу сифат асли **қуры–** феълидан **–ғ** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин **ы** унлиси **у** унлисига алмашган; кейинчалик ўзбек тилида сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган: **қуры– + ғ > қуруғ > қуруқ.** Маҳмуд Кошғарий бу сўзни махсус изоҳлаган ўрнида **қуруғ** шаклида келтирган (Девон, I, 356), матн ичида нимагадир **қуруқ** шаклида ёзилиб қолган (Девон, I, 364), худди шу ягона мисол асосида **қуруқ** сўзи ДСга ҳам киритилган (470– бет); ўнга яқин манбалардан келтирилган барча мисолларда бу сўз **қуруғ** шаклида ёзилган. Демак, бу сўз охиридаги қўшимча асли **–ғ** талаффуз қилинган.

ҚУРУҚША– 'қуруқ ҳолатга кел–'. ***Тилим қ у р у қ ш а б, томоғимни бадбўй бир дуд ачитди*** (Асқад Мухтор). Бу феъл эски ўзбек тилида **қуруқ** сифатидан **–ша** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қуруқ + ша = қуруқша– > қуруқшä–.**

ҚУРША– 'атрофини ўраб ол–'. ***Болалар яна битта–битта келиб, печка олдини қ у р ш а д и л а р*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл (ДС, 468: **қурша– 2:** 'окружать') асли қадимги туркий тилдаги 'қуршаб турувчи нарса' маъносини англатган **қур** отидан (Девон, I, 314) **–ша** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қур + ша = қурша– > қуршä–.**

ҚУРҒОҚЧИЛИК 'ёғин–сочин жуда оз бўладиган ҳолат'. ***Бир йили қаттиқ қ у р ғ о қ ч и л и к бўлиб, экинлар куйиб кетди*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу от эски ўзбек тилидаги 'ёғин–сочин жуда оз бўладиган' маъносини англатувчи **қурғақ** сифатидан (ДС, 467) **–чилик** қўшма қўшимчаси билан ясалган; **қурғақ** сўзи эса қадимги туркий тилда 'нами йўқ' маъносини англатувчи **қур** сифатидан **–ы (–у)** қўшимчаси билан ясалган феълнинг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклига **–қ** қўшимчасини қўшиб ясалган; қадимги туркий тилдаёқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган; кейинчалик ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â**

www.ziyouz.com kutubxonasi

унлисига алмашган: [(**қур** + **ы** = **қуры–**) + **ға** = **қурыға–**] + **қ** = **қурығақ** > **қурғақ** > **қургâқ**.

ҚУРҒУР енгил койиш, ачиниш, таҳсин кабиларни ифодаловчи сўз. *Бу сўзларни қ у р ғ у р кампир айтади, Қорахоннинг кўнглин шодмон этади* ("Алпомиш"). Бу сўз эски ўзбек тилида **қуры–** феълининг 'йўқ бўл–' маъносидан **–ғур** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган: **қуры–** + **ғур** = **қурығур** > **қурғур**.

ҚУСУҚ 'қайт қилиб ташланган овқат'. *Бу гал қ у с у қ бояги қатиқ аралаш кўкимтил ва сарғимтил нарсалар эди* (Абдулла Қодирий). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'қайт қил–' маъносини англатувчи **қус–** феълидан (ДС, 470) **–(у)ғ** қўшимчаси билан ясалган (ДС, 471); кейинчалик эски ўзбек тилида бу сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган: **қус–** + **уғ** = **қусуғ** > **қусуқ**. Бу сўзнинг Маҳмуд Кошғарий луғатида **қусығ** шаклида берилиши (Девон, I, 357) ғайритабиий: **қус–** феъли таркибидаги **у** унлисига монанд ҳолда **–қ** қўшимчаси олдидан **у** унлиси орттирилиши лозим эди.

ҚУТЛА– 'муборакбод қил–', 'табрикла–'. *Ҳамма гуркираб Нодир паҳлавонни қ у т л а д и* (Жуманиёз Шарипов). Бу феъл эски ўзбек тилида 'бахт', 'бойлик' маъносини англатувчи **қут** отидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қут** + **ла** = **қутла–** > **қутлâ–**.

ҚУТЛУҒ 'бахтли, қут–баракали', 'муборак'. *Шу қ у т л у ғ айёмда ҳаммангизга сиҳат–саломатлик тилайман.* Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат 'бахт', 'бойлик' маъносини англатган **қут** отидан (Девон, I, 311) **–луғ** қўшимчаси билан ясалган: **қут** + **луғ** = **қутлуғ**.

ҚУТУЛ– 'кўнгилсиз, оғир, хавотирли ҳолатдан халос бўл–'. *"Билдим", – дедим, тутилдим, "Билмадим", – дедим, қ у т у л д и м* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли **қут–** феълига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(у)л** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, II, 138; ДС, 474): **қут–** +**ул** = **қутул–**; лекин манбаларда 'халос бўл–' маъносини англатган **қут–** феъли акс эттирилмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДСнинг 461– бетида Маҳмуд Кошғарий луғати асосида (Девон, II, 341) **қот–** феъли келтирилиб, 'оставлять, покидать, забрасывать' маъносини англатиши айтилган. Балки **қутул–** сўзини ҳосил қилишда шу **қот–** феъли асос бўлгандир.

ҚУТҚАР– 'кўнгилсиз, оғир, хавфли ҳолатдан халос қил–'. ***Мени шарманда бўлишдан шу киши қ у т қ а р и б қ о л д и.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз **қут–** феълига **–қар** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 473), ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қут–** + **қар** = **қутқар–** > **қутқäр–**. Маҳмуд Кошғарий нимагадир жарангсиз **т** ундошидан кейин бу қўшимчанинг жарангли ундош билан бошланадиган **–ғар** шакли билан ҳосил қилинган сўзни келтирган: **қутғарды** (Девон, II, 224). Бундан қатъий назар, манбаларда 'халос бўл–' маъносини англатган **қут–** феъли акс эттирилмаган. ДСнинг 461– бетида Маҳмуд Кошғарий луғати асосида (Девон, II, 341) **қот–** феъли келтирилиб, 'оставлять, покидать, забрасывать' маъносини англатиши айтилган. Балки **қутқар–** сўзини ҳосил қилишда ана шу **қот–** феъли асос бўлгандир.

ҚУЧОҚ 'икки қўл билан қамраб ўз бағрига босиш ҳолати'. ***Ғуломжон онасининг иссиқ қ у ч о ғ и д а н бўшаб, секин ўрнидан турди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу от қадимги туркий тилда 'икки қўл билан бағирга бос–' маъносини англатувчи **қуч–** феълидан **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик ўзбек тилида **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қуч–** + **ақ** = **қучақ** > **қучâқ**. Маҳмуд Кошғарий луғатида бу сўзнинг 'икки қўл билан қамраб олишга тенг миқдор' маъноси акс эттирилган (бу маъно ЎТИЛда шу сўзнинг учинчи маъноси сифатида берилган).

ҚЎБИЗ 'қисқа дастали, пардасиз, ғижжакка ўхшаш чолғу асбоби'. ***Мана, тоғ ёнбағирларида чалинган қ ў б и з н и н г нозик, ёқимли куйлари эшитилмоқда*** (Шароф Рашидов). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қобуз** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 346; ДС, 451); кейинчалик эски ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **ы** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашган, бора–бора **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қобуз > қобыз > қобиз.**

ҚЎЗИ 'қўйнинг бир ёшгача бўлган боласи'. ***Ўнг–роқда, яшил тепа устида қўйлар, қ ў з и л а р, эч–килар ўтлаб юрибди*** (Ҳамид Ғулом). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қозы** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 243; ДС, 462); кейинчалик ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қозы > қози.**

ҚЎЗИ– 'фаол намоён бўл–'. ***Тўқсонбойнинг мер–ганлик ҳаваси қ ў з и б, .. типирчилаётган итни бир отишда тамом қилди*** (Парда Турсун). Бу сўзни **қозға–** сўзи билан қиёслашдан кўринадики, ҳар иккиси учун **қоз–** қисми асос бўлган, лекин бундай феъл луғатларда мустақил ҳолатда келтирилмаган; Маҳмуд Кошғарий луғатидаги **қозутты** сўзи ҳам (Девон, II, 353) шу **қоз–** феълидан ҳосил қилинган. **Қозы–** феъли эски ўзбек ти–лида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қоз– + ы = қозы– > қози–.**

ҚЎЗОҚ қ. **қовзоқ**

ҚЎЗҒА– 'фаол намоён бўл–'. ***Унинг келишини эшитгандан бери нафрати қ ў з ғ а б, ўзини қўйга–ни жой тополмай қолди*** (Мирзакалон Исмоилий). Бу сўзни **қозы–** сўзи билан қиёслашдан кўринадики, ҳар иккиси учун **қоз–** қисми асос бўлган, лекин бундай феъл луғатларда мустақил ҳолатда келтирилмаган; Маҳмуд Кошғарий луғатидаги **қозутты** сўзи ҳам (Девон, II, 353) шу **қоз–** феълидан ҳосил қилинган. **Қозға–** феъли эски ўзбек тилида кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қоз– + ға = қозға– > қозғä–.**

ҚЎЗҒАЛОН 'ижтимоий тузумга, ҳукмрон синфга қарши кўтарилган оммавий ҳаракат'. ***Тарихда қ ў з – ғ а л о н л а р жуда кўп бўлган.*** Бу от эски ўзбек ти–лида **қозға–** феълининг 'фаол ҳаракатга келтир–' маъ–носидан **–л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–(а)н** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **ä** унлисига , учинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: (**қозға– + л = қозғал–**) +

www.ziyouz.com kutubxonasi

ан = қозғалан > қозғалâн. Ҳозирги ўзбек тилида **қўзғал–** феълидан ясалган бу сўзни **қўзғолон** тарзида ёзиш учун асос йўқ (ЎТИЛ , 631).

ҚЎЙ 'гўшт, жун, сут олиш учун боқиладиган жуфт туёқли сутэмизувчи уй ҳайвони'. ***Семиз қ ў й н и н г умри калта*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қой** (Девон, III, 155; ДС, 453), **қон** (Девон, III, 154), **қож** (ДС, 453) шаклларида талаффуз қилинган; **қойун, қойын** шакллари ҳам келтирилган (ДС, 453). Охирги икки сўздаги **–н** қўшимчаси кичрайтириш–эркалаш маъносини ифодаласа керак. Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг **қон** шакли **й** ундошининг **н** ундоши билан алмашинуви натижасида ҳосил бўлганини таъкидлайди (Девон, III, 154); бу сўзнинг **қож, қой** шакллари маънода фарқланиб, **қой** шакли 'совлиқ' маъносини, **қож** шакли 'қўчқор' маъносини англата бошлаган (Девон, I, 311).

ҚЎЙ– 'бирор маконга жойлаштир–'. ***Челакни шу ерга қ ў й и н г, Гулнор, сувни мен ўзим элтаман*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феълнинг асосий шакли **қод–** бўлгани ми– солларнинг мўллигидан очиқ кўриниб турибди (ДС, 451), **қой–** шаклига эса уч манбадангина мисол келтирилган (ДС, 453). Бу икки шаклдан ташқари, ДСда **қо–** шакли ҳам келтирилиб, ундан **қод–** шаклига ҳавола берилган (451– бет). Ушбу луғатдаги **қоз–** (ДС, 452: 'оставлять', 'бросать'), **қот–** (ДС, 461: 'оставлять', 'покидать') сўзларини ҳам қамраб олиб фикр юритсак, қадимги туркий тилда 'ўрин' маъносини англатган **қо** оти мавжуд бўлганига, **қод–, қой–, қот–** сўзлари охиридаги ундошлар асли феъл ясовчи қўшимча эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин: **–д** ва **–й** бир қўшимчанинг, **–з** ва **–т** эса бошқа бир қўшимчанинг икки фонетик шаклига тенг бўлиб, **–д** ва **–й** 'маълум маконга йўналтир–' маъносини, **–з** ва **–т** эса 'маълум маконда қолдир–' маъносини ифодалаган бўлиб чиқади.

ҚЎЙИН 'кўкрак билан уни ёпиб турган кийим оралиғи'. ***Бўтабой қ ў й н и д а г и газеталарни олиб, отбоқарга берди*** (Абдулла Қаҳҳор). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'баданнинг кўкрак билан кийим оралиғи' маъносини англатган **қой** отига (ДС, 45: **қой** 'пазуха, грудь') кич–

www.ziyouz.com kutubxonasi

райтириш маъносини ифодаловчи **–(у)н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ДС, 453); қадимги туркий тил– даёқ бу сўзнинг иккинчи бўғинидаги **у** унлиси **ы** унли– сига алмаштириб ҳам ишлатилган (ДС, 453); ўзбек ти– лида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қой + ун = қойун > қойын > қойин.**

ҚЎЛ 'одамнинг елкадан бармоқ учигача бўлган аъзоси'. ***Йўлчи .. иккинчи қўли билан Қора Аҳмаднинг бир қ ў л и н и орқасига қайирди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қо:л** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 454: **қо:л** 'рука', **қо:лычақ** 'ручонка', **қо:ллуғ** 'имеющий руки'); ўша даврлардаёқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (Девон, III, 148): **қо:л > қол.**

ҚЎЛТИҚ 'қўлнинг елкага туташган қисми билан гавда оралиғидаги ички бурчак'. ***Қиз сумкасини қ ў л– т и ғ и г а суқиб ичкаридан чиқди*** (Сайид Аҳмад). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қолтуқ** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 363: **қолтуқланды**); қадимги туркий тилдаёқ бу сўз **қолтық** шаклида ҳам талаффуз қилинган (ДС, 454); Маҳмуд Кошғарий бу сўзни махсус изоҳлаган ерида араб ҳарфлари билан ёзилган сўзнинг иккинчи бўғинида қисқа **у** товушини кўрсатувчи ҳаракат белгиси қўйилган (Девон, I, 440). Демак, бу сўзни **қўл** оти ва **тиқ** феълидан таркиб топган деб ўйлаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Асли бу қўшма сўзнинг иккинчи қисми **ту–** феълига (ДС, 584: **ту–** 'закрывать') **–ғ** қўшимчасини қўшиб ясалган **туғ** оти билан (ДС, 584: **туғ II** 1. 'преграда', 2. 'заслонка, задвижка') ифодаланган дейиш ҳақиқатга яқинроқ; шунда **қолтуғ** сўзи асли 'қўлнинг гавдага туташган ери' маъносини англатгани аён бўлади. Ке– йинроқ сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига, **у** унлиси **ы** унлисига алмашган, сўнгра **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қол + (ту– + ғ = туғ) = қолтуғ > қолтуқ > қолтық > қолтиқ.**

ҚЎМСА– 'кимни ёки нимани кўриш истагини кучли даражада ҳис қил–'. ***Киши қаригандан кейин киндик қони тўкилган жойини қ ў м с а б қ о л а р– к а н*** (Б.Раҳмонов). Бу сўз эски ўзбек тилида қадимги туркий тилда 'соғин–', 'кўришни истаб ғамгин бўл–'

www.ziyouz.com kutubxonasi

маъносини англатган **қомы–** феълидан (ДС, 455) 'истак' маъносини ифодаловчи **–са** қўшимчаси билан ҳосил қилинган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қомы– + са = қомыса– > қомса– > қомсä–**. ДСга **қомы–** шаклида киритилган бу феъл Маҳмуд Кошғарий луғатида **қумы** тарзида ёзилган (Девон, III, 288), лекин бир ўринда **қомы–** шаклида келтирилиб, 'ҳаяжонлан–' маъносини англатиши айтилган (Девон, II, 375). ДСда **қум–** феъли сувнинг тўлқинланишини англатиши айтилган, ҳатто 'сувнинг тўлқини' маъносини англатувчи **қум** оти ҳам келтирилган. Юқоридаги қиёсдан кўринадики, 'соғинч ҳиссини намоён қил–' маъносини англатувчи феъл асли **қом–** шаклида талаффуз қилинган ва ўзбек тилига **қомсä–** феъли тарқибида шу шаклда етиб келган.

ҚЎН– 'учишдан тўхтаб, бирор сатҳдан жой ол–'. ***Ана, қоқди қанотин булбул, келиб қ ў н д и чиройли гулга*** (Илёс Муслим). Қадимги туркий тилда ҳам шундай талаффуз қилинган бу феъл асли 'маълум бир сатҳдан жой ол–' маъносини, кенг маънода 'тунаб қол–' маъносини англатган (ПДП, 414), шу асосда 'яшаш учун жойлаш–' маъноси юзага келган (ПДП, 414; ДС, 455 : **қон– 2** 'оседать, поселиться'); бу феъл қадимги туркий тилда 'учишдан тўхтаб, бирор сатҳдан жой ол–' маъносини ҳам англатган; кейинчалик ўзбек тилида ана шу маъноси асосий маънога айланган.

ҚЎНДОҚ I 'чақалоқни туғилган заҳоти ўраладиган йўргак'. ***Бу сизга қ ў н д о қ д а теккан дард!*** (М.Бобоев). Бу сўз эски ўзбек тилида 'маълум сатҳдан жой ол–' маъносини англатувчи **қон–** феълидан **–(у)т** қўшимчаси билан ясалган отга (ДС, 456) кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–(а)қ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, шунинг оқибатида **н** овоздор ундошидан кейин келиб қолган **т** жарангсиз ундоши **д** жарангли эшига алмашган, сўнгра **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қон– + ут = қонут) + ақ = қонутақ > қонтақ > қондақ > қондâқ.**

ҚЎНДОҚ II 'милтиқ, автомат каби қуролларнинг темирдан ясалган қисмлари ўрнаштирилган, отганда ел–

www.ziyouz.com kutubxonasi

кага тираб туриладиган қисми'. *Қорабоев автомат қ ў н д о ғ и б и л а н офицернинг бошига шундай урдики, автомат қ ў н д о ғ и ҳам синиб учиб кетди* (Адҳам Раҳмат). Бу от эски ўзбек тилида 'чақалоқни туғилган заҳоти ўраладиган йўргак' маъносини англатувчи **қондақ I** отидан маъно тараққиёти асосида ўсиб чиққан; кейинчалик **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қондақ I → қондақ II > қондâқ II.**

ҚЎНДОҚ III 'қушлар тунаши учун ўрнатиладиган дор'. *Бола тонг отмай, товуқлар қ ў н д о қ л а р и д а н тушмай яна ишга тушар эди* (Мирзакалон Исмоилий). Бу от эски ўзбек тилида 'маълум сатҳдан жой ол–' маъносини англатувчи **қон–** феълининг 'такрор' маъносини ифодаловчи **–ла** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **н** овоздор ундошидан кейинги **л** овоздор ундоши **д** жарангли ундошига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қон– + ла = қонла–) + қ = қонлақ > қондақ > қондâқ.**

ҚЎНИ–ҚЎШНИ 'ёнма–ён яшовчилар бир–бирига нисбатан'. *Миржалол қуруқнинг қўрғонига, ҳатто қ ў н и – қ ў ш н и л а р и н и к и г а ҳам гадой келмас эди* (Ғафур Ғулом). Бу жуфт отнинг биринчи қисми 'маълум бир сатҳдан жой ол–' маъносини англатувчи **қон–** феълидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қон– + ы = қоны > қони.** Бу сўз ёлғиз ўзи ишлатилмайди, **қони–қошни** жуфт сўзи таркибида келади (**қўшни** сўзига изоҳ ўз ўрнида берилди).

ҚЎНОҚ 'бирор кишининг уйида тўхтаган йўловчи', 'меҳмон' (эскирган). *Қори афандим, қ ў н о ғ и м и з Гулчеҳрахонимни зериктириб қўймайлик* (Назир Сафаров). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'маълум бир сатҳдан жой ол–' маъносини англатувчи **қон–** феълидан **–(у)қ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 365; ДС, 456); кейинчалик иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **а** унлисига алмашган (ССТТН, II, 94); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қон– + уқ = қонуқ > қонақ > қонâқ.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚЎНҒИЗ 'қобиғи қаттиқ ҳашарот'. *Қоронғилик ичидан кеча қ ў н ғ и з и ғўнғиллаб учиб, ўзини чи-роққа урди* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қоңуз** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 375; ДС, 456; КРС, 403); ўзбек ти-лида **ң** ундоши **нғ** ундошларига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **қоңуз > қонғуз > қонғиз.**

ҚЎНҒИР 'қора-сариқ', 'тўқ малла'. *Мирсаид қ ў н ғ и р коверкот пиджагини ечиб, стулнинг су-янчиғига ташлади* (Пиримқул Қодиров). Қадимги тур-кий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат асли **қоңур** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 374; ДС, 456; КРС, 403); ўзбек тилида **ң** ундоши **нғ** ундошларига, **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **қоңур > қонғур > қонғир.**

ҚЎНҒИРОҚ 'силкитганда тили деворига урилиб садо чиқарадиган, тўнтарилган конуссимон металл ас-боб'. *Бўйинларига осилган қ ў н ғ и р о қ л а р и н и оғир жаранглатиб туялар ўтади* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от **қоңур–қоңур** товушга тақлид сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–ғу** сифатдош қўшимчасини қў-шиб ҳосил қилинган; **–а** қўшимчаси қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, III, 411 : **қоңрады**) : **(қоңур + а = қоңура–) + ғу = қоңурағу > қоңрағу** (Девон, III, 397). Ўзбек тилига бу сўз иккинчи бўғинидаги **у** унлиси сақланиб, **и** унлисига ал-машган ҳолда, охиридаги **у** унлиси талаффуз қилинмай, бу унлидан олдинги **ғ** ундоши **қ** ундошига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига, **ң** ундоши **нғ** ундошларига алмашиб етиб келган: **(қоңур– + а = қоңура–) + ғу = қоңурағу > қоңурағ > қоңирағ > қонғирâқ.**

ҚЎПОР– 'ер бағридан суғуриб ол–'. *Йўлчи ер-нинг тош бағрини ёриб, тўнка қ ў п о р а д и* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз 'кўтарил–', 'тик тур–' маъносини англатувчи **қоп–** феълига **–(у)р** орттирма қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган: **қоп– + ур = қопур–** (ПДП, 414; Девон, II, 75; ДС, 457). Қадимги туркий тилдаёқ бу сўз **қопар–** тарзида ҳам талаффуз қилинган (ПДП, 414); ўз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бек тилига ана шу шакли **а** унлиси **â** унлисига алмашган ҳолатда етиб келган: **қопур–** || **қопар–** > **қопâр–**.

ҚЎРА 'ташқи таъсирдан сақлаш учун атрофи шох–шабба, панжара кабилар билан ўралган жой'. *[Бўри] ярим тунда бир эмас, саккизта қ ў р а г а тушиб, ҳамма молни қийратиб кетди (*Парда Турсун). Бу от қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, 'иҳота қил–' маъносини англатган **қор–** феълидан эски ўзбек тилида **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қор–** + **а** = **қора** > **қорä**.

ҚЎРИ– 'қўриқла–', 'таъсиридан қутулиш учун ҳайда–'. *Узумни чуғурчуққа едириб .. ўтирибди–я! Бор, узумни қ ў р и !* (Назир Сафаров). Қадимги турк–кий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз 'иҳота қил–' маъносини англатган **қор–** феълига 'такрор' (кучайтириш) маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, III, 279); кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қор–** + **ы** = **қоры–** > **қори–**.

ҚЎРИҚ 'мудофаланган, иҳоталанган жой'. *Сув талашган бўлсак , .. ўз қ ў р и ғ и м и з у ч у н эмас, халқ манфаати учун талашдик* (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от 'қўриқла–' маъносини англатувчи **қоры–** феълидан **–ғ** қўшимчаси билан ясалган (Девон, I, 356); кейинчалик ўзбек тилида сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қоры–** + **ғ** = **қорығ** > **қорық** > **қориқ**.

ҚЎРҚ– 'қўрқув ҳис эт–'. *Қ ў р қ қ а н г а қўша кўринар* (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'қўриқла–' маъносини англатувчи **қоры–** феълидан 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–қ** қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ДС, 460 : **қоруқ–**); қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (Девон, III, 427; ДС, 458): **қоры–** + **қ** = **қорық–** > **қоруқ–** > **қорқ–**.

ҚЎРҒОН 'атрофи девор билан иҳоталанган жой', 'қалъа'. *Ғиждувон қ ў р ғ о н и н и н г шарқи шамол ва ғарб томонларидан чиқаётган ғулғула товуш ҳавони тўлғатмоқда эди* (Садриддин Айний). Қадимги

www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'қўриқла–' маъносини англатувчи **қоры–** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–н** қўшимчаси билан ясалган; қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қоры– + ға = қорыға–) + н = қорыған > қорған > қорғân.** ДСда **қорыған** сўзи мўғилча деб белгиланган (458– бет).

ҚЎСҚИ 'эскирган', 'жулдур кийим'. ***Юр, синг–лим, жилла бўлмаса ювиниб, кийиниб, устингдаги қ ў с қ и н г н и ташла*** (Ойбек). Бу сўз асли қадимги туркий тилдаги 'айни–', 'бузил–' маъносини англатган **қус–** феълидан (Девон, II, 18) **–қы** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак; кейинчалик **у** унлиси **о** унлисига алмашган; ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик бел–гиси йўқолган: **қус– + қы = қусқы > қосқы > қосқи.**

ҚЎТИР 'баданда пуфакчалар ҳосил қилиб, қаттиқ қичиштирадиган юқумли тери касаллиги'. ***Боланг қ ў т и р бўлибди, дарров шифокорга кўрсат.*** Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **қотўр** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 461) ; ўзбек ти–лида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **қотур > қотир.**

ҚЎЧҚОР 'бичилмаган эркак қўй'. ***Икки қ ў ч қ о р н и н г боши бир қозонда қайнамас*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от ДСда **қочуңар, қочңар, қочқар** шаклларида келти–рилган (451– бет); Маҳмуд Кошғарий махсус изоҳлаган ерида бу сўзни **қочңар** тарзида келтирган (Девон, III, 392), бошқа ерида **қоч** шаклида келтириб, "Бу ўғизча. Асли **қочуңар**" деб таъкидлайди. Ҳақиқатда, **қоч** сўзи ДСда 'баран' ('қўй') деб таърифланган (451– бет). **Қочқар** сўзи асли ана шу **қоч** отига **–(у)ң** қўшимчасини қўшиб ясалган сифатдан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълга **–р** қўшимчасини қўшиб ясалган; қадимги туркий тилдаёқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилин–май қўйган, сўнгра **ң** ундоши **қ** ундошига алмашган; ўз–бек тилида иккинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига ал–

www.ziyouz.com kutubxonasi

машган: [(**қоч + уң = қочуң**) + **а = қочуңа–**] + **р = қочуңар > қочңар > қочқар > қочқâр.**

ҚЎШ 'бир–бирига бириккан икки (нарса)', 'жуфт'. ***Эр–у хотин – қ ў ш ҳўкиз*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли маъно тараққиёти натижасида 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **қош–** феълидан (ДС, 460) ўсиб чиққан; бу сўз дастлаб **қо:ш** тарзида талаффуз қилинган бўлиб (ДС, 460), қадимги туркий тилдаёқ **о:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган.

ҚЎША 'жуфт ҳолатда', 'биргаликда'. ***Агар юл–дузлари тўғри келган бўлса, қ ў ш а қаришсин*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сўз асли 'бирлаштир–' маъносини анг–латувчи **қош–** феълининг **–а** қўшимчаси билан ҳосил қилинган равишдош шакли бўлиб, маъно тараққиёти натижасида равишга айланган; ўзбек тилида **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қош– + а = қоша > қошä.**

ҚЎШАЛОҚ 'иккита бир–бирига ёпишган'. ***[Кам–пир] .. бир жуфт қ ў ш а л о қ анорни рўмолидан олиб, Адолатга узатди*** (Иброҳим Раҳим). Бу сифат эски ўзбек тилида 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **қош–** феълининг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–(ы)л** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–(а)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғин–даги **ы** унлиси **ä** унлисига, **қ** ундоши олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **(қош– + ыл = қошыл–) + ақ = қошылақ > қошалақ > қошäлâқ.**

ҚЎШАР 'қўй қўраси', 'қўй подаси'. ***Бошқа қ ў–ш а р д а н қўшилиб қолган қўйларни ажратдик.*** Бу от эски ўзбек тилида 'бирлаштир–' маъносини англа–тувчи **қош–** феълидан **–(а)р** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **қош– + ар = қошар > қошäр.**

ҚЎШИМЧА 'қўшиладиган'. ***Турғун сизга қ ў –ш и м ч а ҳужжат бермоқчи*** (Назир Сафаров). Бу сўз эски ўзбек тилида 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **қош–** феълидан **–(ы)м** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш маъносини ифодаловчи **–ча** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (КРС, 412) ; кейинчалик **а** унлиси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ä унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(қош–** + **ым** = **қошым)** + **ча** = **қошымча** > **қошимчä.**

ҚЎШИН 'қуролли кучлар бирлашмаси'. ***Қ ў ш и н л а р и м и з қарши ҳужумга ўтдилар*** (Абдулла Қаҳҳор). Бу от эски ўзбек тилида 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **қош–** феълидан **–(у)н** қўшимчаси билан ясалган (ССТТН, II, 84; КРС, 412); кейинчалик **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **қош–** + **ун** = **қошун** > **қошин.**

ҚЎШИҚ 'ашула'. ***Кўча томонда чилдирма ва қ ў ш и қ эшитилди*** (Парда Турсун). Қадимги туркий тилда 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **қош–** феълидан **–(у)ғ** қўшимчаси билан ясалган бу от (Девон, I, 357; ДС, 460) асли 'шеър', 'қасида' маъносини англатган, маъно тараққиёти натижасида 'ашула қилиб айтиладиган шеър', умуман 'ашула' маъноси юзага келган; эски ўзбек тилида бу сўз охиридаги **ғ** ундоши **қ** ундошига алмашган (ССТТН, II, 84); кейинчалик иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **қош–** + **уғ** = **қошуғ** > **қошуқ** > **қошиқ.**

ҚЎШНИ 'яшаш жойи ёнма–ён кишилар бир–бирига нисбатан'. ***[Қосимжоннинг] ойиси қ ў ш н и б и л а н гаплашиб турарди*** (Ўлмас Умарбеков). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'маълум сатҳдан жой ол–' маъносини англатувчи **қон–** феълидан **–чы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **ч** ундоши **ш** ундошига алмашган (ДС, 460), сўнгра **нш** ундошлари ўрин алмашган (ДС, 455); ўзбек тилида **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **қон–** + **чы** = **қончы** > **қоншы** > **қошны** > **қошни.** Маҳмуд Кошғарий қадимги туркий тилда бу сўзнинг **қошны** шакли ҳам, **қоншы** шакли ҳам қоидага мос ва тўғри деб таъкидлайди (Девон, I, 408). ДСда келтирилган мисоллардан дастлабги шакл **қоншы** экани сезилиб турибди.

ҚЎШОҚ 'бир–бири билан бирлаштирилган', 'бир арқон билан бирлаштириб боғланган (ҳайвонлар)'. ***Анави малла йигит .. чилдирмани қ ў ш о қ қ и л и б чаладиган ҳунари ўткир чилдирмачи*** (Суннатилла Анорбоев). Ҳам сифат, ҳам от маъносида ишлатиладиган бу сўз эски ўзбек тилида 'бирлаштир–' маъносини англатувчи **қоп–** феълидан **–(а)қ** қўшимчаси билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ясалган; кейинчалик **қ** ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **қош–** + **ақ** = **қошақ** > **қошâқ.**

ҚЎҒИРМОЧ 'қовурилган буғдой'. ***Наврўз кирарда .. кўп жойда ўрик қайнатилади, қ ў ғ и р м о ч қовурилади*** (Музайяна Алавия). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли 'қизиган қозонда кафттир билан айлантириб бироз пиширив ол–' маъносини англатган **қоғур–** феълидан (Девон, II, 85) **–ма** қўшимчаси билан ясалган отга кичрайтириш ('бироз') маъносини ифодаловчи **–ч** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (Девон, I, 454); кейинчалик ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига, учинчи бўғиндаги **а** унлиси **â** унлисига алмашган: (**қоғур–** + **ма** = **қоғурма**) + **ч** = **қоғурмач** > **қоғирмâч.**

F

ҒАЛВА 'шовқин–сурон кўтариб қилинадиган жанжал'. ***Хотинининг ғ а л в а с и д а н чарчаган Убайдулло эса аламини ичкиликдан оладиган бўлди*** (С.Маҳмудова). Бу от эски ўзбек тилида шовқин–суронни ифодаловчи **ғала** тақлид сўзидан (бу сўз **ғала–ғовур** жуфт сўзи таркибида сақланган) **–ба** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 329: **калаба** 'скандал'); қўшимча қўшилганидан кейин иккинчи бўғиндаги **а** унлиси талаффуз қилинмай қўйган (КРС, 329: **калба** I *сев. то же, что* **калаба**), ўзбек тилида **б** ундоши **в** ундошига, **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ғала** + **ба** = **ғалаба** > **ғалба** > **ғälвä.**

ҒИЖИМ 'буришган', 'силлиқ ҳолатини йўқотган'. ***[Акбарали] ғ и ж и м қоғозни кафти билан текислаб, яна ўқиди*** (Асқад Мухтор). Бу сўзни **ғижим–** сўзи билан қиёслашдан маълум бўладики, эски ўзбек тилида **ғыжы–** феъли мавжуд бўлган, ана шу феълдан **–м** қўшимчаси билан **ғыжым** оти ясалган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ғыжы–** + **м** = **ғыжым** > **ғижим.** Асли **ғыжы–** феъли ҳам ясама бўлиб, 'буришган ҳолат' маъносини англатувчи **ғыж** отидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган бўлса керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒИЖИН– 'юзини буриштирган ҳолатда ғазабини ифода қил–'. *[Майсахон] иккала биродарнинг бир–бирига ғижиниб турганини кўриб, ҳайкалдай қотиб қолди* (Аббос Муҳиддин). Бу сўз асли эски ўзбек тилида мавжуд бўлиб, 'буриштир–' маъносини англатган **ғыжы–** феълига 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ғыжы– + н = ғыжын– > ғижин–.**

ҒИЛДИРА– 'айланма йўсинда ҳаракатлан–'. *Арава пастликка қараб ғилдираб кетди.* Бу феъл эски ўзбек тилида **ғылдыр** тақлид сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ғылдыр + а = ғылдыра– > ғилдирä–.**

ҒИЛДИРАК 'доира шаклида ясалиб, ўққа ўрнатиладиган, маълум бир куч таъсирида айланиб, арава, машина кабиларни ҳаракатга келтирадиган қисм'. *Зебихон ғилдирак ёғочларига оёғини бир–бир қўйиб аравага чиқди* (Саида Зуннунова). Бу от эски ўзбек тилида **ғылдыра–** феълидан **–к** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ғылдыра– + к = ғылдырак > ғилдирäк.**

ҒИНШИ– қ. **ғиңши–**

ҒИНҒИЛЛА– қ. **ғинғирла–**

ҒИНҒИРЛА– 'ғинғ–ғинғ этган товуш чиқар–'; 'паст товуш билан ҳиргойи қил–'. *Элмуроднинг бир текис ғинғирлаган овози ёқимли нағмадай ҳамманинг эс–ҳушини қамраб олди* (Парда Турсун). Бу феъл эски ўзбек тилида **ғынғыр** товушга тақлид сўзидан **–ла** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган, **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ғынғыр + ла = ғынғырла– > ғинғирлä–.** Сўзлашув нутқида бу феъл **ғинғиллä–** тарзида ҳам талаффуз қилинади, бунда **л** ундошининг таъсири билан унинг олдидаги **р** ундоши **л** ундошига алмашади (ЎТИЛда нимагадир ана шундай товуш ўзгаришига учраган шакл асосий шакл сифатида берилган).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҒИҢШИ– 'ғинг–ғинг этган товуш чиқариб инг–ра–', 'зорлан–'. *Зал жим, фақат кимнингдир этагида бир гўдак ҳар замонда ғ и н г ш и б қ ў я р э д и* (Асқад Мухтор). Бу феъл эски ўзбек тилида **ғың** товушга тақлид сўзидан **–шы** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 492: **кыңшы** – 'визжать, скулить'); кейинчалик **ы** унлиларининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ғың + шы = ғыңшы– > ғиңши–**. Бу сўз **ғинши–** тарзида ҳам талаффуз қилинади, бунда **ң** ундоши **н** ундошига алмашади.

ҒУЖАНАК 'бир жойга тўп қилиб йиғилган'. *Ўрикларда сара бодроқдай Оппоқ–оппоқ ғ у ж а н а к гуллар* (Султон Акбарий). Бу сифат эски ўзбек тилида **ғуж** сифатидан **–а** қўшимчаси билан ясалган феълнинг 'ўзлик' маъносини ифодаловчи **–н** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклига **–(а)к** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **[(ғуж + а = ғужа–) + н = ғужан–] + ак = ғужанак > ғужänäк.**

ҒУЖУМ 'узум бошидаги доналари зич жойлашган шохча'. *Унинг сўзига қараганда. узумнинг ҳар боши тўрвадек ва ғ у ж у м л а р и тутнинг донасидек зич бўлиши керак* (Абдулла Қаҳҳор). Бу от эски ўзбек тилида **ғуж** сифатидан **–ы** қўшимчасининг **–у** шакли билан ясалган феълга **–м** қўшимчасини қўшиб ясалган: **(ғуж + у = ғужу–) + м = ғужум.**

ҒУЛДУРА– 'эшитилар–эшитилмас ҳолда, ноаниқ гапир–'. *Зайнаб ўзининг хатосини англади ва гапи–ролмай ғ у л д у р а д и* (Абдулла Қодирий). Бу феъл эски ўзбек тилида **ғулдур–ғулдур** товушга тақлид сўзидан **–а** қўшимчаси билан ясалган (КРС, 442; **кулдура–** 1. 'бормотать'); кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига алмашган: **ғулдур + а = ғулдура– > ғулдурä–**. Бу феъл ЎТИЛга хато равишда **ғулдирамоқ** шаклида киритилган.

Ҳ

ҲАҢИ 'ҳанграйверадиган'. *Эшакнинг ёмони – ҳ а н г и, одамнинг ёмони – банги* (Мақол). Бу сифат эски ўзбек тилида **ҳаң** товушга тақлид сўзидан **–ы** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлиси **ä** унлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ҳаң + ы = ҳаңы > ҳäң.**

ҲАҢРА– '"ҳанг–ҳанг" деб қичқир–'. ***Афандининг эшаги кўприкка келганда ҳ а н г р а б ю б о р и б – д и*** (Афанди латифаларидан). Бу феъл эски ўзбек тилида **ҳаң** товушга тақлид сўзидан **–ра** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик **а** унлилари **ä** унлиларига алмашган: **ҳаң + ра = ҳаңра– > ҳäңрä–.**

ҲИД 'ис', 'бўй'. ***Ҳар гулнинг ҳ и д и бошқа*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли **йыз, йид** тарзида талаффуз қилинган (ДС, 265, 264); ПДПда бу сўз **йыд** (391– бетда), **ыд** (442– бетда) шаклларида берилган; Девонда эса **йыз** шаклида ёзилган (III, 56); эски ўзбек тилида **йыд** шакли бошланишидаги **й** ундоши **ҳ** ундошига алмашган, кейинчалик **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **йыд > ҳыд > ҳид.**

ҲОВУЧ 'икки қўл шапалоғининг (панжаларнинг) таг томони бирлаштирилиб, уст томони юқорига бу–килган ҳолати'. ***Ҳ о в у ч и н и тўлдириб–тўлдириб сув ичди.*** Бу от қадимги туркий тилда 'ол–' маъносини англатган **абу–** феълидан **–ч** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 409; ПДП, 354: **абуч**); Маҳмуд Кошғарий бу сўзни **авут,** ҳатто **аӟыт** шаклида келтиради (Девон, I, 111). Асли **абу–** феъли умуман 'ол–' маъносини эмас, балки 'икки қўл шапалоғи билан ол–' маъносини англатган бўлса керак; **абуч** оти ана шундай маънони англатган феълдан ясалган. Кейинчалик бу сўзнинг таркибида қуйидаги товуш ўзгаришлари воқе бўлган: икки унли оралиғида **б** ундоши **в** ундошига алмашган: **абуч > авуч** (ДС, 70), ўзбек тилида бу сўзнинг бошланишига **ҳ** ундоши қўшилган: **авуч > ҳавуч,** в ундоши таъсири билан **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **ҳавуч > ҳâвуч.**

ҲОР– қ. **ҳори–**

ҲОРДИҚ 'меҳнат қилиб, йўл юриб чарчаганлик', 'чарчоқ'. ***Мана, вакиллар икки соатлик ҳ о р д и қ чиқарганларидан кейин .. кўчага томон ҳаракат қилдилар*** (Парда Турсун). Бу от эски ўзбек тилида **ҳары–** феълининг (ЭСТЯ, I, 161) **–т** орттирма қўшимчаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ҳосил қилинган шаклидан **–(ы)қ** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **р** ундоши таъсири билан **т** ундоши **д** ундошига, шунингдек **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(ҳары– + т = ҳарыт–) + ық = ҳарытық > ҳартық > ҳардық > ҳâрдиқ.**

ҲОРИ– 'меҳнат қилиб ёки йўл юриб чарча–'. ***Озиқли от ҳ о р и м а с*** (Мақол). Шундай маънони англатган феъл қадимги туркий тилда **а:р–** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 160, 161); қадимги туркий тилдаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 35), кейинроқ бу сўзга кучайтириш маъносини ифодаловчи **–ы** қўшимчаси (КРС, 72: **ары– III** 'уставать, утомляться'), сўз бошланишига **ҳ** ундоши қўшилган (ЭСТЯ, I, 161); ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **(а:р– > ар–) + ы = ары– > ҳары– > ҳâри–.** Бу феъл **ҳâр–** шаклида ҳам ишлатилади (ЎТИЛ , II, 707).

ҲОРҒИН 'ўта чарчаган', 'толиққан'. ***Катта йўлга чиқиш олдида Салимнинг боғ қўшниси – чангга ботиб ҳ о р ғ и н келаётган Абдулҳақ ота учради*** (Ойбек). Бу сифат эски ўзбек тилида **ҳары–** феълидан (ЭСТЯ, I, 161) **–ғын** қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, **а** унлиси **â** унлисига алмашган, **ы** унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: **ҳары– + ғын = ҳарығын > ҳарғын > ҳâрғин.**

ҲУР– 'вовулла–', акилла–'. ***Ит ҳ у р а р, карвон ўтар*** (Мақол). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли **ўр–** тарзида талаффуз қилинган (Девон, I, 177; ДС, 626; КРС, 823); ўзбек тилида сўз бошланишига **ҳ** ундоши қўшилган, **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ўр– > ҳўр– > ҳур–.**

ҲУРК– 'хавфсираб чўчи–'. ***Гулнор намли кўзлари билан Йўлчига тикилиб, бир нимадан ҳ у р к к а н с и н г а р и яна унга суқилди*** (Ойбек). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу феъл асли 'чўчи–' маъносини англатган **ир–** феълига (ДС, 211) кучайтириш маъносини ифодаловчи **–(и)к** қўшимчасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, I, 636); қадимги туркий тилдаёқ иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, сўз бошланишидаги **и** унлиси ў унлисига алмашган (ПДП, 440; Девон, III, 425): **ир–** + **ик** = **ирик–** > **ирк–** > **ўрк–**; кейинчалик сўз бошланишига **ҳ** ундоши қўшилган, ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ўрк–** > **ҳўрк–** > **ҳурк–.**

ҲУРКАК 'ҳуркадиган', 'чўчийдиган'. .. ***унинг сиридан ҳамма воқиф бўлаётгандай, тевараккa ҳ у р к а к қаради*** (Ойбек). Бу сифат эски ўзбек тилида **ҳўрк–** феълига **–(ä)к** қўшимчасини қўшиб ясалган; кейинчалик ў унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ҳўрк–** + **äк** = **ҳўркäк** > **ҳуркäк.**

ҲУРКОВУЧ 'ҳар нарсадан чўчийверадиган'. ***Мен .. ҳ у р к о в у ч кийикдай оёғимни бир ерга ғуж қилиб қочишга ҳозирлаган эдим*** (Ғафур Ғулом). Бу сўз асли эски ўзбек тилида **ҳўрк–** феълининг кучайтириш ('такрор') маъносини ифодаловчи **–и** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклидан **–гў** қўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдош шаклига **–чи** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; кейинчалик **г** ундоши **в** ундошига, **в** ундошининг олдидаги **и** унлиси **ä** унлисига алмашган, сўз охиридаги **и** унлиси талаффуз қилинмай қўйган, шундан сўнг **ä** унлиси **â** унлисига алмашган, ў унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **[(ҳўрк– +и = ҳўрки–) + гў = ҳўркигў] + чи = ҳўркигўчи > ҳўркäвўчи > ҳўркäвўч > ҳуркâвуч.**

ҲЎКИЗ 'бичилган эркак қорамол'. *Эр–у хотин – қўш ҳ ў к и з* (Мақол). Бу от қадимги туркий тилда **öкўз** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 406; Девон, I, 91; ДС, 383), **öгўз** шакли ҳам мавжуд бўлган (ДС, 382: **öгўз I**); кейинчалик сўз бошланишига **ҳ** ундоши қўшилган, **ö, ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган, иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига алмашган: **öкўз** > **ҳöкўз** > **ҳокуз** > **ҳокиз.** Бу сўз асли 'эркак қорамол' маъносини англатган (ДС, 383), кейинчалик маънода торайиш воқе бўлиб, фақат 'бичилган эркак қорамол' маъносини англата бошлаган.

ҲЎЛ 'сувга ивиган', 'нам'. *Эрталаб туриб қарашса, боланинг кийими жиққа ҳ ў л , бадани мис–*

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай қизиб турган эмиш (Суннатилла Анорбоев). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат **ö:л** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 524); қадимги туркий тилдаёқ **ö:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 406; Девон, I, 83; ДС, 383); ўзбек тилида сўз бошланишига **ҳ** ундоши қўшилган, **ö** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **ö:л > öл > ҳöл > ҳол.**

Фойдаланилган асосий манбалар

Девон – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I – III томлар; Индекс. Тошкент: 1960–1967.

ДС – Древнетюркский словарь. Лгр.: 1969.

ИРЛТЯ – Историческое развитие лексики тюркских языков. М.: 1962.

ИСГТЯ – Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. IV. Лексика. М.: 1961.

КРС – Юдахин К. К. Киргизско–русский словарь. М.: 1965.

ПДП – Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.–Лгр.: 1951.

РКС – Русско–казахский словарь. М.: 1954.

ССТТН – Будагов Л. З. Сравнительный словарь турецко–татарских наречий. I – II томлар. Санктпетербург: 1969– 1971.

ТРС – Магазаник Д.А. Турецко–русский словарь. М.: 1945.

ЭСТЯ – Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. I – IV томлар. М.: 1974–1989.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I – II томлар. М.: 1981.

ЎХШЛ – Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент: 1971.

* *

Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. I. Тошкент: 1961.

Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тефсира XII–XIII веков. М.: 1963.

Гулямов А. Г. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке // Научные труды ТашГУ, вып. 211. Языкознание. Ташкент: 1963.

Исмоилов И. Туркий тилларда **тўнғич, кенжа, эгизак** сўзлари // ЎТА, 1975, 2.

Исмоилов И. Туркий тиллардаги **бўйдоқ** сўзига доир//ЎТА,1978, 1.

Исмоилов И. Туркий тиллардаги баъзи бир сўзлар этимологияси ҳақида // ЎТА, 1986, 4.

Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: 1984.

Русча–ўзбекча луғат: I,II томлар. Тошкент: 1983, 1984.

Ўзбекча–русча луғат. Тошкент: 1988.

Қазақ тілінің қысқаша этимологиялық сөздігі. Алматы: 1966.

Қўнғиров Р., Тихонов А. Ўзбек тилининг чаппа луғати. Самарқанд: 1968.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАШРИЁТДАН

Тилшунос олим Шавкат Ғайбулла ўғли Раҳматуллаев Тошкентнинг собиқ Турк янги шаҳар маҳалласида туғилди. 1947- йили САГУни (ҳозирги ЎзМУни) имтиёзли диплом билан битириб, аспирантурада ўқиди, 1948- йилдан бошлаб ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири лавозимларида ишлади, кейинги йилларда илмий гуруҳга раҳбарлик қилмоқда. 26 ёшида фан номзоди, 41 ёшида фан доктори бўлди.

Устознинг илмий–педагогик фаолияти кўп қиррали. Унинг биринчи китоби 1956- йилда "Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари" номи билан чоп этилган. "Ўзбек фразеологиясининг отаси" деб тан олинган олим ўзбек тилшунослигида ушбу соҳанинг шаклланишига ва ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшди. Ўзбек тили лексикологиясининг, морфологиясининг, синтаксисининг кўпгина долзарб назарий масалаларини ёритишда ҳам хизмати катта. У киши ёзган энг кичик мақолада ҳам тилшунослигимизнинг ривожи учун фойдали янги фикр албатта бўлади.

Муаллим Шавкат Раҳматуллаев ўқув қўлланмалари яратишда ҳам самарали меҳнат қилди. Шундай асарларидан бири – ҳамкорликда ёзилиб, Шавкат Раҳматуллаев қайта ишлаган "Ҳозирги ўзбек адабий тили" дарслигининг 1992- йилги 3- нашри бугун ҳам олий ўқув юртларида асосий қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Шавкат Раҳматуллаевни тил амалиёти доим ўзига жалб қилиб келган. Шу йўналишдаги меҳнатининг натижаси ҳозир жорий қилинган имло қоидаларида, янги имло луғатида, "Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси" номли рисоласида ўз аксини топди.

Шавкат Раҳматуллаевнинг ўзбек тили луғатшунослигига қўшган улушини алоҳида таъкидлаш лозим. Устоз яратган луғатларнинг барчаси ўзбек тилшунослигида илк бор тузилган. Шавкат Раҳматуллаев яратган фразеологик луғатнинг 3000 иборани қамраб олган 3- нашри 1992- йилда чоп этилган. "Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати"ни ҳам 1994- йилда Шавкат Раҳматуллаев тузди. Насим Маматов ва Рашид Шукуров билан ҳамкорликда 1980- йилда чоп этилган "Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати"га тенг келадиган луғат бошқа тиллар бўйича ҳозиргача ҳам тузилмаган. Кейинги беш йиллик тинимсиз машаққатли меҳнатнинг самараси сифатида қўлингиздаги этимологик луғат бунёдга келди. Уни Шавкат Раҳматуллаев 75 ёшида яратиб, луғат шайдолари ҳукмига тақдим қилмоқда.

Етик олим Шавкат Раҳматуллаевни яна кўп йиллар куч–қувват, ишчанлик, синчковлик, илмга фидойилик тарк этмасин, устозга барча режаларини, истак–орзуларини рўёбга чиқариш насиб этсин.

Луғат ҳақидаги фикр–мулоҳазаларни қуйидаги манзилга йўллашингизни сўраймиз:

700144, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, Бош бино, 11– қават, 112– хона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Кириш	3	О	246
Луғат	20	П	267
А	20	С	273
Б	37	Т	316
В	82	У	377
Г	83	Х	398
Д	89	Ч	405
Ж	99	Ш	446
З	105	Э	458
И	107	Ў	472
Й (йа,йе,йи,йо,йу,йў)	130	Қ	500
К	197	Ғ	592
Л	233	Ҳ	594
М	235	Фойдаланилган манбалар	598
Н	243	Нашриётдан	599

Шавкат Раҳматуллаев

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ЛУҒАТИ
(туркий сўзлар)

Муҳаррир Абдуллаева О.
Мусаҳҳиҳ Қобулова Д.

Босишга рухсат этилди 25.08.2000 й. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма усулида ёзув қоғозига босилди. Нашриёт ҳи — соб тобоғи 29,8. Шартли босма тобоғи 31,5 Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 41.

"Университет" нашриёти. Тошкент — 700174, Талабалар шаҳарчаси. ЎзМУ, маъмурий бино, 5 — қават.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара пудратидаги китоб фабрикасида чоп этил — ди. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.

www.ziyouz.com kutubxonasi